

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

Б. де СЕН-ПЬЕР. Пол ва *Виржиния*. Роман 3
Р. ГУНТЕКИН. *Ҳалала*. Комедия 51

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Х. ЛОНГФЕЛЛО. Юлдузлар жилваси 46

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ 10 ЙИЛЛИГИГА

МИРПЎЛАТ МИРЗО. *Ўзбекистон булбули* 89

ПУБЛИЦИСТИКА

АЛЕКСЕЙ АВТОКРАТОВ. *Издихом* 101

СЎНМАС СИЙМОЛАР

ҲАБИБУЛЛО ЗАЙНИДДИН. *Машҳур олим ва сайёҳ* 121

МОЗИЙДАН САДОЛАР

ГАЛИНА ВИШНЕВСКАЯ. *Галина* 126

Июл 2001

ИЖОД СИРЛАРИ

ЗУҲРИДДИН ИСОМИДДИНОВ. Сўз деҳқони..... 145
ТОЖИДДИН РАҲМОНОВ. Ғузалик — бу ҳаёт149

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ПОЛ АНДРЕОТА. Ҳаёт сўқмоқлари. Роман153

Бош муҳаррир:
Озод Шарафиддинов

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(бош муҳаррир муовини)
Файзи Шоҳисмоил
(масъул котиб)
Амир Файзулла
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:
Юсуф Абдуллаев
Аслиддин Болиев
Жамолiddин Бўронов
Одил Ёқубов
Рисбой Жўраев
Хайрулла Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Абдулла Орипов
Жавлон Умарбеков
Рустам Шоғуломов
Тўлапберган Қайпберганов
Саидахроп Ғуломов

Жаҳон адабиёти, 7. 2001

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛА
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусахҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Н.АШРАБХЎЖАЕВА
Компьютерда саҳифаловчи А.СУЛТОНОВ

Теришга берилди 09.07.2001 й. Босишга рухсат этилди 10.09.2001й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1700 нусха. К-8818 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти“ журнали компютерида теришиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2001 й.

Бернарден де СЕН-ПЬЕР

Пол ва Виржиния

Роман

МУАЛЛИФДАН

Ҳажм жиҳатидан чоғроқ асаримни ўз олдимга катта мақсад қўйиб ёзишга киришдим. Европа мамлакатлариникига мутлақо ўхшамаган ҳосилдор тупроқ ва ўсимликлар дунёсини тасвирламоқчиман. Шоирларимиз кўпинча шилдироқ сас-садоси билан дилни қитиқловчи жилғалар бўйида, ям-яшил ўтлоқлар бағрида, қайинзорлар соясида ўтириб ижод қилишни ёқтирадилар. Мен эса уларни денгиз соҳиллари, улкан қоялар этакларига туташ ястанган хурмозорлар, айнан қийғос гуллаган лимон дарахтлари қучоғига чорлагим келади. Бир ерда кўним топмас, мазахўрак саёҳатчилар Жанубий денгизлар оғушидаги ороллар табиатини беҳуда мақтамайдилар-ку, ахир? Минг афсуски, маҳаллий аҳолининг миллий анъанавий тадбирлари, айниқса, кейинги пайтлар у ёқларга тез-тез қадам ранжида қилиб қолган европаликларнинг табиатга бўлган бешафқат муносабатлари туфайли бокира манзараларга катта зарар етказилмоқда. Менда ана шундай кичик гўшалардаги беқиёс гўзалликларга бой тропик ўрмонларнинг ўзига хос кўрки, табиий неъматлари билан яқиндан таништириш ва ўша манзилгоҳларга нистабан барчада чуқур меҳр уйғотиш хоҳиши туғилиб қолди. Шунингдек, ҳаётимизнинг табиат билан чамбарчас боғлиқ томонлари, ижтимоий турмушимизда яшил бойликларнинг тутган ўрни, яшил дунё ҳақиқати ва у ерларда содир бўладиган ажойиб воқеалар билан китобхонни ошно этишни муқаддас бурчим деб билдим.

Асар қаҳрамонлари ўзига тўқ, ҳаётда омади юришган оила вакиллари эмас, балки олдий ва камтарин фуқаро, ҳақиқий жафокашлардир. Яна шуни ҳам ишонтириб айтаманки, мен қаламга олган барча содирликлар ҳақиқатга яқиндир. Бунга Иль-де-Франсе вилоятида истиқомат қилувчи менинг кўплаб танишларим гувоҳдирлар. Ўзимдан эса арзимас айрим жиҳатларнигина қўша олдим, холос, лекин қўшганларим ҳам рўйирост бошимдан кечирган саргузаштларим, кўрган-билганларим маҳсулидир.

Бундан бир неча йил аввалроқ ёзганларимнинг хомаки нусхаларини юқори табақадан бўлган бир хонимга, ундан кейин турли тоифадаги бошқа кимсаларга ҳам ўқиб бериб, асарнинг таъсир кучини синовдан бир ўтказиб олгим келди. Улар мен ўқиган барча замзамаларимни диққат билан тинглашди. Кутилмаганда кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлаганини ҳам кўриб қолдим. Бундан ўзимда қониқиш ҳосил қилиб, астойдил ишга киришдим.

Жонрид
АБДУЛЛАХОНОВ
таржимаси

Жак-Анри Бернарден де Сен-Пьер 1757 йилда Нормандия (Франция)нинг порт шаҳри Гаврда почта ходими оиласида дунёга келди. Адиб "Иль-де-Франсга саёҳат" (1773), "Табиат манзаралари" (1784) каби ўнлаб романлар ёзди. "Пол ва Виржиния" ёзувчи ижодининг чўққиси деса бўлади. Сен-Пьер 1814 йилда Париж яқинидаги ўз мулкида оламдан ўтди. Унинг асарлари жаҳоннинг кўплаб халқлари тилларига таржима қилинган. Ёзувчининг романини ўзбек тилида илк бор ўқийсиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Иль-де-Франс оролига туташ Людовик порти ортида салобат тўкиб, қад тиклаган тоғлар бағрига йўли тушган одам ҳосил ундириш мақсадида анчамунча тобига келтирилган каттагина ер майдони ва бир-бирига қўшни икки хароба кулбага кўзи тушиши мумкин. Кулбалар атрофи баланд қоялар билан қуршалган пастқамликнинг қоқ ўртасига жойлашган бўлиб, бу масканга шимол томондан биргина йўл орқали кирилади. Чап томонда очик Тепалик деб аталувчи баланд қир ястанган. Унда орол сари яқинлашаётган кемаларга йўл кўрсатувчи огоҳлантириш чироқлари ёниб туради доим. Тепаликнинг ён бағридан бошлаб чўзилган ширингина Людовик шаҳри кўзга яққол ташланади. Унг томонда эса мазкур шаҳардан бош олиб, Пампельмуслар округи ва ундан сўнг кенг водийнинг қоқ ўртасидаги бамбукзорлар билан қуршалган хиёбонли Пампельмуслар ибодатхонаси томон равон йўл кетган. Ибодатхона ортидан эса оролнинг охирига қадар қуюқ ўрмон чўзилиб, бутун борлиғи билан ўзини кўз-кўз қилади. Худди ўша жойда туриб, денгиз томон назар ташласангиз, қаршингизда Қабрлар кўрфази, ундан ўнгроқда Бахтсизлик бурни, сўнг чексиз денгизнинг ўзи эътиборингизни тортади. Денгиз оғушида инсон оёғи етмаган бир неча оролчалар, шу жумладан улкан кўргонни эслатувчи Замбарак Тиркови номли орол ҳам тўлқинлар аро сузиб юргандай туйилади кишига.

Пастқамликка кираверишдаги йўлақдан қарасангиз, бутун борлиқ айнан кўз олдингизда турланиб, товланиб, беқиёс гўзаллигини сизга намоиш этаётгандай бўлаверади. Кучли шамоллар муттасил елиб, ён-атрофлардаги ўрмонларни тинмай чайқатиши, сон-саноксиз тўлқинларни олис-олисликлар сари шиддат билан улоқтириши оқибатида кўтарилган шовқин-суронлардан қулоғингиз батангга келади, баланд тоғлар этакларига урилиб, акс-садо беради. Фақат сиз турган жойдаги икки хароба кулба теварагидагина осойишталик ҳукмон, холос. Мазкур теварак-атрофни ана шу шовқин-сурондан тўсиб турувчи баланд-баланд қоялар худди шу масканни ташқи ҳар қандай офатлардан ҳимояга олгандай гўё. Баланд қоялар бағрида ва ҳатто булутлар билан ўпишган чўққиларда ҳам тўп-тўп дарахтлар ўсган бўлиб, улар қуёш нурида бахмалдай товланади. Қоя чўққиларига тинимсиз ёғаётган ёмғир натижасида қуюқ яшиллик жило ёйиб, тепаликлар ранг-баранг камалаклардан тож кияди бошига. Баланд қоялардан пастликка қараб бетиним югураётган майда жилгалар эса бир-бирларига қўшилиб, ўзанларини тўлдириб, водийни кесиб ўтган Латаний дарёсини ташкил этади. Мустақкам девор янглиғ қоялар билан қуршалган кенг майдон узра эса хомуш сукунат сузиб юргандай. Ҳаёт манбаи бўлган уч нарса: ҳаво, сув ҳамда тиниқ осмон ёғдуси беқиёс улугворлик инъом этади атрофга. Харсангтошли зиналар ёқалаб ўсган чурмо дарахтларининг найзадор шоҳлари майин ел билан ўйнашади, беланчакдай тебранади. Ана шу бетўхтов ҳаракатдаги сас-садоларгина атроф сукунатини бузаётгандай, холос. Фақат туш маҳалига бориб, қуёш нурлари пастқамликлар узра заррин чойшаблар ёйиши билан ҳар қарич ер янада яшнаб, яшариб кетгандай бўлаверади. Қоялар бошларига қайтадан тож киядилар, харсангтошлар кулранг либосларини ечиб ташлаб, ложувард осмон акси жилваланувчи қирмизи рангда товланиш билан қуёш шаънига мадҳия ўқийётгандай тантана қилдилар гўё.

Мана шу жойларда тез-тез бўлиб, кўркамликда тенги йўқ манзаралар ичра танҳо кезишни, пурвиқор кўринишлардан лаззат топишни ёқтираман. Шундай кунларнинг бирида ҳалиги хароба кулбаларга яқин жойда чуқур хаёлга толиб ўтирар эканман, менда унча узоқ бўлмаган масофада ёши бир ерга бориб қолган мўйсафиднинг яқинлашаётгани эътиборимни ўзига тортди. Унинг эғнидаги кийимлари оддийгина, калта камзул, мўъжазгина панталондан иборат эди. Қора ёғочдан ҳасса тутиб, ялангоёқ битта-битта одимлаганча келарди. Сочлари оппоқ, чехрасидан олижаноблигию, самимийлиги яққол билиниб турарди. Мен ҳурмат билан эгилиб, таъзим бажо келтирдим, у ҳам таъзимимга жавоб қилиб, бир нафас мени бошдан-оёқ кузатган бўлди-да, кейин

мен билан ёнма-ён ўтирди. Мен гап бошладим: “Отагинам, мана бу кулбалар кимга тегишли бўлганини билмайсизми?” дея сўрадим ундан. “Билганда қандоқ, ўғлим, — деди у менга жавобан, — бу хилватгоҳга айланиб қолган уйчаларда бундан йигирма йилча аввалроқ бир-бири билан иноқ-иттифоқ икки оила яшаб, томир отган, бахтини топган эди. Кейинги қисматларини айтиб берсам, қаттиқ таъсирланиб кетасиз. Ҳиндистон томонларга олиб борадиган йўл устидаги оролда умр кечириб, камтарона кунларини ўтказган кимсаларнинг тақдири бугунги кунда кимларни ҳам қизиқтирарди, дейсиз. Жаҳонга танилган соҳибқиронлар, подшоҳлар ҳаёти билан боғлиқ воқеалар бўлса бошқа гап. Бундай камсуқум, ғарибона турмуш кечирганларнинг тарихи кимга ҳам керак?” — “Отагинам, — дедим мен унга яна, — гап-сўзларингиздан кўпни кўрган, кўп билган, ақл-заковатлигинага ўхшайсиз. Агар малол келмаса ўшалар ҳақида нималарни билсангиз бир бошдан барини айтиб беролмайсизми? Ишонинг, отахон, ҳар қандай аслзода, киборлар тоифасига мансуб ва ҳатто айрим хурофотга ботган кимсалар ҳам шундай гўзал табиат қўйнида яшаб, турмушидан мамнун бўлганлар, ҳақиқий эзгулик соҳиблари ҳақидаги ҳикояларни эшитишни истайди. Мени ҳам ана шундайлардан бири деб билинг. Ҳа, келинг, илтимосимни қайтарманг, отахон”.

Мўйсафид бир нафас қўлини пешонасига қўйиб ўйланиб турди-да, кейин ҳикоясини бошлади.

1726 йили Нормандияда туғилиб-ўсган де Латур фамилияли йигит Францияда ўзига лойиқ бирон хизматга киришнинг уддасидан чиқолмай, умуман турмушидан омади юришмай охири мана шу оролга келиб қолади. Унинг ёшгина хотини ҳам бирга бўлиб, бир-бирларини ниҳоятда севишар, бир-бирларини еру кўкка ҳам ишонмайдиган даражада эдилар. Хотин катта бир вилоятнинг ўзига тўқ, эътиборли оиласига мансуб бўлса, куёв паст табақадан чиққан, шунинг учун қизнинг яқинлари у билан турмуш қуришига қарши турганлар. Бироқ севишганлар яширинча никоҳдан ўтиб, бу ёқларга йўл олишган экан. Орадан унча кўп вақт ўтмай куёв бўлмиш қайлигини Людовик Портида қолдириб, мазкур жойда ватан қуриш мақсадида мардикорликка ярайдиган уч-тўртта кул сотиб олиш учун Мадагаскар сари денгиз орқали сафарга чиқади. Уша маҳаллар у ёқларда вабо қасали тарқаган эди. Ҳар йили октябр ойидан бошланиб, олти ойгача давом этадиган бундай оғир дардга чалинишдан чўчиганлар у ерларда узоқ яшамасдилар. Де Латур ҳам бу мудҳиш савдодан бенасиб қолмайди. Уйига қайтгач, бир неча кундан кейин ёруғ дунёдан кўз юмади. Маҳаллий урф-одатларга кўра ўз юртидан олинса вафот этганларнинг мол-мулки талон-торож қилиниши қоидага мувофиқ бўлганлиги сабабли уларнинг ҳам бор-буллари таланади. Хотини эса қорнида бола-си билан икки қўлини бурнига тикқанча қақраб-қақшаб қолаверади. Фақат биргина негр аёлдан бўлак ҳеч кими, бирон яқинию ва бирон таниши йўқ хонимга бу юртда ким ишонарди ва ким ҳам ҳолидан хабар оларди, дейсиз. Шунинг учун энг азиз кишисидан айрилган аёл бировга мурожаат қилиб, ёрдам сўрай олмасди, асло. Бироқ бахтсизлик унга мардлик ато этади. Якка-ёлғиз ҳамроҳи саналмиш негр қиз билан бирга тирикчилигига асқатадиган егулик ва маблағ орттириш учун кафтдеккина ерга астойдил ишлов бериш билан ҳосил ундиришга аҳд қилади.

Аҳолиси унчалик кўп бўлмаган мазкур оролда ҳосил ундириш учун ер майдони етарли бўлишига қарамай у бирон нарса экишнинг деярли имкони йўқ ва савдо-сотик юритишга бутунлай ноқулай жойни танлайди. Ҳеч кимсанинг назарига тушмай, танҳоликда ҳаёт кечириш мумкин бўлган бирон панароқ, тоғ дарасига ўхшаш масканни қидириб, шаҳарни тарк этади-да, шу кимсасиз қоялар орасида ватан қуришга бел боғлайди. Одатда бирон нарсадан зада еб, юрак олдириб қўйган ва руҳий озор чекаётган жабрдийдалар беихтиёр одамовига айланиб, кўнгиллари мана шундай пана-пастқам, кимсасиз масканларни қўмсаб қоладилар. Ана шу тилсиз, серрайган қоялар билан қуршалган ёввойи гўшаларда ҳаловат бордай. Гўё шу хилват ва мудроқ, осойишталикларда яраланган қалбларига малҳам топиш мумкиндай. Бироқ тақ-

дир тақозоси билан де Латур хонимга Тангри таоло на мартаба ва на бадавлатлик ато қилмаса ҳам, жонига оро кирадиган ҳамсоя насиб этди.

Шу маскандан унча ўзоқ бўлмаган жойда бир йилдан бери сахий-саховатли, қувноқ табиатли Маргарита исмли аёл яшарди. У Бретанда оддий деҳқон оиласида таваллуд топган, ўша оиланинг эрка ва суюкли қизи эди. Кунларнинг бирида қўшни қишлоқда яшовчи юқори табақали бир йигит кўнгил қўйиб, уни ўзига ром қилиб олади. Бироқ кўп ўтмай қорнида боласи билан емак-ичмак учун бир чақа ҳам қолдирмай уни ташлаб кетади. Иснодга қолган Маргарита қаёққа бошини уришини билмай гарангсиб юради-да, кейин севимли қишлоғини тарк этишга мажбур бўлади. Охир-оқибат худди шу ерга келиб, бировлардан қарз-қурз олиб бўлса ҳам йўл-йўлакай сотиб олган кекса негри билан бир парча жойни обод қилишга киришади.

Де Латур хоним негр қизи кузатувида келиб, Маргаритани бола эмизиб ўтирган жойида учратади. Тақдир айнан ўзиникига ўхшаш, ночор, абгора аёл билан танишишдан бахтиёр эди у. Ўзининг бошидан ўтганлари, аччиқ қисматларини, ҳозирги кундаги аҳволи тўғрисида гапириб беради. Де Латур хонимнинг гапларини эшитган Маргарита қаттиқ таъсирланиб кетиб, ўзи ҳам бор сир-асрорини тўкиб солади. “Менга келганда, қилмишимга яраша жозойимни тортган бандаман, — дейди у, — сиз, хоним, бахтсиз бўлсангиз ҳам кўнгли очиқ аёл кўринасиз!” Шундан сўнг кўзларига ёш олиб, унга ачиниш билдиради ва яшаб турган кулбасидан жой тақлиф қилади. Биргалликда дўстона умр кечиришга тайёр эканлигини билдиради. Де Латур хоним бундай самимий қабулдан таъсирланиб, ҳаяжонланади. Янги дугонанинг бағрига отилади-да, дейди: “Оҳ, жонгинам, бутунлай бегона аёлга шундай олий ҳиммат кўрсатадиган одамни менга Тангрининг ўзи етказди чоғи. Энг яқин қариндош-уруғимдан кўрмаган хайрли эҳсонни сиз инъом қиляпсиз-а, азизам!”

Мен Маргарита билан кўпдан таниш эдим. Бу жойдан бир ярим чақиримча олис Узун тоғ ортидаги ўрмонда яшасам ҳам уни энг яқин қўшним деб билардим. Европа шаҳарларида оила аъзоларинг билан бир кўчанинг у юзию бу юзида яшаб ҳам, ҳатто бир девор қўшни туриб ҳам йиллаб дийдор кўришмаслигингиз мумкин. Аммо бундай жойларда қўшничилик қилишингга на учи-кети кўринмас ўрмонлару ва на баланд тоғлар халал бераолади.

Мазкур оролда Ҳиндистон билан бевосита савдо-сотик алоқалари олиб борилар, ўзаро дўстлик муносабатлари мустақкам йўлга қўйилган, хорижий юртлардан келганларга нисбатан меҳмондорчиликни ўрнига қўйиш шараф ҳисобланар эди. Қўшним ўзига муносиб дугона орттирганини эшитганим заҳоти икковларини йўқлаш ниятида олдиларига келдим. Де Латур хоним хийла тўлишган, юзларидан илиқ жозоба ёғилиб турган аёл эди. Ҳар қалай кўзи ёришига муддати етиб, фарзанд кўриш қувончидан ҳаддан зиёд бахтиёр ҳис қиларди ўзини. Мен иккала аёлга дунёга келадиغان фарзандлари шарафига ўн танобча бекор ётган майдонни ўзаро бўлиб олишлари учун маслаҳат бердим, чунки эртами-кеч бошқа бировлар келиб, уни эгаллаб олишлари мумкин-да, ахир. Маслаҳатим маъқул тушди шекилли, дарровгина шу масалани ҳал қилиб беришни айнан менинг зиммамга юклай қолишди. Мен ҳам чаққон ишга киришиб, кенг майдонни тенг иккига бўлдим: бири Латаний дарёсига асосий манба саналувчи ўша булутўпар қоя чўққисидан бош олиб, сиз кўриб турган анави Амбразура деб аталмиш (дарвоқе, у ҳақиқатдан ҳам замбараклар учун мўлжалланган амбразураларни эслатарди), тоғлар орасидаги тор дарадан тортиб, ясси ялангликларгача давом этарди. У ерлар катта-кичик харсангтош уюмлари, нотекисликлардан иборат бўлиб, бир оз заҳмат чекишга тўғри келар, аммо тик ўсган улкан дарахтларга бой, бунинг устига чашмабулоқлар, жилга, ариқчалар кўп эди. Иккинчи қисми Латаний дарёси бўйлаб қулоч ёйган тептекисликлардан иборат. Икки адир орилигини кесиб ўтган дарё эса ҳозир биз ўтирган жойга киравериш йўлаккача етиб келади-да, сўнг кескин бурилиб, тўппа-тўғри денгизга бориб қуйилади. Ернинг бу қисми ўтўланларга бой, тептекислик. Лекин анави тепаликка қараганда бу ернинг тупроғи носозроқ. Сал ёмғир ёгса, ботқоққа айланиб кетади. Курғоқчилик пайт-

лари қўрғошиндай қотади-қолади. Мабодо зовур қазмоқчи бўлсангиз, болта билан чопишга тўғри келади. Ана шу тарзда ер бўлинганидан кейин хонимларга қуръа ташлаш билан ўз тегишларига эга бўлишликни таклиф қилдим. Шу йўсинда юқори қисм де Латур хонимнинг чекига тушди, пастки қисми Маргаритага. Икковлари ўз улушларидан мамнун бўлишди. Фақат бир-бирларидан олислашишмаса бас. Ҳар куни, ҳар соат кўришиб, ҳамсуҳбат бўлиб яшашларига не етсин.

Маргаританинг кулбаси пастқамликнинг қоқ ўртасига қурилди, унга ёнма-ён де Латур хонимга ҳам қуриб бердим. Натижада дугоналар ён қўшни-жон қўшни бўлиб умр кечира бошладилар. Менинг ўзим тоғ устига қозиқлар қоқиб, ёғоч йўниб, денгиз соҳилларида ўсган тизим дарахтлари шоҳларидан ташиб келиб, иккита кулбанинг томини ёпдим. Ҳозир эса айнан сиз кўриб тургандай ўша кулбаларнинг на эшиги, на туйнуғи ва томларидан ном-нишон қолган. Минг афсуски, уларнинг бари менинг хотирамдагина сақланмоқда, холос. Қанча-қанча подшоҳлар ҳукмронлик қилган бутун-бутун давлатлар қолдиқларини ниҳоятда тезлик билан емиришга қодир вақт ҳам бу кимсасиз масканда кулф урган ажойиб дўстлик қўрғонлари ёдгорликларини менинг хотирамдан ўчиришга қурби етмаётир.

Эсимда: иккинчи кулбани қуриб битиришим биланоқ де Латур хонимнинг кўзи ёриб, қиз туғиб берган эди. Маргарита туққандан кейин ўғлини христиан дини бўйича чўқинтириб, унга Пол дея ном қўйган эдим. Де Латур хоним ҳам Маргарита билан биргаликда қизига от қўйиб беришни бизга топширди. Маргарита Виржиния деган номни танлади: “Умри билан берган бўлсин, ҳузур-ҳаловат ва бахт ёр бўлсин унга, биз кўрган кунларни болаларимиз кўришмасин асло!” — деди.

Де Латур хоним туғуруқхонадан қайтган кунлар икки қисмга бўлинган жойлар менинг ёрдамим ва хизматкорларнинг ғайрат-шижоатлари билан анчамунча даромад келтирадиган бўлиб қолган эди. Маргаритага тобе хизматкорнинг номи Доминго бўлиб, хийла кексайиб қолган, аммо кўринишидан бақувват эди. Бунинг устига анча жасур-жасоратли ҳам. Кўп яшаб, кўп ҳаётий тажриба ортирганлиги билан алоҳида ҳурматга ҳам сазовор эди. У иккала аёлга тегишли ерларга баб-баравар ишлов берар, ер тузилишига қараб уруғ сепар, унумли ҳосил ундиришга тиришарди. Пастқам майдонларга сули ва жўхори, яхши ва унумдорроқ ерларга буғдой, ботқоқлик жойларга шоли уруғи сочар, қоялар этагига жирмони деган полиз экини, ошқовоқ, тоғ ён бағирларига эса бодринг экиб, ҳосил оларди. Қурғоқ ерлардан сертук, тухумсимон, мазаси тилни ёрадиган мевалар, тоғ этакларида пахта, шудгор олиш мураккаброқ жойларда эса шакарқамиш ундирарди. Қир устига қаҳва уруғи сепса, дарё бўйлари ва кулбаларига яқин атрофда жазирама кунлари соя-салқин таратувчи банан дарахтлари ўстирар ва ниҳоят оғир меҳнатдан сўнг бекалари билан бирга дам олиб, андак кайфларини чоғ қилиш мақсадида беш-олти туп тамаки ҳам экиб кўярди.

У тоғларга ўтин тайёрлагани қатнар, қояларни қулатиб, тошларни майдалаб, ер текислар, ўзлари истиқомат қилиб турган томон йўл қуради. У ҳар бир ишни жон дили билан бажарар, шу кунгисини шу куннинг ўзида охирига етказмагунча кўнгли жойига тушмасди ҳеч. Маргаритага эса ҳалдан зиёд боғланиб қолган де Латур хонимнинг ҳурматини ўрнига кўярди. Виржиния туғилгандан кейин эса унинг жорияси Мария деган негр қизига уйланиб ҳам олганди. Мария асли мадагаскарлик бўлиб, бир неча ҳунар эгаси ҳам эди. Ўрмонга бориб, турли ўсимликларнинг шоҳ-шаббаларини йиғиб келиб, чиройли саватчалар тўқир, белга боғланадиган камар ясашни ҳам ўрнига кўярди. У жуда тартиб-сариршталик, покиза, ўз бекасига ниҳоятда садоқатлилиги билан алоҳида эҳтиром қозониб ҳам олганди. Унинг бир нечта товуқлари ҳам бўлиб, уларни боқиш, кўпайтириш, иккала оиланинг емиш-ичмишидан ортанларни бозорга олиб бориб, пуллаб ҳам келарди.

Қадрдон опа-сингилдай бўлиб қолган хонимларга келганда, улар ҳам уйда тинч ўтиришолмас, эртадан кечгача ип йиғириб, турли кийим-кечаклар тўқиш билан кунларини ўтказардилар. Бу нарсалар ўзлари ва бутун оила аъзолари-

нинг эҳтиёжини таъминлашга етиб турар, лекин бари бир турмуш кечириш шарт-шароитлари кўнгилдагидай даражада бўлмаганлиги сабабли изғиринли кунлари ҳам ялангоёқ юришга мажбур эдилар. Фақат ҳар якшанба Пампел-муслар ибодатхонасига борадиган кунларигина кавуш кийиб олардилар. Анчагина олисроқ туйилган Людовик Порти у ёқда турсин, ундан яқинроқ шаҳарчага ҳам камдан-кам қадам ранжида қилишарди. Чунки эгниларидаги бенгал матосидан оддийгина тикилган кўкиш ранг кийим-кечакларига кўзи тушганларнинг жирканиб қарашларидан хижолат чекишарди. Бирок ҳеч ким нима демасин, улар тўғрисида қандай ўйларга боришмасин, бари бир ўзларининг бахтли турмушлари олдида бари-барчаси арзимаган гапга ўхшарди. Шунинг учун иккала хоним ҳам кимсалар кўзига қанчалик аянчли кўринишларидан изтироб чексалар, уйларига шунчалик мамнуният ва қувонч билан қайтишарди. Ҳарқалай, бу ерда ўзларининг саъй-ҳаракатлари ва хизматкорларининг тиришқоқлиги натижасида йўлга қўйилган ўзига хос саришталик-покизаликлар доим кутиб турарди уларни. Икковлари ҳам баб-баробар бир хилдаги муҳтожлик, бир хилдаги етишмовчиликларни бошдан кечиришар, лекин ҳеч қайсилари бундан нолишмас, кундалик турмушларига шукроналар айтиб, бир-бирларига суянишиб яшашарди. Дунёқарашлари, хоҳиш ва мақсадлари ҳам бир хил, бир бурда нонни тенг иккига бўлиб, баҳам кўрадиган даражада аҳил ва иноқ эдилар. Ҳамма нарса ўртада, дўстона муносабатлари эса авваллари ҳар бирларининг қалб тўрида учкунланиб турган бўлса, энди алангаланиб борарди.

Табиат инъом қилган масъулий ҳиссиётлари кундан-кун ривож топиб, ўртадаги иттифоқликнинг барқарорлиги мустаҳкамланиб борар ва бу ҳиссиёт бир вақтлар инқирозга учраган муҳаббатлари ҳосили бўлмиш фарзандлари туғилгандан кейин янада бақувватроқ илдиз отиб, барваста қомат ёярди. Улар икки чақалоқни бирга чўмилтириб, бир бешикка белардилар, бирини қўйиб, бирини қўлга олиш билан навбатма-навбат эмизардилар. “Дугонажон, — дерди де Латур хоним, — қандай бахтиёр аёллармиз-а, ҳар биримизнинг иккитадан фарзандимиз бор, ҳар бир фарзандимизнинг иккитадан онаизори бор энди”. Бир хил дарахтда ниш уриб, куртак ёйиб, кучли бўронларнинг хуржларига мардона бардош бериб, омон қолган новдаларда бир-биридан тотли мевалар етилди. Ёнма-ён ўсган дарахтларнинг биридан ниҳол қўрқиб олиб, иккинчисининг танасига улашингиз билан қанчалик тез ва соғлом ривож топгани каби бу икки аёл кўкрак сутидан баҳра олиб, ҳаёт сари йўл олган бир жуфт норасида ҳам икковининг кучоғида асло бегонасирамай тотув ва иноқ камол топардилар. Оналар фарзандлари бешиги устида дам-бадам гапга тушиб кетиб, уларнинг келажаги, ўтказадиган тўй-томошалари ҳақида гурунгни қизитардилар баъзан. Ўзаро суҳбат бошларидан ўтказган кечирма, саргузаштларга уланиб кетар, энг ёмон кунларигача эслашар, натижада қувонч билан бошланган гурунг кўзёшига эрк беришлар билан тугарди. Бечора аёлларнинг бири қонуний никоҳдан ўтолмай орзу-ниятлари барбод бўлиб, бармоқ тишлаб қолган бўлса, иккинчиси никоҳдан ўтган бўлса ҳам ўз бахтига эришолмаганлиги, насл-насаб билан боғлиқ удумлар туфайли ва ҳамма нарсадан муҳаббатни юқори қўйиш натижасида шу аҳволни бошдан кечириётганлигини ўйлаб кетарди. Худди шулар тўғрисида ҳасратлашиб ўтириб, яна бирдан келажак борасида баҳсга тушишар, турли тасаввурларга берилишар, бир-бирларини овутиш билан юпанч топардилар. Шундай кунлар келарки, фарзандлари улғайиб, европаликларнинг қон-қонларига сингиб кетган хурофий одатлар, бидъатлардан бутунлай холи бўлиб, шафқатсиз ирқчиликлардан йироқда, фақат тенг ҳуқуқли турмуш кечириш, ўзаро меҳр-муҳаббат қўйиб, ҳар нарсани севиб, ҳар нарсдан лаззат топиш билангина бахтиёр яшарлар.

Ҳа, бу икки оиланинг бир-бирига нисбатан мавжуд меҳр-оқибат ва беқиёс садоқат ҳисларини дунёдаги биронта нарсага ўхшатиб бўлмасди. Мабодо Пол йиғлай бошласа, уни дарров Виржинияга рўбарў қилишарди. Пол ҳам қизчага кўзи тушган захотиёқ йиғидан таққа тўхтаб, илжая қоларди. Бордию, Виржиниянинг бирор ери оғриб қолса, буни оналари Полнинг чинқи-

риб йиғлаши орқали билишарди. Бироқ жажжи қизалоқ Полнинг ортиқча изтироб чекмаслигини ўйлаб, ўзини унчалик озор чекмаётгандек қилиб кўрсатишга уринарди. Мен бу ерга қачонки келмайин, икки норасиданинг ёнмаёни ўтиришганини кўрардим. Эндигина тетапоя бўлиб юра бошлаганларида эса худди Эгизаклар юлдуз туркумига ўхшатардингиз уларни, бир-бирларининг кўлларидан маҳкам ушлашиб юришарди.

Ҳатто тунда ҳам битта беланчақда, бир-бирларининг пинжиларига кириб, юзлари юзларига, кўксилари кўксиларига тегиб, кўллари бўйинларига чирмашиб-кучоқлашиб ухлардилар.

Тиллари чиқиб, гапира бошлашлари билан биринчи ифода қилган сўзлари “акажон”, “сингилжон” бўлган. Гўдаклик пайтларидан бошлаб мустақкамланиб борган ўзаро меҳр, садоқатлари, илтифотли муносабатларини таърифлаш учун сўз топишга ожизман. Саховатли ва азалдан кўнгиллари ниҳоятда соф оналаридан олган тарбиялари натижасида доим бир-бирларига нисбатан кўмакдош, ҳамжиҳат бўлиш, хурмат-эҳтиромни ўрнига қўя билиш фазилатлари мустақкам ҳарот топаверарди. Уй ишларини ҳам биргалиқда, баб-баробар бажарадиган бўлдилар. Атрофни супириб-сидириш, саришталаш, қишлоқ жойларига хос хуштаъм овқатлар пишириш сингари вазифаларни Виржиния ўз зиммасига олган. Ҳар сафарги пиширилган овқат биринчи бўлиб Пол томонидан мақталар, ўз навбатида қиз акасининг ўпиб кўйишига муяссар бўларди. Полга келганда, унинг ҳам тиними йўқ: бир қарасанг, Даминго билан ер чопаётган, бир қарасанг, кўлига болта олиб, ўрмонга кетаётган... Йўл-йўлаккай биронта чиройлироқ гулни кўрса, бирон мазалироқ мева учратса, Виржиния учун кўйнига солар, полапонлари темир қанот ёйиб, учиб кетиши билан бўм-бўш қолган биронта бежиримроқ уя кўрса, дарахтнинг қоқ учгинасида бўлса ҳам устига чиқиб, оларди-да, сингилсига келтириб берарди.

Борди-ю, болалардан биронтасини бирор ерда ёлғиз учратиб қолсангиз, ишончингиз комил бўлсинки, иккинчиси ҳам шу ўртада. Кунларнинг бирида тоғдан туша туриб, боғ тўрида шариллатиб ёғаётган ёмғирдан ўзини ҳимоя қилиш учун юбкасини бошигача кўтариб чопқиллаганча бораётган Виржинияни кўриб қолдим. Олисанг якка-ёлғиздай кўринди кўзимга. Йўқ, адашибман, ёрдамим тегармикин, деб яқинлашиб борсам, бир юбка остида икки киши — ўзию — Пол икковлари қикир-қикир кулишганча югуриб боришарди.

Уларнинг яккаю ёлғиз мақсади бир-бирларининг кўнглини топиш, бир-бирларига ўзаро кўмаклашишдан иборат. Қолган ҳамма нарсаларга безътибор эдилар. Ҳатто на ёзишни билишарди ва на ўқишни. Утган замон воқеалари, ўзлари туғилганига қадар шу атрофда нималар содир бўлиб, нималар кечилгани бирорталарини қизиқтирмасди. Билган-кўрганлари ҳам мана шу тоғу тошлар, мана шу денгиз ва орол. Бутун олам кўзга ташланган ям-яшилликлар, қоялар, дарёлар, шу икки кулбадан иборат, холос. Қаёқлардадир, ўзлари бориб кўрмаган жойларда ҳаёт мавжудлигини тасаввур ҳам қилолмасдилар, ҳатто. Ўзаро ва оналарига бўлган муҳаббатларигина ички дунёларини безаб турар, шу билан мамнун, шу билан бахтиёр эдилар. Ҳеч қачон беҳуда ўтаётган кунлари, атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи маълум-номаълум ҳодисалар устида бош қотиришмас, бирон нохуш жараён, фалокат келтириши мумкин бўлган воқеалар ҳақида қайғурмасдилар ҳам. Ҳеч қачон қиссадан ҳисса чиқаришни, дунёда бемаъна ахлоқ-одоблар ҳам борлигини ва ҳатто улардан тўғри ёки нотўғри хулосалар чиқариш мумкинлигини билишмасди. Ўғирлик қилиш, шахсий бир нарсанинг эгаси бўлишдайки фикрга боришларини тасаввур ҳам қилишолмасди. Уларнинг ихтиёридаги барча нарсалар фақат ўртада, ҳаммаси умумий эди. Ёлғон гапириш, алданиш, муғомбирлик қилишларига ўрин йўқ. Чунки бир-бирларидан махфий тутадиган нарсаларнинг ўзи мавжуд эмас. Овқат танламасдилар, емиш-ичмишлари табиатнинг ўзи берган сув, мева-чева, ўзлари етиштирган дон-дун, хуллас, борича бозор. Ундан ортигининг кераги ҳам йўқ уларга. Ношукр бандасига Тангри таоло томонидан қаттиқ жазо юборилиши мумкинлигидан ўчмасдилар ҳам. Диний ақидаларига келганда, шуни айтиш керакки, фақат муштипар оналарига меҳр-муҳаббатларигагина сиғинишни

тушунардилар. Ибодатхонага бориб, узундан-узоқ дуо ўқимасалар ҳам уйдими, дала-даштдами, ўрмон кезиб юришгандами — қаерда бўлишмасин, нозиккина қўлларини кўкка чўзиб, чин юракдан волидаларининг сиҳат-саломатликларини сўраб, худого илтижо қилардилар.

Болаликнинг илк давлари эрта тонг каби беғуборлик билан ўтиб борарди. Виржиния кун ёришишидан хабар бергувчи хўрозларнинг биринчи қичқириви биланоқ ўрнидан сакраб турар, яқингинадаги булоқдан сув келтириб, ҳаммага нонушта тайёрлашга киришарди. Кўп ўтмай теваракни қуршаб турган тоғлар бошига қуёш ёғду сочар, Маргарита ўғлини етаклаб, де Латур хонимниқига йўл олар, биргаликда ибодат қилишиб бўлиб, дастурхон атрофидан жой олишар эди. Дастурхон тўла табиат эҳсони — кишига қувват бахш этгувчи беғубор таомлардан истеъмол қилишарди. Шунинг учун ҳам ёшларнинг танаси тўлишиб, тез ривож топар, тоза қалбларидай юзлари тиниқлашиб, ўзгача чирой очардилар. Виржиния айнан ўн икки ёшга тўлганда сарвдай қомат қўйиб, бошига чамбарак қилиб олган узун, майин ва ялтироқ сочлари унга янада бошқача хусн бахш этарди. Кўм-кўк кўзлари, ёқут ранг лаблари унинг тоза ва тиниқ чеҳрасида қандайдир нозик жилвакорлик аксини берар, гапираётган маҳали шу кўринишларининг ҳаммаси қўшилиб, беқиёс жозиба таратаётганга ўхшарди. Сўзсиз, нидосиз кўк сари нигоҳ ташлар бўлса, осмон унда ўз аксини кўраётгандай туюлаверарди. Пол ҳам андак тўлишиб, келишган келбатли, ўспиринликдан кўра, балоғатга етган забардаст йигитлардай салобат тўкиб қолганди. Виржинияга қараганда ҳам бўйдорроқ бўлиб, танаси бугдойранг, қиррабурун, қоп-қора кўзларининг қарашларида хийла ўзига бино қўйган одамларга хос қиёс тортар, бир оз пастга қараб ўсган гажим ва узун киприқлари чеҳрасига ўзгача мулоўйимлик бағишлаб турарди. Унинг бир жойда кўними йўқ, муттасил питирлаб юрарди. Бироқ синглиси қаршисида пайдо бўлиши билан беихтиёр осойишталик тортиб, дарров ёнма-ён ўтира қоларди. Овқат маҳали бирорталаридан бирор оғиз сўз эшитмасдингиз. Чиройли ва яланғоч оёқларини хиёл букиб, қаддиларини тик тутиб, сассиз-садосизгина ўтирган маҳаллари силлиқ мрамор тошлардан бежирим ишланган антик дунё худоларининг ҳайкалларига ҳам ўхшаб кетардилар.

Шундай пайтларда бўйи чўзилиб, кўз қувонадиган даражада гўзаллашиб бораётган қизини кўрган де Латур хонимнинг кўнглида гурури ортиб бориши билан бирга қалбини қандайдир ғашлик ҳиссиёти ҳам аста ғижимлаб, бутун вужудини безовта қила бошларди. “Худо кўрсатмасин, — дерди у, мен билан ёлғиз қолган пайтлари, — ўлиб-нетиб қолсам, қизимнинг ҳоли нима кечади. Унга ташлаб кетадиган ҳеч қанақа бисотиму бойлигим ҳам йўқ-ку?!”

Де Латур хонимнинг Францияда истиқомат қилаётган ўзига тўқ холаси бор бўлиб, у анча тагли-тугли, бадавлат оилага мансуб эди. Ўта такаббур бу аёл жияни де Латурга турмушга чиққанлиги сабабли норозилик эълон қилиб, унга моддий ёрдам беришдан бутунлай воз кечган, кўнгли азият чекиб, қаттиқ ранжиган жияни ҳам ҳеч қачон унга ялиниб, кўмак сўрамасликка қасам ичган эди. Фақат фарзанд кўриб, она бўлганидан кейингина холасининг ҳақоратнамо гапларию рад жавоб беришларидан чўчимай, барча андишаю эҳтиёткорликларни йиғиштириб қўяди-да, эрининг бевақт ўлими, айни пайтда кўлида боласи билан оғир аҳволда қолганлигини ёзиб юборади. Бироқ хола бўлмишдан ҳеч қандай жавоб ололмайди. Азалдан калондимоғли, бемаъни хулқ-атворли хола жиянининг паст табақадан чиққан эркакка турмушга чиққанлигини ҳеч кечиролмасди. Де Латур хоним эса ана шундай қариндоши олдида қайта камситилиши мумкинлигидан асло ор қилмай хат ёзишда давом этади. Бироқ йил кетидан йил ўтадики, ундан жавоб келавермасди ҳеч.

Ниҳоят, 1738 йили уч йилдан бери мазкур оролда губернаторлик қилаётган жаноб де Лабурдонне орқали холасидан мактуб келганини эшитиб қолади. Шу заҳотиёқ эғнидаги кийимлари бир аҳволдалигига қарамай Людовик Порти томон шошади, зеро оналик гурури кимсаларнинг унинг ҳақида турли фикрга боришларини эшитишдан юқорироқ туради-да. Ҳақиқатдан ҳам де Лабурдонне Франциядан келган мактубни унинг кўлига тутқзади. Мак-

туб де Латур хонимнинг турли саргузаштлар шайдоси, бебош, ҳавойи одам билан тақдирини боғлаганлиги учун жияни ҳақли равишда жазосини тортаётганлигини ёзиб, дакки-дашнолар бериш билан бошланган эди. Шунингдек, ўйланмай қилинган ҳар қандай ишнинг охири вой бўлишлиги, эрининг бевақт вафоти Тангри таолонинг Франкиядайд шаҳарда ўз номига иснод келтириб юргандан кўра ўша ёқларга кетиб, яхши қилганлиги ҳам қаттиқ танбеҳ билан эслатилади. Ўзи эса аллақандай иш ёқмас, дангасалардан холи бўлган ажойиб мамлакатда бекам-кўст, фароғатда яшаётганлигидан мамнунлиги ҳам таърифланган хатда. Ана шундай аччиқ-тизиқ гаплардан сўнг ўз фаҳм-фаросати туфайли нималарга эришганлигини ҳам қистириб ўтиш билан мактубни қуйидагича якунлайди: эрга тегиб, айрим нохушликлар, ҳатто охири фожиа билан тугайдиган ҳодисаларни бошдан кечиргандан кўра эрсиз ўтишни афзал кўриб, қўлини сўраб келганларнинг бирортасига розилк бермаганлиги ва бунинг оқибатида эркин турмуш кечириётганлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, у азалдан иззатталаб, шухратпарастлиги туфайли донгдор, бой-бадавлат эркаккагина турмушга чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бироқ ўша маҳалдаги зодагонлар орасида анча эътиборга лойиқ хоним бўлишлигига қарамай ниҳоятда ярамас феъл-атворли, тошюрак бўлгани учун ҳам бирорта унга оғиз солувчи топилмай, қариқизлигича қолаверган.

Мактубга илова тариқасида жаноб де Лабурдоннедан жиянини васийликка олиб, ундан кўз-қулоқ бўлиб туришликни ҳам тайинлабди. Губернатор номига алоҳида ёзган хатида эса жиянини қоралаб, ашаддий душманга ҳам раво кўрилмайдиган фитна-фасодли гапларни қалаштириб ташлабди. Гуё ўзини унинг тақдирига ачинаётган қилиб кўрсатибди-ю, аслида бошига минг хил туҳмат ёғдирибди.

Ҳар доим яқин-йироқларининг иззат-икром, хайрхоҳ муносабатда бўлишликларига ўрганиб қолган де Латур хонимдай аёл Де Лабурдонне томонидан жуда совуқ қабул қилинади. У ўзи ва қизи билан боғлиқ ҳол-аҳволини гапириб берар экан, жаноб де Лабурдонне унинг сўзларини лоқайдгина эшитиб, менсимаган оҳангда жавоб қилади: “Ўйлаб кўрарман... Вақти келганда бир иложини топармиз... Бева-бечоралар жуда кўп бизда!.. Хурматга сазовор холангиздай хонимни безовта қилавериш инсофдан бўлмас... Барига ўзингни айбдорсиз...”

Ана шундай узук-юлуқ гаплар билан ҳафсаласини пир қилади унинг.

Де Латур хоним уйига ниҳоятда эзилиб, қалби вайрона бўлиб қайтади. Хонасига кириб, холасидан келган хатни стол устига улоқтиради-да, дугонасига қараб дейди: “Ун бир йил сабр-тоқат билан умр ўтказганимнинг оқибати шу бўлди!” Барча оила аъзолари ичида фақат ўзи саводли бўлгани учун хатни қайта қўлига олиб, ҳаммага ўқиб беради. Хатнинг охирига етилар-етилмас Маргарита хоним қизишиб кетиб, уни шартта бўлади-да, сўз қотади: “Шунақа қурумсоқ қариндош-уруғларингга мурожаат қилишингга бирон наф чиқмаслигини билардинг-ку? Намунча ўзингни шунчалик пастга урмасанг? Тангри биздан юз ўгирганмиди ё? Бизларнинг бирдан бир пушти-паноҳимиз фақат угина эмасми? Ҳозиргача қўллаб келди-ку? Нимадан камчилик кўрдик? Мунча тушкунликка тушавермасанг? Худди эрта-индин очимиздан ўлиб қоладиган одамга ўхшайсан-а!” Де Латур хоним кўзига ёш олиб, йиғлай бошлаганини кўрган Маргарита унинг бўйнидан қучоқлаб юпата бошлайди: “Дугонажоним, жонгинам!” дея хитоб қилади у. Бироқ ўзининг ҳам бехосдан ўпкаси тўлиб кетиб, йиғи аралаш овози хириллаб қолади. Уларни кўрган Виржиния ҳам кўзёшига эрк беради. Онасининг бағрига отилиб, юпатмоққа уринади, қўлларини лабларига босади. Пол эса аламдан титраб-қақшаб бақирар, муштарини қаттиқ қисар, кимдандир ўч олмоқчидай газаб билан ер депсинар, у ёқдан бу ёққа тинмай танда кўярди. Уларнинг шовқинини эшитган Доминго билан Мария ҳам югуришиб киришади-да, содирликнинг тагига етиб-етмай оҳ-воҳ қилишади, бутун кулба ичи “Оҳ, хоним афандим... оҳ, саховатли соҳибамиз... айланай, жоним, йиғламанг”, деган аянчли хитобларга тўлиб кетади. Астойдил изҳор этилган меҳр-шафқатли нидолар ҳар қандай

тош юракни ҳам эритиб юбормай иложи йўқ. Худди шундай де Латур хонимнинг ҳам кўнгли юмшаб, қайғу-аламлари тарқаб кетади тезда. Пол билан Виржинияни бағрига босиб, “Оҳ, болажонларим, — дейди, — сизларни деб азият чексам чекибман-да. Энди ҳаммасини унутганим бўлсин, сизлар ёнимда экансизлар, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас, чунки икковингиз менинг бирдан овунчим, қувончимсизлар! Оҳ, болажонларим! Бахтсизлик олисдан келган бўлса, ҳақиқий бахтим ёнгинамда-ку, шунисига минг шуқр...” Пол билан Виржиния муштипар онанинг тинчланганини кўриб, илжайишиб, суйиб, эркалашга ўтишади.

Шундай қилиб улар яна бахтли ҳаёт кечира бошлайдилар. Бўлиб ўтган ҳодиса эса бевақт гулдираган момақалди роқ чақмоғидай тезда ўчиб, номиншонсиз йўқолади.

Якшанба кунларидан бирида оналари Пампелмуслар ибодатхонасига кетишган маҳал эшикдан бир негр қизи ҳовлиқиб кириб келади. Қоқ суякка айланиб, қовурғалари саналиб қолган, эгнидаги кийими йиртиқ-ямоқ, тиззасигача аранг етгудай калта. Бутун оила учун нонушта тайёрлаётган Виржиниянинг оёқларига йиқилиб, мунгли нола билан хитоб қилади у: “Менга раҳмингиз келсин, ёш хоним, қочқин, чўри қизни ўз ҳимоянгизга олинг. Бир ойдан бери мана шу тоғлар орасида тентираб, овчиларнинг итларига таланиб юрибман. Очликдан тинка-мадорим қуриди. Яқинда Қора дарё соҳилига кўчиб келган бир бадавлат соҳибнинг жорияси эдим. Ундан қочиб кетганман. Мен билан қандай муносабатда бўлганлигини бир кўринг”. Шундай деб туриб қамчи зарбидан моматалоқ бўлиб кетган баданларини кўрсатади у. “Ўзимни сувга отиб, нобуд қилмоқчи эдим. Бу атрофда бирдан сизларни кўриб қолдим-да, зора тирик қолишимга кўмак беришар, деб олдингизга кириб келдим”. “Ўзингни бос, тинчлан, Тангрининг бечора бандаси, — дея юпата бошлайди унинг гапларидан қаттиқ таъсирланиб кетган Виржиния, — ўтириб, мана буларни еб ол!” Нонушта учун тайёрлаб қўйган неъматларни унинг олдига қўяди кейин. Негр қизи бор нарсаларнинг сўнгги увоғигача қўймай пок-покиза туширади. Унинг тамадди қилиб олганидан сўнг Виржиния бир қарорга келганини айтади. “Бечора қиз, энди ўша соҳибингнинг олдига бориб, сенга шафқат қилишини сўраб бераман. Ҳеч қачон сенга озор бермайдиган бўлади — шунга кўнасанми?” — “Тангрининг ердаги маъбудаси, сиз нима десангиз жон деб кўнганим бўлсин”. Виржиния акасини чақириб, кузатиб қўйишини сўрайди. Негр қизи уларни ўрмон ичидан олиб ўтиб, аранг тирмашиб чиқиладиган баланд тоғлар орқали етаклайди. Катта дарёдан кечиб ўтишади. Ниҳоят тушга яқин Қора дарё соҳилидаги каттакон қир бағрига етиб келишади-да, қип-қизил ранг уй олдидagi кенг экинзорда қуллар тиним билмай турли юмушларни бажариб юришарди. Оғзига тамаки трубкаси тикиб, қўл таёқ қўлтиқлаб олган соҳиблари эса уларни оралаб, у ёқ-бу ёққа одимлайди. У узун бўйли, озғин, кўзлари чуқур, қошлари қуюқ, бугдойранг одам эди. Виржиния Полнинг қўлидан қаттиқ ушлаганча, бир оз қалтираган ҳолда яқинлашади-да, ўзидан бир неча қадам орқароқда турган негр қизининг гуноҳидан ўчишини худони ўртага қўйиб, илтижо қилади. Янги кўчиб келган соҳиб аввалига ночор кийинган бу икки норасидага кулоқ солишга хоҳиш билдирмайди-ю, тасодифан Виржиниянинг келишган қоматига, мўлтираб турган кўзларига нигоҳи тушиб, бутун қиёфаси каби қалтираётган овозини эшитида-да, унинг раҳм-шафқат тилаб биров учун жон куйдираётгани таъсирида юмшайди ва оғзидан тамаки трубкасини олиб, қўл таёқчасини баланд кўтарган тарзда худо ҳақи эмас, шу норасида Виржиния ҳақи жориясининг гуноҳидан ўтганлигига қасам ичади. Бу гапларни эшитган Виржиния негр қизини имлаб чақириб билан соҳибига рўбарў қилади, ўзи эса шу заҳотиёқ бу ерни тарк этиш пайида тез йўлга тушади, унинг ортидан Пол ҳам чопқиллайди.

Улар баланд қир бағрига чиқишади-да, очликдан ҳолдан тойиб, чанқоқликдан оғизлари қуриб, қаттиқ чарчаган бир ҳолатда каттакон дарахт остига чўкишади. Қуёш уфқдан бош кўтараётган маҳал йўлга чиққан ака-сингил оч-наҳор беш чақиримдан ортиқроқ масофани босган эдилар. “Вақт пешинга

яқинлашиб қолди, ниҳоятда очикдинг, чанқадинг, сингилжоним, — дейди Пол, — бу жойда ўтириш билан емоққа ярайдиган ҳеч вақо тополмаймиз. Яхшиси қирдан тушиб, негр қизининг соҳиби олдига қайтиб борайлик-да, оз-моз емоқ сўрайлик”. “Ҳе, йўқ, азизим, — эътироз билдиради Виржиния, — ундан шундай кўрқиб кетдимки, ҳалигача баданим қалтирайди. Эсингдами, бирда онам нима дегандилар? Золим одамдан бир бурда олиб еган нонинг оғзингга тошдай ботади”. “Унда нима қиламиз? — сўрайди Пол, — мана бу тизим дарахтида емоққа арзир бирон меъа йўқ, бу жойларда на зирк бутаси ва лимон дарахти ўссаки, ҳосилидан татиб, андак дармонга кириб олсанг”. — “Кўявер, худонинг ўзи бирон нарса етказди бизга, — унинг сўзини бўлади Виржиния, — ҳов анави қушнинг чириллашини эшитяпсанми, она-сидан овқат сўраб ялиняпти”. Унинг гапи тугар-тугамас яқингинадаги қоя ортидан сувнинг шилдираши қулоқларига чалинади. Улар ўша томонга чопадилар, биллур сингари тиниқ чашмадан сув ичиб, чанқоқликларини қондирадилар. Сўнг бута шохларидан қандайдир майда мевалар узиб, еб олишади. Атрофга назар ташлаб, яна биронта дурустроқ емоқ бор-йўқлигини билмоқ бўлишади. Кутилмаганда Виржиниянинг кўзи ўрмоннинг қоқ ўртасида қад тиклаган ёшгина хурмо дарахтига тушади. Бироқ хурмонинг ҳосили унинг учгинасида бўлиб, унга етишиш амримаҳол. Чунки дарахт танасининг йўғонлиги ўзларининг оёқлари тенги бўлса ҳам бўйи ниҳоятда баланд эди. Бунинг устига у шундай қаттиқ дарахтки, танасига унча-мунча болта ҳам ўтмайди, Полнинг қўлида эса хатто пичоқча ҳам йўқ. У хурмо дарахтининг тагидан ўт кўйиб, йиқитишга қарор қилади, лекин буни айтишга осон: ёнида бирор дона гугурти ҳам йўқ-ку. Нуқул харсангтошларга кон бўлган бу кимсасиз оролда биронта чақмоқ тош ҳам тополмайсиз. Бироқ эҳтиёж ақлингни чархлайди. Жуда кўп фойдали ихтиролар қашшоқ одамлар томонидан кашф этилган. У қора танлилар усули бўйича олов топишга қиришади: қуруқроқ шох топиб, оёғининг тагига олганча қимир этгирмай ўткир тош қирраси билан йўниб, кичкина чуқурча ҳосил қилади, кейин аввалигисидан ингичкароқ бошқа шохчанинг бир учини тош қирраси ёрдамида ўткирлаштиради ва ҳалиги шохнинг чуқурчасига тикади-да, танасини икки кафти орасига олиб, бетўхтов ишқалайверади. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас шохчанинг ўткир учи тикилган чуқурчадан тутун буруқсаб, учкун чиқа бошлайди. Атрофдан йиғиб келган хашак-хушакларни эса хурмо дарахти тагига тўплаш билан ўт олдиради. Шу тариқа дарахтни гурсиллатиб ерга қулатишга эришадилар. Хурмо оддий хурмо эмас, карам шаклида бўлиб, таъми ҳам карам мазасини беради. Бунинг устига унинг пўсти ниҳоятда қаттиқ, дабдурустдан оғизга солиш мумкин эмас, шунинг учун олов тафтида пўстини юмшатиш билан арчиб, бир бўлагини шундайлигича, иккинчи бўлагини эса ўтда пишириб ейишади. Хоми ҳам, ўтда пишгани ҳам бир хилда тотли туйилиб, иштаҳа билан ейилади. Камтарона “зиёфат”дан кейин бемалол ўтириб, суҳбат қуришар экан, эрталаб амалга оширилган савобли ишларини эслашиб кўнгиллари ёришиб кетади, бироқ бу вазият ўрнини тезда ташвишли ҳиссиёт эгаллайди яна. Тасодифан юракларида ғулғула уйғониб, безовта бўла бошлайди. Ахир уйдан кетиб қолишлари бунчалик узоққа чўзилади, деб ўйламаган эдилар-да. Оналари хавотир олиб, қанчалик безовта бўлишмаётганмикин, деб ўйлайсизми? Биринчи бўлиб буни эсга олган Виржиния нуқул шу ҳақда гапирарди. Пол эса ўзини дадил кўрсатишга уриниб, Виржинияни юпатишга тиришарди. Волидаи меҳрибонларини абгор қилмасликни маслаҳат беради.

Бироқ олдинда ҳали яна бошқа қийинчиликларга дуч келишликларини билмасдилар. Эрталаб уларга негр қизи йўл кўрсатиб борган эди, энди эса уйга қайтиш маҳали кимнинг кўмагига суянишларини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Қарангки, бу сафар Полнинг удадубронлиги кўл келди. “Биз истиқомат қилаётган кулбаларимиз туш пайтлари куёш осмоннинг қоқ ўртасида тик боқаётган томонда бўлиши керак. Демак, баланд чўққили Уч Кўкрак тоғи оралаб ўтамиз. Ҳа, йўлимиз ўша ёқда. Юравер, азизам, юр тезроқ, ўша

ёққа кетдик”. Қаршидан кўриниб турган тоғлар ҳақиқатдан ҳам оналар сий-насига ўхшашлиги учун Уч Кўкрак деб атардилар.

Улар Қора Дарё ёнидаги баланд қирнинг шимолий бағридан тушиб, яна бир соатча юришади-да, кенг ва салобат тўкиб оқаётган бошқа дарё бўйидан чиқиб, йўллари тўсилади. Бу жойлар қуюқ ўрмонлар билан қуршалган оро-нинг бир қисми бўлиб, кўпларга номаълум, шу сабабдан ҳали-ҳалигача унинг атрофидаги тоғлару, дарёларнинг номлари йўқ. Ака-сингил турган соҳил бўйлаб оқаётган дарё кўпикланиб, катта-катта тошлар оралаб ўтар, унинг шовқин-суронидан ҳайиққан Виржиния сувга оёқ кўйишга ҳам чўчирди. Бунга сезган Пол уни орқасига опичлаб, кучли тўлқинларга эътибор бермай тийғалчиқ тошлар стидан авайлаб юриб, уриниб-суриниб, ниҳоят қарама-қарши қирғоққа чиқиб олади. “Кўрқма, — дейди у сингисига, — сан ёнимда бўлсанг, ўзимни доим бақувват ҳис қиламан. Борди-ю, Қора дарё соҳилига янги кўчиб келган ҳалиги соҳиб сенинг илтимосингни рад қилиб, негр қизнинг гуноҳидан ўтмаганда, у билан астойдил ёқалашмоқчи бўлиб турувдим”. — “Вой, қанақасига, — беихтиёр чўчиб, ҳайрон бўлди Виржиния, — шунақа забардаст, қаҳри қаттиқ одам билан-а? Ҳали сани шунақа балога гирифтормоқчи бўлганмидим-а! Бир худо асрабди-ку? Ё қодир худо, бировга яхшилик қилиш шунчалик қийинми? Яхшилик билан ёвузлик ёнма-ёндир, деб бежиз айтишмас экан-да”. Қирғоққа чиқиб олишгандан кейин ҳам Пол сингисини елкасидан туширмай ярим чақиримча олдинда кўриниб турган Уч Кўкрак тоғи орқали ўтмоқчи эди. Бироқ ҳолдан толди, шунинг учун уни ерга кўйишга мажбур бўлиб, андак нафасни ростлаш мақсадида ёнма-ён ўтирди. “Акажоним, — дейди Виржиния, — кун кеч бўлиб қолди, ҳарҳолда оз-моз кучинг бор, менинг эса қимир этишга ҳолим йўқ, шунинг учун мени шу ерда қолдириб, тезроқ уйга боргинда оналаримизни тинчит”. — “Нима деяпсан, кўй бунақа гапни, — унинг сўзини шартта бўлади Пол, — сени ёлғиз ташлаб кетмайман. Агар қоронғу тушиб шу ўрмон ичида қоладиган бўлсак, гулхан ёқаман, бир неча хурмо дарахтини қулатаман, сен мевасини ейсан, шох-шаббаларидан эса қапа ясаб берсам, иссиққина ором оласан”. Бу орада у дамани олиб, нафасини ростлагач, дарё узра эгилиб ўсган Юзбош дарахти новдаларидан юлиб, ундан пойабзал тўкиб, йўлдаги тошларга урила-урила яранган оёғига кийиб олади, қолган новдалар билан болдирларини ўрайди, чунки эрталаб анави қизга тезроқ кўмак бериш мақсадида шошиб, оёғига бир нарса илиб олиш эсига ҳам келмаган эди. Намгир ҳид таратаётган шохчалар барглари ором топганидан сўнг бамбук поясидан иккита ҳасса ясайди, бирини Полга беради, иккинчисига ўзим таяниб, чап қўлини акасининг елкасига қўйганча йўлга тушади.

Шу алпозда битта-битта босганча ўрмон ичидан чиқиб олишади; кўп ўтмай Уч Кўкрак тоғлари қуюқ япроқларга бурканган баланд дарахтли ўрмон ортида қолиб кетади, ўзлари эса уфқ кўйнига ботаётган қуёш сари юришда давом этадилар. Орадан кўп ўтмай ўзлари сезмаган ҳолда оёқ остида депсалиб, текисланган йўлқадан қаёққадир буриладилару қандайдир пастак буталар, бўйи паст қоялар ичига кириб, ҳанг-манг бўлиб қоладилар. Чунки йўллари тўсилиб, қаёққа боришни билмай бошлари айланади. Пол Виржинияни бир ерга ўтқазиб кўйиб, ўзи уёқдан-буёққа физиллаганча йўл қидиради. Кошки, тасодифий тушиб қолишган қуюқ бутазордан чиқишнинг имкони топилса, йўқ, унинг бутун ҳаракати бекор кетади. Ниҳоят, Уч Кўкрак тоғи қайси томондалигини билиш учун баланд дарахтнинг учигача тирмашиб чиқади. Бироқ қаёққа қарамасин, қуёшнинг сўнгги нурлари ялтираган дарахтларнинг кўм-кўк шохи учларидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Пастқамликлардаги ўрмонлар устини қоронғулик қоплай бошлади, одатдагича қуёш ботишига яқин олиб турадиган шамол ҳам тинади. Кимсиз теварак узра осойиш ва сокинлик ҳукмрон. Шитир этган товуш эшитилмайди, фақат тунаш учун хилватроқ жой топиш пайига тушган жайронларнинггина маърашлари сокинликни бузади, холос. Бирорта овчининг қулоғига чалиниб қолармикин деган мақсадда Пол овозини борича бақиради: “Хо-хо... ким бор? Бу ёққа, бу ёққа келинглар! Виржинияга ёрдам беринглар!” Унинг овозига ўрмонларгина акс садо

бериб, “Виржиния!.. Виржиния...” деган сўзни қайта-қайта такрорлай-веради.

Чарчаш ва ғам-аламдан толган ҳолда у дарахтдан тушади. Яқин атрофдан бир томчи сув топилмайдиган, мевасини ейиш мумкин бўлган бирон хурмо дарахти ёхуд ўт ёқиш учун чўп-хашак йиғишнинг иложи йўқ бу зимистонликда қандай қилиб тунни ўтказишларини билмай боши қотади. Шунча ўйлаб, бирон чоранинг урдасидан чиқолмаслигини сезгач, ўзини ниҳоятда нўноқсиз ҳис қилиб, тўсатдан йиғлаб юборади. “Йиғлама, азизим, мени эзилмасин, десанг, ёш тўкма асло, — дея уни юпата бошлайди Виржиния, — ҳаммасига мен айбдорман, шунчалик озор чекишинг, бунинг устига оналаримизни хавотирга солиб, қийналишларига ҳам мен сабабкорман асли. Катталарнинг маслаҳатини олмай туриб, ўзбошимчалик қилишимнинг жазоси бу. Оҳ, шунчаликка боришимизни ўйламаганимга қара-я!” — Шундай деб туриб, ўзи ҳам йиғлаб юборади. Шу заҳоти яна кўшиб кўяди: “Кел, бирга худодан шафқат тилаб, илтижо қилайлик, акажон, зора мушқулимизни осон қилса”. Кўл очиб, дуо ўқиб бўлишлари билан қаёқдандир итнинг воввуллагандаги овози эшитилиб қолади. “Кечқурунлари жайрон овига чиқадиган овчиларнинг ити бўлса керак”, — дейди Пол. Кўп ўтмай ит қаттиқроқ вовуллай бошлайди. “Назаримда бу ўзимизнинг итимиз Фиделга ўхшайди. Ҳа-я, худди ўшанинг ўзи. Овозидан танияпман, — хитоб қилади Виржиния, — наҳотки, ташвишимиз ариган бўлса?” Ҳақиқатдан ҳам дақиқа ўтмай Фидел пайдо бўлади-да, уларнинг оёқларига суркалиб, гиншиб, ириллаб, ялаб-юлқий бошлайди. Бу тасодифдан ҳайратланиб, севиниб, ўзларига келиб улгурмаган ҳам эдилар ҳамки, чопқиллаганча яқинлашаётган Домингога кўзлари тушади. Кувончи ичига сигмай йиғлаб юборган садоқатли негрни кўришлари билан ўзлари ҳам кўзёши тўкиб, ҳаяжондан гапиролмай қоладилар. Анчагина ўпқасини босиб олган Доминго нолишга тушади: “Оҳ, менинг ёш соҳибим, соҳибам, — дерди у, — оналарингиз мен кузатиб борган ибодатхонадан қайтгач сизларни уйдан тополмай қанчалик ҳайрону вайрон бўлишганини билсангиз эди. Богнинг тўрида юмуш билан банд бўлиб қолган Мария қаёққа йўқолганингиздан хабарсиз, нима дейишни билмасди. Мен у ёққа чопаман, бу ёққа чопаман, дарагингизни тополмай нима қилишимни билмасдан гарангсийман нуқул. Ниҳоят эски кийимларингиздан бирини олиб, Фиделга исқатдим, жонивор шу заҳотиёқ мақсадимга тушуниб, изингизни қидириб кетди, орқасидан мен югураман, денг, ит юравер-юравер, дегандай думи билан ишора қилади. Охири у Қора Дарё соҳилигача бошлаб борди. У ерга яқинда кўчиб келган бир соҳибни учратдим, ундан бир негр қизини олиб бориб кўлига топширганингиз, илтимосингизга биноан қочоқ жориясининг гуноҳидан ўтишга ваъда берганини гапириб берди. Гуноҳидан ўтгани курсин! Нима қилибди, денг, занжир билан боғлаб ташлабди. Икки оёғи қолипга тортилган, бўйнида учта мих урилган ёғоч боғлама. У ердан кейин Фидел қайта изингиздан тушиб, мени Қора Дарё яқинидаги тепаликкача бошлаб келди-да, яна тўхтаб қолди. Овози борича вовуллайди. Бир жилга бўйига келганда ерга қулатилган хурмо дарахтини кўриб қолдик, ёнида гулхан қолдиги, ундан ҳамон тутун таралиб турибди. Ниҳоят Фидел олдингизга олиб келди. Ҳозир Уч Кўкрак тоғининг этагидамиз, уйгача роса тўрт қақирим масофа бор. Мана буни еб олиб, сал кучга киринглар”. Шу сўзлардан кейин у ёшлар олдига пирог кўйди, шунингдек, мева-чева, каттагина қовоқ идиш тўла вино, лимон шарбати, шакар, узум суви аралаштирилган ичимлик узатади. Оналари томонидан тайёрланган бу ичимлик кишининг бадани яйраб, куч йиғиши учун бирдан-бир даво эди. Виржиния негр қизининг ҳолига ачиниб, икки-уч бор хўрсиниб кўйди. Оналарига нисбатан ташвиш орттириб, яхши иш қилмаганлигидан зорланади, бир неча бор “Саховат кўрсатишининг оқибати шунчаликка боради, деб ким ўйлабди-я!” дея такрорлайди. Бу орада ёшлар овқат еб, куч йиғиб олишади. Доминго эса гулхан ёқади. Сўнг қоялар орасидан қандайдир дарахтнинг пўстлоғини олиб келади-да, машғала ясаб, ёқиб кўяди. Эртасига йўлга тушмоқни ўйлаб кўйган эдиларки, яна бир гов пайдо бўлиб, ҳаммаларининг ҳафсалаларини пир қилади. Пол ҳам Виржиния

ҳам, бир қадам босишга ожиз эдилар, чунки икковларининг оёқлари шишиб, қип-қизариб кетган эди. Домингони боши қотади: бирон мадад топиш учун уйга бориб келсаммикин ёки болалар билан яна бир кеча қолиб кетганим маъқулмикин, деб ўйлайди. “Яқингинагача икковингизни қўлимда кўтариб юрардим, энди катта бўлиб қолдингиз, мен эса қаридим”, дея нолийди. У бирон чора топиш ниятида иккиланиб турар экан, йигирма қадамча нарида бир гуруҳ қочқин негрлар кўринади. “Саховатли оқ танли болалар, бизда: кўрқманглар, — дейди уларнинг етакчиси Пол ва Виржинияга яқинлашиб, — эрталаб негр қиз билан Қора Дарё орқали ўтаётганингизни кўргандик, унинг учун золим соҳибдан шафқат сўрамоқчи бўлганингиздан ҳам хабаримиз бор. Сизларга миннатдорчилик билдириш мақсадида елкамизда кўтариб, уйингизга олиб бориб қўймоқчимиз”. У ҳамроҳларига ишора қилган эди ҳамки, барваста қоматли тўрттаси келиб, йўғон шох-шаббалардан замбил ясаши-да, Пол билан Виржинияни унга ўтқазиб, тўрт томондан кўтарганча йўлга тушишди. Олдинда машъала кўтарган Доминго, орқаларидан эса ёшларни олқишлаган сўзлар изҳор қилишиб, шодиёна бақиринган-чақиринган ҳолда яна бир тўда негрлар чопқилашади. “Азиз акажоним, — дейди хурсандлиги ичига сифмаган Виржиния, — кўрдингми, худо яхши иш қилган бандасидан ҳеч қачон марҳаматини аямайди”.

Ярим кечага яқин гулханлар ёқиб ёритилган тоғлар этагига бориб етдилар. Тепароққа чиқиб улгурмай “Келаётган сизмисиз, болаларим?” деган нидо эшитилади. “Ҳа, бизмиз” дея жавоб қилишади ёшлар барча негрлар билан хор бўлиб. Шу заҳоти бошлари узра машъала кўтариб қарама-қарши томондан келаётган оналари ҳамда Марияга кўзлари тушади. “Қаёқларда юрибсизлар, бебошларим? Онангизни шунчалик абгор қиласизларми-а?” — дея хитоб қилади де Латур хоним. “Бизлар Қора Дарё томондан келяпмиз, — жавоб беради Виржиния, — очидан ҳориб-толган қочоқ бир негр қизини едириб-ичириб бўлиб, соҳибини олдига олиб бордик, унинг гуноҳидан ўтишини сўрадим, энди эса негрлар бизни бу ёққа олиб келишди”. Де Латур хоним қизини қучоғига олади-ю, тилига ортиқ бирор калима келмай қолади. Виржиния кўзешларидан ҳўл бўлган онасининг юзларига юзини кўяркан дейди: “Барча тортган азобларингиз ҳақи мени шунчалик тақдирлайсизми, онажон?” Айни маҳал қувончдан кўнгли тоғдай кўтарилган Маргарита Полни маҳкам бағрига босган ҳолда сўрайди: “Сен ҳам хайрли иш қилдингми, ўғлим?” Иккала аёл болаларини уйларига олиб келган негрларни тўйгунча едиришади, ичиришади. Улар ўз навбатида мезбонларга бахт-саодат тилаб, яна ўрмон сари йўл олишади.

Мазкур оила аъзолари кундалик тинч ва осойишта ўтган кунларига шуқр қилиб, бир-бирларидан мамнун умр кечиришда давом этардилар. Уларга биров на ғараз қиларди, на ҳавас. Бошқа айримлардай макр, ҳийла орқали оқибатсиз шон-шуҳратга асло интилишмас, бировни ғийбат қилишмас, ўзларига ўзларигина гувоҳ, ўзлари ўзларигагина қози, борица бозор қилиб яшаш билан мамнун эдилар. Бу маскандагилар бошқа барча Европа колонияларида мавжуд бир-бирини алдашга мойиллик, бир-бирига ёмонлик қилиш иллатларидан ҳоли, бировга зиёнлари тегмас, ҳатто номларини ҳам аксарият билмасди. Бордию, Пампелмуслар томон ўтиб бораётган биров йўл устида бировдан анави тепаликдаги кулбаларда кимлар истиқомат қилади, деб сўраса, “Саховатли кишилар” дея қисқа жавоб қилишарди. Кўзга ҳа деганда ташланавермайдиган гунафша ҳам сертиканақ бута остида яширин ўгани билан ёқимли, хушбўй ҳидини олис-олисликлар сари таратаверар экан-ку, ахир?

Ўзаро суҳбатлари пок, самимий. Бировга ёмон кўз билан қарашмайди, ортидан тош отишмайди. Одамлар бор, юзларига адолат ниқобини кийиб олиб, мулойим, ширин сўз бўлиб, юрагингизни забт этиш ҳаракатида бўладилар, аслида эса ичлари тўла нафрат, мияларини разиллик банд қилиб олган. Ташларидан ўзларини меҳрибон қилиб кўрсатсалар ҳам ичларини ғайирлик кемаиради. Шум ниятларини тушомлаб, эзгулик тарафдоридай кўзга ташланишга уринадилар доим. Қаллоблик, маккорлик иллатларини ичларида яшириб юривчилар билан бирга яшаш, ҳамжиҳат нафас олиш мумкин эмас, чунки

ундайлар бир кунмас-бир кун сени ҳам ўз домларига тортадилар: бошингни кимнидир қоралайдиган, ёмонлайдиган гап сўзларга тўлдириб ташлайдиларда, бошқаларга ва ҳатто ўзинга нисбатан ҳам мунофиқона муносабатда бўлишга мажбур қиладилар. Мазкур оила эса ундай ярамас нуқсонлардан бутунлай йироқ, бировнинг айбини қидириш деган гап эсларига ҳам келмайди, қайтага барчага баробар хайрхоҳлик кўрсатиш иштиёқи билан тўлиб-тошиб, бу йўлда жонларини ҳам аямасликка тайёрлар, ҳатто. Шундай қилиб улар ҳаммадан чекка жойда яшаб, ёввойилашиб кетиш ўрнига ўзларининг ҳақиқий инсоний фазилатларини муттасил бойитиб борардилар. Ахлоқий жиҳатдан бузуқ жамият иллатлари уларга озиқа бермас, табиат қўйнидаги ҳаётлари қалбларини қувонч ҳамда ўзгача шавқ-завққа лиммо-лим тўлдириб туради. Ҳаммалари тунд, бадқовоқ боқувчи қоялар орасида ўз қўллари билан яратган, кишига ҳузур-ҳаловат бағишловчи, соф, оддий ҳаёт ва мўл-кўлчиликларга қайта-қайта боқиш билан завқланишади, фахрланишади.

Ўн икки ёшга тўлган Пол ўн беш ёшлиларга қараганда ҳам барвақтроқ кучга тўлиб, зеҳн-идроки юксалиб, шундай ишларни рўёбга чиқарардики, уни кўрган Доминго ҳам ҳайратга тушар, ҳаваси келарди, ҳатто. Улар биргалашиб ўрмонга боришар, лимон, апельсин, чиройли, ёнғоқдек яшил, юмалоқ мевалари билан ажралиб турувчи тамаринд, мазаси тилни ёрадиган ширадор, ушбўй, апельсин рангли меваларга бой ҳурмо дарахтлари ниҳолларини олиб келишар, ўз масканлари атрофига ўтқазिशар эди. Худди шу ерларнинг ўзига яна бир йилдан кейин гулга ёки ҳосилга кирувчи дарахт уруғларини тикишар, жумладан: шокиладор биллур қандиллар сингари осилиб турадиган оппоқ шода-шода гулларга бой агатис, сафсарранг гулларини кўз-кўз қилиб осмон сари қад ёядиган эрон сирени, танаси қип-яланғоч ўсадиган, бош қисми гумбаз шакл, шохдор, қомаги тош устунларга ўхшаш ғоз ўсувчи папайя дарахтларини урчитишарди кўпинча.

Булардан ташқари бодом, манго, авакад, гуяво, нон дарахтлари ўтқазиб, олхўри данакларини экиб, кўчатлар ундиришгани ундиришган эди. Бу ундирилаётган дарахтларнинг кўпчилиги ўз соҳиблари меҳнатини тақдирлаб, қуюқ соя берар ва мўл ҳосилга ҳам киришган эди. Ҳеч қачон инсон оёғи етмаган, қояли тошлар маскани — беҳосил ерлар Полнинг меҳнатсеварлиги ва серҳосият қўли билан ҳосилдор майдонларга айланиб кетади. Турли навдаги алоэ, тарам-тарам ҳошиядор сариқ гулларга бурканган кактуслар, Ҳиндистонда ўсадиган анжирсифат ўсимликлар қоп-қора қояларнинг энг чўққиларигача ўрмалаб ўсаётган бўлиб, ҳаворанг, баъзан эса қип-қизариб гуллайдиган тоғ-тошларнинг у ер-бу ерини маржон янглиғ безовчи чирмовиқлар осмон интилаётганга ўхшардилар.

Пол бу ўсимликларни пастдан туриб қарашда бутун борлиги билан диққат-эътиборни дарров тортиб оладиган қилиб жойлаштирган эди. Ўзлари яшаб турган майдон ўртасида эса ипакдай майин гиёҳлар ўстириб, улардан кейин бутазорлар, сўнг ўртача баландликдаги кўчатлар ястанган ва ниҳоят бутун экинларни қуршаб турувчи баланд-баланд дарахтлар қад тиклаганди; шундай қилиб, қоялар билан қуршалган бу кенг-мўл майдоннинг қоқ марказидан атрофга қараган кишига зина-зина шакл ёйган ўтлоқлар, мевалар, гуллар, булардан ташқари буғдойзор, шопипояларгача барқ уриб, яққол кўзга ташланарди. Бироқ шунча ўсимликларни ўз режаси бўйича ўстириш билан бирга табиат амрига мувофиқ бошқа зарур ишларни ҳам унутмаган эди: тепа-тепа жойларга уруғлари ҳавода учиб юрадиган, сув бўйларига эса сувда қалқиб ўсадиган ўсимликлар экканди. Шу йўсинда ҳар бир ниҳол ўзига мос шароитда улғайиб, камол топар, ҳар жой эса ўзига хос набобот билан безаниб, табиий кўрк ёярди. Қоялар чўққисидан оқиб тушган сувлар пастқамликларни яшнатар, катта-кичик сув ҳавзалари, сунъий қўлчалар ҳосил қиларди. Ана шу қўлларнинг баъзилари узоқ-узоқларга ҳам чўзилиб кетарди, ҳатто. Ойнадай тиниқ сув юзида эса бир-бирига туташ ўрмонлар, тепаликлар бағрини кўрпадек қоплаган ўт-ўланлар, лажувард осмон эса сув юзига зумрад тус бериб жилваланарди. Бу ерлар баланд-пастликдан иборат бўлгани билан Полнинг саъй-ҳаракати туфайли кўзга яққол ташланиб туришдан ташқари унда

бемалол сайр қилиш учун барча имконият яратилганди ҳам. Албатта бу ишларни бажаришда бизлар ҳам қараб турмай ёрдамимизни аямасдик. У шу ердан марказ томон олиб борадиган теп-текис, шинам йўлкалар солишни ҳам унутмаганди. Ҳар бир жойнинг ўзига мослаштириш, шароит яратар, ўнқир-чўнқирликларни текислаб, оролнинг катта қисмини хира қилиб ётган харсангларни ҳар ер, ҳар ерга тўплаш билан ихчам-ихчай сағаналар, эҳромчалар қуради, уларнинг теварагига тупроқ тўкиш билан эса атиргуллар, тош орасида яхши авж оладиган буталар ўстирарди. Кўп ўтмай қип-яланғоч тош сағана, эҳромча устлари яшил либосга бурканиб, турли рангдаги гуллар жилва ёярди. Шох-шаббалари эгилиб, мункайишиб турган қадимий дов-дарахтлар қуршовидаги жарликлар, баланд-пастликларда жазирама кунлар салқинланиб, дам оладиган гўшалар, қубба-қубба томли соя-салқин оромгоҳларга айланарди. Йўлкаларнинг бир томони ёввойи дарахтзорларга бориб тақалса, унинг қоқ ўртасида кучли шамоллардан химоя қилувчи мева дарахтлари ўсган бўлиб, мевасидан шохлари синаман дерди. Атроф-тевараги ям-яшил, баланд деворлару маркази мевазор ва сайилгоҳ бор. Худди ана шу жойдан туриб қарасанг, бош кийимнинг ерга тушиб кетадиган даражада баланд тоғ тепасидаги уйлари кўриниб турарди. Чирмовуқлар қуршаган, ичида кундуз кунлари ҳам зимистонлик ҳукм сурувчи қалин татамақзорлар, тоғлар биқинида ўсиб, қад ёйган арчазорлар орасидаги баланд тошлар тепасидан яқин атрофдаги қоялар, унинг ортидаги олис денгиз ва ҳатто Европа томонлардан сузиб келаётган ёки қайтиб кетаётган улкан кемаларгача яққол кўзган ташланарди. Ана шу тошлар устида кўпинча қаҳрамонларимиз бўлмиш икки оила аъзолари ўтиришганини кўрадингиз. Оқшом пайтлари салқин ва тоза ҳавога қониб, турли ёввойи гулларнинг атрига тўйиб, шўхчан жилғаларнинг тотли живирини тинглаб, ботаётган қуёшнинг сўнгги нурларидан жилваланган уфқ чети, рангбаранг борлиқ узра боққанча ҳордиқ олишни ёқтиришарди улар.

Мазкур даргоҳнинг каттагина қисмини ташкил этган у мафтункор жойнинг номи ҳам ўзига ярашган — Садоқат тепалиги. Кунларнинг бирида Пол билан Виржиния ўша ерга бамбук қамишлари ўрнатиб, ким қанчалик баландроққа чирмашиб чиқишни машқ қилишаётган экан. Энг учигача етган онлари узоқдан мен кўриниб қоламан — байроқча кўтариб, денгизда кема пайдо бўлганидан қирғоққа дарак берилиши мисол, улар ҳам рўмолчаларини силкитиш билан уйларига менинг яқинлашганим хабарини етказадилар. Ана шу бамбуклар танасига эсдалик учун бирон ақлироқ гапи ёзиб қўйишни ўйлаб қолдим. Аҳён-аҳён сайрга чиқиб, юрт кезган пайтларимда қадимий ёдгорликлар ёки ҳайкалларни кўриб, юрагимда қанчалик ҳаяжонли ҳиссиёт уйғонса, ундаги оқилона ёзилган битикларни ўқиш билан ҳам шунчалик хушвақтликка бериламан. Назаримда оддий тошлардан овоз чиқиб, асрлар оша кимлардир мурожаат қилиш билан тирик инсонга таскин бераётгандай, сизга қараб, бу дунё заҳматини чеккан битта сенгина эмас, сендан аввалроқ ўтганлар ҳам бу жойларда фикрга толган, изтиробли дамларни ўз бошидан кечиришган, деяётгандек бўлишади. Борди-ю, битик биронта қадимий ва аллақачонлардан бери ер юзида ном-нишони қолмаган аҳли алаф тарихига таллуқли бўлса, тасаввурингизни ўша олис-олис замонлар билан боғлаб қўядида, ҳар бир давр мангу барҳаётлигидан дарак бераётгандек туюлаверади; бутун-бутун элатлар, давлатлар бора-бора яқун топиши мумкин, аммо у ҳақдаги хотиралар мангу барҳаётдир, дея уқтираётгандек гўё.

Шунинг учун мен ҳам Пол ва Виржиниянинг байроқдорлик қиладиган кичик, оддийгина тепалигига бориб, Горацийнинг қуйидаги мисраларини ёзиб қўйдим:

*Fratres Hellenae, Lucida sidera,
Ventorumque regat pater,
Obstrictis aliis, praeter lapysa*

“Еленанинг акалари қуёшдай кўрсинлар умр, сиз каби зеболик касб этсин олам, шамоллар отаси балолардан асрасин сизни”,

Полнинг аҳён-аҳён соясида ўтириб, кучли тўлқин урган денгизга тикилганча фикрга толадиган татамака дарахти танасига эса Вергилийнинг ушбу мисрасини ўйдим:

Fortunatus et ille deos qui novit agestes!

“Қишлоқ худоларин тан олганга офарин, ўғлим!”

Яна бир ёзувни ҳаммалари бот-бот йиғиладиган жойга — де Латур хоним кулбасига кираверишдаги эшик устига осиб қўйдим:

At segura ques, et nescia fallere vita.

“Бунда виждон покиза, ҳаёт билмас алдамни”.

Аммо Виржиния менинг лотинча эзмалигимни маъқул топмади; унинг ай-тишича, улар тиклаган бамбукка илинган ёзув ниҳоятда узун ва ҳаддан зиёд олимона эмиш. “Мен бундай дейилишини афзал топардим, — деди у, — “Шамоллар хуружга дош бериб туради мағрур”. — “Бундай рамз бериш сизлардан кўра олийроқ зотларга муносибдир” — дея жавоб қилдим унга. Менинг мулоҳазам қип-қизариб кетишга мажбур қилди.

Бу бахтиёр оила теварак-атрофга фақат қалб ҳарорати ила етилган ажиб саҳоват ёярдилар. Энг оддий нарсаларга ҳам меҳр билан боқиб, энг таъсирчан ва назокатли номлар билан аташга одатланишган, масалан, баъзи-баъзида Пол ва Виржиния келиб рақс тушадиган, атрофи апельсин, олхўри, банан дарахтлари билан қуршалган ширингина хиёбон уларнинг тилида “Юрак Рози”, де Латур хоним билан Маргарита биринчи бор учрашиб, ҳасратлашишган кекса дарахт ости эса “Кўзёшлари барҳам топди” деб юритиларди. Бугдой ундиришга ажратилган ер бўлаги ва тоғ бағридаги доира шакл гулзор “Бретань” ва “Нормандия” дейилади. Доминго билан Мария ҳам бекаларидан ибрат олиб, гиёҳ новдаларидан саватчалар тўқиладиган ўтлоқ ва ошқовоқ экилган шинам-шинам жойларни ўзлари туғилган юртларини эслатиб туриши учун “Анголо” ҳамда “Фульпуант” деб аташади. Шундай қилиб, ўз ватанларидан қувилиб, янги жойда гўзал табиат ва ширин-шарбат мевалари, тўйимли ҳосил етиштиришни астойдил йўлга қўйиш билан эски дардларини аритиб, овунч топардилар фақат. Минг афсус-надоматлар бўлсинким, менинг кўзим олдида улар томонидан чиройли номлар берилиб, ҳар бир дарахт, ҳар қарич ер, чашмалар ва қояларга ҳаёт ато қилиниб, гуллатиб-яшнатилган жойлар бугун Грециянинг ташландиқ далаларидай харобазорга айланиб, маъюс ва мунгли қиёфа касб этган бугун.

Ҳаммасидан ҳам менга хушёқадиган жой Виржиниянинг оромгоҳи деб аталувчи ширингина маскан эди, у Дўстлик рамзи қоясининг ён бағрига жойлашган. Ундан бир неча ирмоқлар сизиб чиқиб, ипакдай майин майсаларни тўйдириб, тахмалранг товланган ўтлоқ ўртасидаги кўлчани тўлдириб туради. Маргаританинг кўзи ёриб, Пол дунёга келган кунни кимдандир туҳфа тариқа олганим — бир дона кокос ёнғоғини бергандим унга. У эса ёнғоғни худди шу кўлча бўйига эккан, ўғлининг ёшини мазкур дарахтга қараб, белгилашга умид қилганди. Де Латур хоним ҳам ундан ибрат олиб, Виржинияни туққан кунни худди ўша жой яқинига иккинчи яна бир ёнғоқ кўчатини экиб қўяди. Иккала уруғдан иккита кокос ёнғоғи ўсиб чиқиб, хотира дафтаридай уларнинг энг ширин дамларини эслатиб турадиган бўлди: Улардан бири Виржиния дарахти деб аталса, иккинчиси Пол дарахти деб аталарди. Бўй жиҳатидан бир-бирларидан андак фарқ қилишларидан қатъи назар иккала дарахт ҳам ўзларининг ёш эгалари билан теппа-тенг бўй чўзиб турди-да, орадан ўн икки йил ўтгач яшаб турган кулбаларидан ҳам баландлашиб кетди. Дарахтларнинг шохлари қулоч отиб, ирмоқча устига эгилганга шода-шода меваларини кўз-кўз қила бошладилар. Шу икки дарахтдан бўлак қолган ҳамма нарса табиат қандай яратган бўлса, шундайлигича мавж уриб, атрофга файз ёяве-

рарди. Буталардан зич девор тортган кўнғирсимон ва намгир расталар узра кокил ёйган тўқ-яшил ҳамда қорамтир новдалар учиди майда юлдузчалар чарақлар, кўзни олғудай живир-живир қилишарди. Юзоёқ дарахтларидан осилган узун ва тарам-тарам тасма янглиғ қизғиш новдалар эса шамолнинг оҳанг-гамасидан елпиниб қанот қоқётганга ўхшарди. Унга яқин жойда ўсган сарвиноз дарахтининг гуллари қип-қизил рангда Ҳиндистон қалампир шохларида маржон-маржон бўлиб осилган ҳосиллари эса қон тусида товланарди. Теварак-атрофни қоплаган юрак шаклини эслатувчи барглари ва қалампир-мунчоқ ҳидини таратувчи гулларига бурканган мўмиё ўтларининг нозик бўйлари димоқни маст қилгудай. Баланд тоғларнинг энг юқори бағридан ипак рўмол сингари елпинган нафис баргли чирмовуқлар харсангтошлар узра кўм-кўк сеп ёйганлар. Денгиз қушлари энг тинч ва бехатар оромгоҳ қидириб, тунни худди шу ерда ўтказиш учун учиб келардилар. Тонг отар-отмас ҳаммаёқни денгиз соҳили томон ёпирилган сариқ патли, қора қоринли қушлар, сўфит-ўрғайларнинг шовқини босиб кетади, уфқ билан туташган денгиз қаърида эса Ҳинд океанидан йўл олган фрегат кемалари ва қуёшнинг илк нурларига бурканган оқ елканлар аста сузиб келаётганини кўриш мумкин. Виржиния кўпинча атрофи чиннидай топтозаланган ўша ердаги булоқча бўйида ҳордиқ олишни ёқтирарди. Баъзи-баъзида ёнма-ён ўсган икки кокос ёнғоқлари соясида ўтириб кир ювар, бир жуфт эчкисини ҳам шу жойда ўтларарди. Эчкиларнинг майда кокил ёйган майсаларни кирт-кирт узиб ейишлари, аҳён-аҳёнда эса бирорта қоя устига чиқиб, яшил осмон фониди ҳайкалдай қотиб туришларини томоша қилишни ҳам жуда ёқтирарди. Эчки сугидан тайёрланган пишлоқни бутун оила аъзолари мақтаб-мақтаб ердилар. Икки кокос ёнғоғи тагига бот-бот бориши, у ерда дам олишдан завқланишини кўрган Пол яқин-йироқ ўрмондан Виржиниянинг энг яхши кўрган қушлари уясини кўчириб келади. Ҳали қаноти чиқмаган полапонлари ортидан учиб келган она қушлар эса худди янги жойда қолиб унга ўрганиб, болаларини учишга ўргатгунга қадар теваракни тўлдириб гир айланишар, ёқимли сайрашар эди. Виржиния уларга дон-дун бериб, ўзига ўргатиб олган, Виржиния шу атрофда кўринди дегунча, айниқса сайроқи саъвалар ҳам хушовоз бенгалия қизилтўш қушлари, оловранг патли тўтиларгача қўшни ўтлоқлардан учиб келишар, қайсидир бута остиди тухум босиб ётган какликлар пилдираб қолишар, худди қўлга ўрганган уй товуклариди унинг атрофини қуршаб олишарди. Пол ҳам, қиз ҳам уларнинг бир-бирлари билан қувалашиб ўйнашлари, бир-бирларини суйиб суркалишлари, дон-дунларни талашиб-тортишиб ейишларини узоқ кузатишдан чарчамасдилар.

Оҳ, азиз болажонлар, гўдаклик паллангиздан эзгулик сари интилиб ғам-алам билмай, бир-бирингизга меҳр кўйиб, тойчоқлардай ирғишлаб ўтказган дамларингиз, беғубор ёшлик гаштига қониб ўтказган ҳар бир кунингиз ҳали-ҳали кўз олдимда-я! Худди мана шу жойнинг ўзида оналарингиз сизни бағриларига босиб, ҳаловат топганлари учун худога минг шукр қилганликлари, сизларнинг илк қадам босишингиздан тортиб, мустақил ҳаёт сари боришингизни тасаввур қилишлари, биргаликда кечган қувноқ умрингизнинг ҳар дақиқасини чинакам бахт аломатидай санаш билан бошлари кўкка етаётганлигини кўриш, ҳис қилишларидан қанчалар завқланар эдим-а! Сут тўлдирилган ўша қовоқ идишингиз, банан дарахти япроқларини дастурхондай ёзиб, устига тухум териб қўйишларингиз, гуруч унидан хамир қориб, пиширган нонларингиз, манго, апельсин, анор, банан, хурмо, ананаслар билан тўлдирилган саватларингизни ҳнч унутолмайман. Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан бу жойларда ҳамма нарса бунёд эди. Турли ширинликлар, мазасидан жонинг роҳат топадиган мева шарбатларингизнинг ранг-баранг ва тиниқ жилланишига қараб кўзинг қамашарди, дилинг яйрарди. Қани улар? Ҳаммангиз мени ёлғиз ташлаб кетдингиз-а, азизларим!

Серҳашам дастурхон, ноз-неъматлар узра қизитган суҳбатларингизнинг хумориси тутади мени. Пол нукул ҳар кунги қилган ишлари, эртанги кунга мўлжаллаган режаларини шавқ-завқ билан гапиришни яхши кўрарди. Икки оиланинг манфаати йўлида бирон фойдали юмушни амалга ошириш мўлжа-

ли билан ўз бошини ўзи қотириб юрарди доим. Бу жойларга йўл қуриш ноқулай, анави жойда ҳордиқ олиб ўтиришга шароит йўқ, хиёбонни қуршаб экилган ниҳолларнинг сояси унчаликмас, Виржиния учун дам оладиган алоҳида жой созлаш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади...

Унинг ана шундай ташвишларга бой нутқлари ҳамон қулоғимда.

Ёмғир шариллатиб қуяр кунлари бутун оила бир кулбага кириб, тиқилишиб ўтиришар, хонимлар ҳам, хизматкорлар ҳам бекорчиликни ёқтиришмас, новдалардан бўйра, бамбук шохларидан саватчалар тўқишарди. Тартиб билан хаскаш, болта, белкураклар деворларга тираб қўйиларди. Ана шу хил қурол-аслаҳаларга ёнма-ён ўзлари етиштирган дон-дун: қоп-қоп гуруч, пояси билан боғлам-боғлам қилинган буғдой уюми, шода-шода бананлар боғлами терилган бўларди. Хуллас, ҳеч нарсадан камчилик сезмаслик ниятида тайёрланган емишлар ошиб-тошиб ётарди. Виржиния Маргаритадан шакарқамиш, лимон суви, шарбатлар, кишига андак кайф бағишловчи ичимликлар тайёрлашни ўрганиб олган, бизлар уларни ичиб, роҳат топиш билан соҳибасининг санъатига офаринлар ўқирдик доим.

Қоронғу тушди дегунча ҳаммаёққа чироқ ёқиб қўйиб, кечки овқатга ўтирилди. Сўнг бир тўп бўлиб, де Латур хоним ёки Маргаританинг кўрганбилганлари, яқин ўртада эшитганларини берилиб тингланарди. Қайси бир европаликнинг сайрга чиқиб, ўрмонда адашиб қолганлиги, кучли шамол, бўронларга дуч келган кемалар ўзини ўнглолмай кимсасиз орол этагидаги қояларга урилиб, чилпарчин бўлганлиги тез ҳиссиётга берилувчи ёшларнинг қалбига қаттиқ ҳаяжон ва ачиниш уйғотарди. Ҳаммалари баб-баробар осмонга қўл чўзиб, ана шундай мушкул аҳволга тушганларга худодан мадад тилаб, илтижо қилардилар. Мабодо худди ўшандай йўлдан адашганлар учраб қолса, уларга нисбатан саховат кўрсатиш, меҳмон қилиб, кўнглини олиш бурчини муқаддас санашар, қўлларидан келган ёрдамларини аямасдилар ҳеч. Куюқ суҳбат, ўзро тотли баҳслардан сўнг бирин-кетин тарқалиб, ўз ётоқхоналарига кирардилар. Айниқса, ёмғир челақлаб қуяётган маҳаллар, бўронлар хуружига дош беролмай алғов-далғов бўлаётган тўлқинларнинг соҳилларга зарб билан урилишларини тинглаб, ваҳимага тушишлар, уйқусиз тонг оттиришлар ҳам такрорланиб турарди. Бундай пайтларда камтарона бошпана бериб, ҳар турли бало-қазолардан асраган Тангри таолога сиғиниб, хайр-эҳсонига шукроналар айтишарди.

Де Латур хоним вақти-вақти билан уларга қадимий китоблардан бирон оят ёки ҳадислардан ўқиб бериб, маъносини тушунтирар, ёшлар эса шундай сермаъно ва доно фикрлар таъсирига берилганча узоқ-узоқ хаёл оғушига чўмиб кетардилар. Баъзан эса китобда бўлагу ҳаётда бўлак ҳодисаларнинг тағига етолмай бошлари қотарди. Лекин маъюслик ва мунгли ҳиссиётларга бутунлай берилиб кетишлар узоққа чўзилмасди. Ҳар кунги ўтган дамлари катта байрам улар учун, Худонинг кундалик марҳамати, етказган ноз-неъматидан баҳрамандлик шу дунёнинг жаннати билан тенг. Ана шу йўсинда овуниб, турмушларидан мамнун, ўтган ҳар хил машмашаларни ездан чиқариш билан бугуннинг ҳар лаҳзасидан лаззат топиб, эртанги кунларга эса катта умидлар боғлаб яшашдан ортиқ муқофот борми дунёда? Айниқса, аёллар шу табиат қўйнида хотиржам, болаларининг бошига ўзларининг бошларига тушган савдолар тушмаслигини Худодан тилаб, бахтига бахт қўшилавериши йўлидаги ибодатларини қанда қилмай яшаётганларидан тангрига тавозе ўқиб, диллари нурафшонлик ила лиммо-лим эди доим.

Бироқ ҳаёт-ҳаётлигини қиларкан-да: бир кунинг ёруғ бўлса, тунинг қоронғу бари бир; баъзида хаёлинг бўлиниб, қай кўчаларга етакламайди, дейсан, бирон мунгли фикр бошга келса, ҳар қандай вазмин табиатли одамнинг ҳам кўнглини бир зумда хира қилишдан тоймайди. Бундай пайтларда мазкур оиланинг барча аъзолари баб-баробар ташвишга тушиб, питирлаб қолишларини кўрсангиз; масалан, де Латур хоним шундай вазиятга тушди, дейлик, бошқалар дарров уни қуршаб олиб, юпатишга, бутун вужудлари билан хайрхоҳлик билдириб, овутишга тушадилар. Лекин ҳар кимнинг ўзига хос услуги бор: Маргарита шалдур-шулдургина эмас, у етти ухлаб, тушингга кир-

маган ҳазил-мутойиба гапларни тўқиб, кулдириш ҳаракатига тушади, Виржиния маҳкам қучоқлаганча эркалаш, силаб-сийпаш билан унинг жонига оро кирмоққа шошади, Пол тўғрисиўлиги туфайли қўлини паҳса қилганча киши бундай пайтларда ўзини қандай қўлга олишлиги ҳақида нутқ сўзлаётгандай қиёфага киради-да, ақл ўргата бошлайди, лекин юракдан ачинаётгани сезилиб туради. Ҳатто Мария билан Доминго ҳам тасқин беришлардан четда қолмайди. Биров оҳ-воҳ қилса, улар ҳам оҳ-воҳ қилишиб, дардлашиша бошлашади, биров йиғласа, улар ҳам қўшилишиб йиғлайверишади, салгина жилмайганини кўришса — хохолаб кулишаверади ҳам. Хуллас, қутурган тўфон хуружини бир ёқадан бош чиқариб, даф қилиш пайига тушади ҳаммаси.

Йилнинг ёгин-сочинсиз, осойишта якшанба кунлари қатор бўлишиб, тизилишиб, ҳов пастликда қўнғироғи кўриниб турган Пампелмуслар ибодатхонасига кетишади. Бу ерга ҳамма қатори бой-бадавлат оилаларнинг вакиллари ҳам келишар, де Латур хоним оиласи билан яқинроқ танишиш, дўст тутишиш мақсадида уларига таклиф қилишарди ҳам, лекин иккала аёл мулойимлик билан уларнинг таклифларини рад этишарди, чунки уларнинг назарида эътиборга лойиқ кишилар паст табақалилар олдида қандай турмуш кечираётганликларини кўз-кўз қилиш, шу билан ўз мавқеларини бир даража ошириб олиш, жуда бўлмаса, раҳм-шафқат юзасидан сал кўнглини кўтариб қўйиш ниятида бўладилар доим. Бундай пайтларда уларнинг муносабатлари шунчаки, хўжақўрсинга, ниҳоятда юзаки бўлаётгани, айна маҳал қандайдир қалбакилиги билан ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам ёмон аҳволга тушириб қўяётганликларини сезмасдилар, сезсалар ҳам ўзларини сезмаганга олардилар. Бундай тутуриқсиз, аҳмоқона илтифоту мулозаматлар кимга керак?

Шу билан бирга улар айрим ғаразгўй, тилли-жағли, бировнинг ғийбатини қилишдан ўзларини тиёлмайдиган ҳамда қўпол табиатли одамлар билан ҳам яқин алоқада бўлишдан ҳам тортинардилар. Чунки биринчи тоифадагилар анча-мунча ҳайиқувчан кўринсалар, иккинчи тоифадагилар эса ҳаддан зиёд мағрурликни ва гердайишни ёқтирардилар. Лекин бу оила аъзолари ўзларининг ўта эҳтиёткор, камсуқум ва сермулоҳазаликлари билан бора-бора фақат қашшоқлар олдидагина эмас, балки ўша тагли-тугли, бой оилалар олдида ҳам анча-мунча обрў-эътибор қозониб оладилар.

Ибодатдан сўнг айримлар бирор илтимос билан уларга қўшилиб бирга кетадиган ҳам бўлдилар. Баъзан боши ғам-аламдан чиқмай қолган биров мушқулини осон қилиш учун маслаҳат олгани, баъзан эса яқин-йироқ қўшни қишлоқда истиқомат қилувчи онасининг бирон дардга чалинганини айтиб, ёрдам сўрагани ҳам келадиган бўлади. Шунинг учун де Латур хоним билан Маргарита маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган турли касалликларга қарши даво бўладиган, турли турфа дориларни доим ёнларида олиб юришни одат қилиб оладилар. Кўп ўтмай қаровчиси йўқ ёлғиз яшовчи руҳий дардга чалинган кишиларнинг, туғмас хотинларнинг дардига малҳам топиш бўйича табиблик қилишни ҳам эгаллаб оладилар. Де Латур хоним беморни тузатиш маҳали худога қанчалик илтижо қилиш билан унинг дардига даво сўрарди. Виржиния бўлса, бировга қилган яхшилигидан мамнун бўлган кунлари севинчи ичига сиғмай қувончдан ҳатто йиғлаб қайтарди. Бировнинг кўнгли чўкиб, ширин тилию тотли муомаласига зор, ҳаётдан тўйиб, алам чекаётганлар учун доим дори-дармон тайёрлаш ва дардмандга ҳамдард бўлиш вазифаси айнан унинг зиммасига юкланган эди. Касалларни даволаш билан ўзларининг инсоний бурчларини адо этганларидан сўнг баъзи-баъзида Узун тоғ этагидаги водийлардан ўтиб, менинг олдимга келишар, мен эсам тушки овқат пишириб қўйиб, уларни яшаб турган жойим яқинидаги кичкина дарё бўйига бориб кутиб олардим. Худди шундай учрашиб, бирга овқатланишлар учун атайи сақлаб қўйган виноларимдан олиб чиқардим-да, андак истеъмол қилиб, хушкайф билан яйрашардик, вақтимиз ниҳоятда шодонликда ўтарди. Баъзан эса денгиз соҳилига бориб балиқ овлардик, қисқичбақа, денгиз типратикони, шилимшиққурт ва шунга ўхшаган чиганоқли, умуртқасиз жони-

ворлар тутардик. Энг хавфли ва энг кўримсиз жойлар биз учун кўпинча энг мароқли бўлиб, катта қувонч бағишларди. Баланд қоя устига чиқиб олиб, бахмал дарахти остида узоқ-узоқ ўтирганча денгиз тўлқинларининг палахса-палахса кўтарилиб, шовқин-сурон билан бостириб келишларию шундоққина оёғимиз остидаги қояларга зарбли урила-урила парча-парча бўлганча яна қайтиб кетишларини томоша қилиш қанчалик мароқ ва шавқ-завқ бағишларди кишига. Жуда яхши сузишнинг ҳавосини олган Пол тепаликдан ўзини денгизга отиб, балиқдай сузганча улкан тўлқинларни қаршилаб борарди-да, унинг даҳшатига дош беролмай яна орқасига қайтарди. Жон ширин-да. Том бўйитом бўйи келадиган тўлқинларнинг марза янглиғ ғоз туриб, оқиш ранг кўпикланиб, бало-қазодай ёпирилишига чидаш осонми? Ана шундай даҳшат ичида қолган Полга кўзи тушиши билан Виржиниянинг юраги чиқиб, бақириб юборар ва бундай эрмаги учун акасига дакки бериб, қаттиқ кўрқанини тасвирлашга сўз тополмай қоларди.

Бизлар ўша жойнинг ўзида ўлтириб, овқатланардик.

Тушки овқатдан кейин ёшларнинг ўйин-кулгиси қизирди. Виржиния жуда чиройли куйларди. Унинг қўшиғи қишлоқ ҳаётининг фароғати, денгизчиларнинг оғир аҳволи, бойлик орттириш ва очкузликлари туфайли қақшатғич табиий офат ичра кемаларини бошқаришга мажбур бўлаётганликлари ва бундан кўра ерга ишлов бериб, унинг эҳсонидан баҳраманд бўлиш осонроқ эканлиги тўғрисида бўларди. Баъзида икковлари негрлар қиёфасига кириб, имо-ишоралар билан ижро этиладиган ўйин кўрсатиб, қилпанглаб кетишарди. Бу ўйинни негр болаларидан ўрганишган, қандайдир воқеа, ҳодисаларни қўл, бадан, кўз қараш, елка силкиш ҳаракатлари орқали жуда таъсирчан усулда ҳикоя қила билардилар. Баъзида Домингонинг тамтам ноғорасига мослаб йўрғалаганча бошида обдаста кўтариб, сув лабига борар, Доминго билан Мария эса мадиан чўпонлари образига кириб, унинг йўлини тўсишар ёки сувга итармоқчи бўлишарди. Бу ҳазил ўйин тагидан зили чиқиб қолишидан чўчиган Пол эса икки негрни нари суриб, Виржинияни кутқариб қолар, чашмадан обдастан сувга тўлдириб, унинг бошига кўяр ва гуллардан чамбар ясаб, овутган бўларди. Бундай пайтларда уларнинг ўйинига мен ҳам аралашиб кетардим-да, Рагуил ролини бажариб, қизим Сепфоруни¹ унга хотинликка узатардим.

Бошқа сафар у эридан айрилиб бева қолган ва узоқ йиллар оч-наҳор тентирай-тентирай ўз юртига қайтган, бу ерда ҳам ҳеч ким уни тан олмагани учун бегонадай бировга кўшилолмай не азобларни бошдан кечирган бечора Руф қиёфасини намойиш этади. Доминго билан Мария эса ўроқчи деҳқонлар образига киришади. Виржиния улар орқасидан юриб тўкилган бошоқларни териб юрган бўлади. Пол ўз навбатида ибодатхона бошлиғи қиёфасида уни қўлга тушириб, сўроққа тутади, Виржиния эса терак баргидай қалтираб, тутилиб-тутилиб жавоб беришни ўрнига қўяди. Унинг бу ҳаракатларини кўриб, раҳми келган руҳоний қизни яхшилаб меҳмон қилади, этагига эса ҳар хил ширинликлар солиб беради. Кейин шаҳар оқсоқоли саналган бизларнинг олдимизга олиб келиб, қизни қашшоқлигига қарамай уйланишга аҳд қилганлигини изҳор этади.² Намойиш қилинган мазкур томоша мавзуси худди де Латур хоним ҳаётидан олинганга ўхшарди. У ҳам ўз вақтида яқинлари томонидан қувилган, эри ўлиб, бева қолган, сўнг Маргаританинг сажийлиги, кўнгилчанлиги туфайли шу ерда яшай бошлаган, энди эса болаларининг никоҳини кўриш мақсади билан бахтиёр дамларни бошдан кечираётган эди-да. У томошани кўриб ўтириб, бехосдан йиғлаб юборади, унинг барча кўргиликларини эслаб, бизлар ҳам бирин-кетин йиғлаб, кўзёши тўкишдан четда қолмаймиз.

Образлар шунчалик моҳирона ва ишончли ижро этилардики, беихтиёр ўзимизни Сурия ёки Фаластин далаларида кезиб юргандай ҳис қила бошлардик.

¹ Мазкур имо-ишора ўйини таврот ("Якун", 2-боб) дан олинган бўлиб, Мусо пайгамбар Мадиян ерларида мисрликлардан яшириниб юрганда, қабила бошлиғи Рагуил ўз қизларидан бирини унга хотинликка беради.

² Бу ҳам тавротдан ("Руф китоби", 2-3 бобдар).

Яна денг, ҳамма воқеа декорациясиз, саҳнани ёритадиган ранг-баранг чироқларсиз ва ҳатто оркестрсиз бажарилса ҳам ижронинг ҳаққоний чиқишига ҳалал бермасди асло. Саҳна учун одатда ўрмонзорга олиб борадиган йўл усти танланиб, теварак-атрофни кўм-кўк дарахт шохлари қуршаб турарди. Бизлар эса ўртадаги ўтлоққа жойлашиб олардик, шохлар кечгача бизни кун жазирасидан сақларди, қуёш ўз ётоғига бош қўяр чоғда эса унинг сўнгги нурлари тимқоронғилик ичига буғдой пояси боғламлари сингари куюқ нур ёғдириб, дарахтлар танасини олтин рангга бўяр, теварак ўз нвбагида ажиб, афсонавий кўриниш кашф этар, буларнинг барини тасвирлашга сўз топилмасди ҳатто. Айрим вақтлар кўёшнинг юм-юмалоқ шакли хиёбоннинг энг чекка этагига осилиб турар, хиёл ўтмай бутун борлиқни кўзга кўринмас қўллари билан йиғиштириб уфқ сари чўкаётганга ўхшарди. Дарахтларнинг баланд шохларидаги барглар топаз ва фируза ранг олиб, оловдай ловуларди. Дарахт таналари қутилмаганда исмдан тикланган колонналарни эслатар, қопқорайган япроқлар қўйнига кириб, тунги ором олиш тараддудида жой-жойларини эгаллаш билан ҳозиргина овозлари ўчган қушлар ана шу қизғиш шуълага туюнмий дарров тонг отдими, дегандай қайта чириллай бошлардилар.

Тунни баъзи-баъзида хилватгоҳларда кутиб олардик: юмшоқ ва шифобахш иқлимга бой ўрмоннинг хурмо дарахтлари панасида тоза ҳаво олиб ухлашдан роҳат топардик. Бирор босқинчи ёки ўғри таҳлид кишилар бу атрофда кундузлари ҳам кўринмасди. Аслида уларнинг уруғи ҳам йўқ бу атрофда. Тонг билан ҳамма ўз қароргоҳига қайтар, ниманики қандай ҳолда қолдирилган бўлса, бари ўз ўрнида бекаму-кўст турган бўларди.

Умуман, ўша пайтлар савдо-сотик билан шуғулланиш нималигини билмаган мазкур орол аҳлининг кўпчилиги ҳовли-жой эшикларига калит солиб, беркитишни ҳаёлларига ҳам келтирмасдилар, ҳатто қулф деган нарсани бир умр яшаб ҳам кўришган эмас.

Пол билан Виржиния учун йилда бир марта энг қувончли кунлар насиб қиларди оналарининг туғилган кунларини нишонлаш байрами эди. Ҳар сафар ана шу айём арафасида Виржиния буғдой унидан ҳамир қориб, пирог пиширар, умрида бирор кун тўйиб овқат емайдиган бева-бечораларга тарқатарди. Хизматкорлари бўлмаганлар ердан ҳосил ундириш ишларига куч-қувватлари етмай ўрмон мевалари билангина кифояланиб, чор-ночор яшашга мажбур эдилар. Шу жиҳатдан Виржиниянинг инъом қилган пироглари улар учун энг азиз ва бебаҳо тўхфа саналарди. Аввалига пирогларни уларга Полнинг ўзи тарқатишга отланар, кимгаки улашмасин, уларнинг бари эртанги меҳмондорчиликка тақлиф қилишни муқаддас бурчи деб биларди.

Шундай кунларнинг бирида рангида ранг йўқ, эти суягига ёпишиб кетган икки норасидасини етаклаган ночор кийимдаги бир аёл пайдо бўлади. Виржиния дарров улар билан тил топишиб, ҳар бирларининг қўлларига идиш тўла шарбат ва мева-чева тутқазиб, тамадди қилишга ундайди. Мана бу мева сувини Маргарита опангиз тайёрлаган, мана буниси менинг ижодим, буларни эса акам атайи сизлар учун дарахтнинг қоқ учгинасига чиқиб узиб тушган, деб мақтаб кетади. Кейин уларнинг олдида рақс тушиб, хурсанд қилишга Полни мажбур этади. Ишқилиб, кимки уларникига келмасин, дили равшан тортиб, оила қувончи билан биргаликда бор нарсаларни баҳам кўришларини жуда-жуда истарди. “Бошқаларнинг бахтиёр бўлишлиги ғамини ейиш билангина ўзинг бахтга эришишинг мумкин”, дерди у. Меҳмонлар кетар чоғида уларга нимаики ёққан бўлса, ўшани совға тариқасида этагига солиб берар, тақдим қилган нарсаларни камдан- кам топиладиган ва турфа насибалар эканлигини таъкидлаб ҳам қўярдики, токим улар уйларига борганларида буларнинг барини иштаха билан есинлар.

Пол уларни кузатиб қўйгани чиқар экан, Виржиния онаси билан маслаҳатлашиб, қизчаларга ўз кийимларидан танлаб, акасига тутқазар, у эса ўз навбагида қизчаларга билдирмай қулбаларига ташлаб қайтарди. Ишқилиб, Тангри унинг беғубор қўнглига солган саҳийлик хислатлари доим тиниқ юзида ҳам, чақноқ кўзларида ҳам акс этиб турарди.

Кечиринг-ку, лекин сиз европаликлар гўдаклигингиздан бошлаб турли

бидъатларни қулоғингизга қуйиб келингани учун бундай сахийлик лаззатидан баҳра олиш нималигини билмайсиз. Бундай одамларга табиатнинг ўзи саҳоватнинг етти дарвозасини очиб беришлиги кишиларга тангилик ҳамда хотамтойлик хислатларини баҳшида этиши мумкинлигини ҳам тушунишингиз қийин. Сизларнинг қалбингиз инсоний эътиқоднинг тор доирадаги ақидалари билан тўлиб-тошган. Бироқ унинг оқибати сунъий фароғат топишдан бўлак нарса эмаслигини англаб етган маҳалингиз кеч бўлади. Табиат билан омукта камол топган қалб эгаси эҳсонига қониш ва ундан лаззатланишнинг эса чеки йўқдир. Пол билан Виржиниянинг қўлида на соати, на ой ва кунларни белгиловчи жадвал, на йилнома, на тарихга оид, на фалсафий китоблари бор эди. Ўтаётган ҳар дақиқалари табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли умрлари нуқсонсиз, пок ва ҳалоллик билан кечаётгандай, унинг на боши, на охири бордай туйиларди. Соат қанча бўлганлиги дарахтларнинг сояларига қараб, фасл ўтиши боғларнинг гулларга бурканган ёки мевага кирган, йилнинг ўтиши эса етиштирилган ҳосилни йиғиб-тегиб олиш мавсуми бўйича белгиланарди. Табиат манзаралари уларнинг сўзлаш, бирон мавжудликни таърифлаш маҳаллари ҳам ўз аксини топган доим. “Банан дарахтларининг соялари тоғ этакларига етиб қолибди, — дерди Виржиния, — демак, тушки овқат маҳали бўпти-да” ёки “Зирк дарахтларининг барглари бужмайибди, демак, оқшом яқин”. “Яна қачон келасиз бизникига?” — деб сўрарди қўшни қишлоқли дугонасидан. “Шакарқамиш ўрими палласида”, — дея жавоб оларди ундан.

Виржиния билан Полнинг неча ёшга кирганларини сўрашганда у: “Пол ҳов анави чашма қошида ўсган кокос ёнғоғининг ёши билан баробар, мен ундан сал пастроғининг ёши билан баробарман, — деб жавоб қиларди. — Мен дунёга келганимдан бери манго дарахти ўн икки марта ҳосил берди, апельсин йиғирма тўрт бора гуллади”. Уларнинг ҳаёти дарахтлар ҳаёти билан бевосита омукта эди. Ўз оналарининг бошдан кечирганларидан бўлак биронта тарихий содирликлар мавжудлигини билмасдилар, ўзларининг вояга етказган мевазорлари вақт тизимидан бўлак вақт тадрижи борлигига ақллари етмасди, бошқаларга саҳоват кўрсатиш ва оллоҳ амрига бўйсунушдан бўлак фалсафага ҳам эга эмасдилар.

Сирасини айтганда бу ёшларга бизларнинг мол-давлатимизу орттирган олимона фикрларимиз нимага ҳам керак? Уларнинг фақирона турмуши ўзларига ҳузур-ҳаловат бағишларди — шунинг ўзи кифоя эмасми? Бирор кун ўтмасдики, улардан биронтаси иккинчисига хушёқар янгилик айтмаса, кўрган, янги билганлари билан ўртоқлашмаса, тўғри, баъзан мулоҳаза ва фикр юритиш борасида унча-мунча хатога йўл қўярдилар, албатта, лекин дунёда ким хато қилмайди? Бунинг устига қалби пок одамлар учун булар кўрқинчли эмас. Табиат қўйнида ўсган фарзандлари ана шу йўсинда тарбия топиб, улғайишарди. Кундалик ташвишлар юзларига ажин солмайди, ҳар хил икчириклар қонларини қайнатмайди, ҳеч қандай бидъатлар уларнинг ахлоқини бузмайди. Узаро соф муҳаббат, бокира туйғулар, динга бўлган эътиқодларигина кундан-кун улғайиб борар, нафосатга лиммо-лим қалбларидан жой олган беқиёс гўзаллик тиниқ юзларида акс этар, хатти-ҳаракатларида ҳам доим намоён эди. Ҳар кун тонг билан топ-тоза ҳаводан нафас олишар, энг катта бобокалонимиз Одам ато Худонинг қудрати билан Момо Ҳавога дуч келганлиги ва улар аста-секин бир-бирларига яқинлашиб, аввалига ака-сингилдай ширин суҳбат курганлари каби булар ҳам бегараз ва алоҳида ибод, ҳаё билан самимий туйғуларини изҳор этардилар. Ҳақиқатдан ҳам Виржиния очиқ кўнгил, юввош табиатлилиги, камтар ва ҳаммага ишонувчанлиги билан айнан Момо Ҳавони эслатар, Пол эса Одам Ато янглиғ кўринишдан кенг келбатли бўлса ҳам ниҳоятда соддалиги ва хулқ-атворининг мулоғим, дилбарлиги билан ҳали ёш болага ўхшарди.

У ишдан қайтиб келган маҳаллар (бу ҳақда менга жуда кўп гапирган) икковлари ёлғиз ўтиришаркан қизга қараб шундай дерди: “Қанчалар ҳориб-чарчамайин, сени кўришим билан қайта кучга тўламан. Тоғ бошида туриб, ушбу водий ўртасида кезиб юрганнингни кўрсам, сен боғимизни чамандай

безаган гулзор ичра ҳали очилиб улгурмаган ажиб бир гунчани эслатасан. Оналаримиз турган даргоҳ томон шошаётганингга кўзим тушса, ўз жўжалари ортидан йўрғалаган сайроқи каклик қушга ўхшатаман сени. Назаримдан қочиб қайси дарахт ортига яширинмагин, нафас олишинггача эшитиб тураман. Ҳар бир босган изинг, бир нафас ўтириб, дам олган жойингни беҳато топаман. Сенга яқинлашар бўлсам, бутун вужудим қувонч оғушига чўмиб, фароғат топаётгандай ҳис қиламан ўзимни. Ложувард осмон сенинг кўзларинг ранги олдида кўримсиз, хира ойна янглиғ. Сенинг овозинг олдида қизилтўш қушининг сайрашида заррача нафосат йўқ. Борди-ю, кўлимнинг учи санга беихтиёр тегиб кетса, билгинки, бутун вужудим тотли ҳаяжон оғушида гул баргидай қалтираётган бўлади. Уч Кўкрак тоғи этагидаги дарёдан тийғалчиқ тошлар оралаб ўтганимиз эсингдами? Ушанда қирғоққа етиб бормаи ниҳоятда чарчаб толган эдим, аммо сени елкамга олганим чоқ барча чарчоғим таркаб, худди учар қушлар сингари енгил тортиб, парвоз қилишга қанот пайдо бўлгандай туйилганди менда. Тўғрисини айт, жоним, қайси сеҳру жодуинг билан мени шунчалик мафтун қилиб олдинг ўзингга? Бундай қобилият оналаримизнинг бир-бирларига бўлган ўзаро муносабатларидагина мавжуд деб ўйлардим. Ё бошқача сеҳринг борми? Ахир онам ҳам мени сенга қараганда кўпроқ суйиб, ўпади-ку? Лекин сен ўпгандагичалик ўзимни йўқотиб қўймайман асло. Назаримда ўзингнинг беқиёс мафтункорлигинг ва ички-ташқи латофатинг билан банди қилиб олгансан, шекилли. Ҳеч эсимдан чиқмайди: анави қочқин негр қизи учун соҳибдан кекирим сўраш пайтида ҳатто ялангоёқлигинг ҳам кўзингга кўринмай Қора Дарёдан шартта кечиб ўтдинг-а. Саховатингга қойилман. Майли, у гаплар ўтди кетди, яхшиси мана буни ол, севгим, сен учун чамандай гуллаб турган лимон шохини узиб келдим. Ётоғинг деворига осиб қўй. Мана бу — баланд қояларнинг баланд қаншаридан топиб келган мумли асал ҳам сенга — татиб кўр. Кейин кўксимга бош қўйиб, бир нафас ором ол, менинг ҳам чарчоғим ёйилади”.

Виржиния унга жавоб қилади: “Оҳ, акажоним, сенинг ҳузурингда бўлиш менинг учун бахт-ку! Ана шу қоялар чўққисини безаб турган куёш нуридан ҳам ёрқинроқ ёришиб кетади қалбим, қувончим эса ичимга сиғмай қолади. Сени туққан онангни худди ўз онамдай қаттиқ севаман. Айниқса, сени ўғлим, деб чақирганларини эшитсам, яна қаттиқроқ сева бошлайман уни. Оналаримиз сени эркалалашалар, худди ўзим эркаланаётгандай ҳис қиламан доим. Сен мени қандай севиб қолганингни сўраясанми? Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ-ку? Бизлар билан бирга истиқомат қилаётганларнинг ҳаммаси бир-бирини севади. Анави қушларга бир қарагин: бир уяда яшашади, аҳил-иноқ, ўзаро меҳрибон. Бир-бирларини севганлари учун эмасми? Жўровоз бўлиб сайрашларини айтмайсанми? Бир эшит... Сен ҳам тоғ бошига чиқиб олиб, най чалган маҳалларинг мана шу водий ичра кезар эканман, сен куйлаётган куйингнинг ҳар бир замзамасига тушуниб, сел бўлиб, ич-ичимдан жўр бўлиб куйлаб юраман-ку, ахир! Уша қочқин қизни соҳибига топширар чоғимиз мени деб у билан муштлашишга тайёр турганингни эшитганимдан бери янада азизроқ, бебаҳороқ бўлиб қолгансан, азизим! Шундан бери ўзимча қайта-қайта такрорлайман: “Оҳ, шундай қалби дарё акам бор-а, қанчалик бахтлиман. У бўлмаганда қандай яшардим, кўрқув, ваҳимадан юрагим чиқиб, ўлиб қолармидим балки”. Ҳар сафар сенинг ва ўзимнинг онам ҳақи дуо ўқийман, бечора хизматқорларимиз бахтини оллоҳдан сўрайман, аммо сенинг номингни тилимга олганим чоғ ибодатим янада қизғин тус олади. Ишқилиб, сендай акамни доим ёмон кўздан асрашини доим худойимдан ялиниб сўраганим сўраган. Битта нарсага ҳайронман фақат: нима учун шунчалик узоққа кетасан доим, нима учун мени деб гул ёки мева олиб келгани шунчалик баланд тоғлар устига интиласан? Ахир ўзимизнинг боғда камми улар? Узингга бир назар солгин — ҳориб, чарчаб кетибсан. Қора терга ботиб кетганингни айтмайсанми?” У оппоқ рўмолчаси билан акасининг пешонаси, юзларини обдон арти-да, қайта-қайта ўпиб қўйди.

Айни пайтда кўпдан бери Виржинияни қандайдир кўнгил гашлик қийнаб келарди. Чиройли, кўм-кўк кўзлари ости кўкариброқ қолган, юзлари сарғ-

айиб, бутун баданида аллақандай толиқиш сезарди. Манглай устида соя янглиқ нимадир пайдо бўлган, табассуми ҳам ўзгарган. Дам ҳеч қандай сабабсиз шодланиб кетади, дам ҳеч сабабсиз ғамгинлик қуршаб олади уни. Бундай пайтларда нима билан банд бўлмасин: беғараз ўйинга қатнашаётган ёки астойдил киришган бирон ишини ва ҳатто оилавий ширин суҳбатини ҳам яримта қилиб, қаёқларгадир бош олиб қочиб қолар, гўшаларида узоқ-узоқ кезиб юрар, ўзига ҳаловат излар, лекин ҳеч қаердан осойишталик тополмай қайтар эди. Баъзида Полни узоқдан кўриши билан севиниб, унинг олдида талпинарди-ю, бироқ яқинлашиши билан таққа тўхтаб, тасодифий ҳаёл оғушига чўмар, юзлари лавлагидай қизариб кетарди, кўзлари эса унинг кўзларига дуч келишидан ҳайиқаётгандай бўлаверарди. “Анави ёққа қарагин, — дерди Пол унга, — қоялар бағри ҳам-яшил либосга бурканган, сени кўриши билан қушлар сайраб юборади, ҳаммаёқ нурафшонлик кўйнида барқ уради — фақат сенгина маъюс кўринасан”. Шундай деб туриб, уни ўпиб-ўпиб оларди. Қизнинг руҳи кўтарилиши ўрнига титраб, қақшаб кетар, дарров онасининг олдида қоча қоларди. Акасининг эркалашлари бечора қизни қаттиқ ҳаяжонга соларди, чамаси. Пол эса қизнинг бундай тасодифий инжиқликлари сабабини тушунмай боши қотарди.

Бироқ фалокат фалокатни бошлаб юради, деб бежиз айтмайдилар. Бир йили ёз жуда иссиқ келди. Аҳён-аҳёнда қайтарилиб турадиган бундай ҳодиса бутун мамлакат бошига кулфат дамларни ёғдирди, қурғоқчилик бошланиб, экин-тикинни маргини берди. Бу жойлардаги сўқмоқларнинг ён-верлари ҳам саргайишиб, яшилликдан нишона қолмайди ҳатто. Декабр ойининг охирларида Тоғ такаси юлдузлари туркуми билан тўғри келиб қолган куёш уч ҳафта ичи ўзининг тик ёғдирган жазирали нури билан бутун Франция оролларини куйдириб ташлайди. Йил бўйи ғир-ғир эсиб турадиган шабада тўхтайдиди-да, йўл устида кўтарилган чанг-тўзон ҳавода муаллақ туриб қолади. Бизнинг қаҳрамонларимиз истиқомат қилаётган орол ерлари ҳам бирданига ажин тортиб, ёрила бошлайди, майса-гиёҳ қовжирайди, тоғлар бағридан ҳовур кўтарилиб, сув йўлларининг кўпчилиги қурийдиди. Денгиз узра доим сузиб юрадиган булутлардан шарпа йўқ. Фақат занг еган темир рангидай тус олиб, майда тўлқинчалар устида сузган ҳовур айниқса, куёш ботар чоғда оловдай ёнар, денгиз қаъридан гулхан отилиб чиқаётгандай туюларди. Темирдай қизиган ҳаво кечалари ҳам совимасди. Туман қоплаган уфқ четидан бош кўтарган тандир оғзи каби оловранг, улкан гардишли ой бўзрайганча атрофни аранг ёритар, қирлар бағрида кезиб, қолдан тойган подалар эса бошларини аранг кўтариб, нафас олишга уринишар, уларнинг зорланиб маъраган ба-бусидан юрагингиз орқага тортиб кетарди. Подачилар ҳам андак нам шимириб олиш ниятида ерга қапишиб олишар, лекин ҳаммаёқ бир хилда чўғдай қизиётгани учун бунинг иложи бўлмасди ҳеч. Нафасни бўғувчи ҳавода эса бирорта одам ёки ҳайвоннинг қонини сўриш билан чанқоғини қондириш пайида гужғон ўйнашаётган турли ҳашаротларнинг гувиллашларидан қулоғингиз батангга келади.

Ана шундай кунларнинг бирида Виржиния кечаси уйқуси қочиб, кўнглидаги ғашлик баттар кучаяётганини сезади. У ўрнидан сакраб турар, яна ўтирар, чўзилиб ётар, бироқ ўзини кўярга жой тополмаётгандай вазиятни бошдан кечираверарди. Ниҳоят, оёққа туриб, ой ёруғида ўзининг қадрдон қўлчаси томон йўл олади. Қурғоқчилик бўлишига қарамай қорамтир қоя ёнбағридан тушиб, қўлчани тўлдириб турадиган ирмоқ ҳамон ой нурида йилтиллаганча жилдираётган эди. Виржиния сувга тушади. Жони ҳузур топади, шу заҳотиёқ бошини хушбахра эсдаликлар эгаллайди. Пол билан гўдаклик чоғларида онаси ва Маргарита уларни шу жойда чўмилтириш билан ҳузур топардилар. Кейинчалик эса Пол унга алоҳида чўмиладиган жой қилиб, тагини чуқурлаштиради, тубига қум солиб, атрофини эса турли ўт-ўланлар билан безаган эди. Ҳозир ой нурида уларнинг сояси қизнинг яланғоч билакларига, қўксига тушиб ақсланар, ака-сингил туғилган кунлари экилган ва ҳозир шохлари тарвақайлаб, шода-шода ёнғоқлари осилган икки кокос дарахтлари сув юзига жилва ёярди. Қиз яна Пол билан ўрталаридаги ўзарс дўсто-

на муносабатлари тасаввурига берилади: бу дўстлик ана шу ўт-ўланлар таратган хушбўйликдан ҳам муаттароқ, шу қўлча сувидан ҳам тоза ва зилолроқ, ёнма-ён қад ёйган анави икки кокос дарахтидан ҳам мустаҳкамроқлигини қиёс қилади-да, оғир хўрсиниб қўяди. Бироқ кутилмаганда атрофини қоп-қоронғилик қуршаган ярим кечада шу хилватгоҳ қўйнида якка-ёлғизлиги эсига тушади-да, этлари жимирлаб кетади. Шу заҳотиёқ сувдан чиқиб, гўё ейман дегандай домига тортмоқ пайида қуюқ, қоп-қора буталар орасига яширин аждарҳолар, атрофдан ҳамлага ҳозир турган бешафқат ёвни эслатувчи бадқовоқ кўринишлар унинг юрагида қаттиқ ғулу уйғотади. Ҳозиргина сувга шўнғиб, андак роҳат топган баданлари тушки маҳал куёш жазирасига дош беролмаган оташгоҳдан ҳам баттар қизиб кетади. Шу вазиятдан тезроқ кутулиш ва ичини алгов-далговга солган изтиробларга малҳам топиш мақсадида онасининг ҳимоясига чопади. Неча бор худди шундай аҳволни бошдан кечирган пайтлари унинг қўлларини қисиб, дардини изҳор этиш билан Полнинг номини айтиб, дилидагилардан ошно қилгиси, кўнглини бўшатгиси келарди-ю, аммо ундаги ҳаё ва тортинчоқлик бунга йўл қўявермасди, бундай пайтларда фақат она кўксига бош қўйиб, йиғидан аламинни оларди, холос.

Де Латур хоним кўпдан бери қизининг ичида нималар содир бўлаётганидан хабардор, бироқ ўзи бу ҳақда гап очишга ҳад қилолмасди. “Болажоним, — дея доим такрорларди у, — худодан сабр тила ўзингга. Фақат угина мушқулингни осон қилади. Бугун сени синовдан ўтказаятган бўлса, эртага албатта марҳаматини аямаслиги аниқ. Шунин билгинки, сан билан ҳаммамиз бу ёруғ дунёда Тангри саховатининг гадойимиз, холос”.

Бу орада кунлар яна баттар оташга айланиб, денгиз юзасидан кўтарилган қайноқ ҳовур булутдай бутун орол устини қоплаб олади. Теваракни ўраб турган тоғлар бағрида иссиқ ҳовур уюмларидан олов ранг жўяк тортилиб, ханжардай ўткир тиллари билан туман бағрини тилка-пора қилардилар гўё. Кўп ўтмай қаттиқ момақалдироқ гумбуллаб, бутун ўрмонлару, пасткекисликларни титратиб юборади; осмондан эса шоввадай шариллаб ёмғир қуя бошлайди. Кучли оқим кўпикланиб тоғлар бағрини обдон ювганча пастлик томон югуради; Виржинияларнинг кулбаси жойлашган водий эса сувга тўлиб, денгиз шаклига киради. Бу водийга киравериш орқали пўртана аралаш катта-катта харсанглар, тагидан қулаган бутун-бутун дарахтлар, танасидан узилган шох-шаббалар ёпирилиб келадилар.

Барча оила аъзолари де Латур хоним кулбасига йиғилиб олиб, ваҳима ичида астойдил ибодат қилишга бериладилар. Шамолнинг даҳшатига аранг дош бераётган кулба томи қаттиқ ларзага келиб, қаср-қусурлаганига барчани баробар даҳшатга солади. Кулбанинг эшигию туйнуқлари қаттиқ беркитилганлига қарамай чақмоқ чақини девор дарзларидан кучли ёруғ бериши орқасида ичкаридаги ҳамма нарса кўзга яққол ташланар, нима қаердалигини хатосиз кўриб турардингиз. Ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган Пол бўрон хуружига парво қилмай Доминго билан бирга у кулба билан бу кулба ўртасида гимирлар, у ерга қозик қоқиб, бу ерга тиргак қўйиб, сув йўлини тўсиш билан тиним билмай ишларди. Ҳамма ўтирган жойга эса яқин ўртада тўс-тўполон тиниб, ҳаво очилиб кетишидан хабар бериш билан уларни тинчатиш учунгина кирарди. Айтганидай кечга яқин ҳаммаёқ тинчиди, шамол қувган булутлар шимолий ғарб томон силжишди, ботаётган куёш уфқ четидан жамол кўрсатди.

Биринчи бўлиб, Виржиния ўзининг оромгоҳига бориш истагини билдирди. Пол тортинибгина унинг олдига яқинлашди-да, йўлда йиқилиб-негиб қолмаслигининг гамини еб, қўлтигидан олишни таклиф қилди. Қиз жилмайибгина таклифини қабул қилгач, биргаликда уйдан чиқишди. Ҳаво топ-тоза, қўнғироқдай жаранглаб титрарди гўё. У ер-бу ерда сув йиғилиб кўлмак ҳосил бўлган ҳовузчалар, тошқин туфайли йиғилган саҳтиён кўпиклар аста қурир ва улардан кўтарилган ҳовур эса тоғ чўққилари бўйлаб, тутундай кўкка интиларди. Улар яратган боғларни таниб бўлмасди: ҳаммаёқ сув, дарахтларнинг аксарияти илдизи билан кўпорилган, кечаги кўм-кўк майсалар ўрнида кум уюмлари, Виржиниянинг кўлчасидан эса ном-нишон йўқ. Фақат бир жуфт кокос дарахтларигина мағрур турардилар. Унинг атрофидаги гулзору, бах-

малранг йўлкалар ва ҳатто бир нечта қоратўш қушлардан бўлак паррандаю дарранда ҳам кўринмасди. Қоратўш қушлар ҳам яқингинадаги қоялар устига ўтириб олиб, полапонларининг бевақт нобуд бўлганлигидан қаттиқ қайғу чекиб, аянчли оҳангда бетиним чирқиллардилар.

Бўм-бўш қолган қиёфани кўрган Виржиния Полга қараб дейди: “Эссиз, қанча қушлар олиб келгандингиз, тўфон барининг бошига етибди, бус-бутун боғ яратгандингиз — бари адоий тамом. Нимаики қилган бўлсак — ҳаммаси хонавайрон бугун. Фақат осмонгина ўз ўрнида собит”. — “Оҳ, нима учун ана шу осмон қаъридан бирон нимани олиб, сенга совға қилишга ожизман-а? — дейди унга жавобан Пол, — дарвоқе, осмондагилар у ёқда турсин, ерда ҳеч вақо қолмабди”. “Лекин бизда азиз авлиё Павелнинг тасвири бор”, — дея Виржиния акасига далда бермоқчи бўлди. — У гапини тугатмасданок Пол ўша тасвирни олиб келмоқ учун уйига югурди. Гап авлиё Павелнинг рўйи акс этган кичкина ҳайкалча тўғрисида борарди. Маргарита уни жуда қадрларди. Қизлик палласида бўйнига тақиб юраркан. Ҳатто ҳомиладорлик пайтлари ҳамма ундан юз ўгирган маҳаллар ҳам ёлғизликда кўпинча ўша ҳайкалчага тикилиб, овунч топар экан. Қарангки, чақалоқ ҳам нимаси биландир худди ўша тасвирга ўхшаб қолибди. Шундай кейин ўғлим шу авлиё ҳимоясида бўлсин, уни аввал ҳақоратлаб, сўнг ўзларидан четлатишган одамлардан йироқда яшаган фарзандимизни шу авлиё арвоҳи қўлласин, деган ният билан номини Пол (Павелнинг қисқаргани) қўйган экан. Виржиния Полнинг қўлидан ҳайкалчани олибоқ дейди: “Мен дунёда тирик эканман, акажон, буни доим ўзим билан олиб юраман, бирдан бир бисотинг бўлмиш энг қимматли нарсангни менга берганингни ҳеч қачон унутмайман”. Шундай самимий гапларини эшитган Пол беихтиёр бориб, унинг юзларидан ўпишга интилган эди ҳамки, қиз чаққон ўзини тортиб, қушча мисол енгилгина парэтади-ю, кўздан ғойиб бўлади. Пол эса унинг бу қилиғига тушунолмамай ҳайрон бўлиб, жойидан жилмай ёлғиз қолаверади.

Бу орада Маргарита де Латур хоним билан суҳбатлашиб ўтириб, “Нима учун болаларимизни қовуштириб, уйли-жойли қилишни ўйламаяпмиз?” — деган маслаҳатли шамани ўртага ташлайди, — ўғлим очикчасига тан олмаса ҳам, сезаман: улар бир-бирларини жондан севишади. Табиат эркак зотида уйғотадиган ҳиссиёт Полда пайдо бўлиб, тилимизни тишлаб қолмайлик тагин. Ҳарҳолда бунинг олдини олиб, эҳтиёт бўлишликни унутмаслигимиз керак”. — “Улар ҳали жуда ёш, бунинг устига ўта камбағалмиз, — дея жавоб беради де Латур хоним, — борди-ю, Виржиния туғиб берса, кейин уларни қатта қилолмай қийналишини кўриш бизга осон бўлади, деб ўйлайсанми кейин? Сеннинг Домингонг қариб қолган, Мариянинг қўлидан бола боқиш келмайди. Ўзимга келганда, дугонажоним, мана ўн беш йилдирки, тинкам қурийдим. Иссиқ жойларда қаришинг ҳам осон экан, ғам-аламинг кўпайса — ундан ҳам тез қарийсан. Пол бизларни бирдан-бир суянган тоғимиз. Феъл-атвори шакл топгунга қадар сабр қилиб турамурайлик, мустақил ва астойдил оёққа туриб, меҳнати билан бизни боқадиган бўлгунча шошилмайлик. Ҳар қалай, кимга умид боғласак арзийдиган одамимиз борлигини биласан-ку. Шунинг учун Полни бир неча вақтга Ҳиндистонга тижорат билан шуғулланишга юборсак, уч-тўрт танга топиб, бир неча негр сотиб олиб қайтса, кейин Виржинияга уйлантириш қочмайди. Сангаям, мангаям маълумки, кўзимнинг оқу қораси қизим санинг ўғлинг Полдан бошқа ҳеч ким билан бахтини тополмайди. Бу ҳақда кўни-кўшнилари билан ҳам маслаҳатлашсак дейман”.

Ҳақиқатан ҳам иккала аёл мен билан маслаҳатлашгач, охири бир фикрга келдик: “Ҳинд денгизининг хосиятига нима етсин, — дедим мен, — йилнинг сафарга чиқиш учун энг қулай муддатига эришсак, саёҳат Ҳиндистонгача энг кўпи билан уч ҳафтага чўзилиши мумкин, қайтиб келишида ҳам яна шунча йўл босади. Мен ҳам, энг яқин кўшнилари ҳам Полни жуда яхши кўришади. Биргаллашиб қўлига анча-мунча мол-мулк йиғиб беришимиз мумкин. Тозаланмаган пахта берамиз — бари бир уни тозалайдиган заводимиз йўқ-ку бу ерда. Атрофимизда сон-саноксиз қайрағочлар ўсади — бекорга кесиб, ўтинга ишлатиб ётибмиз. Қолаверса, ўрмонларимизда дарахт танаси-

дан ситиб чиқадиган елимларимиз мўл. Унинг қадрига бу ердагилар етмайди. Ҳиндистонда эса буларнинг ҳаммаси пул!”

Бундай саёҳатга чиқиш учун жаноб де Лабурдоннедан рухсат сўраб беришни мен ўз зиммамга олдим, аммо бу ҳақдаги гаплардан Полнинг ўзини ҳам огоҳ қилиб қўйишни маъқул кўрдим. Унинг асло ёшига тўғри келмаган ақлли ва доно жавобини эшитиб, қанчалик лол қолганим, қойил бўлиб, ёқа ушлаганимни кўрсангиз эди: “Арзимаган қандайдир бойлик орттириш учун иссиқ жойимни совитиб, оиламдан узоқлаштиришга мунча ошиқмасангиз, — деди у, — дунёда ерга ишлов бериб, ҳосил ундиришдан зиёдроқ бирон хосиятли машғулот топиладими? Шу ернинг ўзида мўл ҳосил ундириш билан йилига ўша сиз тавсия қилаётган савдо-сотикдан келадиган фойдадан кўра эллик ва ҳатто юз фоиз ортиқроқ даромад олиш мумкин-ку? Бордию, савдо-сотик билан шуғулланиш зарурати туғилган экан, емиш-ичмишдан орттирганларимизни шу ернинг ўзида ёки шаҳар бозорига олиб бориб, пуллайверсак бўлмайдами? Қаёқлардаги Ҳиндистон-пиндистонларга қатнаб юришларга ҳеч ҳожат йўқ-ку, отахон? Онажонларим Домингони кексайиб қолганини писанда қилишгани-қилишган, хўш, менинг ўзим-чи? Мен ҳам қариб қолдимми ё? Кундан-кун улғайиб, кучга тўлаяпман-ку, ахир? Борди-ю, ўша ёқларга кетиб қолсам, йўқлигимда уларга бир нарса бўлиб, но-чор қолишса, нима қиламан кейин? Айниқса, шундоқ ҳам сиҳати қочаётган Виржинияни ташлаб кетишим инсофданми? Э, йўқ, асло йўқ! Уларни бир зумгинага ҳам ташлаб кетолмайман!”

Унинг жавоби мени шунчалик довдиратиб қўйдик, нима учун ўртага тушганим — Виржиния балоғатга етганга қадар вақтдан ютиш мақсадида бир оз муддатга бўлса ҳам икки ёшнинг ўртасига жудолик солишга мажбур бўлаётганлигини де Латур хонимдан эшитганларимни энди асло-асло Полга етказмасликка қарор қилдим.

Бу орада Франциядан келган кема орқали де Латур хонимга холасининг мактуби тегди. Мактубда хола бўлмиш қаттиқ дардга чалингани, бу дард сўнгги пайтлар унинг ёши кўтаролмайдиган даражада зўрайиб бораётганини ёзарди. Шу муносабат билан жиянини ёнига чақирар, мабодо шунчалик узоқ йўл босиб келишга ўзининг дармони етмаса, Виржинияни юборишни талаб қилган эди. Виржиния келса, унга яхшироқ тарбия беришни бўйнига олар эмиш, юқори табақали ва сарой аҳиллари билан таништирар эмиш, бор бисотини хатлаб, унга мерос қолдирар эмиш. Бунга астойдил ваъда берармиш. Шу билан бирга айтганлари фақат унинг талаби тўлақонли бажарилгандагина амалга ошиши мумкинлигини ҳам уқдириб ўтган эди.

Бутун оила йиғилиб, ўртада ўқилган хат бирданига ҳамманинг кўнглини хуфтон қилди. Доминго билан Мария йиғлаб юборишди. Пол калаванинг учини йўқотиб қўйган қўйган одамдай ғазабини аранг ичига ютганча шамдай қотиб қолади. Виржиния онасига қаттиқ тикилганча тили танглайига ёпишиб, лом-мим дейиш учун оғиз очишга ожиз қолади. “Наҳотки бизларни ташлаб кетсангиз, дугонажон!” дея савол беришга ҳад қилди Маргарита. “Йўқ, азиз дугонам, йўқ, менинг болажонларим, — дея жавоб қилади де Латур хоним, — сизлардан ҳеч қачон ажрамайман. Сиз билан бирга яшадимми, ўлсам ҳам сизнинг олдингизда ўламан. Сизларнинг меҳр, садоқатингиз туфайли мен бахт нималигига астойдил тушуниб етдим. Агар соғлигим бўшашганини демасангиз, бу фақат сизга қадар чеккан азобларимнинг оқибатидир. Қариндош-уруғларимнинг тошюраклиги ва эрим бўлмиш энг азиз кишимдан айрилишим юрагимни яралаб қўйган. Аммо мана шу ғарибона кулбам остида сиз билан бирга бўлиб, овунч топдим ўзимга, хотиржамликка эришдим, бундан ортиқ нима керак менга, қариндош-уруғларим ҳадя қиладиган бойликларми ё? Бошимга урамани уларни?”

Шундай жавобдан сўнг қувончдан ҳамманинг кўзида ёш пайдо бўлади. “Мен ҳам сизларни ташлаб кетмайман ҳеч қаёққа, — дейди Пол, де Латур хонимни кучоқлаб туриб, — Ҳиндистонга ҳам бормайман. Сизлар учун бизлар ишлаймиз, онажоним, бизлар бор эканмиз, сизлар ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайсизлар, ҳеч вақт, ҳеч қачон!” — Ўтирганларнинг ҳаммасидан кўпроқ

Виржиния қувониб, ичдан тантана қилади. Шу куни кечгача унинг руҳи ниҳоятда кўтарилиб, хотири жам, кўнгли осойиш топиб юрди.

Эртасига тонг маҳали одатдагидек нонуштадан олдин бирга йиғилиб, ибодат қилишиб улгуришмаган эдики, Доминго қандайдир отлик жаноб икки негр қузатувида қишлоққа яқинлашаётганидан хабар берди. Бу — губернатор де Лабурдонне экан. Бугун оила аъзолари стол атрофига йиғилиб ўтиришади. Виржиния маҳаллий одатга кўра дастурхонга эндигина дамланган чой, қаҳва ҳамда сувда пиширилган гуруч қўйиб улгурган эди. Губернатор киргандан сўнг иссиқ чавати, ҳозиргина узилган банан шодасини қўяди. Буларнинг ҳаммаси ярим бўлак қовоқ идишларга солинган бўлиб, банан япроқлари эса дастурхон ва сочиқ вазифасини ўтарди. Губернатор аввалига кулба ичидаги қашшоқона жиҳозларни кўриб ҳайрон бўлади, кейин де Латур хонимга мурожаат қилиб, жамоат ишларидан бўшаб, алоҳида кишилар ҳолидан хабар олишга вақт тополмаётганидан нолийди-да, кейин муҳим бир нарсага диққат беришлигини сўрайди: “Хоним афанди, — дея давом этади у, — Францияда обрў-эътиборли, бой-бадавлат холангиз яшар экан. Бор бисотию, бор давлатини мерос қолдириш учун сизни ўз олдига чорламоқда”. Де Латур хоним соғлигининг мазаси йўқлиги сабабли бундай олис сафарни кўтаролмаслигини тушунтирди. “Унда шундай келишган, дилбар қизингизни катта мерос эгаси бўлишидан махрум қилишингиз адолатдан эмас-ку? — эътироз билдиради жаноб де Лабурдонне, — очигини айтсам, сизнинг холангиз ҳоқимиятга мурожаат қилиб, қизингизни боришга мажбур этишни сўраган. Мен бу борада куч ишлатишгача боришга буйруқ олганман, бироқ колониямиз аҳлининг манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг дилини ранжитмасликдайд бурчим борлигини унута олмайман. Шунинг учун қизингизнинг келажак тақдири ва шахсан ўзингизнинг бекаму-кўст турмушингизни ўйлаб, бир неча йилни ўз ихтиёрингиз билан қурбон қилишингизга маслаҳат бераман. Бизнинг оролга одамлар нима мақсадда келиб қолишларини биласизми? Бир оз бойлик йиғиб, ўз аҳволиятларини яхшилаб олиш учун. Худди шу бойликни ўз ватанингда туриб орттирганингга нима етсин, шундай эмасми?”

Шундай дея туриб негрлардан бирининг қўлидаги майда пул тўла қопчиқни олди-да, стол устига қўйди. “Мана булар, — тушунтирди у, — қизингизнинг сафар харажати учун холангиз томонидан юборилган тухфа”. У меҳрибонлик билан шунчалик эҳтиёжга муҳтож бўлатуриб, бирор марта губернатордан ёрдам сўраб мурожаат қилмаганлиги учун енгилгина танбех берган бўлди-да, кейин аёл киши ҳолида бу қадар мағрур ва мардлигини мақташга ўтди. Шу заҳоти Пол гапга аралашди: “Менинг онам, жаноб губернатор, — деди унга, — сизга ўз вақтида мурожаат қилган эдилар, бироқ хайрихоҳлик билдириш ўрнига сиз томондан жуда аҳмоқона муносабатда бўлинди”. — “Болангиз иккитамиди, хоним? — дея сўрайди жаноб де Лабурдонне да Латур хонимдан, — Йўқ, жаноб, — жавоб қилади аёл, — бу дугонанинг ўғли, аммо у ҳам, Виржиния ҳам бизнинг умумий болаларимиз, иккови мен учун баб-баробар азиз ва мўътабардир”. — “Ҳурматли йигитча, — дейди губернатор Полга қараб, — одамларнинг феъл-атворини бир-биридан фарқ қиладиган бўлганингизда тушунардигиз, ҳоқимият билан боғлиқ ишларни эл орасига тарғиб қилиш, оддий инсонлар билан тил топишиб, ўзаро муомалада бўлиш қанчалик юқийин ва масъулиятлидир. Ҳамма нарса олма пиш-оғзимга туш деб ўтирган билан амалга ошавермайди. Демокчиманки, губернаторлик вазифасини бажариш, кўпчиликнинг талабини қондириш борасида бош қотиришининг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд”.

Де Латур хоним уни дастурхонга таклиф қилди. Улар ёнма-ён ўтирдилар. Уни қаҳва ва сувда пиширилган гурунч билан меҳмон қилишди. Губернатор қайта агрофга кўз ташлаб чиқиш билан шундай ғарибона кулба ичидаги саришталик, аҳил оила аъзолари ва кекса хизматкорларининг дид-фаросати, саъй-ҳаракати туфайли эришилган озодалик, тартиблардан қойил бўлганини яширолмади. “Уй жиҳозларингиз ниҳоятда содда ва оддийгина экан, — деди у, — аммо ёруғ чехрангиздан баридан мамнунлигингиз кўриниб турибди”. Унинг бу хил илтифотидан кўнгли кўтарилиб, яйраб кетган Пол “мен сиз

билан дўст бўлиб қолишни истардим, чунки сиз ҳам анча бағри кенг одам экансиз” — деди. Губернатор самимий изҳор қилинган бу сўзлардан қаттиқ таъсирланиб кетди-да, уни ўпиб қўйди, сўнг қўл қиситаркан жаноб де Лабурдонне нимайки зарурлик туғилса, истаган маҳали мурожаат қилиши мумкинлигини таъкидлаб ҳам қўйди.

Нонуштадан сўнг губернатор де Латур хонимни четроққа чорлаб, яқин кунлар ичи Францияга йўл олиш учун тараддуд кўраётган кема орқали қизини жўнатиш имкони борлигини шипшитди, уни ўзининг сафарга чиқадиган яқин қағиндошига қўшиб, манзил охиригача кузатиб боришлигини тайинлаши мумкинлигини ҳам айтди. Бир неча йилгина она-бола бир-бирларидан ажралиб туриши эвазига катта бойликка эга бўлишлари, бундай улкан давлат ҳар кимга ҳам, ҳар кунни ҳам насиб этмаслигини, ундан воз кечиш эса ҳеч-ҳеч қуюшқонга тўғри келмаслигини уқтиради. “Холангизнинг умри тугаб қолган, — дейди у хайрлашар чоғда, — яшаса, узоғи билан икки йилча яшайолади, холос. Буни менга таниш-билишларим етказишди. Яхшилаб ўйлаб кўринг, ўзаро маслаҳатлашиб ҳам олинглар. Ҳар қанақа ақли жойида одам гапим ҳақлигига сўзсиз қўшилади”. Де Латур хоним унга жавобан бирдан бир овунчи ҳам, бахти ҳам, бу дунёдаги бор давлати ҳам қизи эканлигини айтиб, Францияга бориш-бормасликни унинг ўз ихтиёрида эканлигини тунтиради.

Аслида у икки ёшнинг келажаги, бахти-саодатини таъмин этиш мақсадида кулай муддатдан фойдаланиб қолиш, ана шу имконият эвазига Пол билан Виржиниянинг ўртасига бир неча йиллик муддатли ҳижрон солишга ҳам рози эди. Шунинг учун қизини четроққа чақириб, маслаҳатлашади: “Болажоним, — дейди у, — хизматкорларимизнинг ёши бир ерга етиб, қариб-қартайиб қолишган. Маргарита ҳам кундан кун кексайиб бораётганини кўриб турибсан, Пол бўлса ҳали жуда ёш, менинг ҳам соғлиғим жойидамас, худо кўрсатмасин, ўлиб-нетиб қолсам, мол-бисотсиз, бу кимсасиз оролда ҳолинг не кечишига ақлим етмайди. Ҳеч киминг қолмай, биронта гамгузоринг йўқ, якка-ёлғиз ер таталаб, ҳосил ундираман, дея бошинг мардикорликдан чиқмай қолади, деб кўрқаман. Ана шундай фикр-мулоҳазалар миямни ўйгани-ўйган, болам”. Виржиния ўз навбатида унга шундай жавоб қилади: “Онажон, бизларни оллоҳ меҳнат учун яратган. Сиз менга ҳалол тер тўкиб яшаш билан доим Тангрига шуқр қилишни ўргатдингиз. Шу кунларгача у биздан юз ўғирмади, бундан кейин ҳам юз ўғирмасдир зора, дея унга ибодат қилман. Унинг марҳамати кенг, айниқса бева-бечоралардан эҳсонини аямайди, деб ўйлайман. Сизнинг ўзингиз ҳам бу тўғрида кўп гапиргансиз-ку, онажонгинам! Мен сизни ҳеч қачон ёлғиз ташлаб, ҳеч ёққа кетолмайман!” — “Мен фақат сенинг бахтингни тилайман, болагинам, — дейди қизининг гапларидан таъсирланган де Латур хоним, — вақти келиб, Полга турмушга чиқишингни истайман, ахир у сенга туғишган ака эмас-ку? Шунини ўйлаб кўр. Унинг келажаги сен билан боғлиқ”.

Одатда қизлар бировга кўнгили қўйишса — буни ўзимдан бўлак ҳеч кимса билмайди, деб ўйлашади. Қалбининг тўрида бор ҳиссиётларини сир сақлаб, ўзгалар назаридан яшириб юрадилар, гўё ташқи дунё билан ички дунё ўртасида қалин парда бордай. Аммо бирон меҳрибон қўл ана шу парданинг ўртасидан кўтарилишига ҳад қилса, шу заҳотиёқ ишқ изтироблари туғёнга келиб, ичга сиғмай, қалб дарвозаси ланг очилади-ю, ташқарига отила қолади. Шу чоққача бу тўғрида бировга оғиз очтирмаган сир-асрор қудрати бирдан бўшашиб, барча андишалар ўрнини хайрихоҳ билдирганга нисбатан тотли ишонч ҳиссиёти эгаллайди. Жонкуяр онанинг бу ҳақда гап очиши таъсирида Виржиния қайнаб-тошиб, дилидаги розини тўкиб сола бошлади. Унинг ишқ дардида қанчалик қийналиб, ўзи билан ўзи курашиб, қанчалик изтироб чекканлиги фақат якка-ёлғиз Тангрига аён эди, холос. Яратганга минг шукурлар бўлсинки, бундан онаси ҳам огоҳ экан. Яна денг, у қалб хоҳишини қўллабгина қолмай унга яхши маслаҳатлар ҳам бераётир. Демак, бугунги, келажаги учун ҳам ташвиш тортмаса бўларкан. Ҳа, унинг ишонган, ҳақиқий дардка-

ши, мададкор суянчиғи бор. Шундай экан, келиб-келиб энди ташлаб кетадими уни? Йўқ, ҳеч қаёққа бормайди у, ҳеч қачон!

Ундан шундай гапларни эшитган она кўнгли ўрнига тушиб, хийла енгил тортган бўлади-да, дейди: “Инон-ихтиёринг ўзингда, болам, мен сени мажбур қилолмайман, ўзинг ҳал қил ҳаммасини. Фақат юрак дардингни Полдан сир сақла. Қиз бола деган ўз маъшуқига дардини айтдими, унга бир умр тобедай бўлиб қолади”.

Кечга яқин она-бола бирга ўтиришар экан, олдиларига узун бўйли, эгнига оч-кўк ранг жубба кийган кимса кириб келди. Бу — орол миссионери, де Латурхонинг ва Виржиниянинг черковдаги диний мураббийси эди. У губернатор буйруғи билан ташриф буюрибди. “Худога шукроналар бўлсинким, кўз қорачуғларим, — деди у остона босиб кириши билан, — бойлик буюрсин сизларга. Мана энди омадинглар юришиб, фақат яхши маслаҳатларга қулоқ бериш билан бева-бечораларга ёрдам кўрсатадиган бўлдинглар. Жаноб де Лабурдоннедан ҳаммасини хабарим бор, сизлар унга нима жавоб қилганингиздан ҳам. Онажонингизнинг соғлиғи узоқ сафарни кўтаролмаслиги мумкин, аммо сиз — Виржиния хонимчадай ойим қизга ҳеч қанақа важкорсон кўрсатишга ўрин йўқ. Қариндошларинг яхшими-ёмонми — ким бўлишидан қатъи назар Тангрининг амрига бўйсуниб, ҳамият кўрсатишдан бўлак илож тополмаймиз. Андак азият чекишларга тўғри келар, бироқ Тангрининг иродаси бу. Исо Масих бизлар учун азоб тортди, сизу биз ҳам ундан ибрат олиб, оиламиз манфаати йўлида андак заҳмат чексак — бунинг нимаси ёмон? Сизнинг Францияга қиладиган сайр-саёҳатингизнинг оқибати хайрлидир. Хўш, ёш бойвучча хоним, сафарга чиқишга розимисиз?”

Бошини қуйи солган Виржиния овозида қалтироқ туриб, жавоб қилади: “Агар Тангрининг хоҳиши шу бўлса, мен қаршилиқ қилишга ожизман. Тангрининг хоҳишига шак йўқ” — шундай деб туриб йиғлаб юборади у.

Миссионер зиммасига олган бурчини муваффақиятли адо этганлигини айтиш учун губернатор олдига жўнайди. Шундан кейин Виржиниянинг сафари масаласида гаплашиб олиш учун Домингони олдимга юборишади. Мен Виржинияни бирор ёққа юбориш учун қанақа эҳтиёж туғилиб қолганига тушунмасдим. Чунки табиатнинг ўзи берадиган инъом-эҳсондан ортиқ ҳаётий кафилликни тан олгим келмасди. Ҳар қандай бойлик табиий бойлик қаршида бир чақадай гап. Шундай экан, бари бадавлатлик ўз хонадонингда мўл туриб, қаёқлардаги “қуйруқ”қа умид боғлашларга нима ҳожат? Мен ҳар жиҳатдан ана шундай қонун-қоидаларга бўйсуниб иш юритишни маъқул кўрадим. Бироқ бир вақтлардаги олий табақа бидъатларидан ҳамон паққос қўтилолмаган де Латур хоним учун катта бойликка эришиш орзусидан иложи бори-ча воз кечиш тўғрисида юритган мулоҳазаларим маъқул тушармикин? Гап орасида шунга иқрор бўлдимки, аёл мендан шунчаки одоб юзасидан маслаҳат сўраётган экан. Ҳатто Виржиниянинг бир ёққа кетишига оёқ-қўли билан қарши турган Маргарита ҳам ўғлининг Виржиния орқали бойликка эришишини кўзлаб, барига розилик бераётган экан. Полнинг ўзига келганда, у де Латур хоним билан қизи ўртасида ўтган қандайдир махфий суҳбатнинг боисига тушунолмай ва нима устида қарор чиқараётганларининг тагига етолмай алам чекиб, маъюс вазиятни бошдан кечириб юаркан. “Менга қарши қанақадир фитна уюштиришаётганга ўхшайди, — деган хулосага келади у ҳатто, — аксинча мендан яширин пичир-пичир қилаверишмасди-ку, ахир”.

Шу орада буларнинг бой-бадавлат бўлаётганликлари ҳақидаги миш-миш бутун орол бўйлаб тарқаб улгурди. Кўп ўтмай турли-туман маҳсулотлар орқалаган савдогарларнинг кети узилмай қолди. Ғарибона қулба теваарагига Ҳиндистондан олиб келинган ранг-баранг ва қимматбаҳо товарларини уябошладилар. Орол бино бўлиб, ундаги аҳли-алаф етти ухлаб тушида кўрмаган тойтой матоларнинг хилма-хиллигини кўрсангиз: кийсангиз баданингиз кўринадиган нафис ипак кўйлақлар, зарбоф нимчалар, этакларигача биллурдай ялтироқ мунчоқлар тақилган кимхоб чопонлар, гулпарчин, ойнадай тиниқ, тикилсанг аксинг кўринадиган, жимжимадор шойи, қизғич ранг, ҳаворанг, зангоранг, нафис оқ ранг читдан моҳирона тикилган кийимликлар. Юм-

шоқлигидан қўл теккизсанг эриб кетаётгандай туйилувчи хитой шойилари... Ишқилиб, ер юзининг турли мамлакатларидан олиб келинган энг олий нав газламалар, камзуллар, чопон, бош кийим, оёқ кийимлар шунчалик кўп тўкиб ташланадики, кўрганнинг кўзи ўйнаб, дили яйраб, ҳаваси келиб, қўйгани жой тополмаётгандай ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди фақат.

Де Латур хоним қизига нима ёқса шуни олсин, деб ўзига қўйиб берган, нарсаларнинг юқори даражада сифатлилигидан завқланса, уларнинг баҳосини кўриб, ранг-рўйи ўчар, аммо нафасини ичида сақларди. Савдогарлар бирон сифатсизроғини қизимга тутқазиб, алдаб қўйишмасин, дегандай Виржиниянинг ортидан юриб, кўз-қулоқ бўлишни унунутмас ҳам. Виржиния ҳам онасига нима ёқса, ўшани харид қилар, Маргаритани, унинг ўғлини, оиланинг барча аъзоларини ҳам қуруқ қолдирмасликка уринарди. “Мана буниси, — дерди у, — жавон устига ёпишга яхши, буниси Марияга, Домингога”. Сотиб олганларини ҳаммага бўлиб-бўлиб беришга беради-ю, ўзи эсдан чиқади. Кейин бошқаларга тақсимлаганлари ичидан унга алоҳида ажратиб беришга мажбур бўладилар. Виржинияга теккан бисотларни кўрган Пол унинг сафарга чиқишга тараддуд кўраётганини сезади-да, қаттиқ тушкунликка берилади. Орадан кўп ўтмай ниҳоятда эзилган ҳолда олдимга келиб, дейди: “Синглим жўнаб кетмоқчи, йўлга тараддуд кўраётир. Илтимос қиламан, бизникига юринг. Оналаримга ўз таъсиригизни кўрсатиб, уларнинг аҳдидан қайтаришга ёрдам беринг менга”. Борганим билан менинг насиҳатларимдан бирор чақалик фойда чиқмаслигига ишончим комил бўлишига қарамай Полнинг қистови билан йўлга тушдим.

Илгари Виржинияни Бенгалияда тўқилган кўкиш бўз қўйлақда, бошига қизил дурра боғлаб қанчалик зебо, дилбарона кўриб юрган бўлсам, бу сафар ундан ҳам очилиб, янада гўзаллашган қиёфада кўриб, оғзим очилиб қолди. Эгнида нимпушти ҳошияли хушбичим тикилган қўйлақ бўлиб, қўйлақ устидан қоматига жуда мослаб боғланган белидаги сербар белбоғ ҳам ўзига ниҳоятда ярашиб, елкаси оша солинган икки ўрим сочлари унинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборгандай туйиларди. Осмон тусидек нақадар жозибадор кўзларида алланечук мунг шарпаси акс этар: ички эҳтирос туғёнига аранг бардош бераётган қалб изтироби юзига кўпчиб, оташ тусда товланар, овозида эса андак қалтироқ оҳанг ифшо этилиши билан тингловчиси юрагига ўзгача ҳаяжон уйғотмай туролмасди. Ички руҳият билан мажбурийдай кийинишлару чиройли безанишлар ўртасида бир-бирига асло мос келмаган номутаносиблик ҳам қизга алоҳида жозиба бахш этаётганга ўхшарди. Шу жиҳатдан ҳам унга лоқайдлик билан қараб, овозини эса безътибор тинглаб бўлмасди. Буларнинг ҳаммаси Полнинг гуссасига гусса қўшаётган эди. Ўғлининг вазиятини анчадан бери кузатаётган Маргарита икковлари ёлғиз қолишгач, сўз қотди: “Амалга ошмайдиган нарсаларга умид боғлашга наҳожат, ўғлим, бундан фақат зиён кўриш бору фойдаси йўқ-ку? Кел, ичимизда сақланаётган сир-асрорни ўртага тўкиб, очиқ-ёриқ гаплашиб олайлик. Тушин, ўғлим, де Латур хонимча она томондан бой-бадавлат, тагли-тугли, обрў-эътиборли оила вакили, сан бўлсанг, оддий, камбағал деҳқон аёлининг ўғли саналасан, бунинг устига ғайри қонуний туғилган деган номинг бор”.

“Ғайриқонуний туғилган” деган иборалар Полни ҳайратга солди. У бунақа гапни ҳеч қачон эшитмаган эди. Шунинг учун бу сўзларнинг маънисини сўрайди. Онаси жавоб беради: “Сенинг қонуний отанг бўлмаган. Қизлик пайтимда энгилтакликка берилиб, бировни севиб қолишим натижасида катта хатога йўл қўйганман. Ана шунинг оқибатида дунёга келгансан, жоним болам. Ҳа, менинг айбим билан ота юртингдан жудоликда яшаяпсан. Менинг тавбамга таянганим туфайли она юртингдан ҳам маҳрумсан. Бечора болам, шунинг учун ёппа-ёлғиз мендан бўлак бирорта на жонкуяринг ва на бирон қариндошинг бор бу дунёда”. Шундай деб туриб, у кўзёши тўқа бошлади. “Оҳ, онажоним, — дейди Пол унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб, — агар бу дунёда сиздан бўлак ҳеч кимим бўлмаса, унда сизни янада кўпроқ севаман. Сиз менга жуда қайғули сирни ошкор этдингиз! Демак, де Латур хонимча икки ойдан бери

Ўзини мендан четга олиши бежиз эмас экан-да. У жўнаб кетаётган экан. Ҳақ гапни айтдингиз, улар мендан ҳазар қилишади!”

Бу орада кечки овқат маҳали ҳам бўлди; аммо ҳар ким ўз ёғига ўзи қовурилиб, ичдан озор чекаётганлиги сабабли иштаҳалари бўғилган ҳолда унча кўп томоқ еёлмадилар, бир-бирларига бирон сўз ҳам қотмайдилар. Виржиния биринчи бўлиб стол олдидан туради-да, аста юриб, ҳозир сиз билан мен турган жойга келиб ўтиради. Унча вақт ўтмай Пол ҳам келиб, унинг ёнига чўқади. Анчагача нафасларини чиқармай ўтиришади. Теварақда тропик ўрмонзорларига хос шундайин ажойиб оқшом манзараси ҳукмронлик қилардики, уни тасвирлашга ман-ман деган мўйқалам соҳиби ҳам ожизлик қиларди. Уфқдан кўтарилган ой қуюқ булутлар чойшаби узра кўниб тургандай кўринарди. Аммо чойшаб ўзидан-ўзи бурда-бурдаланиб, ой шуъласи таъсирида хира торта-торта тарқаб кетади. Кўкиш ва кумуш ранг билан жилваланган тоғ бағри ўзгача нурафшонлик касб этади. Қилт этган шамол йўқ. Ажиб ёғду оғушига чўмган қуюқ ўрмонлар, сокин водий, қоялар бағрида ин курган қушларнинг чуғур-чуғурлари, ёрқин оқшом ва осойиш топган борлиқ шарафини қутлаб сайрашлари эшитилади. Ўтлоқлар ичра яшириниб, ҳалигина атрофни ларзага солган тўполонлардан жон асраб, писиб ётган мавжудот борки, энди хавф-хатардан эсон-омон қутилганларидан мамнун — ғавғо кўтардилар. Осмон тўлиб чарақлаган юлдузлар акси денгиз узра жилваланар, майда тўлқинларга кўшилиб тебранарди. Виржиния денгизнинг кенг ва қорамтир олис-олислиklarига тикилар экан, балиқчилар ёққан фонуслар ёруғи ёрдамидагина соҳиллар, қизғиш қирғоқларни сувдан аранг фарқлай оларди. Кўрфазга киравериш жойда ҳам чироқ нури ва каттакон соя кўзга ташланади: бу уни Европа томон олиб кетадиган улкан кема сояси ва унда ёқилган фонус шуъласи бўлиб, денгиз паққос тинчигандан кейин елканларини кўтаришга, сафарга чиқишга тайёр турарди. Унга назари тушган заҳоти Виржиниянинг юраги орқасига тортиб кетади-да, кўзёшларини Пол кўриб қолмаслиги учун дарров тескари ўгирилиб олади.

Биз — де Латур хоним, Маргарита ва мен — бир неча қадамгина узоқ-роқдаги банан дарахти остида ўтирар эканмиз, тун пашша учса эшитиладиган даражада тинч бўлгани учун уларнинг ўзаро гап-сўзлари қулоғимизга баралла эшитилиб турарди. Ана шу суҳбат ҳамон хотирамда, ҳамон қулоғим остида такрорланаётгандай.

Биринчи бўлиб сўз бошлаган Полнинг овози эшитилади: “Бойвучча хоним, — дейди у, — эшитишимча, уч кундан кейин жўнаб кетар эмишсиз. Денгиз сафарида содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатардан чўчимайсизми? Ахир ҳали кемага тушмай туриб, ҳозирнинг ўзида ваҳимага тушаяпсизку?” — “Мен қариндош-уруғим амрига бўйсунимиз, улар олдидаги бурчимни адо этишим керак” дея жавоб беради Виржиния. “Аллақайси узоқ қариндошингиз — умрингизда кўрмаган холаваччангизни деб бизларни ташлаб кетмоқчисиз-да, а?” — “Мен умр бўйи шу ерда қолсаму ҳеч қаёққа бормасам, дердим, минг афсуски, онам бунга кўнмаяптилар. Менинг диний мураббийамнинг уқдиришича, ҳаммамиз Тангрининг ихтиёридаги бандалармиз, унинг амри вожиб, шундай экан, кетишдан бўлак иложим йўқ, ҳаёт эса синовлардан иборат эмиш... Оҳ, тангри таолонинг синови шунчалик бешафқат бўлар, деб ўйламасмиди ҳеч!” — “Наҳотки, — унинг сўзини бўлади Пол, — кетишингизга шунча далил топиб берганлар ичида биронта хоҳишингизга қарши чиқувчи топилмаса? Дарвоқе, битта одам бор, унинг истакларига бари бир қулоқ солмайсиз, чунки бойлик орттириш олдида қолган ҳамма нарса иккинчи даражали масала сизга. Янги жойга борганингиздан кейин албатта, янги ака ҳам топила қолади, унда мени бутунлай унутасиз. Янги акани эса ўзингизга ўхшаб олий табақадан чиққан, бой-бадавлат кишилар орасидан топасиз, мен эсам сизнинг истагингизни қондиришга ожизман. Аммо бошқа жойда бу ердагичалик бахтиёрликка эриша олармикинсиз? Ўзингиз туғилиб-ўсган юртингиздан азизроқ жой топилармикин дунёда? Менимча, қаерга борманг, сизни ардоқлайдиган, ўзингизга хушёқадиган ва сизни севадиган бу ердагичалик хушфёъл одамларни учратмасиз, ҳатто. Сизга ўрганиб қолган онан-

гизнинг меҳр-муҳаббатисиз қандай кун кечира оласиз узоқда? Сизсиз онангизнинг ҳоли нима кечишини кўз олдингизга келтирасизми ҳеч? Ёши бир ерга етиб қолган, стол олдида ҳам, уйда ҳам, сайрга чиққанда ҳам доим сизга суяниб юрар, қўлингизни ушлаб ўтирадилар доим. Сизни ўз онангиздан кам севмайдиган менинг онамнинг ҳолига ачинмайсизми? Иккала онангиз сизни соғиниб, ёш тўққан пайтларида уларни қанақа қилиб юпата оламан, ахир? Шуларни ҳам кўз олдингизга келтира оласизми? Шунчалик тошбағирлик бўладими-а! Ўзим ҳақимда гап очганим йўқ ҳали: ҳар куни эрта-лаб сизни кўришга, сиз томон интилишга одатланиб қолган мендай бахтиқарога нима бўлади энди? Оқшомлари ким билан учрашиб, ширин суҳбат лаззатидан баҳра топаман, ҳар куни кўзим тушадиган, бизнинг туғилган йилимиз ўтқазилган ва бизнинг ўзаро муносабатларимизнинг бирдан бир гувоҳи бўлган анави кокос дарахтларини кўрганимда чекадиган изтиробимни тил билан изоҳлаб бериш осон эмаслигини тасаввур ҳам қилолмайсиз чоғи? Агар тақдирингни астойдил ўзгартиришга аҳд қилган бўлсанг, агар олис ўлкалар сени ўз қучоғига чорлаётган бўлса, марҳамат, тўрт томонинг қибла, жўнаб қол, жонажон тупроғингни ташлаб кетавер! Мабодо, мен ҳалол пешона тери тўкиб топганларим сенга камлик қилаётган экан, майли, кўпроқ ва яхшироқ таъминлашга қодирини топ. Фақат бир илтимос, ўша кемада борадиган жойинггача кузатиб қўядиган ҳамроҳ бўлишимга руҳсат бер. Бўрон турган маҳаллар қуруқликда юришга юрагинг йўқ, денгиз тўфонларига қандай бардош бера оласан? Мен сени ана шу офатлардан асрайман, далда бериб бораман. Ёнингда ҳар қалай, мадад бўламан сенга. Ҳориган, толиққан пайтларингда бошингни кўксимга қўйиб ҳордиқ оласан, таскин топасан. Давлат ортидан, мартаба орттириш пайида интилаётган ўша Франциянда ҳам бир умр қолиб, сенга хизмат қилай, қулинг бўлайин, майли. Ўша ҳашаматли, башанг, юқори табақалар яшайдиган саройларда бахтингни топганингни, атрофингни аслзодалар қуршаб, иззат-икром билдириш билан эъзозлашганларини кўриб, мен ҳам бахтиёр бўлайин, оёғинг остида юрсам ҳам сенга эзгу ниятларинг ривожини тилаб, бир мурувваткор танги валломаткорлигингга арзисам бас!”

Хўнграб юбориши билан овози бўғилиб қолди, худди шу заҳоти гап бошлашга чоғланган Виржиния чуқур оҳ тортди-да, анчагача ўзига келолмай нафаси ичига тушди. “Мен кетаётган бўлсам, фақат сен туфайли кетаяпман, — деди у, — ҳа, сен туфайли... Бир эмас, икки оилани боқиш учун эртадан кечгача белингни кўтармай тер тўкишингни кўриб юриш менга осон бўлаёттир, деб ўйлайсанми? Борди-ю, мен сен айтганингдай бойлик орттириш учун қулай имкониятдан фойдаланишга аҳд қилган эканман, бизга қилган барча олижаноблигинг, барча яхшиликларинг эвазига бирон мадад беришдир мақсадим. Менга бўлган меҳр-садоқатинг, дўстона муносабатингни қайси бойликларга алмаштириш мумкин? Оилавий келиб чиқишингни менга нечун пеш қиялсан? Қайтадан менга бирон ака орттириш насиб қилса, наҳотки сендан бўлак бошқани танласам? О, Пол, Пол! Сен мен учун акамдан ҳам азизроқ, қимматлироқлигингни билсанг эдинг! Сени ўзимдан бир оз узоқлаштириш мен учун осон бўлади, деб ўйлайсанми? Менинг ички туғёнларимга бардош беришим, андак қўлга олишим ёрдам беришингни истаган эдим. Тангри таоло иккимизнинг қўшилишимиз учун имкон берганга қадар шундай қилганим яхшироқдир, деб ўйлагандим. Хўп, сенингда бўлсин энди: мен қоламан, бориш-бормаслигим сенинг ихтиёрингда — кўнглинг ўрнига тушдимми? Мен доим ёнингданман, ёнгинангда жон бераман, мен сенинг ҳасмингда, мени нима қилсанг қил. Ҳа, мен шунақа кўнгли бўш қизман! Мен сенинг эркалашларингдан вақтинча воз кечишим мумкин, аммо тушкунликка тушишингни истамайман, кўтаролмайман буни!”

Шу гапларни эшитган Пол уни шартта бағрига босиб, юракни ларзага солувчи овоз билан деди: “Мен сен билан бирга кетаман, бизларни ҳеч кимса, ҳеч қандай куч бир-биримиздан жудо қилолмайди!”

Биз ваҳимага тушиб, югурганча уларнинг олдига бордик. Де Латур хоним эса овози қалтираб дейди: “Ўғилжоним, бизни кимга ташлаб кетасизлар?”

“Ўғилжоним... ўғилжоним, — титраб-қақшаб унинг сўзларини қайтарди Пол, — сиз она бўлиб, ака-сингилни бир-биридан ажратишга қандай ҳад қила қолдингиз? Биз иккимиз кўкрак сутингизни эмдик, тизангизда катта бўлдик, бир-биримизни севишни сиздан ўргандик. Бу гапни минг бора так-рорлаганимизга гувоҳсиз. Энди эса уни менинг юрагимдан узиб олмоқчи бўла-япсиз. Уни Европага жўнатмоқчисиз. Айнан ўша сиздай бир муштипар аёлга бошпана беришга ярамаган, тошюрак, бешафқат уруғларингиз сизни қўллаш ўрнига одамтопмас жойларга улоқтирганда ҳам жонингизга оро киришдан бош тортган ваҳшийлар мамлакатига жўнатмоқчисиз! Яхшиси, тўғрисини айтинг, қизимнинг йўлини тўсишга ҳақ-ҳуқуқинг йўқ сенинг, сен унга ака эмассан, бўлолмайсан ҳам, денг. Бироқ у менинг тириклигим, менинг бойлигим, давлатим, менинг наслим ва зотим, менинг бор бисотимдир. Биз бир бешикда ётгандик, бир паногоҳда улғайдик, гўрда ҳам бирга бўламиз энди. Агар у кетар бўлса, мен ҳам бирга кетишим зарур. Губернатор менга йўл бермайдими ё? Кемадан жой беришмаса-беришмас, кема ортидан ўзим сузиб кетавераман. Қуруқлик бермаган имкониятни денгиз ато қилишига ишончим комил. Агар бу ерда бирга яшаш насиб этилмас экан, сизнинг назарингиздан йироқда, унинг кўз олдида жон берарман! Ҳа, сиздай тошюрак, бераҳм аёл нигоҳидан олисроқда ўлганим маъқул! Сиз нечун яратиб қўйиб, яна уни фалокат қаърига улоқтирмоқдалигингизга ҳайратдаман. Майли, сизнингча бўлсин: ҳалокатга учрасин у тушган кема, океан қайтармасин сизга унинг танасини. Майли, тўлқинлар иккимизни бирга қўшиб, танамизни мана шу соҳил тошларига келтириб урсин, парчалаб ташлай қолсин. Сиз эса бирақай иккала фарзандингиздан айрилиб, бир умрга бошингиз қайғудан чиқмасин. Чунки ўзингиз шуни истаяпсиз, шундай бўла қолсин!”

Бу сўзларни эшитган чоғим беихтиёр уни бағримга босдим. Чунки алам чекиш билан ақлидан ҳам озаётганга ўхшарди. Кўзлари чаноғидан чиқиб, қизишган баданию юзларида катта-катта тер томчилари йилтилларди; тиззалари қалт-қалт титрар, шиддат билан ураётган юраги кўкрак қафасини ёриб чиқмоқчидай жадал типирчиларди.

Бу важоҳатини кўриб, кўрқиб кетган Виржиния уни юпатишга ҳаракат қилди: “Оҳ, азиз дўстим, — деди у, — ўша сен эслаган гўдаклик чоғимиз ҳақи, сенинг ва менинг чеккан изтиробларимиз ҳақи, икки мазлум шахсни мангу бир-бири билан боғлаган барча имкониятлар ҳақи сенга ваъда бераман, мабодо шу ерда қолсам, фақат сени деб яшайман, борди-ю кетиб қолсам, фақат сеники бўлиш учун қайтаман! Бу гапларим ҳақи бунга сиз — менинг гўдаклигимда бешигимни тебратганлар, сиз — менинг тақдирим қўлингизда бўлганлар, сиз — ҳозир кўзларимдан оқаётган шашқатор ёшларимни кўриб турганлар — ҳамма-ҳаммангиз гувоҳ бўлишингизни ўтиниб сўрайман. Худди шу чоқда овозимни эшитаётган оллоҳим номига, мен сузиб кетадиган ана шу денгиз номига, мен нафас олаётган шу тоза ҳаво номига қасам ичиб айтаман: бу айтган гапларимда заррача ёлғон йўқдир”.

Баҳор чоғлари баланд тоғлар устидан юмалаган муз парчалари каби рўйирост изҳор қилинган сўзларни тинглаётган Пол қалбида ғазабкорликдан нишон ҳам қолмайди. У бошини ғоз кўтариб тураркан, кўзларидан оққан ёш юзларида саноқсиз чизиқлар тортди. Она ҳам йиғидан ўзини тўхтатолмай уни бағрига босганча бирор сўз қотишга ҳам ҳоли келмай турарди. “Ўпкам тўлиб кетяпти, ортиқ чидолмайман, — дерди де Латур хоним, ҳаяжонини босишга қурби етмай, ҳали ҳозир йиқилиб тушадиган одамдай икки бўкилиб, қолди ва деди, — шу лаънати саёҳатнинг бахридан ўтсак-ўтақолайлик. Ўғлимни ўзингиз билан олиб кетинг, қўшни. Бир ҳафтадан бери кечалари мижжа қоқмай қўйганмиз”.

Унинг илтимосини бажо келтирдим. “Азизим, — дея мурожаат қилдим Полга, — синглингиз ҳеч қаёққа кетмайди. Губернатор билан эртага ўзим гаплашаман, бугунча ҳаммага уйқу берайлик, сиз меникига борасиз. Тун ярим бўлиб қолди. Жанубий Ҳоч юлдузи уфқ сари шўнғимоқда”.

У индамайгина мен билан йўлга тушди, бироқ тунни ниҳоятда безовталик билан ўтказиб, тонг отар-отмас қишлоғига қайтди.

Бўлган гап шу холос десам ҳам бўлади. Уни ортиқ давом эттиришдан нима ҳожат?

-- Отагинам, — дея унинг сўзини бўлдим мен, — ҳикоянгиз жуда қизиқтириб қўйди, анча таъсирли экан, ўтиниб сўрайман, агар оғир келмаса, охиригача айтиб берсангиз. Воқеанинг яхши томонларини тинглаш билан ҳузур топилса, нохуш томонларини эшитиш билан озми-кўпми ҳаётий ибрат олиш мумкин-ку, ахир!

— Пол қишлоғига қайтган замони қоя устида денгизнинг олис-олис этакларидан нигоҳини узмай шамдай қотган негр аёлига кўзи тушади. Ниманидир кўнгли сезгандай, қичқириб юборади: “Виржинияга нима бўлди?” Мария ёш соҳиби томон аста бурилди-да, йиғлаб юборади. Пол жон ҳолатда ортига қайтиб, кўрфаз томон қушдай учиб кетади. Кўрфаздагилар тонг маҳали Виржиниянинг кемага тушиб жўнаб кетгани тўғрисида гапириб берадилар.

Пол қишлоғига қайтади. Аммо уйга кириш ўрнига индамайгина унинг ёнидан ўтиб кетади-да, боши оққан томонга йўл олади.

Оптимиздаги қоядор девор янглиф тоғлар тикка бўй чўзиб, устун-устун бўлиб турсалар ҳам аслида унинг бағрида мустаҳкам нишабли сўқмоқлар мавжуд. Ана шу зина-зина сўқмоқлар орқали Катта Бармоқ деб аталмиш конус шакл чўққининг қоқ кифтигача кўтарилиш мумкин. Худди ўша ерда довдарахтлар билан қуршалган чоғроқ майдонча бор. Пастдан қараган кишига бир тўп дарахтдан иборат қуюқ ўрмон омонатгина осилиб тургану ҳали-замон тубсизлик сари қулаб тушадигандай кўринади. Катта Бармоқ тоғининг энг баланд чўққисини муттасил қуршаб турган қалин булутлар кўрпаси шарофати билан сон-саноқсиз жилғалар ҳосил бўлса, ана шу жилғалардан ташкил топган шоввалар кучли сурон кўтариб, водий сари жадал оқиб тушади. Унинг шовқини бу ёқда турган одамга унчалик эшитилмайди. Тепаликдаги майдончадан атрофга кўз ташлаган кишига бутун оролнинг энг катта қисми кафтида тургандай туюлиши мумкин. Катта Бармоқнинг оппоқ тождор чўққиси, шунингдек, Питер Боотс, Уч Кўкрак тоғлари, бағрикенг денгиз сатҳи, қирқ қақиримча олисдаги Бурбон ороли яққол кўзга ташланиб туради. Худди ана шу жойга чиқиб олган Пол олис-олислардан нигоҳини узмай ўн чақримча масофани босиб ўтган кема ортидан кузатар эди. Виржиния айнан ана шу кемада аста-аста олислашиб борарди. Кема қоп-қора нуқта шакл кичрайиб қолганига қарамай, ундан кўз узмас, қоронғи тушиб, ҳаммаёқни зимистонлик қамраётганига ҳам парво қилай демасди. Шамол турди. Шох-шаббалар беланчақдай тебранади. Қайси бир дарахтнинг бетиним чайқалиши натижа-сида мунгли фйгон чекаётган қандайдир мусиқа асбоби таратаётган аянчли инграшга ўхшаш узундан узоқ нола эшитилади. Қидира-қидира Полни ҳам шу ердан топдим. Тонг маҳали йўлга чиқиб, унинг изига тушган бўлсам, тинка-мадорим қуриганга қадар кенг ўрмонлару водийлар, тоғлар бағрини кездим. Ниҳоят у бошини қоя тошига қўйиб, мункайибгина ўтирганини кўрдиму, ёнига бориб, деярли қуладим. Кейин аста тилга кириб, гапга солдим уни. Уйига қайтишини сўраб, ялиниб-ёлвордим. Уни кўндириш осон бўлмади. Бироқ бўш келмадим. Мақсадга эришдим ниҳоят. Уйга келишга келди-ю, дабдурустдан қаҳр-ғазаб билан де Латур хонимга таъна тошлари ота бошлади. Де Латур хоним ҳам эсанкираб қолмади-да, бўлган воқеани айтиб, содир бўлган вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилди: “Кечаси соат учларга яқин қаттиқ шамол турган маҳал лангар кўтарган кема жадал йўл тараддудига тушибди. Айни пайт губернатор бир неча ёрдамчилари ва миссионери кузатувида босиб кирибди-да, Виржиниянинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, зўрлик билан олиб кетибди. Де Латур хоним билан Маргаританинг қизларини жўнатмаслик учун турли баҳоналарни рўкач қилиб, йиғлаб-сиқташлари, дод-фарёдлари ҳам кор қилмабди унга. Губернаторнинг таъкидлашича, Виржиния худди шу оқшом йўлга чиқиши умумий манфаат учун жуда зарур ва катта аҳамиятга эга эмиш. “Ақалли хайрлашиб қолганимда ҳам майли эди, — дея нолишга тушади унга жавобан Пол, — шунча йил бирга яшаб, бирга юриб, бирон ножўя сўз билан кўнглини салгина чўктирган бўлсам, кечир

мени, бир умрга рози бўл, азизам, деган бўлардим. Сени ортиқ кўриш менга насиб қилмас балки, зеро шундай экан, алвидо, жоним Виржиния, алвидо, — дея хитоб қилардим, — мендан йироқда турмушингдан мамнун бўлиб, бахтиёр умр кечиргин, дердим”. Де Латур хоним билан Маргарита яна кўзёшларига эрк берадилар. “Сизларнинг кўзёшларингизни қуритишга лойиқ бошқа ўғил топинглар энди!” Пол ана шу сўзларни айтиб, уйдан сирғалибгина чиқиб кетади. Сўнг бутун қишлоқни айланиб, тентираб юра-юра Виржиниянинг қадами етган барча жойларни кезиб чиқади. “Мендан нима истайсизлар, — дея мурожаат қилади, ортидан эргашган эчкичаларга, — сизларга ем бериб, жонингизга оро кирган меҳрибонингизни энди тополмайсиз”. Виржиниянинг қароргоҳи деб аталган кичик бир гўшага келиб, атрофда чирқиллаб парвоз қилаётган қушларга сўз қотади: “Бечоралар, сизлар доим сайраб кутиб оладиган, ҳар куни ризқ-насиба улашадиган ғамгузорингизни бошқа кўролмайсиз энди!” Олдига тушиб ер ҳидлай-ҳидлай чопқиллаётган Фиделга эса чуқур оҳ тортиш билан уқтиради: “Қидир, қидиравер, жонивор, бари бир бу атрофдан тополмайсан уни!”. Виржиниянинг жўнаб кетиш арафасида бирга ўтириб, суҳбат қурган қоя бағрига келиб ўтиради-да, тонг маҳали кема сузиб кетган денгизнинг олис-олисликлари томон тикилганча аччиқ-аччиқ кўзёши тўка бошлайди.

Бизлар унинг бошдан кечираётган алами устида ақл-хушини йўқотиб, ўзини бирон фалокатга дучор қилиши мумкинлигидан чўчиб, махфиёна ҳар қадамини кузатардик. Бу уринишларимиз зое кетмади. Биринчи бўлиб гап қотишга жазм қилган де Латур хонимнинг меҳр-шафқатли илтижолари голиб чиқди. Бугун бўлмаса, эрта-индин, албатта, вазият кулиб боқиши мумкинлиги, мавжуд муаммо унинг фойдасига ҳал бўлишлигини юраги сезиб, турганлигини исботлашга уриниш билан ўғлини инсофга чақиради. Пол ҳам ноилож юмшайди, андак юпанч топгандек бўлади. Де Латур хоним уни ўз ўғлидай кўриб, жонида ортиқ даражада севишлиги, қизининг келажакдаги тақдирини фақат унгагина ишониб топширишига аҳд-паймон қилганлигини айтиб, бошқа ҳеч кимни куёвликка раво кўрмаслигини таъкидлайди. Шундан сўнггина Пол уйга қайтади. Стол ёнига келиб, дунёдаги энг азиз кишиси билан доим ўтирадиган жойини эгаллайди. Худди Виржиниянинг ҳам ҳозир ичимизда ўтиргандай, беихтиёр қиёс қилиб сўзлаша бошлайди. Ўзи ёқтирган овқатлар ҳақида баҳс очади. Дастурхондаги неъматларнинг сарасини унга узатади. Бироқ, буларнинг ҳаммаси паришонхотирлик натижаси эканлигига ақли етгач, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборади.

Эртасига Виржинияга тегишли ҳамма нарсани бир ерга йиғади: сўнгги бор кокос дарахтидан ясаб берган пиёла (Виржиния доим шу пиёлада чой ичишга одатланган эди)ни, гулчамбарни олиб ўпади, кўкси устига қўяди. Куни кеча узиб унинг кўксига тақиб қўйган лимон гулини қимматбахо топилма янглиғ ўз кўксига олиб юрадиган бўлади. Одатда меҳр қўйган кишининг энг оддий нарсаси ҳам кўзларингга тўтиёдай туюлавераркан-да, ахир.

Ниҳоят ўзининг чекаётган қайғу-ҳасрати билан де Латур хоним ва онасининг изтиробларига сабаб бўлаётганини юракдан ҳис қила бошлайди-да, тиррикчилик эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ юмушларни бажаришга киришиб кетади. Доминго билан биргаликда атроф-теваракни тартибга солишга астойдил берилади.

Орадан кўп ўтмай барча ғам-ташвишлардан бутунлай фориг бўлгандай сезади ўзини. Менинг ёнимга келиб, ўқиш-ёзишни ўргатишимни сўрайди. “Ҳеч бўлмаса, Виржинияга дуойи-салом ёзишни билиб олсам бас” — дейди. Кейин қайси мамлакат қаерда жойлашганини харитадан топа олиш, унинг иқлими, аҳолиси, маҳаллий урф-одатларини ўрганиш мақсадида география фанига қизиқиб қолади. Виржиния яшаб, бирга нафас олаётган киборлар доираси билан боғлиқ ижтимоий тузум диққатини ўзига жалб қила бошлайди-да, тарих фани билан шуғулланишга иштиёқи уйғонади унда. Деҳқончилик илмини ҳам эгаллайди. Энг нобоп ерларни ҳам олий навли экинлар ундириб, мўл ҳосил олиш, шу билан бирга яна бошқа соҳалар бўйича илмини ошириш, тажриба орттиришга бўлган ҳаваси кундан-кун ортиб бораверади.

Айрим мамлакатларнинг табиий тузилиши, об-ҳавоси, маҳаллий халқ тирликчилиги, якка шахсларнинг дунёқарашлари ҳам катта қизиқиш уйғотади унда. Ўзининг бошидан кечирган саргузаштларига ўхшаш воқеаларни тасвирловчи романлар ўқий бошлайди. Айниқса, француз адиби Фенелоннинг абсолютизм назарияси билан суғорилган ахлоқий ва маънавий гоёлар, ҳуқуқий таълимотларни тарғиб этувчи “Телемак саргузаштлари” (1699) асари унинг дидига ўтириб қолади. Ахён-ахёнда оналарига ана шу китобдан парчалар ўқиб берар экан, шу аснода ўзи билан боғлиқ кечаги воқеалар эсига тушиб, бирдан ҳаяжонга тушар, ҳатто овозида қалтироқ туриб, беихтиёр кўзларига ёш оларди.

У роман ўқишга муккасидан тушади. Кейинги йилларда расм бўлган ахлоқсизликлар, беҳаёликларни тасвирловчи асарлар билан танишиб ларзага келар, улардан ихлосигина қайтиб қолмай, қаттиқ ғазабга ҳам келарди, ҳатто. Аммо мазкур романлар буржуазия жамиятининг чиркин башарасини очиб берувчи ҳақиқат эканлигини билгандан сўнг эса ишқилиб ўша ёқларда юрган Виржиния ҳам уларнинг таъсирида бузилиб кетиб, мени паққос ёдидан чиқариб юбормасин-да, дея ташвишланар, ичини еб қўйгудай эзиларди.

Орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтадики, де Латур хоним номига на холасидан, ва на Виржиниядан хат-хабар келади. Фақат орқаворатдангина қизнинг Францияга эсон-омон етиб борганлиги тўғрисида дарак эшитишадди, холос. Ниҳоят, она-Ҳиндистон томондан сузиб келган кема орқали посылка ва Виржиниянинг ўзи қўли билан ёзилган мактуб олишга муяссар бўлади. Де Латур хоним қўлига мактуб тегиши биланоқ нозик-ниҳол қизининг эҳтиёткор, сабр-тоқатли бўлишига қарамай, ҳоли танг аҳволга тушганлигини дарров сезади. Мазкур хат Виржиниянинг қисмати ва тақдирини шунчалик равшан қизиб берган эдики, ҳар жумла, ҳар бир сўзи менинг ёдимда ҳамон.

“Бебаҳо ва жондан ортиқ азизу мўътабарим — онажон!

Ўз қўлим билан бир неча бор хат ёзиб юборган эдим. Бирортасига жавоб ололмаганимдан маълумки, ҳеч қайсиси сизга етиб бормаган. Баъзи бир эҳтиёткорликларни ишга солиб, йўллаётган ушбу хатимга эса катта умид боғланман. Зеро, ўзим тўғримда батафсил маълумот бериш билан бирга сизнинг ҳақингизда бирон дарак олиш ниятидаман.

Илгарилари бировларнинггина қайғусига шерик бўлиб йиғлашга ўрганган мендай қизингиз ўзаро жудолик тушгандан бери қайғу чека-чека қанчалар кўзёшлар тўкканимни билсангиз эди. Бу ерга келганимдан кейин бувим на ўқиш ва ёзишни билмаслигимдан қаттиқ ранжиди, ҳаттоки ҳайратдан ёқа ушлади. Яна савол бериб, шунча йиллару шунча замонлардан бери нимани ўрганганиму ниманинг улдасидан чиқаолишимни суриштирди. Уй хўжалиги билан шуғулланишни билишим, сизнинг кўрсатмаларингизинигина адо этишимни эшитгандан кейин, демак, сени жорияликка ўргатишаётган экан-да, дея дўқ-пўписа билан писанда қилди. Шу куннинг эртасигаёқ Париж яқинидаги монастырга қарашли пансион ихтиёрига топширди мени. Бу ерда менга илм берувчилар жуда кўп. Уларнинг бири тарих фанидан ўқитса, иккинчиси география, грамматикадан, учинчиси математикадан ва яна бошқаси отда юришдан. Аммо фанларни ўзлаштириш бўйича қобилиятим суст бўлганлиги учун доим панд еб ўқитувчиларим олдида ҳижолат чекканим-чеккан. Уларнинг писанда қилишича, ўлгудай ақли паст, нўноқ, лаёқатсиз банда эмишман. Буни ўзим ҳам тан оламан. Аммо бувим ўқишдан совимаслигим ҳаракатида. Ҳар фаслга мослаб янги кийим-кечаклар тиктириб беради. Юқори табақа хонимлари каби башанг кийинадиган икки жория менга бириктириб қўйилган. Менга бувим граф хоним деб мурожаат қилишларини жорий қилган. Аммо сиз онажонимдан кўра менга азизроқ туюлган отам номи билан боғлиқ де Латур деган фамилияни жондан ортиқ кўраман. Бувим эса ундан бутунлай воз кечишимни талаб қилмоқда. Ахир сизнинг таърифлашингизча отам боёқиш уйлангунларига қадар озмунча азоб-уқубатларни бошдан кечирганмидилар. Шундай бўлгач қандай қилиб, у кишининг хотирасини менга эслатиб турадиган фамилиядан юз ўгирай? Йўқ, буни мен асло-асло истамайман.

Мени кўғирчоқдай ясантириб қўядиган бувимдан сизга ҳам андак ёрдам беришини сўрасам, нима деб жавоб берди денг? “Кўп берсам ошиб-тошиб кетади, оз берсам, етмайди”, эмиш. Шуям гап бўлди-ю...

Аввалроқ ўзим ҳақимда сизни хабардор қилишга кўп уриндим, аммо хат ёзишни билмаганим учун бунинг уддасидан чиқа олмадим. Ишончимга лойиқ биронта яқиним йўқ, қимдан ёрдам сўрашга зор эдим. Шунинг учун кеча-кундуз ҳаракат қилиб, ёзиш-ўқишни ўрганиб олдим. Биринчи мактубимни сизга етказар деб қўшни хонимга ишониб топширган эдим, у эса тўппатўғри бувимнинг қўлига тутқазганга ўхшайди. Бу сафар пансионда танишган бир дугонам орқали мақсадимни амалга оширмоқдаман. Конвертга у истиқомат қилиб турган манзилгоҳни ёздим, жавобини ҳам ўша ерга юборишларингизни сўрайман. Бувим монастирдаги биронтаси билан танишиб, дугона орттиришимга тиш-тирноғи билан қарши. Ҳеч ким билан ҳамсуҳбат бўлолмайман ҳам. Борди-ю, биронта дугона орттирсам, унинг умиди амалга ошмай қолар эмиш. Фақат бувимнинг ўзигагина мени пансионга бориб, йўқлаши учун рухсат берилган. Айтмоқчи, яна бир олий табақали кимсанинг ҳам олдига келиб туради у. Бувимнинг айтишича, ўша кимсага мен жуда ёқар эмишман. У эса менга ёқмайди.

Мен тўкин-сочинлик ва бойликларга кўмилиб, бекаму-кўст умр кечирмоқдаман, аммо киссамда бир чақам йўқ. Айтишларича, қўлимга пул тушса, бузилиб кетар эмишман. Ҳатто эгнимдаги кийимлар ҳам эскир-эскирмас жорияларимгагина беришим керак. Ечиб улгурмасимдан улар талашиб-тортишиб жанжал кўтаришади. Тўғри, дабдабали ҳаёт кечираман, аммо сизларнинг ҳузурингиздагидан қашшоқроқ ҳис қиламан ўзимни, чунки сиздек меҳрибонларимга юборадиган ҳеч вақога эга эмасман. Анчадан бери сиздан ўрганган ҳунаримни маъқул топиб, қўлимга игна оладиган бўлиб қолганман. Ўз қўлим билан тўқиган бир жуфт пайпоқни сизга, иккинчисини Маргарита онамга юбормоқдаман. Бир дона қалпоқчани Домингога, битта рўмолни Марияга жўнатдим. Ўзим истеъмол қилган меваларнинг бир неча данагини ва танаффус пайтлари монастир боғида терган турли дарахтлар уруғларини уларга қўшиб қўйдим. Яна гунафша, маргаритка, бўтакўз гуллари ва кўкнори уруғларини ҳам бир халтачага солиб юбормоқдаман. Буларнинг ҳаммаси сиз ва Маргарита онам икковингиз экиб, ўстиришингиз, шу билан овунч топишингиз учун асқотади. Ҳар бир очилган гул сизларни соғиниб, тўккан кўзёшларимни эслатиб турсин...

Ўзимнинг шодиёна кунларим ва тушкунликка тушган онларим сабабларини ёзиб туришимни сўраган эдингиз. Сизлардан олисда яшаган қизингизда қанақа шодиёналик бўлсин, Худонинг хоҳиши билан сизлар менга раво кўрган қисматимни ўйлаб, чеккан дарду аламларим ҳақида ёзишдан нима фойда ва бунинг кимга ҳам кераги бор? Ҳаммадан ҳам мени ёмон ранжитган нарса шуки, бу ердаги бирорта қариндошингиз сизни эслагиси келмайди, сиз ҳақингизда оғиз очишимга ҳам йўл қўйишмайди. Ҳатто бувимнинг хизматкорлари олдида ҳам юрагимга яқин кишилар, ўзимга ёққан воқеалар тўғрисида сўз қотишга ожизман, чунки оғзимни очдим дегунча улар “бойвучча хоним, шуни унутмангки, сиз графлар авлодидансиз, Франциядай жойда яшайсиз, шу ернинг тузини еб, сувини ичяпсиз, ёввойилар юртини асло эсламанг-а!” дея бўғзимга уришади. Оҳ, бунақада туғилиб, ўсган ва ҳозир сизлар яшаб турган жойларнигина эмас, ҳатто ўзлимни ҳам паққос унутиб қўядиган кўринаман! Ёввойилар эмиш, йўқ, ёввойилар юрти деб худди шу мамлакатни айтадилар, бу ерда дардимни айтсам бирорта тинглайдиган, ҳамдард бўладиган кимсани кундуз кунни ҳам чироқ ёқиб тополмайман. Ҳа, мен ўзимни ёппа-ёлғиз ҳис қиламан, доим, қалбим тўрига яширинган муҳаббатим, сиздай онажонимни қанчалик севишимни бировга айтиб, кўнглимни нурафшон қилолмайман, асло!

*Сизнинг итоаткор ва садоқатли қизингиз
Виржиния де Латур.*

Менинг гўдаклик чоғимдан сидқидил меҳрибонлик кўрсатиб, елкасида кўтариб, катта қилган Мария ва Домингога дуои-саломимни етказишни сизга топшираман; бир вақтлар ўрмонда қидириб мени топган Фиделни ҳам эркалаб қўйинг...”

Барча-барчани ва ҳатто итигача ёзган Виржиния, дуои-салом у ёқда турсин, бутун бошли мактубининг бирор ерида, ҳатто бирор сўз билан ўзини эсга олмаганига Пол ниҳоятда ҳайрон бўлди. Бироқ одатда аёллар қандай бўлмасин ўзларининг энг ардоқли кишилари номини мактубларининг энг охирига илова қилишларини билмас эди у.

Ана шу жойда Виржиния Полга алоҳида мурожаат қилиб, юборган икки тур уруғ — бинафша ва скабиоза деб аталган гулларнинг уруғларига қатъий аҳамият берилишини сўраган эди. Бу уруғларни қанақа жойга ўтқозиш кераклигини айтиб, гулларининг хусусиятлари ҳақида ҳам маълумот беришни унутмаган экан. Бинафша, — деб ёзган эди у, — кичкинагина, тўқ-гунафша ранг гул бўлиб, буталар тагида, киши кўзидан яшириниб ўсишни ёқтиради, аммо ниҳоятда нозик ва ёқимли ҳид таратиши билан тезда қаердалигини ошкор қилиб қўяди”. Бу гул уруғини кокос дарахти панасига, чашма бўйига экишни тавсия қилибди. “Скабиоза эса, — дея давом этади қиз, — жуда нафосатли гул, у оч-кўкранг ёки қораранг бўлиб, кичкина-кичкина оппоқ холчалари йилтиллаб туради. Худди мотам тутаяпти, деб ўйлашингиз мумкин. Шунинг учун уни бевагул деб ҳам аташади. У қурғоқ ва шамолга беткай жойларни яхши кўради”, Виржиния Полдан скабиозани ўз қишлоғидан жўнаб кетар кунининг арафасида ярим тунгача суҳбат қуришган қоя устига экишни ва ўша қояни эса икковларининг ўзаро севгилари ҳақи бундан буён Алвидо қояси деб аталишини сўрабди.

Мазкур уруғларни у оддий чиптадан тикилган кичкина халтачага солиб, бир бурчига ип ўрнига икки тола соч ишлатиб, П.В. ҳарфларини тикиб қўйибди. Бу сочлар ўзига қадрдон ва мўътабар соч толаси айнан Виржинияга тегишли эканлигини Пол дарров англайди ва кўзларига суртади.

Дили пок, эзгу ҳиссиётга берилувчан қизнинг мактуби барчани бирмабир ёш тўкишга мажбур қилади. Уларни ташлаб кетиш билан ҳаммаларининг турмуш бебағидан маҳрум қилган қизига бутун оила аъзолари номидан Францияда қолади ёки қайтиш масаласини ўзи ҳал қилишлигини таъкидлаб де Латур хоним жавоб хати ёзади. Лекин бу билан ўзининг ўн дардига яна юз дард-алам қўшиб олади.

Пол ҳам узундан узоқ хат ёзиб, боғни у айтгандан ҳам зиёда ҳолига келтириш, Европа ҳамда Африкада ўсадиган дарахтлар билан бойитиш учун бутун маҳоратини сарфлашга ваъдалар беради. Чашма қошида қад тиклаб, анча бўй чўзиб қолган дарахтнинг кокос ёнғоғидан ҳам юборади.

Пол Виржиния юборган уруғларини, айниқса бўтакўз, скабиоз гули уруғини жуда серҳафсалалик билан экиб, астойдил парвариш қила бошлайди. Бироқ бу ерларнинг об-ҳавосига мос келмагани учунми, кўп ўтмай улар қовжираб қолади, айримлари ўсинди бериб, андак кўкаришиб туришади-да, сўнг иссиқнинг зўрига бардош беришолмайди.

Бу орада ўша пайтларда Франция колонияларида айнан урф бўлган бирорнинг бахтига ғайрлик қилиш иллатлари Полнинг этагига ҳам ёпишади-да, уни қаттиқ ларзага солади. Виржиниянинг хатини келтирган денгизчилар қиз тез кунлар ичи турмушга чиқаётганлигидан дарак беришади. Ҳатто куёв бўлмишнинг номини айтиб, олий табақа вакили эканлигини ҳам гап орасига қистириб ўтишади. Улардан баъзилари бу гап ҳақиқатлиги ва ҳатто шахсан ўзлари бунга гувоҳ бўлганликларини ҳам таъкидлайдилар. Аввалига бу гапларга Пол эътибор бермасликка ҳаракат қилади, чунки бундай савдо кема-лари аксари йўлма-йўл аллақандай ёлғон-яшиқларни тарқатиб юрарди доим. Бироқ, оролда яшовчиларнинг талайгинаси унга хайрихоҳлик билдириш ниқоби остида содир воқеа юзасидан “таъзия” изҳор қилаверишганидан сўнг

денгизчилар келтирган гапларда жон борлигига аҳамият бера бошлади. Бунинг устига ўқиган романларида у ёқлардаги ахлоқий одатларга кўра эрларига хиёнат қилан аёлларга нисбатан шунчаки ҳазил-мутойиба муносабатда бўлишликлари тасвирлана, шунинг учун Пол де Латур хонимнинг қизи ҳам ўшалар таъсирига кириб, бу ерда берган ваъдаларини паққос унутиб юбормаса гўрғайди, дея юрагини чангаллаб қўярди. Шу йўсинда орттирган маърифати унинг ўзига бахтсизлик келтиради.

Орадан ярим йилча вақт ўтдики, Европа қитъасидан бир неча кема келиб-кетади-ю, бирортаси орқали Виржиниядан дом-дарак олинмайди, шундан кейин Полнинг анави гапларга астойдил ишончи ортиб, ташвиши устига ташвиш қўшилиб, қалбини бус-бутун эгаллаб олади.

Бечора йигит бирон таскин топиш мақсадида олдимга тез-тез келиб турар, менинг ҳаётий тажрибам ёрдамида вазиятни ўзгартириш мумкинми-йўқмилигини билишга умид қиларди.

Сизга аввалроқ айтганимдай мен бу ердан ярим чақиримча олисроқдаги Узун тоғ этакларига тутшиб оқадиган кичкина дарёча соҳилида истиқомат қиламан. У ерда на хотиним бор, на болаларим ва на қулларим бор — ёппа-ёлғиз, сўққабош кун кўриб яшайман.

Инсон қисматида мавжуд майда-чуйда бахтиёрликни ҳисобга олмаганингизда ҳам ўзингизга муносиб ёстиқдош тополмаганингиздан кейин оила қуриш бахтидан паққс воз кечиш билан сўққабошлик гаштигагина кўникиб яшашдан бошқа иложингиз йўқ-да, ахир. Одамлар устидан нолишлар учун етарли далилларга эга ҳар қандай кимса ёлғизликни кўмсаб қолади. Шундай далиллар ҳам эътиборга лойиқки, барча халқларда кўпчилик фуқаролар тоифаси ўзларини сўққабош, никоҳсиз яшашга ва бахтсизликка юз тутишлари ўша халқлар ўртасидаги нотўғри дунёқараш, эскирган урф-одат ва давлатни бошқариш усулларининг натижасидир. Мисрда хўжаликлар инқирозга юз тутган маҳаллар худди шундай ҳол юз берган эди, шарқий Рим империяси ҳукм сурган даврлар Юнонистонда, бизнинг асримизга келиб ҳам ҳиндилар, бугунги Юнонистонда, Италияда, Хитойда, шарқ халқлари ва ғарбий Европа халқларининг кўпчилиги қисмида шундай ҳодисалар айнан кўзга ташланмоқда. Кишиларда якка-ёлғиз ҳаёт кечиришга мойилликлар қисман авваллари яхши яшаб, кейинчалик ижтимоий тузумнинг айрим қусурлари туфайли умумий қашшоқликка юз тутишлар натижасида кўпроқ туғила бошлади. Бизлар турли хурофий бидъатлар туфайли табақаларга бўлиб ташланган одамлар ичида юриб, муттасил нотинчликни ҳис қилиб турамиз доим, қалбимизда минг хил қарама-қарши фикрлар туғён уради, разилона ва шуҳратпараст жамиятмиз қанча бизни бўлмағур одатларга мажбур қилса, шунча осойишталигимиз йўқолаверади. Ёлғизликда эса қалбинг ана шундай бизга ёт ва ноқулай довдирашликлардан бутунлай холи бўласан, ёлғизлик фақат ўз-ўзлигинг, табиий борлиқ ва яратган тангри таоло ҳақида эркин ҳамда ёрқин фикрлар юритишинг учун имкон яралади. Худди шундай дала-даштни вайронага айлантириш натижасида лойқаланган сув оқими ҳам кутилмаганда йўлини ўзгартиради-да, бирон ҳовузчани тўлдириб, лойини ҳовуз тубига чўктириш билан аввалги зилол ҳолига келади, бир замон қарабсизки, юзи ойна ранг тус олиб, ям-яшил қирғоқлар ва лажувард осмон унда ўз аксини томоша қилаётир. Ёлғизлик кишининг руҳий ва жисмоний мувозанатини татминлайди. Айнан танҳоликда яшаб ўрганганлар ичида ҳаётнинг айрим биз билмаган сир-асрорини билишга эришган одамларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, ҳинд браҳманларини олинг. Хуллас, танҳоликда яшаш инсон учун шунчалик зарурий шароитки, менимча жамиятни тарк этолмайдиганлар ҳам андак танҳоликка берилиш билан унинг қадрига етаоладилар, ахлоқ-одоб қоидаларини ўзлари шакллантириб олишга эришадилар, фикр доираси кенгайди, жисмоний роҳат топилади, ички дунёни ташқи дунё билан узиб қўймаган ҳолда фикр доирасидан четга чиқмаслик, четдан эса ўзгалар фикрини яқинлаштирмаслик йўли билан ҳордиқ олишининг гаштини билган билади. Бу билан инсон доим ташқи дунёдан бутунлай узилиб, якка-ёлғиз яшаши керак демоқчимасман: одамзод ўзининг умумий эҳтиёжини қондириш жиҳатидан

сўзсиз бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишлигини инкор этиш мумкин эмас. У ҳалол меҳнати, кашфиётларини инсонга бахшида этмоғи даркор, лекин шу билан бирга табиат олдидаги муқаддас бурчини ҳам унутиши инсофдан бўлмайти. Тангри таоло ўзимиз яшаб турган ер кurrasи табиатга мослашган танамиз аъзоларини нима учун бериб қўйибди — ерда юриш учун оёқ, нафас олиш учун ўпка, атрофни кўриш учун кўз бўлгач уларнинг азмисиз ташқи ҳиссиётимизни бойита ололмаймиз-ку? Танамизнинг бош аъзоси юрак саналса, унда фақат яратганнинг ўзи ўзи учунгина жой бор.

Шундай қилиб, мен ҳалол хизматимни бахшида этадиган ва мени таъқиб остига олган одамлардан олисда яшаб, умр ўтказмоқдаман. Европанинг деярли катта қисмини кезиб чиқдим, Америка, Африка қитъаларининг жуда кўп вилоятларида бўлдим ва ниҳоят ўзининг мулойим ва дилбар об-ҳавоси билан мафтун этган, аҳолиси камчил шу хилватгоҳ оролда тургун бўлиб қолдим. Ўз қўлим билан яратган ўрмон ўртасидаги кулбам ҳам, катта дарахт остидаги майдонча, уйимнинг ёнгинасидан оқиб ўтадиган дарёча ҳам кундалик эҳтиёжини қондириш, фароғат топишим учун бирдан-бир манбаадир. Менинг яна бир овунчим бир неча китоблардир. Уларни ўқиб, таълим оламан, яхшироқ одам бўлишни ўрганаман. Бу китоблар мени тарк этган дунё ва ундаги ҳар хил ярамас ишқибозликка мойил кишиларни тарбиялаш учун курашишга ҳам чорлайдилар, шунингдек, турли бидъатлар ботқоғига ботаётган одамлар ҳаётини ўзимники билан солиштириш орқали ана шу шўринг қурғурлардан олисдалигим туфайли фароғат топаётганимни қадрлашга мажбур қилишади. Кемаси ҳалокатга учраб, ўзининг жонини асраб қолган одамдай бирон қоя устига чиқиб олиб, бошқа дунё даҳшатларини тепадан туриб кузатаётган каби ҳис қиламан ўзимни. Олис-олисларда гумбуралаган момақалдироқлар эса осойишта ҳаётимни баҳолашимга кўмак беради гўё. Мен уларнинг, улар эса менинг йўлимни тўсишга қодир эмасликларини ҳис эта бошлаганимдан бери бирорталарига нисбатан нафратим йўқ менинг, қайтага раҳим келади барига. Биронта ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этилган бечорани учратиб қолсам, унга маслаҳатим билан ёрдам беришга ҳаракат қиламан, у йўловчи бўладими, сувга чўкаётган ёки кучли оқим қуршовига тушиб, ҳаётдан умидини узаётган одамми — ким бўлишидан қатъи назар қирғоқдан қўл чўзиб, ҳалокатдан қутқариб қолиш пайида жон куйдираман доим. Фақат айбсиз, гуноҳсиз одамларгина менга ишонади. Табиат эса инсон зотини ўз кучоғига чорлагани чорлаган; кимки уни қандай тасаввур қилса, худди шундай қиёфа кашф этаверади. Ўзи айбдор бўла туриб, табиатдан бир умр нолиб ўтган одамни худонинг ўзи ҳам ёқтирмас керак. Бир неча бор мен табиат сари чорлаган бахтсиз бечораларнинг кўпчилиги ичида ўзининг ночор аҳволидан қутулишнинг осон йўлини қидираётганларини ҳам кўрганман. Бояқишлар ўзлари учун шон-шуҳрат ва бойлик орттириш ниятида мандан ёрдам сўраб, гапирган гапларимни диққат билан тинглашади-да, кейин бойлик орттирмасдан ҳам бахтга эришиш ҳақидаги фикрларимни эшитгач, ҳафсалалари пир бўлиб, ҳатто ўзимга ҳам раҳмлари келади ва менга қаттиқ ҳамдардлик билдиришади. Сўққабошлик билан кечирган турмушим уларга асло маъқул тушмай мени ҳам ўз доираларига жалб этиш пайига тушадилар. Шундай ҳодисалардан кейин бироровга ўй-хаёлларим, ҳаётим мақсадларимни рўйирост очиб ташлашдан ҳайиқиб тураман. Ўзимга ўзим доим эҳтиёткор бўлишдан дарс бера бошлайман яна. Баъзан тинчгина ўтириб, бир вақтлар мен учун энг муҳим саналган масалалар устида бош қотирган кунларимни эслайман. Бойлик орттиришларга қизиқишлар, турли йўллар билан овунишлар, дунё ташвишларига бефарқ қарашлар мавжуд экан, ўзига тўқ, давлатмандлар билан қашшоқлар ўртасида ўзаро курашлар қизийди доим. Қачон қарманг, икки хил тоифа вакиллари бир-бирларини ғажийиб кун ўтказишларига гувоҳ бўлаверасиз. Аллақачонлар бу дунёдан кўз юмган таниш-билишларим ҳаётини ҳозирги кундагилар ҳаёти билан таққослайман. Ўтганлар ўтиб кетаверади, худди яшаб турган масканим ёнидан тошдан тошга урилиб, кўпикланиб ўтган дарёча мисол. Ундайларнинг ҳам, бундайларнинг ҳам қисмати бир хил — ортига қайтмайди ҳеч қачон. Ҳеч қандай эҳтиросларга берилмай тинч ва хотиржам ўтиб бо-

раётган ўзимнинг ҳаётим ҳам худди шундай. Унинг оқимини ташқаридан туриб кузатиб бораман ҳамда бу оқим боши-кети кўринмас улкан уммон сари интилиб, табиатнинг бир қисми бўлиб, уйғунлашиб кетаётганидан мамнун бўламан. Худди шунинг учун ҳам Тангрига минг шукрлар қилиб, нариги дунёим бахайр, имоним басаломат бўлишини тилаганим тилаган.

Ўрмон ўртасида якка-ёлғиз сўққайган менинг кулбам олдидан ҳозир сиз билан мен ўтирган баландликдагидек кенг кўл кўринишлар яққол кўзга ташланмаса ҳам, ҳар қалай ташқи дунё билан алоқани узиб, фақат ўз ўй-фикрим дарёсига шўнғиб, фароғат топишга ўрганган мендай кимса учун беқиёс ва ниҳоятда мафтункор манзаралар топилади. Уйимнинг қоқ остонаси олдидан оқиб ўтган жилга ўрмон ичра интилиб, узундан-узоқ зарҳал ҳошиядай чўзилганча турли дарахтларнинг куюқ соялари орасида кўздан йўқолади: у ерларда татамак дарахтлари ҳам, қора оғоч, зайтун ва ниҳоят ҳинд хурмо дарахтлари ҳам яйраб, яшнаб ўсади; боғлам-боғлам барглари билан гумбаз-гумбаз шакл шох ёйган ва қип-яланғоч танасининг бўйи юз метргача чўзилиб, осмон сари интилган, меваси қарам маза берувчи дарахтлар эса бутун ўрмон узра улкан шамсия янглиғ соя ташлаб турганга ўхшайди. Бунга яна дарахтдан дарахтга арқон ташлаб, ғиж-ғиж гулларини кўз-кўз қилғувчи ва ям-яшил япроқлари билан беқасам тўнларни эслатувчи чирмовуқларни кўшиб кўйинг. Бу дарахтларнинг аксарияти шунақанги хушбўй ҳид таратиб, димоғингизни маст қиладики, ҳатто кийимларингизга ёпишиб, бир неча соатлар мобайнида ёнингиздан ўтган одам сизни ҳа, яқинда ўрмондан чиқиб келибди, дея ўйлаши турган гап. Баҳор чоғлари оппоқ гулга бурканган дарахтлар устига даъфатан қор ёғибдими, деган фикр ҳаёлингизга келиши мумкин. Ёз охирида эса сиз ва бизга нотаниш, аллақайси юртлардан турли хил қушлар ёпирилиб келиб, ҳаммаёқни босиб кетади; улар барча ўсимликлар уруғини териб ейиш билан бирга қуёш нури сарғайтирган барглар оралаб минг хил рангда товланади шох-шаббаларни безайдилар. Уларнинг ичида, айниқса, тўтиқушларнинг юздан ортиқ хили, голландия мусичалари деб аталувчи гуррақлар кўп бўлади. Маҳаллий ўрмонлар ичра турғун яшовчи маймунлар ўзларининг кулранг ёки оч яшил жунли қиёфалари ва қоп-қора тумшуқлари билан қорамтир баргли куюқ шохлар оралаб ўзаро ўйинларини қизитаётганлари ҳам яққол диққатингизни жалб қилиб туради. Бири думи билан шохга осилиб, беланчакдай тебранса, иккинчиси болачасини бағрига босганча дарахтдан дарахтга сакрайди. Ҳали шу кунгача бу атрофда биронта милтиқ ўқи эшитилиб, уларнинг тинчини биров бузган эмас. Бу ерда фақат шодиёна вижир-вижир, ғув-ғувлар, қандайдир тушингизга ҳам кирмаган паррандаларнинг чошгоҳ пайтидаги қий-чуви олис ўрмон этакларига бориб, акс садо беришлари ҳукмрон. Кўнғироқ чалиб, тошдан тошга урилиб, дарахтлар оралаб чопаётган ариқчаларнинг зилол сувлари қуёш нури тушган жойдан йилт-йилт кўриниш берар, улкан дарахт шохлари эса бош эгиб, сув юзида чайқалар, ўз тилларида нималарнидир шивирлар, чулдираб бир-бирларига роз айтишадигўё. Ариқчалардаги сувлар шохчалар билан ўйнаша-ўйнаша юзларча қадам йўл босиб ўтиб, қоя зиналарига қаттиқ урилиш билан майда маржонларга айланади ва ундан қайтиб тушар экан, ойнадай тиниқ дастурхон янглиғ ёйилади-да, ўша ернинг ўзида чашма ҳосил қилади, чашма ўз навбатида қайнаб-тошиб, қаймоқ рангида кўпикланиб туради доим. Сув шовқини шамол эпқига кўниб, олисликлардан дам яқинлашиб, дам узоқлашиб қулоққа чалинар, баъзан эса черков кўнғироқларидай худди ёнгинангизда жаранглаётгандай бўлар ва ҳатто қулоқни батангга келтирар даражада сурон кутараётганга ўхшайверади.

(Давоми бор)

Ҳенри ЛОНГФЕЛЛО

Юлдузлар жилваси

ҲАЁТ ОЯТИ

Бемаъни туш бу ҳаёт!” — дея,
Ўйламагин қайғуриб асло.
Руҳ тирикдир, руҳ билан ўлсанг,
Ҳаётингда аълодир маъно.

Ҳаёт орзу эмас, жасорат!
Руҳ ўлмагай, ўлгайдир тана.
“Аввалингу охирининг тупроқ”, —
Демиш бизга Тангри — ягона.

Бу ташвишли жанг майдонида
Сафда туриб жангчи бўл ҳар он.
Жанг-жадалда чиниқсин қалбинг,
Қул бўлмагин, бўлгин қаҳрамон.

Ўтмишинга тутмагин аза,
Келажақнинг қилма хаёлин.
Кураш билиб ҳозирги кунни,
Шунга бўлсин ишонч лиммо-лим.

Қайғу, шодлик ҳаётдан мурод
Эмас асло, Меҳнатга юр деб —
Чорлар ҳаёт. Меҳнат-ла дадил,
Олға юрмоқ бизга зийнат-зеб.

Йўл олисдир, вақт эса шошар,
Қўлдан берма вақтингни инсон.
Ёдингда тут юрак уриши —
Ўтган вақтнинг азаси, инон.

Улуғларнинг ҳаёти чорлар
Бизни улуғ мақсадга ҳар дам.
Замонанинг қумлари узра
Қолсин бизнинг изларимиз ҳам.

Изларимиз бошқаларни ҳам
Катта йўлга бошласа шояд, —
Адашганлар ва чарчаганлар
Юрагида кўзгаб жасорат.

Дадил тургин меҳнат бобида,
Бор кучингни баҳшида айлаб,
Ўрган ғайрат ва жасоратни,
Яхши кунлар келишин пойлаб.

Азиз АБДУРАЗЗОК
таржимаси

Ўн тўққизинчи асрда яшаб ўтган Ҳенри Лонгфелло (1807-1882) Американинг буюк шоирларидан эди. Унинг буюклиги шундаки, “Ҳайавата” номли эпос яратди. Унгача Америка халқида эпос йўқ эди. Уни бутун дунё тан олди. Жумладан, 1872 йили Петербург академияси уни ўзининг ажнабий аъзоси этиб сайлади. Ҳ.Лонгфелло дostonларидан ташқари, шеърларида ҳам жозиба, қулликка қарши нафрат, одамийлик, меҳр-оқибат ғоятда кучлики, уни севмай иложимиз йўқ. Бундай шоирлар ўз ижодлари билан абадий яшайдилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АПРЕЛ КУНИ

Қуёш нури кундан-кун илиқ,
Ҳайдалган далага уруғ сочилган.
Ўрмонда новдалар товланар қизиқ,
Илк бойчечак унда очилган.

Кўкламги кун кўнглимга яқин,
Яқин сайхонларда дурлардай шабнам, —
Аста-секин сузган қалдироқ, чақин
Яратгувчи кўк булутлар ҳам.

Ташналик-ла сув ичар ердан
Тик қанотли ва ёш гўзал қайрағоч.
Қаҳратоннинг ёвуз қаҳрларидан
Омон қолиб кўқарар қийғоч.

Кучга тўлмиш ўрмонлар яна,
Оғочларда янграр қушлар хониши.
Ола қанотлар ҳам ярқирай қайта
Сайхонларда учиб, кўнишиб.

Пушти ранглар уфқ ташида,
Қалин бугаларда кумушранг зулмат.
Тепаликлар ёнар тонг оташида,
Ўнгирилларда соялик хилқат.

Тун келганда эса ногаҳон
Кўлларга зангори тус кирар қувноқ.
Унда янги ойнинг акси намоён
Ҳам юлдузлар жилваси порлоқ.

Қояларнинг кулранг чўққиси
Кўринар сувларнинг жимжимасида.
Сув бети баайни биллур кўзгуси,
Жилвалар шўх дарахт аксидан.

Апрел! Не-не хаёл, хотирот,
Юраклар ўйноғин қовуштирасан.
Куз куни сарғайган япроқлар-ла шод
Етилажак ҳосил гўзал, шан.

ХАЁЛОТ

Қачон туннинг қора пардаси
Кундуз юзин қоплаб оларкан,
Бизда пинҳон кўнгил ёғдуси
Бошқа йўлга йўллар соларкан.

Лов-лов камин ёғдуси аро,
Қинғир-қийшиқ соялар аро
Ботириллардан новчароқ ҳатто
Кўринади руҳлар бедаво.

Деворлардан кетма-кет соя
Тушиб кирар хонамга секин.
Ва қаршимда туриб ниҳоят,
Кўз-кўз қилар менга ўзлигин.

Улар шердай интилиб тоққа,
Ёвузликни шердай енгганлар,
Улар қулаб тақир сўқмоқда,
Қияликка бас келмаганлар.

Улар тортиб ғам-алам қанча,
Хочни дадил тутиб ўтганлар,
Сўнг кўлларин қовиштирганча,
Тобут ичра аста ётганлар.

Улар исми бўлиб камолот,
Ҳаётимга бир замон шулар
Бахш айлаган роҳат-фароғат,
Балки жаннат аҳлидир улар.

Келар қадам товуши хийла,
Ногаҳонда мен томон келар.
Пардан енгил бармоқлари-ла
Ниқтар бермай тинчликка халал.

Юлдузларнинг тубсиз нигоҳи
Макон этиб тубсиз осмонни,
Тун-кечалар ер узра боқиб,
Сеҳри билан боғлар ўрмонни.

Мен қувиб бор машаққат, ташвиш,
Мушкулоту зулматни фақат, —
Биламанки, қайта тирилиш
Яқин эрур қалбимга ғоят.

ҚОРА БОТҚОҚЛИКДАГИ ҚУЛ

Инсонлардан беркиниб ётар
Ботқоқликда қамишлар ичра.
Фонусларнинг ёғдусин кўрар,
Яқинроқда пишқирай отлар,
Бугаларда вовуллар итлар.

Ботқоқликда тўсса туманлар,
Йилтираркан чироғлар қатор,
Тўнкаларни қоплаган моғор,
Чирмовиқлар танин ўраган
Хомуш кедр дарахтлари бор.

Ҳеч ким билмас овлоқ ерда,
Мардларга йўл ёпиқ жойда,
Топталган торф конларида
Гўё ўрмон ҳайвонидай
Яширинмиш у бефойда.

Камбағал қул кекса занжи,
Елкалари куйдирилган.
Манглайида тамға изи,
Моматалоқ баданлари
Қамчи билан ҳўб урилган.

Ўрмон эди кўп чароғон,
Ҳар бир дарахт кўм-кўк, тикка.
Дарахтларда шўх олмахон,
Қушлар куйлаб шўху шодон,
Чақирарди озодликка.

Фақатгина ётарди қул,
Туғилгандир куллиқда у.
Лаънатланган гўё Қобил,
Ер бағирлиб бўлиб сабил,
Занжирланган бошоқдай у!

КУН ҲАМ КЕТДИ...

Кун ҳам кетди... Тун қанотида
Ёйилмоқда қоронғу оқшом.
У гўёки бургут патининг
Тўкилиши янглиғ беором.

Ёмғир билан туман тўрида
Деразалар нури титроқдир.
Диққинафас ҳорғинлик билан
Қурашмоққа дил ожизроқдир.

Зерикишлик ва орзу-умид
Бўлмаса ҳам қайғу ва алам,
Ёмғир, туман ва зерикишлик
Қайғулардан эканмикан кам.

Содда, майин ҳамда оташнок
Шеърлар керак эндиги галда,
Ҳасратларни улар аллалаб,
Ҳаёлларга беролса далда.

Керакмасдир номдор, пешқадам
Катта-катта шоирлар шеъри,
Акс садодай оҳ-афғонлари
Янграгувчи қадимдан бери.

Карнайларнинг янгроқ сасидаи,
Кемадаги оқ елкан сиёқ,
Улар бизга келтирар бўрон,
Мен тинч ҳаёт истайман бироқ.

Мен истайман шоир хаёли
Худди баҳор ёмғир, селидаи,
Ёки қайноқ кўзёши мисол
Акс этолсин унинг шеърида.

Шоир кундуз иш жабҳасида,
Ташвиш тўла тун сукутида
Зийрак диллар оҳанглари
Тингласайди қалб шукуҳи-ла...

Ташвишга бой ҳаёт шов-шуви
Шундай куйга бўлажак ошно,
Қалбга гўё ибодат мисол
Бахш айлабон ажиб тасалло.

Лекин фақат шеърни, жонгинам,
Танлаб ўқиш сен учун керак:
Истайсанким, унинг оҳанги
Банд-бандига бўлсин муштарак.

Тун бўлажак оҳангдор, майин,
Кундуз кунинг тўсган кўп хаёл
Пардаларин сассиз ёяжак
Ва битажак соялар мисол.

ФЕВРАЛ ОҚШОМИ

Кун кетиб борар,
Тун ўрин олар.
Музга ўралиб
Қолмоқда дарё.

Булутлар учиб,
Уфқни кучиб,
Деразалардан
Таралар зиё.

Қор учкунлари
Тайёрдир бари
Боғу йўллари
Этмоққа нобуд.

Аста сурилиб,
Соядай бўлиб,
Қабристон томон
Кетмоқда тобут.

Қўнғироқ янграр...
Қалб ҳам жаранглар,
Акс садо билан
Жавоб берар у.

Борар соялар...
Қалб ҳам нолалар
Билан уради.
Дафн чоғи бу.

ЎҚ ВА ҚЎШИҚ

Камонимдан ўқ отдим, ажаб
Билолмадим у қайда қолди.
Қолдим унга беҳуда қараб,
У лик этиб зумда йўқолди.

Қўшиғимни отдим шамолга,
Уни ўчди қолиб ҳавода...
Қайда қўшиқ, ботдим хаёлга,
Билолмадим ўша аснода.

Бир неча йил ўтгандан кейин
Ўқ топилди дарахт танидан.
Қўшиғимни эса бус-бутун
Топиб олдим дўстим қалбидан.

БОЛАЛАР

Болалар, келинлар,
Кувнашиб ўйнайлик.
Ташвишни унутиб,
Кувлашиб ўйнайлик.

Сизларсиз кун йўқдай,
Юрагим бўм-бўшдир.
Ортимда қора тун,
Келажак нохушдир.

Юраклар ланг очик
Дераза сингари.
Қалдирғоч — қўшиқлар
Ҳаяжон сирлари.

Оғочлар барглари
Куёшга интилар.
Ўлмасин ўрмон деб
Дармони етилар.

Қалбингиз куёшдир,
Энг ёрқин ақлдир.
Мен эсам қалбим куз,
Қиш эса яқиндир.

Болалар ҳам баргдай,
Ям-яшил гиёҳдай.
Сизлар ёш ниҳоллар,
Сизларсиз умр йўқдай.

Болалар, келинлар,
Ашула айтайлик.
Баҳорий куёшлик
Кунларга қайтайлик.

Ақлик китоблар
Ҳаётнинг ўйини.
Болалар кулгусин
Босарми ўрнини?

Қўшиқ мўл дунёда,
Шеърларда мадҳ кўпроқ.
Болалар — шан қўшиқ,
Бошқаси хок-тупроқ.

ҚУЁШЛИ КУН

О, бенуқсон, яхши, ёруғ кун,
Дангасалик дўст менга бугун.
Мен бутунлай бўлим қолдим банд
Ушбу ҳаёт завқига монанд.

Ҳаёт забти менинг кўксимда
Тезкор урар тинмай бир зумга...
Вужудимда кучли эҳтирос,
Қуввати зўр, зўрдир рўйирист.

Мастман шамол шан хонишидан,
Муסיқадир у менга чиндан:
Ерга қадар эгилган шоҳлар
Чолғу тори бўлиб қолмишлар.

Мўъжизалик чодирда осмон
Кўринади ғоят чароғон.
Қуёш тубсиз мовий юксақда
Олтин тусда аста сузмақда.

Кунботарда булутлар оппоқ,
Оролларнинг қирғоғи тошлоқ.
Тоғ йўлларин баланд-пастиди
Қоялар бор қорлар остида.

Гилосларнинг оқ гулин хушҳол
Кенгликларга учиргин, шамол!
Шафтолининг пушти гулларин
Силаб қўйсин менинг қўлларим!

Нақадар бахт — атрофда ҳаёт!
Дилингда куй пинҳондир, ҳайҳот!..
О, дил, сенга эмасми инъом
Завқу шавқлар, хулласи калом?!

ЕЛКАНЛАРНИНГ ПАРЧАЛАРИ

Ўлтирардик ўчоқ ёнида,
Тирқишлардан шамол урарди.
Қирғоқдаги ёғоч уй эса
Шамолларга очик турарди.

Узоқларда қинғир кўчалар,
Мудраб ётган порт шаҳри, яна
Хароб кўргон ва кемачалар,
Машъал, қадим бир устахона.

Ўлтирардик олов ёнида,
Нолиш эди овозларимиз.
Ўчаётган кун зиёсида
Қоронғуга қарши эдик биз.

Эслар эдик ўтган кечмишни,
Бахтли, бахтсиз ҳар битта онни.
Эслар эдик бўлган бор ишни,
Ушалмаган орзу-армонни.

Хотирлардик марҳум ва ҳаёт
Дўстларимиз дийдорини, аммо
Билмай улар қадрини ҳайҳот,
Ёшлик қилиб ўтибмиз расо.

Йўқотганда яқин дўст-ёрни,
Йўқотганинг аранг биларсан.
Ё ўзга дард ила ҳайқириб,
Сўзларингни исроф қиларсан.

Қоронғуда ғайритабиий
Эди бизнинг овозларимиз.
Баргин тўккан ўрмон сиёқли
Бекор эди гап-сўзларимиз.

Лабимизда қотганча қолиб,
Йўқолганди сўзнинг барчаси.
Печка ичра турарди ёниб
Елканларнинг жонсиз парчаси.

Ва ўчганда олов муглақо,
Совуқ тўлқин узра бир замон.
Сузиб юрган, қайтмаган аммо
Кемалардай беному нишон.

Увиллаган шамоллик оқшом,
Тўлқинларнинг беҳуда жанги,
Дириллаган деразалар ҳам
Илиб кетди суҳбат оҳангин.

Чарсиллаган олов тирилиб,
Халал бермас уйқу, тушларга.
Куннинг бахтли ташвиши ортиб,
Биз қайтмасмиз у ташвишларга.

О, бизларни иситган олов,
Печъ ичида ёнган елканлар —
Парчасими ёки беаёв
Қалбга ёнган тафтин берганлар!



Рашод Нури ГУНТЕКИН

Ҳалала

Тўрт пардали комедия

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

- Х и л м и — Олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштирувчи идоранинг котиби. 40 ёшда.
 Ш а р и ф — 40 ёшда.
 Х а л и л — Унинг укаси. 30 ёшда. Устида кук жубба, бошида салла.
 Р у қ и я — Уларнинг онаси. 55 ёшда.
 М а л а к — Халилнинг хотини. 25 ёшда. Чиройли аёл.
 И м о м — 60 ёшда.
 С а л о ҳ и й — Судхўр. 60 ёшда.
 П а р н а к — Ўғри. Кўринишидан кўпни кўрган дайдига ўхшайди.
 О д и л а Д у д у — Уй хўжайини. Хунук аёл. 65 ёшда.
 З а ҳ р о — Унинг қизи. Хунук ва бефаросат.
 М е ш к о б ч и
 Б и р и н ч и қ ў р и қ ч и
 И к к и н ч и қ ў р и қ ч и

Воқеа Истанбулнинг қашшоқ маҳаллаларидан бирида 1926 йилдаги фуқаролик кодекси қабул қилингандан аввал содир бўлади. Бу кодекс Оврўпача намуналар асосида тузилган бўлиб, мусулмон ҳуқуқи ижозат берадиган кўп хотинлиликни тақиқлаган.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КўРИНИШ

Кўҳна уйнинг иккинчи қаватида фақирона жиҳозлаган хона. Хона ичкарисида эшик, ундан зинага чиқилади, ўнг томонда дераза ва эшик, чапда яна иккита эшик. Саҳнада Шариф ва унинг онаси Руқия.

Ш а р и ф — *(Киши билмас қилиб деразага қарар экан)*. Буни қаранг, ойижон, муттаҳам Салоҳий яна пашшаҳўрда бўлиб қолди-я! Деразага қаргани кўрқаман... Агар уйга бостириб кириб, мени сўраса, йўқ денг, Бурсага кетган деб айтинг. Ё Парвардигор, шунақа ҳам сурбет махлуқ бўладими?!

Озод
ОБИД
таржимаси

Рашод Нури Гунтекин— жаҳонга таниқли ёзувчи, драматург, таржимон ва адабиётшуносдир. Адибнинг ўн тўққиз романи ва етти ҳикоялар тўплами босилиб чиққан, қатор пьесалари саҳнага қўйилган. Ёзувчининг йигирма тўрт жилдли асарлар тўплами нашр этилган. “Чоликуши” романи ўзбек тилида икки марта чоп қилинган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

51

Р у қ и я — Шу бугуннинг ўзида икки марта келди. Биринчи гал, сени уйда йўқ деган эдим, туёғини шиқиллатиб, жўнаб қолди. Кейингисида ишонмади. “Ҳозиргина деразанинг олдида хиргойи қилиб туриб эди. Ўз қулоғим билан эшитдим-ку!” — деб ўдағайлади-я, ноинсоф.

Ш а р и ф — Бу беҳаёдан қандай қутулсак бўларкин-а?

Эшик оҳиста очилиб, С а л о ҳ и й кириб келади ва саломлашади.

С а л о ҳ и й — Бу беҳаёдан қутулиш йўлини, афандим, мен ўзим айтиб бераман сенга. Қарзингни тўлаб қўйсанг бас. Унинг қўлига юз эллик лира тутқазасан-у, тилхатингни қайтариб оласан, тамом-вассалом. Ана унда дўппинг яримга, таралла-бедод қилиб юраверсан.

Р у қ и я — (Сочиқни олиб бошига ташлаб олади). Ҳой, бу ерда аёл киши бор-а! Бир мусулмоннинг уйига ҳе йўқ-бе йўқ, томдан тараша тушгандай кириб келаверадимми одам?

С а л о ҳ и й — Кириб келмай нима қилай? Сен билан биз тақиллатиб кирадиган ёшдан ўтганмиз.

Ш а р и ф — Ҳаммамизга маълумки, бировнинг уйига кирмоқчи бўлсанг даставвал, уй эгасидан рухсат сўрамоқ керак.

С а л о ҳ и й — Албатта, гапинг тўғри. Бироқ, сабр-тоқатим тугаб бўлди. Мен эшикни тақиллатдим. Худога шуқр, эшикни Одила Дудунинг ўзи очди. Ўша айтди-да, сени болохонада ўтирипти деб. Чиқиб боравер, деди.

Ш а р и ф — (зарда билан). Худо кўтарсин уни.

С а л о ҳ и й — (Истеҳзо билан). Шўрлик аёлнинг айби нима экан, ази-зим? Сенинг уйда йўқ эканингни у бечора қаёқдан билсин?.. Майли, кел, қўй, ортиқча гап билан бошингни қотириб ўтирмай. Пулни тайёрлаб қўйгандирсан? Иншооллоҳ...

Ш а р и ф — (шоша-пиша). Ҳа, албатта, албатта... Тайёрлаб қўйилган, шекилли.

С а л о ҳ и й — “Шекилли” деганинг нимаси?

Ш а р и ф — Яъни масалан, эртага худди шу вақтга пул чўнтагимда бўлади деб ҳисоблайвер.

С а л о ҳ и й — Э-э, йўқ, оғайни, агар биз бутун ҳам ишимиз битмай ажралишсак, худо билсин, кейин бизга қачон учрашиш насиб бўларкин.

Ш а р и ф — Салоҳий, бўталоғим, нега бунақа гапларни гапиряпсан? Худо ҳаққи, мен ақлдан озган эмасман-ку! Бугун Халил сафардан келади. Уч кун аввал ундан хат олган эдим. Эдиранада катта пул ишлаган эмиш... “Хуржуним тиллога тўлиб кетди” деб ёзипти.

С а л о ҳ и й — Бундан чиқадики, энди ҳамма нарса Халилнинг худо-жўйлардан йиққан садақасига боғлиқ бўлиб қолипти-да! Менга қара, ҳой галварс, мени ким деб ўйлаяпсан? Ўзинг бир чамалаб кўргин, ахир, моҳи рамазонда мулла қанча садақа йиғиши мумкин? Қолбуки, менга юз эллик лира беришларинг керак-а!

Ш а р и ф — Сен моҳи рамазондан бўлак яна учта муборак ойларни ҳисобга олмаяпсан. Менинг укам роппа-роса тўрт ойдан бери бутун мамлакат бўйлаб садақа йиғиб юрипти, билдингми? Ҳай-ҳай, унинг нечоғлик хушовоз эканини айтмайсанми? Ўзинг яхши биласан, сенга гапириб ўтирадиган жойи йўқ. Бундан ташқари, у оддий ҳофиз эмас, унинг авлиёлиги ҳам бор...

С а л о ҳ и й — Ҳа, жиндай овсарлиги ҳам бор...

Ш а р и ф — Беморларни ўқиб оёққа турғизиб юборади. Нима деяпсан — унча-мунча доктордан яхши топади.

С а л о ҳ и й — Бўлди, бўлди, гапингга тушундим, оғайни. Ҳозир маҳкамага бориб, устингдан арз қиламан, мендан хафа бўлиб юрма. Бутун молу мулкнинг хатга олдирмасам, мен ҳам юрган эканман.

Ш а р и ф — Салоҳий афанди, оёқларинг гардини кўзимга сурай... Қулинг бўлай... Ахир, сен ҳам мусулмонсан-ку! Яна бир кунгина муҳлат бергин... Бор-йўғи бир кунгина! Агар шунда ҳам пулингни бермасам, майли, нима қилсанг, қилавер.

С а л о ҳ и й — Таволлоингни қилавер, ишқилиб, молу мулкингни етмиш беш лирага баҳолашин-да! Унда бўйнингдаги қарзнинг ярми қолади, холос. Хўп, хайр, бўлмаса! (*Кетади.*)

Ш а р и ф — (*Унинг кетидан югуриб чиқади, шовқин солади.*) Ҳой, афандим! Қаёққа? Нега жўнаб қолдингиз? Лоақал бир кун муҳлат беринг бизга! (*Қайтиб киради.*) Оҳ, онажон-а, бу қандай кўргулик-а!

Р у қ и я — Ҳадеб ўзингни қийнаб, юрагингни сиқаверма, ўғлим. Унинг ўта шафқатсиз, ўжар одамлигини билмасмидинг? Ахир, отанг шўрлик ҳам шу одам сабабли оламдан кўз юмган. Бир вақтлар отанг ундан йигирма лира қарз олган экан. Ҳадеганда қарзини узолмапти. Фоизи чунонам кўпайиб кетиптики, кўяверасан. Отанг йигирма лира ўрнига эллик лира қарз бўлиб қолипти. Бир куни эшикни қарсиллатиб уриб келиб қолди-ку... Биз ҳаммамиз қасам ичиб, уйда хўжайин йўқлар дедик. Бу баттол ишонмади. Шунда отанг раҳматли менга қараб: “Хотинжон, кел, кирса қира қолсин. Мен сув солиб кўядиган хумга кириб оламан. Йўқлигимни кўриб зора бир оз юраги хотиржам бўлса...” деди. Шундай қилдик. У кириб, уйни титкиламаган жойи қолмади. Отангни тополмай, бўшашиб чиқиб кетди. Мен дарҳол хумнинг олдига бориб, “Бўлди афандим, чиқа қолинг. Гумдон бўлди баттол” дедим. Кейин хумнинг қопқоғини очиб қарасам, (*ниқиллаб йиғлай бошлайди*) шўрлик отанг ўлиб қолибди. Сув тиқилиб қолипти... Ё Парвардигор! Нега бизни бу шафқатсиз, ўжар одамга рўпара қилдинг-а? Энди унинг дастидан шўрлик ўғлим ҳам нобуд бўлмаса...

Ш а р и ф — Йиғламанг, ойижон, кўйинг. Бирор иложини қилармиз.

Чап томондаги эшик очилиб, М а л а к кириб келади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

М а л а к — (*Шарифга.*) Бей афандим, узугим билан зирагимни заргардан олиб келдингизми?

Ш а р и ф — (*Хижолат чекиб.*) Узук билан зиракними? Ҳа-я, ҳа, олиб келишди... Яъни-масалан, ҳадемай олиб келиб қолишадди. Узим кириб чиқай десам, вақтим бўлмади.

Р у қ и я — Келинжон, қизалоғим, узук билан зирак нимага керак бўлиб қолди?

М а л а к — Нега керак дейсизми? Ахир, бугун Халил акам келадилар...

Р у қ и я — (*Унинг янги кўйлагини синчиклаб кўздан ўтказар экан.*) Воҳ-воҳ-воҳ... Янги кўйлакни ҳам эрингнинг келишига кийгандирсан?

М а л а к — Ҳа-да. Бўлмаса, кимнинг олдига ясан-тусан қилардим. Мен уни тўрт ойдан бери кутаман-а!

Р у қ и я — Вой қизалоғим-ей, ахир, ўзинг тасқара эмассан-ку. Шундоқ ҳам ўзинг баайни гавҳарсан. Узук билан зиракка не ҳожат?

М а л а к — Уларни тақсам яна ҳам очилиб кетармидим дейман-да, онажон...

Р у қ и я — Лекин эринг кўзига бўла, ясан-тусан қилганни унча хуш кўравермайди. Менинг Халилим — асл мусулмон...

М а л а к — Хотини эрининг кўзига бўла ясан-тусан қилса, гуноҳми?

Р у қ и я — Гуноҳ-ку эмас-а, қизалоғим. Лекин бунинг яхшилиги ҳам йўқ-да...

М а л а к — (*Шарифга.*) Заргар менинг буюмларимни йўқотиб-нетиб қўймадимикин? Менинг ҳисобимда, уларни тузатишга олиб бориб берганингизга роса бир йил бўлди.

Ш а р и ф — Йўғ-е... Дарров бир йил бўлдими?

М а л а к — (*Кулиб.*) Кеча кўшнимизнинг келини айтдики...

Р у қ и я — Нима деди?

М а л а к — Айтсам, аччиғингиз келади-да..

Р у қ и я — Келмайди, айтавер...

М а л а к — У айтдики, одамларнинг оғзида миш-миш юрган эмиш... “Қайнағаси узуги билан зирагини сотиб, ичиб юборган” дейишаётган эмиш.

Ш а р и ф — Вой оғзига кучи етмаган-ей... Шунақа дедими-а? Мен узугинг билан зирагини сотиб юборибманми? Шунақа деса, чиппа-чин ишона қолдингми? Вой Малаг-ей, вой Малаги тушмагур-ей... Бундан чиқадики, сен ханузга қадар менинг қанақа одам эканимни билмас экансан-да...

М а л а к — (*Ерга қараб.*) Мен ҳеч нарса деяётганим йўқ, худо ҳаққи, ҳеч нарса. Одамлар шунақа дейишаётган эмиш. Мен қаёқдан билай!

Ш а р и ф — Қуруқ тухматингдан асрагин, деб шуни айтишади-да...

Р у қ и я — (*Уғлига.*) Ҳовлиқма, ўғлим. Бекорга жиғи-бийрон бўлаверма... Келининг яхши билади — сен ҳеч қачон бунақа қилмайсан. (*Малакка*) Қизалоғим, нималар деяётганингга ўзингнинг ҳам ақлинг етмаяпти, шекилли. Мен сенга минг марта айтган эдим — бу маҳмадоналарнинг гапига қулоқ солма, деб... Уларнинг бизга тухмат ёғдиришдан бошқа иши йўқ.

М а л а к — Худо ҳаққи, онажон, мен айбдор эмасман. Мабодо, сотиб юборган бўлсалар ҳам, майли, кечдим улардан. Нима, шу тақинчоқлар бўлмаса, куним ўтмай қолармиди? Буюм деса, томдан ташлайдиган эмасман.

Ш а р и ф — (*Аччиғланиб.*) Ҳо-о! Шунақами! Томдан ташламайсизми? Ҳой, сенинг ўша темир-терсак тақинчоқларингнинг бозори келиб қолса, биров тўққиз лирадан ортиққа олмайди, билдингми?

М а л а к — Вой, акажон, нега бирдан аччиғингиз келиб қолди? Қўшнилар шунақа дейишяпти-да... Мен лақма ҳам дарров ишона қолибман... (*Кемади.*)

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Р у қ и я — (*Малакнинг кетидан ўдағайлайди.*) Ҳамма айб — менинг аҳмоқ ўғлимда. Жуда эркалатиб юборган хотинини. Мана, ҳаммамизнинг бошимизга чиқиб олди. Эсимда, бизникига тушганида чўпдай озғин, қилтириқнинг ўзи эди. Ўзим емай, унга едирдик, ўзимиз киймай, унга кийдирдик. Уни деб ҳамма нарсадан тийиндик... Мана, энди келиб, биздан узуги билан зирагини нима қилганимизни суриштириб ўтирибди. Вой, узук билан зирагинг кўр қилсин-а, сени...

Ш а р и ф — Келинг, яхшиси, Салоҳий учун юз эллик лирани қаёқдан топишимизни ўйлайлик. Ахир, бу муттаҳам ҳадемай яна келади. Келиб, ҳамма буюмимизни хатга солади... Буюмларни бирор жойга яшириб қўйсақмикин? Нима қилиш керак — ақлим етмай қолди... (*Ўйланади.*) Ишқилиб, шипшийдам бўлиб қолмасак, гўрга эди...

Р у қ и я — О Парвардигор, ўзинг қўлла! Кошки эди, Халил номига бўлса ҳам жиндай пул топиб келса... Бу тўймагурнинг оғзига урардик. Уч-тўрт кунга уни ўчармиди...

Ш а р и ф — Ҳаммасини унга бериб қўйсам, ўзимиз тишимизнинг кирини сўрамизми, ойижон? Баққол пул дейди, қассоб пул дейди, новвой пул дейди...

О д и л а Д у д у киради.

О д и л а Д у д у — Ҳақ гапни айтдинг, болам: новвой ҳам пул дейди, қассоб ҳам. Ҳаммаси тўрт томонингдан япуннинг аскаридек ёпирилиб келади, пичоғини томоғингга қадаб... Мен ҳам қатордан қолмай деб, ижара ҳақини сўраб келдим.

Ш а р и ф — (*Алам билан кулиб.*) Келинг, келинг, опажон. Фақат сиз камлик қилиб турган эдингиз.

О д и л а Д у д у — (*Руқияга.*) Менга қаранг, бир уйда турамиз-у, сиз ҳеч кириб мени бир кўрай демайсиз-а? Аҳволинг қалай, ўликмисан-тирикмисан, дейишга тилингиз бормайди...

Р у қ и я — Вой бекам-ей... Ишнинг кўплигидан нафас олишга ҳам вақт йўғ-у...

О д и л а Д у д у — Сизда иш нима қилсин? Ёшгина келинингиз бор...

Р у қ и я — (*Қўли билан кўксига уриб, бошини чайқайди.*) Бировнинг чеҳраси нобуд қиларкан, бировнинг — қалби. Келинимнинг хусни-жамолини кўрган одам, заб асл хотин экан-да, дейди. Ҳолбуки, бунақа ялқов хотинни кундузи чироқ ёқиб қидирсанг ҳам тополмайсан. Қўлига каштасини олиб, дераза ёнига ўтириб олади-да, ўтираверади. Кун ўтиб, қош қорайгунча ҳам эринмай ўтираверади...

О д и л а Д у д у — Қўйинг, бунақа деманг, айб бўлади-я... Ахир, туппа-тузук пазанда, кир ювади, супир-сидирга қарайди.

Р у қ и я — Ё Парвардигори олам, вой бекажонимей... Албатта, у қилди-да, ким қилсин бўлмаса? Уйда келини бўлатуриб, қайнона овқат қилсинми ё кир ювсинми?

О д и л а Д у д у — Хўп, майли. Келганимнинг сабабини айтай... Бугун эрталаб одамлар келиб, мендан қарзларимни тўлашни талаб қилишди. Мен эртага эрталабгача муҳлат сўрадим. Бир йилдан бери ижарада турадиганлардан ижара ҳақини олганим йўқ дедим. Шу бугуноқ ижара ҳақини йиғиб оламан деб сўз бердим. Эртага эрталаб, иншооллоҳ, баққолга ҳам, қассобга ҳам қарзимни тўлайман. Бир йўла солиқни ҳам тўлаб юбораман. Шундай қилиб, ижарада турадиганлар ҳам қарзидан қутулишади, мен ҳам... (*Шарифга.*) Ана шунақа гаплар, болам!

Ш а р и ф — Мен тўғри тушунган бўлсам, сиз биздан ижара ҳақини шу бугуноқ тўлаб қўйишимизни талаб қиляпсиз. Шундоқми?

О д и л а Д у д у — Шунақароқ...

Ш а р и ф — Бугун мен сира ҳам тўлолмайман-ку! Ёнимда пулим бўлганда сизни бунақа юргизиб, илтимос қилдириб қўймаган бўлардим. Сиз сўрама-сингиздан ўзим олиб кириб берардим.

О д и л а Д у д у — (*Кулиб*) Худо ҳаққи, билмаган нарсамни билмадим дейман. Менинг уйимда тура бошлаганингга ҳадемай бир йил тўлади, мен бўлсам шу пайтга қадар сенинг сариқ чақангни ҳам кўрганми йўқ, болам.

Ш а р и ф — Нима бало, сиз мусулмон эмасмисиз? Менинг аҳволим сизга яхши маълум-ку! Уч-тўрт кун сабр қилинг.

О д и л а Д у д у — Сўрама, бир кун кутишга ҳам иложим йўқ.

Ш а р и ф — Вой бекажон-ей. Биз сизга етти ёт бегона эмасмиз-ку! Анави беҳаё Салоҳий юз эллик лира деб, қанақа жанжал кўтарганини эшитгандирсиз, ҳойнаҳой? Бу гўрсўхта ҳали замон амалдорларни етаклаб келиб қолиши мумкин. У буюмларимизни хатлаб кетмоқчи.

О д и л а Д у д у — Сен бундан кўрқма! У бунақа ишни қилолмайди. Менинг уйимдан лоақал битта курси олиб чиқиб кетишларига йўл қўймайман. Лекин сизлар ижара ҳақини тўламайдиган бўлсанглар, буюмларингизни мен ўзим хатлаб қўяман.

Р у қ и я — Унда биз нима қиламиз?

О д и л а Д у д у — Нима қилардинглар, бошқа ердан ижарага жой топасизлар... Лекин билиб қўйинглар — ҳар нарсага ишонаверадиган лақмаси — дунёда биргина мен ўзимман. Бошқа бирон одамни топиб лақиллатсаларинг, яна тўққиз ой ҳақ тўлмай яшаб ўтарсизлар. Бугун умр бўйи шу аҳволда яшасаларинг ҳам, ажаб эмас. (*Жаҳл билан.*) Турган-битгани роҳат-ку, бунақа турмушнинг! Уй учун солиқ ҳам тўламайсан, таъмирлашга чиқимдор ҳам бўлмайсан. Қорнингни қашиб, шипга қараб, ётаверсанг бўлади. Рост-да! Бекорга хуноб бўлишнинг нима кераги бор? Ана шунақа, болам — Шариф афандим! Ё, шу бугуноқ ижара ҳақини тўлаб қўясизлар, ёки эртагаёқ уйни бўшатасизлар. Сизлардан ҳақимни ундириб олмагунимча, бу ердан биронта ҳам бўғчани олиб чиқиб кетишга йўл қўймайман. Хўп, бўпти, яхши қолинглар! (*Ғазаб ичида эшик томон юради.*)

Ш а р и ф — (*Унинг орқасидан югуради.*) Бекажон. Онагинам... Азизим, худо ҳақи, қайтинг. Қайтинг дейман... Келинг гаплашайлик. Ажаб эмас, бир тўхтамак келсак. (*Одила Дудунинг қўлига ёпишади, уни курсига ўтқазди, сига-рета таклиф қилади.*) Худога қасамлар бўлсинким, сиз менинг иккинчи онам қаторисиз. Ўтиниб сўрайман, бир ҳафтагина муҳлат беринг бизга. Бир ҳафтада нималар рўй бермайди, дейсиз?

О д и л а Д у д у — Шариф афанди, бекорга ўзингни ўзинг адоий тамом қиялсан...

Ш а р и ф — Бугун Халил укам сафардан қайтади... Нима бўлганда ҳам, икки қўлини бурнига тиқиб келмас... Унинг ҳамёнида неча лира бўлса, ҳаммаси сенга бўла қолсин. Етмаганига тилхат бераман.

О д и л а Д у д у — Сенга бир гапни айтмайми, ўғлим Шариф афанди, гап фақат пулда эмас. Тузукроқ титкилаб қараб чиқса, ўзимда ҳам пул топилади... Менга ижара ҳақини берасизларми-бермайсизларми, бари бир уйни бўшатиб қўйишингизга тўғри келади.

Р у қ и я — Инсофинг борми, азизим Одила, нималар деяпсан?

О д и л а Д у д у — Бўлмаса, ўтиринглар — қанақа ташвиш ўтида қоврилаётганимни гапириб берай. Ҳаммасини ўзларинг тушуниб оласизлар.

Р у қ и я билан Шариф Одиланинг рўпарасига ўтиришади.

Қизим Заҳрони биласизлар, гулдеккина қиз. Болалигида бир касалга чалинган эди. Докторлар алланимабало дейишганди. Лекин нима бўлганини ўзим яхши биламан. Қизим шўрликка кўз теккан. Қўл-оёғи акашак бўлиб қолди. Кўзи ғилай. Дудуқланади. Уни қаратаман, деб қанча пул кетди-ю... Қанақа азайимхонларга кўрсатмадим, қанақа нафаси ўткир домлаларга ўқитмадим. Фойдаси бўлмади. Йиллар ўтди, қизим улғайди. Уни эрга бердим. Лекин куёв ярамас бўлиб чиқди — уч ой ўтар-ўтмас, бор-будимни шип-шийдам қилиб, ўмариб кетди. На пул қолди, на бриллианти, на тиллалари қолди.

Ш а р и ф — Вой бў-ў, ёмон бўлган экан-ку.

О д и л а Д у д у — Аста айтасанми! Бу аблаҳ қочиб кетгандан кейин қарасак, қизим шўрликнинг бўйида бўлиб қолган экан. Ҳомиласи уч ойлик экан. Вақти соати келгач, эгизак туғиб берса бўладими — бир қиз-у, бир ўғил.

Р у қ и я — Турмушда нималар бўлмайди-я...

О д и л а Д у д у — Ҳозир улар саккизга кирди. Худо умрларини узоқ қилсин, нима иложимиз бор? Қийналиб ётибмиз. Лекин гапнинг индаллоси бошқа. Шўрлик Заҳрожомим тўққиз йил бевага ўхшаб яшаганидан кейин, бирдан битта одамга ошиқ бўлиб қолса денг... Гоҳ қарасанг, шодон-у хандон, ўзидан-ўзи қўшиқ айтади, гоҳ қарасанг, ҳеч гапдан, ҳеч гап йўқ кўзининг сийдигини оқизади... Э худойим-эй, ақлдан озиб қолмасам гўрга эди...

Ш а р и ф — Нега бунча хафа бўляпсиз, бекажон? Пулингиз бўлса, уйингиз дўкониңгиз бўлса... Худога шукр, ўзингизга тўқсиз. Бадавлат хонадон ҳисобланасиз. Қизингизни яхши кўрганига узатинг-қўйинг. Никоҳ ўқитинг, тамом-вассалом.

О д и л а Д у д у — Вой, ўғлим тушмагур-ей... Буни жўнгина битадиган осон иш дейсанми! Қизимнинг кўнгил қўйгани бола-чақалик одам-да...

Р у қ и я — Биз уни таниймизми-йўқми?

О д и л а Д у д у — Нега танимас экансизлар! Албатта, танийсизлар! Фақат сизларга айтсамми ё айтмасамми деб хуноб бўляпман. Ҳай, майли, айтақолай... Бу одам... сизларнинг Халилингиз...

Ш а р и ф — (Лол қолиб.) Халил?

Р у қ и я — Вой Заҳроси тушмагур-ей... Ахир, унингиз менинг Халилимнинг юзини бирон марта тузукроқ ҳам кўрган эмас-ку...

О д и л а Д у д у — Халилнинг овозига ишқи тушиб қолипти. Унинг қироатини эшитган экан... Нима ҳам қила оласан! Буни ишқ деб қўйишибди. Қоралаб бўлмайди.. Агар одам ишқни қораласа, Оллоҳ унинг бошига бирон кулфат юборади.

Р у қ и я — Вой Парвардигор! Ҳаммаси ўзингнинг ихтиёрингда... Азизим Дуду, бизни нима деб ўйляпсан! Саҳрода ўсган бағри тош одамлар эмас-миз-ку! Ўлибдими, ишқ нималигини тушунмасак... Ё бизнинг қалбимиз йўқми?

О д и л а Д у д у — Халил бўйдоқ бўлганида мен ўйлаб ҳам ўтирмас эдим. Худонинг иродаси деб, Заҳро билан никоҳини ўқитиб қўя қолардим...

Сепига уй билан дўконни берардим... (*Шарифга*) Халил икковларинг уйни тартибга келтирар эдинлар. У ёқ-бу ёғини таъмирлаб, одам қўярдиларинг, ижара ҳақини ўзларинг олардиларинг... Қарзини қистаб келадиғанларнинг ҳам дами ичига тушиб кетарди... Салоҳий-Палоҳий деганлари ёнингизга йўлашга богинолмай қоларди... Турмушимиз роса ўнгланиб кетарди-да!

Р у қ и я — Рост айтасиз, бекажон. Келинимиз бўлмаганда роса ҳам соз бўларди-я!

Ш а р и ф — Ҳа, албатта, албатта. Нега энди Халилни шоша-пиша уйлантириб қўйган эканмиз?

Р у қ и я — Ўғлим, оғзимни пештаҳам қилишдан худонинг ўзи асрасин-у, лекин каллаварам одам хотини бўлмаса чидаёлармиди?

О д и л а Д у д у — Каллаварам ҳам, доноси ҳам бир гўр...

Ш а р и ф — (*Кулади, Одиланинг елкасига қоқади.*) Гапларингиз бирам доноки, Одила хоним... Эшитган сари эшитгиси келади одам...

О д и л а Д у д у — Кекса аёлни бекорга калака қилмоқчи бўляпсан! Шу бугуноқ ижара ҳақини тўланглар! Тўлолмасаларинг, уйни бўшатинглар. Қанча тез бўшатсанглар, шунча яхши! Халил қайтиб келиб, хотинчасига ғазал айтиб, кўнгилхўшлик қилар экан-да, менинг болам шўрлик куйиб адо бўларканми? Сизлар бу ердан кетмоқларинг керак.

Р у қ и я — (*Ҳазил оҳангида.*) Келинг, бўлмаса, Заҳройингизни бизнинг Халилимизга никоҳлаб қўя қолайлик. Оллоҳ тўрттагача хотин олишга рухсат беради-ку...

О д и л а Д у д у — Вой, шунча молу дунём туриб, ёлғиз қизимни кундош устига бераманми? Унинг қисматида эрсиз ўтиш бор экан, майли, ўтаверсин! Лекин Халил билан хотинининг ўртасига совуқчилик тушиб, ажралиб-нетиб қолиша, унда бошқа гап...

Ш а р и ф — Одила хоним, демак, сиз илтимосимизни бажо келтирмоқчи эмассиз. Бизни тўғри кўчага ҳайдаб чиқармоқчисиз, шундоқми?

О д и л а Д у д у — (*Хўрсинади.*) Иложим қанча, болам? Мана, бир йил бўляпти — текинга турибсизлар! Ижара тураман деганлар эса сон-мингта. Қизим Заҳронинг қўлини сўраганларнинг ҳам ҳисоби йўқ.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

З а ҳ р о — (*Пастдан.*) Ойи... Ойи... Ижарахўрларингиз хурсанд бўладиган бўлди — Халил афанди келдилар!

О д и л а Д у д у — (*Эшикни қия очади.*) Ростми, қизим? Ё Парвардигор! Ана, ўзи зинадан чиқиб келяпти. (*Шариф билан Руқияга.*) Муборак бўлсин.

Р у қ и я — Раҳмат. Нега дараги бўлмай кетди деб ташвишлана бошлаган эдим (*Искаб кўради*). Бутун уйни мушк ҳиди тутиб кетди-я! Сезяпсизларми? Бу Халилимнинг муборак нафаси...

Ш а р и ф — Ростдан ҳам, хуш хабар... унинг устига унинг ёнида пули ҳам бўлса борми...

Эшик очилади. Остонада маст **Х а л и л** пайдо бўлади. Устидаги жуббаси йиртилган, қалпоғи эзилган. Қўлида хуржун.

Р у қ и я — (*Унинг олдига югуриб боради.*) Марҳабо, ўғлим. Хуш келибсан!

Х а л и л — (*Зўр-базўр оёқда туриб.*) Ҳа, ҳа. Биз ташриф буюрдик. Бизнинг келганимиз муборак бўлсин... Э-э... Ие, уйимизга нима бўлди? Лаббай? Нега шифти айланяпти?

Р у қ и я — Ўғлим, турқингни қара, кимга ўхшайсан! Нима бало, тобинг қочиб қолмадими? (*Йиғламоқдан бери бўлиб.*) Қаёқда турган экан бу кўргуликлар!.. Албатта, одам толиқса, жони дош беролмайди... Ё доктор чақирсаммикин?

Х а л и л — Докторни нима қиласиз. Яхшиси, менга обизамзамдан жиндай бера қолинг! Яқинда ичганим бор-ку... Агар, бу замзамни тўғри қудуқдан олинса борми!..

О д и л а Д у д у — Хуш келибсиз, Халил афанди!

Х а л и л — Бу ким бўлди? (*Одилага.*) Сен менинг хотиним — Малак эмасман? Мен сафардан қайтгунча роса қариб қолибсан-ку!

Р у қ и я — Нималар деб валдираяпсан, Халил? Одилахонимни танимадингни, нима бало? Сенга нима жин урди?

Ш а р и ф — Халил, бери кел. Мана бу ерга ўтир... (*Укасини диванга ўтқазади, жуббасининг тугмасини ечади, ичгани сув беради, юзига сув сепеди.*)

Х а л и л — Менга қаранг, ака, замзамдан йўқми? Нима бало, менга қанақа заққум ичирыпсиз?

Р у қ и я — (*Шарифнинг қўлига тармашади.*) Ҳой, Шариф, нима қилди укангга?

Ш а р и ф — Нима қиларди! Ўлгудай ичиб олипти, ярамас! Ароқ ичса нима бўларди!

О д и л а Д у д у — Оллоҳ паноҳида асрасин! Нима, ҳали ароқ ичадимми?

Р у қ и я — Эсингни йиғ, Шариф. Умрида ароқ деган нарсани оғзига олган эмас-а! Ароқ бўлганда ҳам, уни ичишга ақли етармиди? Нима бало, укангни билмайсанми?

Ш а р и ф — Нега ўз укамни билмас эканман? Хўп яхши биламан-да! Лекин ароқнинг ишини ҳам биламан! Боя ҳаммаёқни мушк ҳиди тутиб кетди дедингиз. Мушк ҳиди эмас, ароқнинг сассиғи тутиб кетди, онажон.

О д и л а Д у д у — Ё Парвардигор, бор умидим сендан! Мени ақлдан оздириб қўйма! Ҳеч кимга ишониб бўлмайди-я!

З а ҳ р о киради. Х а л и лга таажжуб билан қарайди.

З а ҳ р о — (*Аста онасининг ёнига келади.*) Ойижон, Халил афандига нима бўлипти?

О д и л а Д у д у — (*Секин.*) Қани, энди сенинг ҳам, Халилингни ҳам бўйни узилса... Нусханг курсин сенинг. Тузукроқ одам топилмадимми?

З а ҳ р о — Тоблари қочиб қолмадимикин? Нега ҳадеб обизамзам сўраяптилар? (*Пиқиллаб йиғлайди.*) Ўлиб қолмаса гўрга эди. Ўлиб қолсалар, мен ҳам ўзимни қудуққа ташлайман.

О д и л а Д у д у — Ўчир овозингни! Жим бўлсанг-чи. Эшитиб қолишса, шарманда бўламан-а!

Х а л и л — (*Ўзига-ўзи.*) Оҳ-оҳ-оҳ! Берсанглар-чи, менга замзам! Одам ўз умрида лоақал бир марта замзамни ичиб кўрмоғи керак дейишади. Йўқ, замзамни кундузи ҳам, кечаси ҳам ичмоқ керак... Ичаман деганингда, кўш қўллаб замзам тутадиган меҳрибон одамларни қайдан топса бўларкин?

Р у қ и я — (*Йиғлайди.*) Оҳ, Парвардигор, бошимизга қандай кўргуликлар соляпсан-а?

Ш а р и ф — (*Бир оз ўйлангач, аёлларга.*) Укам аллақайдан ичиб келипти. Қўлимни гаровга қўйиб айтаманки, у шу бугунга қадар бир томчи ҳам оғзига олган эмас... У ҳадеб замзам сўраяпти. Демак, замзам деб унга ароқ ичиришган.

Р у қ и я — Қайси нобакор бу ишни қилган бўлиши мумкин?

Ш а р и ф — Оламда виждонсиз одам кам дейсизми? (*Қўллари билан бошини чангаллаб, сахнанинг олд томонига боради.*) Бугун уни бирортаси кутиб олиб, ичирган бўлса керак-да... Бироқ нима учун ичиради? Мулланинг маст бўлишини кўриб, уни мазах қилиш учун ичирганми? Иншоолло! Аммо менинг калламга бошқа фикр келяпти. Йўлда унга аллақандай дайдилар рўпара келган бўлиши мумкин. Унинг қаёқдан келаётганини билиб олишиб, ўлгудай ичиришган. Маст бўлиб қолгандан кейин ёнидаги пулларини шилиб олишган (*ҳайқириб юборади*). Ҳаммаси худди шундоқ бўлган бўлиши керак. Ё олло! Ё олло! Ҳозир жинни бўлиб қоламан! (*Зўр бериб Халилни силкитади.*) Ука! Халил! Уйғон! Кўзингни оч!

З а ҳ р о — (*Йиғлаб.*) Ойи! Ойижон! Халилимнинг жони узилапти.

О д и л а Д у д у — Учир овозингни! Мен сенга айтдим-ку! Йўқол кўзимдан!

З а х р о — Кетмайман! Халилимнинг жони узиляпти!

Ш а р и ф — *(Халилнинг бошини кўтаради.)* Халил! Жавоб бер!. Ука...

Х а л и л — *(Кўзини очмай хиргойи қила бошлайди.)* Ёргинам, жонимни ол... Вой, жонгинам ўлдир мани...

Ш а р и ф — Кўзингни очсанг-чи! Ашулага бало борми ҳозир? Жавоб бер деяпман! Эдирнадан қачон келдинг?

Х а л и л — Утган йили келибмидим, ё ундан аввалги йилмиди? Балки, кеча келгумдир дебон... Ё бугун келдимми?

Ш а р и ф — Э-э, ўл-е! Худо кўтарсин сени!

Р у қ и я — Шариф, уканг жуда мастми?

Ш а р и ф — Ўзингиз кўрмаяпсизми, ойижон? Ахир, Одилани хотиним деб ўтирипти-ку! *(Халилга.)* Халил, оч кўзингни! Қани, айт менга, нега Истанбулга келганинг ҳамоно уйга келмадинг?

Х а л и л — *(Кўзини очади.)* Нега энди? Биз уйга равона бўлдик. Лекин етиб боролмадик. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг таваллуд кунлари муносабати билан ибодатга бордик... Обизамзам ичдик.

Ш а р и ф — Қанақа ибодат? Қанақа пайғамбар?

Х а л и л — Улар менга ваъда қилишди — бир ракаат намозга бир лира, беш ракаат намозга беш лира беришар экан.

Ш а р и ф — Сени боглаб алдашипти — бу яқин ўртада ҳеч қанақа мавлуд йўқ.

Х а л и л — Йўқ, бор... Пайғамбаримиз Муҳаммад Расуллоллоҳнинг таваллуд кунлари бор.

Ш а р и ф — Ким айтди бунга сенга? *(Руқияга.)* Айтдим-ку, бизнинг овсаримиз аллақандай дайдиларга рўпара келган... Улар уни ибодатга олиб борамиз дейишган. Боглаб лақиллатишган, тамом. *(Халилга.)* Хўп, бориб намоз ўқидингми?

Х а л и л — Ўқимадим, шекилли.

Ш а р и ф — Нега ўқимадинг?

Х а л и л — Одам йиғилмади... Имом келмади... Ҳеч ким келмади. Фақат биз учовимиз бўлдик, холос. Яна битта хоним ҳам бор эди... Лекин жуда кетворган хоним экан-да ўзи ҳам...

Ш а р и ф — Худо кўтарсин уни ҳам!

Х а л и л — Биз янаги ҳафтада яна намоз ўқигани борамиз... Биз бунинг ўрнига замзам ичдик... Ичаётганингда аччиқ бўлар экан, лекин кейин жуда хуш ёқаркан... Фазалхонлик қилдик. Хоним рақс тушди. Вой, шунақа рақс тушдики...

Ш а р и ф — Мен ҳаммадан ортиқ шундан кўрққан эдим. Ўша кўрққанним бўлганга ўхшайди. Овсаримизни тунаб кетган кўринишади... *(Халилга.)* Қанча пул ишловдинг?

Х а л и л — *(Уйланиб қолади.)* Шошма... Шошма... Бир юз-у ўн олти куруш...

Ш а р и ф — Бир юз-у ўн олти куруш?

Х а л и л — Йўқ, шошма-чи... Бир юз-у ўн олти лира... Ҳа, ҳа. Мен пулларни санаб, белбоғимга яшириб қўйганман... Роппа-роса бир юз-у ўн олти лира... Хуржунга эса ҳар хил газмол, рўмол, пайпоқларни солганман...

Ш а р и ф — Қани, белбоғингни еч-чи, кўрайлик. — Халил жуббасининг барини очади. — Худога шукр, белбоғи жойида экан.

Х а л и л — *(Тиржайиб.)* Албатта, жойида-да... Жойида бўлмай, қаерда бўларди. Нима, уни бирорга одамнинг қўлига тутқазиб кўярмидим? Оёқ-қўлимни кесиб олишса ҳам, белбоғим белимда қолади... Аҳмоғи йўқ...

Ш а р и ф — Қани кўрайлик-чи, белбоғининг ичиди нима борийкин? *(Халилнинг белбоғини ечиб кўради. Унинг ичидан ҳар хил иркит қоғозлар чиқади. Шариф дод солади.)* Оллоҳ, оллоҳ, расво бўлдик. Тамом бўлдик. Ҳамма пулни ўғирлаб кетишипти. Уларнинг ўрнига белбоғининг ичига аллақандай иркит қоғозларни солиб қўйишипти!

Р у қ и я — Ё Парвардигор! Нималар деяпсан?

Ш а р и ф — *(Дод солишда давом этиб.)* Вой, тамом бўлдик... Биз тамом бўлдик. Энди нима қиламиз?

Р у қ и я — Хуржунини қара-чи, эҳтимол, пули ўшанинг ичидадир.

Ш а р и ф — *(Хуржунни очади, унинг ичидан аллақандай латта-путталар тушади.)* Буюмларни ҳам олиб кетишипти.

Р у қ и я — Вой-вой-вой, бу қанақа кўргулик экан-а! Қаёқда қараб турган экан-а! Мунча шўрпешона одамлар эканмиз-а! Ким ҳадди сигиб ўғирлади экан-а?

Ш а р и ф — *(Яна кўзини юмиб олган укасини тортқилайди.)* Ҳой каллаварам! Шу кирдикорларинг ўзингга маъқулми? *(Халил хуррак ота бошлайди.)* Яна уйқуни уряпти-ку!

Р у қ и я — Шариф, тегма унга... Пул, буюм — топиладиган нарса. Мен унинг ўзидан кўрқяпман. Бекорга нобуд бўлиб кетмасин-да!

Ш а р и ф — Нима бало, мазах қилиясизми, ойижон? Ёки унинг бир юзу ўн олти лирасини ўмариб кетишганини билмаясизми? Биз нобуд бўламиз-ку, биз... Тамом бўлдик!

М а л а к — *(Киради.)* Нима шовқин-сурон? Нима, меҳмон-пеҳмон келдими? *(Халилга қарайди.)* Ие, бу ким бўлди? Вой, Халил акам келиптилар-ку! Нима бало, тоблари йўқми?

Р у қ и я — *(Энсаси қотиб.)* Унинг келганидан аллақачон бутун маҳалла хабардор, қизим. Сен бўлсанг, билмадим, ойдан тушдингми?

М а л а к — Чарчаганимдан ухлаб қолганимни ҳам билмабман... Ҳозиргина кўзимни очдим.

Ш а р и ф — *(Фашланиб.)* Ё Оллоҳ! Ўзинг қўлла! Эру-хотин овсағликда ким ўзар ўйнашяпти.

Р у қ и я — Сен шовқинни ҳам эшитмадингми?

М а л а к — Назаримда, қарз берганлар қайнағамнинг олдига яна қарзини қистаб келишгандай бўлди... *(Эрининг ёнига боради.)* Вой-бў-ў, илўрлик Халил-а! Роса толиқибди-ку, бечора...

З а ҳ р о — *(Одиланинг қўлидан тортқилайди.)* Ойижон, нега манави хотин “Халил ака” деяпти? Мен бунга тоқат қилиб туролмайман.

О д и л а Д у д у — *(Қизини чимчилайди.)* Ҳой, овозингни ўчирасанми, йўқми? Бошга битган бало бўлдинг-ку. Ахир, у эри-да. Нима деб атаса атай-варади.

З а ҳ р о — У менинг севгилим...

М а л а к — *(Шарифга.)* Уни хонамизга олиб киришга кўмаклашиб юборинг. Уни тушакка ётқизмаса бўлмайди. Бир оз ором олсинг.

З а ҳ р о — Ойи, ойижон. Нима деяпти бу хотин? У Халилни уйига олиб кириб кетмоқчимми?

О д и л а Д у д у — *(Қўли билан қизининг оғзини тўсади.)* Мени бутун маҳалланинг кўзи ўнгида шарманда қиладиганга ўхлайсан! Қани, бор, уйингга кир! *(Турта-турта Заҳрони чиқариб юборади ва ўзи ҳам кетади.)*

М а л а к, Р у қ и я ва **Ш а р и ф**лар **Х а л и л**ни кўтариб олиб чиқиб кетишади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ш а р и ф ва **Р у қ и я** қайтиб киришади.

Ш а р и ф — Келинг, онажон, бир пас ўтириб ўйлаб кўрайлик. Энди нима қиламиз? Бутун умид унинг пулидан эди. Энди Салоҳий бизни ейди... Одила кампир бўлса эртагаёқ уйдан ҳайдаб чиқаради...

Р у қ и я — Вой, гапирма, ўғлим! Бошим ғовлаб кетяпти.

Ш а р и ф — *(Хона бўйлаб юради.)* Нима қиламиз энди, а?

Р у қ и я — *(Ўз бошига муштлайди.)* Вой, шўрпешона бошим-а!

Ш а р и ф — *(Тўхтайди.)* Фақат битта йўли қолди — ё тиланчилик қилмоғимиз керак, ё ўзимизни денгизга ташлаш даркор.

Р у қ и я — Вой, нафасингни ел учирсин! Нималар деяпсан! Ахир, сенинг эсинг бутун-ку! Уйла, бирон иложи топилиб қолар!

Ш а р и ф — (*Уйлайди.*) Менинг миямга бир фикр келди. Лекин сиз хўп дермикинсиз?

Р у қ и я — Ё Парвардигор, ўзинг мадад бер. Мен қачон сенинг гапингга йўқ деган эдим, ўғлим!

Ш а р и ф — Майли, мен сизга айтай, хўп дейсизми, йўқ дейсизми — ўзингиз биласиз.

Р у қ и я — Айт, айтавер! Нима десанг, ҳаммасини қиламан. Ишқилиб, бу кўргуликлардан халос бўлсак, бўлгани.

Ш а р и ф — Бахт ўзи қўлимизга қўнай деб турипти.

Р у қ и я — Бахт? Қанақа бахт?

Ш а р и ф — Одила билан Захро...

Р у қ и я — Гапингга унча тушунмаяпман.

Ш а р и ф — Менга қаранг... Захро Халилни яхши кўрадимиз? Одила унга қизини беришга розими? Сепига уйини бермоқчи, қарзларидан кечмоқчи. Дўкандан келадиган даромадни бўлишмоқчи... Фақат аҳмоқ одамгина бунақа бахтни қўлдан чиқаради.

Р у қ и я — Вой болам-ей, Халилнинг хотини бор-ку! Унинг хотинини қайси гўрга тиқасан?

Ш а р и ф — Қайси гўрга дейсизми? Уларни ажраштирамиз. Уйга келин олиб келиш бизнинг бўйнимизда. Шундоқ бўлгандан кейин уларни ажраштиришга ҳам ҳаққимиз бор.

Р у қ и я — Вой болам, шунақа қилиб бўларканми?

Ш а р и ф — Албатта, бўлади-да. Нега бўлмас экан. Фақат сиз рози бўлсангиз, бас. Қолганини менга қўйиб бераверинг.

Р у қ и я — Халил Малақдан ажралишни хоҳламаса-чи?

Ш а р и ф — Айтяпман-ку, онажон. Бу ёгини менга қўяверинг... Эй, Парвардигор, ахир, келинингиздан кўнглингиз тўлмаган-ку...

Р у қ и я — Бунақа дейиш гуноҳ-у, лекин ҳеч унга кўнглим илимади-да... Сўхтаси совуқ, бефаросат, ялқов, қўлидан ҳеч иш келмайди.

Ш а р и ф — Ана, кўрдингизми! Баҳонада сиз ҳам ундан қутилиб оласиз.

Р у қ и я — Ўғлимизнинг унда кўнгли бўлса-чи? Кейин эзилиб юрса нима қиламиз?

Ш а р и ф — Э,э, овсаримизнинг бунга ақли етади дейсизми? Ароқни замзам деб ўтирипти-ю... Аллақандай дайдиларга бор-йўгини талатиб келди-ю... Икки кундаёқ ўзининг Малагини эсидан чиқаради. Мана, мени айтди дерсиз, кейин биз билан бирга маишатини суриб юраверади.

Р у қ и я — Оллоҳ ўзи кечирсин мени. Майли, билганингни қил.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

О д и л а Д у д у — (*Ҳаяжонли ҳолатда киради.*) Ҳой, қўшнижонлар, худо ҳаққи, атирми, новшадилларинг йўқми? Захро ҳушидан кетиб ётипти. Жағи тортишиб қолди.

Р у қ и я — Оллоҳ ўзи шифо берсин. Нима бўлди? Бинойидек юрган эди-ку!

О д и л а Д у д у — Сизлар сабабчи-да! Яна “нима бўлди?” дейсизлар. Қаёқдан ҳам менинг уйимга ижарага келиб қолдинглар!

Р у қ и я — Ҳаммаси Оллоҳнинг ихтиёрида. Бизнинг нима айбимиз бор экан?

О д и л а Д у д у — Нима айбларинг бўларди? Менинг қизалоғим сизнинг Халилингизга ошику-беқарор бўлиб қолган. Уни хотини билан кўрдию, тутқаноғи тутди-қолди... “Ўзимни қудуққа ташлайман”, деган гапдан бошқани билмай қолди. Сизлар шу бугуноқ кўчиб кетмасанглар бўлмайди. Халилни кўрмаса, дарди бир оз унут бўлармиди?

Р у қ и я — Нима қилишни ҳам билмай қолдик.

Х а л лнинг хиргойи қилаётгани эшитилади. Пастдан 3 а ҳ р онинг “Илоё, пешонам курсин манинг” деб оҳ уришлари қулоққа чалинади.

О д и л а Д у д у — (*Йиғлайди.*) Кўриб турибсизлар шўрликнинг аҳволи нима кечаётганини... У хотинига атаб тарона айтяпти, менинг қизим шўрлик қисматини қарғаб ётипти (*кўкрагига уради*). Қайси юрак дош беради бунақа азобларга, Руқияхоним? Қизим сил бўлиб ўлади-ку!

Р у қ и я — Оллоҳ асрасин... Қизингиз шербаччадай соппа-соғ-ку!

О д и л а Д у д у — Қизим, қоврилиб адо бўлди. Жизғанаги чиқиб кетди. Нобуд бўляпти бола бечора! Захро уни бошқа кўрмаслиги керак.

Ш а р и ф — (*Жиддий.*) Менга қаранг, Одилахоним! Биз бу ердан чиқиб кетамизми — чиқиб кетмаймизми — аҳвол ўзгариб қолмайди. Захро ҳазилакамига яхши кўриб қолмаганга ўхшайди. У бечора бу муҳаббат оташидан осонликча қутулмаса керак. Биз — худога шукр — мусулмонмиз. Ҳалол одамлармиз. Сизга ҳам анча ўрганиб қолдик. Агар хўп десангиз, биз Малакнинг талоғини бериб, Захрохонни хотинликка олиб қўя қолардик. (*Руқияга.*) Сиз нима дейсиз, ойижон?

Р у қ и я — (*Сукутдан сўнг.*) Тақдир бўлса, нима ҳам дер эдим.

Ш а р и ф — Ростини айтганда, биз бари бир, келинимиздан унча рози эмас эдик. Агар, бунинг устига сиз билан уй-у, дўкон масаласида ҳам битишиб олсак, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўлиб қоларди-я!

О д и л а Д у д у — О, болам-а, кошки сен айтгандай бўлса ҳаммаси... (*Сукутдан сўнг.*) Бизнинг дардимиз фақат шугина эмас-да! Билмадим, айтсаммикин ё айтмасам?

Ш а р и ф — Айтинг, Одила хоним, айтаверинг, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.

О д и л а Д у д у — Майли, айта қолай, бўлмаса. Эшитинглар, одамнинг, яъни қизимнинг бошига не савдолар тушмас экан! Биласизлар, менинг қизим Захро бошқа қизларга ўхшамаган қиз... Ҳа. Унинг ҳамма дарди шундан... Бунга қарангки, олти ойдан бери қизимнинг ёнига аллақандай авлиё келиб турар экан...

Р у қ и я — (*Даҳшат ичида.*) Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ! Ўзинг паноҳингда асрагин!

О д и л а Д у д у — Олти ой аввал кечаси қизим хонасида ўтирган экан, тўсатдан уч марта “Бисмилло... Бисмилло... Бисмилло!” деган овозни эшитипти. Кейин эшик очилиб, хонага устига кўк жубба кийган оппоқ соқолли авлиё кириб келипти. “Мендан кўрқма, Захро. Ҳеч чўчима!” депти у. Шундай деб у қизимнинг ёнига келипти.

Ш а р и ф — (*Ясама ҳайронлик билан қўлларини ишқалайди.*) Буни қаранг-а!

Р у қ и я — Вой, ҳозир ўзимдан кетиб қоламан. Хўш, кейин-чи! Кейин нима бўлипти, Одила?

О д и л а Д у д у — “Мен сенга пайғамбаримизнинг, азиз-авлиёларнинг, фаришталарнинг дуосини олиб келдим, — деб давом этипти авлиё. — Мен сенга дам солиб қўяман. Ҳамма дарду-касалларингдан фориг бўласан!” Шунанга депти авлиё. Шу кечадан кейин ҳалиги авлиё Захронинг олдида ҳафтада икки-уч келиб турадиган бўлипти.

Р у қ и я — Хўш, ундан кейин-чи, Одила, ундан кейин нима бўлипти?

О д и л а Д у д у — Кейинми?.. Кейин... Ҳозир қиз бечоранинг ҳомиласи тўрт ойлик бўлди...

Р у қ и я — Бу авлиё ким экан?

О д и л а Д у д у — Мен ҳам шуни билолмай гарангман-да...

Ш а р и ф — (*Жаҳл билан.*) Бас қилинглр, эй бандаи нодонлар! Ақли-нғиз етмаган нарсани, тусмоллаб-биламан деб нима қиласизлар? Гуноҳга ботасизлар-а! Ундан кўра, гуноҳларингизни кечиришни сўраб, Оллоҳга тавалло қилинг. Захро хоним авлиёдан фарзанд кўради. Бу ҳар қандай аёлга ҳам насиб қилавермайди... (*Одилага.*) Сиз Оллоҳга шукрлар қилмоғингиз керак.

О д и л а Д у д у — Мен-ку, шукр қилишга шукр қиламан-а, лекин бу гапни элу юртга қандай тушунтираман? Ҳамма ҳам сенга ўхшаган батавфиқ, мўмин-мусулмон бўлса экан... Менинг Захроимни гийбат қилиб, бўйинларига қанча гуноҳ ортиришларини ёлғиз Худойимнинг ўзи билади.

Ш а р и ф — Худонинг хоҳиши шунақа, Одилахоним... Энди пушаймон қилиб ўтиришнинг вақти ўтган. Биз Халилни Захрога уйлантирмоғимиз керак. Авлиёнинг фарзандига Халилдан бошқа яна ким оталик қилишга муносиб? Ундан кўра, келинг, тўй харажатларини гаплашиб олайдик. Шу билан тамом-вассалом! (*Руқияга.*) Шундай эмасми, ойижон?

Р у қ и я — Шунақа, шунақа, болам... Шунақа қила қолинглар.

О д и л а Д у д у — Мен рози. Халилдан тузукроқ куёвни қаердан топаман? Малакни қандай қилиб уйдан чиқарасизлар?

Ш а р и ф — Йўли осон. Имомимиз Авлиё афанди бунақа ишларни жуда ўринлатади. Шу бугуноқ уни таклиф қиламан. Қўлига беш лира берсак, шариятнинг ҳамма қондаларига риоя қилиб, Халилни ажратиб беради. (*Сукут.*) Мен кетдим.

Яна Х а л и л нинг хониши-ю, З а х р о нинг ноласи эшитилади.

О д и л а Д у д у — (*Эшикка югуради.*) Яна қизалоғим ўқ теккан қушчадек нола қиляпти. (*Захрога қичқиради.*) Оллоҳ биз — бандаларини ташлаб қўймайди. (*Худди рақсга тушмоқчидай қўлини кўтаради.*) Бирам тўйиб-тўйиб ўйнай ўшанда-я!

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тун. Хонада Р у қ и я ва О д и л а Д у д у.

Ш а р и ф, унинг кетидан имом киради.

Ш а р и ф — (*Имомга.*) Марҳабо, марҳабо, келсинлар, қани, марҳамат, имом афанди.

И м о м — Аёлларнинг бошлари беркми?

Ш а р и ф — Берк, берк... Бу ерда бегона йўқ.

И м о м — Никоҳ бағоят нозик иш-да, ўғлим. Эркак одам аёл кишининг бошидаги бир тола сочига кўзи тушса ҳам кифоя, у эридан ажраган ҳисобланади. Шариятимиз шуни раво кўради. (*Руқия билан Одила Дудуга.*) Омон-мисизлар, аёллар...

Р у қ и я — Ассалому-алайкум, имом-афанди... Хуш келибсиз... Марҳамат...

И м о м — Эсон-омон юрибсизми? Ҳа, баракалло! (*Одила Дудуга.*) Сиз қалайсиз, Одила Дуду?

О д и л а Д у д у — Раҳмат... Юрибман... Ўзингиздан сўрасак?

И м о м диванга ўтиради. Ш а р и ф Р у қ и я ни саҳнанинг олд томонига олиб боради.

Ш а р и ф — Ойижон! Мен бор гапни имомга айтиб бердим. Ўн лирага келишдик. Кўчада Салоҳийга рўпара келдим. Унга қарзларимизни бераман дедим. Фақат битта шартим бор, никоҳ вақтида гувоҳ бўласан дедим. У рози бўлди.

Р у қ и я — Ишқилиб, ҳамма иш ими-жимиди беғалва битса эди...

Ш а р и ф — Ташвиш қилманг, онажон.

И м о м — Халилнинг ўзи қани?

Р у қ и я — Яқинда уйғонди. Биз унга қайноқ шўрва ичирдик. Худого шукр, ўзига келиб қолди.

И м о м — Чақиринг уни.

Р у қ и я — (*Эшикни тақиллатади.*) Келин, ҳой келинжон! Ўғлим бир-ров бу ёққа чиқиб кетсин. Меҳмон келиб қолди.

И м о м — Дарров ётиб олган бўлса, жуда толиққандир-да, шўрлик.

Ш а р и ф — Нимасини айтасиз. Уни аллақандай дайдилар тунапти. Зам-зам деб алдаб, ароқ ичиришипти. Ёнидаги бор-будини тортиб олишипти...

И м о м — Қаранг-а, бу аҳмоқ шунча иш кўрсатишганими?

Эшик очилиб, Х а л и л киради. Энди у ҳушёр, аввалгидай уятчан, тортинчоқ.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

И м о м — Қани, келақол, келақол, Халил. Хуш келибсан.

Х а л и л — (*Имомнинг қўли томон энгашади.*) Кўлингизни ўпай, имом афанди.

И м о м — Йўғ-е... Йўғ-е...

Х а л и л — Сиз бизга отасиз...

И м о м — Келганингни эшитдим-у, намози асрдан кейин бир кириб кўриб чиқай, аҳволини бир суриштирай дедим.

Х а л и л — Ташаккур, имом афанди... Оллоҳ сизни ҳамиша саломат қилсин.

И м о м — (*Қовоғини уяди.*) Ўғлим, Халилжон. Хонангда кимдир борга ўхшайдимми?

Х а л и л — Ҳа, хотиним...

И м о м — Нима, хотиним? Нечук хотининг бўлади?

Х а л и л — Нечук бўларди, ўзимнинг хотиним-да!

И м о м — Бугунга қадар хотининг эди, ўғлим. Мусулмон одам номаҳрам аёлнинг уйига қадам изи қилоладими? Сен кирибсан! (*Руқия билан Шарифга.*) Сизлар нега индамадиларинг? Худодан кўрқмайсизларми?

Х а л и л — Имом афанди, нималар деяпсиз? Ахир, Малак кўпдан бери менинг шаръий хотиним...

И м о м — (*Ўтирган жойидан сапчиб туриб.*) Оллоҳдан узр сўра, ноба-кор. Ахир, талоғини берган аёл қанақасига сенга хотин бўлсин?

Х а л и л — Йўғ-е, имом афанди, бунақа гап бўлгани йўқ. Нега талоғини берар эканман? Биз жуда иноқмиз.

И м о м — Халил, сен хафа бўлмагин-у, ёки сен ўзингни овсарликка соялсан, ёки чиндан ҳам диёнатсиз, ноинсоф одам экансан... Хотинингнинг талоғини берганингга тўрт ой бўлди. Садақа йиғишга кетишдан олдин талоғини берган эдинг.

Х а л и л — Вой, астафуруллоҳ! Жинни бўлиб қоламан! Ойижон, акажон, мен билан Малак ўртасида бирон нохушлик бўлиб ўтганмиди? Мен Малакка қачон талоғини берганман?

Ш а р и ф — Мен қаёқдан билай, Халил?

И м о м — Халил, бери кел-чи... Сен — ҳофизсан, отанг ҳам ҳофиз ўтган. Бинобарин, сен шариат қонуларини яхши биласан...

Х а л и л — Ҳа, мен ҳофизман. Шариатнинг қонун-қоидаларини ҳам яхши биламан, албатта. Аммо Оллоҳга минг бора қасамлар бўлсинким, сиз гапираётган гапларнинг биронтасини тушунаётганим йўқ.

И м о м — (*Шарифнинг қулоғига шивирлайди.*) Деразадан қара-чи, қоровул билан мешқобчи келишяпти-ми?..

Ш а р и ф — Ҳа, келишяпти... Ана, муюлишда туришипти...

И м о м — (*Халилга.*) Сенинг эсингдан чиққан бўлса, мен эсингга тушириб қўяман. Эсингдами, сен бир куни мешқобчини чақириб олиб, унга “Мана-нави бўш кўзачани тўлдириб, сув қуйиб бер” дегансан. Мешқобчининг ёни-

да қоровул ҳам бўлган. Мен бу гапни ўз қулоғим билан эшитганман. Ўшанда мен қаҳвахонанинг рўпарасида ўтирган эдим.

Х а л и л — Айтган бўлсам айтгандирман...

И м о м — Менга ишонмайсанми? Ундай бўлса, ўшалардан сўраб кўрайлик. (*Деразадан қичқиради.*) Ҳой мешкобчи!

М е ш к о б ч и н и н г о в о з и — Шу ердаман, имом афанди...

И м о м — Бир куни ҳофиз Халил сенга “Манави бўш кўзачага тўлдириб сув қуйиб бер” деганмиди?

М е ш к о б ч и н и н г о в о з и — Ҳа, деганди.

И м о м — Қоровул қани?

Қ о р о в у л н и н г о в о з и — Мен ҳам шу ердаман, имом афанди!

И м о м — “Бўш кўзача” деган гапни сен ҳам эшитганмидинг?

Қ о р о в у л н и н г о в о з и — Эшитгандим, имом афанди.

И м о м — (*Халилга.*) Ана, энди ўзинг ҳам эшитдинг. Ҳақ гапни гапираётганимга ишонч ҳосил қилдингми? Оппоқ соқолим билан ёлғон гапириб, оғзимни ҳаром қилиш менга ярашмайди, ўғлим!

Х а л и л — Имом афанди, ҳўп, мен “кўзача бўш” деганман. Хўш, нима бўпти шунақа деган бўлсам?

И м о м — (*Қичқиради.*) Э-э, бас-е... Тавба де! Дарров Оллоҳдан кечирим сўра... Қанақа ҳофизсан сен ўзинг? Ахир, “кўзача бўш” дегани “хотинимни талоқ қилдим” дегани-ку! Шариат билан ҳазиллашиб бўлмайди... (*Кириб келган Салоҳийга ишора қилади.*) Орамизда яна бир илмли одам бор. Мана, ўша айтсин.

С а л о ҳ и й — Ҳофиз, бунга ўзинг ҳам яхши биласан, лекин негадир ўзингни ҳеч нарса билмайдиганга соляпсан... Мусулмон қонун-қоидаларига кўра, эркак одам “кўзача бўш” дейиши ҳамоно, у хотинини талоқ қилган ҳисобланади. Бинобарин, Малак анчадан бери сенинг хотининг эмас.

Х а л и л — (*Йиғламоқдан бери бўлиб.*) Тўғри, бу гапларнинг ҳаммасини биламан... Лекин шунақа бўлиши мумкинлигини етти ухлаб тушимда ҳам кўрган эмасдим. Ҳамиша ичида суви йўқ кўзачани кўрганымда “кўзача бўш” деганман... Энди эса маълум бўляптики, хотиним кўпдан бери менинг хотиним эмас экан-да...

И м о м — Ҳа, шунақа, ўғлим. Хотининг эмас.

Х а л и л — Оғажон, сиз нима дейсиз?

Ш а р и ф — Мен нима дердим, Халил, илмли одамлар шунақа, деб турган бўлса...

Х а л и л — Ундай бўладиган бўлса, келинлар, Малакка бошқатдан уйлана қолай. Энди ҳеч қачон “кўзача бўш” демаганим бўлсин... (*Ҳамма бир-бирига аланглайди.*) Жамоат жам экан, никоҳимизни янгилаб бера қолинг. Ҳақини тўлаймиз.

И м о м — Ие, ие, ие... Гапга қаранглар... Нима бало? Жинни-пинни бўлганмисан? Ҳозиргина ўз оғзинг билан “ҳамиша кўзачани сувсиз кўрганымда “кўзача бўш” дейман” дединг-а?! Ё тонасанми бу гапингдан?

Х а л и л — Тонмайман, имом афанди.

И м о м — Агарда сен бу гапни бор-йўғи бир марта айтган бўлганингда, хотининг билан шунчаки жўнгина ажрашган бўлардинг. Унда никоҳингни янгилаб берсак бўларди. Шу билан иш битарди. Лекин сен бу гапни такрор ва такрор айтгансан. Демак, хотинингдан узил-кесил ажралишгансан. Бунақа никоҳни янгилаб бўлмайди...

Х а л и л — Ё Оллоҳ! Ўзинг кўмак бер, о, Худо!

С а л о ҳ и й — Ўғлим, шариат қирқиб ташлаган бармоқ оғримайди... Сизлар энди эру-хотин бўлолмайсизлар...

Х а л и л — (*Шарифга.*) Оғажон, бирор иложини қилинг. Мен Малаксиз яшаёлмайман.

Ш а р и ф — Халил, илмли одамлар олдида, шариат олдида бизнинг буйнимиз қилдан ҳам ингичка... Бўйсунушдан бошқа иложинг йўқ. Кўрқма, хотинсиз қолмайсан... Бирортасини топармиз...

Х а л и л — Керак эмас, бошқа хотин керак эмас...

Ш а р и ф — Аввалроқ ўйлаш керак эди.

И м о м — Шариатга кўра, талоқ қилинган хотин сизникида туриши мумкин эмас...

Р у қ и я — Ие, кечаси бўлса, қоронғуда шўрлик хотинни қаёққа ҳайдаб соламин?

И м о м — Бугун кечаси, майли, шу ерда қолсин... Лекин шу шарт биланки, улар бошқа-бошқа хонада ётишади.

О д и л а Д у д у — (*Салоҳийга.*) Мен шунча ёшга кириб сочларим оқарди, лекин бунақа доно имомни биринчи марта кўряпман... Худо шоҳид, унга ўн лира эмас, эллик лира берилса ҳам оз...

И м о м — Собиқ келинни ҳузуримга чорланглар... (*Эшик томон юради.*) Қизим, қизалоғим. Бошингга бирон нарса ташлаб олиб, бу ёққа кел-чи...

Бошига рўмол ёпинган М а л а к киради.

М а л а к — (*Халилга.*) Нима гап ўзи? Тинчликми?

И м о м — (*Қичқиради.*) Унга яқинлашма! Унга қўлингни теккиза кўрма! Гуноҳ! Гуноҳ! азим! Икковинг ҳам дўзах ўтида куйиб кул бўласан.

М а л а к — Муҳтарам афандим, бу ерда нима бўляпти, ўзи? Мен ҳеч нарса тушуна олмаяпман.

И м о м — Нега тушуна олмайсан, қизим? Эринг шариат қонунларига тўла-тўқис риоя қилиб, узил-кесил сенинг талоғингни берди.

М а л а к — Эрим нимани берди дейсиз?

И м о м — Хулласи калом, сендан ажради.

М а л а к — (*Йиғлай бошлайди.*) Ё Парвардигор, нима гуноҳ қилган эканман? Вой яшшамагур! Вой кўр бўлгур Халил-ей!

Х а л и л — Худо ҳаққи, менда гуноҳ йўқ...

М а л а к — Бу кўргулик ҳам бор эканми ҳали? Пешонам курсин менинг! Вой, ёрдам беринг... Кўзим тиниб, бошим айланиб кетяпти... (*Аста ўтириб қолади, Халил унга кўмаклашмоқчи бўлади.*)

И м о м — (*Халилга ўшқиради.*) Тўхта...Унга қўлингни теккиза кўрма! Гуноҳ! (*Шариф билан Салоҳий Малакка кўмаклашмоқчи бўлишади.*) Сизлар ҳам нари туринглар. Эркак кишининг қўли аёл кишининг баданига тегмаслиги керак. Гуноҳ бўлади... Гуноҳи азим... Агар унинг боши айланаётган бўлса, аёллар кўмаклашсин. (*Одила Дуду билан Руқия Малакни қўлтиқлаб олишади.*)

О д и л а Д у д у — Вой, қанақа имом-а! Шунақа ҳам доно бўладими одам-а? Шунақалар туфайли дунё дунё бўлиб турипти-да!

Р у қ и я — (*Малакни силаб-сийтайди.*) Хафа бўлма, қизим. Нима иложинг бор? Тақдирингда бор экан... Оллоҳ олади ҳам, ўзи беради ҳам...

О д и л а Д у д у — Ҳа, албатта... Албатта... Фақат кофирларгина Оллоҳдан кўрқмайди. Сен ҳали ёшсан. Оллоҳ ҳали сенга Халилдан яхшироқ эр беради... Юр, сенинг хонангга кирайлик. Ётиб дам ол бир оз...

Р у қ и я билан О д и л а Д у д у М а л а к н и олиб чиқади.

Ш а р и ф — Халил, сен ҳам онамизнинг хонасига бориб тур. Хафа бўлма. Бир ҳафтага қолмай, сенга янги хотин топиб берамин...

Х а л и л (*Йиғлаб.*) Шу ишларинг адолатдан бўляптими?

И м о м — Жим бўл, ўғлим... Ношукрлик қилма... Ҳаммамиз ҳам шариатга бўйсунамиз...

Ш а р и ф — Уят, укажон, уят! Эркакка ўхшасанг-чи! Арт ёшингни... Менга қара, мени айтди дерсан, бу иш сенга ҳали кўп фойда келтиради. Ҳали еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади.

Х а л и л онасининг хонасига кетади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

О д и л а Д у д у билан Р у қ и я киради.

Ш а р и ф — Яхшими, ёмонми, бу ишни битирдик. Энди эртага келин-ни Кўнёга амакисиникига жўнатиб юборсак бўлгани...

И м о м — Стамбулда унинг ҳеч кими йўқми?

Ш а р и ф — Йўқ. Унинг битта-ю битта қариндоши Кўнёда яшайди. Жуда бой, лекин ҳаддан ташқари зиқна одам.

И м о м — Майли, бўлмаса, бизга жавоб. Яхши қолинглар. Шариатнинг йўриғини бажардик, лекин уни бажаргунча роса толиқдик-да...

О д и л а Д у д у — (*Ҳамёнидан пул олиб, имомга беради.*) Мана, имом афанди. Кўп ўрнида кўрасиз. Пайшанба куни қизимнинг никоҳини ўқиб қўйганингиздан кейин яна рози қиламиз... Хурсанд бўласиз...

И м о м — Сизлар хурсанд бўлсаларинг, биз ҳам хурсанд-да! (*Пулни санамайди.*) Биз жуда унақа пулга ўч эмасмиз. Бизга бир тишлам нонимизга-ю, бир сидра кийимимизга етиб турса бас. Бола-чақа бўлмаганда, бу пулингизни ҳам олмас эдим...

С а л о ҳ и й — Қани, дўстлар! Ҳамма хоҳишларингиз мустажоб бўлди, энди бизнинг ишларимизга ҳам кўчайлик.

О д и л а Д у д у — Никоҳ куни қиз томондан гувоҳ бўласиз. Бир тийин қолмай, ҳамма қарзингизни оласиз. Бунинг ташвишини менга қўйиб бераверинг. Энди мен борай, Заҳро қизимни хурсанд қилай. Роса йиғлаб, хуноб бўлиб ётгандир қиз бечора...

Ш а р и ф — (*Руқияга.*) Ойижон, бугун кечаси Халилни ёлғиз қолдирманг. Боринг, олдига бора қолинг...

Р у қ и я Х а л и л нинг олдига кетади. О д и л а Д у д у билан С а л о ҳ и й ҳам чиқиб кетишади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ш а р и ф саҳна олдида қўлларини бир-бирига ишқаб, у ён-бу ён юради. Хонадан Х а л и л нинг нола-фиғони қулоққа чалинади: “Вой, вой ойижон... Чидолмайман, чидолмайман. Оҳ, хотиндан ажралиш жафоси ёмон бўлар экан... Душманингнинг ҳам бошига солмасин...”

Ш а р и ф — (*Саҳна олдида тўхтаб.*) Оҳ, укажоним Халил! Сени менга отамиз қолдириб кетган эди... Сенинг нола-фиғонларинг қулоғимга кирмайдими, ситамларинг дилимни вайрон қилмайдими? Аммо, на илож, сен овсарлигингнинг жазосини тортяпсан. Обизамзамдан ароқни фарқламайдиган, аллақандай муттаҳамларга бор-йўғини шилдириб кўядиган одам, ҳар қандай фалокатга рўпара бўлиши мумкин... Хотинингни ҳам бугун бўлмаса, эртага, бари бир қўлдан чиқарар эдинг. Бошингга тушган кулфатларни мен, албатта, тушунаман... Лекин ўзим ҳам ноилож аҳволдаман. Шунинг учун мендан хафа бўлма, укам (*чироқни ўчириб чиқади*).

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна қоронғи.

Чап томонда аста дераза очилади, қўл чироқнинг шуъласи липиллаб кўринади, деразадан Х и л м и ва П а р н а к гоятда эҳтиёткорлик билан ошиб утади. Х и л м и нинг эғнида эскириб кетган камзул, белини тизимча билан боғлаб олган.

П а р н а к — Нима бўлди сенга, Хилми афандим? Шамолда қолган япроқдек қалт-қалт титраяпсан?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Х и л м и — (*Ҳушидан кетай-кетай деган аҳволда.*) Қалтирамай бўларканми-я! Ахир, собиқ соҳиби қалам, моҳир сўз устаси умрида биринчи марта ўғирликка қўл урди. Тунда арқонга осилиб девор ошди ва бегона одамнинг уйига кирди... Номус-у виждон, инсоф-у диёнат деган нарсаларни паққос унутди... Йўқ, мен дош беролмайман. Парнак, болам. Сен мени очдан ўлай-ўлай деб ётганимда кўриб, раҳминг келди. Сен меҳрли одам экансан, юрагинг шафқатга тўла экан. Агар сенинг дўконинг бўлганида, мени ёрдамчи қилиб олардинг. Пулинг бўлса ё нонинг бўлса, мен билан баҳам кўрардинг. Лекин сен кечалари бировларнинг уйига девор ошиб тушишдан ва қўлингга илинган нарсани ўмаридан бўлак ҳеч нарсани билмайсан. Топган ўлжангни баҳам кўриш учун мени ёнинга олдинг. Раҳмат. Миннатдорман сендан. Оллоҳ умрингни узоқ қилсин. Иншооллоҳ, сен ҳали-бери қўлга тушмайсан... Ўғирлаб топган ўлжангга тинчгина тирикчилик қилиб юрсанг бўлади. Менинг жавобимни берақол... Мен айнадим... Очдан ўлсам ҳам майли... Мени аста тушириб қўй. Тиззаларим букилиб кетяпти. Оғзим қуришиб қолди. Юрагим ҳали замон қинидан чиқиб кетади.

П а р н а к — Қўрқма! Дадил бўл, Хилми афанди. Мен ҳам биринчи марта бу ишга борганимда, тишим-тишимга тегмай, аъзойи баданим дирдир қалтираган. Мазохўрак бўлиб олгандан кейин, ҳали ўзинг кўрасан, текин пул топишни ёқтириб қоласан. Эртадан кечгача қалам билан қоғоз қоралаб, тўрт-беш танга топиш эмас бу!

Х и л м и — Ўғлим, мен айнадим. Жавоб берақол!

П а р н а к — Хилми афанди, тентаклик қилма. Бахт дегани осмондан саватда тушмайди. Ҳозир менга керак бўласан!

Х и л м и — Парнак, бу ишда мендан ёрдамчи чиқмайди. Ҳар қанча қашшоқ бўлсам ҳам, биров мендан қарздор бўлса, қарзимни уддалаб сўраёлмайман-у...

П а р н а к — Хилми афанди, минғир-минғирни қўй. Кўраман ҳали, мен сени одам қиламан... Ҳали менга раҳматлар айтасан...

Х и л м и — Раҳматимни ҳозир айтиб қўя қолай — ҳозир жавобимни берақол. Худо хайрингни берсин. Умрбод дуо қиламан.

П а р н а к — (*Жаҳл билан.*) Жин урсин сени, Хилми афанди! Бошимга битган бало бўлдинг-ку! Биз бу ерга баҳс қилгани келдикми ё иш қилганими? Майли, кетамиз ҳозир бу ердан — қарз олган одамларинг келиб, яна гирибонингдан олса олавермайдими? Уйингда на пулинг, на мулинг, на тамакинг бўлмаса... Агар мени учратиб қолмаганингда, икки кун бурун жонингни Азроилга топширган бўлардинг. Нима деб ўйлаяпсан — кўчама-кўча оч юрган яхшими? Ҳар бир ўтган-кетган башарангга тупуриб, ҳақорат қилиб кетсинми? Раҳмим келгани учун сени ёнимга олган эдим. Нега десанг, сенинг фойдангдан кўра зараринг кўпроқ тегади...

Х и л м и — (*Бир оз ўйланиб.*) Хўп, ундай бўлса, майли. Нима иложим бор? Худонинг буюргани шу экан-да... Шунча йил ҳалол амалдор бўлиб келиб, бирдан ўғри бўлиб қолсам, демак...

П а р н а к — Мен ҳозир ҳамма хоналарни айланиб чиқаман. Нима топсам сенга олиб келаман, сен эса ҳаммасини қопга жойлайсан... Агар мен “куку” деб овоз берсам, дарҳол қопни деразадан ташлагин-у, ўзинг ҳам арқондан осилиб тушиб, ғойиб бўл. Мен бир амаллаб йўлини қиламан. Кўчада деворни паналаб кет, мабодо тўппонча отишса, сенга тегиб кетмасин...

Х и л м и — Вой, жин ургур-ей... Ўғирлик учун ҳам илм керак экан-ку!

П а р н а к — Нима деб ўйлагандинг, бўлмаса. (*Хилмига тўппонча узатади.*) Ма, ушла...

Х и л м и — Бу нимаси тагин? О-о, йўқ, йўқ. Бу матоҳингни ёнингга солиб қўй. Сен билан шунақа деб келишганмидик?

П а р н а к — Қўрқма, ўқланган эмас, тентак... Бирон қалтис иш қилиб қўймай деяпман-да... Мен ичкарида ишни битиргунимча, бехосдан биров келиб-нетиб қолса, шунчаки, қўрқитасанми, деяпман-да... Тамом-вассалом!

Х и л м и — Ё Парвардигор, йўқ, ўғлим. Сира ҳам ушламасман бу савилни. Ёнингга солиб қўй. (*Парнак тўппончани ёнига солиб қўяди.*) Кейин

сенга яна бир гапни айтиб қўяй: Бекорга гуноҳга ботиб юрма — ҳеч кимнинг жонига қасд ҳам қилма, қўрқитма ҳам. Эгаларининг ўзига жуда зарур бўлган буюмларга кўз олайтирма ҳам. Уй эгаларига ҳам қолсин...

П а р н а к — Ҳой, кулгимни қистатма, Хилми афанди. Сен ўғирлик қилгани келганмисан ё худонинг меҳр-шафқатини қозонганими?

Х и л м и — Йўқ, ўғлим, унақа дема! Одам ўғирлик қилаётганида ҳам ҳалоллик тўғрисида ўйлашдан тўхтамаслиги керак.

П а р н а к — Оббо — бизни ушлаб олишса, ўшанда кўрасан ҳалол ўғридан ноҳалоллини қанақа фарқ қилишларини. Қани, бас, ишга киришайлик.

Тезгина эшик ёнига бориб, кулфнинг тешигидан ичкарига қарайди. Бир жувон ухлаб ётипти... Ёлғиз... (*Эшик ёнидан чекинади.*)

Х и л м и — (*Кулф тирқишидан қараб, сесканиб кетади.*) Вой бў-ў-ў... Асил аёл экан... Йўқ, аёл эмас бу, Парнак, пари... Парилар султони. Кўкраги баайни оқ мрамор, сочлари сочилиб ётипти... Кулочини кериб ётишини қара-я! Бай-бай-бай. (*Минғирлаб шеър айтади.*)

П а р н а к — (*Хилмининг елкасига тармашади.*) Худо бериб қолди-ку! Ҳаммавақт ҳам бунақа аёлга рўпара келавермайди.

Х и л м и — (*Парнакка ўқрайиб қарайди.*) Нима бало, бирон ёмон хаёлга бораётганинг йўқми, ўғлим? Яна бир нарсани сенга айтишни унутибман — номус деган нарса ҳар нарсадан юқори туради.

П а р н а к — Аҳмоқ бўлма! Бошқа бунақа қулай фурсат бўлмайди. Ҳозир у қўлимда ипақдай эшила бошлайди.

Х и л м и — (*Ҳайрон бўлиб.*) Бу нима деганинг?

П а р н а к — Ипақдек эшилиши қанақа бўлишини билмайсанми? Бунинг маъноси шуки, мен уни қўрқитаман, у бўлса, пул билан тақинчоқлари қаерда эканини айтиб беради.

Х и л м и — Эсингни йиғ! Физолга ўхшаган шундай ажойиб нарсани ранжитиб бўларканми? Парнак, ўғлим, оёқларинг гардини кўзимга сурай... Бу хурлиқо аёлга қўлингни теккизма. Уйда топган нарсангнинг ҳаммасини олиб келавер... Бояги айтган гапларимнинг ҳаммасини қайтариб олдим. Шунанга хотини бор одамнинг уйини ўғирласанг — гуноҳи йўқ.

П а р н а к — Жуда жонга тегдинг-ку! Кетар бўлсанг, бор, йўқол. Кетавер...

Х и л м и — Парнак, хафа бўлма!.. Нима қилай, мендан тузукроқ ўғри чиқмайдиганга ўхшайди... Хайр... Мен ҳалол яшаб эдим, ҳалол кетаман. Кел, яна бир марта парилар султонини кўриб олай.

П а р н а к — Жўна, туёғингни шиқиллат. (*У деразага яқинлашади. Хилмининг қўлига тирмашади.*) Тўхта, эшитяпсанми, бу нима гўнғир-гўнғир?

Х и л м и — (*Ўзини ташлаб юборай деб.*) О, Оллоҳ, Оллоҳ!

П а р н а к **Х и л м и** ни қоп билан бирга парда орқасига яширади. Ўзи ҳам яширинади. Эшикдан **Ш а р и ф** нинг хонасига қўл чирокнинг шуъласи тушади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Ш а р и ф кириб келади. Устида яшил жубба, бошида қалпоқ, ясама соқол ёпиштириб олган.

Ш а р и ф — Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... (*Шу сўзларни такрор айта-айта зина тепаидаги эшикдан чиқади.*)

П а р н а к — (*Хилмини саҳнанинг ўртасига туртиб чиқарар экан.*) Сенга нима бўлди, Хилми афанди? Нимадан қўрқаяпсан? Ҳеч ким йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Х и л м и — Нечук ҳеч нарса бўлмасин, ўғлим? Сен ўзинг кўрмадингми? Ўзинг эшитмадингми?

П а р н а к — Қани, кўрайлик-чи, бу ёғи нима бўларкин.

Х и л м и — Мен қаердалигимни, ким эканимни билмай қолдим. Парнак, мен ақлдан озиб қолдим, шекилли. Бу ердан чиқиб кетишимга ёрдам бер... Тош устида ётиб қолсам ҳам майли, — нима бўлганда ҳам юлдузлар кўзимга кўриниб турса бас. Оллоҳ, оллоҳ, ўзинг мадад бер. Бу ерга авлиё-ю анбиёлар ташриф буюрганга ўхшайди.

П а р н а к — Қанақа азиз-авлиёлар, тентак? Бу ерда аллақандай бир иш бошланяпти. Қанақа иш эканига менинг ҳам ақлим етмаяпти. Икковимиз ҳам гумдон бўлганимиз маъқулга ўхшаяпти. Бу ерда кўрганларимдан кўнглим айниб кетяпти.

Улар дераза ёнига келишади. Бирдан эшик кўнғироғи жиринглайди. **П а р н а к** билан **Х и л м и** яна парда ортига беркинишади. **Ш а р и ф** киради. Бошидан қалпоғини олади, соқолини юлиб олади, устидаги жуббани ечади, ҳаммасини ҳозиргина ўзи чиқиб келган хонага улоқтиради. Сўнг у “Ким у?” деган сўзлар билан зинага чиқади.

П о ч т а ч и н и н г о в о з и — Сизга телеграмма!

Ш а р и ф н и н г о в о з и — Э, оллоҳ! Яхши хабар бўлсин-да! Кетяпман, кетяпман!

Саҳна бўшаб қолади. Сукут ичида **Х и л м и** нинг оҳ-воҳи эшитилади.

Х и л м и — Оллоҳ, оллоҳ, ўзинг кўмак бер. Мени тўғри йўлга ўзинг йўлла. Ҳамма азиз-авлиёларнинг ҳаққига қасам... Биринчи бу ишни қилдим... Охиргиси ҳам шу бўлади...

ЕГТИНЧИ КЎРИНИШ

Тунги кўйлак кийган **Р у қ и я** киради. Зина томонга йўналади.

Р у қ и я — Ким у? Мунча кеч? (*Баланд овозда.*) Тинчликми?

Ш а р и ф н и н г о в о з и — Ҳа, тинчлик. Ҳеч гап йўқ, ойижон. Телеграмма.

Ш а р и ф киради.

Р у қ и я — Хайрият-е... Кимдан экан?

Ш а р и ф — Ҳали ўзим ҳам билганим йўқ. (*Телеграммани очиб ўқийди.*)
Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ!

Р у қ и я — Ҳа, нима гап?

Ш а р и ф — Ё поки Парвардигор! Малакнинг амакиси қазо қилипти. Ҳа, ўша Кўнеда яшайдиган амакиси. Малакка ўн минг лира пул, уй ва узум-зорини мерос қолдирипти.

Р у қ и я — (*Ҳовлиқиб қолиб.*) Худога шукр-ей... Вой, худо, минг қатла шукр-ей!

Ш а р и ф — Ойижон, нима бало, дарров унутдингизми? Унинг талоқ хатини бериб бўлдик-ку! Энди қайтишнинг иложи йўқ.

Р у қ и я — Вой, вой, вой... Энди бу бало бормиди бошимизга тушмаган?

Ш а р и ф — Тамом бўлдик, энди бутунлай яксон бўлдик.

Р у қ и я — Кўп қайғураверма. Эртага уларни яна никоҳлаб қўямиз.

Ш а р и ф — Ойижон, биз унинг талоқ хатини узил-кесил бериб бўлган-миз.

Р у қ и я — Ёнингда пулинг бўлса бўлди — имом дарров шариятдан йўл топиб беради.

Ш а р и ф — Бунинг фақат битта йўли бор. Малак учун ёлғон куёв топмоқ керак. У Малакка уйланиб, кейин ажралиши керак. Ана унда Малак-

ни қайтадан Халилга никоҳласа бўлади. Бунга камида икки кун кетади. Бу вақт мобайнида меросдан хабардор бўлиб қолади ва нима сабабдан уни яна Халилга рўпара қилаётганимизни фаҳмлайди. Унда Халилга тегишдан бўйин товлаши аниқ. (*Баланд овозда алам билан хитоб қилади.*) Унда биз қуруқдан қуруқ қолаверамиз. Бу пулдан ҳемири ҳам сизга тегмайди. Йўқ, чучварани хом санабсизлар. Ўн минг лирадан воз кечадиган аҳмоқ йўқ! Йўқ, овора бўласизлар!

Х и л м и — (*Бу сўзларни ўзига қаратилган деб ўйлайди ва саҳнанинг ўртасига югуриб чиқади.*) Раҳмингиз келсин, афандим. Бир қошиқ қонимдан кечинг. Ўн минг лира тугул, ўн куруш ҳам олганимиз йўқ. Биз чиқиб кетмоқчи бўлиб тургандик, бирдан устимизга келиб қолдингиз. Агар ҳозир бизга “ўн минг лира ўғирладинг” деб туҳмат қиладиган бўлсангиз, ҳаммаёқни бошимизга кўтариб, дод-вой соламыз. Одам тўглаймиз...

Ш а р и ф ва **Р у қ и я** — (*Қичқиришади.*) Вой дод! Ёрдам беринг. Ўғри босди! Ёрдам беринг! Вой дод!

П а р н а к — Э-э, бўғилиб ўлларинг-а, бўғилиб! (*Худди қуролга ёпишаётгандай қилиқ қилади.*) Жим! Ҳозир отиб ташлайман!

Ш а р и ф ва **Р у қ и я** — Раҳмингиз келсин! Шафқат қилинг. Нобуд қилманг бизни!

П а р н а к Х и л м и н и зўрлаб дераза олдига судрайди.

Х и л м и — (*Деразадан чиқиб кетишга беҳуда уринади.*) Вой, вой бўлмаяпти... На қўлим, на оёғимнинг мажоли бор... Ер парчин бўлиб йиқилишим муқаррар! Қулоғим гувиллаяпти. Кўзим тиниб кетди. Оҳ, оҳ, ажалим етганга ўхшайди. (*Хушидан кетади.*)

П а р н а к — Гуноҳдан фориг бўладиган бўлдим. Ўзинг бир амаллаб қутилиб кетасан. (*Арқондан пастга тушиб кетади.*)

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Р у қ и я — Болам, қоровулни чақира қолайлик. У миршабларни чақириб келар.

Ш а р и ф — Тўхтанг, ойижон, шошиш керак эмас. (*Хилмининг ёнига боради.*)

Р у қ и я — Яқинлашма, яқинлашма унга! Балки атайин йиқилгандир. Белбоғида пичоғи бўлиши мумкин. Бир уриб ўлдириб қўяди.

Х и л м и — Оҳ, оҳ... Вой... Ёрдам беринг.

Ш а р и ф — Хавотир олманг, ойижон! Унинг аҳволи бизникидан-да оғир кўринади. Шўрлик, кўрққанидан ҳушидан кетган. (*Уни тепади.*) Ҳов, ҳов, отажон! Қани, тур-чи!

Р у қ и я — Шариф, нима бало, эсингни еб қўйдингми? Унинг олдига яқин борма, деяпман-ку!

Ш а р и ф — Бунга ўхшаган қасангилардан мени кўрқади деб ўйлайсиз, шекилли? (*Оёғи билан қонга туртиниб кетади, уни Хилми деб ўйлаб, шовқинлай бошлайди.*) Ё Оллоҳ! Ё Парвардигор! (*Ўзини ўнглаб олади.*) Бу ялмоғиз оёғимга чанг солди деб ўйлабман...

Р у қ и я — Нимани кутяпмиз?. Кел, уни полицияга топшириб юбора қолайлик.

Ш а р и ф — Йўқ, ойижон. Битта гап бор. Бу тасқарани худойимнинг ўзи етказди. Унинг ёрдамида ўн минг лира шундоққина қўлимизга кириб келади.

Р у қ и я — Нечук? Англамадим.

Ш а р и ф — Ҳозир англайсиз. (*Хилмининг ёнини тинтиб кўради.*) Ҳеч қанақа пичоғи йўқ ёнида. Хотиржам бўлаверинг. (*Хилмини кўтариб диванга ётқизади.*) Унинг кўрқадиган жойи йўқ — чинакам ўғри бўлса, ҳушидан кетиб ўтирмас эди. (*Унинг юзига сув пуркайди.*)

Х и л м и — (*Кўзини очади.*) Оҳ... Воҳ... Қаердаман? Қайси дунёдаман? А-а-а... Мен миршабхонадаман... Аввал миршабхона, кейин маҳкама, нарёғи — турма. Вой, мунча шўрпешона бўлмасам-а! (*Теваракка аланглайди.*) Йўқ, ҳали миршабхонага етиб бормаганга ўхшаймиз...

Ш а р и ф — Хўш, аҳволингиз қалай, ўғри амаки?

Х и л м и — (*Бошини эгиб.*) Оҳ-оҳ-оҳ, биродар... Аҳволим қанақалигини айтишга забон йўқ менда. Лекин, сенинг гапинг тўғри, албатта. Ҳозир менинг на от-уловим, на ҳовли-жойим бор. Лекин шу аҳволда биров уйингга берухсат бостириб кирса, мен ҳам уни ўғри деб ўйлардим...

Ш а р и ф — Бировларнинг уйига ўғриликка тушгани уялмайсанми?

Х и л м и — Ҳамма гапни айтиб бўлдим, афандим. Бунинг бари қисматининг қоралигидан. Мени миршабхонага топширасизми?

Ш а р и ф — Бундай қилиш қочмайди.

Х и л м и — Ҳа, биладан, мени миршабларнинг қўлига топширишдан аввал, яхшилаб дўппосламоқчисиз, шундайми? На илож, ураман десангиз, майли, уринг. Ургангиз ун оши. Фақат битта шартим бор — устихоним бутун қолсин-да, ҳар қалай. Худо шоҳид, устингиздан ҳеч қаерга арз қилмайман. Айб ўзимда. Сиз бемалол ураверинг. Мен бўлса, “баттар бўла-а, шўрпешона дайди, икки кун нонсиз ўтиришга чидамадинг, ўғирликка тушдинг, ўл-а!” деб қичқириб тураман.

Р у қ и я — Уелим, бу қанақа ўғри бўлди, а? Худди мирзаларга ўхшаб, тили бирам бийрон...

Х и л м и — Қаёқдан билдингиз?

Ш а р и ф — Отахон, мен сизни урмайман. Миршабларнинг қўлига топширмайман ҳам. Фақат битта шартим бор.

Х и л м и — Розиман. Фақат шартингиз номусимга дахл қилмаса бўлгани.

Ш а р и ф — Номусингиз ўзингизга буюрсин... Аксинча, менинг шартим шариат қонунларига тўғри келади. Бугун кечаси сизни уйлаб кўямиз.

Х и л м и — (*Ўзича.*) Эй, худо; энди бу кўргулик бормиди?.. Бу йигит эсидан оғиб қолган кўринади... Ё тавбангдан кетай... Эй, Оллоҳ, оллоҳ! Буниси миршабхонадан ҳам даҳшатлироқ-ку.

Ш а р и ф — Кўрқма, сени бир кечага уйлантирамиз, холос. Эртагача кутиб туришнинг иложи йўқ. Мен ҳозироқ имомни чақириб келаман. У никоҳ ўқиб кўяди. Манави хонада бир аёл ётибди. Ўша эрталабгача сенга хотин бўлади...

Х и л м и — (*Ўзича.*) Мени онасига уйлантирмоқчи эмасмикин? Нима қилсам экан-а! (*Уйлайди.*) Миршабхонага олиб боришса, кетидан суд бўлади, ундан кейин турма. Шармандалик... Кўнмасдан илож йўқ...

Ш а р и ф — Жавоб бермадинг-ку!

Х и л м и — Нима ҳам деб жавоб берардим. Биз — рози...

Ш а р и ф — Ойижон, кириб, Малакни уйғотиб чиқинг... Унга айтинг — ҳозир сени бир афандига никоҳлаб берамиз денг... Тагин унинг ўғри эканини айтиб қўйманг-а! Тайёргарлигини кўрсин...

Х и л м и — Афандим, мени маъзур тутасиз-у, мени уйлантирмоқчи бўлаётган аёлинглар... (*Эшикка ишора қилади.*) Анави ерда бир хотин ухлаб ётипти... Ўша эмасми?

Ш а р и ф — Ҳа, ўша...

Х и л м и — Ундай бўладиган бўлса, сизларга айтиб қўяй... Мен билан ҳазиллашмоқни хаёлларингга келтира кўрманглар!

Ш а р и ф — Менга қаранг... Ярим кечада ҳазилга пишириб қўйганми?..

Х и л м и — (*Саҳнанинг олдига ўтади.*) Эй Парвардигор, мана, қирқ бешга қиряпман, шу умрим мобайнида ўн беш мартача уйланмоқчи бўлдим, аммо бирор марта ҳам уйланолмадим... Тақдир эмас экан... Мана энди, кунлардан бирида ярим кечада бировнинг уйига ўғирликка кирганимда... Бунинг учун жазоланишим керак эди. Бунинг ўрнига бирон куруш чиқимдор бўлмасдан ҳеч қанақа қийинчиликсиз... Ортиқча борди-келдиларсиз... Уйланяпман... Яна кимга денг? Малакка! Парига! Парилар султониға! Ахир, уни

кўрганим ҳамоно: “Эй қодир Худо, бунақа аёлларни қандай бандаларингга раво кўрасан-а?” деган фикр миямдан ўтган эди.

Ш а р и ф — Ие, унинг отини биласанми, дейман?

Х и л м и — Унинг оти Малакми?

Ш а р и ф — Ҳа...

Х и л м и — Мен айтдим-ку — худойимнинг иродаси шунақа бўлса, нима илож бор. Малак, ҳа, ҳа, у маликалар султони (*юзи билан эшик томонга қараб, полга ётади. Ибодат қила бошлайди.*) Ло илоҳа иллолла... Оллоҳу акбар. Оллоҳу акбар.

Ш а р и ф — (*Хилмини кўздан кечириб чиқади.*) Ҳой, менга қара, шимингнинг орқаси йиртиқ-ку...

П а р д а

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Х и л м и — (*Остонада янги костюм-шимда кўринади.*) Азизим, бу уйда устара топиладими?

Ш а р и ф — Нима қиласан?

Х и л м и — Саволинг қизиқ-а? Куёвнинг соқоли шунақа ўсган бўладими?

Ш а р и ф — Менга қара, сен бутунлай қуюшқондан чиқиб кетяпсан. Олдин бунақа чувринди кийимда куёв бўлмайман дединг, костюм-шим топиб бердик...

Х и л м и — Костюм жиндай торроқ экан. Майли, бўлаверади.

Ш а р и ф — Энди устара деб ғишава қиялсан. Нима бало, сен йигирма яшармидингки, бунча ясан-тусан қиласан?

Х и л м и — Мен, албатта, йигирмадан ошганман. Лекин умримда биринчи марта уйланыпман. Бунинг устига, азизим, шуни унутмаки, келадиган меҳмонлар мени эмас, сени гап қилиб кетишади... Наҳотки, ўзларининг келинларига шу тасқарадан муносиброқ бирон кимса топилмабди, дейишади одамлар.

Ш а р и ф — Ёмон ғалати одам экансан-да... (*Жавондан устара олиб беради.*) Ма...

Х и л м и — (*Устаранинг у ёқ-бу ёғини кўради.*) Биродар, бу устара эмас, ошпичоқ-ку... (*Қўли билан соқолини тутамлайди.*) Лекин бунақа соқол учун ошпичоқ ҳам ярайверади. (*Чиқиб кетади.*)

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Р у қ и я киради.

Р у қ и я — (*Шарифга шивирлаб.*) Имом келди. Қоровуллар билан.

Ш а р и ф — Келсинлар, келсинлар. Марҳабо. (*Қўлларига пойабзалларини кўтариб имом билан қоровуллар киради.*) Марҳамат қилсинлар, имом афанди... Киринглар, киринглар...

И м о м — Умримда биринчи марта ярим кечада никоҳ ўқийдиган бўляпман. Ҳа, энди, қўшнинг учун нималар қилмайсан...

Ш а р и ф — Худо умрингизни узоқ қилсин, имом афанди. Миннатдорман. Хизматларингизни унутмаймиз. Сизни ранжитмаймиз. Кейин хурсанд бўласиз.

И м о м — Ярим кечада гувоҳларни зўрға топдим. Уларга бир лирадан берасиз-да...

Ш а р и ф — Ҳа, албатта, албатта.

И м о м — (Кулади.) Бизга ўн лира, буларга бир лирадан. Ҳаммаси бўлиб ўн икки лира. Э-э, ҳалаланинг никоҳи бор-йўғи ўн икки лира бўляпти. Бир пуд шолғомнинг пулича ҳам эмас-а...

Ш а р и ф — Ҳа, ҳа, имом афанди, ҳақ гапни айтдингиз. Сиздан ўтинаман, вақт кетмасин. Имида-жимида бўлсин.

И м о м — Сиз вақт кетмасин деб илтимос қиляпсиз. Хўп, буни тушунаман. Лекин нега энди имида-жимида бўлар экан? Нима, сиз ўз уйингизда эмасмисиз? (Руқияга ишора қилади.) Онангиз ҳам эшикни очганларида “пойабзалингизни ечиб, аста чиқинглар, гаплашманглар” деб тайинладилар. Худо ўзи асрасин (гувоҳларга ишора қилади.) Бирор нарсага йўлиқмасак гўрга эди деб чўчиб кетдим.

Ш а р и ф — (Кулиб.) Бунинг сабаби бор... Биз Одила Дудудан хавотирдамиз.

И м о м — Одила Дудунинг нима дахли бор?

Ш а р и ф — Бизнинг Халил хотинидан ажралиб, унинг қизига уйланмоқчи эди... Нима учун биз ҳозир ярим кечада никоҳ ўқияпмиз? Эртага Халилни яна қайтадан ўзининг аввалги хотинига уйлаб қўймоғимиз керак... Агар бундан Одила Дуду хабардор бўлиб қолса, бизни соғ қўймайди.

И м о м — Ҳа, албатта, албатта. Омон бўлгур Одила Дуду талоқнинг харажатларини тўловди... Хуллас, бугун тунда унинг қулоқлари ҳеч нарса эшитмасин. Бўлмаса...

Ш а р и ф — У ҳозир ширин уйқуни уряпти. Келинг, ишга кириша қолайлик.

И м о м — Куёв тайёрми?

Ш а р и ф — Ҳа, ҳа, тайёр. Соқол оляпти.

И м о м — Гувоҳлар борми?

Ш а р и ф — Гувоҳлар? (Қоровулларни кўрсатиб.) Мана булар гувоҳ бўлаверди-да...

И м о м — Йўқ, азизим. Булар куёв томоннинг гувоҳлари. Мен келин томоннинг гувоҳларини сўраяпман.

Ш а р и ф — Нималар деяпсиз, имом афанди? Ярим кечада ҳалалага битта одам топгунча она сугим оғзимга келди-ку! Яна иккита гувоҳни қаёқдан топаман. Шуларнинг ўзи бўлади.

И м о м — (Жаҳл билан.) Бекорларни айтибсиз. Мен шариятга тескари иш қилмайман. Шарият ҳар томондан, албатта, иккитадан гувоҳ бўлишини талаб қилади. Сизни деб мен дўзах ўтида қоврилишни истамайман.

Ш а р и ф — Раҳм қилинг, имом афанди... Ундай бўладиган бўлса, гувоҳлардан биттаси ўзим бўла қолай...

И м о м — Майли... Лекин яна битта гувоҳ керак-да.

Ш а р и ф — Тўртинчи гувоҳ, майли, менинг онажоним бўлсин.

И м о м — Мазаҳ қилмоқчи бўляпсанми мени? Ахир, аёл киши гувоҳ бўлганини ким, қаерда кўрган?

Халил тунги кийимда киради.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Х а л и л — Оғажон, нима ҳаракат? Ие, имом афанди ҳам шу ерда эканлар. Биров ўлдими, нима бало?

Р у л қ и я — Нафасингни иссиқ қил-е... Худо асрасин... Ҳеч нарса бўлгани йўқ...

И м о м — (Халилни кўрсатиб.) Мана тўртинчи гувоҳ...

Ш а р и ф — Аччиғингиз келмасину, имом афанди, лекин бу гал сиз ҳаддан ошириб юбордингиз. Бу одам биз эрга бермоқчи бўлаётган аёлнинг эри бўлади. Қайси эр қўш қўллаб ўз хотинини бошқа бир эркакка тутқазишга рози бўлади?

И м о м — (Зарда билан.) Кўп нодон одамнинг гапини гапирасиз-а! Халил шариатнинг ҳамма қонун-қоидаларига тўла риоя қилиб Малакнинг узил-кесил талоғини берди. Энди унинг бу аёлга ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Шундай бўлгандан кейин унинг никоҳида гувоҳликка ўтса бўлаверади.

Ш а р и ф — Сира ҳам иложи йўқ, имом-афанди.

И м о м — Сен шариатни мендан яхшироқ билар экансан, бор, ана, никоҳни ҳам ўзинг ўқийвер. Мен кетдим. (Халилга.) Халил, қани, бери кел-чи...

Х а л и л — Оҳ, имом афанди... Мени расво қилиб кетдингиз.

И м о м — Мен нима қилдим?

Х а л и л — Яна “нима қилдим” дейсиз-а? Мени хотинимдан жудо қилдингиз-ку! Юрагимни қовуриб кетдингиз-ку! Юрагим таҳ-батаҳ қон-ку!

И м о м — Бунга менинг дахлим йўқ. Ўзинг айбдорсан. “Ким сени оғзингни тўлдириб, “Кўзача бўш! Кўзача бўш!” деб бақирсин деди? Шу туфайли хотининг узил-кесил талоқ бўлди. Майли, Халил, сен кўп қайғураверма. Шариат ҳар қандай дарднинг ҳам шифосини топиб беради. Худо хоҳласа, эртага намозшомга қолмасдан биз сенга хотинингни қайтариб олиб берамиз.

Х а л и л — (Хурсандликдан ўзини йўқотиб кўяй дейди.) Мени алдамаяп-сизми, имом афанди? Йўқ, албатта, алдамаяпсиз. Шундай илмли, унинг устига оппоқ соқолли одам мени алдармиди? Кўллариңизни ўпай, имом афанди, оғажон! Хотинидан ажраганларнинг ҳаммасини Оллоҳ қайтадан қўшиб қўйсин.

И м о м — Халил, сенинг ишинг бир ёқли бўлади. Аммо олдин баъзи бир қийинчиликларни бартараф қилмоқ керак...

Х а л и л — Мен ҳаммасига розиман, имом афанди. Ҳар нима бўлганда ҳам Малакнинг васлига бошқатдан эришсам бас...

И м о м — Сенга маълумки, шариат қоидаларига кўра узил-кесил талоқ қилинган хотин ҳалаласиз, яъни бошқа бирор эркакка никоҳ қилинмасдан туриб, аввалги эрининг хасмига қайта олмайди...

Х а л и л — Нималар деяпсиз, имом афанди? Наҳотки, менинг Малагим бошқа бировга эрга тегиб чиқмоғи шарт бўлса?

И м о м — Тавба де, нодон... Уялмайсанми, яна бошингда салланг бор-а! Шариатнинг буюрганига тескари бормоқчимисан?

Х а л и л — Худо асрасин бундан! Қайси юрак билан мен бунга журъат қила олардим. Аммо, лекин хотиним бошқа бегона эркакнинг қўйнида ётишига қандай қилиб рози бўла оламан? (Йиғлай бошлайди.)

Р у қ и я — Вой болам, йиғлама-я! Юрак-бағримни эзма... Бусиз ҳам эзилиб кетдим.

Х а л и л — Мен хотинимни бегона эркакка беролмайман.

Ш а р и ф — Халил, менга ишон... Бу ишда ҳеч қанақа қўрқинчли нарса йўқ. Куёв жуда яхши одам. Мўмин-қобил мусулмон. Ҳалол. Ҳозир никоҳ ўқитамиз, бугунги тунни улар бирга ўтказишади, эртага эрталаб у Малакнинг талоғини беради. Хотин яна ўзингга қолаверади.

Х а л и л — (Сочларини юлади.) Оғажон, менга қаранг. Кечаси билан бошқа эркакнинг қўйнида ётиб чиққан хотинни бошимга ураманми? Ақлдан озай деяпман-ку!

Ш а р и ф — Тентаксан-да, Халил. Агар мен улар кечаси билан бирга бўлишади десам, бундан дарров ёмон маъно чиқмайди-ку! Гапимга ишонавер, у Малакнинг қўлини ҳам ушламайди. Менга қасам ичди-ку!

Х а л и л — Нима деяпсиз — қанақа эркак экан у, олдиндан тегмайман деб қасам ичадиган? Мен унга фақат бир шарт билан рози бўламан — мен ўзим хонада улар билан бирга эрталабгача ўтириб чиқаман.

Ш а р и ф — Бу ишни сира ҳам қилиб бўлмайди-да... Тўғри айтаяпманми, имом афанди?

И м о м — Сира ҳам мумкин эмас.

Ш а р и ф — (Халилни бир чеккага олиб чиқиб.) Менга қара, ука. Мен сенга ваъда бераман: ўзим эрталабгача эшикнинг орқасида пойлаб чиқаман... Агар у Малакка қўлининг учини теккизадиган бўлса, ўзидан кўрсин.

Х а л и л — Бажонудил ишонай дейман-у, ишонолмайман-да.

Ш а р и ф — Ахир, менга ишонмасанг, кимга ишонасан? Хуллас, ё сен бу ишга кўнасан, ё бўлмаса...

И м о м — (*Унинг гапиди бўлади.*) Ёки бўлмаса мен шу заҳотиёқ гувоҳларни олиб чиқиб кетаман. Ана унда сен Малагингнинг висолига нариги дунёда етишасан.

Х а л и л — Майли, бўлмаса, айтганларинг бўла қолсин...

И м о м — Ҳозир сен хотининг томонидан гувоҳ бўласан, тушундингми?

Х а л и л — Эй худо! Нима ёмонлик қилган эдим сенга?

Пастдан **О д и л а Д у д у** нинг овози эшитилади: “Ҳой, нима шовқин? Нима ҳаракат бўляпти? Ўғри тушдими, нима бало?” У қўлида тўқмоқ билан кириб келади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ш а р и ф, Р у қ и я ва И м о м саросимада.

Ш а р и ф — (*Одила Дудуга*). Ташвиш қилманг, Одила Дуду... Бу ерда ўғри йўқ.

О д и л а Д у д у — Ундай бўлса, нима учун бутун маҳалла ярим кечада меникига йиғилиб олипти? Қани, гапиринг, имом афанди!

И м о м — (*Саросималик билан.*) Бўталоғим, муҳтарам хоним... Ташвиш қилма дедим-ку! Биз бегоналарнинг ҳузурда йиғилганимиз йўқ... Нима бўлганда ҳам, ҳаммамиз кўни-кўшнимиз. Меҳмондорчиликка тўпландик-да...

О д и л а Д у д у — Ярим кечада меҳмондорчиликка бало борми?

Ш а р и ф — (*Саросималик билан.*) Муҳтарама хоним афандим! Э-э... нима десам экан... тоби қочиб қолди...

О д и л а Д у д у — Тоби қочиб қолди? Кимнинг? Ҳамма оёқ устида, шекилли?

Ш а р и ф — (*Товсалланади.*) Ҳа, албатта, ҳаммамиз оёқ устидамиз. Аммо... Лекин... Келинимиз... Ҳа, келинимизнинг тоби қочиб қолди. Эрининг талоқ қилгани уни жуда қаттиқ қайғуга солиб қўйди. Анча мазаси қочди. Ҳаммамиз кўрқиб кетдик.

О д и л а Д у д у — Вой, бечора! Мазаси қочиб қолипти-да... Жуда яхши эсимда — бир замонлар бизнинг раҳматли афандимиз ҳам мени талоқ қилган эди. Бу қанақа оғир дард эканини ўзимдан қиёс қиламан. Лекин дарров унут бўлади.

Ш а р и ф — Ҳа, ҳа... Албатта... Малак жиндай хушидан кетгандай бўлди...

О д и л а Д у д у — Лекин мен шу ёшга кириб, тоби қочиб қолган одамга имомни чақирришганини биринчи кўришим. Аввал докторними, табибними чақирриш керак, ундан кейин домла-имомнинг навбати келади. Навбатнинг охири — ғассолники... Ҳалиги мурда ювадиган бор-ку... (*Малакнинг хонасига томон юради.*) Бориб, аҳволини сўраб қўяй.

Ш а р и ф — (*Унинг йўлини тўсиб.*) О, Парвардигори олам! Нима қилмоқчисиз? Кўйинг, кирманг... Йўқ дегандан кейин йўқ-да...

О д и л а Д у д у — Нега йўқ бўлар экан?

Ш а р и ф — Мумкин эмас... Негаки... Нега десангиз... Мумкин эмас-да... Йўқ!

О д и л а Д у д у — Ким айтди бунини?

Ш а р и ф — Ким айтарди, доктор айтди-да. Доктор шунақа деди, бекажон.

О д и л а Д у д у — Қани, ўша докторингни бир кўрай.

Ш а р и ф — Кетиб қолди.

Х и л м и киради. Соқоли қирилган, атирлар сепилган, ўзига оро берган.

О д и л а Д у д у — Буниси яна ким бўлди?

Х и л м и — Ким дейсизми, холажон? Мен — куёвман. Доматман...

О д и л а Д у д у — Нима? Куёв? Кимнинг куёви?

Ш а р и ф — (*Уларнинг орасига туриб олади.*) Бу доктор, азизим, доктор... Биз уни кетган деб ўйлабмиз... У кетмаган, балки келган экан. (*Хилмининг қўлидаги устарага қараб.*) Доктор бемордан қон олгани келипти. Мана, асбобларини ҳам кўтариб келипти.

О д и л а Д у д у — (*Хаёлчан.*) У “Домат” деди-ку?

Ш а р и ф — Ҳа, ҳа, доктор Дамат бей-да...

О д и л а Д у д у — Сенинг исминг Даматми?

Х и л м и — О, холажон, менинг бошимга шунақа кўп ғалвалар тушди-ки, эндиликда исмим нима эканини ўзим ҳам билмай қолдим. Дамат бўлса, Даматдир...

Ш а р и ф — (*Хилмига имо-ишоралар қилади.*) Ҳа, ҳа... У — доктор. Жуда яхши доктор.

О д и л а Д у д у — Болам, доктор Дамат афанди бўлсанг, нима учун беморнинг ёнига кирмайсан?

И м о м — Киради, киради.

Ш а р и ф — Муҳтарама Одила Дуду! Ўзингиз кўриб турибсиз, ташвиш қилишга ҳеч қанақа сабаб йўқ. Сиз бемалол уйингизга кираверинг. Ётиб, жиндай мизғиб олинг.

О д и л а Д у д у — Э-э, азизим, уйку қолдими энди?

Х и л м и — (*Шарифнинг орқасидан такрорлайди.*) Ҳа, ҳа, муҳтарам хоним афанди. Сиз бориб ётинг, бўлмаса, сиз ҳам хасталаниб қоласиз...

О д и л а Д у д у — Бир келиб қолибсан, доктор болам, баҳона билан мени ҳам кўриб қўй.

Х и л м и — Холажон, ҳозир мен ўзимизнинг беморим билан бандман. Унга кўмак бериб бўлайин, ундан кейин кўрармиз...

Ш а р и ф — (*Одила Дудуни эшик томонга суради.*) Қани, бекажон, юринг, юрақолинг. (*Уни эшикдан суриб чиқариб юборади.*) ... Уф-ф... Бу кампирнинг дастидан юрагим отилиб кетай деди-я! Имом афанди, туринг, бўлақолинг, тезгина уларни никоҳлаб қўйинг. Худо ҳақи... Намознинг қазосини эртага ўқиб кўярмиз.

И м о м — Айрим ҳолларда шариат бунга изн беради. (*Шарифга ва Халилга.*) Қани, йигитлар, келин томондан гувоҳ бўлишларинг учун ундан рухсат олинглар-чи!

Х а л и л — Имом афанди, мени қўйинг... Худо ҳақи... Ўрнимга онам гувоҳ бўлақолсин. (*Йиғлаб.*) Мен чидаёлмайман, шекилли.

И м о м — Халил, ҳеч бўлмаса саллангдан истиҳола қилгин... Ким айтади сени донғи кетган қори деб?.. Қип-қизил нодон экансан-ку? Аёл кишининг гувоҳ бўлганини ким кўрган экан? Эсингни йиғиб ол, ўғлим...

Ш а р и ф — (*Халилга.*) Бемаъни гапларингни қўй... Йўқ десанг, хотинингдан буткул ажраб қоласан. (*Унинг қўлидан ушлаб, Малакнинг хонасига етаклайди.*) Малак хоним! Ҳо-о, Малак хоним! Бирров бу ёққа қараворинг. (*Малак эшикни қия очади. Бошида рўмол.*) Биз сенинг розилигингни олгани келдик. Сенинг собиқ эринг Халил билан собиқ қайноғанг Шариф Хилми афанди билан никоҳингда сен томондан гувоҳ бўлишларига розимсан?

М а л а к — (*Йиғлайди.*) Оҳ-оҳ... Қайси гуноҳларим учун Парвардигор мени бунақа синовларга дучор қиларкин-а!

Х а л и л — (*Йиғлайди.*) Раҳминг келсин, худойим. Омонатингни топширай деяпман.

Ш а р и ф — Ўчир унингни! Кампирдан-ку зўрға қутулдик. Энди сеники борми?..

Х а л и л — (*Йиғлайди.*) Кошки менга осон бўлса, оғажон! Мен қўшқўллаб хотинимни бошқа эркакка тутқазаяпман.

И м о м — Шариат қирққан бармоқ огримайди.

Х а л и л — Бунга сен мендан сўра... (*Малакка.*) Малак хоним, нури дийдам Малак хоним! Кўнглим чироқ ёқса ёримайди, юрак-бағрим қон бўлиб кетди. Лекин илож қанча! Шариатнинг буюргани шу экан! Агар шуни қилмасак, сен билан биз ортиқ қўшила олмас эканмиз...

М а л а к — (*Йиғлайди.*) Вой, қисматим қурсин менинг! Пешонам мунча шўр бўлмаса!.. Бундан чиқадики, мени бегона одамга беришга ўзинг рози экансан-да?

Р у қ и я — (*Дарғазаб.*) Қизим, боядан бери мен эшакнинг қулогига танбур чертяпманми? Нега ҳадеб Халил бечорани жиғи-бийрон қиласан?

М а л а к — Мен нима қилай, онажон? Ахир, тўрт ойдан бери уни кутиб кўзим тўрт бўлди. Энди эса у келиб улгурмай, бошимга бунақа савдолар тушиб ўтирипти.

Х а л и л — Оҳ, Малак... Менинг дардим сеникидан кучлироқ. Йиғлама, азизим... Худо хоҳласа, биз, албатта, яна топишамиз.

Х и л м и — (*Шарифга.*) Менга қаранг, бу аёл энди менинг хотиним ҳисобланади... Шунинг учун менинг хотинимга бунақа андишасиз муомала қилишларига йўл қўёлмайман. Бу нимаси — “азизим” эмиш-а!

Ш а р и ф — (*Дарғазаб.*) Хўп одамани топган эканман-ку! Ҳов ошна, менга қара — сен бор-йўғи ҳалалада иштирок этаётган бир кимсасан. Ёки эсингдан чиқдимми?

Х и л м и — Мен ким бўлмай, бари бир, унга оллоҳнинг иродаси билан уйланыпман. Бир кечагами, икки кечагами — бунинг аҳамияти йўқ. Бугун Малак хоним — меники! Тамом-вассалом! Мен умримда биринчи марта уйланыпман. Хасимдаги аёл менинг хузуримда бегона эркак билан бунақа гаплашишига йўл қўйиб қўёлмайман. Номус ҳам керак.

Ш а р и ф — (*Хилмига ўқрайиб.*) Сенга гапираман десам, гапирадиган гапим кўп эди-ю, бироқ ҳозир фурсати эмас-да! (*Малакка.*) Сен розимисан?

М а л а к — (*Халилга.*) Кўнайми?

Х а л и л — Билганингни қил... Сўрама мендан. Шундоқ ҳам ўлай деб турибман.

М а л а к — На илож? Сен шунақа деб турганингдан кейин кўнаман-да. Майли...

И м о м — Оллоҳга шукр-ей! (*Хилмига.*) Сен ҳам розимисан?

Х и л м и — Мен бошиданоқ рози эдим, имом афанди.

Р у қ и я — Секин... Кампир яна келаётганга ўхшайди.

И м о м — Ундай бўлса, мен никоҳларингни ўқиб бўлдим... (*Қоровулларга.*) Бу жодугар билан учрашмай қўяқолганимиз маъқул. Дуоларни кўчада ўқиб қўяқоламиз.

Ш а р и ф — Имом афанди, хизматларингиз эвазига сизни эртага эрта-лаб хурсанд қиламиз-да...

И м о м — Майли, майли... Худо имонингизни бут қилсин, хонадонингизга тинчлик ва хотиржамлик ато этсин. Кўшгани билан қўшақаринглар.

Х а л и л — Имом афанди, бу нима деганингиз?

И м о м — Ўрганиш-да, ўғлим, ўрганиш... Хўп майли, мен энди борай...

И м о м билан г у в о ҳ л а р чиқишади.

Ш а р и ф — Халил, ойижон, биз ҳам кетайлик. Эр-хотинни ёлғиз қолдирайлик.

Х а л и л — (*Маъюс.*) Мен кетолмайман. Мен бу одамни хотинимнинг хонасида қолдиrolмайман.

Ш а р и ф — Халил, мен кафилини олганман, сенга сўз берганман, а? Сен боравер, ойимнинг хонасида ухлайвер. Мен бир дақиқа ҳам улардан кўзимни олмайман. Нима иложимиз бор, шариатнинг йўриғи шунақа.

Х а л и л — Агар хотинимга бирор нарса бўлса, у дунёю бу дунё қўлим икки ёқангда кетади, билиб қўй...

Ш а р и ф — Қўй, бунақа гапларни миянгдан чиқариб ташла! Юр, кетдик (*укасини онасининг хонасига олиб кетади.*)

Р у қ и я — (*Эшик орқали Малакка.*) Майли, қизим. Биз кетяпмиз... Сен эрингнинг олдига борақол (*кетади.*)

Х и л м и — (*Саҳна бўйлаб юради.*) Ана, ниҳоят, уйланиб ҳам олдим. Бизнинг кўчамизга ҳам байрам келди. Лекин уйланишим сал-пал ғалатироқ бўлмадими? (*Узига назар ташлайди.*) Худо шоҳид, худди тушдагидек. Очлик туфайли эсим жиндай алагда бўлган кўринади.

М а л а к киради.

М а л а к — (*Паст овозда.*) Мени чақирдингизми, афандим?

Х и л м и — (*Унга бошдан-оёқ разм солади.*) О, оллоҳ, оллоҳ! Келсинлар, хоним афанди, марҳамат қилсинлар. (*Диванни кўрсатади.*) Ўтирсинлар, хоним афанди. (*Малак диванга омонатгина ўтиради, Ҳилми эса қўлларини иш-қалаб саҳна бўйлаб юради. Узича.*) Бирдан тилдан қолганга ўхшаяпман-ку! Ҳеч нарса гапиролмай қолдим. Ҳолбуки, никоҳдан кейин эр хотини билан гаплашмоғи керак. Мен буни болалигимдаёқ эшитган эдим... Улар нимани гаплашишаркин? Ҳа-ҳа, эсимга тушди. Хоним афанди, исмингиз нима эди, айтиб юборинг.

М а л а к — Канизагингиз Малак.

Х и л м и — (*Лол қолиб.*) Лаббай? Нима дедингиз?

М а л а к — Канизагингиз Малак.

Х и л м и — (*Суюниб.*) Айтмабмидим! Мен аллақачон у дунёдаман. Мен ё очдан ўлганман, ё мени ўғирликка тушганимда ўлдиришган... Менинг қалбим нечоғлик покиза бўлганини, мен нечоғлик меҳрибон, мушфиқ эканимни одамлар билишмади... Аммо, Худо ҳар нарсани билгувчидир. Ҳа-ҳа... У менга раҳматларини ёғдириб, малагини ҳузуримга жўнатди.

М а л а к — Бир нарса дедингизми, афандим?

Х и л м и — (*Хурсанд бўлиб.*) Ҳа, Малагим! Ҳа, фариштам! Ҳа, парилар султони!.. Лекин менинг гапларимни сен англаёлмайсан. Сендай парини менга раво кўргани учун тақдиримга шукрлар қиляпман. Сенинг олдинга яқин боришга кўрқяпман. Назаримда, сенга яқин бориб, қўлимни теккизишга журъат қилсам, қанотингни ёзиб, учиб кетадиганга ўхшайсан.

М а л а к — (*Паст овозда.*) Ҳалалачи, нима бало, мени аврамоқчи бўляпсизми?

Х и л м и — Малак хоним, сендан ўтиниб илтимос қиламан — мени бошқа “ҳалалачи” дема. “Ҳалалачи” жуда ҳам совуқ сўз-а! Тақдир менга бир кечага кулиб боқди — энди сен мени хафа қилма...

М а л а к — Жуда чиройли гапирар экансиз, а? Мирзамисиз дейман-да...

Х и л м и — Фаришталар ҳамма нарсани биледи... Ҳа, мен мирзаман.

М а л а к — (*Оқкўнгилик билан.*) Шунақами? Сиз ўғри эмасми?

Х и л м и — (*Узича.*) Малак гўзал, лекин сал-пал ҳаддидан ошяпти... Лекин сирасини айтганда, у ҳақ... У минг бора ҳақ... Малак хоним. Мен ҳалалачи, мен ўғри, мен аблаҳ одамман. Мени ҳар қанча таҳқирласангиз ҳам, мендан ҳар қанча нафрат қилсангиз ҳам сиз ҳақсиз...

М а л а к — Вой, узр, кечиринг мени, худо ҳаққи.

Х и л м и — Мен ҳаяжонлардан чарчадим. Яқинда кўрқувдан ўлай дегандим. Лекин қувончдан бошим осмонга ҳам етди.

М а л а к — Қувончдан?

Х и л м и — Ҳа... Бу уйда буюм излаб, тимирскиланиб юриб, қулф тешигидан сизнинг ухлаб ётганингизни кўрдим. Кўрдим-у, лол қолдим. Кўнглимдан тақдир бунақа аёлни кимга тухфа этганикин ёки этар экан деган ўй ўтди... Орадан бир соат ҳам ўтмай, бу жувон менинг шаръий хотиним бўлиб турибди-да! Хоним афанди, майли, бир кечага бўлса ҳам — сиздай аёл менинг хасимин, жуфтиҳалолим эканини ўйлашнинг ўзиёқ мени ақлдан оздириб қўяди. Мен қирқдан ошганман. Лекин ҳозир юрагим худди ўн саккиз яшар йигитникидай гурс-гурс урмоқда. Қувонч ёшларидан бўғилиб кетяпман (*ёнидан дастурмолини олади, бурнини қоқади, билинтийрмай кўзларини артади*). Уйқум келаётгани йўқ. Шунча ғалвалардан кейин сизнинг ҳам уйқунгиз қочиб кетган бўлса керак. (*Хўрсинади.*) Биз сиз билан биринчи никоҳ тунимизни бошқа эру хотинларга ўхшаб ўтказмоқчи эмас эканмиз, келинг, лоақал, гурунглашиб ўтирайлик.

М а л а к — (Бир оз ўйлаиб.) Майли, шуни истасангиз, гурунглашайлик.

Х и л м и — Мен буни сира ҳам истамайман. Лекин шундай қилиш керак, шекилли-да. (Чекади.) Мен сизга бир эртақ айтиб берай. Дунёда бир шўрпешона одам бўлган экан... У шунақа омадсиз эканки, у дунёга келган кечаси отасининг уйи ёниб кетибди. У биринчи марта мактабга қадам қўйган куни бўлса, зинадан йиқилиб, оёғи синипти. Уни суннат қилишаётганда меҳмонлар муштлашиб қолиб, тўй бузилипти. Мен мактабда ҳаммадан яхши ўқир эдим. Саҳифа-саҳифа китобларни ўқисам ёдимда қолар эди. Лекин бирор нарсани билмасам, имтиҳонда менга, албатта, шу тушар эди... Энди-чи? Масалан, кўчадан кетиб боряпман. Тўсатдан томдан гиштли, кесакми тушди. Мен аввалдан биламанки, у менинг бошимга тушади. Агар бирор киши қаҳвахонада ёхуд ресторанда пиёланими ёки бирон коса-ю ёхуд лаганми синдириб қўйса, албатта, ё менга тўнкайди, ёки жуда ёрлақанда, мени гувоҳликка тортади. Кейин маҳкамама-маҳкама қатнайвериб, роса абгор бўламан. Мени тушуняпсизми, хоним афанди? Мен чиндан ҳам омадсиз одамман... Ишга кирган эдим, аммо бу ерда ҳам омадим келмади. Мактабни битирганимдан кейин икки йил жуда ночор аҳволда яшадим. Ниҳоят, бир идорада мирзалик лавозимини топдим. Олди-сотдиларнинг ҳужжатларини расмийлаштирмоғим керак эди. Маошим жуда кам эди, унга бир оз қўшилишини кутиб, ўн беш йил умрим ўтди. Бунақа хизматда олдинга силжишининг нақадар қийин эканини кўз олдингизга келтиролмайсиз, хоним афанди... Паст амалдаги мансабдорларни бир баҳа кўтармоқлари учун мартабаси баландроқ амалдор ё ишдан кетмоғи ё ўлмоғи керак... Бунақа имкон туғилиши ҳамон уст-бошимга зеб бериб, ювиниб-тараниб тўғри директорнинг ҳузурига бораман: “Кўпдан бери мансабим кўтарилишини кутаман” деб, ялиниб ёлвораман. Директор ҳамиша “Кеч қолдинг, Хилми. Ярим соат олдин бу лавозимга бошқа одамни тайинладик”, деб жавоб беради... Камида ўн мартача шу аҳвол такрор бўлди. Ниҳоят, кунлардан бирида мирзабошимиз узилай-узилай деб ётганидан хабар топдим. Мен унинг уйига бордим. Уйда қий-чув, ҳамма йиғлаган. Имом дам солиб ўтирипти. Нима бўлса бўлар дедим-у, андишани йиғштириб қўйиб, директорга югурдим. “Ҳа, дуруст, Хилми афанди, — деди у менга. — Бу гал кеч қолганинг йўқ... Эртага ҳаммасини тўғрилаймиз”. Эртасига эрталаб идорага келиб, нимани кўрдинг денг? Мирзабошимиз ўлим тўшагини тарк этиб, соппа-соғ аҳволда ишга келипти. У қандайдир йўл билан менинг директор олдига келганимдан хабар топибди. Менга қараб, “Қизиқ иш қилибсиз-ку, Хилми афанди! Мен сиздан бунақа ишни сира ҳам кутмаган эдим!” дейди. Мен андишани йиғштириб қўйиб, унинг юзи-кўзи демай шартта айтдим: “Бей афандим, менга ўдағайлагандан кўра, оллоҳга шукроналар қилсангиз бўларди. Жойингизни эгаллаб қўймаслигим учун, оллоҳ сизни оёққа турғазибди-ку!.. Менинг баҳонамда умрингиз узун бўладиган бўлипти”. Бунақа гапларимдан кейин мен ўрнимда қолишим амримаҳол эди. Бир куни мени ҳайдашди...

М а л а к — Воҳ, воҳ, воҳ...

Х и л м и — Яна икки йил ишсиз юрдим. У-бу топганимнинг ҳаммаси қориндан ортмади. Омадсиз одам бўлганим учун бутун Туркияни кезиб чиқсам ҳам фойдаси бўлмади. Устига-устак тўрт кун яшаб турган кулбамдан ажралдим. Мени кўчага ҳайдаб чиқаришди. Лекин тиланчилик қилишга гурурим йўл қўймади. “Ундан кўра, ўзимни денгизга ташлаганим яхши” дедим ичимда. Биласизми, хоним афандим, мени ким ўлимдан қутқариб қолди? Парнак деган бир йигит. У темирчининг шогирди экан. Бу темирчини мен кўпдан бери танирдим... Парнак қорнимни тўйғазди, уч-тўрт танга пул берди, “Менга шерик бўлгин. Ишларимиз беш бўлади”, — деди. Шунда унинг ўғри эканини билдим. Ўғрига шерик бўлган одам нима қиларди? Албатта, ўғирлик қилади-да! Мен жуда ночор аҳволда эдим. Бор-е, нима бўлса бўлар деб, ўғирлик ҳам қилиб кўрмоқчи бўлдим... Балки бу ишда омадим келиб қолар дедим.

М а л а к — Бунақа ишда омад келиши мумкинми ?

Х и л м и — (*Жилмайиб.*) Албатта, мумкин. Мана, омадим келиб турипти-ку! Мени ҳозир аямай дўппослаб, миршабхонага топширишлари керак эди. Бунинг ўрнига сиз билан ўтирибман-ку...

М а л а к — Йўқ, Хилми афанди. Доғ тушмаган покиза виждонингиз учун Оллоҳ берган мукофот бу!

Х и л м и — (*Давом этади.*) Менинг энг катта орзуим уйланиш эди. Мен камида ўн беш мартача уйланишга уннаб кўрдим. Лекин тақдир эмас экан. Бир марта келинга мени ёмонлаб, устимдан мағзава ағдаришди. Иккинчи марта келинни менга таърифлаб, лойга қориштириб ташлашди. Учинчи гал, никоҳ куни келинга лотореядан ютуқ чиқиб қолиб, мени ҳайдаб солишди... Тўртинчи гал — бунда ҳам айни никоҳ куни бўлажак қайнотам лўли эканини билиб қолдим, келинни мен ҳайдаб солдим. Бешинчи гал топган қаллиғим анча хўшрўйгина қиз эди-ю, аммо унинг дугонаси яна ҳам хўшрўйроқ экан. Шу десангиз ҳусни малоҳатини кўрсам, ўзимни йўқотиб кўяман-да... Э-э, гапираверсам адо бўлмайди, хоним афанди.

М а л а к — (*Жилмайиб.*) Нима ҳам иложингиз бор? Қайга борсанг, тақдир кетингдан изма-из қувиб юради дейишади.

Х и л м и — Тўғри... Ўзим айбдорман... Хулласи калом, қайси шохга ёпишсам, қарсиллаб синаверади.

М а л а к — Агар, сиз ана шу қизлардан бирортасига уйланган бўлганингизда, жуда бахтиёр бўлар эдинглар.

Х и л м и — Нима? Мен-а?

М а л а к — Сиз ҳам, қиз ҳам... Нега десангиз, сиз яхши одамсиз... Мен ўқимаган саводсиз аёлман, лекин яхши одамни ёмонидан ажрата оламан.

Х и л м и — Сиздан мингдан-минг миннатдорман. Мен умримда аёл кишидан эшитган энг гўзал сўзлар булар. Биринчи марта бунақа ширин гапни эшитишим. Охиргиси ҳам шу бўлса, ажаб эмас.

М а л а к — Ҳали маълум эмас.

Х и л м и — Нима маълум эмас? Ёшим қирқдан ошиб қолди...

М а л а к — Эркак киши авжи қирқ ёшида қирчиллама паллага киради.

Х и л м и — Йўқ-йўқ, хоним афанди. Уйланиш қисматимда йўқ экан.

М а л а к — Иншооллоҳ, мен сизга бахт келтираман. Сиз ўзингиз орзу қилган аёлга уйланасиз...

Х и л м и — Энди буни орзу қилмай ҳам қўйдим.

М а л а к — Нега энди?

Х и л м и — Шунинг учунки, никоҳимдаги аёлни... бошқага беролмайман.

М а л а к — (*Жаҳли чиқиб.*) Нима деяпсиз?

Х и л м и — Сиз айтмоқчисизки, одам ўзининг хотинига бунақа тез боғланиб қололмайди... Сиз буни тушуна олмайсиз. Буни тушунмоқ учун, биринчидан, эркак бўлмоғингиз керак. Иккинчидан, қирққача буйдоқ ўтмоғингиз лозим, учинчидан эса, қаршингизда парини кўрмоғингиз зарур.

М а л а к — (*Қимтиниб.*) Келинг, бошқа бирон нарсадан гаплашайлик.

Х и л м и — Нима десангиз шу, хоним афанди. Сиз бахтлимисиз? Эрингиз билан янгидан кўшилишингизни ўйлаб хурсанд бўляпсизми?

М а л а к — (*Елкасини қисади.*) Билмасам... Мени Халилга беришганида “Шу одамни яхши кўришинг керак” деб айтишган эди. Халил яхши одам, лекин ўлгудай гўл, лақма... Мен унинг нуқсонларини кўриб кўрмасликка олиб келяпман.

Х и л м и — Менга қаранг — сиз ўзингизнинг оилавий ҳаётингиздан мамнунмисиз?

М а л а к — Очигини айтсам, йўқ, унчалик мамнун эмасман. Қайнонам билан қайноғам қанақа одам эканини, бошимга чиқиб мени қанақа тепкилашларини билсангиз, менга раҳмингиз келарди... Яширишининг нима ҳожати бор? Ўзингиз ўз кўзларингиз билан ҳаммасини кўриб турибсиз-ку! Мени кўп гапиртирманг, бўлмаса йиғлаб юбораман... Бир йиғлаб берсам, тинчи-толмай гаранг бўласиз...

Х и л м и — Ўзим сиздан олдин йиғлаб юборадиганга ўхшайман, Малак хоним... Шу гапирган бир-икки оғиз гапингиздан қанақа аёл эканингизни билиб олдим. Асил жавоҳир экансиз... Модомики, буни билиб олган эканман, сиз учун ўзимда масъулият ҳиссини туймоқдаман. Бугунги кечада менга инъом этган бахтингиз учун сизни бир гапдан огоҳ қилиб қўймоқчиман. Кўнёда амакингиз бор экан-а? Тасодифан эшитиб қолдим, шу киши қазо қилиптилар.

М а л а к йиғлай бошлайди.

Улар яқинда телеграмма олишди. Амакингиз ўн минг лира пул билан ерини мерос қолдирганга ўхшайди. Хуллас, сиз бой хотин бўлиб қолдингиз.

М а л а к — Ундан кўра амаким яшаса бўларди. Мен бундан кейин ҳам фақирликда ҳаёт кечиришга розиман.

Х и л м и — Нима иложингиз бор? Ҳаёт шунақа. Оллоҳ сизга сабр берсин. Сиз қашшоқ бўлганингиз учун, пулингиз йўқлиги важдан кеча оқшомда эрингиз талофингизни берган экан. Лекин телеграммани олишгандан кейин сизни яна келин қилиб олиш ҳаракатига тушиб қолишди. Негаки, энди пулингиз бор. Тушундингизми? Шунинг учун улар зудлик билан сохта никоҳ ўқитиб, сизни таги паст бир ўғрига узатишди. Эртага ёки индинга ҳамма гапдан хабардор бўлиб қолиб, яна Халилга тегишга рози бўлмай қоласиз, деб ўйлашди. Мен сизга бор гапни айтдим. Бу ёғига ўзингиз биласиз...

М а л а к — Вой аблаҳлар-ей... Ҳали гап бу ёқда денг! Мен бўлсам, раҳмлари келганидан мени яна келин қилиб қайтариб олишмоқчи деб ўтирибман-а! (*Ўрнидан туриб хона бўйлаб юра бошлайди.*)

Х и л м и — (*Ўзича.*) Ё Парвардигор, ақлдан озиб қолмасам гўрга эди! Нега бунча гўзал-а бу аёл? Кулганда ҳам гўзал, йиғлаганда ҳам... Энди менинг ҳаётим нечук кечади?

М а л а к — Сизни менга Оллоҳнинг ўзи юборганга ўхшайди. Бирон маслаҳат беринг... Мен энди эрим билан яшашни истамайман... Авваллари унга раҳмим келарди... Энди бўлса бу тентак фақат нафратимни кўзғаяпти, холос. Сиз мени одам ўрнида кўриб муомала қилдингиз. Беринг, қўлингизни, уни бир ўпай.

Х и л м и — (*Қичқиради.*) Тегма менга! Тегма!..

М а л а к — Сиз мендан кўрқасизми?

Х и л м и — Албатта, кўрқаман. Агар сиз менга қўлингизни теккизадиган бўлсангиз, бир гап айтиб юборишим мумкин.

М а л а к — Қандай гап экан?

Х и л м и — Биласизми, мен нима дердим? “Малак хоним... Малак... Менинг фариштам — Малак. Биз икковимиз шўрпешона махлуқлармиз. Тақдир бугун кечаси икковимизни тасодифан бир-биримизга рўпара қилди. Оллоҳнинг иродаси билан тақдир бизларни бирлаштирди. Агар биз биринчи никоҳ кечамизни фақат гап сотиб, фақат ғам-андуҳларимизни бир-биримизга тўкиб-солиб ўтказсак, шариатга тескари иш қилган бўламиз, гуноҳи азимга ботамиз...”

М а л а к — (*Уятчанлик билан.*) Нима тўғрисида гапиряпсиз?

Х и л м и — Нимани гапирардим? “Малак хоним, фариштам, — деяпман. — Бугун сиз менинг жуфти ҳалолимсиз. Биз шаръий эру хотинмиз. Шундоқ бўлгач, нима учун бир-биримизни суйиб, бир ёстиққа бош қўймаслигимиз керак. Ахир, кўплар буни никоҳсиз ҳам қилаверади-ку?”

М а л а к — (*Юзини қўли билан яшириб.*) Ана кўрдингизми, сиз яна шуни гапиряпсиз...

Х и л м и орқасига тисланади, оёғи курсига тегиб кетиб, йиқилишига сал қолади, **М а л а к** югуриб келади, унинг қўлига тирмашади-да, икковлари ҳам диванга йиқилишади.

Х и л м и — (*Малакнинг қўлини қўйиб юбормайди.*) Сизга айтиб эдим-ку, менга қўлингизни теккизманг деб... Энди ўзингиз айбдорсиз. Малак, фариш-

там, умрим тугагунча сизнинг ишқингизда ёниб ўтаман. Ижозат бер, битта бўса олай...

М а л а к — Қўйинг, унақа қилманг, гуноҳ бўлади...

Х и л м и — Йўқ, гуноҳ бўлмайди. Худонинг буюргани шу. Шариат шундай буюради. (*Унинг сочларидан ўпади, қучоқлайди.*)

Эшик очилади ва сочлари тўзиган, устида тунги либос билан **Х а л и л** пайдо бўлади.

Х а л и л — (*Қичқиради.*) Бу ёққа! Ёрдам беринг! Тезроқ! Қаранглар, хотинимни нима қиляпти!

Х и л м и — (*Малакни қўйиб юборади.*) Афандим, сен кимсан? Менинг хонамга бостириб киришга нима ҳақинг бор? (*Малакка.*) Рўмолингни бошингга солиб ол. Кўрмаяпсанми — номаҳрам!

Ш а р и ф киради, **Х а л и л** га тармашади.

Ш а р и ф — Бу ерда нима қиляпсан, ука? Қани, дарров жойингга бор-чи!

Х а л и л — (*Йиғлайди.*) Ваъдангнинг устидан шунақа чиқаркансан-да!

Х и л м и — Бу хонага, бизнинг олдимизга киргани ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Нима бало, шариат қонунларини билмайсизларми?

Ш а р и ф — Халил, бу нусха тарбия кўрмаган одам, лекин ҳозирча қонун унинг томонида. Эртага биз у билан бошқача гаплашамиз... Қани юр бу ёққа (*паст овозда*). Бўлмаса, у ҳозир туради-ю, Малакни олади-да, чиқади-кетади. Нима деганда ҳам Малак унинг қонуний хотини-да! Икковимиз қуруқ қолаверамиз шўппайиб.

Х а л и л — Оллоҳ, оллоҳ, бардошим тамом бўлди.

Ш а р и ф — Юр, укажон, юрақол.

Х и л м и — (*Ҳазаб билан.*) Бошқа бунақа иш бўлмасин! Акс ҳолда, мендан хафа бўлманглар... (*Малакка.*) Юр, жоним, юр, фариштам... Бу уй эмас, баайни отбозор экан. (*Малакни қўлидан етаклаб, энг чеккадаги хонага бошлайди.*) Юрақол, фариштам. Майли, бутун вужудимни гуноҳ кемирса кемира қолсин. (*Малак билан бирга чиқади.*)

П а р д а

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ш а р и ф — (*Имомни ўрта эшикдан олиб киради.*) Келсинлар, имом афанди, қадамларига ҳасанот!.. Улар ҳали туришгани йўқ... Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир уларни чақириб чиқаман... (*Имом диванга ўтиради. Шариф эшикни тақиллатади.*) Хилми афанди... Ҳо-о, Хилми афанди... Ҳеч ким жавоб бермайди-я... (*Қаттиқроқ тақиллатади.*) Ҳой, менга қаранг, Хилми афанди. Нима бало, бир йўла бир ҳафталик қилиб ётдингми ё ўлганмисан?

Х и л м и — (*Эшикни қия очиб.*) Ҳа, тинчликми? Нима гап ўзи? Нима бу, сўфи азон айтмасдан, одамни уйғотасан? Тинчлик борми-йўқми?

Ш а р и ф — Менга қара, бу ер сенга меҳмонхона эмас...

Х и л м и — Сизга нима керак ўзи деб сўраяпман. Ие, тақсир имом ҳам келиптилар-ку!

Ш а р и ф — Шариатнинг йўриғини сен бажариб бўлдинг... Энди Малакнинг талоғини бер-у, тезроқ бу ердан гумдон бўл... (*Хилми киради, керишади, эснайди, сигарета чекади.*) Ҳозир бу ишга нуқта қўямиз-у, кейин туёғингни шиқиллатиб қол. (*Чўнтагидан қоғоз олади.*) Манави ерга ёз: “Мен хотиним — Малак хонимнинг талоғини бераман”. Тагига имзо чек.

Х и л м и — (*Имомга папирос тутайди.*) Чекмайсизми имом афанди?

И м о м — Раҳмат, чекмайман. Лекин бир чимдим тамаки бўлса искардим...

Х и л м и — Тамаки йўқ эди-да...

Ш а р и ф — Гапни эшитмадингми? Қўл қўй, манави қоғозга...

Х и л м и — Қани, қанақа қоғозга қўл қўймоғим керак экан?..

Ш а р и ф — “Мен хотиним Малак хонимнинг талоғини бераман” деган гап-да... Тамом-вассалом!

Х и л м и — Бу шунақа масалаки, биродар, уни ечиш осон эмас. Хотинни эрсиз қолдириш, бутун бошли оилани барбод этиш — баъзилар ўйлаганидек, осон иш эмас.

Ш а р и ф — (*Жаҳли чиқа бошлайди.*) Нималар деб валдираяпсан?

Х и л м и — (*Хотиржам истеҳзо билан.*) Нима деб валдираяпман? Айтмоқчиманки, кеча кечқурун мени никоҳ ўқитишга унча ҳушим йўқ эди. Лекин ҳозир бошқача ўйлаб қолдим. Уйланган хотиним жуда ноёб хотин чиқиб қолди... Ўйлайманки, бунақа хотиннинг талоғини бериш — гуноҳи азим... Шундоқ эмасми, имом афанди?

И м о м — Э-э, ўғлим, нималар деяпсан? Бу шунчаки ҳалала эди, холос. Сен хотинингни қўйишинг керак.

Х и л м и — Шариатнинг қоидаси шунақами, имом афанди?

И м о м — Ҳа...

Х и л м и — Шуни икки энлик қоғозга ёзиб бера оласизми, тақсир?

И м о м — Ҳа, албатта. Кейин унинг талоғини берасанми?

Х и л м и — Буни кейин ўйлаб кўрамиз. Аввал бориб шайхулислом билан маслаҳатлашиб қеламан. Хатингизни кўрсатаман...

И м о м — Йўқ, йўқ, афандим. Бунақа қоғозни ёзиб беролмайман. Бошимга бало орттириб нима қиламан?.. Менинг дунёда энг қўрқадиган нарсам — сиёҳ... Баъзан унинг бир томчиси бутун оилани гадо қилиши мумкин...

Ш а р и ф — Нима бало, шу қасангининг пўписасидан қўрқяпсизми?

И м о м — Йўғ-е, унинг гапи нима бўларди? Лекин ўз бошимга бало орттиришдан қўрқяпман-да. Сирасини айтганда, ҳалалада эр доим хотинининг талоғини бериши керак. Шунда имом янги никоҳ ўқиши мумкин.

Х и л м и — Агар гап шундагина бўлса, имом афанди, иш хамирдан қил суғургандай осон битади. Никоҳ тухфасини беришга бизнинг ҳам қурбимиз етади.

Ш а р и ф — Вой беҳаё ўғри-ей... Вой шарманда-ей! Кеча кечқурун нима деган одам эдинг, бир эслаб кўр! Сен, аблаҳни миршабхонага бериб юборсам бўлар экан!

Х и л м и — Биров қўлингиздан ушлаб қолувдими? Бунинг ўрнига ўзингиз “Агар келинимизга уйлансанг, қўйиб юборамиз сени” дедингиз-ку! Мен айтганингизни қилдим. Мен зиммамдаги вазифани ўринлатиб қўйганим йўқми? Шариатнинг ҳамма қонун-қоидаларига риоя қилмадимми?

Ш а р и ф — (*Хилмига дўқ қилади.*) Мен сени ҳозир ҳам миршабхонага топшириб юборишим мумкин. Сени бўйнингдан боғлаб олиб бораман-у, “ушланг, бу ўғрини!” дейман.

Х и л м и — Қўрқмайсизми? “Нега келинингни ўғрига бердинг?” деб сўрашса, нима деб жавоб берасиз? Мен оғзимга талқон солиб турмайман. Айтман — “мени аввал ҳалалада қатнашишга таклиф қилишди, энди мени ўғри деб тухмат қилишяпти” дейман.

Ш а р и ф — (*Хилмига нўписа қилишдан тўхтамай.*) Вой ярамас-ей... Вой аблаҳ-ей... Ҳозир бошингни мажақлаб, қатигини чиқариб қўяйми?

Х и л м и — (*Шарифнинг қўлидан ушлайди, Шарифнинг оғриқдан афти бужмаяди.*) Эсингни йиг! Наҳотки, мен сенинг калтагингни еб, индамай қараб турсам?

Ш а р и ф — Мен яна айтаман — сен бу аёлга талоғини бермоғинг керак.

Х и л м и — (*Кулиб.*) Менга қара — мен хотинимдан мамнунман, хотиним мендан мамнун. Хўш, сенга нима? Сен нима қилиб ўралашиб юрибсан? Сенга нима керак ўзи?

Ш а р и ф — Хотининг сендан мамнунми? Ҳозир кўрамиз-да! (*Эшик томон юради.*) Малак!.. Тезгина бу ёққа чиқ!

Х и л м и — (*Шарифни орқага судрайди.*) Афандим, биринчидан, бегона аёл билан гаплашмоқ учун даставвал унинг эридан ижозат сўрамоқ лозим... Иккинчидан, бегона аёлга мурожаат қилганда, унга “хоним афанди” деб муомала қилмоқ керак... Ҳа, биз бир-биримиздан мамнунмиз... Ҳозир мен уни чақираман, унинг оғзидан бу гапни ўз қулоқларинг билан эшитгасизлар. Сиз ҳам эшитасиз, имом афанди... Малак хоним... Бир дақиқа бу ёққа қараб юборинг, бегим... Фақат бошингизга рўмол ташлаб олинг. Бунда бегона эр-каклар бор...

Ш а р и ф — Ё Парвардигор, менга ўзинг сабр бер.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Бошига рўмол ташлаб олган **М а л а к** киради.

Ш а р и ф — Манави одам беҳуда бир гапга бизни ишонтирмоқчи бўляпти — гўё сен ундан мамнун эмишсан?

Х и л м и — (*Малакка.*) Жавоб берма...

Ш а р и ф — Бу нима деганинг?

Х и л м и — Бунинг маъноси шуки, хотиним мен буюрган ишни қилмоғи керак. Мен унга “жавоб берма” дедим. Демак, у жавоб бермайди.

Ш а р и ф — Нима учун?

Х и л м и — Шунинг учунки, менинг хотинимга отини айтиб мурожаат қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Агар сиз ундан “Хоним афанди! Марҳамат қилиб бир саволимга жавоб берсангиз — сиз бу одамдан мамнунмисиз?” деб сўраганингизда у, албатта, жавоб берарди...

Ш а р и ф — Вой, худо кўтарсин сенларни, майли, сен айтгандаёқ сўрай: “Хоним афанди, манави нусхадан мамнунмисиз?”

М а л а к — Ҳа, мамнунман.

Ш а р и ф — Нима? Нима дединг? Вой, худонинг қаҳру-ғазабига учрагур-ей...

Х и л м и — (*Малакка.*) Бор, уйга кир... Бу беадаб одамлар мулойим гаплашишни билмас экан. У менинг эрлик нафсониятимга тегиб кетди. Мен энди уни аяб ўтирмайман. (*Малак ўз хонасига йўналади.*)

Ш а р и ф — Ҳой, ноинсоф, менга қара! Мулойимликни пишириб қўйиптими бу ерда? (*Малакка.*) Бир дақиқа тўхтанг, муҳтарам хоним афанди, марҳамат қилиб, жичча тўхтанг. Бу муҳтарам зотнинг қайси фазилатлари сизга маъқул бўла қолди?

М а л а к — У яхши, олижаноб, ҳалол одам.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Х а л и л билан **Р у қ и я** киради.

Х а л и л — Ие, бу одам ҳали ҳам шу ердами? Нима қилиб юрипти? Хотиним ҳали бу фалокатдан қутулгани йўқми?

Х и л м и — Халил афанди... Бу ерда сенинг хотининг йўқ. Ўзинг бу ердан жўнаб қолсанг бўларди. Менинг рашким ёмон. Хотиним аввалги эри билан учрашса, индамай томоша қилиб туrolмайман.

Х а л и л — Сен кимсан ўзинг? (*Шарифга.*) Оғажон, ҳайдаб солинг уни бу ердан...

Ш а р и ф — (*Қичқиради.*) Ҳозир сенинг ўзингни ҳайдаб соламан. Ўзи сен камлик қилиб турган эдинг... Ойижон, йўқотинг бу бефаросатни...

(*Руқия ва Шариф Халилни туртиб-суртиб чиқаришади. Халилнинг хона ичидан “Ё оллоҳ, хотиндан ажралиш мунча қийин бўлмаса!” деган ноласи эшитилади.*)

Ш а р и ф — ... Афв этгайсиз, хоним афанди. Хуллас, бу одамнинг қай фазилатлари сизга маъқул бўлиб қолди?

М а л а к — Айтдим-ку... меҳрибонлиги, ҳалоллиги.

Ш а р и ф — Нечук? Бу одам ўғри-ку, ахир. Ҳа, ҳа... У энг оддий муттаҳам, ўғри. Мана, сени ўғирлаб олаяпти.

М а л а к — У мени ўғирлагани йўқ, мени унга ўзларинг бердинглар. Агар мендан мамнун бўлганларингда, нима учун мени талоқ хатини олишга мажбур қилдинглар? Агар мендан норози бўлган бўлсаларинг, энди яна нега ўзларингга қайтармоқчисизлар? Эрим сизларнинг гапингизга кирмай қўя қолганида, ҳеч вақо бўлмас эди. Ахир, ҳе йўқ, бе йўқ, бекордан бекорга сизлар мени эримдан ажратиб бегона одамга бериб қўя олмас эдинглар-ку!

Ш а р и ф — Ҳа, аллақандай зоти паст бир дайдига ишониб, биз хато қилдик...

М а л а к — Худога минг қатла шукрки, у айна мен кутган одам бўлиб чиқди. Умримда биринчи марта сизлар менга яхшилик қилдинглар.

Ш а р и ф — Демак, сиз бошқа эркакларни кутиб яшаган экансиз-да! Биз сизни ҳалол, покиза аёл деб юрардик-а!

М а л а к — Ҳалоллик тўғрисида гапиришни ким қўйибди сизга? Қилғиликларингизни кўпдан бери ҳамма билади...

Ш а р и ф — Вой, ношукр-ей! Сени қўлма-қўл бўлиб кетмасин деб, яна оиламиз бағрига қайтариб олмоқчийдик. Ҳали бу ишингга кўп пушаймон ейсан, лекин фурсат ўтган бўлади. Бўлмаса, биз учун бошқа қиз куриб кетганмиди?

М а л а к — Менинг пулларимнинг иси қўймагандир-да...

Ш а р и ф — Қанақа пуллар? Нима бало, туш кўряпанми?

М а л а к — Ҳа, кечаси туш кўрдим. Бизга телеграмма келган эмиш. Кўнёдаги амаким қазо қилиб, менга ўн минг лира пул билан ерларини қолдирган эмиш. Шунинг учун сизлар мени яна қайтадан Халилга олиб бермоқчи бўляпсизлар...

Р у қ и я — Вой, ношукр банда-ей... Агар одам бўлганинда, қўлингга жиндай пул тушиши биланоқ бу уйдагиларнинг ҳаммасини така-така қилиб тирқиратиб юборар экансан-да! Неча йилдан бери бизнинг тузимизни еб, тузлуққа тупуряпсанми?

М а л а к — Агар, сизларда одамгарчилик бўлганида ўз келинларингизга берган тузингизни писанда қилмас эдингиз. Тузингизни еган бўлсам, бунинг учун қанча меҳнатим сингди-ю...

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Эшикда О д и л а Д у д у пайдо бўлади.

О д и л а Д у д у — Ҳой, барака топгурлар, яна нима гап? Нега яна шовқин-сурон? Яна доктор келдими?

Х и л м и — Доктор ҳеч қаёққа кетгани йўқ. (*Шариф, Руқия ва имомга ишора қилади.*) Улар бугун кечаси мени келинлари Малак хонимга уйлантириб қўйишди.

О д и л а Д у д у — Нима бало, ҳаммалари ақлдан озганми?

Х и л м и — Ақлдан озадиган ҳеч қанақа иш бўлгани йўқ... Улар келинларига талоқ беришганига пушаймон бўлишиб, уни яна Халилнинг ўзига олиб беришмоқчи бўлишган. Шунинг учун мени ҳалалага чақирришган...

О д и л а Д у д у — Вой муттаҳамлар-ей! Вой, дийдоринг ўчгур қаллоблар-ей! Сизлар кизимни олишга ваъда берган эдинглар-ку! Қуда бўламиз деб роса пулимни олдиларинг-ку! (*Имомнинг ҳассасини тортиб олади.*) Бошларингни ёриб қатигини чиқармасам, Одила отимни бошқа қўйганим бўлсин! (*Имомга ташланади.*) Сен, имонсиз ҳам бу ишга аралашган экансан-да... Ҳе соқолинг кўксингга тўкилсин, гўрсўхта...

И м о м — (*Қичқиради.*) Вой дод! Ёрдам беринг! Ёрдам!.. Ушланглар бу алвастини!.. Эшик қаёқда қолди-я!

О д и л а Д у д у — (*Имомни ҳасса билан калтаклай бошлайди.*) Эшикни истаб қолдингми, яшшамагур! Мана сенга эшик, мана! Ол-

дин манави ҳассанинг мазасини бир туйиб ол, кейин мен сени эркин қушдай қафасдан чиқариб юбораман!

И м о м — Худо ҳаққи қасамлар бўлсин, менинг айбим йўқ. Ё азиз-авлиёлар! Ё анбиёлар! Ўзларинг мадад беринглар (*Эшик томон чопади*).

О д и л а Д у д у — (*Унинг кетидан қувиб.*) Вой, имонсиз-ей! Қани менинг пулларим? Қани?

Эшикда **З а ҳ р о** кўринади.

З а ҳ р о — (*Йиғлайди, қичқиради.*) Сиз фақат пулингиздан ажралдингиз, мен бўлсам ҳаётимдан ажрай деяпман! Қани менинг Халилим?

О д и л а Д у д у — (*Ҳассани улоқтириб Заҳрони қучади.*) Ҳамманг худонинг қаҳрига учраларинг... Қизим авлиёдан топган тўрт ойлик ҳомиласи билан нобуд бўлиб кетаверадими? Бугун кечаси авлиё яна қизимнинг ёнига кирипти. “Энди мен ёнингга бошқа келмайман. Сен қорига турмушга чиқишинг керак”, депти.

Х и л м и — (*Уридан сапчиб туриб.*) Мен кечаси яшил жубба кийган оппоқ соқолли қарияни кўриб эдим. Боланинг отаси ўшами? (*Шарифга тикилади.*) Мен уни кўрдим. У “Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим... Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим...” деб чиқиб кетди. (*Одила Дудуга қараб.*) Сиз Халилни тинч қўйинг, яхшиси, қизингизни боласининг отасига беринг...

О д и л а Д у д у — Гапираверар экансан-да! Мен авлиёни қаёқдан топаман?

Х и л м и — Уни сизга мен топиб бераман. (*Жавондан соқол, яшил жубба ва қалпоқни олади. Уларни жавонга Шариф яшириб қўйган. Шарифга.*) Қани, бери кел-чи. Манавиларни кий-чи!..

Ш а р и ф — Мен билан бунақа муомала қилишга нима ҳақингиз бор?

Х и л м и — (*Одила Дуду ташлаган ҳассани қўлига олади.*) Кий деяпман, бўлмаса, бошингни ёраман. (*Мажбур қилиб Шарифга жубба билан қалпоқни кийгизади, зўрлаб соқолни тутдиради.*)

З а ҳ р о — Ё Парвардигор! Ўша авлиё... Тақсирим...

О д и л а Д у д у — (*Шарифга.*) Ҳаммаси равшан. Сен товламачилигинг устига разил ҳам экансан! (*Халилга.*) У ҳали менинг совунимга кир юлмаган экан. Энди қўлимга тушди. Бир кўрсатиб қўяй! Ҳамма кирдикорлари учун жазосини тортади.

Х и л м и — (*Уларнинг орасига тушади.*) Йўқ, йўқ, қўйинг... Бу ёғини менга қўйиб беринг, ўзим тинчитаман. Қизингиз ўктамгина экан, оллоҳ уни ёмон кўздан асрасин, худо хоҳласа, беш ойдан кейин кўзи ёради. Элу юрт олдида шарманда бўлмай десангиз, қизингизни боласининг отасига беринг, тамом-вассалом. (*Шарифга.*) Қайсарлик қилиб йўқ десанг, турмага тушасан. Қайси бири маъқул бўлса, ўшани танла!

Р у қ и я — (*Шарифга.*) Ҳой, менга қара! Сенда виждон деган нарса борми ўзи? Ўзинг йўлдан урган аёлга қайси юз билан укангни уйлантирмоқчи бўлдинг?

Ш а р и ф — Сўраманг, онажон... Муҳтожлик мени ақдан оздирди.

О д и л а Д у д у — (*Заҳрога.*) Ҳой, шўрпешон қизим, иккинчи марта ҳофиз тўғрисида ғиринг деб оғзингни оча кўрма. Шу бугуноқ икковингни никоҳлаб қўямиз.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Х а л и л киради.

Х а л и л — Кимни никоҳлаб қўймоқчисиз? Меними? Хотиним бўшадими? Эркинми?

Х и л м и — Ҳа, эркин. Жўнаб кетяпти.

Х а л и л — Ие, нима деяпсан? Никоҳ нима бўлади?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Х и л м и — Никоҳ бўлади. Биз акангни манави хотинга уйлантиряпмиз.
(Заҳрони кўрсатади.)

Х а л и л — (Йиғлайди.) Мен-чи? Мен нима бўламан.

Х и л м и — Сенга ҳам биронта гавҳар топилиб қолар.

Х а л и л йиғлаб онасининг бағрига ташланади.

(Малакка.) Қани, фариштам, бу ерда қиладиган ишимиз қолмади...

Ш а р и ф — Хўп, келинимизни-ку олиб кетяпсан. Лекин нима учун менинг костюмимни ҳам олиб кетяпсан. Кийиб ол ўзингнинг жулдуриг-ни...

Х и л м и — Мен ҳозир бориб ўзимга костюм олиб келаман-да, сизни-кини қайтиб бераман. Костюмингиз билан қўшмозор бўлмайсизми?

Ш а р и ф — (Аламли киноя билан.) Ажаб, қайси пулларингизга костюм харид қилмоқчисиз?

Х и л м и — (Хаёлчан.) Ие, ростдан ҳам, бу ёғини ўйламабман-ку! (Хона бўйлаб юради.) Воҳ, воҳ, воҳ...

Ш а р и ф — (Малакка тантанавор истеҳзо билан.) Ана, кимнинг этагидан тутганингни кўриб қўй. Олижаноб, мағрур одам эмишлар...

М а л а к — (Қўйнидан бир тизим тилла пул чиқариб, биттасини Хилмига узатади.) Бир вақтлар амаким менга йигирма тилла бериб, “Зориққанингда ишлатарсан. Фақат анави ғаламисларга кўрсатма, олиб қўйишади”, деб таъинлаган эдилар.

Ш а р и ф — (Кўзлари ёниб.) Нега бу тилларни бизга айтмагандинг?

М а л а к — Нега бўларди! Айтсам, бу пуллар ҳам зирагим, узугим ва соатим кетган жойга кетиб, ғойиб бўларди-да!

Ш а р и ф — (Халилга.) Бу кунингдан баттар бўл-е, бифаросат. Шунча пайт бир тўшақда ётган аёлингнинг қўйнидаги тилло тангаларни пайқаманган бўлсанг, балли-ей...

Х и л м и — (Малакни қўлидан ушлайди.) Яхши қолинглар... Омадларинг-ни берсин...

Ш а р и ф — Йўқол-е кўзимдан, ярамас ўғри!

Х а л и л — (Инграйди.) Ҳамма дарду бало менга ёпирилди... Сўппайиб ўзим қолдим. (Залга.) Оллоҳ ҳеч қайси бандасининг бошига ҳалалани солмасин экан.

П а р д а

1935 йил



Мирпўлат МИРЗО

Ўзбекистон булбули

Халима Носирова ижодий портретига чизгилар

Качондир уйингиздаги сандиқ очилганда онангиздан ёдгор қолган кийимларга дафъатан кўзингиз тушганми? Ўшанда қандоқ ҳаяжон гупурган кўнглингизда? Қандай хаёлларга толгансиз? Хотираларга чулганганингизда онангизнинг меҳрини димоғингизда қайтадан туймаганмисиз?..

Мен Ҳалима Носированинг кўшиқларини эшитганимда худди шундоқ ҳаяжонни бошдан кечираман.

Аср яқунланаётган йилнинг оқшомларидан бири эди. Енгил машинада ишдан қайтаётибман. Одатимга кўра машина радиосини эшитиб кетаман.

Пайтахт кўчалари турфа хил ёғдуларга чулганган. Бу нурлар кўча ёритқичларию баланд-баланд иморатларнинг деразаларидан ҳам ёғилади. Чароғон оқшом нафасидан ва ёғдуларнинг жилвасидан шуур беихтиёр давр замзамасини ҳис этади, айни асно унинг шитоб мавжларига кўмилади.

Ана шу дақиқаларда радиоприёмникдан Ҳалима Носированинг кўшиғи янграб қолди. Бу дамда юрагимда кечган ҳисларимни дафъатан тавсифлашим қийин. Зеро, бу овоз шу муҳитдан эмас, мозий қаъридан — бамисоли абадият сарҳадларидан келаётгандек эди.

Мана шу дақиқаларда кўз ўнгингда беихтиёр вақт деган тимсол намоён бўлади... Эскираётган аср билан ҳўшлашаётимиз, олдимизда янги аср, янги минг йиллик...

Ёдимга устоз Абдулла Ориповнинг мамлакатимизнинг катта бир анжуманида айтган гапи келади: "... Мана алғов-далғовларга, севинчу шодликларга тўла кечган XX аср тугаб бормоқда. Халқимиз XXI аср остонасида турибди. Ушбу дақиқаларда менда шундоқ фикр кечади: ҳўш, XXI асрга биз ўзимиз билан нималарни олиб ўтамыз? Қандай маънавий қадриятларни келгуси авлодга, сиз ҳам асранг, дея узатамыз?! Шубҳасиз, биз А.Қодирий асарларию Чўлпон шеъриятини, Ҳ.Абдуллаев закосию Ҳ.Носированинг булбулдек овозини ўзимиз билан бирга оламыз ва уни янги наслларга олтин мерос сифатида топширамыз..."

Ҳа, Ҳалима Носированинг бетакрор овозини фақат булбул овозига қиёслаш мумкин.

Бу суҳбатимиз йилнинг бошида кечди.

— Алло, Ҳалима опанинг уйларими? Аввало аяжонимизни "Буюк хизматлари учун" ордени билан чин юракдан табриклайман... Мен кўришиб, бир суҳбатларини олмоқчи эдим... — қимтиниб, тезроқ муддаога кўча қолдим.

Истарали овоз менга аяни ҳозир телефонга чақиражагини айтди. Бир нафасдан сўнг опанинг овози эшитилди.

— Табригингиз учун, йўқлаганингиз учун раҳмат, укажоним. Эртага келадиган бўлсангиз, соат ўн бирда кутаман сизни... Келолмасангиз, албатта, кўнғироқ қилиб қўйинг...

Аксига олиб, эртасига ваъдалашилган вақтга Опа ҳузурига бора олмадим. Мажлисни ташлаб чиқиб, кўнғироқ қилишнинг эса сира иложи бўлмади. Қолаверса, у киши ҳар кунни уйида-ку, бугун бормасам, эртага бораманда, дея ўзимни юпатиб, оқлаган ҳам бўлдим.

Эртасига яна телефон қилдим.

— Укажон, мен сизни кеча соат тўртгача кутдим, келмадингиз, кўнғироқ қилиб ҳам қўймадингиз... — дедилар опа. Лекин менинг гапимни тинглагач, гинахонликка чек қўйдилар-да, агар бугун келмоқчи бўлсангиз, майли, бир соатдан кейин кутаман сизни, дея гапни тугатдилар.

Табаррук хонадонга мен айтилган вақтда кириб бордим. Ҳа, чиндан ҳам бу хонадон табаррук! Зеро бу уйда миллатимиз санъати ва адабиётининг икки улуғ ва мўътабар намояндаларининг нафаси бор.

Мен бу остонага бир гуруҳ устоз адиблар билан илк бор бундан ўн йиллар олдин қадам босган эдим. Яшин домланинг муборак ёшларини қутлаш муносабати билан эди, чамамда.

Бизларни Яшин домланинг ўзлари қарши олиб, ҳаммани биринчи қаватдаги муҳташам залга — бир пиёла чой учун ҳозирланган дастурхон атрофида таклиф қилган эдилар. Эсимда, Ҳалима опа иккинчи қаватдан тушиб келгандилар. Ва бамисоли у саҳнага чиқиб келаётгандек — эгнида санъаткорлик либоси, икки ўрим куюқ сочларининг биттасини олдиларига ташлаб олгандилар. Мен хонадон соҳибасини бу ҳолатда кўриб, ўшанда ҳайратланган ва ажабланган ҳам эдим.

— Опа сизни иккинчи қаватда кутяптилар, — бу гап мени дарҳол ўзимга келтирди.

Мен юқорига кўтарилганимда опа зина олдида келиб турган эканлар ва ўша ўн йиллар олдинги кўркем либосларида эдилар!

Бир зум каловланиб қолдим.

— Сизни танийман, укажон, нарсаларингизни ўқиганман, ҳа, сизни яхши биламан... — дедилар елкамдан силаб, хона тўридаги стол ёнига таклиф қиларкан. Албатта, бу гапларни опа менинг довдираб турганимни пайкаганларидан ва кўнглимни кўтариб қўйиш учун айтгандилар.

Мен хонага разм солдим. Оддий, ҳашаматсиз. Столнинг ёнига иккита стул қўйилган. Столнинг устида кўҳна “будильник” соат ва чироқ бор эди. Опа курсига ўтиргач, иккинчисини ёнларига тортиб, мени таклиф қилдилар.

— Энди, укажон, яқинроқ ўтирасиз. Гапларингизни эшитолмай қоламан бўлмаса...

Мен опанинг, яъни буюк санъаткорнинг ҳар бир суҳбатга мана шу тарзда жиддий тараддуд кўришларини англадим. Бетоброқ бўлишларига қарамай (мен уйга кирганимда ўғли бу ҳақда огоҳлантириб қўйганди), ҳозирги ҳолатда ўтирганлари сингари кеча мени кун бўйи кутган бўлсалар, ажаб эмас. Буни тасаввур қилиб, ичимда изза бўлиб кетдим.

— Нималар қизиқтиради сизни, айланай? — беғубор жилмайдилар опа ва кўнглимдаги саволни англагандек, гапни бошладилар.

— Онам ўн уч ёшида эллик ёшли отамга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиққан эканлар. Мен оилада тўққизинчи қиз бўлиб туғилганман. Онаминг барвақт эрга тегишларига сабаб, ўша пайтлар замон нотинч бўлиб, ёш қизларни ўғирлаб кетаверишган экан.

Дадамнинг исми Муҳаммадносир бўлган. Санъатни яхши кўрганлар. Муқимий, Завқий билан ошно бўлганлар. Бу ошначиликка сабаб, Завқий дадамнинг синглицига — аммамга уйланган экан. Ўша пайтда Кўқонда Абдураззоқбой деган бадавлат киши бўлиб, унинг уйида Муқимий ва Завқийлар билан биргаликда санъаткорлар, ғазалхонлар ҳам тўпланиб туришар экан. Бу даврада дадам ҳам ҳамиша иштирок этганлар. Дадамнинг дин илмидан хабарлари бўлиб, уни мавлавий домла деб аташган. Мавлавий даражасига кўтарилиш учун, албатта, илм билан биргаликда араб, турк, форс тилларини ҳам билиш шарт бўлган экан. Дадам дутор ва танбурда ашулалар айтган экан. Асосан диний ашулалар. “Ёввойи ушшоқ”ни ҳам айтар эканлар. Ҳозир бу ашуланинг Самарқанд ушшоғи, Тошкент ушшоғи, Хоразм ушшоғи, Бухоро ушшоғи каби турлари кўп. Лекин “Ёввойи”си сақланиб қолмаган.

Шоир Собир Абдулланнинг ёзишларича (у бизнинг кўшнимиз бўлган), дадамлар беш ўғил бўлишган экан. Бешаласи ҳам ашула айтишган. Шунга асосланиб дейманки, овоз менга дадамдан ўтган. Мен гўдаклигимда баланд овоз билан йиғлар эканман. Шунинг учун кўни-кўшнилар мени “Дўлхон” деб аташган.

Дадам кўқонлик бўлганлар. Боя айтганимдек, диний мартабага эга бўлганлар. Худоёрхон дадамдан қайсидир ишга фатво беришни сўраган эканлар. Дадам шариатда йўқ нарсани кўшиб беролмайман деб туриб олганлар. Шундан сўнг Худоёрхон унинг қайсарлигидан ғазабланиб, шаҳардан ташқарига чиқариб юборган эканлар. Шу боисдан мен Тоғлик деган қишлоқда туғилганман.

Уйимизда дутор ва чирманда осиглик бўлган. Шунга кўра мутаассиблар қизларига дутор чалишни ва ашула айтишни ўргатади деб дадамга ёмон назар билан қараганлар.

Дадам барвақт оламдан ўтганларидан кейин онам бизлар учун ризқ излаб шаҳарга борганлар. Биз, бир этак етимлар ўшанда Болалар уйида тарбияланганмиз. Саводимизни ҳам шу ерда чиқардик. Уша пайтларда болалар уйида ҳаваскорлик тўғараги ташкил этилган эди. Ойша опам унга қатнашиб, шеърлар ўқиб, кўшиқлар айтадиган бўлди. Мен эса чеккада тортишиб, томоша қилиб турардим. Тарбиячимиз мени ҳам жалб қилди. Мен ҳам кўшиқ айтишни ўргандим. Бу менга бирам ёқарди!.. Утирсам ҳам, турсам ҳам кўшиқ айтадиган бўлдим. Ва менга ўртоқларим “Майна” деб лақаб қўйишди. Улар, Майнахон, яна битта кўшиқ айтиб бер деб туриб олишарди.

Онам ҳам мени Майна деб атайдиган бўлдилар. Баъзан бизни кўргани келганларида:

— Майнажон, менга ҳам битта кўшиқ айтиб бер, — дея эркалардилар.

Бир куни ҳаётимда ҳеч эсимдан чиқмайдиган воқеа содир бўлди. Кўқоннинг шаҳар боғига артистлар ташриф буюришди. У пайтда биз ҳали артист деган сўзни тушунмасдик: улар кимлар? Қанақа бўлишади? Дугонам билан бир дарахтга чиқиб олиб, уларни ҳаяжон билан томоша қила бошладик. Бир пайт доира садолари янграб кетди, унга сурнай жўр бўлди. Ўртага паранжисиз, артист қиз чиқиб келди. У чиройли, ёш, келишган қоматли бўлиб, рақси ҳаммани дол-маҳлиё қилиб қўйганди. У бамисоли ҳавода сузарди, лабларининг бир четиде ифбатли кулгу яширинган эди. Кейин куйлай бошлади...

Мен ҳаяжонимнинг зўридан дарахтдан йиқилиб тушганимни ҳам билмай қолдим. Ва апил-тапил ўрнимдан туриб, яна кўшиқчи қизни кўришга ошиқдим...

Ўшанда артист — қизга ҳавас билан боқиб, мен ҳам кўшиқ айтувчи бўлман, деб ичимда аҳд қилганман.

У артист қизнинг Тамарахоним, ёнидаги доирачининг эса Муҳиддин Қориёкубов эканлигини, албатта, кейин билганман.

— *Ҳалима опа, Сизнинг ўн уч ёшингизда Бокуга ўқишга борганлигингиз кўпларнинг ёдида бўлмаса керак. У қанақа ўқиш эди, у ерда нималарни ўргангансиз?*

— Болалар уйида ўқиб юрган пайтимизда яхши ўқувчиларни Тошкентдаги аёллар педагогика билим юртига жўнатишадиган бўлишди. Онам менинг ҳам боришимни хоҳладилар. 1922 йил эди, дугоналарим билан Тошкентга йўл олдим. Ўшанда мен уларнинг энг кичиги — 9 ёшда эдим. Бизни билим юрти қошидаги интернатга жойлаштиришди.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўғараги ташкил қилинди. Бу тўғаракка баъзан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ташриф буюрарди. Биз тўғаракда бир неча пьесалар ҳам қўйганмиз. Мен “Озодлик болалари” пьесасида ўйнаб, қарсақларга ҳам сазовор бўлганман.

Бир куни тўғарагимиз ташкил этган кечага таниқли санъаткорлар меҳмон бўлиб келишди. Улар орасида Боту, таниқли артист Сайфи Олимовлар бор эди. Улар республика бўйлаб санъат соҳасидаги ёш истеъдодларни излаб юришган экан. Мен ўшанда саҳнага чиқиб, Ботунинг шеъри билан айтиладиган кўшиқни куйладим. Унинг матни шундай:

Сўрма, ўртоқ, кўзларимда
Қонли ёш қайнашганин.
Сўрма ҳеч бир — юзларимда
Қайгулар ўйнашганин.

Сўрма, бу маҳзун хаёлнинг
Қай очунда юрганин.
Сўрма, бу маҳзун кўнгилнинг
Дард ўтинда ёнганин.

Бу сўроқларга жавоб
Кўнгил сирин очмоқ демак.
Дардли қалб вулқонларидан
Лавалар сочмоқ демак.

Лавалар сочмоқ — бутун
Борлиқни йўқ қилмоқ демак.
Марҳамат йўқ, тўгрилик йўқ
Дунёдан қочмоқ демак.

Дардлилар дард англатормас
Дардсиз сўйлов билан.
Кўрсатиб бўлмас қуёшни
Кўзсиза мақтов билан...

Лекин Боту мени олдига чақириб, кўлларимни, этакларимни ўпди-да, бу ашулани айтмагин, айтсанг, жавобгар бўлиб қоласан, деди. Ўшанда Боту унинг қўшиғини айтганимдан хафа бўлди. Рисқулов ҳам бор эди. Бу қиз талантили экан, уни Бокуга театр техникумига юборамиз, дедилар. Бокудаги бу техникум институтдан ҳам обрўли эди. Сайфи Олимов, артист бўлиш, санъат йўли, айниқса қиз бола учун мураккаб ва машаққатли бўлади, Ҳалима, бунга сенинг кучинг, ироданг етадим, дедилар. Мен, кўнглимдаги аҳдим астойдиллигини, санъаткор бўлиш энг катта орзуим эканлигини айтдим.

Биз Бокуга 1925 йили кетиб, у ерда ўзбек гуруҳидаги Зухур Қобулов, Карим Ёқубий, Раҳим Пирмуҳамедов, Назира Алиева ва ёшликдаги дугонам Ҳакима Хўжаевалар бирга ўқидик. У ердаги сабоқлар мен учун катта мактаб бўлди. Айниқса Мирсайфитдин Кирмоншоҳли сабоқлари менда бир умрга муҳрланди. Тиниб-тинчимас бу ажойиб устоз бизга саҳна нутқидан дарс бериб, ҳар бир сўзни аниқ талаффуз қилиш сирларини ўргатган эди. “Ҳар бир актёр нутқ маданияти ва уни ифода қилиш санъатини яхши эгаллаган бўлиши керак”, дер эди. У таҳсил йиллари давомида бизни Фузулий, Низомий, Воқиф шеърини билан ҳам таништириб борганди. Айниқса уларни ўзи ажойиб оҳангда ўқирди.

Бокудаги театр санъати техникумида Антон Сергеевич Маэльянц деган яна бир устозимиз бўлган. У бизга рол ижро этаётганда, ашула айтаётгандек нафас олиш қоидаларини ўргатган. Менинг овозим кучли ва тўғма эди. Бу табиий қобилиятимдан қувонган устозим менга тинимсиз қўшиқ айтиш санъати сирларини ўргатдилар, овозимни ўзига хослигини сақлаб қолиш учун қайғурдилар. Ҳар қанча машҳур бўлмасин, ҳеч бир артистга эргашмаслигимни ҳамisha тайинлардилар.

Биз Ўзбекистондан борган ёш талабалар қийинчиликларга қарамай, чуқур билим олишга ҳаракат қилдик. Академик театрдаги ҳамма спектаклларни кўрардик. Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Отелло”, “Макбет”ини, Гоголнинг “Ревизор”ини, Шиллер пьесаларини илк бор ўша саҳнада кўрганмиз. Ўзимиз ҳам кўплаб озарбойжон пьесаларини саҳналаштирганмиз. Масалан, мен У.Ҳожибековнинг “Аршин мол олон”ида Гулчеҳрани, Ж.Жабборлининг “Ойдин”ида Гултекинни ўйнадим. Гултекин образи жуда таъсирли образ. У ўзи бадавлат оиладан. Лекин камбағал оиладан чиққан Ойдин деган талаба йигитни севиб қолади ва у ўз уйини ташлаб, Ойдинга турмушга чиқади. Турмушнинг аччиқ-чуққларини у билан бирга баҳам кўради. Лекин Ойдин ўз орзуларига эришиш йўлида муваффақиятсизликка учрайди ва қаттиқ касалга чалинади. Эрини ҳаётга қайтариш учун ҳеч вақоси бўлмаган Гултекин Давлатбек исмли бойваччанинг таъмаларига ён беришга ва унинг ўйнашига айланмишга мажбур бўлади. Хотинининг хиёнатидан воқиф бўлган Ойдин уни

ташлаб, ичкиликка берилади. Гултекиннинг эса Давлатбек эрмагига айла-нишдан бошқа иложи қолмайди. Охир-оқибатда у бу шармандаликка чи-даш беролмай, заҳар ичиб, ўзини ҳалок қилади...

Биласизми, Гултекин образи менга шу қадар кучли таъсир қилгандики, бир умр шу образ билан яшадим, бир умр ундан чиқолмадим.

Боқуда бир куни мана шу пьеса томошасига ўша даврдаги мамлакат кат-таси Багиров ҳам келган эди. Пьеса катта олқишларга сазовор бўлди. Ушан-да Багиров: — Сурайё Ҳожар, майли, бизни ташлаб кетди. Лекин худо дар-димизни эшитиб, бизга Ҳалимани етказди...— деганди. Сурайё Ҳожар маш-хур опера артисти бўлиб, “Аршин мол олон”да бош ролни ўйнади. Кейин у эронликка турмушга чиқиб, Эронга кетиб қолган эди.

— *Боқудаги ўқишни қачон битириб қайтдингиз?*

— Ўқиш тўрт йиллик эди. Лекин мен уч йил ўқидим, охирги босқични тамомлай олмадим. Чунки бухоролик истеъдодли ёш санъаткор Турсуной Саидазимованинг ёвузларча ўлдирилгани ҳақида хабар тарқалди. У А.Ҳидо-ятов, М.Уйғурлар билан яқиндагина Москвадаги уч йиллик ўқишни тамом-лаб қайтган ва спектакль ҳамда мусиқали драмаларда бош ролларни ўйнай бошлаган эди. Айниқса у Ф.Зафарийнинг “Ҳалима”сида Ҳалимани ижро этиб элга танилганди. Бу фожиадан кейин мамлакат сахналарида бош аёл ролла-рини ўйнайдиган санъаткор керак бўлиб қолди. Ва халқ маорифи комис-сарлиги бу борада менда тўхтади. Ўқишдан ажралиш ҳар қанча оғир бўлма-син, халқимиз ҳаётидаги театр аҳамиятини англаб, бунга рози бўлдим.

— *Ҳалима опа, узр, Яшин домла билан қачон танишган эдингиз?*

— Бу 1929 йилда бўлган. Давлат ўзбек драма театри ўшанда Самарқанд-да эди. Мен унда кўп ишламадим. Чунки Яшин билан танишиб қолдим, унга турмушга чиқдим ва у мени ўз юрти Андижонга олиб кетди. Ва у ерда ўша даврда маҳаллий мусиқали драма театри ташкил қилинди. Уни ташкил қилишда Ҳамза ва Яшин бош-қош бўлдилар. Ва бунга Тўхтасин Жалилов, Орифжон Тошматов, Лутфихоним Саримсоқова, Сойиб Хўжаев ва бошқа-лар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Кейин яна Самарқандга қайтдик.

— *Янги ташкил топган театрни ташлаб-а?..*

— Ўша йилнинг кузида ҳаётимда катта бурилиш ясаган воқеа содир бўлди. Тақдир мени Муҳиддин Қориёқубов билан рўпара қилди. Қориёқубов эл орасида катта обрўга эга одам эди. Москвага биринчи бўлиб у борган. Ме-йерхольд қўлида ўқиган. Фаранг ва олмон мамлакатларида ўз санъатини на-мойиш этган. Париждаги чиқишлари билан Европани лол қилган. У Ватан-га қайтиб, миллий мусиқали-хореографик ансамбл тузади, шу соҳани ри-вожлантиришга қаттиқ бел боғлайди. Бу гуруҳ 1928 йилдан бошлаб Ўзбек Давлат кенцерт ансамбли деб юритила бошлаган. Қори ака бу ансамблни янада кучайтираман деб, мамлакат бўйлаб истеъдодли артистларни ахтаришга чиққан бўлиб, шу мақсадда Андижонга келган экан. Ва у барчамизни ўз ор-зусига мафтун қилиб, Самарқандга олиб кетган. Ўзбек Давлат мусиқали те-атри ана шу тарзда ташкил топган.

— *Опера санъати-чи, Ҳалима опа? Илк операларимиз қачон яратилган?*

— 1933 йилда С.Абдулланинг “Пўртана” номли мусиқали драмаси яра-тилди. Худди ўша йили К.Яшин ва М.Ашрафий ҳамкорлигида “Ичкарида” мусиқали драмаси сахнага қўйилди. “Ичкарида” бу “Гулсара”нинг дастлаб-ки варианты эди. Муаллиф ва композитор томонидан қайта ишланиб, юк-сак бадий савияга кўтарилган бу асар халқ ичида жуда катта обрў қозонди ва у ўзбек миллий операсига асос бўлди. Кейин “Лайли ва Мажнун” асари дунёга келди. Ана шу даврга келиб миллий ашулачи санъаткорларимизни

профессионал жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маҳоратларини ошириш муммоси юзага чиқди. Чунки мусиқали драма артистлари опера ижросини удалай олмасликлари, яъни махсус тайёргарликсиз бошқа халқларнинг, жумладан, жаҳон операси санъати намуналарини сахнага олиб чиқолмасликлари аён бўлиб қолди. Ва шундоқ қилиб, 1934 йили мамлакатимиз санъаткорларининг катта бир гуруҳи орасида мен ҳам Москвага ўқишга юборилдим.

— *Гуруҳдагилар кимлар эди?*

— Карим Зокиров, Фулом Абдураҳмонов, Мухтор Ашрафий, Насим Ҳошимов, Мутал Бурҳонов, Бобораҳим Мирзаев, Сулаймон Юдаков ва бошқалар. Биз П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг янги ташкил топган опера студиясида таҳсил кўрдик.

— *Сиз ўша пайтда шаклланган санъаткор эдингиз, бу даргоҳ сизни қайси жиҳатдан бойитди? Кимларнинг қўлида таълим олдингиз?*

— Аввало бу ҳашаматли бинонинг шинам аудиториялари, ўқитувчиларнинг мусиқа соҳасидаги қомусий билимлари, шунингдек бу даргоҳдаги қатъий талабчанлик ва ижодга иштиёқ муҳити мени ўзига мафтун қилганди. Мен профессор С.И.Друзякина дарс берадиган синфга бириктирилдим. Ўша пайтда бу илмгоҳда машҳур санъаткор А.В.Нежданова ҳам дарс берарди. Мен ўз соҳамга доир билимни кўпроқ олиш мақсадида унинг ҳузурига ҳам бориб турардим. Профессоримиз билиб қолса хафа бўлмасин деб, унинг уйига яширинча борардим. Мен ундан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Унинг эри ажойиб опера дирижёри эди. Улар мени тинглашар ва маслаҳатларини аяшмасди. Менинг катта опера артисти бўлишимни ҳам айтишган. Уларнинг маслаҳатларига кўра нафас олиш усуллари ва овозни созлаш борасида ўз устимда қаттиқ ишладим. Бу сирларни қандай эгаллашни кўпинча Антонина Васильевнанинг ўзи менга кўрсатиб берарди. У қўшиқ айтганда худди гапираётгандай сира қийналмасдан, товушга заха етказмасдан айтарди. Менга, авжга чиққанингда ҳам ҳамма овозингни сарфламагин, “захирада” ҳам қолсин, бу “захирадаги” овозни товлантириб, залнинг энг чекка бурчагидаги томошабинга қадар етказишинг мумкин дер эди. Мен унинг маслаҳатларига амал қилиб, бир неча миллий қўшиқларимизни ижро этиб бердим. Ажойиб чиқди: овозим тиниқлашиб, ёрқинлик касб этди, айтишим осон ва енгил кўчди! Худди хазина топиб олган одамдек қувонган эдим ўшанда!

Мен ўша пайтлар мусиқа ва сахна санъати сирларини билишга шунчалар чанқоқ эдимки, суткада 24 соат ишлашнинг, ўрганишнинг имкони бўлса, шунга тайёр ҳис этганман ўзимни!

— *1937 йил май ойида Москвада ўзбек санъати ва адабиёти декадаси ўтказилганлигини ва сиз унда оламушумул шуҳратга сазовор бўлганлигингизни тарихдан яхши биламиз. Сиз бу декадага таълим ола туриб қатнашганмидингиз?*

— Афсуски, Боку театр техникумини тугаллай олмаганлигим сингари бу даргоҳдаги ўқишимни ҳам охирига етказа олмаганман. Декадага тайёргарлик муносабати билан мени Ўзбекистонга чақириб олишган. Ва биз бу декадага жуда қизгин тайёргарлик кўрганмиз. Унда мен “Гулсара” ва “Лайли ва Мажнун”дан ариялар ҳамда миллий қўшиқларимизни ижро этганман. Шуҳрат ва олқишлар ўз йўлига, ўшанда мен аввало ўзбек қизи эканлигимдан, халқимизнинг бетакрор санъатини дунёга кўрсатаётганлигимдан чин маънода гурурланганман.

— *Ҳалима опа, ана шу 37-йил айни чоғда халқимиз бошига энг қора кунларни ҳам келтирди. Ўша пайтда миллатимизнинг ишонган одамлари, унинг сара*

гуллари қатағон қирғинига учради. Ўшанда сизнинг юрагингизда нималар кечган эди: бир ёқда олқиш, шон-шухрат, бир ёқда қама-қама, қатл?..

— Э-э, нимасини айтасиз, ука!.. Ўша пайтларни эсласам, юрагим қонга тўлади!.. Халқнинг етакчи раҳбарлари унинг “душмани” бўлиб чиқса-я... Миллатнинг гуллари бадном қилинса-я!.. Файзулла Хўжаев, Акмал Йқромовлар ҳибсга олинди!.. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар қамалди!.. Уларнинг ҳаммаси кейин отиб ташланди! Ҳеч нарсага ақлим етмасди! Менинг ижодим танилиб, номим дунёга ёйилган бир пайтда нега улар қамалади? Мен шухрат чўққисига чиққан пайтимда нега улар бадном бўлишди, ер остига киришди, дея жуда қаттиқ изтиробларга тушганман. Ўзим чекка-чеккаларда ёлғиз қолиб, сочимни юлгудек йиғлардим! Агар ўша пайтлардаги суратимни кўрсангиз, озиб-тўзиб бир аҳволга тушганимни яққол сезасиз... Айниқса Чўлпоннинг қисматига кўп куйганман...

— Истиқлолни куйлаган энг улуғ шоирлардан бири Чўлпондир. Бетакрор шоир ва буюк шахс ҳақидаги хотиралар ҳамиша қизиқарли ва ноёб бўлади...

— Чўлпон менинг устозим эди. 1928-29 йиллари мен Самарқанднинг “Кўшқовуз” маҳалласидаги Чўлпон домланинг уйларида деярли бир ярим йил яшадим. Аёллари Солиҳахон ая билан она-боладек эдик. Мен ҳовлидаги сўрида бошимни ювардим, ая сочларимни майда қилиб ўриб қўярдилар. Бунни кўп кузатган шоир менга бағишлаб, сочларини қўли билан тароқлайди, деган сатрлари бор шеърини ёзганлар. Эҳ-ҳе, у пайтлар сочларим куюк ва қалин эди... Кейинроқ мана бу шеърни ҳам ёзганлар:

Ҳалима кўп кўнгилларнинг аламлар таржимонидир,
Ҳалима қанча жонларнинг қизарган лола қонидир...

Бу менга бағишланган қўшиқнинг нақароти эди...

—Кўшиқ эсингизда қолганми?

— Афсуски, эсимда йўқ. Кўшиқ қилиб айтишимдан олдин у қамалиб кетди. Охириги шеърларидан эди бу. Тўхтанг, яна битта шеъри бор эди. Кўшиқ қилиб айтасан деб, менга ёзиб бергандилар. Айтишга улгурмаганман. Эшитинг:

Кўзгал, офтоб, стар эй қайгули оҳлар чеккан,
Интил, олга босмадинг, кўзлари қон ёш тўккан!

Сени тутқинлик аро сақладилар йўл қўймай,
Сенинг эркингни олиб топтадилар, сўз бермай!

Сенинг вулқонли ёшинга сира бир боқмадилар,
Жонворлар каби тор-тор уйда қамаб сақладилар!

Сен-да жим турдинг уларнинг бу тегишсиз ишига,
Айтмадинг дардингни шу чоққача ҳеч бир кишига!..

Мен Чўлпоннинг жуда кўп шеърларини ашула қилиб айтганман. Унга “миллатчи” деб айб қўйилган пайтларда одамлар унинг шеърларини ёстиқлар ичига беркитдилар! Эҳ-ҳе, унинг қанча шеърлари йўқолиб, ёниб кетмади ёстиқ-тўшақлар ичида!

Чўлпон менинг санъатдаги ҳар бир қадамимни, ҳар бир муваффақиятимни зимдан кузатганлар. Санъаткор бўлби етишишимда оғаларча ёрдам берганлар...

— Усмон Носирни ҳам билармидингиз?

— Усмон Носирни яхши биламан. Унинг бир домласи бўларди. Исмлари, эҳ, эсимдан чиқибди-я... Доим менинг олдимга келиб, уни мақтагани-мақтагани. Ҳали турмушга чиқмаган пайтим эди, бунинг тагида нима гап борлигини, албатта, сезганман...

— *Фитратни ҳам танирмидингиз?*

— Бўлмасам-чи! Фитрат домлани ҳеч ким менчалик билмайди десам, сира муболага бўлмайди. Файзулла аканинг уйларида доим кўришиб турардик. Менга дутор совға қилганлар.

— *Қори акани, яъни Муҳиддин Қориёқубовни кўлаб санъаткорларимиз ўзларига устоз деб билишган. Сиз ҳам уни илк устоз дея меҳр билан тилга олдингиз. Унинг қисматига доир воқеалардан гапириб берсангиз...*

— Аввал айтганимдек, Қори ака мусиқали драмамаизнинг яратувчиларидан бири, ўзбек операсининг асосчиси саналади. Қори аканинг қисмати жуда мураккаб қисмат. Боя айтганимдек, у киши дастлаб Тамарахоним билан бир ансамбл тузишган. Уй-жойини ҳам сотиб, пулини шу ансамбл ишини юриштиш учун сарфлаганлар. Аввал бошқа оилалари бўлган, кейин Тамарахонимга уйланганлар. Унинг аввалги хотинидан ва Тамарахонимдан биттадан ўгли бўлган. Қори ака эса ўша пайтда қамалди. Ўша пайтларда менинг ҳам қамалиб кетишимга оз қолган. терговга чақиришгани-чақиришган эди. Уғлим Баҳодирни кўтариб олган кўйи кўп қатнаганман, кўп сўроқларда бўлганман. Анча вақтдан кейин Қори ака қамокдан қайтдилар. Қори ака қамокдан чиқиб келганларидан кейин Қори ака бўлмай қолдилар. Уни мен ўз қаватимга олиб, ҳам маъмур, ҳам ашулачи қилиб олиб юрдим. Қори ака қамалганларида мана шу сатрларни битган эдим:

Одамизод хулқининг зўр моҳири
Артист гамгин, шод кўринур зоҳири.
Ҳар ҳунарманд ёш ўтиб бўлса азиз,
Нега артистнинг харобдир охири?!

— *Дарвоқе, Ҳалима опа, сиз шеърлар ҳам ёзасиз, бу ҳақда эшитганмиз... Қачондан бошлаб шуғуллангансиз?*

— Ёшлигимдан бошлаб ёзаман.

— *Нега уларни эълон қилмагансиз?*

— Эълон қилмаганимга сабаб, менга Яшин айтдики, овозингиз Ўзбекистонда битта, шу овоз обрўсини тўкмай қўя қолинг, шеър ёзманг, деди. Мен яширинча ёздим. Яшин акадан бекитиб ёздим. Яширинча ёзганим билан ҳам шеър дафтарларим даста-даста бўлиб кетибди...

— *Ҳалима опа, энди маъзур тутасиз, иккита буюк шахснинг ҳаёти — улуг санъаткор ва адибнинг биргаликдаги турмуши қандай кечганлиги ҳақида сўрашга ижозат берсангиз...*

— Мен Яшин акангиз билан 70 йил бирга яшадим. Ижодкор билан ҳаёт кечириш, биласиз, жуда мураккаб. Ижодкорнинг ижодкор билан ҳаёт кечириш эса икки баробар мураккабдир.

Яшин аканинг ижоди, албатта, катта ижод. Унинг “Нурхон”и, “Бўрон”и ўлмас асарлар. “Гулсара”ни улар даражасига қўёлмайман. Кези келганда айтишим керакки, у бировлар учун ҳам ишлаб берди.

Турмушимиз ёмон кечмади. Яшин ака мулойим, бағри кенг одам эди. Эҳтиёткор одам эди. Орамызга неки гаплар оралаган бўлса, ҳаммаси ўзгаларнинг ғарази туфайли бўлган. Ҳаётдан кўз юмди. Эл-юрт ҳурмати билан кетди. Ҳозир ҳам эсимда, унинг тобутини олиб чиқишаётганда мен унга: “Яшин, алвидо, мана дарахтлар ҳам сиз билан видолашяпти”, дедим. Кўзимга дарахтлар эгилаётганга ўхшаб кўринди.

Яшин акангиз кўп қийин вазиятларни ҳам бошидан кечирган, таниқли адиб билан ҳукумат раҳбарини яраштираман деб кўп ҳалак бўлди, оқибатда иккаласига ҳам ёмон кўриниб қолди. Раҳбар, жиним суймаган одам билан нега мени яраштирмоқчисан, деб ранжиди. Адибнинг эса, мен партия-

нинг солдати эмасман, деган гапи эсингизда. Кейин у Яшинни, союзга фақат дўпписини қўйиб қўяди, ўзи ялло қилиб юради, деб танқид қилди. Лекин Яшин ялло қилиб юргани йўқ. У ишлади, хизмат қилди. У пайтлар Ёзувчилар уюшмаси раҳбари жуда катта амал эди. Мен ҳамиша унинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилдим. Бирон марта идорасига бормадим. Нима қилиб юрибсиз деб тергамадим. Майда-чуйда гапларга эловсиз бўлдим. Билсам-да, билмаганга олдим.

Эндиликда эса Яшин акангиз билан кечган ширин дамларимиз бот-бот кўз ўнгимдан ўтиб туради. Мен пастдаги хонамда ишлардим, машқ қилардим. Оралиқда эса бирор лаззатли таом тайёрлашга ҳам улгурардим. Кейин у кишини чақирардим. Уларнинг иккинчи қаватдаги ижодхонасидан тушишлари қийин бўларди. Ёзаётган асарларини маълум бир нуқтага етказиб, кейин ўриндиқни тарк этардилар. Кўз олдимда турибди, зинопоядан кулиб, менга гап отиб тушишлари. Дастурхон ёзилган хонтахта ёнига келганларида эса ликопчадаги узун, ингичка қалампирларни кўриб, “Сизга тўғри келмайди, ширин овқатингизни аччиқ қилиб нима қиласиз?” дердилар-да, хаёл суриб таомга қўл урардилар. Мен луқма ташлаб, қаёқларда юрибсиз, қайтинг, деб қўярдим. Ёки шўх ашулани бошлаб юборардим, хаёллари узоқларга олиб кетган у кишимни уйга, дастурхон атрофига қайтарардим. Бир-икки марта шундоқ қилганимдан кейин, суҳбатимиз қизиб кетарди. Қизимиз Нодира, ёнимиздаги ўғлимиз Баҳодир, профессор жиянимиз Офелия, гўзал раққоса қизимиз Клара, ёқимли овоз соҳибаси Розия (иккаласи ҳам жиянимиз) ҳақида гаплашиб ўтирардик. Кейин гап мақомга, опера ёки балет либереттосига келиб тақаларди...

— *Ҳалима опа, сиз ижро этган қўшиқлар жаҳон қўшиқчилиги хазинасига ўзбек халқ қўшиқлари бўлиб қўшилди ва ундан мустаҳкам ўрин олди. Халқимиз қўшиқларининг ўзига хослиги ҳақида гапириб берсангиз.*

— Қўшиқларимиз бетакрор мусиқавийлиги, оҳангдорлиги, равонлиги ҳамда чуқур дардчиллиги, мунги ва қочириملарга бойлигию ички мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Қисқа қилиб айтганда, қўшиқларимиз оҳанги энг теран кечинмаларни ҳам тўқис ифода эта билади. Зеро улар шарқ қўшиқчилиги санъатининг бор имконларини ўзида мужассам этган.

— *Сизга қўшиқларни танлашда, уларнинг сеҳру жозибасини очиб беришда ким устозлик қилган?*

— Мен бу ўринда устоз санъаткор Тўхтасин Жалилов номини алоҳида эҳтиром билан тилга оламан. У киши ўзбек халқ мусиқасининг энг билимдони эди. Яхши биласизки, у пайтлар бизда нота ёзувлари бўлмаган ва мусиқа авлоддан авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган. Тўхтасин ака беназир қувваи ҳофиза кучига эга бўлиб, минглаб халқ оҳангларини ёддан биларди. У киши нафақат ўзи туғилиб ўсган водий қўшиқ-лапарларини, балки бутун Ўзбекистон ҳудудига хос оҳангларни, шунингдек уйғур қўшиқларини ҳам яхши биларди.

“Ҳалима” мусиқали драмасига мусиқани у киши ёзган эдилар. Мен бу спектаклни 500 марта ўйнаганман. Мен Ҳалима образининг илк яратилиши пайтларида буюк бастакор билан бирга ишлар эканман, ишимиз фақат ана шу образ доирасида чегараланмаганди. Айни чоғда у киши менга кўплаб халқ қўшиқларини ҳам ўргатганлар. “Самарқанд ушшоғи”, “Чапандози наво”, “Чоргоҳ”ларни қандоқ ўрганганларим ҳозир ҳам эсимда. Мен “Самарқанд ушшоғи”ни илк марта ундан эшитганимда лол бўлиб қолганман ва: “Мен сира бундоқ айтолмайман...” деганман.

— Айтолмайсан?.. — ҳайрон бўлиб сўраган устозим, кейин қўшиқнинг мазмун-моҳияти ҳақида жўшиб гапира кетганлар. — Наҳотки сен ундаги мусиқани ҳис этмаган бўлсанг? Наҳотки тасаввурингда қуёшимиз остида ястаниб ётган поёнсиз кенгликлар жонланмаётган бўлса? Наҳотки шууринг саҳро шафағидаги қум барханлари кўчкисини илғамаётган бўлса? Наҳотки димоғингга дуркун боғлардан эсаётган муаттар еллар урилмаётибди? Наҳотки

кўксинг Фарғонанинг зангор тоғларидан келаётган сарин эпкинларни сезмаётибди?..

Кейин ўзлари яна бир марта ижро этишга тушганлар. Мен эса эргашиб, жўр бўлганман.

Кўшиқ тугагач, устоз: “Сен мендан яхши айтдинг”, — дегандилар.

Устоз менга яна артистлик маҳорати билан ижрочилик санъатини бири-бирига уйғунлаштириш сирларини ҳам ўргатганлар.

— Мана, сен ўзбек қизи кўшигини айтаяпсан. Уни шундоқ ижро қилки, ташқи ҳаракатларсиз унинг образини ярата бил, — дегандилар.

— *Ўзбек операси ҳақида-чи? Унинг ривожини, истиқболи борасида ҳам?..*

— Операмизнинг бугунги кундаги аҳволини яхши деб айтолмайман. Чунки санъатнинг бошқа турлари каби опера ҳам халқни ўзига торга билиши керак. Опера санъаткорини худо яратади. Унинг овози илоҳийдир. Мана, ҳозир ҳар йили неча-неча ёшлар консерваторияларни тамомлаб чиқишади. Лекин ҳақиқий опера санъаткори борми? Бу аҳвол нафақат бизда, бошқа мамлакатларда ҳам шундоқ.

Операмиз истиқболи, ривожининг яна бир шarti — бу борада биз ўз миллий йўналишимизни англаб олишимиз ва шуни эҳтиётлашимиз керак.

30-йилларда менинг овозимни Немирович-Данченко, Станиславскийлар эшитиб кўриб, унинг овозини бузмаймиз, ўзи кучли экан, ўзига хос экан, деб айтишди. Агар мен ўшанда Европага тақлид қилганимда бунақа айтолмаган бўлардим-да. Улар мени йўқотишмади. Аксинча, халқимга туҳфа қилишди.

Ҳозирги ёшларнинг мени таажжубга соладиган жиҳати шундаки, улар ижрога юракни кўшишмайди, матнни ёдлаб олишади, холос.

— *Ҳозирги кўшиқчиларимиз ҳақида нималар дея оласиз? Улардаги қайси жиҳатлар сизга маъқул эмас?*

— Улар ҳозир жуда кўпайиб кетган. Аввало улар халқ олдида ўз қиёфаларини яратиб олишлари керак. Улардаги ёқмайдиган хислатни дағалроқ бўлса ҳам айтай: бу — айрим қиз хонандалардаги эркакшодалик, айрим йигит хонандалардаги аёлларга хос муқомлар... Баъзи шунақа кўшиқчи йигитларни кўриб, сирға ҳам тақиб олишмаганмикин, деб қўяман...

— *Сиз санъатдаги ҳаётингиз билан на фақат ўзбек санъати тарихи тимсолига, балки ҳаёт йўлингиз билан халқимиз тарихи тимсолига ҳам айланган шахссиз. Бошингиздан кўп машаққатларни ўтказгансиз, қатағон манзараларини ўз кўзингиз билан кўргансиз. Айтмоқчиманки, мамлакатимиз озодлик нашъасини, эрк сурурини туюётганига, мана, 10 йил бўлмоқда. Мана шу шукуҳли йиллар сизга қандай туйғулар берди, ўзининг қандай уфқларини намоён қилди?*

— Озми-кўпми меҳнатимни қадрлаган халқим олдида бошимни эгаман. Бу хизматларимни буюк деб баҳолаган Президентим олдида таъзим қиламан. Мени мана шундоқ эмин-эркин кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтаман. Мен, айниқса, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари борасидаги ҳайратимни айтмоқчиман. Мустақил бўлмаганимизда қисқа муддат ичида шунча ишларни амалга ошириш мумкин бўлармиди? Бу ишлар на фақат Тошкентда ёки Самарқандда, балки мамлакатимизнинг барча шаҳарларидаю қишлоқларида ҳам кўзга ташланиб турибди! Ўрни келганда бир дил изҳоримни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, бу ишларга ким бош-қош бўлаётибди ўзи? Президентимиз Ислон Каримов эмасми? Бундоқ улуғ шахсни бизга худо етказди! Айтинг, қайси даврларда юрт раҳбари мамлакат равнақи учун шунчалар жон куйдирган?! Мен Президентимиз сиёсатини чин дилдан қўллаб-қувватлайман, унинг душманларини ўзимнинг душманим деб биламан!

Худо хоҳласа, юртимиз бундан ҳам чирой очиб кетади. Фарзандларимиз, набираларимиз ҳамма соҳада ҳам оламшумул зафарларни кучишади. Буларнинг бари Истиқлол шарофати ва Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан рўёбга чиқажак, илойим!

Мени яна шу нарса қувонтирадики, мана шу улуғ айём кунларига етмаганлар ёди, шаҳид кетганлар хотираси эъзозланмоқда, абадийлаштирилмоқда. Ҳаётимиздаги буюк ўзгаришларнинг боиси улуғларнинг руҳи шод бўлаётганида ҳам эмасмикин?..

— Ҳалима опа, сизнинг ҳаётда ушалмаган армонингиз ҳам борми?

— Ҳаёт қизиқ... Дунёдан фақат армон билан ҳам ўтиб кетиш мумкин. Лекин бу нарса менинг феълимга ёт. Чунки мен ҳаётдан аввало эзгулик ахтараман. Унинг яхши томонларини, нурли қирраларини кўришга интиламан. Мен дунёни юрагимга мамнунлик билан қабул қиламан. Ҳаётнинг энг қийин, энг нурсиз лаҳзаларига дуч келганимда ҳам, мен яшайман, мен кучлиман, мен ўлмайман, деганман...

Ҳалима опа ҳузуридан чиқар эканман, ҳаёлимга дафъатан Қ.Кенжанинг 80-йилларда ёзилган “Хаворанг кўйлак” номли ҳикояси тушди. Унда 20-йиллар алғов-далғовлари туфайли хорижга бош олиб кетишга мажбур бўлган бир оила қисмати қаламга олинади...

Ҳикоя икки касбдош дўстнинг ишдан кейин шаҳар қаҳвахонасига бир оз чақчақлашиш ниятида кириши билан бошланади. Улардан бирининг эътиборини нарироқда ўтирганлар тортади. “Мен ҳам ўша томонга қарадим, лекин ҳеч қанақа ғайритабiiй ҳолни пайқамадим. Фақат стуллардан бирига ётқизиб қўйилган “Океан” транзисторидан қулогимга элас-элас таралаётган кўшиқ оҳанги чалинди:

...Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор, хуш келибсиз.
Ноумид айламасдан мунглиғ фақирингизни,
Кўнглини бир олай деб бисёр хуш келибсиз...

— Ҳалима опа айтяпти! — деди Даврон ака ҳаяжон билан.

Ҳайронман, Даврон ака табиатан оғир, бўлар-бўлмасга ҳаяжонланавермасди. Ҳозир эса, ашула овози келаётган томонга тикилганича бир хил бўлиб мунгайиб қолди. Бир муддат ҳайрон бўлиб турдим-да, сўрадим:

— Нима гап? Нега бундай мунгайиб қолдингиз?

Даврон ака чуқур кўрсинди. Кейин сигаретни устма-уст тортди-да: — Бир воқеа эсимга тушиб кетди, — деди ашулага қулоқ бериб, ўйчан ўтираркан. — У пайтлар биз ҳали Ғулжада эдик. Аниқ эсимда йўқ, ё тўртинчида, ё бешинчида ўқирдим...”

Ҳикоядаги Даврон ака умри давомида ҳеч бир доктор ёки табибга муҳтож бўлмаган онасининг кун сайин қовжираб бораётганлиги ҳақида, кейин билишса, унинг кўнглини туғилган юрт соғинчи ўртаб, ҳолдан тойдирганлиги борасида гапириб беради. Она Ўзбекистондан бир ғуруҳ артистлар келганлигини, улар орасида Ҳалима Носирова ҳам борлигини эшитиб қолади. Умри ғурбатда ўтаётган она учун Ҳалима Носирова аллақачон Ватан, яъни Анжан (Андижон) тимсолига айланган. Зеро унинг мунглиғ кўнглига ёлғиз унинг кўшиқларигина малҳам бўларди. Она ҳатто Ҳалима Носирова ҳақида ўзича тўртлик ҳам тўқиган:

Ҳалимажон, Ҳалима,
Ким йиғлайди ҳолима?
Юзинга юз қўймадим,
Дийдорингга тўймадим.

Она катта ўғлини Ҳалима Носирова қайси ҳовлига тушганлигини билиб келиши учун қисталанг жўнатади. Ўғли билиб келгач, она бирдан со-

ғайиб қолгандек тетиклашади ва Ҳалима Носировани бир кўрмоқ орзусида кенжаси — ёш Даврон билан йўлга тушади.

Бир неча чақирим босишиб, улар ниҳоят Ҳалима Носирова тушган ҳовли дарвозаси рўпарасига келишади. Она Ҳалима Носировани танигани билан, лекин у онани танимайди-ку... Шундан хижолат чеккан она дарвоза рўпарасидаги тераклар остига чўкиб, Ҳалима Носированинг бир бор кўринишини кутади. Уни бир бор кўрса бўлди. Умри муҳожиротда кечган она учун шу дийдорнинг ўзи бас! "...Шу пайт кўш табақали нақшинкор дарвозанинг дарча эшиги ғийт этиб очилди, ва... енглари кенг, этаги тўпигигача тушган ҳаворанг йилтироқ кўйлакли, ўрта бўй, думалоқ юзлари ширмондай қип-қизил, чиройли аёл остона ҳатлаб ўта бошлади.

Мен ялт этиб, ойимга қарадим ва у кишининг соппа-соғдай ўрниларидан санчиб туриб кетганларини кўрдим.

Ўша дақиқа мениям бутун вужудим кўзга, қулоққа айланган эди. Хаёлимда шундай бир манзара кўз олдимга келди: мана, ҳозир ойим "Ҳалимахон!" деб чақирадилар, Ҳалима Носирова бегона юртда, бегона овозда ўз исмини эшитиб, қошларини чимиради, эслай олмай ойимларга тикилиб қолади, кейин "вой ўлмасам, тушимми ё ўнгимми", дейди-ю, кулимсираганча кучоқ очиб кела бошлайди, ойим ҳам пешвоз чиқиб борадилар ва... улар узоқ айрилиқдан сўнг дийдор кўришган опа-сингиллардай бир-бирларининг бағирларига сингиб кетадилар...

Бироқ аслида бундоқ бўлмади.

Ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди.

"Ана Ҳалима!" дедилар ойим ҳовлиқиб, учириб юборган қушлари ортидан талпинаётгандек икки кўлларини олдинга чўзиб. Лекин овозлари титраб, синиқ чиққани учунми, Ҳалима Носирова эшитмади, азондан бери эшикнинг "тиқ" этишига интиқ бўлиб ўтирган аёлни пайқамади ҳам: у йўл четидан биз турган қарама-қарши томонга илдам юриб кетди.

Ойим бошларидан чимматни юлқиб олдилар-да, Ҳалима Носирова орқасидан бир неча қадам ташладилар. Оқ рўмоллари қийшайиб кетган, гижимлаб ушлаган чимматнинг учлари ерда судралиб борарди.

Ҳаворанг кўйлагининг узун этаклари тўпикларига урилиб, билинар-билинимас ҳилпираб бораётган Ҳалима Носирова бу ҳодисани кўрмади, озгина юргач, кўчанинг нариги юзидаги бир ҳовлига кириб кетди..."

"Уйга етиб келдинг-у... ойим... узилдилар...", дея ҳикоясини якунлайди Даврон ака.

Мазкур ҳикоянинг ёдимга тушгани боиси Ҳалима Носирова овози шуҳратини таъкидламоқлик эҳтиёжидан эмас (ҳақиқатан ҳам бемисл доврўф қозонган эди бу ном, бу овоз!), балки мозий гирдобларидан матоңат билан ўтган санъаткор суҳбатидан мутаассир бўлиб чиққанимдан эди. Ўзимни айни дамда қоронғи узлатларда бўлиб, бирдан очиқ кенгликларга чиқиб қолган одамдек ҳис этдим. Бу мусаффо ҳаволи очиқ кенгликлар кундан-кун яшнаб, юксалиб бораётган юрт пойтахтининг манзаралари эди.

Ўпкамни тўлдириб нафас оларканман, кўнглимдан шу фикрлар кечди: мустабидлик қиличи бизни не кўйларга солмади! Тиз чўқтирди, қирди, миллатимизни бўлаклади!..

Беихтиёр, бор бўлсин озод Ватан, бор бўлсин мустақил юрт, дея ҳайқиргим келди!..

Мазкур ҳикоя Истибдод ва Истиқлол қиёси зарурати туфайли ҳам ёдимга тушган бўлса, ажаб эмас.

Кўнглим юксакликларни, тиниқ уфқларни кўмсаб қолганида мен яна буюк санъаткоримиз кўшиқларини тинглайман. Ва шу дамлар ўзим учун муқаддас бўлган туйғуларни қайтадан англай бошлайман... Онам меҳри димогимга гупуриб кирази, болалигим софлиги кўнглимга қайтади. Айни чоғда дунёни файласуфга ўхшаб тушуна бошлайман... Кўшиқ юрагимнинг маҳзун кенгликларига дилбар фиғон бўлиб ёйилади...

Ана шу дамларда турфа ўткинчи оҳанглар, саёз туйғулар, майда мазмунларга кўмилиб қолаётган юракларга мангулик уфқларидан таралаётган ўтли сурурдан сиз ҳам бебаҳра қолманг, дегим келади...

Алексей АВТОКРАТОВ

ИЗДИХОМ

Физиологик очерк

ЭРТА ТОНГДА

Москванинг боқибегамлари ҳали ширин уйқуда фаройиб туш кўраётган, уй-жойсиз дайдилар чордоқ ва ертўлаларда саҳар совуғидан этлари жунжикиб, тишлари такирлаётган, ёпила бошлаган тунгги майхоналардан қувноқ ва тўқ кишилар — бекорчи такасалтангу безори босқинчилар чиқиб келаётган бир пайтда бизларда иш кунни аллақачон бошланган бўлади. Савдосотиқ билан шуғулланувчи кишилар “Жигули” ва “Волга”ларга, “Газел” ва хориждан келтирилган машиналарга тойлар ва қутиларни, қоплар ва жомадонларни ортмоқдалар. Бутун Москва ва Москва атрофидаги уйлардан, гаражлардан, ижарага олинган омборлардан юklar оқиб чиқа бошлайди.

Уйқусизликдан азоб чеккан чоллар ва асаби таранг жиззакиларнинг гашига тегиб машина юкхоналарининг эшиклари тарақлаб ёпилади, моторлар гувиллайди, чироқлар ёқилади ва ҳовлилардан, тор кўчалардан ўрмалаб чиққан автомобиллар катта йўлга тушиб, физиллаб қоладилар. Зеленоград ва Люберцидан, Подольск ва Видноедан юк ортган машина ҳайдовчилар “тулпор”ларини учириб боришаркан, ЙХХДН¹ маскани олдида тўхташади, олиб кетилаётган юкка оид ҳақиқий, кўпинча эса сохта ҳужжатни тақдим этишади, молни “очиб кўрсатишади”, шаҳарга киришади ва аста-секин ўзларига ўхшаб Чертаново ва Ясеноводан, Медведково ва Строгинодан келаётган машиналар карвонига қўшилиб кетадилар. Уларнинг барчаси Лужникига, оддий қилиб айтганда Лужага — Москванинг энг йирик бозорига шошилишмоқда. Бутун Россияда, ундан ташқарида — Хитой, Туркия, шунингдек бошқа жойларда ҳам маълум ва машҳур Лужа бозорини ким билмайди, дейсиз?!

Мана у — Лужа, Новодевичий монастирининг қадимий деворлари ўнг томонда ва орқада қолаётгир, рўпарада улкан қора туйнук — Бережков кўприги остидан ўтувчи лаҳм. Кўпқаторли автомобиллар сафи унга кириб бормоқда. Савдогарлар Лужникининг пуллик автобекатига йўналишмоқда. Бу ерда тартиб ҳар хил: авваллари бекатда тўхтаб туришнинг биринчи соати учун нақд ўн бешта берасиз, борди-ю вақтни беш дақиқага чўсангиз — бутун кун бўйи учун тўлагандек ўттиз беш рубл тўлайсиз. Энди эса бошқача: беш дақиқа бўладими, кун бўйи бўладими, барибир, ўттиз рубл тўласангиз бас. Кун бўйи пуллик бекатга қанча машина келиб-кетади? Эҳтимол, беш минг, балки ўн ёки ўн беш мингдир, буни ҳеч ким санаб кўрмаган. “Улгуржи” кунлари пулини тўлаб қўйган бўлсанг ҳам бўш жой тополмайсан. Шундай ҳам бўладими, ана шу пулли бекат ичида яна битта — “қўриқланувчи” бекат пайдо бўлади, қўшимча ўнталик тўлаб қўйсангиз бўлди. Баъзан қоровуллар машиналарни ёппасига “қўриқланадиган” жойга киритишади, кейин ҳаммасидан ёппасига пуллик жой учун ҳақ олишаверади.

¹ Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат назорати.

Бекатга кириш йўли иккита — биттаси Новодевичий манастири қарши-сида, иккинчиси эса Фрунзе соҳил кўчасида. Новодевичья соҳил кўчаси томонидан яна бир бекатга кириш йўлаги бор. Бу бошқа шаҳарлардан Лужники бозорига келувчи “улгуржичилар” томонидан махсус ижарага олинган автобусларга мўлжаллангандир. У стадион орқасида бўлиб, Лужники соҳил кўчаси томонида жойлашган. Худди ана шу дарвоза орқали ярим тундан сўнг ва эрталаблари бозорга юзлаб юк машиналари қатнайди. Уларнинг кўпчилиги Жанубий Ядродан, қолгани эса Кичик спорт саҳнидан жой эгаллашга шошилади.

Юк билан бекатга кириб бориш унча қийин эмас. Бундан буёғи анча мураккаб. Кириб бординг, жой топдинг — вақтни бой берма, машинани бўшат, арава топ, юкингни унга орт, йиғма столлар, буклама чодир, қоп, жомадон, халта, қутидаги согиладиган буюмларнинг ҳаммасини юкла. Энди майда-чуйдангнинг ҳаммасини арқон тортиб боғла, қанча маҳкам бўлса, шунча яхши. Сен аравани уч — беш юз метр — Лужники бозорига кираверишгача — темир панжара ортигача тортиб борасан. Йўлда ағдарилса борми, ўзингга қийин. Яна қайтадан ортишинг керак, бунинг устига “нега йўлни тўсаяпсан?” деган таъналарга қоласан. Ёзда аравани тортиш осон, асфальт силлиққина, қишда эса қорда судраш анча оғир.

Темир панара ортида эса Москванинг бир парчаси. Худди ана шу жойда ҳамма нарса аралаш-қуралаш, қувонч ва ранж, кулги ва кўзёши, зарлик ва зўрлик, очлик ва тўқлик тўқнаш келади. Кимгадир савдоси юришиб, омад кулиб боқади, кимдир касодга учраб хонавайрон бўлади. Айёрлик ва олғирлик, аҳмоқлик ва гўллик эгизакдай эргашади бир-бирларига. Бундай хислат ва фазилатлар ҳар бир кишида у ёки бу тарзда акс этади. Уларнинг барчаси бирлашиб, яхлит ҳолда намоён бўлиши учун энг қулай шарт-шароит муҳайё бунда. Бу ерда сўнги йилларда Россия ва Озарбойжон ўрта синфининг нишонаси шаклланди. Бу ерда сон-саноксиз пуллар “сояда қолади”, бозорнинг ўз қонун ва қондалари ҳукмронлик қилади. Йўқ, буни Москванинг бир парчаси дейиш унчалик тўғри эмас. Бу — Лужзона, холос.

Темир панжарадан ўтиш йўли бир нечта. Ким — қаёққа, биз эса Бош йўлакка боришимиз керак. Бу йўлак ҳам бир неча дарвозага бўлинади. Биз хув анави: “Юк билан кириш” деб ёзилган дарвозага борамиз. У ерда одам тирбанд, навбат кутишяпти. Дарбонлар ҳаммани текшириб ўтказяпти; савдо қилиш ҳуқуқини сотиб олганмисан, жой ҳақи, кириш ҳақини тўлаганмисан деб элак-элак қиляпти. Чиптанг йўқ бўлса, эсдан чиқарган ёки йўқотган бўлсанг — орқага қайт, бари бир киритишмайди. Ҳа, агар айёрлик қилсанг, ўтиб кетасан, лекин текингамас, албатта. Гап шундаки, Лужзонада қандайдир жамият, ҳаммоллар уюшмаси мавжуд. Пул тўласангиз, ана шу ҳаммоллар ҳар қандай юкингизни тўрт гилдиракли аравага ортиб, бозорга ўтказиб берадилар. Мазкур жамият таркибида асосан озарбойжонлар хизмат қилади, лекин руслар ҳам йўқ эмас. Улар махсус кийим: “ҳаммол” деган ёзувли тўқсарик нимча кийиб юришади.

Мазкур жамиятнинг айрим аъзолари ҳеч нарса ташимайди, эрталабдан бозор йўлагига туради. Унга мурожаат қилинса бас, ҳар қандай муаммо ҳал бўлади-қўяди. Қопга, жомадонга, катта сумкага ўн рублдан тўлаб қўйсанг бўлгани, ҳаммол жар солади: “Буни ўтказиб юборинглар!” Қарабсизки, ҳамма эшиклар очилиб, сизга йўл бўшатишади. Гарчи юкни сотувчининг ўзи судраётган бўлса ҳам аравани ҳаммол етаклаётибди деб ҳисобланади.

Асосий дарвозадан ўнг томонда чипта кассалари бор. У ерда одам ур-йиқит, савдо қилиш учун чипта олишга уринишяпти. Баъзилар чипта сотиб олишади, бошқалар эса ҳайрон: нега кимларгадир сотишадию, кимларгадир сотишмайди бу чипта кургурни? Бош қашиб, узоқ туришади айримлар. Умуман, бунақанги тушунмайдиганлар ҳозир анча камайиб қолган.

“Юксиз кириш” деб ёзилган бошқа дарвозалар олдида ҳам одамлар гавжум. Булар — харидорлар, ҳозирча уларни ичкари қўйишмаяпти, лекин тўғри қилишяпти. Аввалига савдогарлар, юк кўтарган ҳаммоллар кириб олишсин, чодир тикишсин, мол ёйишсин, кейин навбат буларга. Акс ҳолда ҳамма бирданга кирса борми, ит эгасини танимай қолади, бир-бирини уриб-суриб, бо-

сиб-янчиб ўтишади, моллар оёқости бўлиб кетади, бунинг устига ҳеч нарса олишмайди, чунки ҳали қоронғи.

Бироқ шошилиш керак, ҳадемай барча дарвозалар ҳам очилиб қолади. Биз бозорнинг энг нариги бурчагига боришимиз лозим. У ерни “Луч” дейишади. Сектор “В-1” да. Уша ерда биз ушбу ой учун ярим чодирга абонемент олганмиз.

Чап томонда — “Кувур”, Жанубий Ядрога кириладиган кенг ва узун йўлак бор. Сердаромад жой. Бу ерда кўтара савдо қилувчиларнинг эрталабдан кечгача қўли қўлига тегмайди. Лекин бу ердаги савдо ўринлари жуда қиммат, унча-мунчанинг кучи етмайди. Бунинг устига бу жойлар аллақачон сотиб бўлинган. Тўғри юрилса “С—3” секторига борилади. У ерда қиммат нарсалар билан савдо қилишади (аслида бари бир гўр). Харидорлари ҳам ўзига яраша, молни кераклиги учун эмас, қимматлиги учун оладиганлар ҳам бор: “С—3”нинг устида Ленин ҳайкали савлат тўкиб турибди. Худди бозор “томи”ни кўтариб тургандай. Лекин ҳозир Ленинни ҳеч ким бир қақага олмайди, қўлидан келса кўтариб турган “томи”ни ташлаб юборсин. Бу ер бозор, бозорда эса унга қараганда анча “олғирлар” бор. Уларнинг айтгани-айтган, дегани-деган.

— Пўшт, йўл беринглар, йўл! — рўпарадан қоронғилик қаърини ёриб, юк ортилган улкан арава чиқиб келаётир, уни тўртта озарий ҳаммол тарақлатиб итариб келаётир. Йўл берамиз, бўлмасам-чи, уриб ағдариб кетиши ҳеч гапмас.

Мана, ниҳоят, жойимизга ҳам етиб келдик. Чодир жойида, уни аллақачон тиклаб бўлишибди. Бу иш билан бошқа бир жамият — чодирчилар жамияти ташуғулланади. Агар қайсидир савдогарнинг ўз чодир бўлмаса, кунига қирқ-олтмиш рубль тўлаб ижарага олиб туриш мумкин. Албатта, чодирнинг чодирдан фарқи бор, янгими ёки эски, оқми ёки қора — бари аҳамиятга эга. Янги, оқ чодирда буюмлар яхши кўринади ва осон сотилади — нархдаги фарқ ҳам ана шунда. Агар савдогар чодирни олиб келишдан, эрталаб қуришдан, кечкурун йиғишдан эринса, буни ҳам жамият ўз бўйнига олиши мумкин. Нархи — эллик рубль. Жамият бригадаларга бўлинган бўлиб, ҳар бир бригадага маълум сектор бириктирилган. Чегарани буза кўрма — жанг бўлади-я! Ҳа, албатта, чодирни қуриш ва бузиш учун одам ёллашингиз мумкин, бозорда мардикорлар кам дейсизми, кунига ўн беш, йигирма рубль тўласангиз бўлгани. Лекин бунақанги мардикорни бригадчилар ушлаб олса борми, ҳолига вой. Савдогарнинг чодирни эса йиғувсиз қолиб кетади, ҳатто йўқолиши ҳам ҳеч гапмас.

Мана, етиб келдик. Қани, тез-тез молни аравадан чодирга бўшатайлик. Қоп-қанору сумкаларни очиб, илгакли занжирларни чиқариб, чодирни тепа тўсинга илайлик. Хўш, буюмларни занжирга қанақаси илсак экан? Ахир бунинг ҳам жуда нозик томони бор — гарчи занжирлар бир хил бўлса ҳам, уларнинг чодирдаги ўрни ҳар хил бўлади! Энг яхши жой — биринчи осилиб турган занжирники ҳисобланди. Унга илиб қўйилган буюм харидорнинг кўзига биринчи бўлиб ташланади. Шунинг учун ҳам уни яхши олишади. Сотувчи ўзининг яхши молини ҳаммиша ҳам биринчи занжирга илавермайди, чунки яхши молни бари бир сотиб олишади, ҳамма гап — ўтмайдиган молни тезроқ пуллашда. Баъзан бунинг аксини ҳам қилишади. Яхши молни кўринадиган жойга илиб тезроқ сотишади. Мол уники — билганини қилмайдими?

Ана, “Луч”га букланадиган аравачасига катта-катта сумкаларни ортиб семиз аёллар кириб келишди. Сумкалари ҳали бўм-бўш. Булар, ҳалиги Бош қопқа олдида тўдалашиб турган аёллар эмас. Улар бу ергача ҳали етиб келишгани йўқ. Булар олис шаҳарлардан келган кўтарасига олувчи улгуржилар бўлади. Автобусларда кечаси кириб келишган. Энди уйғониб, бозор оралаб юришибди. Ҳали қоронғи, мол яхши кўринмайди, лекин бари бир, савдогар зотиданмасми, ҳеч бўлмаса қўли билан тимирскилайди. “Қанчадан?” — сўрайди бақириб, нархини қанча десанг ҳам, бари бир эшитмайди, яна олдинга сурилади: “Булар-чи, булар қанчадан?”

— Скоч, скоч сотаман, кимга сигарэт! — бозордаги яна бир жамият вакиллари уйғонишди. — Сигарэт, сигарэт, скоч! — Расталар оралаб баланд

бўйли, бугдойранг, қирғий бурун биттаси юрибди. Куртка устидан яшил нимча кийиб олибди, нимчаси кўринмайди денг: олд томондан кўкрагига картон қоғоз осиб олибди, унга йигирматача сигарет қутисининг рамзини ёпиштирган. Елкасига сигарет тўла сумка осиглиқ. Ёнбошида ўттиз-қирқтача скочипга маржондек тизиб қўйилган. Булар афғонлар жамияти. Бозорда сигарет ва скоч билан савдо қилиш ҳуқуқини улар босқинчи-зўравонлардан сотиб олишган. Бундай сотишга бошқаларнинг ҳаққи йўқ. Монополия. Шундоқ қарасангиз, бозорда сигарет сотувчи дўконлар тўлиб ётибди. Уни фақат ўша дўкон жойини сотиб олганлар пуллашга ҳақли. Кўлда эса фақат афғонлар қутисини бир-икки рубль қимматроқ сотишади.

Авваллари зўравонлар оддий савдогарларга ҳам ҳар хил ҳуқуқ сотишарди. Масалан, фалон моллар билан пистон қаторларда савдо қилиш мумкин деган эсклюзив ҳуқуқ бериларди. Агар бошқалар шундай мол сотиб юрганини кўришса: “Йигиштир!” дейишарди, кўнмаса адабини беришар ёки абонементини тортиб олишарди. Айтишларича, жуда катта пул эвазига бутун Лужа бозорида савдо қилиш учун эсклюзив ҳуқуқини сотиб олиш мумкин экан. Лекин ҳозир бу ҳақда ҳеч қанақа гап-сўз йўқ.

— Чой, қаҳва кеп қолди! Иссиққина какао, гўмма кимга керак? — бир-данига иккита гуржи аёли, филдиракли кўчма дўкончани ҳайдаганча жар солиб ўтишди. Ҳозир Лужа бозорида яна бир жамият — Гуржистон “Атторлик” ТОО уюшмаси фаолият кўрсатаётир. Уларнинг филдиракли дўкончаларида уч-тўртга қайноқ сувли термос, эрийдиган қаҳва, какао, чой солинган банка-кутилар, мағизли кулча ва гўммалар ҳамиша бўлади. Баъзан иссиқ хачапурри¹ ҳам топилади. Лекин мазаси унчамас. “Нескафе” қаҳвасининг бир стакан олти рубль, “Голд” — етти, чой — беш рубль туради. Гўммаларнинг нархи ҳар хил. Сотувчилар уч-тўрт соатдан бери тикка туриб савдо қилишаётгани учун қаҳва, гўммаларнинг бозори чаққон.

Иккита турки совуқ ўтиб қолди. Башарасидан от хуркади, савдо қилиш учун ҳужжат суриштиришяпти. Нарироқда кимдир бақириб берди:

— Ни-ма? Сотишга ҳаққинг борми, деяпсанми? Бор, ҳу анави чодирдан суриштир ҳаққи бор-йўқлигини! Тушундингми?

Тушунди шекилли. Нега тушунмасин, ўша чодирда зўравонлар ўтиришибди. У ерга кирган одам тишларидан ажралиб чиқади.

Тонг ёриша бошлади. Харидорлар “Луч”га оқиб кела бошлади. Икки томондан келишяпти. Автобуслар бекаати томондан узоқдан келган улгуржичилар шошилишяпти. Улар яқиндан, Москванинг ўзидан ва Москва атрофидан келувчиларга нисбатан кучли ва фойдали. Чунки кўплаб олишади. Олис шаҳардан келиб озгина мол олиб кетиш зарар, йўл ҳақини қопламайди. Лекин бошқа томондан, четда яшовчи кишиларда пул жуда оз (ҳамма жойда эмас, албатта). У ерларда қимматбаҳо моллар яхши сотилмайди. Шунинг учун олисдан келувчи улгуржичилар арзон буюмларни кўпроқ олади. Унга “сони кўпу нархи арзон” бўлгани маъқул. Кўтарасига мол олувчилар октябрдан кейин ноябр келишини яхши билишади. Ноябрьда эса қор ёғиши турган гап. Демак, қишки кийим асқотади. Шунинг учун у қишки кийимни олдиндан олиб қўяди. “Чакана”чилар бўлса бугунги об-ҳавога қарашади: ёмғир ёғаяптими, демак куртка, плашч, сув ўтказмайдиган буюмлар керак. Ёмғир тўхтадимми — кераги йўқ. Эрталаб сувғиринми — иссиқ кийимдан гапир, кундузи ҳаво исиди — иссиқ кийимни йигиштир.

Бош қопқадан яқин атрофнинг улгуржичилари кириб келишади. Улгуржичилар, дейсизми? Агар мундоқ қараладиган бўлса, улар орасида улгуржи олувчилар жуда кам. “Бор барака” деб роса савдолашади-да, уч-тўрттагина мол олади. Кўтара савдосининг бор-йўғи шу. Кейин чакана бозорга ёки метрога югуриб боради, ҳеч бўлмаса маош олинадиган кунлари завод олдига бориб пуллайди. Агар сотса Лужа бозорига яна келади, сотолмаса — келмайди. Ҳамма камбағаллашиб қолди, билсангиз.

Лекин мана шунақанги “ночор” улгуржичидан ҳам иш чиқади, — ахир товуқ донни битталаб ейди-ку! Муҳими ўша улгуржичиларнинг қанчалигида.

¹ Х а ч а п у р и — орасига гўшт, пишлоқ, пиёз солиб пиширилган нон.

Бозорга кираверишда харидорлар жуда гавжум. Аммо мавсумида ва кўтара савдо кунлари бундан беш барабар кўпроқ бўлади. Лужа бозорида душанба ва сешанба кўтара савдо кунлари ҳисобланади, чоршанба на у ёқ, на бу ёқ. Пайшанба билан жумада кўтара савдо бўлмайди, фойда тушмайди. Шанба билан якшанба — чакана савдо кунлари ҳисобланади. Москваликлар бозорга ёғилади, оз олишади, лекин нархи баланд, ҳарҳолда москваликларда баъзан пул топилиб туради. Улгуржичилар дам олиш кунлари Москвада ва ўз вилоятларида ўз бозорларида савдо қилишади. Сотиб бўлдим — Лужага шошилади. Яқин атрофдаги улгуржичилар ўз машиналарида ёки метрода бозор очи-лишига етиб келишади. Москва чеккаларидагилар эса бирор вокзалда ўтириб метро юришини кутишади.

Дарвозалар олдида роса одам тўпланган. Эшиклар очилишини кутишяпти. Асаблар таранглашган, сўкинишлар бошланыпти:

— Нега очишмаяпти? Вақтимиз зиқ!

Гарчи қоронғи бўлса-да, айрим улгуржичиларнинг ўз етказувчилари бор, ҳамиша ўшалардан мол олади. Ғира-ширада молни яхши кўрмасдан ҳам олишаверади. Шунда сотувчи баъзан нобоп молни ҳам қўшиб сотиб юборади. Ҳозир сўкинаётганлар — ана шундай чув тушганлар.

Ниҳоят, дарвозалар очилди. Халқ навбат билан киради, дейсизми? Ҳечам-да! Ҳар ким олдинроқ кирсам дейди, олдидагини итаради, ёнидагини туртади. Кўпчилигининг қўлида, аравачасида сумка. Қайтишда тўла сумкани олиб чиқиш қийин, шунинг учун улар аравачаларга боғланган. Аравачалар эса оёқларга илашади, аёлларнинг пайпоқ-иштонларини йиртади — яна қий-чув, бақририш-чақририш, сўкинишлар, баъзан муштлашувлар авжига чиқади.

Мана, дарвоза олдида ҳам етиб келинди. Бу ерда яна бир ташвиш: қоровуллар барча қатта сумкаларни текшириб кўряпти. Бу ер — “Молсиз кириш”, сумкада мол бўлиши мумкин. Уни олиб кириш учун пул тўлаш керак.

— Қани кўрсат-чи, сумкангда нима бор?

Ана, биттасини ушлаб олишди. Сумкасида учта свитер бор экан.

— Э, булар брак мол, алмаштиргани олиб боряпман, — дейди ҳарсиллаб жувон. — Бунинг нимаси мол бўлсин?

— Менга нима, мол билан нариги дарвозадан кириш керак. Ўша ерга бориб тушунтир.

Жувонни ичкари киритмай, орқага қайтаришади. Лекин у бечора орқага қайтиб чиқолмайди. Қаршидан оломон оқими бостириб келаяпти. Аёлни буни-си у ёққа итаради, униси бу ёққа итаради. Сўкинишлар яна авжига чиқади.

Худога шукр, каллаварам қоровуллар иккинчи дарвозани очиш кераклигини тушуниб етишди. Энди иш анча енгил кўчади. Лекин дарвоза олдидаги одамлар баттар аралаш-қуралаш бўлиб кетишди. Кимдир чапга, кимдир ўннга, яна кимдир тўғрига юриши керак. Шунинг учун ҳам сур-сур баттар кучайди. Ҳечқиси йўқ. Ҳаммаси изга тушиб кетди. Сафларга бўлиниб, жадалроқ юриб кетишди. Ҳамма олдинга шошилади. Ахир, дарвозадан узоқлашган сайин мол арзонлашиб боради-да. Ишқилиб, ҳаммасини талаб кетишмасин-да! Ниҳоят, одамлар оқими тинчиб қолди, асабий урҳо-урлар ўтиб кетди. Одатий бозор мароми бошланди.

БИРИНЧИ ТЎЛҚИН

Ҳозир курткаларнинг бозори чаққон. Мавсум айна авжида. Болаларбоп, катталарбоп, синтетика дейсизми, парли дейсизми, ҳаммасидан бор. Уларнинг кўпчилиги Хитойдан келтирилган. Ҳозир Лужа бозоридаги молнинг қарийб ҳаммаси Хитойники. Баъзан у ер-бу ерда Польша, Туркия ва Индонезия моллари учраб қолади. Индонезия деганда Хитойда ишланган Индонезия маҳсулотлари тушунилади. Хитойда ишланган Корея, ҳатто Россия моллари ҳам бор. Агар сотувчиларнинг гапига ишонадиган бўлсанг, бозорда Хитой моллари умуман йўқ. Харидор нимани сўраса, бари Венгрия, Туркия, яна Финляндия ва Германия моли дейишади. Сотувчи “Хитой” дедими, та-

мом, молини олишмайди. Хитой деса харидор юзини тескари буради. Тавба, бу сўздан нега бунчалик қўрқишади? Ахир, Хитой катта мамлакат, жуда кўплаб, хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Улар орасида бир чақага қиммат, ярамас моллар ҳам бор. Бундан беш йил бурун молга қатновчилар Хитойдан Россияга фақат шу молларни келтиришганди. Ушанда пештахталарда ҳеч нарсани қолдирмай шипириб кетишганди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас ярамас мол йиртилиб, сўкилиб, ишдан чиқиб харидорлар ҳафсаласини пир қилиб қўйганди. Ушандан бери Хитой моли деса чўчидиган бўлиб қолишди; Хитойникими, демак ярамайди! Ҳолбуки, бутун Оврўпа, Кўшма Штатлар, бутун дунё Хитой моллари билан тўлдириб ташланган — демак, хитойликлар фақат ярамас молларнигина чиқаришмайди. Хитой моллари ҳозир жуда яхши, россияликлар нуқтаи назаридан қараганда ҳам сифати зўр моллар. Эҳ, нодонларга бунни тушунтириб бўлармиди? Молни қўлда ушлаб кўради-да, худди бирор нарсани тушунгандай “туфта” деб қўйишади. Ўзича яроқсиз, нуқсонли бор, демоқчи-да. Куласизми, куясизми?

Кун ёришиб кетди. Савдо айна қизиган пайт, улгуржичи ҳамон ўзини тўрға уради, нархини сўрайди, тушунарли, иложи борча арзонроқ олиш илинжида суриштираверади.

- Қанча?
- Икки юз.
- Кўтарасига-чи?
- Кўтарасига икки юз.
- Сотиб олсам-чи?
- Икки юз.
- Арзонроқ бўлмайдими?
- Йўқ.
- Са-ал тушиб беринг.
- Иложим йўқ. Мен сотувчиман, хўжайин икки юз деган. Нима, ёнимдан тўлайман-ми? (Алдаяпти - хўжайин ўзи.)
- Ке, берақол — юз саксон! Кўпроқ оламан!
- Беролмайман, деяпман-ку!
- Майли, бермасанг берма, бошқадан олақоламан, — жувон ўзини кетмоқчидай қилиб кўрсатади, лекин кетгиси йўқ. — Берақол, юз тўқсондан! Унта оламан! Ун иккита!
- Бўпти, олақолинг!
- Билиб қўй, агар брак ё нуқсон бўлса, қайтариб олиб келаман!
- Гап йўқ. Обкелаверинг, бизда брак бўлмайди.

Аслида гап ҳам бўлади, брак ҳам бўлади, яна қанақаси денг. Лекин жувон сотиб олган молини қайтариб олиб келмайди. Молни узоқ овулига олиб боради, нуқсонли чиқиб қолса ҳам уни бари бир сотади, нархини озгина туширади, холос, Лужа бозорида молни унга ҳеч ким алмаштириб бермаслигини, пулини қайтармаслигини ҳам жуда яхши билади. Бу ерда фақат ўзларининг доимий ва эски мижозларига алмаштириб беришади. Ҳалиги гаплар эса шунчаки, таомил учун. Аслида бу гаплар бир тийинга қиммат. Яна ким билади, дейсиз? Гапдан гапнинг фарқи бор, баъзи харидор, айниқса ўзини ўта “саводли” деб биладиганлар, бу ерда, Лужа бозорида ўз гапларидан баалога қолиб юрадилар — бемаъни хитоб, газеталарни кўп ўқиб, ақлли бўлиб қолдим, дей ўйлайди-да. Нимадир унга маъқул бўлмадими, тамом, қандайдир ҳуқуқ, қонунлар ҳақида ваъз айтадимми-ей! Худди болага ўхшайди, тавба. Ана зиёли қиёфадаги хоним, ўта замонавий бўлса керак, қўлида сигарет, тирноқлари бўялган, пихини ёрган сотувчи аёл билн тортишиб қолди:

— Э-э, сиз қонунни биласизми ўзи? Харидорларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга кўра, сиз шунга мажбурсизки, харидорнинг биринчи талаби билан...

Худди бошқа қандайдир қонунга кўра, сотувчи яна нимагадир мажбурдай.

Вой гумроҳ одамлар-ей, бу ерда қонунлар тўғрисида сен билан ким тортишиб ўтиради, шартга афтинга ёпиштиради:

— И-е, манавини қаранглар, и-е! Вой қари товуғей, бўяниб олганини қаранглар, ўзини ёш кўрсатмоқчи-да! Вой, палағда тухум-ей, кўзингни сузиб, думингни ликиллатиб, айғирларни йўлдан уряпсан! Папироса!

Йўқ, зиёли хоним бу оҳангда гапиролмайди, у бунақанги кўча гапларига ўрганманган, зоти бошқа. Нима қиларди, қочиб қолишдан бошқа иложи йўқ. Бир чеккага чиқиб, даструмоли билан кўзёшларини артаркан, ўзининг зиёлиларча ожизлигини англашдан, сурбетга сурбетларча жавоб қайтаришни билмасликдан аччиқ ўкинади. Энди кайфияти уч кунгача бузилиб юрадиган бўлди. Ҳаммасига газеталар айбдор! Қайси газетага қараманг, “ўз ҳуқуқларингни талаб қилингллар, қонун сизлар томонда!” деб ёзишади. Одамлар бунақанги бемаъниликларни ўқиб олишади-да, ҳамма ерга бурун тикаверишади. Билишмайдики, газета бошқа — ҳаёт бошқа.

Харидорларнинг биринчи тўлқини ҳамон бостириб келяпти. Чор тарафдан сўрашгани-сўрашган:

— Қанча туради?

— Нархи қанақа?

— Неча пул?

— Қанча? Кўтарасига-чи? Қанчадан берасан? Нима бало, осмондан тушдингми? Нариги қаторда йигирма рубль арзон-ку! (Алдаяпти.)

— Бор, ўша ердан олақол!

Кўпгина сотувчилар зўр бериб ўз молини мақташ билан овора:

— Кепқолинг, опқолинг! Кел, келақол харидор, нима десанг бари бор. Кўз бўёқми, лаб бўёқ, қараб кўр у ёқ-бу ёқ. Диққат билан назар сол, яхши-сини танлаб ол!

Жар солиб ҳамманинг қулоғини қоматга келтирган бу қизчани бошқа олиб-сотарлар “С-3”дан ҳайдаб солишди. Лекин “Луч”дагилар индашмади, чунки бу ердагиларнинг ҳаммаси шунақа. Ўз молини мақтаб сотмаса, нима қилади бозорга чиқиб.

— Мана буни кўриб қўй. Бунақасини топиб бўлсан?! — дея қандайдир мўйловдор озарбойжон ўтган-кетганининг қитиқ пагига тегади. Янги келганга ўхшайди, олис қишлоқдан бўлса керак... Гаплари атрофдагиларда кулги уйғотади, холос!

Аста-секин савдо сусаяди. Харидорларнинг биринчи тўлқини ўтиб бўлди. Сумкаю қоғларини тўлдириб олган семиз аёллар орқага, автобуслар бекати-га қайта бошлашади. Энди ўша жойда харид қилган нарсаларини саралашади, қайта тахлашади, автобуснинг юкхонасига ортишади. Юқини ортиб бўлгач, рўйхатни кўздан кечиришади: нимани олишди, нимани эсдан чиқаришди, сотиб олишса яхши бўларди-я! Агар пул ва вақт бўлса янги сумка билан яна бозорга шўнғишади.

Соат ўн бирдан кейин “Луч”да савдо унча яхши бўлмайди. Ана, улгуржи-чи ўтиб кетди, кимлигини билиб бўлмайди: бундайларни “томошабин”, “анальгин” (“бош оғриги” демоқчи) ёки “экскурсантлар” дейишади. Айланади, томоша қилади, нархини сўрайди, афтини буриштиради, молни ушлаб кўради, кесатади ва ҳеч нарса олмай жўнаб қолади. Баъзан “довдирлар” ҳам бостириб келиб қолади. Қаердан келган, ҳайронсан. Кўзлари шокосадай, кўрган нарсасига оғзи очилиб, тикиларкан, шошиб сўрайди:

— Бу қанча? Беринг! Буниси-чи? Беринг!

Шарт-шарт олади-ю жўнаб қолади. Сотувчилар хурсанд.

Савдо анча сусайган экан, ҳожатхонага ўтиб келиш керак. Қайтишда тамадди учун бирор нарса олса ҳам бўлади. Фақат гуржи қаҳваси билан яшаб бўлмайди-ку, ахир. Молингга қўшниллар қараб туришади. Қўшниллар — хо-холлар, балки хохол эмасдирлар: ўзлари Фарбий Украинадан, лекин ўзаро румин тилида гаплашишади, кошки буларни тушуниб бўлса. Бунақалар “Луч”-да тўлиб-тошиб ётибди, ҳаммаси иссиқ турк кўйлаги билан савдо қилади. Кўтарасига тўқсондан. Яхши мол, улгуржичилар олишади. Пештахтадан ошиб чодирдан чиқар экансан, орқадан одатдагидай, ҳар кунни, ҳар соатда такрор-ланадиган сўзлар чалинади қулоққа:

— Эҳ, на мунча қийнайсан мени? Тинчлик берасанми, йўқми? Ҳадеб асабимга тегавермасанг-чи! Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим-ку сенинг дастингдан!

Қаёққа қочиб кутулишни ҳам билолмай қолдим?! — Шу тахлит давом этаверади. На боши бор бу кўшиқнинг, на охири. Бу кўшни Оксана момо, — хохоллардан, бақувват кампир, художўй ва жуда жанжалкаш — улгуржи мол олувчилар билан тортишгани-тортишган. Брак молни алмаштириб беринг, деган экан харидор. Бор гап шу. Шунга денг, кўзини олайтириб, юрагини чангаллайди. Ҳозир ўлиб қолади, деб ўйлайсиз! Лекин кампирдан брак молни алмаштирадиган ёки пулини қайтариб оладиган харидор ҳали онадан туғилгани йўқ.

Лужа бозорида ҳожатхонага кириш учун беш рубль тўланади, ҳечқиси йўқ, чидаса бўлади...

Тунд ноябр аёзи кезмоқда Лужа бозорида. Этни жунжиқтириб, баданни сирқиратади бу совуқ. Ана шундай аёзда аравачага қирқ литрли алюминий бидонни ортиб Лужникининг ғамгин бомжи чираниб ғилдириб бораётир. У пулли ҳожатхонага боради. Катъий қилиб: “Ичиш ва овқатга ишлатиш тақиқланади. Санэпидемстанция” деган ёзув ёпиштирилган жойда сув қувурининг жўмраги бор. Кимсасиз ва бошпанасиз бомж ана шу жўмракка қора резина шлангни улайди-да, бидонини сувга тўлдириб олади. Кейин аравачани судраб чодирлардан бирига элтади. У шу ерда картошка, савзи арчийди. Сўнг яна сувга югуради. Бу ерда бомж учун иш истаганча топилади: емак столларини артиш, идиш-товоқни йиғиштириш, чодирни супириб-сидириш. Лекин овқат тайёрланаётган ўчоққа уни яқин йўлатишмайди. Бирдан текширувчилар келиб қолишса-чи? “Санитария дафтари қани?” дея санэпидемстанция ходимлари ҳамиша ҳозир нозир туради. Қўлга тушсанг — балога қоласан. Кун бўйи қилган меҳнаги учун бомжни икки марта овқатлантиришади. Эҳтимол, бир стакан ароқ қуйиб беришлари, сигарет тутқазилари мумкин. Лекин эркалатиб бўлмайди!

Мана, бўш-баёвгина бир кампир ўттиз беш рублга яхши ҳид анқиб турган иссиққина бир сих кабоб олиб, ликобча билан столга қўйди-да, бир стакан чой олай деб ёнига ўгирилди. Бунини ўша заҳоти қаердандир пайдо бўлган бегона, ўлғудай оч бомж кўриб қолди. Шу заҳоти кабобга чанг солди-ю, оғзига тикди. Энди уни урсанг ҳам, ўлдирсанг ҳам бари бир. Кампир додлаб қолаверди. Шу ерда турган бомж балога қолди, “қараб турсанг ўлармидинг”, эътиборсизлиги учун калтак билан сийлашди шўрликни.

Лужа бозорида бомжларнинг ҳаммаси ҳам иш топавермайди. Иш кўп, лекин бомжлар ундан ҳам кўпроқ. Рақобат. Бўшанг ва ҳаддан ташқари ипирисқиларни олишмайди. Ҳатто сув ташишга ҳам мундоқ “пичоққа илинадиган”ларни олишади.

Олибсотарлар пул тўлайдиган, жамият-бригадалар бажарадиган ишларни бомжлар хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Худо сақласин! Нақд балога қолишади-я!

Бозорда озиқ-овқат истаганча топилади: карам шўрва, қўзиқорин ва товук қайнатмаси, турли-туман емаклар, кўнглинг тусаганини ол. Айниқса, Кавказ таомларини айтмайсизми? Чўчқа, товук, ўрдагу роз, балиқ, мол гўштидан тайёрланган жиз кабоб, шиш кабоб, лўла кабоб, сомса (олдин ўн рубл турарди — ичи қандайдир ичак-чавоқ бўларди, санэпидемстанция бос-тирди — ўн беш рубл бўлди, ичи яна ўша-ўша)лар хилма-хил. Чебуреки, ҳатто пишлоқ ва қўзиқорин қўшиб тайёрланган араб миллий таоми — свиха ҳам топилади. Қизиқ, араблар “сахросида” қўзиқорин қаерда ўсаркан? Яна хичин — орасига гўшт қўйиб пиширилган нон ҳам сотилади.

Арабча свихадан олдим, совуқроқ.

— Нега совуғини бераяпсан?

— Э-э, биродар, — иршаяди озарий йигит, — свихани совуганда еган маъкул. Одат шунақа!

Сурбет бетамизлар-ей, худди мен иссиғини еб кўрмагандай... Бунини тожиклар ҳам тайёрлашади — лекин бунақа сурбет эмас улар. Майли, улар билан ай-тишиб ўтираманми? Энди ундан бошқа ҳеч нарса олмайман. Унинг эса пар-войи палак.

О Қ КОКИЛ

Одамлар: “Лужа бозори кенгу йўли тор”, деб бежиз айтишмаган! Мана, қаршидан Оқ Кокил бостириб келаяпти. Оқ Кокил унинг лақаби. Эски ошнам, елкадор, сочларига оқ оралаган киши. “Кувур”да савдо қилади.

— Эрталабдан бери эллик иккитасини пулладим, — мақтана бошлайди. — Шу бугуннинг ўзида икки машинада мол олиб келинганди, барибир етмади!

Локон йўлга қатнайди. Ҳозир бу атрофда ҳалол савдогарлар жуда кам. Уларнинг кўпчилигини олибсотарлар ташкил қилади. Улгуржи дўконлардан, фирмалардан, узоққа қатновчилардан мол сотиб олишади-да, устига қўйиб сотишаверади. Шундай қилса, ташвиш ҳам анча камаяди-да. Лекин, шунга қарамай, омборларда мол қанча кўп бўлмасин, бари бир хилма-хил эмас, шунинг учун Лужа бозорида ҳамма бир хил мол билан савдо қилади. Шундан рақобат кучли. Молга қатновчи четдан яхши буюм олиб келса, у билан ҳеч ким рақобат қилолмайди, натижада у бозорда қирол бўлиб олади. Баъзан бунинг акси ҳам бўлади — у олиб келган мол дўконларда тикилиб ётган бўлади, бунинг устига нархи ҳам арзон. Шунда четга қатновчи “чув тушади”, хонавайрон бўлади. Ҳа, шунақа, ҳамма нарсани олдиндан билиш қийин.

“Тез орада Архангельскдан чиққан бир одам ўзининг ёхуд Тангрининг иродаси билан доно ва буюк бўлишга эришганини билиб оласан”. Бу гаплар Кокил ҳақида бўлмаса-да, унга ёпиштириш ҳам мумкин. Жуда унчалик буюк бўлмаса-да, ҳарҳолда... У Архангельск вилоятининг чекка бир қишлоғида туғилди. Ҳаёт уни Молдовага улоқтирди, Одесса бўйлаб тентираб юрди. Бир маҳал қарасангиз Москвада пайдо бўлди — лимитчи сифатида, албатта, заводда ғўла тайёрловчи бўлиб ишлади. Ароқ деганни оғзига олмасди. Бирдан қайта қуриш, демократия бошланиб қолди десангиз, одамлар қўлга илинганини узиш-юлиш, ўмаришга тушди. Оддий ишчи нимани ҳам ўғирларди. Қарабсизки, Кокил четга қатнайдиган бўлиб қолди, Хитойга бориб кела бошлади. Ўша пайтларда бундай савдогарлар анча фойда кўришарди — боришга минг доллар сарфлаб, ўн минг топарди. Асосий муаммо — ўша минг долларни қаердан топишда эди. Каттагина устама фоиз тўлаш эвазига қарз олинарди. Яна бир муаммо бор эди: “бориш — харид қилиш — молни тўлалигича олиб келиш”. Бу янги, нотаниш юмуш бўлгани учун анча қийин кечарди. “Сотиш-чи?” — дейсизми? Э, ўшанда бунақа муаммо йўқ эди. Чунки Москва бозорларида ҳеч нарса туриб қолмасди, ўша заҳоти талаб кетишарди, танлаб ҳам ўтиришмасди. Бироқ тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб узоққа қатновчилар авваллари бозорларда эшитмаган “сифат ҳақида”ги гапларга дуч кела бошладилар. Бунга унчалик парво қилишмади. Лекин чув тушишди. Сифатсиз хитой молларини олмай қўйишди. Кўпгина қатновчилар ўзларини четга олишди.

Лекин Кокил ундай қилмади. Ўз вақтида эсини йиғиб, харид қилиш фаолиятини сифатсиз моллар олиб келинадиган Урумчидан Пекинга кўчирди. Чунки тоза мол ўша ерда сотиларди. Ўн еттинчи август танглигини у бепарво кутиб олди, Пекинга қандай қатнаб юрган бўлса, шундай қатнайверди, савдосини давом эттираверди. Лекин кўпчилик савдогарлар касодга учради.

Кокил эса Москва билан Пекин орасида бўзчининг мокисидек қатнашда давом этарди. Унинг мокичилик фаолияти яхши изга тушганди. Аммо Пекиндаги Ябао-Лу бозоридан мол харид қилиш — идорада ўтириб қоғоз тахлаш деган гап эмас, бу ерда мияни ишлатиш лозим. Хитойлик Лёшанинг дамлама қўлқоплари нимага қиммат? Ахир Филай ёки Туллак қўлқоплари ҳам айнан ўшанақа-ку! Лекин тажрибали мокичи бари бир Лёшанининг модели олади. Нега? Чунки тажрибали мокичи унинг ҳалол савдо қилишини яхши билади: беш мингтага буюртма бердингми, беш мингта олиб келади, қайсини келишишган бўлса, айнан ўшани олиб келади, фирромлик қилмайди. Филай ёки Туллак эса икки ё уч юзта кам ёхуд сохта (жуда ўхшашу, сифатсиз), аралаш мол олиб чиқади. Э, бу ёғини сўрасангиз, хитойлар алдашга жуда уста бўлишади. Ҳаммасини текшириб кўр-чи? Торгина, нимқо-

ронғи омборда, яна сенга ўхшаган нечтаси мол оляпти, мол туширяпти. Сенинг молингни ҳам қўшиб, олиб кетишмаса денг! Бунақалар билан фақат вақт йўқотасан (вақт эса Пекинда жуда қадрли), холос!

Нима учун Кокил болаларнинг синтепонли комбинезонларини фақат Коля-Дудукдан олади? Шунинг учунки, бундай моллар бошқа жойларда ҳаддан ташқари арзон бўлса-да, ё сифатсиз, ёки сохта мол бўлади. Ёхуд бир камчилиги бўлиши турган гап. Ҳар қанча қасам ичиш, ишонтиришга уриниш, алдамайдиган кўзларга қарамай, албатта, шундай бўлади. Сизга кўргазмада намойиш қилинаётган молни ҳеч қачон олиб келишмайди. Йиллар синовидан ўтган бу нарса. Арзон мол татимайди, деб бежиз айтишмайди, ахир!

Хитойда мол харид қила билиш бошқа, уни Лужа бозорида пуллаш бошқа. Кокил мол сотишни билмайди, у буни хоҳламайди ҳам. Биринчидан, қув эмас, иккинчидан эса бу иш учун Кампиршо борлар. Кампиршо — бунинг акси: сотишни билади, харид қилиш эса қўлидан келмайди. Бир сафар Локон уни Пекинга жўнатган эди, ишни расво қилди. Йўқ, уни ҳеч ким алдагани йўқ. Ўзи шунақа мол олиб келдики, ҳалигача сотилмай ётибди.

Кампиршо Кокилда сотувчилик қилади, шуниси соз, ҳар ким ўз жойида бўлгани яхши-да. Яхши мол, яхши сотувчи, яна нима керак?

Лужа бозорида мол эгаси билан сотувчи ўртасида муносабатлар турлича бўлади. Баъзан хўжайин сотувчига қатъий маош тўлайди. Айтайлик, кунига юз эллик — икки юз рублдан маош олиш эвазига сотувчи молни хўжайин томонидан белгиланган қатъий нархда сотиши керак. Бу усул яхши самара бермайди — чунки сотувчи манфаатдор эмас. Кўп сотдими, оз сотдими — бари бир маош бир хил. Ҳаммаси сотувчининг виждонига боғлиқ, виждонлилар эса ҳозир жуда кам.

Кўпчилик хўжайинлар сотувчини қизиқтиришга ҳаракат қиладилар — кундалик фойдадан унга қатъий устама ҳақ тўлайдилар. Қанча кўп сотса, шунча кўп олади. Илғор усул ҳам кенг қўлланилмоқда: ўн минглик сотдингми — бир ярим фоиз (юз эллик рубл) оласан, йигирма минглик сотдингми — биринчи ўн мингликдан юз эллик (ва иккинчи ўн мингликдан яна уч фоиз (уч юз рубл), жами — тўрт юз эллик рубл оласан.

Кампиршонинг Кокил билан келишуви бошқача: хўжайин савдо жойи учун кунига ўттиз рубл ҳақ тўлайди, молини бозорга ўз машинасида олиб келади. Уни Кампиршога сотиш учун топширади ва нарх белгилайди. Кампиршо эса уни қимматроқ сотишга ҳаққи бор. Лекин шундай сотиш керакки, мол туриб қолмасин. Бу жуда оқилона иш: Кампиршо сотишни билади, бунинг устига бозорда тез-тез ўзгариб турадиган нарх-навога Кокилдан кўра яхшироқ мослаша олади.

Мавсум авжига чиққан паллада Кампиршо кунига бир ярим, ҳатто икки минг ишлаши ҳеч гапмас. Мундоқ қараганда, кўпдек кўриниши мумкин. Лекин бунга эришиш учун қанча йиллар сарфланди! Уч-тўрт йил деяверинг. Бир сотувчидан иккинчисига ўтиб турадиган “дайди” улгуржичини тўйдирини, ўзингники қилиб олиш ҳазил гап эмас. Ишқилиб аврайди, мақтайди, ўзиники қилиб олади.

Кунига бир ярим мингдан ёмон эмас, аммо совуқда музлаб, ёмғирда ивиб кўр, зилдай қопларни у ёқдан-бу ёққа айлантириб кўр! Мавсум ўтгач — молларга талаб йўқ, сен бўлсанг, барибир, ўтир, музла, ивиб шалаббо бўл, қопларни ағдар, яна текинга Кокилга молни сотиб бериш керак, ўзига қолдирмайди, ахир! Бунинг устига бозорга мол билан кирганинг учун, уни сақлаш учун, яна жарима учун пул тўлаш керак бўлади! Ҳаммаси ўз ёнидан, Кокилга бунинг даҳли йўқ. Шунинг учун ҳам яхши мавсум пайтида бир ярим-икки минг топиш унча кўп эмас. Айни меъёрда. Майли, Кампиршо билан ҳаммаси тушунарли, унчалик ортиқча пул йўқ. Кокил-чи, у бадавлатми? Ким билади дейсиз, эҳтимол, унчалик эмасдир. Қарийб ўн йил мобайнида четга бўзчининг мокисидай қатнаб, унча кўп пул жамғармагани турган гап. Лекин камбағал ҳам эмас. Унча-мунча жамғариб қўйган бўлса керак, бир кунимга яраб қолар деб.

МИШ-МИШЛАР

— Бозор югурдаклари ҳаддан ошишяпти: айтишларича, қаллоблар бизни талашларига, юк хаги, хужжат суриштиришга рухсат беришганмиш.

— Бусиз ҳам билганини қилишяпти-ку!

— Аввал сўрашмасди-ку! Фақат турар жойингни...

— “С-3”даги идорачилар яна айниб қолишганга ўхшайди! Айланиб юриб, ҳаммага тайинлашяпти: “Эртага чодирлар баландлиги уч метрдан ошмасин. Кимники беш сантиметр ошиқ бўлса — кесиб ташлансин, кам бўлса — кўтарилсин!” Энди сотувчилар чодирда тикка туриб эмас, ўтириб савдо қиларкан.

— Вой-вой, ўтириб, ишлаб бўларканми?

— Нима қилибди, ўтириб ишла, тикка туриб бўлмайди, вассалом.

— Эшитдингми, кеча Жанубий Ядрога ментлар (мелиса демоқчи) зўравонларни шунақа бежашибди, вой, бозордан судраб чиқишибди, каллалари асфальтда коптоқдай юмалаб кетаётганмиш!

— Бўлиши мумкин эмас. Ментларнинг ҳаммаси сотилган-ку!

— Э-э, бу ерникилармас, билдингми! Камида МУР¹ дан келишган дейишяпти.

— Негадир бугун чой-қаҳва кўринмаяпти.

— Қаҳвачилар қаёқда қолди, хумор қилаяпти-да!

— Тушингни сувга айт! Ҳали-вери келишмайди ҳам! Кеча биттасини пичоқлаб кетишибди, билмадим нима учун, бугун шунга мажлис қилишяпти.

— Кўйсанг-чи, бугун санэпидстанция босган!

— Э, оғзини мойлаб жўнатишади, ҳадемай чой олиб келишади!

— Биттаси келиб ёқамдан олди: “Уч юз тўлайсан!” деб бўкиради.

— Талончими?

— Кимлигини қатдан билай: ментми ёки талончими? Бўйнида икки энлик қалинликда занжир, кўзида қора кўзойнак.

— Хўш, нима бўлди?

— Ҳеч нима. Уни кимдир чақириб қолувди, кейин мени эсидан чиқарди, шекилли.

— Чодир устига ёпилган полиэтилен пардани олиб ташлаттиришяпти! “Сервис”дан келди — “олиб ташла!” деб буюрди.

— Ёмғир ёғса-чи?

— Мен, дейди, ёмғир билан ишим йўқ, пардани олиб ташланглар...

— Кеча Веранинг қопини ўмариб кетишибди. Ўзиям тоза мол экан, ҳеч ким сезмапти, саккиз “минглик” дейишяпти.

— Нима, кўкидан сакқизми?

— Эсинг жойидами? Ўзинг ҳисоблаб кўр!

— Саккиз минг рубллик мол экан, ҳар тугул...

АЙҒОҚЧИ

Бизнинг “Луч”да қандайдир айғоқчи пайдо бўлди. Ҳамма саросимада, чодирдан чодирга югуришади, шивирлашади. Ён қўшнимиз хохоллар илиб қўйилган кўйлақларни йиғиштиришади, қоғларга жойлашади. Кўплар шундай қилишади, айниқса, “қора”лар. Нима гап, нима бўлди?

— ОМОН, — пичирлашади ҳамма, — ОМОН!

Темир омбор хўжайини озарий расталар оралайди, огоҳлантиради:

— Бозорда ОМОНчилар юрибди! Менга топширасанми? Тезроқ! Беркитаман!

Лужникидаги кўпчилик хиёбонларда бўлгани сингари “Луч”да ҳам фақат бир томондан қаторлаштириб йиғма чодирлар тикланган. Иккинчи томонда эса йиғма чодирларга тўрт барабар келадиган темир қутилар — омборхоналар саф тортиб турибди. Эрталаб темир омборларни ижарага олган тадбиркор унинг

¹ МУР — Москва жиноят қидирув бошқармаси.

атрофига ўн-ўн бештача столчани тахлаб қўяди-да, талабгорларга савдо қилиш учун бериб туради. Буни у ўзича, пулини кассага топширмасдан амалга оширади, ижаранинг шарти шунақа, кечаси молларни сақлаш учун эса атрофига савдогарлардан юкларни қабул қилади. Бунга ҳам рухсат этилади. Бунинг эвазига ҳар бир қопга ўнбеш-йигирма, сумкага ўн рублдан ҳақ олинади. Кўпчилик кечкурунлари сотилмаган молини уйига олиб боришни, эрта-лаб яна олиб келишни хохламай, узоқдан келганлар эса қўйишга жой йўқлигидан темир қутига топширишади. Омбор оғзигача тўлиб кетади. Хўжайин-озарийнинг ўзи бу оғир қопларни кўтариб тахлаб ўтирмайди, буни ўзига эп кўрмайди. Баъзан ўз озарийдан, баъзан руслардан ҳаммоллар ёллайди.

Нимаси кўрқинчи, ОМОН бўлса, нима қилибди? Бу ердагилар ўғри-қароқчилар эмас-ку, нимага қочишади? ОМОН ҳужжатларни текширса, бошқа шаҳарлардан келган озарийлар, хохолларнинг рўйхатдан ўтганлигини аниқласа, нимаси кўрқинчи? Гап шундаки, кўпчиликнинг ҳужжати қалбаки, кўпчилигида шунақаси ҳам йўқ. Ҳужжати ҳақиқий бўлганларга ҳам кафолат йўқ. ОМОНчиларга ёқмадим — бас, “юр-чи, аниқлаштирамиз” дейишади-да вагонларига олиб бориб уч-тўрт соат ушлаб ўтиришади. Эҳтимол, пул бериш керакдир? Унда қўйиб юборишади. Бермасанг ҳам қўйиб юборишади, нима, сени бошига уришармиди. Лекин сенинг молинг нима бўлади, буни ҳеч ким ўйламайди, эҳтимол ўғирлаб кетишар.

Маҳаллийларга — Москва, Москва атрофидан келганларга унчалик тегишмайди, шунинг учун ҳам улар қочиб юришмайди, жим ўтиришади — фақат қувончларини яшириб. Агар барча келгиндилар қочиб кетса, харидор молни кимдан олади? Маҳаллийлардан олади-да! Улар қувонмай, ким қувонсин! Ана энди уларнинг омади юришади, моллари чаққон кетади. Шунинг учун маҳаллийларга ОМОНнинг келгани яхши.

Лекин бу нимаси? Қопларини орқалаганча хохоллар қайтиб келишяпти. ОМОН нэма, — дейишади, — йўқ нарсага шунча ваҳима! Ана бошқалар ҳам кела бошлашди. Маҳаллийлар ичидан зил кетяпти, лекин билдиришмайди.

Лужники бўлими мелисалари бозорда изғиб юришибди: кимдандир пул ундириш пайида. Улар ҳам ҳужжат текширишади, моллар сифатига доир шаходатномаларни титкилашади. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси қалбаки, албатта, уларни шу бозорнинг ўзидаёқ сотиб олса бўлади. Яна бир “жамият” сотади, эҳтимол иккитадир. Ҳали йўлдаёқ “Спортивная” метросидан Лужникигача шундайлар учраб туради. Ўзларича жар солиб юришади:

— Юк хатлари кимга керак, ҳисоб-фактура, кирим ордерлари, маълумотнома-ҳисоб варақаси, сертификатлар сотилади. Яна аллаббалоларни санаб ташлашади. Аслида бундай нарсаларнинг олиб сотарларга сира кераги йўқ, буни ҳамма яхши тушунади. Лужа бозорининг ўзида бундай нарсаларни Бош дарвоза ёнида, яна қаердадир сотишади. Бироқ, қараш керак. Ҳужжатнинг ҳужжатдан фарқи бор. Бир турдаги ҳужжатлар гуруҳи бор, уларда мол тайёрланган мамлакатлар санаб ўтилади, масалан: “Болалар курткаси, болалар шими, иссиқ, болалар қўлқопи — ХХР, Таиланд, Туркияда тайёрланган”. Бундай ҳужжатларни мелиса тан олмайди, “қалбаки” дейди. Бошқача сертификатлар ҳам бор, айтайлик, “Буюм тайёрланган битта мамлакатта битта сертификат”. Бундайларни мелисаларга ёқади, унинг соҳибларидан пул талаб қилмайди. Эҳтимол, бундай ҳужжатларни тарқатувчилар мелисалар оғзини мойлаб қўйишгандир, эҳтимол, йўқ, ким билади, дейсиз.

Умуман, маҳаллий мелисалар қандайдир бўшанг, ҳамма нарсадан тўйиб бўлишганга ўхшайди.

Сотувчи ёнига келади-да, бирор тартибсизлик топиб, суриштира бошлайди:

- Нега сертификати йўқ, ҳужжати қани бунинг?
- Мен сотувчиман, сертификат хўжайинда.
- Хўжайин қани? Сертификат савдо жойида бўлиши шарт!
- Хўжайин бошқа савдо нуқтасига кетувди, бир соатдан кейин келаман, деганди.
- Билиб қўй! Бир соатдан кейин келаман, сертификатни топиб қўй!

Эҳтимол, бир соатдан кейин қайтиб келар, балки келмас, сертификатни бирор қўшнидан олиб туриш мумкин. Мелиса эса, бу олибсотардан пул чиқмаслигини тушуниб етди, бошқа гапга қўнадиганини топади. Айрим сотувчилар жуда безбет бўлишади, рўйхатдан ўтмагани ва бошқа нуқсонлари учун мелисаларга тўлашмайди. “Бўлинмага юр, — дейишса, — “Бормайман, — деб туриб олишади, — молимни кимга қолдираман!” Аёллар бўлса шундай чий-иллаб берадики, худди кимдир уни бўғизлаётгандай.

Кўпчилик мелисалар бунақалар билан ёқалашиб ўтирмайди, шовқин кўтаришдан бирор фойда чиқмайди. Албатта, баъзи “ўжарлар” ҳам топилади. Ишнинг жанжалсиз битгани яхши, оз бўлса ҳам соз бўлгани маъқул: бирор “қора”ни ушладингми, дарҳол чодир орқасига олиб ўт ва орқага қайт, чўнтакда оз бўлса ҳам пулни шалдиратиб. Дарҳол бошқасини тумшугидан илтир. Нима қиласан кимнидир бўлинмага судраб? Бари бир нишон беришмайди. Ишнинг яхшилик билан битгани маъқул.

Сотувчилар ҳаммадан кўра, солиқ назоратидан кўпроқ кўрқишади. Солиқ назоратчиси пайдо бўлди дегунча бутун бозор жимиб қолади. Уша заҳоти чодирлар йиғилиб жуфтакни ростлашади. “Темир қутилар” шоша-пиша юкларни қабул қилади, улгурмаганлар кеч қолади. Жанубий Ядрога ва Кичик спорт майдонидаги юзлаб юк машиналари шарақ-шуруқ беркилиб, иш тўхтатилади.

Солиқ назорати нима қилади-ю, нима қилолмайди буни ҳеч ким билмайди. Фақат шу нарса маълумки, агар барча талабларга амал қиладиган бўлсанг, умринг маълумотнома ёзиш, ҳисоб-китоб дафтери тўлдириш, қоғозбозлик билан ўтади. Савдо қилишга вақт қолмайди. Умуман, солиқ назорати ипириқки, майда-чуйда олибсотарлар билан шуғулланмайди. Лужа бозорида йирик лаққалар ҳам бор. Уларнинг қармоққа илиниши қийин. Лекин, эҳтиёт бўлган яхши. Шу боис ҳамма ўзини четга олади.

“ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИ” ВА “ПИШАНГЛАР”

Куннинг ўрталарига келиб савдо анча сусайди. Лекин ҳаммада эмас. Бурчакдаги чодирда савдо авжида, бир неча кундан бери шундай. Ёки ҳайбаракаллачи қўйишганмикин? Бир кўриш керак. Бизнинг қаторда бунақа тиргач пишанглар кам учрайди. Аммо Жанубий Ядрога...

— Вася, узатсанг-чи, Вася! “Эм”, “Эл”, “Икс-эл” ҳаммасидан ўралганидан бер! — деб бақиради гавдали, ҳаракатчан аёл. Кўкракдан ҳам худо берган экан бу малласоч аёлга. Дарвоқе, ҳозир Лужникидаги барча лўлилар малласоч.

— Люда, ма, ушла, Люда! — қичқиради унга тепадан — ёпиқ юк машинаси устидан Вася ва пастга учта нимча ўрамасини ирғитади. Люда уларни чаққонлик билан илиб олиб, навбатда турган харидорга тутқазади.

— Мана, кўр, қоқиндиқ. Сифати жуда яхши бунинг! Бизда нуқсонлиси бўлмайди, фабрика моли-я!

— Биладан, айланай. Мен олдин ҳам сизлардан олган эдим, — дейди ёш аёл молнинг афтига ҳам қарамасдан буклаб кир хитой сумкасига тикаркан (ҳозир Лужникида кўпчилик кўтара олувчилар шунақа сумка судраб юришди), Людага пулини узатади-да, бошқа машина ёнидаги харидорлар тўдасига бориб қўшилади.

— Ҳамма бичимдан иккитадан узат, Вася!

— Люда, ушла, Люда!

Люда илиб олиб, молни мақтаркан бўз плашдаги аёлга узатади. У ҳам ўз навбатида нимачаларни мақтаганча сумкасига жойлайди:

— Яхши буюм! Бунинг ишқибозлари кўп. Тагин ҳамма бичимдагиси бор!

— Қанақаси десангиз ҳам бор, қизлар, ола қолинглар! Биз “Эрлан” фирмасиданмиз. Устамаси йўқ, Венгрия моли, — дейди Люда овозининг борича ва навбатдаги пул дастасини санаб чўнтакка уради. — Сизга нечта, ҳой аёл? Вася, узат!

Савдо жадал кетяпти, гап йўқ. Лекин бу қанақаси? Нега энди? Ҳалиги увоқ юзли қиз ва бўз плашчли аёл нега яна навбатга туриб олишди? Нега

улар олаётган молларини бир-бирига, навбатда турганларга мунча мақташадими? Ана, яна биттаси келди, ҳозиргина олиб кетувди-ку!

Буларни “ҳайбаракаллагилар”, ёки бошқача қилиб “тиргач-пишанлар” дейишади. Бундай навбатдаги харидорларнинг қарийб ҳаммаси “қўйиб қўйилган”, яъни маълум миқдордаги (кунига етмиш-тўқсон рубл) пул эвазига сотувчи томонидан ёлланган “ҳайбаракаллагилар” лардир. Баъзилар ўтмас матоҳни пуллаш учун шундай йўл тутишади. Тажрибасиз улгуржичи ёки бошқа харидор, бозордаги ғала-ғовур, бақир-чақирлардан гангиб қолиб, нимани олишни билмайди-да, одамлар кўпроқ нимани олишаётганига қизиқиб қолади.

“Бошқалар менга ўхшаган аҳмоқ эмас, нима олишни билишади. Тортқиллашларини қара”, — деб ўйлайди-да, навбатга туради. Навбатда тураркан, ушбу “венгер” нимчаларининг афзалликлари ҳақидаги ҳар хил уйдирмаларни эшитиб, “кўпроқ олган маъқул” деган маслаҳатга ишониб, шўринг кургур бу кўтарасига олувчи савдогар бор пулига шу молдан сотиб олади.

— Вася, узат! — дейди Люда алоҳида урғу билан. — Ҳаммасидан бештадан бўлсин, Вася! Тушундингми?

— Тушундим! — дейди Вася ва машина устидаги улкан қанордан ўн бешта пакет олади (ҳолбуки уларнинг ҳаммаси битта бичимдаги нимчалар), чўнтагидан ёрлиқ тўла учта пакет чиқаради, улардан ҳар хил бичим кўрсатилган ёрлиқларни бир хил бичимдаги нимчаларга қадаб чиқади ва :

— Люда, мана! Ушла! — дейди.

Қарабсизки, сумкасини “ҳар хил бичимдаги “венгер” нимчаларига тўлдирган бечора улгуржичи тўдадан чиқиб йўлга равона бўлади. Кунига яна шунақа кўтарасига олувчилардан келади-ю, қараб турибсизки, ўтмас матоҳ бўлиб ётган ўлик мол сотилади-кетади. Арзимаган пулга олингани учун ҳайбаракаллагиларга кетган пул ҳам қопланди, фойда ҳам кўрилди.

Ҳайбаракаллагилар — ҳар хил одамлар. Улар орасида ишсиз юрган москваликлар, Россиянинг турли чеккаларидан келган, украиналик хоҳоллар ва рус аёллари бор. Булар қорин тўйдириш илинжида Лужникига келишган, лекин тузукроқ ерга жойлаша олмаганлардир. Бунинг устига “ҳайбаракаллагилар” ҳаммани ҳам олишавермайди. Сал тузукроқ кўринишга эга бўлиши керак, акс ҳолда уларга ким ҳам ишонарди. Мол эгасини танишлари, ким томонидандир тавсия қилинишлари лозим. Чунки уларнинг қўлига пул берилади — гўё олинаётган молга тўлаши учун, буюм топширилади. Бордию ўғирлашса, умуман молни олиб қочиб кетса-чи?

— Люда, мен олганим йўқ! — шикоятмуз чақир-қочиб эшитади юк машинаси ортидан.

— Мен олма-дим, Лю-да!

— Яна битта нимча етишмаяпти — эсингни едингми? — Люда дарҳол машинадан чиқиб “иш жойига” боради. Боягина катта сумкада мол олиб кетган аёл унинг ёнига боради. Шу жараён яна такрорланади: “Ҳайбаракаллагилар” аёл яна навбатга туради, мол сўраб олади, уни яхшилаб кўздан кечирилади, маъқул-лаб мақтайди, кейин сумкасига солиб пулини тўлайди ва даврадан чиқиб кетади. Қаерлардандир беш-ўн дақиқа айланиб келади. Кейин юк машинасини айланиб ўтиб орқа томонидан келади. Тепадан уни кўрган Вася илгакли арқон ташлайди. Ҳайбаракаллагилар ўз сумкасини ўша арқонга илади. Сумкани юқори тортиб олган Вася ичидан нимчаларини бўшатади, сўнгра Люданинг сўрови билан пастга узатади. Жараён шу тариқа такрорланаверади.

Ҳайбаракаллагилар фақат ўтмас матоҳни пуллаш билангина кун кўрмайдилар. Баъзан савдогар яхши сифатли мол олиб келади. Айрим сабабларга кўра уни тезроқ сотгиси келади. Шунда у тиргачларни ишга солиб, савдони тезлаштиришни уюштирилади ва бир ой давомида сотиладиган молини икки ҳафтада тинчитади. Вақт эса — пул туради. Лужа бозорида сотиш жойи жуда қиммат.

Одатда, оддий “ҳайбаракаллагилар” уч-беш кишидан иборат бўлади. Айрим ҳоллардагина уларнинг сони ўттиз-қирқ ва ундан ҳам кўпроқ кишига етади. Бир сафар “С-3” секторидаги савдо чодирларидан бири олдида катта

навбатчилар тўдаси тўпланиб қолди — улар эллик кишидан кам эмасди. Сотилаётган нарса эса оддийгина свитер бўлиб, ур-тўполон бўлишига сал қолди. Бир-икки кун шундай тўполон, тортишув билан ўтди. Свитерларни талаб кетишарди, денг! Тавба, бу қандай мўъжиза! Теварак-атрофдаги сотувчилар роса бош қотиришди, муҳокама қилишди, лекин, “ҳайбаракаллачилар”ни фош қилиша олмади: иш ўта кенг қамровда олиб бориларди. Бунинг устига чодирга мол билан тўла янги-янги қопларни таниш Лужники ҳаммоллари ташиб келишарди, харидорлардан ҳеч ким сумкаларини қайта топширмасди. “Ҳайбаракаллачилик”дан бирор белги кўринмайди.

Савдогар халқи жуда ҳасадчи бўлади. Агар қўшнининг моли чаққон кетаётган бўлса, ичини ит талайди! Узини ўтга уради, сувга уради, худди ўшанақа молдан топмасдан қўймайди. Ниҳоят, свитерлар қаердан олинганининг тагига етишди. Черкизов бозоридаги фалон контейнерда сотиларкан. Унчалик қиммат ҳам эмас, лекин афсуски, унда кўтарасига жуда катта миқдорда олганларгагина сотиларкан. Энг ками эллик минг долларлик пулланаркан. Ундан камига ҳам гап бўлиши мумкин эмас.

Нима қилиш керак? Нафс курғур қўймайди. Савдогарлар йиғилишиб, қарз-қурз қилишиб, Черкизов бозорига эллик минг доллар билан боришди. Бир талай қопда свитерлар олишди. Ҳар бир қоп — тоза олтин деяверинг!

Лекин эртасига мундоқ қарашса, кечаги навбатдан, ур-йиқитдан асар ҳам йўқ. Ҳалиги омадди сотувчилар кўринмайди. Юраклари “шиғ” этиб кетди. Кун бўйи уч жойда учтагина свитер сотишди. Улар гап нимадалигига энди тушунишди, лекин кеч бўлган эди. “Ҳайбаракаллачилик”ни уюштироқчи ҳам бўлишди, аммо фойдаси бўлмади. Энди ўзлари ҳам бозорда кўринишмайди, қарз берганлардан яшириниб юришибди. Свитерлар эса ҳануз қопларда ётган бўлса керак, агар чув тушганлар аламдан уларни ёқиб юборишмаган бўлишса.

Кейинчалик билишса, иш шундай бўлган экан: олиб келинган свитерларни сотолмаган Черкизов бозорининг айёр қаллоблари Лужникида “Ҳайбаракаллачилик” уюштиришга қарор қилишди. Бунинг учун улар “тиргач”ларни Лужа бозоридан эмас, Черкизовдан танлашди. Токи уларни ҳеч ким танимасин. Молни ҳам чодирга қайта топширмасдан, махсус ижарага олинган омборга топширишсин. У ердан свитерлар яна фабрика қопларига тахланиб, ўз ҳаммоллари томонидан араваларда савдо чодирга олиб бориладиган бўлсин.

Ана шунақа черкизовликлар: ҳам ўтмас молни тез сотишди, ҳам мўмайгина пул ишлаб олишди. Ҳонавайрон Лужники сотувчиларига келсак, “бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур”нинг маънисини чақиб кўрмаганларидан шу аҳволга тушиб қолишди.

“Ҳайбаракаллачилар” ҳақидаги гапни тугатар эканмиз, шуни таъкидламоқчимизки, улар қўшниларининг савдо қилишларига жуда ҳалақит беришадди. Чунки уларнинг пештахталари олдида ўралашиб, молларини тўсишади. Қўшнилари жанжаллашиб қолишади. Агар сен Жанубий Ядрога юк машинаси бортини ижарага олмоқчи бўлсанг, машина эгаси одатда: “ҳайбаракаллачи биланмисан ёки йўқми?” деб сўрайди. Агар одаминг бўлса қимматроқ ҳақ талаб қилади ёки умуман жой бермайди. Ҳозир мавжуд бўлмаган инсоф юзасидан айтиш керакки, одамлар “ҳайбаракаллачилар”сиз ҳам мол олиш учун навбатга туришлари, олувчилар ҳам чинакам харидорлар бўлиши мумкин. Афсуски, бу жуда камдан-кам бўлади.

МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Лужа бозорида тартибни қўриқлашни расмий равишда “Гарант” ИЧП соқчилари бажаради. Бу уларнинг қора куртқалари ёқаларидаги ёзувдан ҳам билиниб турибди. Улар автобекатларда, кириш-чиқиш жойларида, умуман Лужники бозори атрофида тартибсизликлар чиқмаслигига масъулдилар. Бозор худудининг ўзида бу вазифани “Сервис” ёзувли яшил куртқа ёки нимча кийиб олган ёш йигитлар бажаришади. “Сервис”лар сотувчиларда савдо қилиш ҳуқуқини берувчи чипталар борлигини текширадилар, осилган моллар чо-

дирлардан чиқиб турмаслигини назорат қилардилар, сотувчиларнинг ўзаро жанжаллини, сотувчиларнинг харидорлар билан низоларини (“молни сотиб олаётганинда кўзинг қаерда эди”) бартараф этадилар, умуман тартиб (тартибсизлик)ни таъминлаш билан шуғулланадилар.

Бир қарашда бозорда бошқа ҳокимият йўқдек кўринади. Мелиса ва сийрак ОМОНчилардан ташқари, албатта. Улар эса бу ерда савдо қилувчилар учун ўта зарарли ишлар билан шуғулланадилар, холос.

Бироқ Лужники ҳокимиятининг мана шу барча чавандозлари қиёфасида умумий мукамаллик кўринмайди, бари бир нимадир етишмаётганга ўхшайди. Масалан, бу соҳада унча уқуви йўқ одам қандай қилиб абонемент сотиб олишни ёки савдо қилиш ҳуқуқини берувчи чипта соҳиби бўлишни сира тушунолмайди. Кассалар кўпинча берк бўлади, очиқ пайтларида эса чипталар бўлмайди. Чипталар йўқ, лекин расталарда бўш савдо ўринлари мавжуд, улар анчагина. Уқувсиз одам: “нима қилай?” деб “сервис”га мурожаат этади. У аввалига, бу менинг муаммом эмас, чипталар кассаларда сотилади, деб жавоб қилади. Кассаларда эса чипталар йўқ. Ва ҳоказо. Лекин шунақами ёки бошқачами, ҳарҳолда таниш ва нотаниш хайрхоҳларнинг хабарларига кўра, савдо билан шуғулланиш илинжида юрган одам бу масалани зўравон юлғичлар ҳал қилишини тушуниб этади. Ҳар бир растанинг эса ўз зўравони бўлади. У ҳурмат юзасидан “раста бўйича бошлиқ” деб аталади. Уни қаердан топиш мумкин? Бу ҳам мураккаб масала, тагин ҳар бир қаторнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. “Сервис”дан сўра” дейишлари мумкин. У ёғини яна ким билади, дейсиз. Агар муомалангиз ёқиб қолса: “Эртага фалон жойда бўлади” дейишади.

— Уни қандай танийман? Исми нима?

— Ие, нима деяпсан, қишлоқи, эсингни едингми? Билганингни қилмайсанми! Йўлингдан қолма.

Майли, қандайдир йўл билан бирор хайрхоҳни алдаб-сулдаб кўндирди ҳам дейлик, у бўлса, ҳув ана, қора курткалик, исми Саша, деб кўрсатиб кўяди.

Эрталаб соат саккизларга улар тўпланадиган жойга етиб келасан, ўша қароқчилар тўдаси ўзларининг талончилик ишларини муҳокама қилиб бўлгунча кутиб турасан. Йўқ, ҳозир у зўравонлар бир вақтлар бизга озодлик ва демократия тонги олиб келган босқинчиларга сира ўхшамайди. Даҳшатли башара, тоза қирдирилган ғуррали бош, йўғон бўйину “шиша” кўзлардан асар ҳам йўқ. Ҳаммаси тоза ва одми кийинган. Бу одамлар халқ орасида ишлашади, атрофидагилардан ажралиб турмасликлари керак. Саша — ўрта бўй, йигирма, йигирма бешларда бўлса керак. Одамлар орасида кўрсанг, бандитлигига сира ишонмайсан.

Ана, маслаҳат тугади. Сашани четга имлайсан, дардингни айтасан. У сендан кўзини узмай, диққат билан эшитади, оҳиста, хотиржам гапиради.

— Биласанми, — дейди, — рост, ҳозир жойим йўқ. Икки кундан кейин келгин, мен суриштириб кўраман.

— Жой бор, ахир! — Мен кўрдим, мана ёзиб олганман, фалон-фалон жойлар!

— Қайси-қайси? — Саша ўша жойларни дарҳол ён дафтарига ёзиб олади. — Бўпти, эртага кел-чи, мен аниқлаб кўяман, балки ўша жойлар ҳали сотилмагандир. Нархини биласанми?

— Бўлмасам-чи!

— Яхши, келишдик! — дейди Саша дўстларча қўл узатиб.

Эртасига Саша ё келади ёки йўқ. Агар уни ушлайман, десанг, камида уч кун қидирасан. У, албатта, сенинг кимлигингни ва нима кераклигини эсидан чиқарган бўлади. Эслатишингга тўғри келади. Шунда у ён дафтارينи титкилаб, эслайди:

— Ҳа-я, мана! Лекин ҳалиги жойлар банд экан (у бу жойларни бошқаларга сотиб бўлган). Биттаси қолибди, фалон жой. Оласанми?

— Оламан.

— Яхши. Лекин лойини ҳозир ололмайман. Ўзинг тушунасан, ҳозир ишим кўп. Эртага келақолгин. Худди шу пайтда. Фақат кечикма!

Эртасига, фараз қиламиз, учрашув вақтида ўтди. Талабгор бир амаллаб Сашага бир неча юз долларлик коғозларни узатади. Тўлов фақат юз долларликлар, тоза ва бели букилмагани билан амалга оширилади.

— Ҳаммаси жойидами? Билиб қўй! — дейди Саша сўзига урғу бериб, кейин қўшиб қўяди. — Сени шу бугуноқ рўйхатга киритиб қўяман. Абонемент сотиб олсанг бўлаверади.

Эртаси кунни талабгор кассага бориб, ўз фамилиясини айтади, икки ярим — уч минг рубл тўлаб бир ойга савдо қилиш ҳуққини берувчи абонементни бамайлихотир сотиб олади. Мана, иш қандай битади. Ҳеч қанақа таъмагирилик йўқ. Аксинча, сотувчи ўзи бандит ҳузурига боради, ёрдам сурайди. Буни порахўрлик деб ҳам бўлмайти: бандит — мансабдор шахс эмас.

Айрим расгаларда чипта ва абонементлар бандитлардан жуда жўн сотиб олинади. Ҳафланинг маълум кунни ва соатида, темир чодирларнинг биттасида бандит Андрей (Толя, Игорь — бари бир эмасми?) “Сервис” муҳофазаси остида даъвогарларни қабул қилади. Сотувчилар навбатга туришади ва қатъиян битта-биттадан қабул қилинади. Сотувчи кириб, фамилиясини, жой номерини айтади ва пулини столга қўяди. Олинадиган пул миқдори вақти-вақти билан ўзгариб туради. Бу мавсум ва бозордаги умумий вазиятга боғлиқ. Бандитлар нархни гоҳ оширишади, гоҳ туширишади. Зўравон айтилган фамилияни рўйхатдан текшириб кўради, пулни санайди ва “жойида!” — дейди. Агар бирор қоғоз унга ёқмаса бақририб, дўқ қилади, алмаштиришга мажбур қилади. Жараён шу билан тугайди. Сотувчини эса кассада чипта ёки абонемент кутиб турган бўлади.

Бу бандитларнинг ҳаммаси, эҳтимолки, бутун Лужники бозорини назорат қилаётган жиноятчилар гуруҳлари иерархиясининг энг пастки босқичини эгаллаб туришгандир. Эҳтимол тугилган машиналарни миниб юришгандир. Анча йирикроқ бандитлар, ҳар қандай бригадирлару бойваччалар бозорда қарийб кўринишмайди, ҳарҳолда сотувчиларга қораларини кўрсатишмайди. Фақат ҳар замонда бандитларнинг махсус автобекатларида физиллаб улкан “Мерседес” ёки ярқираб турган яп-янги “Волво” кўриниб қолади.

Бандитлар маҳаллий мелисаларга парво қилишмайди. Лекин ОМОНдан ҳайиқишади. Ўз каналлари орқали ОМОНчилар келишидан хабар топиб бандитлар бозордан ғойиб бўлишади. Демак, ҳозирча ОМОН сотиб олинганича йўқ экан-да? Лекин ОМОНчилар келишади-ю кетишади, бандитлар эса шу ерда қолишади. Ва ҳамини э бир растада, ёки бошқасида қайсидир сотувчини қон қақшатишади.

Аваллари бандитларда “сўл” бизнес жуда яхши кетарди. Чунки бозорда савдо тузук бўларди. Шунга кўра савдо жойлари ҳам камёб эди. Савдогар каттагина ҳажмда бозори чаққон молдан оларди, лекин уни сотолмасди — нега деганда сотиш жойи бўлмасди. Аммо сотувчи сотувчига бўри — бандит ёнига бориб: “Менга қара, мана шу қатордан кимнидир чиқариб юбориб, жойига мени қўйгин — устига яна доллар қўшиб бераман. Сотувчини растадан чиқариб юбориш қийин иш эмас: аввалига “сервис” келади:

— Қани абонементингни кўрсат-чи?

— Мана, марҳамат!

— Яхши. Лекин атрофингда нега ахлат уюмлари ётибди. Қаҳва идишини нега бу ерга ташлагансан! Абонементда нима ёзилганини ўқиганмисан ўзи? (Унда ростдан ҳам “сотувчи чодирда ва унинг атрофида тозалikka риюя қилиши керак” деб ёзилган.) Жарима тўлайсан — уч юз рубл!

Сотувчи гап нимадалигига тушуниб етса-ку, ўша заҳоти ёнидан уч юзни чиқариб бера қолади. Гап талашадиган бўлса ёки мен ифлос қилганим йўқ, деса борми, тамом!

— Жарима тўлашдан бош тортаяпсанми? — дея абонемент майда-майда қилиб ташланади. — Қани, йиғиштир молингни, сенинг бу ерда савдо қилишга ҳаққинг йўқ!

Қаршилик кўрсатдимми — баттар балога қолади, молини тортиб олишади. Яна норозилик билдирса, махсус хонага олиб киришади, пўстагини қоқиб, жигару талоғини эзиб, майиб қилишади. Бундай ҳоллар бўлган.

Лекин ҳозир савдо анча сусайди, жойлар бемалол бўлиб қолди. Бироқ ўмарининг янги йўллари топилди. Масалан, бандитлар келаси ой учун бож

йигиб олишади. Савдогарлар абонемент сотиб олиб, жойларига туриб савдо қилишмоқда. Лекин орадан икки кун ўтгач, зўравонлар яна пайдо бўлишади.

— Ҳой, буёққа қаранглар, кимдир бизга қалбаки доллар тиқиштирибди. Қоронғида сезмай қолибмиз. Сен эмасми? Билиб қўй, агар аниқласак...

Майли, ҳеч ким тан олмаяптими, демак, ҳаммаларинг айбдорсан! Ҳар қайси биринг икки юз бакса¹ дан тўлайсан. Эртага тахт бўлсин! Мунтазам шундай. Ҳали бу қаторда, ҳали нариги растада. Бу кимнинг ташаббуси, айтиш қийин: Эҳтимол қароқчилар тўдасининг бошлиқлари шундай буюргандир. Балки майда йўлтўсарлар ўз ҳамёнларига ишлашаётир. Баъзан “сервис” ҳам ахлат баҳонасида сотувчини шилади:

— Жарима — уч юз рубл. Майли сен яхши йигитсан, икки юз берақол! Ахлат ташламанглар, бунинг дўст сифатида айтаяпман.

Ҳозир уларга ҳам қийин: галати иш — махсус кийимдаги кишилар пайдо бўлишди, ёқасига “фаррош” сўзи ёзилган. Расталардаги ахлатни махсус қутиларга йиғиштиришмоқда. “Сервислар” зерикиб қолишди.

Яна бир янгилик ўйлаб топишди: портатив касса аппаратлари сотиб олишга амр этилди (қаердан бўлса ҳам, яхшиси бандитлардан сотиб ол). Бундай аппаратлар ҳар бир чодир, ҳар бир “темир” омборда бўлиши шарт қилиб қўйилди. Бундай кассаларни ишлатиш керакми ёки пештахтага қўйиб қўйиш керакми — бу ҳақда ҳеч қандай кўрсатма йўқ. Хоҳласанг қопга солиб, бир чеккага тахлаб қўй, ишқилиб сотиб олсанг бўлгани. Тартиб ўрнатишяпти. Кўкракка сотувчининг фамилияси ёзилган ёрлиқ тақиб юриш ҳақида кўрсатма берилди. Бунинг учун эса ҳар ойда кассага юз йигирма рубл тўлаб турилиши шарт.

Лекин бари бир, нима бўлишидан қатъи назар, сотувчилар бандитлардан, “сервис”чилардан хафа эмаслар. Одамлар зўравонлар ва ўмарувчиларсиз яшаш мумкинлигини сира тасаввур қилолмайдилар. Бу аввал ҳам бўлмаганди, бундай кейин ҳам бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси қуруқ гап, худди коммунизм ҳақида, ёрқин уфқлар, демократия ҳақидаги сингари қуруқ гаплар холос. Бандитлар бўлмаса, бошқалар бўлади... Мелисалар ҳам шундай... Ҳозир ҳарҳолда сал-пал инсоф бор. Бож тўлаб қўйдингми, бозор ичкарасида анча тинч бўласан. Қандайдир, талаб кетди, деган гапни қарийб эшитмайсан. Албатта, ҳамма бозорда бўлгани сингари кассавурлар бу ерда ҳам бор. Илиб кетувчилар ишлаб турибди: харидор сумкасига сал бепарво бўлдими, сотувчи қопини ташлаб қўйдими, тамом, улар бандитлар ҳимоясида ишлашмаётгандир, яна ким билади, дейсиз.

Лужа бозорида “лохотронлар” ҳали йўқ. Бундай қароқчилар Москванинг бошқа бозорларида анчадан бери мавжуд. Расмий маъмурлар кўмагида иш қўришлари ҳам сир бўлмаса керак. Лекин “лохотрон” харидорлар ташвиши холос. Савдогарлар эса йиллар давомида, ҳар куни бу фожианинг гувоҳи бўладилар.

Вақти вақти билан моллар кечаси сақлаш учун қўйиладиган “темир” омборхоналарни ижарага олган озарийлар тўполон қўтариб қоладилар. Шунақаси ҳам бўлади, савдо билан шуғулланувчилар кечқурун элликта ёки етмишта сумка ёки қопини асраш учун “темир” омборга топширадилар. Эрталаб келишса “темир” омбор соҳиби йўқ. Ишчи шу ерда:

— Ўзим ҳам ҳайронман, — дейди. Негадир Мустафо (Саид, Мамед) ухлаб қолганга ўхшайди. Калит ўшанда.

Савдогарларнинг юраги ҳовриқади, аввалига бир оз кутишади, кейин “сервис”ни чақиришади, у бандитни бошлаб келади. Қулфни синдириб, эшикни бузишади. Омборнинг ичи бўм-бўш. Омбор соҳиби қочиб қолибди, молни ўзи билан олиб кетибди. Бандит, унга қўшилиб “сервис” ҳам бўкиради:

— Ушлайлик ўша аблаҳни, бурдалаб ташлаймиз!

Лекин савдо қилувчилар яхши тушунишади: уни ҳеч ким ушламайди, беғуноҳ ишчини уришади, холос. Бу ишнинг ўзи эса шубҳасиз, қоронғи. Ҳеч қандай озарий шунча молни туну кун қўриқланаётган жой — темир панжалар орасидан олиб кетолмайди. Бандитларни четлаб, қоровуллар розилигисиз ҳеч ким нарса олиб чиқолмайди, ахир? Ўша молдан умид узишдан бошқа чора йўқ — зарарни ҳеч ким қопламайди. Мелисаларга бориб шикоят қилиш эса қулгили ҳол, холос.

¹ б а к с а (жаргон) — доллар демоқчи.

СҮНГГИ ЧОВУТ

Мана, кампир-момойлар бир саф бўлиб тизилиб туришибди, “бир бурда нон учун” садақа сўрашяпти. Кимдир танга ташлаб кетяпти, кимдир йўқ. Ҳар хил денг, бу момойлар. Биттаси, эҳтимол, демократия туфайли очликдан ўлаяпти, иккинчиси — набираларини боқолмай қийналаяпти, учинчиси эса касби-кори шу, балки ҳар қандай савдогардан бойроқдир. Тиланчи бобойлар ҳам ҳар хил бўлади. Ана бобойлардан биттаси келаяпти, кўлтиқтаёқда, усти-боши қирқ ямоқ, елкасига осиб олган брезент халтаси ҳам илма тешик: “овқатланиш учун озгина ташлаб ўтинглар” деб турибди. Кимдир бир рубл, кимдир икки рубл ташлаб ўтяпти. Бировлар қайрилиб ҳам қарамайди. Ана, хохоллар олдида тўхтади, Оксана буви унга икки рубл узатди.

— Худо ёрлақасин! Мана бу кўйлак неча пул?

— Қиммат бобой! Тоза микровелюр. Юз етмиш! Йўлингиздан қолманг, отахон!

Отахон бўлса халтасидан қалин ҳамёнини олди, юз етмиш рубл санаб берди, кўйлакни халтасига солиб, йўлида давом этди:

— Овқатланиш учун садақа беринглар!

Яна бир художўй кампир расталар оралаб юрибди. Муҳрланган қутига ибодатхона учун пул йиғаетибди. Бунга ҳам турлича хайр-эҳсон қилишади. Баъзан роҳибларнинг ўзлари раста оралаб қолишади. Лекин улар кўпинча “Спортивная” метроси қошида ва Бозорнинг бош дарвозаси ёнида монастир қурилишига садақа сўрайдилар. Бироқ роҳиблар ҳам бу борада ёлғиз эмаслар.

Бир вақтлар расталар оралаб баланд бўйли, икки юзи қип-қизил барваста роҳиб юрарди. Жубба кийган, серсоқол, малла бу роҳиб савдогарларга жуда ёқарди: овози мулойим, ўзи қувноқ эди!

— Хайрли иш қиляпмиз, худо йўлига садақа бераяпмиз, руҳимизни покляпмиз! — дея ваъзни роса дўндириб, унмаганни ундириб юрарди. Садақани аяшмасди ундан. Фақат бир сафар шундай гап тарқалди: ўша роҳибга сотувчилардан бирининг чодирдаги қўл соати ёқиб қолибди. Хўш, нима қилибди? Жамғарма йиғаетган қутисини шарт синдирибди-да, йиғилган пулни санаб бериб, ўша соатни сотиб олибди. Сотувчи ҳатто виждони қийналиб, соат сотмайман, деб туриб олган экан. Эртаси кун эса бозорда маст ҳолда икки киши кўлтигидан суяб олиб кетишаётганини кўришибди. Ниҳоят, у оддий фуқаро кийимида (роҳибликдан ҳайдашган бўлса керак), албатта, маст ҳолда, сартарошлик чўткаси билан сотувчиларга сув сачратиб, нималарнидир чулдираб расталар оралайдиган бўлиб қолди. “Сервислар” уни бозордан ҳайдаб юборишди.

Бу воқеа бозорда катта акс садо берди. Энди кўпчилик озарбойжонлилар насронийлар черковининг шарманда бўлганидан мамнун ҳолда кулишиб, харидорларга жар сола бошлашди:

— Кепқолинг оққолинг! Хайрли иш қиламиз, фойдасини биламиз. Руҳингиз пок этингиз, харид қилиб кетингиз! Кеп қолинг!

Лекин харидорлар бу сўзларнинг маъносига унча тушунмайдилар, чунки бўлиб ўтган воқеадан хабарлари йўқ.

Ана расталар оралаб яна биттаси — айёр Клара юрибди, ўзини гўлликка солади, лекин ақли бинойидек, Лужа бозоридан тиланиб топган пулига хонадонини европачасига таъмирлаттирибди. Газетани ўраб, карнай қилади-да озгига тутиб жар солади:

— Черкижов божойи бугун ишламайди! Ҳамма божойи Лужада! Ҳамма моллай шу жойда, излаб юйманг тўқайда! Пулни сийнабандга яшийманглай. Тез кунда айчалай келади, Лужа божойи ёпилади! Ҳаммани огоҳлантйади Кляя!

Ишқилиб Кларага яхшигина тушиб турибди. Ҳозир у тиш қўйдириш учун пул жамғараяпти, тишлари тушиб бўлган.

— Тишларинг қани, Клара?

— Тишлайим жаййоҳда.

Савдо охирлаб бормоқда. Ҳозир “сўнгги човут” бошланади. Сўнгги човут — пулларини тўла сарфлаб улгурмаган харидорлар ҳадемай бозор ёпилиши-

дан ташвишланиб, шоша-пиша мол харид қилишлари дегани. Улар дуч келган молга човут соладилар, сотувчилар эса бундан фойдаланиб қоладилар. Кечки бозор ўзи шунақа: кимдир молини йиғиштириб, сумка ва қопларга жойлайди, кимдир ўзини мол йиғиштираётганга солади. Тажрибасиз харидор, кун бўйи бозорда санқиб, ҳеч нарса танлай олмагач, кечқурунга бориб ваҳимага тушади: ахир ҳали Мишага этик, Дашага куртка олингани йўқ-ку...

— Манави куртка қанча туради?

— Эртага, эртага келинг, бозор тамом бўлди!

— Биз бугун жўнаймиз!

— Ундай бўлса, майли. — Сотувчи ўзини жаҳли чиққан қилиб кўрсатади.

— Икки юз эллик! Пулни чўзинг, мана куртка!

Харидор мамнун, чунки Даша курткасиз қолмайди. Ҳолбуки, ўша курткани ўн дақиқа олдинроқ эллик рубл камига олиш мумкин эди. Молларни асраш омборхоналарига кечқурун топшириш, эрталаб олиш пайтларида айрим диққатвозлик юзага келади. Чунки айна шу пайтларда ўғрилар фаоллашади. Сотувчи зўриқиб, оғзигача тиқилган оғир қопни судраб омборга олиб келади, сумкаларни савдо жойида қолдириб келгани, қўшнилари қараб туради деб ишонган эди-да. Бор-йўғи бир дақиқа бўлувди кетганига, сумканинг биттаси йўқ! Осмонга учдимиз, дейсиз. Қўшнилари ҳеч нарса пайқашмайди — ўғрилар ҳам пихини ёрганда ўзи. Бунақа пайтда уларнинг ови юришади: чунки ҳамма ўзи билан овора бўлиб қолади. Биров чодирни йиғиштиради, бошқаси молини сумкага жойлаётган бўлади, яна бирови аравачага юк ортиб омборхонага шошиб турибди. Ношуд харидор бўлса бирор нарса сотиб олиш илинжида... Худди ана шундай лойқа сувда ўғрилар учун ўз “балиғи”-ни овлаш жуда ўнғай.

Энди қайтиш керак. “Луч”да ҳеч ким савдо қилмаяпти. Лекин “В-Ч”, “С-3” сингари марказий расталарда савдо-сотик ҳали бир соатча давом этади. Бош дарвозага яқинлашган сари савдо узоқроқ чўзилади, асосан чакана савдо... Шунинг учун ҳам марказий расталардаги жойлар қимматроқ туради.

Темир панжара ортида эса навбат авжида, улгуржичилар оғир юклар билан вокзалларга шошилишяпти. Навбатдан ташқари машинага юк ортиб кўрчи... тирикчилик, яна бир “жамият” енг шимариб ишга тушган. Бегоналарни йўлатмайди. Қанча ўзи бу жамиятлар? Метро йўлида майиб-мажруҳлар зич ўтириб олишган, афғон уруши ҳақида куйлашяпти, ўтган-кетган уларга чақа ташлаб ўтишяпти, Эҳтимол, улар орасида уруш ногиронлари бордир. Маймун кўтариб олган киши, турли-туман мажруҳлар ва етим-есирлар. Ростми, ёлғонми, ким билади, дейсиз?

Автомобиллар бекатидан чиқишда яна кўпқатор ҳосил бўлади: қўриқчилар вақтни текширишяпти, ҳайдовчилар пул тўлашяпти?. Мана, ниҳоят йўлга ҳам чиқиб олдик. Ким қаёққа, мен эса ўнгга буриламан. Хайр, Лужа бозори, ҳозирча...

“Дружба народов”
журналининг 2001 йил
1-сонидан олинди.

Ўзбек тилига ўғирувчи
Файзи ШОҲИСМОИЛ



Хабибулла ЗАЙНИДДИН

Машхур олим ва сайёҳ

Машхур қомусчи олим ва сайёҳ Маҳмуд ибн Вали ноёб маълумотларга бой асарлари билан маданиятимиз равнақида жуда муҳим ўрин тутади.

Маҳмуд ибн Вали 1594 йили ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманида йирик заминдор амир Муҳаммад Вали оиласида таваллуд топган. Амир Муҳаммад Валининг ижтимоий келиб чиқиши Аштархонийлар хонадонига мансуб кишилардан ва шахсан Балх ҳокими Нодир Муҳаммаднинг яқин қариндоши бўлганлиги боис кейинчалик шу ҳокимнинг таклифига биноан Балх шаҳрига кўчиб келиб, ўша ерда турғун бўлиб қолган. Унинг билим доираси жуда кенг бўлиб, “Мир Хислат” тахаллусида яшигина шеърлар ҳам ёзган, қонуншунос ҳамда ҳаким бўлган.

Маҳмуд ибн Вали ёшлигидан илм-фанга ҳавас кўйган эди. У Балхдаги мадрасани тугаллагач, ўз устида мустақил ишлаб, илм-фанни ҳар томонлама ва чуқур эгаллади. Интилганга толе ёр деганларидек, ниҳоят сидқидилдан қилинган машаққатли меҳнат самараси ўлароқ, у ўз даврининг кўзга кўринган олимларидан бири бўлиб етишди, шон-шухрат қозонди. Шунга қарамай, “ўтирган бўйра, юрган дарё” нақлига амал қилиб, Маҳмуд ибн Вали ўзининг илмий дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида олис сайёҳатларга чиқади. Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Туркия, шунингдек, барча араб мамлакатларига қилган кўп йиллик саёҳатларидан кейин 1625 йил ноябрида яна савдо карвони билан Ҳиндистон музофотига сафар қилади. Сарандиб, Пешовар, Лаҳор, Деҳли, Агра, Голканд, Ҳайдаробод, Вижайнагар, Калкутта, бўйлаб қилган ниҳоятда оғир, машаққатли, лекин таассуротларга бой саёҳатлари давомида у ўз кўзи

билан кўрган, билган турли халқларнинг тарихи, урф-одатлари, ғаройиб ривоят, афсона, диний маросимларини кундаликларига қайд этиб борган. Жумладан, у Лаҳорга келгач, ўз ҳамроҳлари балхлик савдогарлар билан бирга шаҳар карвонсаройларида бирга туришган. У ерда бўлган вақтида шаҳар билан яқиндан танишган. Ўша ерлик олимлар ва уламоларнинг суҳбатларида бўлган, қизгин мушоира ва мунозараларда қатнашган. Маҳмуд ибн Вали машхур мавлоно Бишин деган зоти шариф билан учрашгани, у билан мароқли суҳбат ўтказганини ҳикоя қилади.

Шундан кейин сайёҳ 1625 йили декабр ойининг охирларида Агра яқинидаги Ҳилолобод деган жойга келиб тушганлари, лекин бу ер нотинч бўлгани сабабли орқага қайтишгани айтилади. Чунки, Маҳмуд ибн Вали айтганидек, ўша йиллари подшоҳ Мирзо Жаҳонгир билан ўғли Мирзо Шоҳжаҳон ўртасида қуролли мажаролар кучайган, Ҳиндистоннинг Эрон ва Бухоро хонлиги билан муносабатлари ҳам бирмунча ёмонлашган эди.

Маҳмуд ибн Вали Оллоҳободдан Банорасга, у ердан Биҳор туманига йўл олади. Аммо бу ерда ҳам нотинч бўлгани боис 1626 йил 16 январда Рож Маҳал деган жойга етиб келган. Сайёҳнинг айтишича, Рож Маҳал ўша вақтда жуда катта жой бўлган ва унинг бозорларида Балх, Бухоро, Хуросон, Ироқ, Рум (Туркия), Шом (Сурия) ва бошқа мамлакатлардан келган савдогарларни учратган. Ундан кейин балхликлар Декан, хусусан, Голкондада ва Ҳайдарободда бўлганлар. “Ҳайдаробод шаҳри, — деб ёзди Маҳмуд ибн Вали, — Муҳаммад Кутбшоҳдан (1206-1210 йил) қолган... Мазкур подшоҳ унинг мадрасалар, хонақоҳлар, шифохоналар (дорушшифо), меҳмонхоналар (дориззиёфат) ва

бошқалардан иборат иморатларни қуриш ишларига тўрт юз минг туман (бир туман — ун минг динорга тўғри келган) маблағ сарфлаган”.

Маҳмуд ибн Вали Ҳайдарободдан Калкуттага келган ва португалияликларнинг кemasига тушиб Цейлонга қараб йўл олган. Аммо денгизда бошланган кучли довул кемани улоқтириб ташлайди. Оқибатда кема Ганг дарёси ҳавзасига келиб қирғоққа урилади. “Мен ва яна бошқа тўрт ҳамроҳим, — деб ёзади олим ва сайёҳ, — ҳиндлар қўлига асир тушдик. Улар кўз ўнгимиздаёқ фарангилардан бирини ўлдириб, қолганларимизни бандга олдилар”. Шу тариқа олимнинг ҳаёти хавф остида қолган ва фақат Ганг шаҳрининг ҳокими Боқийхоннинг ҳамияти соясиди у муқаррар бўлган ўлимдан омон қолади. “Боқийхон ибн Мустафобек..., — деб ёзади Маҳмуд ибн Вали, — шеърят, иншо, тарих, мусиқа ва бошқа қатор илмларда ўз даврининг яғонаси эди”. Боқийхон бошқаларга нисбатан олимга бирмунча илиқ муносабатда бўлади. Ҳокимнинг бундай илиқ муносабатга жавобан Маҳмуд ибн Вали Голкандда бўлган вақтида ижод этган “Рисолайи Биҳория” (“Биҳор рисоласи”) номли асарини унга тақдим этади. Лекин Боқийхон олимнинг кетишига руҳсат этмайди ва уни иниси Мирзо Ҳусайннинг ихтиёрига топширади. Мирзо Ҳусайн ҳам оғаси каби ўқимишли, тараққийпарвар киши бўлган. Шундай қилиб, олим тақдир тақазоси билан бу ерда икки йил қолиб, мушоира ва мунозараларда қатнашиб, яхши ҳаёт кечиради.

Фақат 1628 йилларга келиб унга кетишга руҳсат этилган ва ўша йилнинг зулҳижжа (август) ойида у Аграга келади ва ўша вақтларда эндигина тахтта ўтирган Бобурийзода Мирзо Шоҳжаҳон (1628-1658 йиллари ҳукмронлик қилган) томонидан жуда яхши кутиб олинган. Маҳмуд ибн Вали подшоҳ тарафидан унга муносиб сарпо, от ва бошқа кўпдан-кўп совға-инъомлар ҳадя қилинганлигини ҳамда унга саройнинг юқори мартабали аъёнлари қаторидан жой тайинланганлигини ҳам чексиз мамнунига ва миннатдорчилик билан кундалигига қайд этган.

Маҳмуд ибн Вали 1629 йили Ҳиндистондан ўз юртига жўнайди. У Панжоб орқали йўлга тушар экан, номатлум сабабга кўра Биҳор қалъасида бир йилга яқин туриб қолган. Ана шу шаҳарда олти минг байтдан иборат “Ахлоқий Ҳусайний” номли асарини ёзиб тугаллаган.

Умуман, Ҳиндистон ва бошқа ўлкалар бўйлаб хавф-хатарларга тўла узоқ, машаққатли ҳамда самарали сафар олим-

нинг илмий дунёсини кенгайтирган. Балхга қайтгач, Маҳмуд ибн Вали ўзини бутунлай илмий ишга бахшида этишга қарор қилади. Шахсан Балх ҳокими Нодир Муҳаммадхоннинг (у кейинроқ Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган) топширигига биноан Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” (“Ҳайрли кишиларнинг маърифат тўғрисидаги сирлар денгизи”), қисқача айтганда, “Сирлар денгизи” номи билан шуҳрат топган ва ўрта аср илм фанининг кўп тармоқларини ўз ичига олувчи етти жилдан иборат шоҳ асарини ёзишга киришади.

Заҳматкаш олим сўзсизки, мазкур асардан бошқа “Муҳаббатнома”, “Нажмеъ соқиб” (“Ёрқин юлдуз”) каби қасидаларини ўз ичига олган девонлар тузгани манбаларда қайд этилади. Бироқ унинг адабий мероси ҳали топилган эмас. Аммо, юқорида қайд этганимиздек, “Баҳр ал-асрор” асари бизгача етиб келгандир.

Мазкур асарнинг II-VII жилдлари умумий тарих масалаларига оид бўлиб, бунгача яратилган тарих китобларидан бирмунча мукамаллиги билан ажралиб туради. Муаллиф бунда инсон ва мавжудотнинг пайдо бўлишидан то ўзи яшаган XVII асрнинг биринчи чоракларига қадар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (Арабистон, Туркия, Эрон, Афғонистон) Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда юз берган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни тартиб билан бирма-бир баён қилади. Шунингдек, у Тибет, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Аштархон, Эдил (Волга) бўйларидаги турли шаҳарлар тарихи, этнографияси, жуғрофияси, ижтимоий-иқтисодий шароитларига доир кўпгина ҳужжатли маълумотларни келтиради. Асарда шаҳарлар номлари алифбо тартибда берилиши, айниқса, диққатга сазовор бўлиб, ундан зарур бўлганда ҳеч қийналмай фойдаланиш имконини ҳам яратади. Улкан қомусчи олим Маҳмуд ибн Вали бирон бир шаҳар ҳақида гапирар экан, энг аввало унинг тарихи, аҳолиси, табиати ва шубҳасизки, табиий шароитларига доир ишончли маълумотларни ҳамда шу жойлар билан боғлиқ қизиқарли афсона ва ривоятларни келтиради. Олим 1631 йили Балх ҳокими саройининг бош кутубхоначиси этиб тайинланган.

Маҳмуд ибн Вали кейинроқ саёхатларини яна давом эттирган ва бу ҳақда юқоридагидай илмий қимматга эга бўлган маълумотларни ёзиб қолдирган.

Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Чигил, Бодғис, Бадахшон, Хуросон, Андижон, Пскент, Косон, Тароз, Сайрам, Туркистон, Нахшоб,

Кеш, Селенга, Термиз, Ўш, Ўзган, Баласоғун, Уйғуристон, Мўғулистон, Кобул ва бошқа кўплаб шаҳарлар аҳолисининг турмуш шароитлари, маданий, иқтисодий аҳволи олимнинг “Сирлар денгизи” асарида ўз аксини топган. Бу асарда жуғрофия, минералогия, табиат ва тиббиёт тарихига оид қимматли маълумотлар ҳам бор.

Муаллиф битиклари асосида яратилган қомусий китобда таърифлаб ўтилган шаҳарлардаги машхур сиймолар, илмфаннинг беминнат, беназир дарғалари, устоз санъаткорларнинг табаррук номларини камоли эҳтиром ва ҳурмат билан кўрсатади.

Маҳмуд ибн Вали ўз ижоди билан маданиятимиз, илм-фанимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ва келажак авлодларга салмоқли мерос қолдирган туркийзабон сиймоларимиздандир.

Олимнинг “Сирлар денгизи” асарида Марказий Осиё шаҳарлари тўғрисида билдирилган фикрлар айниқса эътиборга молик. “Туркистон поёнсиз кенгликлару қир-адирларга, мўл-кўл яйловзорларга ҳамда кўпгина қалъа шаҳарларига эга кўҳна заминдир...” дейилади унда. Муаллифнинг кўрсатишича, бу ерларнинг шарқдан гарбгача чўзилиб кетган қисми бешинчи, олтинчи, еттинчи иқлимларга киради. Унинг узунлиги Сайхун дарёси қирғоғидан то Қорамурон дарёси (Қашқадарё) қирғоқларигача бориб етади. Қадимдан бу ерларнинг ҳаммаси Нуҳ пай-ғамбарнинг авлодларидан бўлган Туро исми подшоҳга қараган бўлиб, туркий қавм ва қабилалар истиқомат қилган.

... Туркистонга қарашли Сайхун (Сирдарё) томонидаги бешинчи ва олтинчи иқлимга кирувчи шаҳарлардан бири Шошдир. Уни Чоч, Бинкент ҳам деб атайдилар. Бироқ айни даврларда Тошкент номи билан машхур, об-ҳавоси ёқимли. Жуда кўп туман ва қишлоқлар унга қарайди. Унинг тоғларида феруза, арзис, темир ва қалай чиқадиган конлар бор бўлишига қарамай, нечундир бу конларда иш олиб борилмайди. Шошнинг айрим тоғларида эса шундай бир хил тошлар учрайдики, оловда худди ўтиндай яхши ёнади, кули ҳам кундалик рўзғорда ишлатиладиган зарур ашё ҳисобланиб, қордан оппоқ бўлади. Айниқса, кир ювишда у совун ва ишқор ўрнида ҳам катта талаб билан ишлатилади...

Шохруҳияга келсак, у Шошнинг бош қалъа шаҳридир. Бу шаҳар Амир Темур Кўрагонийнинг кенжа ўғли Мирзо Шохруҳ шарафига узоқ вақтли вайроналикдан

қайта қад ростлаган. Қадимда бу шаҳар Фанокат деб аталган. Сайхун дарёси унинг шундоқ ёнгинасидан оқиб ўтганлиги учун дарёни яна бу қалъа шаҳрининг қалқони — посбони ҳамда “Шохруҳия дарёси” деб ҳам аташар экан...

... Шошнинг яна бир тумани Пискентдир. У бағоят ободонлашган кўпгина қишлоқ — овуллар, кенг поёнсиз мўл-кўл ҳосилдор майдонларга эга шаҳардир.

Хусусан, Шош Туркистон вилоятлари ичида энг улуғдир. У ерларда жаннатмисол боғ-роғлар, гулзорлар кўп. Дон экинларидан бугдой, нўхат, мош ва гуручлари айниқса машхур. Қишлоқлари ҳосилдор ерлар бўлиб, сабзавотлари аъло даражалидир. Шошдан луғат, тафсир ва фикҳ илмида дунёга донғи кетган олим, ҳазрати имом шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафғол аш-Шоший (903-976 йил) етишиб чиққан”. (“Қафғол” шайхнинг тахаллуси бўлиб, қулф ясовчи деган маънони англатади. — Ҳ.З.)

... Туркистонда яна “Занг тоғ” (“Қора тоғ”) деган жой бўлиб, бу ерларда яшовчи туркий қабилалар ҳам ўзларини шу тоғ номидан “зангилар” деб аташар эканлар. У ерда олтин, қумуш конлари бор. Бу конларда катталиги қўй калласидек, энг кичиги нўхатдек келадиган олтин ва қумуш захиралари кўп. Бу конлар ҳамиша кишини ўзига оҳанрабодек тортиб туради. Ўша ерлардан ўтган ҳар бир одам, хусусан, ерликлардан бирор кимса ҳеч нарса олмай кетса, унинг оиласи вабо касалига мубтало бўлиб қоларкан. Борди-ю, ўша олтин ёки қумуш бўлакларидан ўз эҳтиёжларига ярашасини олиб қайтган кишилар бўлса, унда уларнинг оиласига ҳеч қандай касаллик ёхуд бирон бир ёвуз куч асло дахл қилолмайдиган гаройиб хусусиятга эга экан”, деб ёзади Маҳмуд ибн Вали.

Муаллиф “Сирлар денгизи” асарида Дашти Қипчоқ ҳақида алоҳида тўхталиб, қизиқарли маълумотларни келтиради:

“Муаррих Мустофийнинг ёзишича, — деб бошлайди у, — Дашти Қипчоқ қадимда “Момоқ юрти” деб юритилган эмиш. Ўғизхон (унинг асли исми Ботир Тангрикут бўлган. — Ҳ.З.) даврига (эрамиздан аввалги 200-йиллар) келганда Ўғизхон гўдаклигида етим қолган болани ўз тарбиясига олган ва унга “Қипчоқ” деб исм қўйган ва бу бола улғайиб ботир саркарда бўлиб етишгач, Ўғизхон ўзининг ўша асранди ўғлига Момоқ юртини назорат остига олиш учун суюрғол этиб берган экан. Қипчоқ натижада мазкур янги музофотнинг хоқони бўлди ва унинг исмидан энди Момоқ юрти, Қипчоқ ерлари

бора-бора эса “Дашти Қипчоқ” деб аталиб кетган экан”.

“Фарғона, — деб давом эттиради Маҳмуд ибн Вали ўзининг “Сирлар денгизи” асарида, — бешинчи иқлимга кирувчи вилоятлардандир ва аксари унга тегишли бўлган музофотлар Мовароуннаҳрга қарашлидир. Нақл қилинишича, бу ўлкани гўё Нўширавони Одил деган подшоҳ бунёд этган эмиш, бошқа маълумотларга қараганда эса шаҳарни Искандар Зулқарнайн қурган эмиш. Умуман олганда, бу ҳар иккала нақл ҳам ҳақиқатдан мутлақо йироқ бўлиб, Фарғона ўлкаси кўп қадимийдир.

Фарғона шаҳри ҳақидаги биринчи нақлга келсак, унда шундай талқин қилинади: “Дастлаб Нўширавони Одил бу ерларга бошқа жойлардан ҳар бир хонадондан бир кишидан кўчириб келиб, уни обод қилган. Шу жиҳатданги мазкур жой Ҳархона деб аталибди, лекин истеъмолда Фарғона деб аталиб кетибди”. Аммо бу ўлка ҳам худди бошқа ўлкалар каби мўғулларнинг тажовузлари даврларида харобазорга айланган эди. Кейинроқ бориб уни тиклашга ҳаракатлар ҳам бўлди ва ниҳоят обод бўлди. Фарғона улкан вилоятлар жумласидандир... Машҳур аллома Аҳмад Фарғоний айнан шу ўлкадан чиққан. Бу вилоятнинг қишлоқ ва туманлари кўп. Шулардан машҳурлари Ахсикат, Косон (Маҳмуд ибн Вали таваллуд топган шаҳар — Ҳ.З.), Ўзган... Андижондир... Шулардан охиригиси Андижон шу кунларда унинг (Фарғонанинг) пойтахтидир. Шунингдек, Фарғона ерлари қазилма бойликларга эга. Унинг тоғларида эса бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган ҳамда инсон саломатлига фойдали доривор ва мўъжизакор ўсимликлари ҳам бор, табиати бағоят гўзал”.

Андижон — Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, Фарғона мулкининг марказидир; бешинчи иқлимдан ва обу ҳавоси соз, дея сайёҳ Андижоннинг обод шаҳар ва илму маърифат ўчоғи бўлганлигини, шунингдек, бу вилоятнинг аҳолиси ўтроқ бўлиб, асосан деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланганлигини қайд этади.

“Ахсикат Фарғона музофотларининг машҳур шаҳарларидандир ва кўп эътиборли кишилар ўша томондандир; Мовароуннаҳрнинг пешқадам шайхлари, уламолари ўшал пок заминдан чиққанлар. Чунончи, оташқалб шоир ва олим Асридин Ахсикатий ҳам айнан шу шаҳардан чиққан”.

Муаллиф биз талқин этаётган “Баҳр ул-асрор” асарида Бухоро ҳақида ҳам гоёта жўшиб, илҳом ва ифтихор ила қалам сувар экан, шундай ёзади:

“Бухоро — Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири ва пойтахтидир. Кўпгина олимларнинг фикрича, бу шаҳар бешинчи иқлимга тааллуқлидир, лекин Мустовфий тўртинчи иқлимдаги Мовароуннаҳрга кирувчи энг машҳур ўлкалардан бири, деб ҳисоблайди. Бироқ қандай бўлмасин, Бухоро таърифга сиғмайдиган иқбол юлдузли дин ва шариат қарор топган қуббатул ислом шаҳаридир. Бу ерда қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, ноз-неъматлари бисёр бўлиши билан зийнатланиб, ҳозиргача уламо, фузалолар тоифасининг тўпланган маскани бўлиб келган жойдир. Жумладан, улуғ муҳаддис Исмоил ал-Бухорийнинг ватанидир”.

Маҳмуд ибн Вали айни вақтда Бухоро XVII асрда маъмурий ўн туманга бўлинганлиги ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради.

Муаллифнинг Хоразм ҳақида келтирилган маълумотлари ҳам шу зайлда қимматлидир: “Хоразм — бешинчи иқлимга жойлашган бепоён мамлакат, унинг пойтахти Урганчдир. Бу шаҳар аллома Маҳмуд аз-Замахшарий ҳамда шаҳид ўтган улуғ шайх Нажмидин ал-Куброларнинг ватанидир. Аммо қарийб йигирма йилдирки, Жайхун ундан узоклашганлиги сабабли у ернинг аҳолиси мусаффо иқлимли янги пойтахт Хивага кўчиб кетганлар”. Бу маълумотлар орқали жўшқин Амударёнинг ўзани XVII аср бошларида ҳам ўзгарганлигини англаш мумкин. Бу эса ўлкамиз тарихи ва иқлимни ўрганувчилар учун ниҳоятда муҳим маълумот ҳисобланади.

Асарда туркий уруғларнинг турмуш тарзлари, урф-одатлари ҳақида кўпданкўп қизиқарли манбалар учрайди. Масалан, қадимдан нуфузли бўлган Чигил қавмлари тўғрисида Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: “Чигил шаҳри олтинчи иқлимга жойлашган турк шаҳарларидан биридир. “Ажойиб ал-булдон” (“Мўъжизалар ўлкаси”) асарининг муаллифи ал-Қазвиний айтади: “Бу шаҳар шубҳасиз ёқимли ва гўзалдир, иқлими латиф ва салқин. У ерда турк (ўзбек) жамоалари яшайди, уларнинг аксарияти гоётада билимдон, ўткир зеҳнлидирлар. Шошилмай-ошиқмай меҳнат қиладилар, жабр-зулм ва зуравонликни тубанлик ҳисоблаб, ундайларни ситамкор золимлар деб атайдилар. Жиноятчи ва гуноҳкорларни оилаларидан ҳайдайдилар, мол-мулкидан ҳам маҳрум этиб, шаҳардан ташқарига чиқариб юборадилар. Бу ўлкада ажойиб анбар сасли мушк бор, лекин уни бу ердан бошқа ерларга олиб чиқишингиз билан унинг муаттар ҳиди йўқолади.

Бу ўлканинг халқи, айниқса, моҳитобон аёллари доимо нур сочувчи офтобдай гўзалликда ягона ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам Эроннинг энг машҳур шоирлари назмда Чигил турклари аёлларини тез-тез тилга олиб, уларнинг бами-соли сеҳрли хусн-латофатларини бағоят юксак маҳорат билан тараннум этсаларда, аммо насрий асарларида ҳадсиз гўзалликларини таъриф-тавсифлашга сўз топа олмай ожиз қоладилар...”

“Бодғис — Ҳирот вилоятининг каттагина туманларидан бири бўлиб, майдони юз фарсахдан (бир фарсах 7-8 км) ортиқроқ келади. Унда қишлоқ ва кентлар кўп. Бу туманда пистазор, бодомзорлар бўлиб, майдони бешу беш фарсахни ташкил этади. Хуросонликлар юқорида қайд этганимиз мевалар пишганда ўша ерга боришиб, истаганларича териб олишади... У ерда доимо ёқимли шамол эсиб тургани учун уни ерликлар “шамоле бахайр” (хайрли шамол) деб ном берганлар...” “Хуросон ҳозирги замонда тўрт вилоятга бўлинган: Ҳирот, Нишопур, Балх ва Марв. Бу шаҳарларнинг ҳар бири бир вақтлар мустақил эди. Хуросон форсийча сўз бўлиб, хур — офтоб, осон — жой деган маънони билдиради”.

Қомусий олим, фидойи тадқиқотчи сайёҳ Маҳмуд ибн Вали асарининг охирида, саҳифанинг бир четига: “... камина

фақир узоқ йиллар дунё кезиб, илм уммонидан баҳраманд бўлишга интилдим. Йиғиб — тўплаганларимни элга етказиш учун муқаддима, хотима ва етти жилд (бир жилд бир китоб — Ҳ.З.), ҳар бир жилдни тўрт рукндан иборат этиб “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” дея номланган ҳолда ҳижрий 1044 йили (1634 йил) ёзишга киришиб, ҳижрий 1050 йил сунбула ойи бошларида (1641 йил август ойларига тўғри келади — Ҳ.З.) тугалладим”, — деб қайд этиб кўйган экан.

Маҳмуд ибн Вали кейинчалик ҳам яна талай йиллар саёҳатларда бўлгани манбаларда кўрсатилади. Бироқ, удавомий равишда илмий-ижодий ишлар олиб борганми, йўқми — номаълум. Аммо унинг етмиш олти ёшида Балхда вафот этгани қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Сирлар денгизи” ўрта асрлар фанининг дурдона ёдгорлиги, халқимизнинг маънавий бойликларидан бири саналади.

Ҳозирда мазкур қўлёзма Абу Райҳон Беруний номидаги институтнинг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. “Сирлар денгизи” асари шубҳасиз ўша замонларнинг анъанасига кўра форс тилида битилган. Асар ҳанузгача ўзбек тилига ўгирилмаган. Вақти келиб, бу нодир асар она тилимизга ўгирилади, илмга ташна китобхонларимизни мамнун этади, деб ишонамиз.



Галина ВИШНЕВСКАЯ

Галина

Умр китоби

Саодатли кунларнинг бирида бутун Москва бўйлаб мени қидириб юришгани кўққисдан маълум бўлиб қолди. Менинг янги мухлисим бўлмиш Булганин эски уйимга кўнғироқ қилибди ва кўшнилариимдан қочиб кетганимни билиб олибди. Мен уни аллақачон эсимдан чиқариб юборгандим.

— Қаёққа кетди?

— Билмаймиз!

Театрда ҳам қаёққа кетганимни билишмасди, чунки ҳануз у ерга кадам босмагандим. Зудлик билан қидириб топилсин деган топшириқ берилади. Хўш, қаердан қидириш керак? Москвани титкилаб чиқадилар — ҳеч қаерда йўқ, ном-нишонсиз кетибди. Фақат оқшом чоғи Маркни уйдан топадилар ва ундан кимнинг уйида яшаётганимни билиб оладилар. Маданият вазирининг ўзи сим қоқди:

— Галина Павловна, биз сизни қидириб юрибмиз, изламаган жойимиз қолмади. Бугун Булганиннинг туғилган куни. Шаҳардан ташқаридаги боғ-ҳовлисида қабул маросими — зиёфат бўлади. Николай Александровичнинг шахсан ўзлари мўъжазгина концертда иштирок этишингизни илтимос қилдилар... Ярим соатдан сўнг машина боради.

Кийиниб, сочларимни тузатишга аранг улгурдим.

Албатта, Югославияда анави чол менга кетма-кет гулдасталар ҳадя этганини Славага айтмаган эдим — Москвага қайтганимиздан кейин ҳаммаси эсдан чиқиб кетади деб ўйлагандим. Лекин ундай бўлмади.

Булганиннинг боғ-ҳовлиси Жаворонкада экан: Николин тепалигига кетаверишда, йўл устида эди. Олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан зиёфат берилётганди. “Қабул маросими” дейилса, унчалик тўғри бўлмайди. Қолаверса, руслар бундай сўз бирикмасини ёмон кўрадилар. Дарҳол тўкин дастурхон, официантлар, оппоқ сочиқлар, биллур қадаҳлар, хуллас, базми жамшид аломатлари кўзга ташланади. Ҳа, ўзимизга жуда яхши таниш бўлган, одатдаги, русча ичкиликбозлик уюштирилган эди. Утириш авжига чиққан пайтда етиб боргандим — ҳаммаёқни куюқ тутун қоплаб олганди. Мени бу ерда сабрсизлик билан кутишаётгани яққол кўришиб турарди — КГБнинг раиси Серов ташқаридаги айвонча остида нари бориб-бери келарди. Машинадан тушган заҳотим у мени қўлтиқлаб олдию тўппа-тўғри ичкарига бошлаб кириб, поқдоман зотларга таништирди. Оғзи кулофига етиб кулиб турган “чақалоқ” мени ўз ёнига ўтқазиб қўйди. Мен у билан Хрущёвнинг ўртасидан жой олдим. Одамлар менга маънодор разм солишар эди. Утириш давомида дилим хуфтон бўлди, ичим чироқ ёқса ёришмасди.

Давра унчалик катта эмасди, фақат азиз меҳмонлар таклиф этилганди — улар орасида Сиёсий Бюронинг аъзолари, рафиқалари, бир нечта маршаллар (ҳарбийлар орасида урушдан кейинги йилларда Сталиннинг ғазабига учраб сургун қилинган донгдор Жуков алоҳида ажралиб турарди) бор эди. Болалигимдан портретларини кўравериш таниш бўлиб кетган йўлбошчиларимизни илк бора бир жойга тўпланган ҳолда кўраётгандим. Боз устига, чўрилари ҳам, хизмат-

Давоми. Боши ўтган сонда.

корлари ҳам уларнинг атрофида парвона бўлиб юришарди. Оилавий шароитда улар ғалати кўринишарди. Ҳар хил тансиқ таомлар, ичкилик шишалари уйиб ташланган дастурхон теварагида улар бир-бирининг пинжига тиқилиб ўтиришарди... Бақириб-чақириб гаплашадилар, худди буйруқ бераётганга ўхшайдилар, тинмасдан ароқ ичадилар. Яширин асабий ҳолат, сохта мулозамат яққол кўриниб турарди, гўё қонхўр қашқирларнинг йўлбошчилари бир жойга тўпланиб, бир-бирларини зимдан пойлаётганга ўхшарди. “Партиямизнинг ақл-идроки, ор-номуси” мана шундай аянчли аҳволда эди. Улар орасида фақат мўмиёлаб қўйилган Сталин билан яқиндагина отиб ўлдирилган Берия йўқ эди, холос. Бошқа садоқатли сафдошлар жамул-жам эди, мен уларни кузатиб ўтириш имкониятига эга эдим.

Ҳаммаси сурбет эди, хомсемиз эди, товушлари дағал бўлиб, ўзаро беодобларча мулоқот қилишарди, жайдари кимсалар эди. Бақир-чақир орасида Кагановичнинг кескин, хириллоқ товуши, яхудийча талаффузи яққол ажралиб турарди. Улар норасмий зиёфатда ўтиришган бўлса-да, аммо қадаҳ сўзларининг ўрнига шиорларни қичқириб хитоб қилишарди: “Коммунистик партияга шон-шарафлар бўлсин!.. Яшасин Совет Иттифоқи!”

Одатий дағаллик билан Булганинга хушомад қилишарди, уни “бизнинг зиёли” деб кўкларга кўтаришарди. Бу мақтовнинг унга ёқишини билишарди.

Аёллар — пакана, семириб кетишган, кўпинча миқ этмай ўтиришарди. Улар эркинлик нималигини билишмасди, асаблари таранг тортилганди... Тезроқ бу ерни тарк этиб, ўз хонадонига ҳукмронлик қилишдан бошқа нарсани ўйламасдилар. Равшанки, чиройли кийим-кечак, назокат тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди — бирортаси ҳам ўзига ярашадиган узун кўйлак киймаганди, бирортаси ҳам сочини чиройли қилиб турмаклар олмаганди. Улар шу қадар қиёфасиз эдики, агар бирортасини эрта-индин кўча-кўйда учратиб қолсам, танимай ўтиб кетишим мумкин эди. Эрлари уларни қўлтиқлаб жамоат жойларига бормайдилар, мен расмий қабул маросимларида ўша хотинлардан бирортасини ҳам ҳеч қачон учратмаганман.

Ён-атрофни хотира тўлқини чулғаб олганди:

— Никита, эсингдами?..

— Ўтгизинчи йилларда нима қилганимизни эслайсанми?..

Хотинлар орасидаги эркакшода, хунук аёл бошқалардан дадилроқ эди, у меҳмонхонани бошига кўтариб қичқирарди:

— Коля, ёшлик пайтингда бизникига — Туркистонга қандай борганлигинг эсингдами? Ушанда мен Лазарга: қарагин, келишган зобит экан, деганман...

Ҳа-я, бу Кагановичнинг хотини экан.

— ... зиёлинамо ёш йигит. Сен доимо бизнинг даврамизда ажралиб турардинг, ахир, сен бизнинг ифтихоримизсан-ку!

Нариги бурчақдан аллақачон тишлари тўкилиб кетган, қулоғи вазмин бўлиб қолган Ворошилов бақиради:

— Қандай чағдаст суворий бўлганингни эслайсанми?..

Бирдан эсимга тушиб қолдики, ҳозир дастурхон атрофида миқ этмасдан ўтирган йўлбошчиларимизнинг рафиқаларидан айримлари бир неча йиллар мобайнида Сталин қамоқхоналарида ётиб келганлар эди. Эрлари-чи? Уша йилларда улар озодликда эдилар, лекин ўз рафиқаларининг туҳматга учраб қамалиб кетаётганини кўра-била туриб, лом-мим демайдилар... Улар ўзларининг хотинларини ҳимоя қилишмайди, балки ўзларининг кетларини асраб қоладилар, қўрқоқлик қиладилар. Қачонки, Сталин ўлгандан сўнг бу хотинлар эрларининг бағрига қайтиб келадилар, мана энди битта дастурхон атрофида ўтиришибди. Ажабо, ҳозир улар нималар тўғрисида ўйлашаётган экан? Мен уларни зимдан кузатиб ўтириб, қайси бирлари қамоқда бўлиб қайтганини билиб олишга уринаман. Турли даврларда Молотов, Калинин, Будённый, Андреев, Поскребишев каби давлат арбобларининг ва айрим маршалларнинг рафиқалари сионисткалар сифатида қамоққа олинадилар... Уларнинг қайси бирлари тирик қолиб, Сталин қамоқхоналаридан қайтиб келишган экан?

Мен уларни биринчи марта кўриб турардим. Қиёфалари бир хил бўлганлиги учун ҳам уларни бир-бирдан ажратиш олиш мушкул эди. Вой худойим-эй, мен

нима учун бу ерда ўтириб, уларнинг бачкана гап-сўзларига қулоқ солишим керак экан?! Нима учун уларнинг маънодор нигоҳларига тоқат қилиб ўтиришим керак экан?! Ахир, уларни кўргани кўзим йўқ-ку, улар билан ош-қатиқ бўлишни ҳам истамайман-ку!.. Анави чол намунча менга ўқрайиб қараяпти... Нима бало, арпасини хом ўриб қўйибманми?.. Йўқ, у мени чўри деб уйлаяпти, ўзини эса хўжайин деб ҳис этяпти. Ҳа, худди шундай. Ўзингни гўликка солмай қўя қол, бу ерда сенинг ҳунаринг ўтмайди...

Буларнинг ҳаммаси ҳозирча буромад эди, даромад энди бўлади.

Янги совет подшоҳининг номи худди охириги Русия давлатининг номи каби Николай Александрович эди...

Ёнгинамдан ўғринча товуш қулоғимга чалинди:

— Мен уйингизга кўнғироқ қилдим, лекин сизни бу ерда энди яшамайди, ким биландир қочиб кетди, дейишди...

— Қочиб кетганим йўқ, турмушга чиқдим!

— Ростданми? Табриклайман!

Албатта, у ўзини атайлаб аҳмоқ қилиб кўрсатаётганди. Аслида, аллақачон Славанинг анкетасини ҳам текшириб кўришганди.

— Раҳмат.

— Билсак бўладими, турмуш ўртоғингиз ким экан?

— Менинг эрим — виолончелчи Мстислав Леопольдович Ростропович.

Мен эримнинг номини мағрурланиб айтдим. Билмадим, ниҳоятда ҳаяжонланганим учунми, номни тўғри талаффуз қилдим. Кейин яна узоқ вақт бу номни тўғри айтишга қийналиб юрдим.

Бошимни кўтарсам, бир киши менга синчиклаб разм солиб ўтирибди — Жуков... У менга яқинроқ жойда ўтирарди. Афтидан, анчадан бери мени кузатаётганди. Ҳарбий кийимида орденлари йўқ эди. Урта яшар, миқтидан келган, зуваласи пишиқ одам эди. Қиёфасидан саботли киши эканлиги билиниб турарди, ияги олдинга туртиб чиққан эди. Бутун оқшом давомида бир оғиз ҳам гапирмаган одам Жуков бўлди, мен унинг товушини бари бир эшитмадим: жимгина ҳаммани кузатиб ўтирардим (эслайман деса, кўп воқеаларни биларди). Бирдан ўрнидан сапчиб турди-да, билагимдан маҳкам ушлаб хонанинг ўртасига судраб борди — русча рақс тушишга даъват қилди. Ўзи рақсни қотириб қўйди! Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, жазаваси тутиб, алам билан рақсга тушарди, бир марта ҳам тишининг оқини кўрсатмади. Мен қанчалик ҳаракат қилсам ҳам, лекин унга бас келолмадим: у тўғрига қараганча этиклари билан гурс-гурс ер тепиниб, кимнидир ер билан яқсон қилаётганга ўхшарди. Ўшанда тушундимки, руслар фақат хурсандчиликдан эмас, балки ғазабланган пайтларида ҳам рақсга тушар эканлар.

Эртаси куни эрталаб уйимизда эшик кўнғироғи жиринглади. Софья Николаевна эшикни очди. Ёшгина норғул полковник худди намоёиш пайтидагидек “честь” берди, у катта гулдастани кучоқлаб олганди.

— Галина Павловнанинг ҳузурига кирсам бўладими? — деб сўради.

Унинг товушидан деворлар зириллаб кетди, барча қўшнилари миз худди буйруқ берилгандек йўлакка отилиб чиқдилар. Софья Николаевна ўзини йўқотиб қўйди.

— Кечирасиз, у ҳали ухлаётган эди-ку... Сиз ким бўласиз?

— Николай Александрович Булганин мана шу гулдастани Галина Павловнага бериб қўйишимни илтимос қилди.

У оғир-вазмин гулдастани қайнонамга тутқазди, оғирлигидан полга ўтириб қолаёзди — оёқлари майишиб кетди, лекин полковник унинг қўлтигидан тутиб қолди.

— Бўпти, миннатдорчилик билдириб қўясиз-да...

Бизнинг Слава билан асал ойимиз шу тарзда бошланди.

Кечга томон Кремлдан кўнғироқ бўлди.

— Галя, бу мен — Николай Александровичман. Ассалому алайкум!

Вазият тобора жиддий тус олаётганини билиб турардим, аммо ўзаро муносабатларни юмшатиш учун гўё ҳеч нарса бўлмагандек, сир бой бергим келмасди.

— Эҳ, Николай Александрович, салом! Гуллар бағоят гўзал экан, раҳмат!

— Аксинча, мен сизга раҳмат айтишим керак! Кеча оқшом мен сизни ўз уйимда кўрганимдан ниҳоятда хурсандман. Мен билан тушлик қилишни истамасизми? Бугун шаҳарга тушаман.

Мен билан худди боши очик хотинни “қаллиқ ўйини”га таклиф этаётган-дек гаплашар эди. Гапни яна-тагин арзимас мавзу томон буришга, ҳазил-ҳузул қилишга уриниб кўраман, лекин унинг товуши ҳамон жиддий, хотиржам эди. У гапни ҳазилга буришни истамасди. Баҳона қидира бошлайман.

— Оқшом пайти театрда репетиция бор, ярим кечаси тугаса керак...

— Ҳечқиси йўқ, мен кутиб ўтиравераман.

Ундан кутилиб бўлмаслигини билганимдан сўнг:

— Эҳ, бўпти, раҳмат, биз албатта борамиз! — дедим қувноқ оҳангда.

Симнинг нариги томонида узоққа чўзилган сукунат бошланди. Ниҳоят:

— Бўпти, мен сизларга машина юбораман, — деди.

Ана, бизнинг торгина кўчамизга учта қоп-қора ЗИЛ келиб тўхтади: биринчиси билан учинчисида соқчилар бўлса, ўртадаги машинада бизнинг янги хўжайинимиз — Булганин ўтирарди. Афтидан, у ўзининг ошқора ҳаракатлари билан энди бошланаётган ўйинда ҳамма доналарни жой-жойига муқим ўрнаштириб қўйишни истарди. Шундай, иш жиддий тус олган, энди ҳазил-ҳузил билан кутилиб кетолмайсан... Деразалардан одамлар кўчага мўралаб туришарди: қаранглар-а, ҳукуматимизнинг раҳбари шахсан бизнинг кўчамизга ташириф буюрдилар!

Хуллас, ўша кундан эътиборан деярли ҳар оқшом бизни ё боғ-ҳовлисига, ёки Москвадаги квартирасига таклиф этишадиган бўлди. Шубҳасизки, ҳар куни кайф-сафо — ичкиликбозлик алламаҳалгача давом этарди. Николай Александрович жуда кўп ичарди, Славани ҳам ичишга қистар эди: у бўлса, қистаб ўтиришни ҳам кутиб ўтирмасдан алам устидан ортиқча ичиб қўяверарди. Кўпинча иккови ҳам фирт маст бўлиб қолгач, чол менга тикилиб ўтирган кўйи эски ашуласини бошларди:

— Ҳа-я, сен менинг бошимни айлантриб қўйдинг...

— Шунақа, шекилли.

— Менга қара, сен уни яхши кўрасанми? — деб сўрарди Славдан.

— Николай Александрович, мен уни жуда-жуда яхши кўраман.

— Йўқ, сен менга ростини айтгин, сен қандай қилиб уни яхши кўришинг мумкин?! Эҳ, тирранча! Ахир, сен севги нималигини тушунасанми ўзи?! Мана, мен уни чин юракдан севаман! Бу менинг умримдаги энг охириги кўшигим бўлади... Ҳечқиси йўқ, сабр қиламиз, биз сабр қилишга ўрганиб қолганмиз...

Мен уларнинг ўртасида гап-сўзларини тинглаб ўтирардим. У Славанинг менга эгалик ҳуқуқини асло тан олишни истамасди. Одатдаги ичкиликбозлик охирида у эримга мени қанчалик яхши кўришини, бу унинг сўнгги кўшиги эканлигини тушунтирмоқчи бўларди.

— Унинг барча истакларини бажо келтираман!

— Бизга ҳеч нарса керак эмас!

— “Керак эмас” деганинг нимаси?! Ўзингни мағрур қилиб кўрсатмоқчимисан?! Адъютантим айтди, коммунал квартирада яшар экансизлар. Нима учун?

— Николай Александрович, биз онамнинг квартирасида яшаймиз. Лекин тез орада Огарёв кўчасидаги кооператив уйлар битади, мен кооперативнинг аъзосиман, биз янги уйга кўчиб ўтамиз.

— Нима бало, пулини тўлаб қўйганмисан? Ўшанча пулни қаёқдан олдинг?

— Сталин мукофотини олган пайтимда ҳамма пулни кооперативга ўтказиб қўйган эдим.

— Пул тўлашнинг нима кераги бор?! Мен сизлар истаган жойдан бепул квартира олиб бераман, хоҳлаганларингни олиб бераман!

— Йўқ, раҳмат, Николай Александрович, ўша квартира менинг хусусий мулким бўлиши кераклигига ўзимни ишонтириб қўйганман.

— Оббо, мулкдор-эй! Бугун мулкдор бўлсанг, эртага тиланчилик қиласан.

— Николай Александрович, янглишмасам, у замонлар ўтиб кетди.

— Ҳа, илгари қўлимга тушганингда-ку, нима қилишни ўзим билардим...

Майли, ҳазиллашдим...

Ўйлашимча, беозор Николай Александрович ўтмишни тез-тез қўмсаб турарди, кўпинча маст бўлиб қолгандан сўнг Бериянинг ишқий саргузаштларини мароқ билан ҳикоя қилиб берарди. У вояга етмаган қизчаларнинг номусига тегишни яхши кўрар экан: у отилгандан кейин хавфсизлик ходимлари Берияга тўғрилаб берган юздан ортиқ аёлларнинг рўйхати топилади. Ўша аёлларнинг айримларини кўчадан тутиб қўйнига солиб қўядилар. Бизнинг хотирамизда унинг отилиб кетгани ёрқин из қолдирмаган эди, лекин қип-қизил аблаҳ бўлишига қарамасдан йигирма йилдан ортиқроқ давр мобайнида ҳукумат аъзоси бўлиб юрганлиги кишини даҳшатга соларди. Боз устига, унинг сафдошлари ҳамон ўзларининг эски мансабларида қолган бўлиб, ўша тузумни ҳимоя қилишарди. Булганин эса Сталиннинг меросхўри эди, ёвузлик даҳосининг сояси яна узоқ йиллар мамлакат осмонида кезиб юради, одамлар қалбини кўрқув тарк этмайди.

Булганин олтмишга кирган эди. Каллаварам, қўпол ҳукумат аъзолари орасида у зиёлинамо қиёфаси билан ажралиб турарди, табиатан кўнгилчан, хатти-ҳаракатлари ҳам ёқимли эди. У нимаси биландир эски тузум пайтида истеъфога чиққан генерални эслатарди, менга ўзини маърифатпарвар подшоҳ қиёфасида кўрсатишга интиларди, худди Учинчи Николайга ўхшамоқчи бўларди. Менга қилаётган муносабати билан доимо унинг ҳузурига кўрқмасдан келаверишим мумкинлигини атайлаб таъкидламоқчи бўларди. Ҳукмронликка ўрганиб қолган инсон сифатида қандай бўлмасин ўзининг ниятига етишни истарди. Эҳтимол, ростдан ҳам мени севиб қолган бўлиши мумкин. Баъзан Славага:

— Унга тез-тез кўнғироқ қилаётганимдан жаҳлинг чиқмасин! — дерди уэр сўраётгандек. — Мен фақат унга қараб ўтириб ҳузур қиламан, холос. Бундай бахтдан мени махрум қилмагин. Сен ҳали ёшсан, ҳаётинг олдинда, менинг эса умрим туғаб боряпти.

Слава унинг дил сўзларини ижирганиб тингласа-да, аммо баъзан чолга ачинарди.

— У ниҳоятда беозор одам. Фақат нима учун айнан сенга хуштор бўлиб қолганини сира тушунмайман! Агар мана шу қилғилиғи бўлмаганда жон-жон деб у билан дўстлашган бўлардим, — дерди Слава кўпинча уйга қайтганимиздан сўнг.

— Ола-а, у сенинг дўстлигингга зор экан-да! У аллақачон жон-жон деб жиғингни эзиб ташларди-ю, лекин...

Ростини айтганда, шундоққина тумшуғининг остидан мени тортиб олиб кетишганини сира-сира ҳазм қилолмасди. Яна-тагин, ўзининг ибораси билан айтадиган бўлсак, қандайдир тирранча мени тортиб олганди. Слава ўзини “тирранча” деб аталишига асло тоқат қилолмасди. Шу боис Бош вазиримизни орқаваротдан “маккажўхори” деб калака қиларди. Ўша пайтларда Хрушчёв айнан маккажўхори касалига мубтало бўлганди — бепоён Совет Иттифоқида ёппасига маккажўхори эскилса, дарҳол коммунизм тантана қилади, деб ҳаммани ишонтирмоқчи бўларди.

Дастлаб биз бундай машмашага шунчаки бир ўйин деб қарардик. Слава мана шундай тенгсиз курашда голиб келаётганидан гурурланиб юрарди. Бироқ, тез орада аҳмоқона аҳволга тушиб қолганини билиб қолади: таниш-билишлари уни учратиб қолишса, “табриклаймиз, муборак бўлсин!” деб ялтоқланишарди.

Қулларча итоатгўйлик ва ёлғон мафкура ҳукмронлик қилаётган мамлакатда аҳмоқона ҳаёт кечираётган одам бошқаларнинг кўзига қаҳрамон бўлиб кўринади. Сен давлатнинг оддий малайидан буюк бир шахсга айланиб қоласан. Илгари ҳеч ким эътибор бермаган ажойиб фазилатларингни одамлар ростакамига кашф этадилар. Аслида, сенда ҳеч қандай фазилат бўлмаслиги мумкин. Сен билан танишмоқчи бўладилар, хушомад қиладилар, дудуқланадилар. Сен орқали биров унвон сўрайди, биров квартира сўрайди, бошқаси эса ўз уйига навбатдан ташқари телефон тушириб олмоқчи бўлади.

Бир оқшом Булганин хонадонида уюштирилган одатий зиёфатдан қайтиб келганимиздан кейин Слава жанжал кўтарди.

— Жонимга тегди! — деди у. — Анави чолнинг сенга еб қўйгудек тикилиб ўтирганини кўрсам, кўзларини ўйиб олгим келади! Иккинчи марта уникага

бормайман!.. Эҳтимол, янги подшоҳнинг хушторлиги бошингни айлантириб қўйгандир, балки ёқиб қолгандир... Лекин мен бундан номус қиламан, жирканаман!

— Ахир, у ҳеч нарсани тушунишни истамаётган бўлса, мен нима қилай! — дедим юм-юм йиғлаб. — Уни очиқ мозорга тиқиб қўйиш қўлимдан келмайди-ку! Бўпти, эртага яна машина юборса, бормаймиз, деб кўрайлик-чи...

Қарасам, қип-яланғоч бўлиб фақат битта трусикда қолган Слава дераза рафига чиқиб олди.

— Бошқа чораси бўлмаса, мен ҳозир ўзимни ерга ташлайман!

Кўриниб турардики, мастлиги туфайли баландлик бор-йўғи тўрт метр эканини унутиб қўйганди. Аммо, бари бир оёқ-қўлини синдириб олиши мумкин эди. Софья Николаевна хонага отилиб кириб Славанинг битта оёғига, Вероника иккинчи оёғига ёпишиб олдилар.

— Тўхта! — деб қичқирдим жазавам қўзиб. — Шошма, қаёққа сакрамоқчисан? Ахир мен ҳомиладорман-ку! Мен энди нима қиламан?..

Биз фарзанд кўришимиз керак эди, бу янгиликни Слава энди эшитди.

У дераза рафидан сапчиб тушиб, қувончини яширолмай ёнимга келди.

— Ростданми? Тўғрисини айт, ростданми? Нега шу пайтгача индамай юрибсан?

— Кутилмаганда совға қилмоқчи эдим, — дедим йиғламсираб.

Слава дарҳол Шекспирнинг сонетлар китобини қўлига олдию завқ билан ифодали ўқий бошлади. Мен бир дақиқани ҳам беҳуда ўтказмасдан улугвор фикрларга ошно бўлиб, қалбимда ноёб гўзаллик яратишим лозим эди.

Ушандан бери Шекспирнинг сонетлар китоби тунги столдан муқим жой олади: худди тухум босиб ётган мокиён булбулнинг атрофида хўроз булбул чаҳчаҳлаб сайрагани каби эрим ҳам доимо ухлашимиздан аввал гўзал сонетларни қироат билан ўқиб берарди.

Булганин билан бемаъни муносабатларимизни аста-секин бас қилишга қарор қилдик. Лекин қандай қилиб? Бундай вазиятдан қутиламиз деб ўзимизга ёвуз душман орттириб олмаслигимиз лозим эди. Энди уйимга таклиф қилса, театрда бандлигимни рўқач қилиб ёки ниҳоятда чарчаганимни баҳона қилиб, ўзимни олиб қоча бошладим. Аммо менинг ҳийла ишлатаётганимни англаб қолгач, энди Маданият вазирлиги орқали ҳаракат қила бошлади: Кремлдаги қабул маросимларида қўшиқ айтишимни илтимос қилишадиган бўлди. Мен бўлсам, бундай қабул маросимларини аллақачон жинимдан ҳам баттар ёмон кўриб қолгандим.

Одатда, дастлаб вазирликда бирорта амалдор кўнғироқ қиларди:

— Галина Павловна, бугун Кремлда қабул маросими бўлади, сизнинг қўшиқ айтишингизни илтимос қилишяпти, — дердилар.

— Афсуски, театрда репетициям бор.

— Биз сизни озод қиламиз.

— Овозим хириллаб қолган.

Кейин Маданият вазирининг ўзи сим қоқади:

— Галина Павловна, бугун Кремлда қўшиқ айтишингиз керак.

— Бетобман, ўзимни ёмон ҳис этяпман, қолаверса, уч кундан сўнг спектаклда қатнашмоғим лозим.

— Мен айтиб қўяман, сизни ўша спектаклдан озод қилишади.

— Лекин мен бари бир қўшиқ айтолмайман, ниҳоятда чарчаганман...

У ердагилар қандай қилиб чарчаш мумкинлигини тасаввур этиша олмайди. Уларга қолса, олиймақом кошонада ҳатто мурдалар ҳам қўшиқ айтишга жон-жон деб рози бўлиши керак.

Ниҳоят, Бош вазирнинг ўзи сим қоқади:

— Галя, қабул маросимига келишингизни илтимос қиламан, — дейди.

— Николай Александрович, қабул маросимларида қўшиқ айтишни ёқтирмайман.

— Илтимос, келинг, мен ўзингизни кўрмоқчиман.

Охир оқибат бундай текин томошалар менинг ҳам жонимга тегади. Бир куни коммунал квартиранинг бижғиб ётган йўлагида, телефон трубкасига ғазабимни сочдим:

— Нега ўзингизни жинниликка соляпсиз?! Бир кунда ўн марталаб кўнғироқ қиласиз! Биз сизнинг уйингизга боролмаймиз. Наҳотки, шу оддий ҳақиқатни тушунмайсиз?! Мен тўғримда тарқалган мишмишлар жонимга тегди! Қабул маросимларингда кўшиқ айтишни истамайман. Нима учун дейсизми?.. Чунки мен жирканаман! Кўшиқ айтилаётган пайтда оғзини тўлдириб овқат еб ўтирадиган одамларни кўргани кўзим йўқ!.. Тушунинг, бу мен учун ҳақорат. Балки, сизларнинг тушунчаларинг бўйича бу шон-шараф нишонасидир, лекин мен учун ҳақоратдан бошқа нарса эмас! Илтимос қиламан, мени бундай шон-шарафдан бирваракайига қутқаринг! Бўлди, тамом! Хайр!

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, яна телефон жиринглайди.

— Галя, мени кечиринг, ўзингизни босиб олинг. Эртага Слава билан меникига кечки овқатга келишингизни илтимос қиламан. Мен сизни кўришим керак.

Хўш, нима қилмоқ керак эди? Яна боришга мажбурмиз, яна ҳаммаси бошланади, борди-келдиларнинг адоғи кўринмайди. Одамлар: “Подшоҳнинг меҳридан ҳам, қаҳридан ҳам Ўзинг паноҳингда асрагин!” деб бекорга дуо қилишмас экан.

Расмий қабул маросимларида бошқа кўшиқ айтмайдиган бўлдим. Маст-аласт йўлбошчилар қаршисида эшилиб-тўлғонадиган майнабозлар рўйхатидан номим бир умрга ўчириб ташланди. Бу балодан мени Булганин халос этди. Дарвоқе, КГБдан мени “оталиққа” олган Василий Ивановичдан ҳам мени айнан Булганин халос этганди.

Бир куни эрталаб мени телефонга чақириб қолишди, бориб эшитиб кўрсам — таниш овоз.

— Ассалому алайкум, Галина Павловна! Василий Иванович гапиряпти. Анчадан буён сиз билан суҳбатлашмадик...

— Сиз билан суҳбатлашиб ўтиргани вақтим ҳам, истагим ҳам йўқ, мен театрга шошяпман! — дедиму трубкани тақ этказиб қўйиб қўйдим.

Уша оқшом Булганиннинг хонадонидида меҳмон бўлдик, фурсатдан фойдаланиб унга шикоят қилдим.

— Николай Александрович, КГБ ходимлари мени таъқиб қилиб юришибди?

— Бу яна нимаси бўлди? Улар сендан нимани ишташяпти?! — деди у бўғриқиб.

— Мен уларга чақувнома ёзиб беришим керак эмиш.

— Нима-нима, улар ақлдан озганми?! Федька! — деб адъютантини чақирди. — Мени дарҳол Ванька Серов билан боғлаб қўйгин! Вой, аблаҳлар-эй!

Шошилиб қўшни хонага телефонда гаплашгани чиқиб кетди. КГБ раҳбарини телефонда обориб-опкелаётганини эшитиб ўтирдик, гаплари узук-юлуқ кулогимизга чалиниб қоларди. Кўп ўтмасдан хонага қайтиб кирди.

— Парво қилманг, энди ҳеч ким ҳеч қачон сизга у ёқдан кўнғироқ қилмайди. Менга ишонаверинглар.

Ростдан ҳам ўшандан кейин бизни батамом безовта қилмай қўйдилар. Ҳаётимнинг ўша даврида менга шундай ёрдам ниҳоятда зарур эди, кейинчалик ўзимни ҳар томонлама тиклаб олиб, мустақил равишда ҳимояланишни ўргандим. Қолаверса, юқори доираларда таниш-билишларим борлигини билишгани учун мен билан ўйлаб муомала қилишарди, қандайдир Василий Ивановичлар қорамни кўрса қочиб қолишарди! Афсуски, қанчадан-қанча одамлар уларнинг тўрига илиниб қолади!

1956 йилнинг декабрь ойида — Янги йил арафасида биз янги уйимизга кўчиб ўтдик. Умримизда биринчи марта, машҳур артистлар сифатида танилганимиздан сўнг биз Слава билан ўз уйимизга эга бўлдик: энди битта эшиқдан кирадиган кўни-қўшнимиз йўқ, эшикни ўзимиз ёпишимиз мумкин. Тўртта катта хона, ванна, ошхона — буларнинг ҳаммаси бизники эди! Умр бўйи торгина битта хонада қисиниб-қимтиниб яшаганимиз учунми, биз ўзимизни худди ўрмонда юргандек ҳис этардик, бир-биримизни йўқотиб қўярдик. Рўзгоримиз юпун эди — жавонларимиз ҳам, идиш-товоқларимиз ҳам йўқ эди. Уша куниёқ дўконга бориб бир неча дона санчқи, пичоқлар, сочиклар, чойшаблар,

ликопчалар харид қилдим. Уй тўйига келган меҳмонлар полда ўтиришди, на стол, на стул бор эди. Мустақил оилавий турмушимиз ана шундай бошланди. Уй-рўзгор юмушларига қарашиб юрадиган Римма яна бизникида хизмат қила бошлади. Ўша йилларда мебель харид қилиш жуда қийин эди — дўконлар бўм-бўш бўлиб, навбатга ёзилиб қўйиш даркор эди, кейин бир неча ой давомида навбатинг келишини кутиб юраверардинг. Ошхона гарнитурини олиш учун Слава кимгадир пора беради. Ниҳоят, ўзимизнинг шахсий столимиз атрофида ўтириб тушлик қилиш бахтига муяссар бўлдик.

Афсуски, биз хурсандчиликни сал эртароқ бошлаб юборган эканмиз. Биз ўз пулимизга сотиб олган уйда яшай бошлаган бўлсак-да, лекин чучварани хом санаб юрган эканмиз. Бу уйга ордер, яъни яшашимиз учун рухсат олишимиз лозим эди. Совет Иттифоқида бир киши яшайдиган турар-жой ҳажми қонун бўйича тўққиз квадрат метр бўлиши керак. Биз фақат икки кишимиз, уйимиздаги хизматкор ҳисобга кирмайди. Агар қорним дўппайиб қолганини ҳам инобатга оладиган бўлсак, уч киши эдик. Демак, кўпи билан йигирма етти кв.метр майдонни банд қилиш мумкин. Бизнинг квартирамиз эса — юз кв.метр эди. Слава гоҳ райсоветга, гоҳ Моссоветга югурарди-ю, аммо унга ордер беришмасди. Ие, тўрт хонада бор-йўғи икки киши яшайдими?

— Бироқ, мен бу квартира учун ҳақини аллақачон тўлаб қўйганман.

— Нима учун шунчалик катта квартирага ҳақ тўлагансиз?

— Чунки у пайтларда бўйдоқ эдим, нечта бола туғдириш имкониятига эга эканлигимни ўзим ҳам билмасдим. Кўриниб турибдики, хато қилмаган эканман — хотиним аллақачон ҳомиладор бўлиб қолган, уч ойдан сўнг биз фарзанд кўрамиз. Эҳтимол, эгизак фарзанд кўрармиз, келаси йили яна кўпайишамиз.

Ростроповичлар авлодининг кўпайиши ҳеч кимни қизиқтирмасди. Унга ордер беришмади, биздан дарҳол бу квартирани бўшатиб қўйиб, бошқа икки хонали квартирага кўчиб ўтишимизни талаб қилдилар. Булганинга ёрдам сўраб мурожаат этишни истамадим. Бу сансалорлик нима билан якунланишини билмайман-у, лекин лоп этиб янги — 1956 йил байрами бошланди. Бизни Кремлга таклиф қилдилар, аммо мен оғироёқ бўлганим учун ҳеч қаёққа бормадик, байрамни ўз уйимизда нишонладик. Бир-биримизни Янги йил билан табриклаб, ўринга кириб ётдик. Тунги соат иккида телефон жиринглаб қолди. Трубкадан Булганиннинг товуши эшитилди:

— Гая, Янги йил билан табриклайман! Мен сизларни Янги йил билан табриклагани борсам бўладими?

— Келаверинг, хурсанд бўламиз...

Меҳмонни кутиб олиш учун Слава икковимиз дарҳол кийиниб олдик. У Кремлдаги зиёфатдан сўнг тўппа-тўғри бизникига келди, бутун мавзе остин-устун бўлиб кетди. Лифтчи хотин довдираб қолди, эс-ҳушидан айрилаёзди — кейин “хўжайин”нинг шахсан ўзини ўз кўзлари билан кўрганини узоқ вақтга-ча эслаб юрди. Тун бўйи ҳовлида соқчилар тўла бўлган машиналар қаторлашиб турди; эшигимиз остонасидаги зинапоёга соқчиларнинг бошлиғи — генерал ўтириб олади. У давлат бошлиғини қўриқлаши лозим эди. Мен унга стул чиқариб беришни ҳам ўйламабман. Эртаси куни кўп қаватли бинода истиқомат қиладиган одамларнинг ҳаммаси Ростроповичлар хонадонида Булганин Янги йилни қандай қилиб кутиб олгани тўғрисида бир-бирларига тўлқинланиб сўзлаб бердилар. Улар масъул кишилар экан, биз улар билан ёнма-ён яшаётганимиз учун ҳар қанча фахрлансак арзийди... Хуллас, барча сафсаталарнинг натижаси шу нарса билан якунландики, бир кундан сўнг Моссовет амалдорлари уйимизнинг ордерини патнисга солиб келтириб беришди, янги уйга кўчиб ўтганимиз билан қутладилар. “Энди беҳижолат яшайверинглар, агар бирор нарса зарур бўлиб қолса, дарҳол бизга сим қоқинглар — Моссовет доим хизматингизга тайёр!” дейишди.

Мана, энди ўтган умримни сарҳисоб қилар эканман, агар ўшанда Прагага эмас, балки ҳукумат делегацияси сафида тўппа-тўғри Белградга жўнаб кетганимда нима бўлар эди, деб ўйлайман. Равшанки, Прагага бормаганимда Слава

билан учрашмасдим, демак тақдирим қайси томонга бурилиб кетишини ёлғиз худо биларди. Эҳтимол, совет подшоҳининг хушторлиги ҳам менга бошқача таъсир қиларди — худди Марина Мнишек каби қаллоб-қиролича бўлиб, Москва ҳукмдорларининг тахтини эгаллаб олардим. Қаллобликнинг охири вой бўлса-да, лекин унинг васвасаси кучли бўлади — кўнгил суғ кетиб қолганини киши билмайди.

* * *

Слава бир сафар чет элдан шоир Александр Твардовский билан самолётда учиб келади. Йўлда тузуккина улфатчилик қилишади, чин дилдан суҳбатлашадилар. Тўсатдан Твардовский:

— Россияда инсофли кишилар деярли қолмади, — дейди.

— Менимча, Александр Трифонович, бир оз ошириб юбордингиз. Ҳалол одамлар...

— Шошманг, мен ҳалол одамлар тўғрисида эмас, балки инсофли одамлар тўғрисида гапиряпман. Бу икки тушунчани чалкаштирманг. Тўғри, ҳалол одамлар кўп, лекин инсофли одамлар жуда кам қолди. Улар орасида қандай фарқ борлигини ҳозир тушунтириб бераман. Айтайлик, мен ҳамкасб дўстимга ўзимнинг аксилшўравий руҳдаги битта шеъримни ўқиб бераман. У бўлса, ҳалоллик билан партия ташкилотига бориб бу ҳақда маълумот беради. Албатта, коммунист сифатида у ҳалол иш қилади. Аммо бу иш инсофданми?..

* * *

Ажабо, Шостакович Ўн учинчи симфониясини саҳнада ижро этилиши учун Марказқўм билан ростакамига кураш олиб бораётган кезларда мамлакатимизда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй беради: 11 ноябрь куни “Новий мир” журналининг навбатдаги сони сотувга чиқарилади. Унда Солженициннинг “Иван Денисовичнинг бир куни” номли қиссаси чоп этилган эди (Совет ҳукумати эҳтиётсизлик қилиб жинни кўзадан чиқариб юборади, кейинги йилларда уни кўзага қайтариб киритишга ҳарчанд ҳаракат қилсалар-да, аммо бу ишнинг уддасидан чиқа олмайдилар).

Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса содир бўлганди: советларнинг концлагерлари тўғрисидаги ҳаққоний қиссанинг эълон қилинишига йўл қўйган кимсалар нима учун Шостаковичнинг Ўн учинчи симфониясининг саҳнада ижро этилишига рухсат бермайдилар?.. Кейин маълум бўлишича, “Новий мир” журналининг бош муҳаррири Твардовский бир иложини топиб “Иван Денисович”ни шахсан Никита Хрущёвнинг қўлига тутқазиб юборади. Ҳамон партиянинг XXII курултойи таассуротлари билан яшаётган Хрущёв қиссани ўқиб кўрадию дарҳол чоп этиш тўғрисида фармон беради. Чунки у Сталинни очиқ-ойдин қотилликда айблайди, унинг қилмишларини ошкор этиб юборади; қисса ҳам Хрущёвнинг маърузасида айтилган гапларга ҳамоҳанг эди.

Шостаковични эса ўн йиллар мобайнида тишлаб-қопишга ўргатилган Сталиннинг эски манфур тўдаси ўртага олиб талайди.

* * *

Совет Россиясида яшаган шоирларнинг тақдири фожиали бўлган.

Гумилёв отилади.

Блок очликдан ўлади.

Есенин ўзини ўзи ўлдиради.

Маяковский ўзини отиб ўлдиради.

Мандельштам қамоқда ўлади.

Цветаева ўзини осиб кўяди.

Пастернакни гўрга тикқадилар.

Ахматовага кун бермайдилар, узоқ йиллар шеърларини чоп этмайдилар.

Хўш, ким жонини сақлаб қолади? Албатта, ўз вақтида қиёфасини ўзгартирган муртадлар омон қолади. Афсуски, урушдан кейинги даврда вояга етган истеъдодли шоирлардан бири Евгений Евтушенко ҳам ўшаларнинг сафидан жой олади. У ҳар қандай шароитга дарҳол мослашиб олиш борасида устаси фаранг эди, шамолнинг қаёқдан эсаётганини яхши биларди. Қачон бурни ерга теккунча эгилиб-букилишни, қачон қаддини бемалол тиклашни илғаб оларди. У “Хотинжар”дан “Братск ГЭС” игача ўзини роса ҳар томонга отиб кўрди. Айниқса, “КамАЗ” достонини жирканмасдан ўқиб бўлмайди, унда лаганбардорлик яққол сезилиб туради. Ҳамма ундан қўлини ювиб, қўлтигига артиб қўйган кезларда бирдан минбарда пайдо бўладию Москвада — Союзлар уйининг Колонна залида Есенин хотирасига бағишланган ажойиб шеърини ўқиб бериб, кўпчиликнинг юрагини ёриб юборай дейди: “Азизим, Есенин, Русь ўзгарди...”

Бўтриққан комсомол йўлбошчиси

Биз шоирларга муштомини ўқталиб...

Бу йиғилиш тўғридан-тўғри бутун Иттифоққа намоёиш этилаётганди!

Орадан кўп вақт ўтмасдан у ўз гуноҳини ювиш учун қандайдир зарбдор қурилишга отланади. Бироқ, ҳукумат амалдорлари унинг башарасига шапалоқ тортиб юборадилар...

Ўшандан бери орадан кўп йиллар ўтди. Биз муҳожирликда яшаётган пайтимизда у билан Лондонда учрашиб қолдик. Славага бир нечта китобчаларини совға қилди, шеърларини ўқиганимдан сўнг шоир билан гаплашиб кўришга аҳд қилдим. Ижодий йўлини қойилмақом бошлаган шоирга нима жин урганини билишни истардим. Тез кунларда у йўл-йўлакай Парижга тушиб ўтади ва бизга телефон қилади. Биз уни уйимизга таклиф этдик.

Москвада орттирган одатимиз бўйича, Париждаги катта хонадонимизнинг ошхонасида ўтириб суҳбатлашдик. Меҳмонни хушнуд этиш ниятида дастурхонга Сибир чучвараси тортилди.

Юрагимда тўпланиб қолган гапларни унга очиқ-ойдин айтмасам бўлмасди. Меҳмондўстликни бир четга йиғиштириб қўйиб:

— Женя, шеърларингиз тўғрисида баъзи бир фикрларимни айтсам хафа бўлмайсизми? — деб сўрадим. — Огоҳлантириб қўйишим мумкин: мендан эшитадиган гаплар сизни хурсанд қилмайди. Агар эшитишни истамасангиз, майли, гапирмайман.

Бирдан сергак тортиди, афтини буриштирди, сўнг:

— Гапиринг, — деди.

Унинг равшан кўзлари совуқ ялтирарди, фақат лаблари жилмаярди, холос.

— Славага бир нечта китобчаларингизни совға қилибсиз. Мен уларни ўқиб чиқдим. Биласизми, менга нима қаттиқ таъсир қилди? Сиз фуқаро сифатида қайта туғилибсиз, сизда самимият йўқолибди, ёлгонга муккангиздан кетибсиз. Ўз халқингизга виждонсизларча муносабатда бўласиз.

— Нимага, қайси шеъримда? Исботлаб беринг! Нотўғри айтяпсиз!..

— “КамАЗ дафтарида”, “Монологлар” номли туркум шеърларингизни ўзингиз ўқиб кўринг-чи! Гоҳ америкалик ёзувчи, гоҳ америкалик шоир, гоҳ америкалик артист номидан монолог ўқийсиз. Масалан, “Америкалик артист Южин Шампнинг монологи”ни олиб кўрайлик...

Бирдан унинг кўзлари чақнаб, хохолаб юборди.

— Э-э, шуми!

— Ахир, бу шеърлар ўзингиз ҳақингизда-ку!

— Сиз қаёқдан билдингиз? Шундай эканини менинг дўстларимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳа, афтидан, Слава айтган бўлса керак.

— Ҳа, Слава айтди. Южин Шамп — сизнинг лақабингиз эканлигини ўзингиз тан олибсиз. Ёшлик пайтингизда улфатчилик қиладиган дўстларингиз сизни шундай деб аташар экан: Южин — Евгений, Шамп эса “шампан” мусалла-

сининг қисқартирилган шакли. Бироқ, сиз “монолог”нинг кириш қисмида илова қилган тушунтиришингизда: “Южин Шамп — америкалик ёш актёр, Вьетнамдаги урушга қарши фаол норозилик билдиради. Шу боис хўжайинлар уни Рос-таннинг асари бўйича суратга олинаётган “Сирано де Бержерак” фильмидаги бош ролдан маҳрум қиладилар”, деб ёзасиз. Аслида, “Мосфильм” студиясида суратга олинаётган кинода сизнинг ўзингиз Сирано де Бержерак ролини ижро этишингиз лозим эди.

— Тўғри, умр бўйи ўша ролни ижро этишни орзу қилганман. Бир неча йил давомида чавандозлик сирларини ўргандим, энди суратга олиш бошланганда эса қандайдир аблаҳ тақиқлаб қўйди. Ҳечқиси йўқ, мен ҳаммасини чув туширдим — “Шамп монологи” да бор гапни ёздим. Аҳмоқлар, шунга ҳам фаросати етмасдан чоп этишга руҳсат бериб ўтиришибди!

— Хўш, кимни чув туширдингиз?

— Кимни бўларди, кимларни керак бўлса, ҳаммасини чув туширдим!

— Южин Шамп номи остида ким яширинганини ўқувчи қайдан билади?.. Боз устига, ўқувчиларингизни “бу америкалик артист” деб ишонтирмоқчи бўляп-сиз-ку! Китобингиз 130 минг нусхада чоп этилибди. Хўш, совет ҳукумати башарангизга тупурган бўлса, энди ўчингизни Америкадан оласизми? Уйингизда эътироз билдирсангиз бўлмайдими? Нима учун ўқувчилар қалбида Америкага нисбатан нафрат уйғотяпсиз? Америка сизга нима ёмонлик қилди? Бу ҳеч қандай эҳтиёт чораси эмас, балки қип-қизил ёлғондир! Ўзингиз билан улфатчилик қиладиган уч-тўртта пиёнисталардан мақтов эшитиш учун минг-минглаб соддадил ўқувчиларингизни алдайсиз. Ёлгон сафсата тарқатадиган КГБ мутахассислари ҳам олдингизда ип эшолмайди!..

— Сиз худди боён Морозова хонимга ўхшайсиз! Фақат шундай бўлиши керак! Тўғрими?

— Ҳа, шу маънода мен боён Морозовага ўхшайман. Худди унга ўхшаб ҳеч қачон ўзимнинг Худомдан воз кечмайман, Худомни ҳеч нарсага алмаштирмайман!

— Бироқ, сиз муҳожирликдан ҳеч нарса йўқотганингиз йўқ-ку! Қаранг, хонадонингиз қасрга ўхшайди!

— Моддий неъматлардан ташқари янада азизроқ қадриятлар ҳам борлигини билмайсизми? Масалан, Ватан! Менинг туғилажак невараларим ўз она тилини билмаслиги, сизнингча, фожиа эмасми? Мен улар тушунмайдиган тилда гапирсам, фожиа эмасми?..

Тез орада у хонадонимизни тарк этди. Анча пайтгача ўзимни боса олмадим. Хаёлимда унинг шеърӣй сатрлари айланарди:

Зиёлилар айтади безорилар қўшиғин.

.....
Худди келишишгандек, куйлашади жўр бўлиб,
Ёки жиноятчилар қўшиқ айтар бир бўлиб.

* * *

1968 йилнинг баҳор пайтида Рязанга концерт қўйгани борганда Слава Александр Исаевич Солженицин билан танишади. Саҳнага чиқиш арафасида унга залда Солженицин ўтирганини айтишади. Албатта, машҳур ёзувчи билан танишиб олмоқчи бўлади. Уйлайдики, концертдан сўнг Солженициннинг ўзи саҳна ортига ўтиб, ўзини таништиради. Бироқ, Александр Исаевич уйига жўнаб юборади. Шундан сўнг Слава Александр Исаевичнинг уй адресини сўраб-суриштириб оладую эртаси куни эрталаб қўққисдан меҳмонга боради.

— Ассалому алайкум! Мен Ростроповичман, сиз билан танишмоқчиман.

Солженицин биринчи қаватдаги торгина квартирада истиқомат қиларди. Машҳур ёзувчининг қашшоқ ҳаёт кечираётганини кўриб, Слава ёқасини ушлайди. Квартирада рафиқасидан ташқари яна иккита кампир ҳам яшар экан. Бу кампирлар хотинининг холалари эди. Кечасию кундузи кўчадан машиналар-

нинг гуриллаган, сигналларининг чинқирган товушлари эшитилиб турарди; ойналар доимо зирллаб турарди, ҳатто форточкани очиб, хонани шамоллатиб бўлмасди. Чунки Рязаннинг бу мавзеси кимёвий корхоналарнинг чиқитлари билан заҳарланганди.

Орадан кўп ўтмасдан Александр Исаевич Москвага келади ва бизникида меҳмон бўлади. Лекин мен ўшанда у билан учраша олмаганман — чунки чет элда гастролда эдим. Слава эса умумий танишларимизнинг уйларида у билан яна бир неча марта учрашади. Бир гал ёзувчи Лидия Чуковскаянинг қизини тасодифан учратиш, ундан Солженициннинг оғир касал эканини, ҳозир Рождество қишлоғидаги кичкинагина боғ-ҳовлисида яшаётганини билиб олади. Слава шу заҳоти машинасига миниб, беморни кўргани жўнаб кетади.

Хрущёв ҳукм сурган даврда одамларга шахсий томорқа сифатида олти сотихдан ер берилганди. Бу ерлар боғча дейиларди, деҳқончилик қилиш мумкин эди, ҳатто бир четида кулба тиклашга ҳам руҳсат берилади. Бироқ, кулба бир хонадан ошмаслиги ва асло иситилмаслиги керак эди. Кулбада ёгин-сочиндан жон сақлаб ўтириш, боғчада ишлатиладиган асбоб-анжомларни яшириб қўйиш мумкин эди. Шундай бўлса-да қилни қирқ ёрадиган совет кишилари ёз ойларида оила аъзолари билан ўша боғчада яшаш йўллари топиб, Никита исмли подшоҳни миннатдор бўлиб эслаб юришар эди.

Киев шоҳқўчаси ёқасидаги боғчаларнинг биридан Слава излаб-излаб Солженицинни топади. Куз эди, совуқ тушиб қолганди, эзиб ёмғир ёғарди. Эрта баҳордан то кеч кузгача Солженицин фақат шу ерда бемалол ижод қилиши мумкин эди, бошқа қулайроқ уй-жойи йўқ эди. Кейинчалик КГБнинг уйдирмалари туфайли мана шу кўримсиз боғча Москва яқинидаги ажойиб боғ-ҳовлига айланиб кетади: биз бу ҳақда, дастлаб немисларнинг “Штерн” журналидан, сўнг Москвада чоп этиладиган “Литературная газета”дан билиб олган эдик.

Маълум бўлишича, Александр Исаевич оғир бод касалига мубтало бўлган экан — иситилмайдиган, зах кулбада яшаш оқибатида орқа мианинг нервларини шамоллатиб қўйганди. Энди дарҳол Рязанга қайтиши, ижод ҳақида ўйла-маслиги лозим эди. Бундан ташқари, тез орада уни Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдаб чиқаришлари керак эди. Ундан кейин Солженицин ҳуқуқсиз, ҳимоясиз фуқарога айланиб қоларди. Табиийки, янги орттирган дўстининг оғир аҳволга тушиб қолганини кўрган Слава унга шу заҳоти Жуковкадаги уйимизга кўчиб ўтишни таклиф қилади. Бизникида қиш бўйи бемалол яшаш мумкин эди. Ўша пайтда боғ-ҳовлимизда меҳмонларга мўлжалланган кичикроқ уй қуриб битказгандик. Бир томонига гараж қуриб, иккинчи томонига икки хонали шинамгина квартира, ошхона, ванна, айвон қурган эдик. Катта уйдан иситиш тизими тортиб ўтказилган эди.

Солженициннинг бизникига кўчиб келишини қанчалик ҳаяжон билан кутганимни гапирмасам ҳам бўлади. Учакишгандек, ўша пайтда уйимизда хизматкор йўқ эди: мен қизларим билан катта уйимиздан машҳур ёзувчининг бўлажак қўнимгоҳига каравотларни, ошхона жавонларини ва бошқа ашқол-дашқолларни ўзимиз орқалаб ўтказганмиз. Айниқса, парда муаммоси роса бошимизни қотиради. Янгисини ҳеч қаердан харид қилиб бўлмасди, ўзимиз тикайлик десак, вақтимиз зиқ эди. Учунчи қаватдаги ўзимизнинг пардаларимизни ечиб олдим-да, ёзувчининг ишлайдиган хонасига осиб қўйдим. Мен бу пардаларни Америкага сафарга борганимда олиб келгандим, оқ ва кўк йўлли эди. Славадан: “Александр Исаевичнинг хонасига шу пардаларни осиб қўйганим яхши бўлдимми?” деб қайта-қайта сўрардим. Ишқилиб, ниҳоятда фасон кўринмайдими? Фашини келтирмасмикан? Унинг диди қанақа? Эҳтимол, эски нарсаларни яхши кўрар?..

Слава Рязанда кўрган нарсаларидан фақат Солженициннинг узун сарғимтир соқоли ва бурчакларга биқиниб олган кампирларни эслаб қолганди. Дарҳақиқат, бутун ёшлиги жанггоҳларда, сўнгра ўн йил давомида қамоқхоналарда кечган инсоннинг маиший талаб ва эҳтиёжлари қанақа бўлиши мумкинлигини тасаввур этиб бўлмасди. Умуман ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ниҳоят, 1969 йилнинг 19 сентябрь куни эрталаб деразадан қарасам, ҳовлимизда эски бир “Москвич” турибди. Славанинг айтишича, Александр Исаевич

эрталабки соат олтида келибди, буюмларини қолдириб, ўзи поездда Москвага жўнаб кетибди; бир неча кундан сўнг қайтиб келиб, узил-кесил бизникида яшай бошлайди.

— Ишқилиб, хурсанд бўлдими? Уйимиз маъқул бўлдими? Қани, қандай жойлашганини кўрайлик-чи? Эҳтимол, яна ёрдам керакдир? Хонасига бирорта жавон киритиб берамизми...

Уйга кириб кўрсам, ҳеч нарса ўзгармабди, ортиқча ҳеч қандай буюм йўқ. Фақат каравотга битта тугунча ташлаб қўйилганди. Ошхонага ўтдим — бу ерда ҳам ўзим қолдирган нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Балки, юқларини машинадан туширмагандир?.. Ётоқхонага қайтиб кирдим. Тугунчада нима бор экан? Очиб қарасам, эскириб кетган қоп-қора пахталик куртка, қавилган, илма-тешик бўлиб кетган, бунақаси фақат қамоқхоналарда кийиларди... Курткага юпка ястиқ ўраб қўйилган, ястиқнинг жилдига ямоқ солинган. Ястиқ жилдига ҳам, курткага ҳам эркак кишининг ямоқ солганини дарҳол пайқаш мумкин эди, чунки ямоқ катта-катта чатилганди... Буларнинг ҳаммаси чилвир билан боғлаб қўйилган, чилвирга эса пачоқ алюмин чойнак осилган эди... Ана холос! Гўё ҳозиргина концлагердан қайтиб келган одам яна-тагин ўша ёққа кетишга ҳозирлик кўриб қўйганга ўхшарди. Ичимни бир нарса тирнаб ўтгандек бўлди.

— Слава, нима бало, буларни ўша ёқдан олиб келганми?

Биз тугунча тепасида лол бўлиб турардик. Тугунчадаги кийимга, ястиқ жилдига солинган ямоқлар инсон бошидан кечирган азоб-уқубатлардан нишона эди. Унга қўл теккизиб бўлмасди, гўё қўлни куйдирарди, наинки қўлни, балки юракни куйдирарди бу ямоқлар! Демак, Александр Исаевич ўзининг бебаҳо буюмларини доимо олиб юрар экан, улардан ажралмас экан. Ўзи босиб ўтган уқубатли ҳаёт йўлини зинҳор-базинҳор унутмас экан.

Шундай қилиб, дастлаб кўз ўнгимда Солженициннинг тақдири намоеън бўлди, кейин унинг ўзини кўрдим. Сочлари сарғиш, миқтидан келган, ўрта бўйли, соқоллари сарғиш, кулранг-кўкиш кўзлари чақнаб турадиган, асабий, товушлари жарангдор инсон — Солженицин эди.

— Галина Павловна, келинг, танишиб кўяйлик — менинг исмим Саня.

— Расмиятчиликни йиғиштириб қўйиб, мени шунчаки Галя деб чақираверинг.

— Раҳмат. Олижаноблик қилиб мени уйлариңга таклиф этганлариңг учун сиз билан Стивдан (у Славани шундай деб атарди) чексиз миннатдорман. Ишқилиб, сизларга халақит бермасам, бас.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз! Бу уй шундоқ ҳам бўш ётганди-ку! Шу уйда яшашга рози бўлганиңгиз учун биз жуда хурсандмиз. Уйимиз торроқ, сизга ноқулайлик туғдирмаса гўргайди!

— Галочка, мен ҳеч қачон бунақа ҳашаматли уйда яшамаганман. Гапингизни қаранг, ноқулай бўлар эмиш-а! Ахир, мен худди туш кўраётганга ўхшаяпман-ку... Табиат ҳам ажойиб экан, боғчани айтмайсизми! Сокинликни қаранг, сокинликни! Бу худонинг марҳамати бўлди — уй, ижод. Худойим, ўзингга шукр! Сизлардан фақат битта илтимосим бор: ишлаб ўтиришим учун боғчаниңг ичка-рисига битта ўриндиқ билан стол қўйишимга ижозат берсалариңгиз, бас. Битта дурадгор танишим бор, агар эътироз билдирмасалариңг, ўша чол келиб ўриндиқ, стол ясаб беради. Бундан ташқари, ёзув столимиңи ҳам бу ерга олиб келишим керак — ўшанда ўтириб ишлашга ўрганиб қолганман.

— Хоҳлаган нарсаниңгизни олиб келаверинг! Ўзингизга қандай яшаш маъқул бўлса, ўшундай яшайверинг!

Тез орада боғ-ҳовлимизда Солженициннинг рафиқаси Наташа Решетовская билан танишдим. У кўзлари катта-катта, нозик ниҳол аёл эди. Мен у билан кам кўришганман, чунки бизникида фақат биринчи қиш мавсумида яшади, холос. Лекин у билан биринчи учрашувимиз хотирамга муҳрланиб қолган. Биз уларни бир пиёла чойга таклиф қилдик. Ўшанда Славага: “Бир-бирига мос бўлмаган галати оила экан. Ажабо, қачон турмуш қуришган экан?” деган эдим.

Россияда бир тоифа аёллар бўлади. Улар қишлоқдаги аслзодалар хонадонига мансуб бўлиб, умрбод ўзларини келинчақдек ҳис қилишади. Улар тенгдош эди. Ёшлигида шеър-пеър ёзиб юрган қизалоқ кейинчалик Шопен куйларини ижро

этишни ўрганеди, лекин бир умр қатъий тарбия кўрмаган думбул қизалоқ даражасида қолиб кетади. Уларнинг фарзандлари йўқ эди.

Ўша оқшом дастурхон атрофида ўтириб, тўйгунимизча суҳбатлашдик (Солженициннинг шахсан ўзи билан!); бир пайт Наташа тўсатдан ўрнидан турдию нариги хонага кириб роялда Рахманинов, Шопен мусикаларини беўхшов чала бошлади, клавишларни сиңдириб юборай дерди...

Александр Исаевич гижиниб, кўзларини бир нуқтага тикиб олди. У ўзини араңг босиб ўтирарди. Кейин Славага қараб:

— Ҳеч бўлмаса, сенинг олдингда мусиқа чалмаса бўлармиди-а? — деди.

Мен ўшанда бирорта аёл машҳур созанда олдида ўзини ёқимтой этиб кўрса-тиш учун роял чалса, бунинг айб бўладиган жойи йўқ деб ўйлагандим. Агар рафиқасининг қилигидан эркак киши ўзини ноқулай ҳис этаётган бўлса, бу бошқа масала.

1962 йилда “Новий мир” журналида чоп этилган “Иван Денисовичнинг бир куни” номли биринчи қиссасиёқ Солженицинни дунёга машҳур қилиб юборди, у мисли кўрилмаган муваффақият қозонади. Совет матбуотида бир неча ой давомида қисса тўғрисидаги мақтовдан иборат мақолалар эълон қилинади, муаллифни Достоевский билан Толстойга тенглаштирадilar. Ҳатто унинг китобини Ленин мукофотига номзод этиб кўрсатадилар. Расмий доираларда ёзувчининг муваффақияти қанчалар тезлик билан бошланган бўлса, шу қадар тезликда поёнига етади. “Иван Денисович” халққа қандай самарали таъсир этганини кўрган ҳокимият дарҳол ортга қайтиш тўғрисида буйруқ беради.

Улар китобда келтирилган далиллардан кўрқмасди. Чунки Сталиннинг шахса гисиниши партиянинг XX, XXII қурултойларида аллақачон қораланган эди, миллионлаб совет кишиларининг концлагерларда қурбон бўлганини халқ яхши биларди. Бироқ, рақамлар вақт пардаси остига, ёлғондакам янги қасамлар ва партиянинг бақироқ янги шиорлари остига кўмиб юборилади. Одамларни янгитдан тўқилган уйдирмаларга ишонтирмоқчи бўладилар. Ҳокимият ёзувчи истеъдодининг қамровдорлигидан, “Иван Денисович”нинг ўқувчилар онгига ўтказадиган маънавий таъсиридан кўрқиб кетади. Қисса саҳифаларида акс эттирилган оддийгина қишлоқи рус деҳқонининг тимсоли жафокаш халқнинг умумий тимсолига айланиб кетади; бу тимсол ўқувчини ром этиб олади, унинг ақлидрокини, қалбини жунбушга келтириб юборади, одамларни виждон ҳукми билан ҳисоблашишга чорлайди, содир этилган ёвузлик учун жавобгарлик ва тавба-тазарру талаб этилади.

Ахир ўша қиссанинг соддалиги билан кишини ларзага солиб юборадиган охирги жумлаларини унутиб бўладими: “У маҳкум этилган муддатнинг бошидан адоғигача бундай кунлар уч минг олти юзу эллик учта эди. Тўрт йилда бир марта келадиган кабиса йил ҳисобидан яна ортиқча уч кун кўшиб қўйилади...”

Солженициннинг навбатдаги “Ўсмага чалинганлар корпуси” номли янги қиссаси эса “Новий мир” журналининг бош муҳаррири Твардовскийнинг темир сандиғидан муқим жой олади. Ҳатто юқори доираларда таниш-билишлари кўп бўлган одам ҳам қиссани нашр эттиришга ожизлик қилади. Солженицин бизникига кўчиб келгач, мен ўша қиссани қўлёзма ҳолда мутолаа қилган эдим.

Китобда Русанов деган амалпараст партия ходими ниҳоятда ишонарли ва табиий ҳолатда тасвирланади. У ўзининг сохта эътиқодига қаттиқ ишонади. Бу ҳол ўқувчида жирканч бир таассурот қолдиради. Ҳокимият бу китобни нима учун Совет Иттифоқида чоп этишга руҳсат бермаганини шундан ҳам билиш мумкин. Совет ҳокимияти русановларга суяниб турибди, улар миллионлардир, уларнинг ҳар биттаси — каттадан-кичиги умумлаштирувчи мана шу тимсолда ўзининг қиёфасини кўради.

Албатта, мен ҳам, Слава ҳам уйимизда шундай буюк бир шахснинг пайдо бўлиши оқибатида бошимизга қандай мусибатлар тушиши мумкинлигини билмасдик, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасдик. Биз озодлик учун курашаётган ёзувчиға, Россиянинг халоскорига бошпана беряпмиз деб ўйламаганмиз, бунақа баландпарвоз гаплар хаёлимизга ҳам келмаган. Балки, оғир мусибатларни бошидан кечирган инсонга қўлимиздан келганча ёрдам бермоқчи бўлганмиз, холос. Зеро,

яқин одамингга имкон қадар кўмак бериш ҳеч қандай қаҳрамонлик ҳисобланмайди, ақли расо ҳар қандай инсон шундай қилиши керак. Бизнинг ҳашаматли хонадонимизда унинг азоб-укубатлари тимсоли бўлган тугунчасини кўрган пайтимдаёқ диндош биродаримизга қўлимиздан келганча ёрдам беришимиз лозимлигини ич-ичимдан ҳис этганман.

Ҳамма бало шундаки, бу мамлакатда ўз дунёқарашинг асосида, ўзинг эътиқод қўйган худонинг ҳукмлари асосида оддий инсон бўлиб яшашинг мумкин эмас. Аксинча, Худони қалбингдан ҳайдаб чиқаришинг даркор, коммунал квартирага ўхшаб бўшаб қолган майдончага эса Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталинларни жамики сафсаталари билан кўчириб ўтқазининг, ўша сафсаталарга сифинининг лозим. Йўқса, доимо барҳаёт Ильич айтганидек, “Ким биз билан бўлма-са, у бизга душмандир!” Шундай қилиб, биз Солженицинга бошпана берганимиз учун ўз-ўзидан ДУШМАН бўлиб қолдик.

Мана, бизни кига кўчиб келгандан кейин орадан икки ой ўтар-ўтмас Солженицинни Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигидан ўчириб ташлашди.

Биринчи қиш биз учун нисбатан осойишта ўтди. Слава аввалгидек чет элларга тез-тез гастролга бориб турарди, Большой театрда дирижёрлик қиларди. Тўғри, мени ўшандаёқ “чақиб” олишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Бу воқеа Караян билан куй-қўшиқларимиз ёзиладиган пайтларда рўй беради...

Солженицинга хос бўлган жўшқин оптимизм мени доим ҳайратга соларди. Маиший турмушда ундан кўра шикастанафс одамни учратмаганман. Кўпинча, айниқса, қиш пайтлари у боғ-ҳовлида ёлғиз яшарди.

Бир гал тасодифан боғ-ҳовлимизга туш пайтида бориб қолдик. Столда бир бурда нон турибди, тарелкада сувда қайнатилган угра, ёнида тўғралган гўшт, қайнатма шўрва пиширишга ҳозирлик кўраётгани кўриниб турарди. Келганимизни кўриб қувонди, тарадудланиб қолди.

— Қадамларига ҳасанот, хўш кўрдик! Ҳозир чой ичамиз.

Мен унинг тушлик овқатини кўриб ёқамни ушладим, нариги хонага чиққан заҳоти музлатгични очиб қарашдан ўзимни тия олмадим: ё тавба, бир шиша сут, бир банка тузланган карам, қайнатилган картошка, тухумдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди!

— Бу аҳволда қандай яшаяпсиз? Емишингизнинг мазаси йўққа ўхшайди-ку!

— Мазаси йўққа ўхшайди деганингиз нимаси? — деди у ҳайрон бўлиб. — Нима керак бўлса, ана, Жуковкага бориб харид қиламан, хоҳлаган нарсамни ейишим мумкин. Яхши яшаяпман.

— Шу нарсалар овқат бўладими? Вой ўлмасам!

Унинг озиқ-овқат заҳирасидан даҳшатга тушганимни кўриб, кулиб юборди.

— Галочка, сира ҳам безовта бўлманг, мен шундай яшашга ўрганиб қолганман. Менга ортиқча ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Энг асосийси — бу ер иссиққина, ён-атрофим жимжит, ҳавоси тоза, ишларим яхши кетяпти.

Совет Иттифоқида асарларини яна узоқ вақт чоп этиб бўлмаслигини у яхши биларди. Шу боис “Иван Денисович” қиссаси учун олган мўмайгина қалам ҳаққини тежаб-тергаб сарфлашга ҳаракат қиларди. У ҳар куни фақат бир сўмдан чиқим қиларди, холос. Қалам ҳақи соб бўлгунча режалаштириб қўйган ва умр мазмунини ташкил этадиган барча асарларини ёзиб тамомлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Ҳатто Нобель мукофотига сазовор бўлганидан кейин ҳам унинг маиший турмушида деярли ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Мен сезган ягона ўзгариш шундан иборатки, меҳмонлар учун валюта дўконидан хорижий ароқлар, ёнғоқ харид қилади, лекин ўзи ичкиликни мутлақо оғзига олмасди. Албатта, тўйимлироқ таомларни тановул қила бошлайди. Айтмоқчи, “совет тузумига тухматдан иборат” асарлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган муаллифни ҳокимият матбуотда уялмасдан балчиққа булғаб ташлайди-ю, аммо ўша мукофотидан катта миқдорда солиқ ундириб олади. Совет ҳукумати безбетликда шайтонга ҳам дарс берарди!

Славадан фарқли ўлароқ мен одамларга қўшилмасдим, ёлғизликни ёқтирардим. Жуковкада ўн беш йил яшаган бўлсам-да, аммо баъзи бир қўшнилариимиз билан умуман танишмаганман. Ҳатто А.Сахаров кўчанинг нариги бетида яшаса ҳам анча пайтгача у билан таниша олмадим. Унинг ўғли Дима эса кўпдан

бери қизларим билан дўстлашиб юрарди. Кунларнинг бирида боғ-ҳовлимизга келсак, иккита эркак сайр этиб юрибди. Слава машинани тўхтатиб улар билан саломлашди, меҳмонга таклиф этди, сўнг яна йўлида давом этди. Биттаси кўзимга иссиқ учради, у зиёлинамо киши эди, нигоҳлари ўткир, самимий эди.

— Худойим-эй, кўзларини қара-я! У ким эди?

— Сахаров.

Эртаси кун у рафиқаси Елена Боннэр билан бизникига меҳмонга келди. Шунда бу ажойиб инсон билан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Улар икки қаватли ғиштли уйда яшардилар: ташқаридан уйлари каттага ўхшарди, шинам хоналари ҳам кўпдек кўринарди. Бироқ, уйнинг ичкараси тор ва ноқулай эди. Пастки қаватида ўртача ҳажмдаги битта хона билан иситилмайдиган ёпиқ айвон бўлса, юқори қаватида икки-учта майда хоналар бор эди. Уйнинг деворлари ниҳоятда қалин бўлиб, деворларнинг орасида бўшлиқ борга ўхшарди. Катта оиланинг бу уйда ёзда қандай яшашини тасаввур этиб бўлмасди: биринчи хотиндан (марҳум) бўлган ўғли ва турмушга чиққан қизи оиласи билан, иккинчи хотини Елена Боннэрнинг ўғли ва турмушга чиққан қизи оиласи билан ташриф буюришарди, қайнонаси ҳам бор эди, ўзи... Уйда деярли ҳеч қандай мебель йўқ эди, умуман, мебель қўядиган бўш жой ҳам топилмасди, ҳар битта хонада уч-тўрттадан каравот турарди.

Буюк олимнинг нафақат ишлайдиган хонаси бор эди, ҳатто ўзи пастки қаватдаги йўлакда ухларди. Ажабки, бундай ҳолат унинг жаҳлини чиқармасди, ҳеч нолиганини ҳам эшитмаганман. Атрофида рўй бераётган тўс-тўполон гўё тасир қилмасди. Шикаста, меҳрибон Андрей Дмитриевич... Биз уни яна битта қўшимча хона қуриб олишга кўндираддик, ахир киши баъзан ёлғиз қолишни истайди. У рози бўларди, кулимсираб хижолат бўларди ва дарҳол гапни бошқа мавзуга буриб юборарди. Кейин гап нимадалигини билдим: унинг ортиқча пули йўқ экан. Совет ҳокимияти билан чиқишмай қолгач, бу ҳалол, юраги тоза инсон ўзи ишлаб топган — умр бўйи жамғарган 150 минг сўм пулни давлатга қайтариб беради! Хўш, яна ким шундай қила оларди? Мен бундай қилган бошқа одамни билмайман, биринчи навбатда ўзим ҳам бундай қилолмасдим.

Тез орада уни хизмат машинасидан фойдаланишдан ҳам маҳрум қиладилар. Ваҳолонки, барча академиклар хизмат машинасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эди. Ўзининг шахсий машинасидан эса асосан болалари фойдаланишарди. Энди ишга электричкада бориб келадиган бўлади. Кўпинча ишдан қайтаётиб, темир йўл бекатидан боғ-ҳовлисига озик-овқат тўлдирилган оғир-вазмин сумкаларни аранг кўтариб келаётганини кўриш мумкин эди.

Солженицин бизникига кўчиб келгач, тақдир тақозоси билан бир томондан Сахаров билан, иккинчи томондан Шостакович билан қўшни бўлиб қолади. Табиийки, ён қўшни бўлгани учун Андрей Дмитриевич билан тез-тез учрашиб турарди. Слава кейинчалик Солженицинни Шостакович билан ҳам яқиндан таништириб қўяди. Беназир бастакор Александр Исаевичнинг ёзувчилик иқтидорини юксак қадрларди, унинг “Она ҳовлиси” қиссаси асосида опера яратишни орзу қиларди.

Улар бир неча марта учрашадилар, бироқ, афсуски, қалинлашиб кетолмайдилар. Босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳам, феъл-атворлари ҳам бошқача эди. Солженицин — мурасасиз туғма жангчи эди: ижод эркинлиги учун ҳатто замбаракка қарши ҳам муштумини ўқталиб бораверарди, у ҳақиқатни, ошкораликни талаб қиларди. Умр бўйи бошқаларга аралашмасдан ўзи билан ўзи овора бўлган Шостакович эса жангчи эмасди.

— Унга айтиб қўйинглар, Кремлдаги босмачилар билан олишиб, умрини беҳуда ўтказмасин. Яхшиси, ишлаш керак. Ёзувчи ижод қилиши лозим, индамайгина ишини қилаверсин. У буюк ёзувчи, — дейди Шостакович.

Албатта, Шостакович ўзининг раҳнамо эканини биларди, бутун дунёнинг энг зўр мусиқачилари ортидан эргашиб келаётганини, унга тенглашмоқчи бўлишаётганини ҳис этиб турарди. Айни чоғда сиёсий курашдан ўзини четга тортаётгани учун одамлар ундан ўпқаланаётганини ҳам яхши биларди. Ундан худди Солженицинга ўхшаб виждон ва ижод эркинлиги учун очик майдонда кураш

талаб этиларди. Бўпти, ҳамма учун бир киши ўзини қурбон қилади. Хўш, нега энди миллатнинг ифтихори бўлган бир кишини ҳамма сақлаб қолмайди?

Шўрлик Дмитрий Дмитриевич! 1948 йили Москва консерваториясининг томошабинлар билан лиммо-лим тўлган Катта залида у бўм-бўш қаторда худди моховга ўхшаб ёлғиз ўзи ўтиради, ҳеч ким унинг ёнига келиб ўтирмайди, уни яккалаб қўядилар, ҳамма ундан ўзини олиб қочади. Ўшанда кўп нарсаларни ўйлайди, аччиқ ҳақиқатларни англаб етади, сўнг ўша сабоқни умр бўйи унутмайди. Биз навбатдаги адолатсизликка учраган кезларимизда у кўпинча:

— Кучларингни беҳуда сарфламанглар, ишланглар, ижод қилинглар, — дерди босиқлик билан. — Шу мамлакатда яшаяпсизларми, демак ҳаммасига чидаш керак, борини “бор” дейиш лозим, йўғини “йўқ”, вассалом! Хомтама бўлманглар, бу ерда бошқача яшаш мумкин эмас ва мумкин бўлмайди ҳам!

Бир гал янада очикроқ гапирди:

— Нафас олишга имкон бериб қўйишгани учун раҳмат айтинглар.

Аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмасди. Шостакович ҳам аниқ-равшан билардики, майнабозларнинг беҳаё ўйинида қатнашаётган эдик. Масхарабоз бўлишга рози бўлдингми, энди марҳамат қилиб охиригача ўйнаб бергин! Агар ошкора қаршилиқ кўрсатмасанг, ўзинг яшаётган ҳаётда рўй бераётган аблаҳликлар учун бари бир жавобгар бўласан... У бирданига қатъий қарорга келгач, уялмасдан ўша ўйин қондаларига итоат этади. Шу боис матбуотда, йигилишларда чиқишлар қилади, қандайдир ярамас гуруҳбозларнинг “норозилик хатлари”га имзо чекади. Ўзининг айтишича, хатларга ўқимасдан имзо чекаверарди, бу ҳақда одамларнинг нима дейиши уни мутлақо қизиқтирмасди. Билардики, вақтисоати етгач, пўстлоқ кўчиб тушади, у яратган мусиқалар қолади ва ўша асарлари бор ҳақиқатни ҳар қандай сўздан кўра тушунарлироқ тарзда одамларга тушунтириб беради. Унинг ҳақиқий ҳаёти фақат ижоддан иборат эди, бу жабҳага ҳеч кимни яқин йўлатмасди. Ижод — унинг ибодатхонаси эди, ибодатхонага ўзининг асил қиёфасида кирарди, фақат мана шу гўшада кечган ҳаёт учун бутун жавобгарликни зиммасига оларди. Шостакович нима демоқчи бўлган бўлса, нималарни ўйлаган бўлса, ҳаммасини ўзининг мусиқаларида айтган. Унинг мусиқалари узоқ яшайди, айни чоғда XX асрнинг буюк бастакорининг янчиб, мажақлаб ташланган маънавий қиёфаси ҳам узоқ вақтгача унутилмайди...

* * *

1970 йилнинг кузида Венага бориб, “Борис Годунов”нинг ярмини ёзиб олишганидан сўнг Москвага қайтиб келдим. Уч ҳафтадан кейин яна бориб, ишни тугатиб келишим лозим эди. Айтмоқчи, одатдагидек, ўша иш эвазига олган пулнинг ҳаммасини элчихонага топширдим. “Борис Годунов” операси учун Караян икковимизга давлат томонидан берилган пулга оқ этик билан тулки терисидан тикилган телпак сотиб олдим. Севимли ҳукуматимиз куппакундузи бизни шип-шийдам қилиб шилиб олади.

Машҳур дирижёр билан банд бўлиб юрган кезларимда ҳаётимизни остин-устун қилиб юборган ҳодиса рўй беради.

Солженицинга Нобель мукофоти берилади, совет матбуотида эса ёзувчини бадном қилишга қаратилган компания бошланади. Бундай жирканч тадбирлар, одатдагидек, олдиндан синовдан ўтказилган йўсинда амалга оширилади. Яъни, совет маданиятининг кўзга кўринган арбоблари ошкора чиқиш қилмайдилар, фақат “бир гуруҳ коммунистлар” номидан лаънатномалар уюштирилади. Бундай бедодликка чидай олмаган Ростропович ўз норозилигини ошкора эълон қилади.

Москванинг совуқ тонгини яхши эслайман. Слава боғ-ҳовлимиздан қайтиб келиб, “Правда”, “Известия”, “Литературная газета”, “Советская культура” газеталарининг бош муҳаррирлари номига ёзилган мактубини менга кўрсатади.

— Ахир, бу хатни ҳеч ким чоп этмайди-ку! Шундоқ бўлгач, хат ёзишнинг нима кераги бор? Қачонки афкор оммага маълум бўлсагина қандайдир фойдаси тегиши мумкин.

— Солженицин бизникида яшайпти. Демак, мен ўзимнинг нуқтаи назаримни билдириб қўйишим лозим.

— Тўғри, сен ҳақсан. Агар бу хат совет матбуотида эълон қилиниши аниқ бўлганда борми, биринчи бўлиб ўзим ҳам имзо чекар эдим. Кейин мени мажақлаб ташлашса ҳам рози бўлардим. Бироқ, одам ўз ҳаётини зимдан хароб этилишига йўл қўймаслиги керак.

— Қўйсанг-чи, мунча ваҳима қиласан! Сен айтган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Хатимни чоп этмаслигини ўзим ҳам биламан, лекин газета ходимлари орқали ундан маълум доирадаги кишилар хабардор бўлишади.

— Уз зиммангга жуда катта жавобгарликни оляпсан, яқин одамларингнинг тақдири нима бўлишини ўйлаб кўрдингми? Яқинларинг, дўстларинг, ҳатто созанда опанг ҳам, уларнинг бола-чақалари ҳам қувғинга учрайдилар. Уларнинг нима бўлишини, мента нима бўлишини ўйлаяпсанми? Бўпти, нималардан маҳрум бўлишимни бирма-бир санаб ўтирмайман, аммо умр бўйи тирноқлаб тўплаган обрў-эътиборим — ҳамма-ҳаммаси барбод бўлади.

— Опамга ҳеч нарса бўлмайди. Сен билан эса ёлғондакам — хўжақўрсин учун ажралишимиз мумкин. Шунда сенга ҳам ҳеч нарса бўлмайди.

— Ёлғондакам ажралишимиз керакми? Ундан кейин ўзинг қаерда яшайсан, болаларга нима дейсан?

— Бирга яшайверамиз, болаларга эса ўзим тушунтираман: улар вояга етиб қолишди, ҳаммасини тўғри қабул қилишади.

— Демак, сиртдан қараганда биз ажрашамиз, бошқа-бошқа яшашимиз лозим. Ажаб, кечқурунлари деразадан яширинча ошиб ўтиб қўйнимга кирасанми?! Шундайми? Албатта, куласан, кулгили гап бўляпти... Яхшиси, сен бу гапларни бировларга айтиб юрмагин, ўзингни калака қилмагин.

— Агар мен ҳозир норозилигимни билдириб қўймасам, кейин ҳеч қачон бунга журъат этолмайман.

— Ҳеч ким очикдан-очик норозилик билдирмайди. Битта ўзинг дўзахий дастгоҳга қарши чиқмоқчи бўляпсан, лекин оқибати жуда ёмон бўлишини ҳам аниқ-равшан биласанми? Билмасанг, билиб олгин: бу мамлакатда ҳар қандай одамни чивиндек эзиб, йўқотиб юборишлари мумкин. Керак бўлса, кўт-т-тариб урадилар! Ана, Сталин нима бўлди? Уни бу мамлакатда худодан ҳам ортиқ кўришарди, лекин мақбарасидан чиқариб отишди. Кейин ўн йил мобайнида давлатни бошқарган Хрущёвни ҳам супуриб ташлашди, ҳозир ундан ном-нишон ҳам қолмади. Биринчи навбатда сени мулойимлик билан Большой театрдан ҳайдаб солишади, сўнгра чет элларга чиқармай қўйишади. Хўш, шундай мусибатларга тайёرمىсан?

— Ҳадеб ваҳима қилаверма, одамни кўрқитиб юбординг-ку! Ишончим комилки, ҳеч нарса бўлмайди. Тушунгин, мен шундай қилишим керак, бу ҳақда кўп ўйладим.

— Тушуниб турибман, ўзинг ҳам билиб турибсанки, мен доимо сени қўллаб-қувватлайман. Бироқ, сендан фарқли ўлароқ бошимизга қандай кунлар тушишини ҳам аниқ-равшан билиб турибман. Сен бўлсанг, хомтама бўляпсан. Ҳа, сен ҳақсан. Майли, виждонинг буюрганини қилавер...

— Раҳмат. Ҳаммасини тўғри тушунишингни билардим.

* * *

Солженицинни собиқ хотини билан учинчи марта судлашгандан кейингина ажратишади. Бу пайтда кейинги рафиқаси Аля учинчи фарзандига ҳомиладор эди. Сўнгра дарҳол ўз никоҳларини расмийлаштирадилар — 1973 йилнинг апрел ойида Обиденко ибодатхонасида никоҳ ўқитадилар. Айтмоқчи, биринчи фарзандлари Ермолайни ҳам айнан ана шу ибодатхонада чўқинтирган эдилар, Слава чақалоқнинг чўқинтирган отаси бўлган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Солженицинларни чет элга бадарға қилиб юборадилар.

* * *

Билардимки, Слава беҳаё сурбетликка тоқат қилолмасди, хўрликларга энди чидаб бўлмасди. Бошимизга ёғилаётган кўргуликларни ўйласам, чаккаларим тарс ёрилиб кетай дерди... Йўқ, бундай яшаб бўлмасди, тезроқ бу ердан кетиш керак, кетиш керак... Иложининг борича зудлик билан ғойиб бўлиш керак! Бўйнимизга солинган сиртмоқ таранг тортилди, бор кучимизни ишга солиб сиртмоқни узиб ташлаш лозим, ҳозир ўйлаб ўтирадиган вақт эмасди.

— Слава, энди ҳар жойларга бориб ялиниб-ёлвориш керак эмас, етар! Бундан кейин худди ҳеч нарса бўлмаётгандек, ўзимни гўлликка солиб юришни истамайман. Ҳозироқ ўтириб Брежневга ариза ёзасан, оиламиз билан икки йилга чет элга чиқиб кетишимиз учун рухсат берилишини сўрайсан.

Кутилмаган таклифдан Слава довдираб қолди.

— Гапларинг жиддийми?

— Шу қадар жиддийки, ҳаётимда ҳеч қачон бунчалик жиддий гапирмаганман. Худодан ялиниб-ёлвориб сўрайманки, фақат бизга чиқиб кетишимизга ижозат беришса, бас!

Бутга яқин бориб, бундай қарор қабул қилганимиз учун ҳеч қачон бир-биримизга таъна қилмаймиз деб қасам ичдик. Шу заҳоти ўзимни қушдай енгил ҳис этдим, гўё елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ариза ҳам тайёр бўлди...

* * *

Ниҳоят, биз самолётга чиқиб ўзимизнинг жойларимизга ўтирдик. Вой худойим-эй, нима учун боядан бери ўрнимиздан кўзгалмаяпмиз? Салонда янги йўловчи пайдо бўлса, ана, ҳозир бизни самолётдан тушириб қоладилар деб ўйлардим. Кейин нима бўлади? Ахир бизни Парижда Слава кутиб олади: унга бизни самолётдан тушириб қолишди деб хабар бергунимча орадан бир неча соат ўтади, унгача бўлари бўлади-ку... Тасмаларни ўриндиққа боғладим, даҳшатли даражада асабийлашардим, агар шундай ҳолат яна бир неча дақиқа давом этса, юрагим тарс ёрилиб кетиши мумкин эди. Кўзларимни юмиб сонияларни, дақиқаларни санай бошладим... Йўқ, ҳали суюнадиган пайт келган эмас, кўзларимни мошдек очишиб, бизни ҳув тубанликка итқитиб юборишлари мумкин...

Мана, ғилдираклар жойидан кўзгалди, биз учиш майдончасига чиқиб боряпмиз... Самолёт аста-секин тезлигини оширяпти, тобора тезлашиб-тезлашиб бориб, ниҳоят, ердан кўтарилди...

Алвидо, ювиқсиз Россия,
Куллар ва қулдорлар юрти.
Эй сиз, мовий мундирлар,
Эй сен, итоатгўй оломон...

— Ойи, ойижон! Нималар деяпсан! Йиғи-сиғи қилма! Эшитяпсанми, йиғлама деяпман!

Қизимнинг товуши қулоғимга киргандан кейингина кўзларимдан шашқатор ёш оқаётганини сезиб қоламан. Бир неча дақиқа аввал қизларим қувончдан ял-ял ёниб ўтиришарди, энди бўлса, кўзларида ҳадик-хавотир аломатлари зуҳур бўлганди. Уқраб юбормаслик учун юзларимни ойнага босаман, оёқларим остида эса қоп-қора тасмага ўхшаб заминим кўринади; мен бўлсам, осмони фалакка кўтарилиб борардим...

Олима НАБИЗОДА таржумаси

Сўз деҳқони

Сўз деҳқони Миртемирнинг таваллудига 90 йил тўлди. Мен бир гал бу камтар, одамохун шоирнинг ёнгинасида турганман, аммо бирон сўз қотишга, ўзимни таништириб, у киши ўгирган “Манас” эпоси таржимаси устида илмий иш олиб бораётганимни айтишга тортинганман. Чунки дорилфунунни эндигина тамомлаб, Тил ва адабиёт институтига лаборант бўлиб ишга киргандим, нафақат Миртемир, ҳатто ҳар куни ўзимиз салом бериб юрадиган домлалар давраси ёнидан ҳам дадил ўтишдан ийманадиган чоғларимиз эди. Ушанда институтда бўлиб ўтган учрашув ва шеърхонлик сўнгида домла таниқли адабиётшунос олимлар даврасида кулишиб суҳбатлашаётган, атрофини кўпчилик ўраб олган экан. Андижон нусха дўпписини хиёл орқароққа кўндирган, сўзлаганда ясама тишлари талаффузига бир оз халақит бераётгани сезилиб турадиган кекса шоир ҳамсуҳбатига зеҳн солиб, кафтини кулоғига қўйиб тинглар, айтилган лутф чиройли чиқса, қаддини ташлаб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборарди. Бошқаларга қандай кўринаркин — билмадим, аммо менга у кишининг жуссаси ихчамгина бўлса ҳам, қандайдир бошқача салобати бордай туйилди. Албатта, тинимсиз машаққатли ижодий иш билан ўтган йиллар толиқтириб қўйгани ҳам барибир сезиларди...

Миртемирни бевосита, ёнма-ён туриб кўрганам — шу.

Энди ўйлаб, афсусланасан киши: тортинчоқлик ҳам одамни кўп нарсалардан махрум этаркан. Бўлмаса, шоир хонадонига бориб, лоақал “Манас” таржимаси тўғрисидаги мени қизиқтирган нарсаларни сўраш, таржима жараёнида юзага чиққан қизиқ-қизиқ ҳолатларни унинг ўзидан билиб олиш, шундай ўринларни ўрганишга алоҳида эътибор бериш мумкин бўлмасмиди?..

Ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихида шеърый асарларни Миртемир син-

гари кўп ва хўп таржима қилган бошқа ижодкор йўқ. Миртемирнинг таржимавий мероси унинг оригинал асарларидан камида ўн баравар катта. Ўзбек шеърятининг бу заҳматкаш адиби насрий асарлари ҳам, кўплаб пьесаларни ҳам ўз вақтида маҳорат билан таржима қилган. Масалан, Пушкиннинг “Белкин қиссалари”, Достоевскийнинг “Ўлик мактублар” асари, Леонид Соловьёвнинг “Насриддин Афандининг саргузаштлари” қиссаси, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган қатор драматик асарлар ана шулар жумласидан.

Аммо Миртемирнинг асосий таржималарини шеърый асарлар ташкил этади. Бу улкан мутаржим ўз ижодий ҳаёти давомида ўгирган шеърый асарлар номини бирма-бир санашнинг ўзи учун ҳам битта дафтар етмайди. Лоақал, рус адабиётидан Пушкиннинг ўнлаб лирик шеърлари, “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”, “Шоҳ Султон, унинг азамат ва шавкатли ўғли ботир Гвидон, шаҳзода ҳам оққуш ҳақида эртак”, “Бир поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак” каби машҳур шеърый эртаклар таржимасини эсга олиб ўтиш мумкин.

Одатда шеърый асар китоб бўлиб босилиб чиқса, адади унча катта бўлмайди — беш минг, нари борса ўн-ўн беш минг нусхада чоп этилади. Аммо Миртемирнинг аксар таржималари эллик минглаб, олти-етмиш беш минглаб нусхада чоп этилар эди. Адибнинг тили ниҳоятда ширали, халқона, айни пайтда аслига ажабтовур бир тарзда мос таржималарининг савияси шуни тақозо этарди. Чунончи, Корней Чуковскийнинг “Мойдодир”, Пётр Ершовнинг “Букри тойчоқ”, Пушкиннинг лирик шеърлари ва болалар учун ёзган эртаклари, поэмалари, Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди?” достони каби ўнлаб асарлар ана шулар жумласидан. Миртемир А.Твардовский, С.Шчипачёв, Шота Руставели, Расул

Ризо, Абай, Николаз Бараташвили син-гари шоирларни ўзбек ўқувчиларига танитди, Осийё, Африка, Америка қитъасидаги ўнлаб халқларнинг кўпдан-кўп шоирларининг машҳур шеърларини қойилмақом қилиб она тилимизда янгради.

Миртемир кўшиқчи шоир эди. Унинг ўнлаб дилбар шеърлари ҳали-ҳануз сифизларимиз оғзидан, бастакорларнинг созидан тушмай келаяпти. Бироқ унинг кўшиқчи шоир бўлиб танилишида айнан бадиий таржиманинг роли ниҳоятда катта эканлиги кўпчиликка маълум эмас. Кузатишлар кўрсатадики, шоир кўпинча таржима давомда янги-янги мотивларни кашф этади-да, кейинчалик бу янги оҳанг ва мотивлар кўшиққа айланган. Бир мисол: шоир эллигинчи йилларнинг бошида Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди” поэмасини таржима қилганида бу улкан асарнинг бир ўрнида куйидагича мисралар ҳам бор эди:

Плетка свистнула,
Кровь пробрызнула...
Ах, лели! лели!
Кровь пробрызнула...

Адиб бун куйидагича ўгирган:

Урди беомон,
Сачраб кетди қон...
Воҳ, ялли, ялли,
Сачраб кетди қон.

Ана шу “ялли, ялли” сўзлари ўша ойларда шоирни Навойининг машҳур “Бир неча гул, барги қабо яли-яли” матлаъли газалига назира ёзишга ундаб, “Дарёси кўп, дардга даво яли-яли” кўшиғи шу тариха юзага келган.

Аслида, таржима билан кўшиқнинг ҳамрозлиги Миртемир ижодиётида бундан илгарироқ — уруш йилларида юзага чиққан эди. Миртемир 1942 йилда махсус топшириққа биноан “Ватан учун жангга!” деган китобчани таржима қилган эди.

Айтиш мумкинки, шиддатли уруш даври ўзбек таржимачилиги учун ҳам муайян маънода экстремал ҳолат эди. Одатда, бундай дамларда илгари яшириниб ётган ёки ҳали кўринмаган хусусият ва куч-қудрат бирдан юзага ҳам чиқади, янги фазилатлар намоён бўлади. Ана шу “Ватан учун жангга!” тўплами Миртемирдаги ана шундай фазилатларни юзага чиқарди. Бунда Миртемир шеърни... шеър қилибгина эмас, ўн саккизта машҳур рус ҳарбий кўшиғини кўшиқ қилиб, яъни куйига мос тушадиган тарзда таржима қилди. В.И.Лебедев-Кумач, М.Голодний, М.Исаковский каби атоқли шоирларнинг II Жаҳон уруши йилларида ёзган шеърларига Понкрас, Листов, М.Блантер син-

гари композиторлари томонидан басталангани кўшиқни рус куйи оҳангига мос келадиган қилиб таржима қилди. Ўзбекча таржиманинг рус музыкаси нотасига тўла мувофиқлиги таржиманинг мусиқий муҳаррирлари, композиторлар — В.Беляев ва И.Лившицлар томонидан ҳам тасдиқ этилди. Бу таржималарнинг бадиий матн сифатидаги характерли томони шундан иборатки, улар шеър тузилиши жиҳатидан бармоқ тизими хусусиятларига, умуман олганда, мос келса-да, туроқланишига кўра ўзбек шеърининг анъанавий туркумлари доирасига сиғмайди. Чунончи:

Хайр, яхши қол шаҳарлар, қишлоқлар! 4+6=10
Чақирмоқда бизни олис йўл! 4+5=9
Жангга жўнар бугун тонгги чоқлар 4+6=10
Биз ўлонлар тутиб кўлга-кўл! 4+5=9

Бироқ Миртемир ўзбекча шеърини мисраларни русча куйга тушириш билан андармон бўлиб, маънони хира ва нотўғри акс эттирган эмас. Билъакс, кўшиқнинг маъноси аниқ-равшан бўлиши керак деган ўз анъанасига тўла амал қилиб, ушбу тўпламдаги ўн саккизта машҳур рус кўшиғи бадиий матнининг аслидагидай таъсири ва куйига мос тарзда чиқара олган.

Оддий таржимага нисбатан дубляж таржимаси, яъни кинофилмларда персонажлар сўзини таржима қилишда матн сўзлари ана шу қаҳрамонларининг талаффузи ифодасига мос келиши шарт эканлиги мутаржим олдида бир қатор қийинчиликларни кўндаланг куйишини эътиборга олсак, кўшиқни кўшиқ билан, яъни бошқа тилдаги сўзларнинг тарзи аслият куйига тушиши нақадар машаққатталаб эканлиги аён бўлади. Худди шунинг учун ҳам айнан Миртемирнинг, кейинчалик “Некрасовни таржима қиларкан” шеърда ёзганидай, “ўзбек созида янграр рус шеърининг садоси” деяр экан, бун мутаржимнинг фахрияси ва шеър ҳамда кўшиқнинг матни мазмунинигина эмас, айнан садосини ҳам ифода эта билганидан ғурури сифатида англаш лозим.

Миртемирнинг шеърини таржималари беҳисоб даражада кўп эканлигини айтиб ўтдик. Адибнинг бу соҳадаги маҳоратини таҳлил қилиш бир эмас, ўнлаб илмий тадқиқотларига мавзу бўлган ва ҳали-ҳануз бу ижод манбаи илмда тўла камраб олинган эмас. Чунончи, Николаз Бараташвилининг “Мерани” деган шеъри гуржи лирикасининг гулгожи ҳисобланади. Уз она элида бу шеърнинг довруғи шунчалар баландки, унинг рус тилига қарийб бир аср давомида қилинган таржималари кифоя қилмасдан, етмишинчи йилларда

у бирданига 150 та рус шоирга берилиб, энг яхши таржима учун халқаро танлов эълон қилинган ҳам эди. Миртемир ана шу шеърни таржима қилган. Бу таржима ўзининг бадий ҳозибаси, Бараташвили шеърига ҳамоҳанг, қуйма бир асар, нафақат Миртемирнинг, балки бутун ўзбек шеърий таржимачилигининг қай савияга етганлигини кўрсатадиган нодир намунаки, Миртемир қаламидан чиққан неча юзлаб шеърлар таржимасининг биттагинаси бўлган бу машҳур асар ўғирмасини қиёсий таҳлил этиш фанимизга, бўлғуси мутаржимларга кўп нарса бериши аниқ. Бу бежиз эмас. Миртемир “Мерани” таржимасига машҳур “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонини ўгириб, гуржи шеърятининг асл ўзига хос жиҳатларини мукамал ўзлаштиргандан сўнг кўл урган.

Лекин барибир, Миртемир ўзи дилбар лирик шеърлар муаллифи — лирик шоир бўлгани ҳолда, таржимон сифатида миллий адабиётимизга эпик асарларни кўплаб олиб кирган мутаржим сифатида кўпроқ танилган. Қирғиз халқининг машҳур “Манас” эпоси таржимаси бунга яққол мисол бўла олади.

Бутун дунёдаги энг улкан шеърий асарни Миртемир ўтирди — 1964 йилда қирғиз халқининг машҳур достони “Манас” эпосининг биринчи қисми унинг таржимасида чоп этилди. Бунга қадар адабиётимиз тарихида бу қадар катта ҳажмли шеърий асар таржима қилинмаган эди. Ушбу таржиманинг барча фазилатларини бирмабир тафсиллаш мушкул, албатта. Шунинг учун мен бу ўринда мухтасар қилиб, Чингиз Айтматовнинг шу таржимага берган баҳосини қайд этиш билан kifояланаман. “Биз энди Миртемир таржимасида ўзбек “Манас”ини ўқиймиз, — деб ёзган эди адиб. — Мен уни ўқир эканман, ҳар сафар Миртемирнинг туркий тиллар бўйича нақадар бой билимга эга эканини кўриб, ҳайратта тушаман. Унга, чамаси, ўзбек тилигина эмас, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, туркман тиллари ҳам яхши таниш эди, таъбир жоиз бўлса, унинг шеърий таомилига ошно ва ўнғай эди. Шунинг учун ҳам унинг ўзбек тилига қилган таржимаси “Манас”нинг буюк, гениал асл нусхасига мос, жуда колоритли чиққан”.

Миртемир бунга қандай эришди?

Бизнингча, шоир-таржимон “Манас” матнига аввало бир фолклоршунос олим сифатида ёндоша билди ва унинг соддагина мисралари бағрига яширинган умрбоқий халқона гўзаллик ва қадриятларни тўғри баҳолай олди ва матнга дадил ижодий ёндошди.

Миртемир аслият биринчи қисмидаги 31 минг мисрани ўзбек тилида, нашриёт имкониятларидан келиб чиқиб, 17 минг

мисрага келтирди. Бунча ҳажмни қисқартириш ва бу жараёнда асарнинг энг муҳим, асосий жиҳатларини сақлаб қолишнинг ўзи катта натижа эди. Худди шунинг учун ҳам достоннинг Миртемир таржимасида ўқувчи учун тушунарсиз бўлган, туйқусдан юзага чиқиб қоладиган мотивлар деярли йўқ — бари баайни аслидаги равои ўқилади.

Савол туғилади — қарийб бир “Алпомиш” ҳажмига тенг келадиган қисқартирилган наҳотки лоақал асар воқелигига таъсир қилмаса? Таъсир этади, албатта, бироқ Миртемир ушбу таржима асносида қирғиз “Манас”ининг ўзбекча матнига ўзбек достонларига хос бўлган бир хусусиятни қўшган — аслида бошдан-оёқ шеърий мисралардан иборат бўлган “Манас” таржимаси матнида вақти-вақти билан насрий парчалар ҳам учрайди. Натижада, бир ёқдан, асар ўқувчига яқинлаштирилиб, “Манас” ўзбек китобхони учун севимли қаҳрамонлик достонларидан бири каби матний ҳосса касб этган, иккинчи томондан эса, шу насрий парчаларда ниҳоятда ихчам шаклда қисқартирилган боблар, эпизодларнинг мазмуни мухтасар қилиб баён этилган.

“Манас” бадиҳа равишида ижод қилинадиган ва ўша оннинг ўзида ижро этиладиган, салмоғи жиҳатдан дунё халқлари эпик ижод намуналари орасида тенги йўқ бўлган улкан асар. Табиийки, оқин оғзидан шалолоадай қуйилаётган мингминглаб мисраларнинг барчаси бир текисда тўхис, равои эмас, инверсия ниҳоятда жўн, қофиялари ибтидоий тарзда бўлган мисралар ҳам учрайди.

Аммо таржима — бадий адабиётга мансуб, ёзма асар. Фольклорга хос бўлган одмиликни биров камайтириб, эвазига унинг бадииятини ўткирлаштириш зарурати таржима жараёнида ўз-ўзидан юзага чиқади. Тингловчи ҳузурда оқин достон қуйлаётган пайтда оҳанг, ижодкорнинг салобати, хатти-ҳаракатлари, оҳанг ва паузалар эвазига билинмай кетадиган, аммо матни бадий ночор ўринларни таржимада ҳам қолдириш ўқувчининг асардан ихлосини совутиши аниқ. Худди шунинг учун ҳам шоир-таржимон гоҳо ўзидан бир-икки мисра қўшиб, қофия ва бандни мукамаллаштиради, ёинки аслиятда бир оз тушунарсиз бўлиб чиққан ифодага бир-икки чизги киритиб, уни психологик жиҳатдан далиллаб кетади. Бир мисол. Асар бош қаҳрамони Манас бир йили деҳқончилик қилиб, бир чол билан шерикчиликка бугдой сепеди. Дон совурилиб, хирмон қизил қирдай бўлиб уйилган куни чол Манасга ўзининг оддий одам эмас, Хизр эканини билдиради ва барча донни унга қолдирганини айтиб, кўздан ғойиб бўлади. Ана шунда...

Андай-мандай дегиче,
Ачип козду жумгуча
Жакындагы аксакал
Коздон кайым болгону.
Ошондо Манас ойлонуп

Астындагы Айманбоз
Ээрин алып жайдактаб
Айдын сары талаага
Коё берди баймактап...

Анов-манов дегунча,
Кўзни очиб юмгунча,
Ёнидаги оқсоқол
Тагин ғойиб бўлди-ҳа.
Шунда Манас ўйланиб.
Ҳайрон бўлиб, дил ёниб.

Аймонбўзи устидан
Эгарини олди, дер,
Яйдоқ отни тушовлаб,
Далага ҳайдаб солди, дер...

Мутаржим бу ўринда олти-етти ой бирга яшаган, ота-бола тутинишган Хизр билан Манаснинг айрилиши чоғидаги Манаснинг ички ҳолатини теран ҳис этиб, унинг хатти-ҳаракатларини асослаб кетиш лозимлигини тўғри пайқаган. “Ҳайрон бўлиб, дил ёниб” мисраси шунинг учун ҳам қўшилган. Мана шу биргина мисолдан кўринадики, Миртемир киритган мисра мазмунни психологик жиҳатдан теранлаштиради, айна пайтда унинг қофиявий тартибини ҳам ростлаб, матн экспрессиясини оширади. “Манас” таржимасининг бундай фазилятларини тафсиллаб тугатиш қийин.

Миртемир ижодининг улкан бир қирраси бўлмиш бадий таржималар ҳамда бундаги “Манас”нинг қиммати, ўзбек адабиётидаги ўрни қандай, дейдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, “Манас” эпоси қирғиз ва умуман туркий халқлар оғзаки бадий ижодчилигининг энг кўзга кўринган обидасидир. Унинг ўзбек тилида — ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, шубҳасиз, миллий сўз санъатимиз хазинасини улкан бир армуғон сифатида бойитди, биздаги “Алпомиш” ва “Гурўгли”лар қаторига қаҳрамонлик эпосининг яна бир монументал обидаси келиб қўшилди.

Хассос шоир, улуғ таржимон Миртемир беш йил давомида заҳмат чекиб, “Манас”ни ўзбекчалаштирди. Адиб юзюзлаб катта-кичик шеърларни таржима қилиб, ўзбек шеърий таржимачилиги ривожига ва шу орқали ўзбек шеърияти тараққиётига катта ҳисса қўшган бўлса,

ўнлаб поэмалар, шеърий эртақлар, Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” (Шайхзода билан биргаликда), Некрасовнинг “Русияда ким яши яшайди” поэмаси, қорақалпоқларнинг “Қирқ қиз” достони, қирғиз “Манас” эпоси каби йирик асарларни ўзбекчалаштириб, адабиётимизда эпик жанрдаги шеърий асарлар таржимачилигига асос солди. Эндиликда ўзбек адабиётида “Шоҳнома”, “Шаҳриёр”, “Китоби Дада Кўркут”, “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”, “Илиада” каби кўплаб эпослар бор экан, бу қутлуғ йўлни дастлаб Миртемир очганлигини миннатдорчилик билан эслашимиз лозим. Миртемирнинг турк, татар, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз адабиётлари билан, адабий жамоатчилиги билан алоқалари ўзи бир мавзу. У ўнга яқин халқларнинг тилларидан таржималар қилди, таржималарга муҳаррир бўлди, шу эллар ҳаётидан туркум-туркум жозибатор шеърлар ижод қилди.

“Манас” таржимаси ҳам ана шу серқирра байналмилал ижоднинг ёрқин мисолларидан бири. Бу асар таржимаси умуман ўзбек адабиётида ҳам, Миртемирнинг ўз ижодида ҳам айрича аҳамиятга эга. Бунинг маъноси — адиб шу асарни таржима қилиб, дунё фольклорининг энг улкан шеърий обидасини ўзбек адабиётининг ҳам мулкига айлантирибгина қолмай, уни ўгиришда тутган йўли, қўллаган ижодий принциплари орқали туркий тиллардан ўзаро шеърий таржима қонуниятини бадий исбот қилди.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.



Гўзаллик — бу ҳаёт

Юкио Мисима ҳаёти ва ижодига бир назар

XX аср жаҳон адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган адиблар сирасига ажойиб япон ёзувчиси *Юкио Мисима* ҳам киради. Ёзувчи кўп умр кўрмаган бўлса-да (1925-1970), сермахсул ижод қилди: ундан қирқдан ортиқ роман, ўн саккиз пьеса, ундан ортиқ ҳикоя ва эсселар тўплами қолди.

Энг муҳими, ёзувчининг деярли барча асарлари доимо китобхонлар диққат-эътиборини тортиб келди ва келмоқда. Ўз вақтида Мисима Нобел мукофоти совриндорлигига номзод этиб кўрсатилганди. Афсуски, совет даврида Мисима ижоди ўқувчига танитилмади, унга “фашист ғояларининг тарғиботчиси” деган тамға босилди. Фақатгина 80-йилларнинг охирига келиб бундай қараш барҳам топди ва Москвада нашр этиладиган нуфузли журналлардан бири “Иностранная литература” да ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида японшунос олим *Г.Чхартишвилининг* мақоласи, “*Ватанпарварлик*” новелласи, машҳур “*Олтин Эҳром*” романи босилиб чиқди. 90-йилларнинг ўрталарида эса адиб асарларининг сайланмаси нашрдан чиқди. Ўзбек китобхони ҳам тез орада бу ажойиб адиб ижоди билан танишади деган умидда ушбу мақолани ёзмоқдамиз.

Юкио Мисима тўғрисида сўз кетганда, энг аввало, унинг ҳаётининг хотимасидан бошлашади. Бу Мисиманинг ҳаётига даҳшатли нуқта қўйилгани билан боғлиқдир. 1970 йилнинг 25 ноябрида ёзувчи Юкио Мисима япон мудофаа қўшинлари Токио ҳарбий базаларининг бирида исён кўтаришга уриниб кўради ва солдатларни япон Конституциясига қарши чиқишга ундайди. (Япония Конституциясининг 9-моддаси Япониянинг ўз армияси бўлишини ман этади, шунинг учун ўз-ўзини мудофаа қилиш қўшинлари армия ҳисобланмайди). Ҳарбий база ҳукумат қўшинлари томонидан қуршаб олинганидан кейин, Мисима ўзини ўрта асрлар удумига биноан характери усули билан ўлдиради. *Итигая* ҳарбий базаси-

да юз берган бу фожиа шов-шув эмас эди. Бу бутун умри бўйи ягона фикр билан яшаган бир инсоннинг ўз мақсади-га эришган сўнгги нуқтаси эди. Мазкур воқеа аввал жумбоқ бўлиб кўринган ҳодисаларни ойдинлаштириб берди. Кўпчилик ақлдан озганлик билан боғланган бу ўлим сабаблари Мисима асарларининг саҳифаларида яширингандир. Ёзувчи ижоди унинг “ўлим” деб номланувчи эстетик концепциясининг даҳшатли ва сеҳрли ёғдуси билан ёритилгандир. Улим тўғрисида Мисима “*Киоконинг уйи*” романида шундай деб ёзади: “Ўлим унинг ягона орзуси эди, — мана у тўғрисида билганларимизнинг бори шу ва бошқа яна бирор нарса била олишимиз амри-маҳолдир.

Ўлим унинг олдида кўп марта ўз шарасини хилма-хил ниқоблар билан беркитиб намоён бўлар эди. Ва у бу ниқобларни бирин-кетин олиб ташлар ҳамда уларни ўзига тақиб кўрар эди. Охириги ниқобни олиб ташлаганда, балким, ўлимнинг асл қиёфаси пайдо бўлгандир, лекин бу уни ҳаяжонга солганми йўқми, билмаймиз. Бу дақиқагача ўлим истаги уни янги ниқобларни жўшиб излашини талаб қиларди, чунки уларга эга бўлганидан кейин у гўзалроқ бўлиб кетарди. Шунинг ёдда тутиш керакки, эркак кишида чиройли бўлиш истаги аёл кишиникидан бошқачароқ бўлади: эркак кишида бу ҳар сафар ўлим истагидир”. (русчадан эркин таржима, бундан кейинги таржималар ҳам бизники — Т.Раҳмонов).

Бу сўзлар асар қахрамонига тегишли бўлса-да, ёзувчи бу ерда ўзининг эстетик қарашларини, аниқроғи дастурини ифодалайди: Мисима учун Ўлим ва Гўзаллик доимо ажралмас тенглик бўлиб келган. Мисима бутун умр шу ғояга маҳлиё бўлиб келган, ўлим уни ўзига тортиб келган. Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, ёзувчининг ҳақиқий исми *Кимитакэ Хираоке* бўлиб, Юкио Мисима тахаллусидир ва таржимада “Ўлимга

махлиё бўлган Иблис” деган маънони билдиради.

Ёзувчининг ўта галати ўлим гоёси шаклланишида унинг шахсий ҳаёти асосий манба бўлган. Бунга сабаб унинг бўғиқ муҳитда тарбия топганидир. Уни гўдаклигидан бувиси ота-онасидан тортиб олиб, ўзига хос шароитда тарбия қилади. Бувиси важоҳатли, оғир дарддан тинқаси қуриган, зуғумли аёл бўлган. 12 ёшгача бўлғуси ёзувчи бувиси билан бир хонада яшайди, ота-онаси, укаси ва синглиси билан жуда кам кўришади. Тенгқурлари билан ўйнаш, сайр қилиш ҳам унга ман қилинади. Бундай шароитда боланинг ягона овунчоғи хаёлпарастлик бўлиб қолади. Ранги оқ, камгап, ичимдагини топ дейдиган боланинг хаёллари жуда гаройиб эди: уларда мунтазам қон ва ўлим мужассам бўлиб, гўзал шахзодаларни қонхўр аждарлар мажақлаб ташлардилар. Агарда эртақда ҳалок бўлган шахзода қайта тирилса, Кимитаке бундай бахтли хотимани ўчириб ташларди: “Ўзимни жангда ҳалок бўлган ёки қотиллар ўқи қурбони деб тасаввур қилиш менга улкан роҳат бағишларди. Шу билан бирга мен ўлимдан жуда кўрқардим. Баъзан хизматкор қизни инжиқликларим билан йиғлатишгача борардим — у бўлса эртасига менга кулиб чой тутқазаетган бўларди. Бу табассумда мен яширин таҳдидни, менинг устимдан галаба қозонишга бўлган ишончнинг иблисона башарасини кўрардим. Ва мен ўзимни хизматкор қиз ўч олиш мақсадида заҳарлашни ният қилганига ишонтирардим. Мен чойда заҳар бўлишига шубҳа қилмасдим ва унга ҳеч қачон тегмаган бўлар эдим.” Мазкур эътироф ёзувчининг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган “Ниқоб эътирофи” номли романидан олинди. Бу романда қаҳрамон хаёлларининг юқори нуқтаси бўлиб авлиё Себастьян образи ҳисобланади. Авлиё Себастьян император Диоклетианинг буйруғига кўра насронийлик эътиқодига содиқлиги учун ўлдирилган. Ўлим саҳнаси итальян расмони Гвидо Рени картинасининг (авлиё ўлим олдида тургани тасвирланган) репродукцияси асар қаҳрамони Осамуга ҳам Мисимага қатта таъсир ўтказади. Камон ўқлари санчилган ёш, гўзал бадан тасвири Мисима учун гўзаллик, ёшлик ва ўлимнинг бузилмас иттифоқи айланади. Себастьян образи Мисима ҳаёти давомида кўп марта пайдо бўлади. Ёшлик чоғларида ёзувчи ўзини ҳаётдан эрта кўз юмган адибларга ўхшатарди, чунки бевақт вафот этишига ишонарди. Унга айниқса Китс билан таққослаш ёқарди.

60-йиллари Мисима итальян ёзувчиси Габриель д’Аннунционинг “Авлиё Се-

бастьяннинг тортган азоб-уқубатлари” пьесасини саҳнага қўйди. Кейинроқ эса императорни асраб-авайлашга қаратилган “Қалқон жамиятини” тузади. Ўлимдан икки ой олдин эса Мисима фотокамера олдида Рени картинасига тақлид қилиб, Себастьян кўринишида суратга тушади. Бу суратда Мисима дарахтга қўллари боғланган ҳолда осиб қўйилган ва баданига камон ўқи санчилиб турган кўринишда акс эттирилган. Мисима учун Себастьяннинг Диоклетиан томонидан афвини қабул қилмасдан кўнгилли равишда ўлимни афзал кўргани муҳим эди. Агарда Мисима ёшлигида жангда ҳалок бўлишни орзу қилган бўлса, кейинчалик гузалликни ўз кўли билан йўқ қилиш (яъни ўзини ўзи йўқ қилиш) гоёси унинг фикру зикрини тамомила забт этади.

Узоқ вақт мобайнида турли қийинчиликлар туфайли у шундай қарорга келади. Бутун умр Мисимани фалокат, гамкулфат хавфи таъқиб этиб келади. Бундан у ҳам кўрқади, ҳам хурсанд бўлади. 16 ёшида Мисима “Яшнаётган ўрмон” романтик қиссасини ёзади. Бу асарда Гузаллик, Эҳтирос ва Улимни ўта аҳамиятли қилиб кўрсатади. Уруш ўсмир онгида яқинлашиб келаетган оғир замон хавфини кучайтиради.

1945 йилда Мисима ўлимни хоҳлаган ҳолда ҳақиқатан ўлмоқ имкониятидан воз кечади ва соғлигининг мазаси йўқлигини вақ қилиб армиядан қолади. Бунинг сабаби Мисиманинг оддий ўлимни истамаганида. Лекин ундаги ўлим илинжи янада кучаяди. “Мен яна, янада кучлироқ ўлим тўғрисидаги орзуларга фарқ бўлдим, фақат ўлимдагина ҳаётнинг асл мақсадини кўрдим”, — деб ёзади адиб ўша йиллари.

50-йиллар Мисима учун ҳаётидаги асосий тавқи лаънатдан қочишга уриниш йиллари бўлди. У ўлим васвасасидан қочиб, адабиёт, санъат ҳамда спорт билан шуғуллана бошлади.

1952 йил Мисима дунё бўйлаб саёҳатга чиқади ва шу йили Юнонистонга боради. Қадимги маданият маркази бўлган, “антик дунё” деб номланувчи қўҳна олам ватани Юнонистон Мисимани ҳайратда қолдиради ва қалбда галаён уйғотади. Ёш йигит ўзининг гамгин, мотамсаро кайфиятини ташлаб, ёруғлик, қуёш, жисмоний ва маънавий саломатлик сари қадам ташлайди. Мисиманинг ўзи кайфиятидаги бу ўзгаришлар ҳақида шундай деб ёзган эди: “Юнонистон мени ўзимга бўлган нафратимдан, ёлғизликдан қутқарди ва ҳаёт ташналигини уйғотди.”

Некбин кайфиятлар билан ёзилган “Тўлқинлар шовқини” (1954) романи адибнинг оддий инсоний туйғуларини

содда ва поэтик тарзда ифодалаган ягона асаридир. Асосида *Дафнис* ва *Хлоя* тўғрисидаги қадимги юнон сюжети ётган бир роман ёрқин ва сокин рангларда берилган бўлиб, катта муваффақият қозонган (ҳатто нашрдан чиққанидан кейин бир неча ойдан сўнг экранлаштирилади ҳам). Аммо Мисима бу романга жиддий асар деб қарамайди. Ўзини тамомила ўзгартирмақчи бўлган ёзувчи айнан шу пайтда айтиб ўтганимиздек, Улимга маҳлиё бўлган Иблис — Юкио Мисима тахаллусини олади. Бу эса ҳеч нарса ўзгармаганлигини кўрсатади.

Мисима қалбидаги зиддиятли кураш — бир томондан културизм, кэндо (“шамшир йўли” — япон миллий қилич-бозлик санъати), каратэ, сузиш билан ўзини аямасдан, терлаб-ҳориганича машқ қилиб шуғулланиш, иккинчи томондан — Улимга интилиш янада кучаяди. 1956 йил ёзилган “Олтин Эҳром” романи мазкур зиддиятлар инъикоси сифатида Мисиманинг эстетик манифестига айланади.

Бу роман XX аср япон адабиётининг бутун дунёга машҳур асаридир. Роман ҳақиқий воқеаларга асосланган бўлиб, сюжет манбаи 1950 йили ўрта асрлар япон меъморчилигининг буюк асари ҳисобланган Олтин Эҳромнинг ёш роҳиб томонидан ёндириб юборилиши билан боғлиқдир.

Романда улуг рус ёзувчиси *Ф.М.Достоевский*нинг машҳур “дунёни гузаллик кутқаради” тамойили билан ўзига хос мунозара кетади. Умуман айтганда, Достоевский ижоди япон адабиётида кенг ўрин тутаяди, жуда кўп япон асарларида рус адаби гоёлари, образлари, мотивлари учраб туради. Бу ўринда яна бир улкан япон адаби *Акутагавани* эслаб ўтиш kifоядир. Акутагаванинг “*Ургимчак тури*”, “*Расёмон дарвозаси*” новеллалари Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар”, “Жиноят ва жазо” романларининг гоёлари ва сюжетлари асосида яратилган.

Мисиманинг “Олтин Эҳром” романида, нафақат бу романида, балки “*Никоб эйтирофи*” романида ҳам, Достоевский таъсири яққол кўриниб туради. Бу ҳақида алоҳида, батафсил тўхталиб ўтиш керак. Шунинг учун ҳозирча юқорида келтириб ўтганларимизни қайд қилиш билан чекланамиз.

Романга қайтсак, Олтин Эҳром ёндирилади, замонавий *геростратнинг* (ўз номини тарихда муҳрлаб қолиш учун оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлмиш Афинадаги *Артемид*а ибодатхонасига ўт қўйиб, ёқиб юборган. Афсуски, унинг номи турдош отга айланган бўлса-да, хоҳлаймизми-йўқми, тилга

олиниб ўтади) қилмиши Мисимани бепарқ қолдирмади. Гарчи Гузаллик вайронагарчилик билан ёнма-ён турар экан, алангадан бошқа яна қандай росмана ва мукаммал вайрон қилиш усули бўлиши мумкин? Мисима шу фикрлар гирдобиде “Олтин Эҳром” романини ёзади. Романда гузаллик табиатини ўрганиш масаласини қўяди, воқеалар бўлғуси ўт қўювчи номидан баён қилинади. Қалбида асар муаллифи сингари қарама-қарши, зиддиятли ҳислар туғён ураётган ёш ўсмир учун Олтин Эҳром жаҳондаги бор гузалликнинг рамзи ва йнғиндисига айланади. Айнан шу романда Мисиманинг эстетик концепцияси аниқ ва кучли ифодаланган. Асар қаҳрамони *Мидзогуюти* ёзувчининг ўзидек Гузаллик билан бўлган зиддиятли муносабатлари ичида ўралашиб қолган: “Мен ҳаётда тўқнаш келган биринчи муаммо — бу гузаллик муаммоси десам муболага қилмаган бўламан. Менинг отам оддий қишлоқ руҳонийси бўлиб, чиройли гапирини билмас эди ва мен ундан фақат бир нарса билан олишганман: “Бутун ёруғ оламда Олтин Эҳромдан бошқа гузалроқ нарса йўқдир.” Шундай қилиб, мен қаердадир, ҳозирча менга нотаниш бўлган дунёда Гузаллик мавжуд эканлигини билиб олдим ва кўнглимда бу фикр изтироб ва ташвиш туғдирди. Агар Гузаллик мавжуд бўлса ва қаердадир — бу ердан узоқда бўлса, демек мен ундан йироқман, мени унинг олдига қўйишмаяпти!” Гузаллик моҳиятини ёритишга, у нима эканлигини тушуниб етишга иложи йўқлиги ёш роҳиб учун доимий азобга айланади.

Қаҳрамонни Гузаллик фақат бир дақиқа, қирқ бешинчи йилининг баҳорида, америкаликлар япон шаҳарлари устига бомба ёғдирганларидагина ўз ёнига яқинлаштиради: “Эҳром қўл етмас баландликдан менинг олдимга тушди ва мен бунга ишонган ҳолда ҳеч қандай кўрқувсиз ва аламсиз уни севишим мумкин эди. Менга у билан бирга умумий хавф-хатарга йўлиқаётганимиз фикри мадад берарди. Мен ўзимни Эҳром билан боғлашга қодир воситачи топгандим. Энди мен ва менинг шу кунгача борлигимни рад этиб, тан олмасдан келган гузаллик ўртасида кўприк пайдо бўлди. Мен иккаламизни ягона оташ йўқ қилиб юбориши мумкинлиги тўғрисидаги фикрдан маст бўлар эдим. Бизга юборилган лаънатнинг бирлиги, фожиали ва оташ тақдирларнинг бирлиги менга Эҳром билан бир маконда яшаш имконини берарди.”

Демак Гузаллик қаҳрамонга фақат ўлим хавфи остида қолгандагина тушунарли бўлади. Аммо уруш тугайди, Эҳром бутун қолади, яна қўл етмас

бўлади. Гўзалликка яқинлик ва шу билан бирга ундан чексиз йироқлик қаҳрамоннинг фикри-ёдини забт этади. Эҳром Мидзогуоти ва борлик ўртасидаги тўсиққа айланади. Ниҳоят, ўз-ўзидан ушбу ҳаёлга келинади: Олтин Эҳромни ўзи билан бирга йўқ қилиб юбориш керак ва шу билан Гўзаллик ва Улимни бирлаштирмоқ даркор. Аммо бирлашиш юз бермайди. Аланга қамраб олган Эҳром ўзининг кушандасини инкор этади: “Роҳиб ўз ўлимини топмоқчи бўлган “Гўзаллик Чўққиси” деб номланган юқори болоҳонанинг эшиклари берк бўлади. “Мен мана шу кўзни қамаштирадиган, нур сочилган хонага киришга қанчалар ташна эканлигимни таърифлаб бера олмайман. Мен фақат у ерга, шу олтин хосхонага кириб олишни ўйлардим, холос. Ниҳоят, мен Гўзаллик Чўққиси мени қабул қилишдан бош тортаётганини бутун вужудим билан англаб етдим. Бир лаҳза ҳам иккиланмасдан, орқамга қайрилдим, куйи эгилиб, паства отилдим.”

Мана шундай қилиб Гўзаллик ҳамок бўлади, қаҳрамон бўлса тирик қолади, унга энди “ҳаёт билан мулоқотга киришишга” ҳеч ким халақит бермайди. Сўнгги саҳифада биз роҳиб Мидзогуотини эмас, балки бутунлай бошқа изтироб чекаётган қаҳрамонга ўхшамайдиган янги бир қаҳрамонни кўраемиз. Инсон ўзининг қўли билан амалга оширган ёвузликка бемалол қарайди ва роман кўрқинчли оҳангда яқунланади: “Менинг бармоқларим сигарет қутисини истаб топди. Тинчландим, худди яхши бажарилган ишдан кейинги ҳолатга ўхшаб, қалбимда сокинлик ҳукмрон эди. Мен секин чекиб олдим, шу дамда “ҳали яна кўраемиз” деб ўйладим.” Мана шу ерда вайронагарчиликка, ўлимга интилган ёзувчи, гуманистик ғоялардан узоққа кета олмайди ва Достоевскийнинг фикрини тўлдириб: “Албатта, дунёни Гўзаллик қутқаради, лекин энг аввало Гўзалликнинг ўзини Ёвузликдан қутқармоқ керак”, деган фикрни олға суради. Ер юзидаги Гўзалликни (унинг ҳар қандай кўринишларида) йўқотиш билан ўз ҳаётини сақлаб қолишга уринаётганлардан огоҳ бўлишга ундайди.

Ю.Мисима услуб жиҳатидан катта маҳорат эгасидир. Унинг асарларида инсон ички дунёси бутун зиддиятлари билан атрофлича, ҳар томонлама, кенг миқёсдаги бадийий унсурлар воситасида очиб берилади. Бу борада ёзувчининг “Ватанпарварлик” новелласи диққатга

сазовордир. Сюжет заминиди 1936 йилда бўлиб ўтган воқеалар ётади. Ҳарбий тўнтариш билан боғлиқ исён тезда бос-тирилади. Қон тўкиш билан боғлиқ мазкур фанатик кўзғолон Мисимага тинчлик бермади. Бу воқеаларда ҳамма нарса унинг яхши кўрган эстетик тамойилига тўғри келади: ёш (демак гўзал) жангчилар аввал бошқаларнинг қонини аямай тўкадилар, кейин эса ўзлариникини ҳам (икки зобит асирликдан кўра ўлимни афзал кўриб, ҳаракири усули билан ҳаётдан кўз юмади).

Новеллада ёш келин-куёвнинг ўзларини ўлдиришлари кўрсатилган. Уларнинг тўйи бўлганига ярим йил ҳам ўтмаганди. Новелла қаҳрамони транспорт батальонининг гвардия поручиги *Синдзи Токеяма* 31 ёшда, хотини *Рейко* эса 23 ёшида жонларига қасд қиладилар. Синдзи Токеяма дўстларининг устига аскарларни бошлаб бориб, уларни жазолаши керак эди. Лекин виждон амри бунга йўл кўймайди, бурчни эса бажариш тақозо этилади. Икки йўлдан бирини танламасдан иложи йўқ. Зобит ҳаракирини танлайди. Бу образда ёзувчи қандай одамларни ҳақиқий япон руҳидагилар деб ҳисоблашини кўрсатмоқчи бўлади, лекин ёзувчининг истеъдоди бунга қарши чиқади. Воқеалар ривожи давомида маросимнинг ғоявий асоси унутилади ва бирдан икки ёш ҳаётининг маъносиз барбод бўлгани, уларнинг бевақт ўлими юзасидан изтиробли кечинмақ пайдо бўлади. Мисима эр-хотиннинг муҳаббатга тўла самимий муносабатларини ишонтирарли равишда тасвирлай туриб, ҳеч қандай ғоя инсон ҳаётидан устун кела олмаслигини кўрсатади. Бу ўринда биз Достоевскийнинг гўдак кўзёшлари тўғрисидаги сўзларини эслаймиз.

Токеяма “Яшасин, император!” деган хат қолдиради. Мисима ҳам худди шундай сўзлар билан ўзига қилич санчади. Шундай қилиб, фожиали ўлим Мисиманинг эзгу орзуси ушалганини англатади.

Қандай бўлмасин, Мисима биз учун ўзига хос иқтидорга эга ёзувчидир. У бутун умр гўзалликни, уни ўлимда кўрган бўлса ҳам, кўмсаган инсон. Умуман, у Гўзаллик — бу Ўлим деган бўлса-да, унинг асарлари Гўзаллик — бу Ҳаёт, деб таъкидлайди.

Достоевский инсонни жумбоқ деб атаганди. Мисима ҳам мураккаб жумбоқ, уни ва ундан хулоса топиш ўта қизиқарли ва олижаноб иш. Ҳар биримиз ўзимиз учун ушбу Гўзалликни кашф этайлик.

*Тождиддин РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди.*

Пол АНДРЕОТА

Ҳаёт сўқмоқлари

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

1 6 0 6

Мен бу аёлни биринчи кўрганимда у кўзойнакда бўлиб, олдида бир тўп ҳужжатлар сочилиб ётар эди. У ўзига ўта ишонган кўринар, тўғрироғи ўзини шундай кўрсатишга ҳаракат қиларди. Ҳар қалай, менга шундай туюларди бу. Менинг кўлимда ҳам бир тўп ҳужжатлар бўлиб, мен уларни очмасдан, унинг рўпарасига келиб ўтирдим.

“Хўш, ким кимни енгади”, — деган зайлда бир сония жим қолдик.

Ниҳоят, у жилмайди. Унинг табассуми на унинг кўзойнагига, на олдида сочилиб ётган ҳужжатларга ва на қолган бошқа нарсаларга ярашарди. У, бамисоли пухта муҳофаза этилган иншоотларда замбарак ўқи тегиши натижа-сида ҳосил бўлган тешикнинг шоша-пиша сувалган ўрнини эслатарди.

— Ишни енгиллатиш мақсадида, — деди у, — мен айрим мулоҳазаларни тайёрлаб қўйдим.

Унинг овози паст ва жуда майин эшитилди. Ёзганини ўқиб бериш оҳанги кишида кулгу уйғотарди.

— 1965 йилнинг июл ойида фирмангиз бизга ҳали номланмаган, лекин имзоланган шартномалардаги шартли равишда К К К... деб белгиланган уч турдаги маҳсулотни сотувга чиқаришни топширди.

Эслатма машинкада икки интервалда ёзилган икки ярим саҳифани ташкил этарди, шу боис сўхбатдошимга синчиклаб назар солишим учун вақт етарли эди. Менга унинг кўзлари ниҳоятда ёқди, қовоғи бир оз шишган бўлиб, унинг сиёғига бир оз қатъийлик бахш этиб турарди. Кўзойнагининг гардишини вақти-вақти билан у кўрсаткич бармоғининг учида тўғрилаб қўярди. Унинг бу ҳаракати ҳам, шунингдек мени эътибор билан тинглаётганимга ишонч ҳосил қилиш учун кўзини қоғоздан узиб менга қараб қўйгани сингари бошқа ҳаракатлари ҳам менга ёқди.

— Турмушга чиққанмисиз? — сўрадим мен ундан.

У бир зум ўқишдан тўхтади.

— Ажрашганман... — деди у ва ўқишда давом этди:

— ... биз навбатдаги, тамоман бошқа асосга қурилган, бозорнинг маълум қисмига мўлжалланган, маҳсулотнинг иккинчи қисмини чиқариш ҳақидаги битимни аниқлаштириб олдик.

Раъно
ИБРОҲИМОВА
таржимаси

Таниқли француз адиби Пол Андреота детектив жанр устаси сифатида машҳур. У кўпинча сюжет линиясини муҳаббат моҳаролари асосига куради. Муаллифнинг “Ҳаёт сўқмоқлари” романи ҳам ана шундай ўткир сюжетли детектив асар. Унда жиноятчиларнинг ёвузликлари севги моҳароларига қўшилиб кетади. Лекин жиноят жазосиз қолмайди. Ёзувчи буни жуда ишончли тарзда очиб беришга муваффақ бўлган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
153

Бу сафар мен унга эслатмасини ўқиб тугатиши учун имкон бердим. Эслатма маҳорат билан тузилган эди ва “Альгарик” ва мен вакиллик қилаётган икки фирма ўртасидаги икки йилдан бери давом этиб келаётган келишмовчилик борасида аниқ тасаввур берарди. К К К маҳсулотни бўйича (аслида гап уч вариантда чиқарилаётган янги кир ювиш воситаси ҳақида бормоқда) иш бутунлай ютқазилган эди. Бунда бизнинг директоримиз маҳсулотни сотувчи бўлимни айбларди, улар ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларни сифатсиз маҳсулот чиқаришда айблаларди. Бизнинг кимё бўлимимиз бўлса бу айбнома хусусида довлашмоқда эди. Икки йил давомида кўпдан-кўп экспертлар етказилган зиёни қоплаш учун тўланиши лозим бўлган миллион-миллион пулни ким кимга ва нимага беришини аниқлашга беҳуда уринишмоқда эди. Лекин ҳеч ким бу вазиятдан чиқиш йўлини тополмади. Ниҳоят, бу масалани тинч йўл билан ечиш лозимлигига қарор қилинди.

Қизиғи шундаки, иш ҳали судга етиб бормаганди. Иккаламиз эса оқ эмалга бўялган хонада ўтирган кўйи фирмамиз учун охириги имкониятни излар эдик...

— “Альгарик”да нима билан шуғулланасиз?

— Балки...

— Мен мутахассизлигингизни назарда тутяпман?

— Жамоатчилик билан мулоқот қилардим.

— Унда нима учун Шово сизга ҳуқуққа оид ишни топширди?

Менинг саволларим уни саросимага солиб қўйган эди, шу боис у мендан устунлик қилиш йўлларини ахтарарди.

— Нимага шама қиялсиз, месье Ленэ?

— Нимага дейсизми? Чунки сиз бу ишда ҳеч нарсани тушунмайсиз ва ҳужжатлар билан ҳам кеча ушлаш олдидагини танишган бўлсангиз керак.

— Йўқ, бугун кундузи соат 12 да.

— Офарин! Рост гапирганингиз учун раҳмат! Энди бўлса, мен сизга бу ишда нимаси ёмонлигини гапириб бераман...

— Нима сабабдан сиз мени бу ишда ҳеч нарсани тушунмайди деган фикрдасиз?

— Рақамлар. Сиз шунчаки адашгансиз...

— Лекин...

— Нархларнинг дастлабки даражасида 700 000 нинг 0,3 фоизи 15 576,64 ни ташкил этади, мен бунга қўшиламан. Аслида бўлса, тузган эслатмангизга бир қаранг-чи, даража 1875 дан нарига ўтмагани сабабли, белгиланган жадвал бўйича ҳисоб 1945,4 га тўғри келади.

У қўлидаги қоғозига қаради. Саросима билан тегишли мисолни қидира бошлади ва ниҳоят тан олди.

— Сиз ҳақсиз. Мен бу қаторни ўтказиб юборибман.

Сўнг у бошини кўтарди.

— Сиз энг даҳшатлиси...

Мен шошилмасдан девор томонга қараб уч қадам ташладим, сўнг ўгирилиб унинг юзига тик қараб:

— Энг даҳшатлиси — кўзингиздаги кўзойнакнинг сизга ярашмаслиги... — дедим.

— Месье Ленэ, ахир...

Кутилмаганда ундаги гурур яна устунлик қилди. Ҳужжатларни ёпаркан, у кўзойнагини ечди ва бир муддат афтимга совуққонлик ва кибр билан назар солди.

— Сиз ҳақиқатан ҳам бу фирманинг тижорат директорисиз, шекилли?

— Йўқ, — дедим мен. — Ким сизга бундай бўлмағур гапни айтди?

Унинг сўзлари нишонга тегмади ва мен гапиришда давом этдим:

— Айтишим мумкинки, мен тижорат бўлимидаги чаққон, серҳаракат бўгин ҳисобланаман.

— Бу кўриниб турибди. Сиз ҳаракатчанлигингизнинг бир қисмини бу масалани ҳал этишга қарата олмайсизми?

— Хоним, мен фақат шунга интиляпман... Ҳа, айтмоқчи, мен фамилиянгни билмайман.

- Шаръе хоним...
- Исмингизни ҳам билмайман.
- У саросималанди.
- Крис.
- Крис... Ростданми?
- Тушунмадим...

— Сиздек ажойиб аёл билан рақамлар ҳақида тортишмоқ мушкул. Тўхтанг, тўхтанг, ҳаёлимга бир нима келди... Шово айнан шунинг учун сизни танлаган бўлса керак. Менинг қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириш учун. Табрикларимни қабул қилгайсиз, сиз ўта даромадли ҳунар билан машғул экансиз.

У ҳужжатларни портфелига солди ва уни қулфлади, сўнг ўрнидан туриб, эшикка йўл олди. Бунинг ҳаммаси бир сонияда кечди.

— Бир зумга ўтирсангиз, — таклиф қилдим мен. — Иш юзасидан келиш-мовчиликлар бўлиб туриши табиий, лекин бунинг учун туриб кетиш шарт эмас.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси жума куни бўлиб ўтди, якшанба куни бўлса, биз иккимиз “Коломб” ресторанида кечки овқатни бирга танаввул қилиб ўтирардик. Шанба, якшанба кунлари Крис билан бирга итдек ишладик. Ҳар қалай дурустгина баённома тайёрлашга муваффақ бўлдик. Ва ниҳоят, умумий муваффақиятимизни нишонладик.

Кечки овқат олдидан у бир соатга йўқолиб қолди, сўнг қора гипюр кофта, қора пайпоқ ва қўнжи тиззадан баланд турувчи узун қора этик кийиб олдимга келди. Ундаги ишчан аёл сиёқидан асар ҳам қолмаган эди. Крис табассум қилганида унинг кўзлари ва лаблари куларди, юзида бўлса биттагина кулгич пайдо бўлди. Унинг эс-хушни лол қолдирадиган мовий кўзлари энди истеҳзо билан боқмасди, улардан меҳр ва фидойилик балқиб турарди. Кутилмаганда улар хира тортиб, маъносиз боқар, шунда улар оч яшил рангли тусга кирарди. У тез-тез бошини қуйи соларкан, сочлари кўзига тушар ва у пастки лабини чўччайтириб пуфлаганида эса улар ҳар томонга ёйилиб кетар эди. Крис гоҳ кўпдан бери қадрдон, ўз-ўзимникидай туюларди. Лекин, бирикки дақиқа ўтар-ўтмай, у яна узоқлашар ва у умуман бегонага айланарди. Крис бамисоли шарпа эди.

- Крис, сиз ёлғиз яшайсизми?
- Ҳа.
- Эрингиз билан ажрашганингизга кўп бўлдимми?
- Уч йил бўлди. Мен эрта турмушга чиққан эдим.
- Турмушингиз бўлмадимми?
- Ҳа, бўлмади. Сизнинг ёшингиз нечада? Ўттиз иккиларда борми?
- Ўттиз тўртда.
- Мен йигирма тўртдаман.
- Мен сизга йигирма икки ёш берган бўлардим.
- Ўзингизни уринтирманг.
- Ширинликка бирон нарса истайсизми?
- Йўқ, раҳмат.
- Яна озгина вино ичасизми?
- Раҳмат. Бу ер менга жуда ёқди. Мен илгарилари бу ерда ҳеч бўлмаганман. 425 836 нинг ярми қанча бўлади?
- Мен бир зумда хотирамда санаб бердим:
- 212918.
- Ҳақиқатан ҳам ўта қобилиятли экансиз.
- Нима учун бу ҳақда сўрадингиз?
- Бу муваффақият билан адо этган ишимиздан менга тегадигани.
- Месье Шово менга даромаднинг 0,5 фоизини ваъда қилган, агар ишимиз яхши битса.
- Мана, икки йилдирки бу тортишув тугамайди. Биз бўлсак, уни икки кунда ҳал этишга муваффақ бўлдик.
- Иккимиздан яхшигина ишчи гуруҳи чиқиши мумкин.

- Ҳа. Гапингиз тўғри.
- Бизнинг ҳамкорлигимиз бу билан тугамайди, деган умиддаман.
- Аксинча.
- Нима учун.
- Биз бошқа кўришмаймиз.
- Сиз буни қаердан биласиз? Мен сиз билан яна учрашиш ниятидаман.
- Буни эсингиздан чиқаринг.
- Бирон... бирон кимингиз борми?
- Йўқ, ҳеч кимим йўқ.
- Унда, нимага?.. Нима, мен сизга ёқмайманми?
- У юзини буриштириб инжиқлик билан жавоб берди:
- Менга ҳеч кимнинг кераги йўқ.
- Нима учун?
- Бу сизни қизиқтирмай қўя қолсин, — деди у жилмайиб. Мен сизни фикрингизни ўзгартиришингизга мажбур эгаман.
- Бекорларни айтибсиз!

Шу пайтда уни бағримга босиш истаги туғилди. Биз машина ёнига келдик. Машина эшигини Крисга очиб бериш учун энгашганимда, мен унга шу қадар яқин турган эдимки, ундан таралаётган ҳидни ҳис этдим. Бу ақл-ҳушни ром этувчи муаттар бўй эди.

- Мен қоқила-суқила машинани айланиб ўтиб, унга ўтирдим ва жилдим.
- Эҳтимол, бирон ерда ичармиз?
- Яхши, — розилик билдирди у, — фақат узоқ ўтирмаймиз, эртага ишга барвақт туришим керак.
- Рақс тушмаймизми?
- Асло, рақсни жинимдан ҳам ёмон кўраман.
- Бўлмаса пионино чаладиган барга борамиз.
- Маъқул, фақат пиониночи қаттиқ чалмаса бўлгани. Яхши чалолмаса агар, демоқчиман, чунки эшитишга хоҳишим йўқ.
- Крис, эҳтимол кўнглингиз бирон нарсани тусар?
- У бошини ўтиргичга суяб, кўзларини юмди.
- Ҳеч нарсани истамайман, фақат ухласам бас.
- Истасангиз мен сизни уйингизга элтиб қўяман.
- Ўзингизни баджаҳл қилиб кўрсатишга уринманг.
- Бир оздан сўнг у қўшиб қўйди:
- Бу кўп меҳнат талаб этмайди.

Табиийки, у ташга эшиттирилмаган фикрга жавоб бермоқда эди. Ундаги бу хусусиятни мен бир неча бор сездим. У ўзига ўзи жавоб қиларди, берилган саволга эмас. Бу билан у суҳбатдошини деворга тақаб кўярдики, бу вазиятдан чиқиб кетиш анча меҳнатни талаб этарди. Унинг гапига кўра, пиониначи ёмон ижро этди ва у бундан масрур эди. У ҳам ўзига виски буюрди. Бирдан, қўлидаги стаканни қўя туриб, (мен ундаги хотиржамлик сунъий эканлигини ҳис қилардим, чунки у қалбидаги қандайдир туғённи енгишга уринарди) деди:

- Мени уйга обориб қўйсангиз.
- Йўл бўйи у бир оғиз ҳам гапирмади, машинадан тушаркан, унинг эшигини ёпди, холос.
- Хайр, Крис.
- Йўқ, хайр эмас.
- Унда кўришгунча хайр.
- Йўқ. Ҳаммасини унутинг.

П б о б

Худди шундай муваффақият билан томирларимда қон оқаётганини ҳам унутиш мумкин. Кундузлари иш билан андармон бўлиб, Крисни эсламаслигим мумкин эди, лекин кечалари у тушларимга кириб, хаёлимни буткул

банд этиб қўйганди. Мени ундан таралаётган муаттар ҳид, сирли жилмайиши, пешонасига тушиб турувчи сочлари таъқиб этарди. Мен совуқ терга боғиб уйғонардим ва Крисни энди кўролмастим ҳақида фикрдан қаттиқ изтиробга тушардим. У менинг аёллар ва муҳаббат борасидаги шу чоққача бўлган қарашларимни ўзгартириб юборди. Зеро, маълум сабабларга кўра мен севган аёлларим билан айрилиқда бўлишимга тўғри келган вақтлар бўлган, лекин бу ҳолларда мен маълум бир муддат ўтгач, бу азоблардан фориг бўлишим ҳисобини қилишим мумкин эди. Крис билан бўлса мен ўзимга уч кун муҳлат бердим ва унинг куни “Альгарик” фирмасига телефон қилдим.

- Шарье хонимни чақириб берсангиз...
- Шарье хоним йўқлар...
- Мен уни қачон қўришим мумкин?
- Унинг ишга келиш соатини сизга аниқ айтолмайман.
- Унда телефонни жаноб Шовога берсангиз.
- Ким сўраяпти деб айтай?
- Пьер Ленэ деб айтинг.
- Азизим, ишларингиз қалай?

Шово — ўта мулозаматли одам, ҳамиша кулиб туради. Биз у билан дўст эмасмиз, лекин у Парижда ойда уч марта кўришим мумкин бўлган ва кўришишувлари кўпам аҳамият касб этавермайдиган танишларим сирасига киради. Лекин ҳар гал дийдорлашганимда бундан ўзингни ўта хурсанддек кўрсатишингга тўғри келади. Гап унинг тўғрисида кетганида мени уни ҳамиша қария ёки навқирон йигит деб атардим, лекин аслида у қари эмас, ёши элликлар атрофидаги киши эди. У “Альгарик” реклама агентлигига бошчилик қилар, уни бир оз эски усулда бошқарарди. Бу айрим мижозларга маъқул келар эди, чунки агентликда қадим Франция руҳига муносиб хизмат кўрсатиларди. Шово ким билан учрашмасин, уларнинг тимсолида умрининг қолган қисмига етадиган дўст топганидек ҳис этишарди ўзларини. Айнан мана шу хислат унинг ишидаги муваффақиятни белгиларди.

— Баҳсли масалани бир ёқли қилганимиз баҳонасида сизга ўз миннатдорчилигимни билдираётганимдан беҳад мамнунман. Билсангиз, азизим Ленэ, бундай нарсалар...

Бир неча сония мен ўзимни сафсатани тинглаётган қилиб кўрсатишга уриндим, сўнг сўрадим:

- Айтинг-чи, мен билан бирга ишлаётган ёш ходимангиз...
- Шарье хонимми?
- У анчадан бери сизда ишлайдими?
- Бир ярим йилча бўлди, нима эди?
- Зўр мутахассис экан.
- Ҳа, биз ҳаммамиз уни ҳурмат қиламиз.
- У мenden бир нарсани илтимос қилган эди. Квартира масаласида... дугонаси учун.

— Мен бир одамни биламан, у ... (Мен хижолатда эдим, ўзимни қийин бир аҳволда қолганимни сезиб, бетўхтов гапимдан адашардим.) Уни сизнинг олдингизда учратаманми деб ўйлаган эдим ва...

- Сиз унинг уй телефонини билмоқчимисиз?
- Ҳа, агар малол келмаса.
- Ҳозир бир дақиқа... Молитор 84-50.
- Раҳмат. Кўришгунча.
- Ленэ...
- Лаббай?
- Йўқ, майли...
- Бирон нима демоқчи эдингизми?

Мен унинг саросимада эканлигини сездим.

— Йўқ, йўқ, ҳеч нима демоқчи эмасдим, — деди у совуққина.

“Афтидан, Крис унинг жазмани бўлса керак”, — деган хаёлга бордим

мен трубкани қўяр эканман. Бир қарашда бунга аҳамияти йўқдек, туюлди лекин айна пайтда бу мени ўта газабимни келтирмоқдайди. Мен шу заҳотиёқ телефон қилдим. Телефон банд эди. Орадан бир неча дақиқа вақт ўтгач, мен яна телефон қилдим. Бу сафар телефон чақирар, лекин уни ҳеч ким кўтармасди. Бундай вазиятга тушганда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас эди. Мен телефон станциясига қўнғироқ қилдим. Улар телефон созлигини айтишди. Демак, ишлаяпти.

Мен яна телефонни кўтариб, Катрин Арле агентлигининг номерини тердим, чунки бу соатда Лу у ерда бўлиши мумкин эди. Бироқ Лу йўқ, соат олтида ишдан бўшаса, бу ерга албатта кириб ўтади, дейишди. Нима деб қўяйлик, деб сўрашди. Мен Луга соат 10 да “Кастел” ресторанида уни кутишимни айтиб қўйишлигини илтимос қилдим. Бидаманки, агар у бу пайтга бошқа учрашув белгилаб қўйган бўлса ҳам уни албатта ўзгартиради. Энди Крис ҳақида умуман ўйламасам керак, деб хаёл қилдим. Ва шу ондаёқ бу ҳақиқатга тўғри келмаслигини англадим. Дунёда мен ёқтирмайдиган жой бўлса, у ҳам “Кастел” ресторани. Биз ресторанининг иккинчи қаватидаги залда тамадди қилдик, сўнг пастга тунги қаҳвахона жойлашган залга тушдик. Мен Лу билан ўзимни ўта тунд тутдим, зўрға гаплашдим, ҳолбуки у ўта ажойиб аёл. Лекин ҳар гал унга қараганимда у менинг кўзимга даҳшатли кўринарди. Ҳай, майли! Пастга тушиб, жойлашиб олганимиздан сўнг бир рюмкадан ичдик. Мен ўзимни бир оз енгил ҳис қилдим ва унга жиддий эътибор бериб қарашга ҳаракат қилдим. Менинг хоҳишим самимий эканлигини англаган Лу жиламайиб қўйди.

— Хўш, нима қилиб сен бундоқ аҳволга тушиб қолдинг?

— Ишладим.

— Бўлмаган гап. Сен кўп ишласанг қарахт бўласан, ҳозирги аҳволинг бўлса бутунлай бошқача.

— Ҳа, тўғри, — дедим мен. — Ишларим ростдан ҳам яхши эмас.

— Хўш, нима бўлди, гапир...

— Ҳеч кимни кўргим келмаяпти...

— Менга телефон қилишинг мумкин эди.

— Худди шундай қилдим.

Бунинг ҳаммаси ёлғон. Шарҳлаб ўтиришни ҳам истамасдим.

Шунда у гапни бошқа мавзуга бурди.

— Сен узоқ муддат мендан хабар ҳам олмай қўясанки, бемалол сенга хиёнат қилишим мумкин.

“Бунинг менга аҳамияти йўқ”, — дея унга бақириб бергим келди. Лекин бу ҳам ёлғон бўларди. Кейинги пайтда мен ўзимга ва атрофимдагиларга тез-тез ёлғон гапиришга ўрганиб қолганимга ақлим бовар қилмасди.

— Мен ҳам, ёлғиз эдим, — дедим. — Жуда ёлғиз эдим.

— Бўлмаган гап. Сен менга хиёнат қилдингми?

— Йўқ. Лекин қилишим мумкин эди.

“Бўлмаган гап, — дедим мен ўзимга-ўзим. — Ахир, гап бошқа нарса устида кетяпти-ку. Мен севиб қолишимга бир баҳя қолди-ку”.

— Нима, иложи бўлмадими?

— Ҳа, бўлмади. Бунинг учун икки киши бўлиши керак.

— Ажойиб, — деди у. — Одоб нуқтаи назаридан бу гапинг менга жуда маъқул келди.

У мени ўзига яна илгариги пайтлардагидек ром этди. Унинг маҳлиқолигига мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Хаёлан мен ўзимдан нима жин уриб шундай ажойиб гўзал аёлни унутиб юрибман-а, дея сўрардим.

Лунинг сочлари майин, тўқ-сарғиш рангда бўлиб, калта қилиб кесилган эди. Назаримда у сочини синиқ тароқ парчаси билан тараб, ойна ўрнида кўча бурчагидаги бирон-бир ойнаванд витринадан фойдаланадигандек туюларди. Лу бор-йўғи 19 ёшда эди.

Ўтган кузда у иш юзасидан ҳақиқатан ҳам катта муваффақият қозонди. Нью-Йорклик реклама соҳасидаги бир босс, эндиликда сирли, бенуқсон ки-йинган, висолига етишиш қийин бўлган зеро, нигоҳи Ҳимолайнинг мовий чўққилари томон боққан аёл нусхаси эскирди, — деб айтган эди.

Ҳақиқатан ҳам у анъанавий манекенларга ўхшамасди. Унинг елкалари кенг, кўкраклари дуркун, нозик бели баскетбол ўйинчилариникига ўхшаб кетарди. Кўриниши манекен аёлларнинг янги нусхалари борасида босс берган таърифга жуда мос келарди. Луда ўта уятчанлик ҳам, ярим-яланғоч кийинишга мойиллик ҳам йўқ эди. У заҳар ҳам эмас эди, лекин мавриди келганда, гап билан ўйиб олиши ҳеч гап эмас. Унда ўзига нисбатан ачиниш ҳисси йўқ эди ва умуман у ҳамма нарсадан оддий бахтиёрликни устун биларди. Унда гўзаллик ва саломатлик уйғунлашган эди. Мен унга қараганим сайин у мени ўзига мафтун этарди. Бу борасида унинг ўзига ҳам айтдим.

- Лу, сен жуда гўзалсан, — деб қўшиб қўйдим.
- Дарахтни силкитсанг гўзаллар ёғилади.
- Яхши, унда сен мен учунгина яратилгансан. Хўпми?
- Хўп, майли.
- Балки, бу ўзига хос севги изҳоридир.
- Шундоқ ҳам дейиш мумкин, шундоқ эмас ҳам. Умуман олганда, шундоқ.
- Бу севги бобида панд еганинг билан боғлиқми?
- Ҳа, бир жиҳати билан. Умуман масалага ўта жиддий боқмаган маъқул.
- Кел, умуман масалага жиддий қарамайлик. Мени севишингни истайман, холос.
- Мана, беш дақиқадан буён мен фақат шу билан машғулман.
- Бу машғулотингни умрим бўйи давом этишини истардим.
- Даргумон. Юр, танца тушамиз, фокстротга.
- Шундоқ ҳам дейиш мумкин, шундоқ эмас ҳам.

Йигирма дақиқадан зиёд вақт оралиғида мен бағримда қучиб турган аёл, умрим бўйи орзу қилиб келган аёлим эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Столимиз ёнига қайтиб келар эканмиз, мени чулғаб олган эҳтирослар тўлқинидан бениҳоя маст эдим. Биз яна суҳбатимизда давом этдик. Секин оҳангли фокстрот ўрнини твист эгаллади. Ҳамма рақс тушгани ўртага чиқди, столларнинг атрофи бўшаб қолди, гира-шира қоронғи бурчакда жойлашган бизнинг столимиз одамлардан узокроқда эди. Иккаламиз мириқиб гаплашиб ўтирардик. Бирдан гапим оғзимда қолди. Ўзимга келишим учун бир-икки дақиқа лозим бўлиб қолди. Ажойиб нарсалар рўй бераётган эди. Қай кўз билан кўрайки, ўртада танца тушаётганлар орасида... Крис... рақс тушмоқда эди. Мен Парижда энг зўр твист тушадиганларни кўрганман, кўпларини бағримга ҳам босганман. Сўнг одатдагидек, улар жонга тегарди: тўшақда бўлса, соатлаб, мусиқага маҳлиё бўлиб, шилга қадалиб олиб, илондек тўлганиб танца тушишларидан асар ҳам қолмасди. Крис одоб сақлаб танца тушарди: ортиқча ҳаракат қилмасди, бир оз сонини ликиллатарди, холос. Шилга қадалиб олиб, шунчаки мусиқа тинглаётган кишига ўхшарди, фақат сонини мусиқага ҳамоҳанг равишда ликиллатиб турарди. Узокдан, мусиқанинг оҳанги ўзгарганда, унинг ҳам қиёфасида ўзгариш содир бўлаётгани аниқ кўриниб турарди. У тана ҳаракатлари билан хонанда ва оркестрдан таралаётган қўшиқ оҳангига мос мақом қиларди, чехраси бўлса, жафо чеккан одамни эслатарди. У шу мунглиғ ва маҳзун кўринишида ҳам, ўзини кўз-кўз қилаётган, ўзидан мамнун бошқа “сув парилари”дан юз чандон жозибалироқ эди.

Унинг шериги тепакал йигит, Бернар Гуро бўлиб, у архитектор эди. Эҳтимол ўринсиздир, лекин у гомосексуалист деб, ном чиқарганди. Крис уни пайқамаетгандайди, мусиқа тинганда у ўртадаги саҳнадан уни ҳамон пайқамай, нари кетди. Мен тез ўрнимдан туриб, унинг йўлини тўсдим.

— Салом!

— О! Салом, — деди Крис. У мени кўрганидан хурсанддек эди. Мен уни кўлидан тутдим ва ўртага тортдим. Бахтимга оркестр яна фокстротни секин оҳангда чала бошлади.

— Мен бу ерда дўстларим билан бирга келганман... — деб туриб олди.

— Мен ҳам.

Мен у билан кўпол муомалада бўлишга чоғланган эдим. Крис қовоғини уйди, унинг бу қарашлари мени ақлдан оздирарди. Тагдор киноялари бўлса кишини жойида михлаб кўярди.

— Бу ерга ким билан келдингиз? Анави гўзал биланми?

— Демак, сиз мени пайқабсиз-да?

— Ҳа-да. Ахир, у жуда гўзал-ку!

— О, қани энди рашк қилишни ҳам билсангиз эди...

— Мен айнан рашк қиляпман, Пьер.

Оёғимизни базўр судраб босардик, бамисли ярим дақиқа аввал хайрлашиб, яна учрашган одамлардек. Назаримда, биз ҳеч айрилишмагандек эдик. Кейин унинг лаблари менинг лабларимга тегди ва ҳаммаси ўз-ўзидан рўй берди. Олган бўсам худди ўспиринларнинг ўпичини эслатарди. Лаблар берилган ваъдани тасдиқлаётгандек енгилгина бир-бирига тегиб ўтди.

— Мана шу нарсани кераги йўқ эди, — деди Крис бошини менинг елкам узра яширар экан, шивирлаб.

Орадан бир соат ё бир дақиқа ўтди, мен вақтни ҳис этмай кўйган эдим. У бўлса кулиб, кўшиб кўйди.

— Фақат “нима учун?” деб сўраманг. Ҳамиша “нима учун?” деб сўрайсиз. Нима учун “нима учун?” деб сўрайсиз” О! Пьер...

У мусиқа оҳангида базўр тебранарди, кучоғимда бўшашиб кетганини сездим, унинг лаблари лабларим томон интилди. Бу ўпич бутунлай бошқача, ҳаёт тўла ўпич эди. У чўкаётган икки кишининг ҳаёт учун курашини эслатарди. Сўнг унга боқиб, унинг афти буришиб кетганини кўрдим, даҳани титрар, кўзлари бўлса ёнар эди. У бирдан ўзини мендан четга тортди ва қоча бошлади, мен унга етиб олдим.

— Юр, кетдик бу ердан.

— Яхши, сен истаганингча бўла қолсин.

Дори таъсирига тушиб қолди, шекилли деган фикр келарди дафъатан киши ҳаёлига.

— Кийим топширадиган жойда учрашамиз.

— Яхши.

Мен столимга қайтиб келдим. Лунинг жаҳли чиққан эди, табиий.

— Тушунтириб ўтиришининг ҳожати йўқ... — деди у совуққина. — Бундай ҳолатлар бўлиб туради.

— Ҳозир мен сенга ҳаммасини тушунтириб бераман. Сўнг... уйга ўзинг кета оласанми...?

Мен стол устига банк дафтарчамни кўйдим.

— Ҳимматинг учун раҳмат.

— Эртагача Лу, сенга ўзим телефон қиламан...

Балки ўзимга келиб олишимга вақт берарсан?

Лу билан гаплашар эканман, узоқдан Крисни кузатардим. У дўстлари билан хайрлашиб, тезда эшик томон йўналди. Кийим ечадиган жойга келганимда у йўқ эди. Ташқарига чиққанимда эса таксининг эшиги ёпилганини эшитиб улгурдим, холос.

— Бу хоним бирон нарса демадими? — деб сўрадим ёнимда турган дарбондан.

— Йўқ, жаноб.

— Эҳтимол шоферга борадиган манзилини айтганини эшитгандирсиз?

— Йўқ, жаноб, эшитмадим. Сизга ҳам такси чақирайми?

— Раҳмат, — дедим мен. — Ўзимнинг машинамдаман.

Мен секин кўча бўйлаб кетдим. Мана шунақа гаплар...

III б о б

Кейинги икки ҳафта ичида мен бошқа масалалар билан ўта банд бўлдим, бу бамисоли Крисни унутишим учун менга берилган имконият эди. Мен ҳақиқатан ҳам уни унутиб юборишимдан умидвор эдим.

Одатда йил охирида фирма яқуний ҳисобот ишлари билан машғул бўлганда, турли нохушликлар келиб чиқади. Кимдир қаердадир анчагина акциялар пакетини сотиб юборган бўлади. Уларнинг қиймати уч мартага пасайиб кетди, данияликлар билан эҳтиётсизларча ўтказилган битим, қўзланган натижа бермади. Мен бу битимга аввалроқ қаршилик билдирган эдим ва бутунлай бошқача йўл тутиш тарафдори эдим, лекин гапларимга ҳеч ким қулоқ тутмасди, чунки мен кичкина одам эдим. Шунга қарамасдан, декабрнинг бошларида директоримиз Руссо мени ҳузурига чақирди. У оғир бетоб эди. 30 йил давомида у фирмани қўлида тутиб турди, мана бир неча йилдирки, тез-тез муҳим масалалар юзасидан қарор қабул қилишни у куёви Дюссотъега топширадиган бўлди. Бу жуда қулай вазият эди. Бизнинг фирмамиз то Францияда ўрнашиб олган Америка компанияси ҳаётимизни жаҳаннамга айлантиргунга қадар базўр — 1964 йилгача кун кўрди.

Дюссотъенинг энг катта сири у ўзи мазмунини тушунмайдиган сўзларни ишлатишида эди. Унинг қўлидан келадиган ягона иш мана шу эди. Уч соатдан ортиқ вақт мобайнида у қайта қуриш, эътиборни қаратиш, қўшилиш ва баланс ҳақида гапирганларини битта савол билан йўққа чиқариш мумкин эди. Буни у жуда ёқтирмасди. У мени ҳам ёқтирмасди, мен ҳам уни хушламасдим. Руссо мени тижорат директори этиб тайинлаганда вазият мана шу тарзда эди.

Менинг иш ҳақим сезиларли даражада ошди, янги хонага эга бўлдим ва шахсий котибам қилиб Сюзаннани беришди. Сюзанна кўҳликкина қариқиз эди, у ҳақида бошқа бирон нарса деёлмайман. У бошлиғига аспириин бериб турадиган котибалар тоифасига кирарди, менинг бошим ҳеч қачон оғримаслигини билгач, назаримда уни ҳафсаласи пир бўлди. Сюзанна мен унга ўзим берадиган топшириқлардан ташқари ҳам бир талай хизматларни бажаришга ҳаракат қиларди. Унинг истараси иссиққина бўлишига қарамасдан, айна чоғда одамни қуюшқондан чиқариб юбориши мумкин эди. Ҳар бир ташкилотда бўлгани каби турли миш-мишлар, сарой тўнтаришлари бўлганда у мени жонжаҳди билан ҳимоя этарди, менинг назаримда.

Эришган мартабамдан туйган севинчимга баъзи-баъзида Дюссотъенинг менга нисбатан бўлган ғарази путур етказиб турарди, бу борада бошлиққа гапириб бердим. Лекин қария анчайин устомон экан, у мени лавозимимни кўтарар экан, айна пайтда куёвини ҳам бошқарма маслаҳатчиси этиб тайинлабди. Яъни, уни бир амалдан маҳрум этса-да, мавқеи ундан паст бўлмаган бошқа бир амални берибди. Зеро, Дюссотъенинг шуҳратпарастлиги ҳам бор-да. Мана энди ҳамма ходимлар ўзларини иззат-нафси қонган ҳис этишарди. Бу ҳақда гапиришимдан мақсад, вақтим ўта зиклигидан ишқий саргузаштларим борасида ўйлашга вақт етишмаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтишдир. Лекин гапнинг очиғини айтсам, миямнинг бир чеккасида бу фикр бари бир айланаиб юрарди. Кунлардан-бир кун беихтиёр бу вазиятдан чиқишнинг иложи топилди.

Бунинг йўли топилганининг сабаби, эҳтимол, мен 34 ёшга кириб, ҳаётда нимагадир эришганим бўлса, ажаб эмас. Балки, рождество яқинлашиб қолгани сабабдир, чунки бир ҳафта мобайнида киши ортиқча ҳиссиётга берилади. Крис билан бўлган муносабатдаги ортиқча ҳаяжоним мендаги ўч олиш, тақдирга қарши чиқиш истаги бўлгани туфайлидир. Эҳтимол, бу навбатдаги мағлубиятдан ўзимни муҳофаза қилиш истагидир. Ўша кезларда Крис ўзини ҳимоя этиш учун, бор кучини ишга солган эди. Мендек одамларга азоб беришни ўз олдига мақсад қилиб олганди. Ўзимни қачонгача соддадил қилиб кўрсатаман? Руҳий таҳлил борасида мен кучсиз эдим. 16 сентябрда кечаси

соат ўнларда мен Луга сим қоқдим. Унга ўша “Кастел”да бўлган кечамиздан буён телефон қилмаган эдим, бунга журъат ҳам этолмадим.

— Бу сенмисан, Пьер? — деди у уйқусираган овоз билан. — Сени эшитганимдан хурсандман. Бир дақиқа кутиб тур, майлими?

— Яхши.

— Ухлаб ётган эдим, бошим ишламаяпти...

— Кечирасан Лу, мен...

— Зарари йўқ. Биласан-ку, мен эрта ётмайман. Бугун жуда чарчаган эдим, шунинг учун барвақт ётган эдим.

— Олдингда хижолатдаман, эрталаб ишга кетиб қолсанг, сен билан кўришолмасликдан қўрқдим, шунинг учун...

— Жуда тўғри қилибсан. Тўхтаб тур... Мана энди, турдим.

— Турмасанг ҳам бўларди.

— Менга бирон нима демоқчи эдингми?

— Мен сени кўрмоқчи эдим. Сен билан баъзи нарсалар ҳақида гаплашиб олишим керак. Бамайлихотир ярим соатча гап сотсак.

— Яхши. Менга қара, сен анча сурбет экансан, — деди у бирдан ҳамма нарсани эслагандек.

— Охирги марта сен...

— Биладан, Лу, биладан. Ва айна шунинг учун ҳам мен...

— Майли, кутиб тур. Афтидан бу жуда зарур шекилли. Тушунаман. Меникига келмоқчимисан?

— Қачон?

— Ҳозир бўлса ҳам майли. Эртага бир дақиқа ҳам бўш вақтим йўқ.

— Яхши ўн беш дақиқалардан сўнг бўламан.

У Шамперда оддий, бир хоналик уйда турар эди. Ҳар оқшом қайтадиган, ухлайдиган ва барвақт туриб ишга кетадиган бесарамжон хона. У менга эшикни очганида унинг эгнида пуловер ва оёғида колготкаси бор эди. Юрганида оёғидаги колготкаси, резинкаси бўшаб кетганидан, сонига тушиб кетар эди.

— О, мени маъзур тутасан, жин урсин бу колготкани... — деди у изоҳ бериб.

У худди қорнини силаётгандек, колготкасини юқорига қараб тортди, сўнг тирсагига суяниб, ёнбошлади ва сигаретасини ёқди. Бу пайтда унинг бир зумлик нигоҳидан мен уни азоб чекаётганини сездим. Ўша кечаси унга кўрсатган аблаҳона муносабатимдан бери ўзига келмаган кўринади. Лекин ўзи ҳеч замон бунга иқроп бўлмаса керак. Шунга қарамасдан, жилмайган кўйи менга таъна қилди:

— Аблаҳ экансан...

— Кел, ўтган ишлар ҳақида гаплашмайлик, — дедим мен.

— Яхши. Лекин бугунги ишлар ҳақида ҳам гаплашмаймиз. Мен сен билан бирга бўлишни ортиқ истамайман. Қисқаси, сен менинг дўстимсан, холос.

— Нима, мендан бошқасини топиб олдингми?

— Қўйсанг-чи бунақа гапларни.

У яна бир сигарета тутатди. Чекишга ишқивоз эмас эди, лекин чекканида ўзини эркинроқ тутар эди... Ҳозирги вазиятимизда унга ҳам, менга ҳам эмин-эркинлик зарур эди.

Мен унга ишда эришган ютуқларим тўғрисида сўйлай бошладим. Лўнда қилиб гапириб бермоқчи эдим, қарасам, икир-чикир тавфсилотлари билан гапиряпман. Айна пайтда мен бундан бахтиёр эдим, ундаги мени эшитишга бўлган иштиёқни кўриб, ўзимни янада бахтлироқ сезардим. Шу зайлда ярим соатча вақт ўтди. Биз асал ойини қандай ўтказишни муҳокама этаётган икки ёшга ўхшар эдик. Ҳатто, бу ишни нишонлаш учун бир қадаҳдан ичиб ҳам олдик.

Бирдан у уйқудан уйғонган кишидек биринчи бўлиб сўради:

— Нима, сен мени репертуарингдаги навбатдаги саҳнани кўрсатиш учун ётган жойимдан турғиздингми?

- Йўқ, унчалик эмас.
- Унда, нимага бўлмаса.
- Рождестводада нима қилишингни сўраб билмоқчийдим.
- Рождествода? Сен ўша кундаги кечки таом ҳамда жамики бошқа та-
раддуларни ҳам назарда тутяпсан, шекилли? Пьер, ақлинг жойидами?
- Мен бирга ўтказсак, деб хаёл қилган эдим.
- Азизим, ўзингни ковбой қилиб кўрсатишни бас қил.
- Сочельник пайшанба кунига тўғри келар экан. Биз душанбагача бирга
бўлишимиз мумкин. Мовий қирғоққа ҳам бориб келишимиз мумкин...
- Бекорга овора бўлма, Пьер. Бу фикр каллангга ўша кечаси қилган ай-
бингни ювиш учун келдими?
- Йўқ.
- Унда нимага?
- Сен билан бирга бўлишни истайман, буни ҳеч ким билан бу қадар
истамаганман.
- Шуларни гапира туриб, уни қучишга интилдим, лекин яшин тезлигида
ҳаракат қилиб, мендан тўрт қадам нарида пайдо бўлди.
- Энди мени ёғишимга ижозат берсанг, эртага ишим кўп.
- Мен ўрнимдан турдим.
- Ўйлаб кўр, Лу, жавоб беришга шошилма, таклифимдан қайтмайман.
- Пьер, бу уикэндлар жонимга теккан. Пайшанбадан душанбагача бўлса
ҳам. Бу дам олиш учун жуда кўплик қилади ё жуда кам.
- Биладан, — дедим мен. — Назаримда, сенга энг асосий гапни айтишни
унутибман. Рождество — бу истиқболдаги ишларни режалаштириб олиш учун
энг қулай маврид.
- Наҳот, келажакдаги режаларинг орасида мен учун ҳам жой ажратилган
бўлса.
- Ҳар қалай, бу ҳақида жиддий ўйлаганимда, бундан бошқаси миямга
келмайди.
- Бунга ишончинг комилми?
- Ҳа. Ҳар қалай бир ўзим қолишимни ҳеч ҳам истамайман.
- Пьер, сен жуда жиддий гапларни гапиряпсан.
- Мен ҳам бунга ҳайрон қоляпман.
- Кел, бўлмаса эртага қайтамыз бу масалага.
- Сен истаган заҳоти, шак-шубҳасиз. Сени ўпсам, хафа бўлмайсанми?
- Ҳа, — деди у, — унчалик хафа бўлмайман. Бетимдан ўпмоқчисан-да.
Мен уни бағримга босганимда, у титраб кетди.

IV б о б

- Эртаси кунни соат олтиларда Сюзанна менга селектор орқали хабар қилди:
- Сизни телефонга сўрашяпти.
- Ким?
- Аёл киши. У менга шахсий иш юзасидан телефон қилаётганини айтди.
- Илтимос, унинг кимлигини сўраб билинг.
- Мен узоқ кутмадим.
- Шарье хоним, — Сюзаннанинг овози эшитилди. — Гаплаша-
сизми?
- Буни мен астойдил орзу қилган эдим, туш кўраётган одамдек, трубкани
кўтардим.
- Пьер, сизга халақит бермадимми?
- Тилим калимага келмай қолди.
- Мен сизни табрикламоқчи эдим. Сиз энди катта бошлиқ эмишсиз?
- Тез хабар топар экансиз...
- Эртами, кечми ҳаммаси аён бўлади.

— Йўқ, мен катта бошлиқ эмасман. Мен унга фақат четдан ўхшайман.

Мен яна унинг кулгисини эшитдим, кулгиси майинмиди, киноялими билломадим. Ярим, бир сониялар орасида яна туйғулар жунбуши ичра қолдим, ақлимни йўқотаёздим.

— Пьер, эҳтимол яқин кунлар ичида буни нишонлармиз, а?

— Сизни бу қадар манфаатни кўзлаб иш тутишингизни билмас эканман.

— Пул бўлса мендан ҳамма нарсени кутиш мумкин.

Унинг кулгиси илиқишган икки каптарнинг ғув-ғувлашига ўхшарди. Нар каптар шу заҳоти ўзини хўракка отди.

— Бу масалани бугун ҳал этсак нима дейсиз, Крис?

— Маъкул. Соат саккизларда.

— Қаерда?

— Ўзингиз биласиз, мени олиб кетишга келишингиз мумкин.

— Бар ва шунга ўхшаш жойларни жиним суймайди.

— Масалан, “Кастел” каби жойларними?

— Мен сизга ҳаммасини тушунтириб бераман. Хафа бўлдингизми?

— Мен ҳам сизга баъзи нарсаларни тушунтириб бераман.

Унда бундай йўл тутамиз: аввало тушунтириш ишларини йўлга қўямиз, кейин хавфсизлик кенгашини чақирамиз ва овозга соламиз. Молитор кўчаси, 36. Еттинчи қават, чап томондаги унча катта бўлмаган эшик.

— Тушундим, унча катта бўлмаган эшик, Крис. Кўришгунча.

Сюзанна мени беҳол ўтирган ҳолатимга рўпара келиб, ўт кавшаётган сизгир қарашида қанча маъно бўлса, менинг нигоҳимда ҳам шунча маъно кўрган бўлса керак.

Крис сочини бу гал бошқача турмаклаб, ҳатто рангини ҳам ўзгартирибди, малла тус берибди.

— Бу менга энг ярашадиган ранг, — деди у пешвоз чиқар экан. Кокиллари ҳам калтароқ қилиб қирқилган эди, очиқ қолган гардани бўлса уни ёшроқ қилиб кўрсатарди. Қарашлари майин тортган, кўзлари қулиб турарди. Биллурдай соф, мусаффо эди, Крис!

— Мен энди-энди ўзимга келяпман, — деди у.

— Сизга нима бўлди, ишингиз юришмадими?

— Ҳа, шунчаки... Майда-чуйдалар ўз оқибатини кўрсатмай қўймайди.

Тўртинчи эшиттиришни бошлаш учун яшил чироқ берилди: менинг раққосам настарин рангдаги тўсиқ орқасида ғойиб бўлади ва у ердан виски, ях ва маъданли сув олиб чиқади. Шу ернинг ўзида ана шу настарин рангда филофланган диван турибди; дарпардалар сариғ-тиллаланг ва анор тусида, гилам бўлса, бинафша рангида. тўсиқларнинг бири тахтачалардан ясалган бўлиб, қора ва яшил рангга бўялган, оралиқда — ошхонагами ё ваннахонагами, ё қандайдир хаёлот оламигами бошловчи йўлак кўриниб турарди. Венеция қандили эса ғайритабий равишда шипнинг ўртасида эмас, чеккада осилиб турарди. Қайиқни эслатувчи кичик ёзув столи ҳаммол мебелларни ташиб келтирганда тўғри келган жойда қандай қолдирган бўлса, шундайлигича қолган. Хонадаги ҳамма нарсаларни тасодифий бўлиб, аралаш-қуралаш бўлиб, ранглар уйғунлиги манаман деб турарди. Айни чоғда буларнинг ҳаммаси мутаносибликда ажойиб манзара ҳосил қилиб, гўзаллик танлаш борасидаги эркин ва нозик диддан далолат бериб турарди.

— Хўш, Крис, ишларингиз нега юришмади?

— Бу ҳақида гапиришга асло тоқатим йўқ.

У қадаҳни худди лўлиларнинг биллур шарини тутиб турган каби, унда ўз ўтмишини ўқиётган кишидек, иккала қўли билан ушлаб турарди. Уни бир оз айлантриб турди-да, сўнг нигоҳини кўтарди.

— Мен жуда оғир бир кечмишни бошдан ўтказдим, Пьер. Бу... Қисқаси, бу воқеа ўша кезларга тўғри келди, биз...

— Биз учрашган кунгами?

— Ҳа, бир одам билан айрилишимга тўғри келди. Айнан “Кастелга” борганим кун... Мен бир танишим билан бир оз кўнгил ёзмоқчи эдим. Қисқаси, буш вақтимни андармон бўлиб ўтказгани.

— Сиз уни севармидингиз?

— Нима десам экан, умуман олганд... Ҳа, севардим, деб ўйлайман. Мен ҳатто, ўзимни-ўзим ўлдирмоқчи ҳам бўлдим.

— Қай пайт?

— Унча кўп бўлмади. Келинг, бу ҳақида бошқа гаплашмайлик, майлими?

— Сиз уни ҳамон, илгаригидек севасизми?

— Севаманмикин?.. Билмадим.

— Крис, менга шу тўғрисида гапириб беринг.

— Э, бу кўпам гапирадиган гап эмас.

— Шундай бўлса ҳам гапириб беринг.

— Одобга ётмайди.

— Ҳечқиси йўқ.

Чуқур хўрсиниб, сўниқ овоз билан деди у:

— Сал бўлмаса у туфайли ақлимдан озаёзган эдим.

— Нима, у сизга нисбатан хиёнат қилдими?

— Кимдир кимнидир ташлаб кетса ва бу ҳақида ошқора гапирса, бу ҳамиша хиёнат ҳисобланган.

— Менга у ҳақида сўзлаб беринг.

— У ўттиз тўққиз ёшда. Анча-мунча ном қозонган, замонавий сураткаш.

У... — бир оз ўйланиб, кўзлари севинчдан ёнаркан, — у гаройиб нусха, — деди ва нигоҳлари яна сўнди. — Хулласи калом, бу кўргулик орқада қолди.

— Сиз у билан анчадан буён танишмидингиз?

— Уч йил бўлувди, — деди у ва сигаретани чуқур-чуқур тортди. — Биласизми, Пьер, ахир, уни деб эрим билан ҳам ажрашдим.

— Жин урсин!

— Доим севган иборангиз — шу “жин урсин”, — деди у кулиб.

— Ҳали сиз шуни деб ажрашдингиз ҳамми? Эрингиз қандай одам эди?

— У ёш эди ва мен уни жуда севардим. Умуман олганда, биз иккимиз жуда бахтли эдик. Мана шунақа ақлга сиғмайдиган гаплар, мен сизга айтсам.

— Бироқ, кейинчалик сиз у билан бирга яшамагансиз, сураткашни назарда тутаяпман.

— Джесс биланми?.. Йўқ, албатта. Унинг исми Джесс Ваджа, у венгер. Зинҳор-базинҳор!.. У эркинликни жуда қадрловчи инсон эди.

— У сизга хиёнат қилар эдими?

— Билмадим. Ўйлашимча, хиёнат қилмасди. Биласизми, бизнинг ўзаро муносабатларимиз жуда жойида эди. Лекин у ҳамиша ўзини қамоқдагидек ҳис этишни ёқтирмаслигини такрорларди.

— Ва сиз шунга рози бўлармидингиз?

— Бу билан мен уни ўзим билан сақлаб қоламан деб ўйлаган эдим.

— Аслида бўлса ҳаммаси тескари бўлиб чиқди.

— Минг афсус... Мен уни йўқотдим.

— Жуда ачинарли, албатта, Крис.

— Ҳа, ўзим ҳам бу каби икир-чикирларни сизга бафуружа гапириб бераётганимдан ачинарли аҳволга тушяпман. Лекин сиз шунга раъйиш билдирдингиз. Ва яна бир гап, Пьер...

Шу ўринда бир дақиқа тўхтаимиз. Крисни шундай одати бор эди, у ўзини ўта муҳим бир гапни айтмоқчидек қилиб тутар, бундан ҳамсуҳбати нима гаплигини билиш учун ўзини ўтга ташлашга рози ҳолатга кирарди.

— Мен сизга яна бир гапни айтмоқчиман... ўша “Кастел”да бўлган кеча ҳақида.

— Энди ҳаммасини тушундим, бу ҳақида бошқа гаплашмайлик.

— Йўқ, йўқ, сиз ҳали тушуниб етганингиз йўқ. Сиз мени ўпганингизда...

— у бир оз жиддий тус олди, энди у ўша биринчи кечада мен учратган ишчан аёл қиёфасини касб этди.

— Мени маъзур тутасиз, Пьер, мен тўғри сўз одамман, чунки турли ман-хул-мубҳамликларга сира-сира тоқатим йўқ.

— Гапингизда давом этаверинг.

— Бундай ҳолларда нима юз беришини сиз яхши биласиз. Эҳтимол, бил-маслигингиз ҳам мумкин... Мен ўша кунни ўзимни сизнинг кучофингизда бўлсам ва сизни ўпсам, ҳаммаси ўз-ўзидан изга тушиб кетади деб хаёл қил-ган эдим.

— Менинг ўпичларим ҳеч нарсани ўзгартирмади денг?

— Бунга тоқат қилиш қийин эди...

— Шунақа денг!..

— Шунинг учун ҳам телбалардек, қочиб кетдим...

— Тушунаман.

— Ўйлашимча... Тагин билмадим... назаримда у кезлари ҳали бунга эрта эди.

— Ҳозир-чи, ҳозир ҳам эртами?

Мен унинг жавобини кутмасдан кучоқлаб олдим ва бу гал олган бўсам худди “Кастел”даги кечадек эҳтиросли эди. Фақат бу сафар Крисда на ҳадик, на эришиб бўлмас нарсага етишиш истаги бор эди. Крис бошини орқага таш-лади.

— Бир оз енгил тортдим чоғи, — деди у жилмайиб. — Анча яхшиман.

Мен кулмасдан, унга тикилган куйи турардим.

— Крис, қандоқ ўйлайсиз, бўсадан кучлироқ нарсага тоқат қила оласизми?

У саросималаниб, жойида ўзига ўзи савол бераётгандек қотиб қолди. Худ-ди ер ости йўлагидан чиқиб бирдан ёруғликка рўпара келган кишини эсла-тарди.

— Билмадим. Эҳтимол. Ҳар қалай тажриба ўтказиб кўрса бўлади.

Сўнг...

Сўнг мен ўзимни Крисни ётоқхонасида кўрдим, ётоқхона яшил духоба билан филофланган бўлиб, меҳмонхонанинг юқорисидаги равоқда жойлашган эди. Сигаретамдан чиқаётган тутун бўлса испан услубидаги бежирим кара-вотнинг темирдан қуйилган панжаралари аро юқорига ўрмаламоқда эди. Криснинг сўлфинлашган чеҳрасидан лаванданинг муаттар ҳиди таралмоқда эди. Шунда кутилмаган ҳаракат билан чойшабни гижимлаган куйи Крис юзини елкамга яшираркан, пинжимга суқилди, унинг бутун вужуди тит-рар эди.

— О, Пьер, — деди у. — Пьер... Пьер... Пьер...

— Худди ёрдамга чақираётган кишига ўхшайсан.

— Аслида ҳам шундай.

У ёстиққа ёнбошлаб, яхшилаб ўтириб олди, қўлимдаги сигаретани олиб бир-икки тортди ва яна қайтариб берди.

— Нима бўлганда ҳам мен эркинлигимни сақлаб қолишни истардим.

— Сен кўпам тутқундаги одамга ўхшамайсан, — дедим мен. — Эҳтимол, сенинг бу сафарги “қочиш”инг муваффақиятли кечар.

— Бу жуда ажойиб бўлди. Фақат мен сени эҳтиётлашим керак...

— Яна ичингдагини тўкиб сочишга бошладингми? Айнан шу пайтда мен бунга эҳтиёж сезмаяпман. Мен шундоғам бахтиёрман.

— Ҳамма гап оддий андишада.

— Крис, кўнглим ёлғонни тусаяпти.

— Йўқ, сен кишини доим одобга даъват этиб келгансан.

Бу таърифдан мен кўпам хурсанд бўлмадим. Мен уни иягидан тутиб, бўсага кўмиб ташладим. Ҳар сафар ўпганимда ундаги ҳид алмашилиб турарди. Чек-касидан янги ўрилган ўтнинг, бурнининг атрофидан бўлса, ванил аралаш лимон ҳиди, лабларидан эса эриётган темир орасидан сизиб ўтувчи мускат ёнғоғининг бўйи келарди.

— Хўш, шундай қилиб мени инсофга чорловчи кишисиз, дегин. Майли, кел, унда ишга киришамиз.

— Пьер, мен унинг ёнига яна қайтиб боришим ҳам мумкин, — деди у, ва унинг юзида яна синиқ жилмайиш пайдо бўлди. — Фақат “Жин урсин” демагин.

— Сен уни ҳали ҳам севасанми ё унутдингми? Шуни билишни истардим.

Мен ўзимни ўта қабиҳларча тутдим, лекин Крис мурувват қилиб буни сезмасликка олди.

— Бу у қадар осон иш эмас. Балки эндиликда уни севмасман. Ўйлайман-ки, бу жаҳаннамдан қутилиб чиқиш жудаям осон эмас.

— Унда муаммо нимада?

— Буни тушунтириш қийин. Мен унинг домидан чиқиб кетолмайман.

— Бу нима деганингиз? Нима иккалангиз биргаликда одам ўлдирганми-сизлар?

— Пьер, бундай ҳазил қилманг. Ҳар қалай, унинг қандайдир жодуси бор.

— Сен ... шаҳват борасидаги ишларни назарда тутяпсанми?

— Фақат буни эмас...

— Ҳар қалай буни ҳам...

Жимлик чўкди. Сўнг кўшиб кўйди:

— Ҳа, албатта.

Яна жимлик чўкди. Мен ўзимни ҳақоратланган ҳис этдим, қаттиқ ғазабландим. Тентак, унинг устига ғазаби жунбуш урган тентак. Тентак бўлгани учун ғазаби жунбуш уради. Мутаносибликни кўринг! Мен ўзимни қўлга олмоқчи эдим, лекин яна қовун туширдим.

— Уни унутиш шунчалар мушкул бўлса, ўзингни мажбурламаганинг маъкул.

Бу ўйинда беназир шерик эди у.

— Ҳа, албатта, сен ҳақсан. Биз сен билан фароғатли онларни кечирдик, холос.

У бўшашиб ўрнидан тура бошлади. Лекин мен уни елкасидан тутиб қодим ва устига энгашдим. Унинг юзи меникига жуда яқин эди. Яшил рангда тусланувчи мовий кўзлари шу онда оч яшил тус олди ва ҳеч нарсани кўрмасдан бир нуқтага боқиб турарди. Бу — мен қулаган жарлик эди. Мен учишда давом этмоқда эдим. Юқорида, жар бўйида мувозанатини тутиб турган кимдир овоз берди, унинг овози узоқдан келаётгандек эди.

— Крис, мен сени севаман.

— Унда мени ундан қутқар.

— Қандай қилиб?

— Билмайман. Мени узоқ-узоқларга олиб кет. Биласанми, мен нимани ҳаммадан ҳам кўп истардим. Уни қайтиб кўрмасликни.

— Демак, сен ундан қўрқар экансан-да?

— Ҳа, мен ундан қўрқаман. Баъзи нарсаларда иқроп бўлишим керак: ҳар сафар телефон жиринглаганда, мен у бўлса керак деган фикрга бораман ва беихтиёр чўчиб тушаман.

— Айни чоғда у бўлишига ҳам умид қиласан.

— Жуда тўғри топдинг.

— Афсуски, у бўлиб чиқмайди?

— Нима учун? Баъзан у ҳам...

— Мен бўлсам сен у билан бўлган муносабатингни буткул узгансан деб ўйлабман...

— Бу ўйин. Тушунасанми, ғалаба ҳамиша у тарафда. Ғалаба ҳамиша севмаган киши томонда бўлади.

— Жуда аниқ ифода. Буни ёзиб, ёзув столимнинг тепасига осиб қўйсам бўлади...

— Жиннилик қилма. Мен нима демоқчи эканлигимни тушуниб турибсан-ку.

— Ҳўш. У нимага сенга телефон қилади.

— Мен билан яна учрашиш учун.

— Ахир, у сени ташлаб кетган-ку?

- Баъзи-баъзида унда мени кўриш истаги пайдо бўлади.
- Ва сен оёғингни қўлингга олиб уни ёнига чопасан.
- Албатта. Шунинг учун Джесс билан ўртамизда катта жарлик, ўтиб бўлмас жарлик бўлиши зарур. Буларни сенга гапираётганим учун мени кечир.
- Бундан чиқди, иккимизнинг орамизда бўлиб ўтган воқеалар унчалик катта жарлик эмас экан-да?
- Ҳозирча йўқ. Эҳтимол, вақти келиб шундай бўлар ҳам.
- Менинг бошқа бир таклифим бор, — бўш келмадим мен. — Таклифимни қандай истасанг шундай қабул қил.
- Нима таклиф экан?
- Турмуш қурамиз.

V б о б

Рождествони мен у билан Крушевелда ўтказдим, албатта. У чанғида хоҳ чанғи йўлида бўлсин, хоҳ одам тўла катта шаҳар йўлларида бўлсин, моҳирона чаптастлик билан бир хил учарди. Унинг юзига бир оз ранг кирди. Ўткир, гоҳо захарли, гоҳо истеҳзоли ақли хотиржам торгандек эди. Баъзан эрталаблари у бир ўзи кетар ва Алоэ чўққисига чиқар, сўнг Мерибелга тушиб, қош қорайганда қайтиб келар эди. Унинг юзи бирон маънони англатмасди. Нега бундай экан, қизиқ? Чарчаганиданмикан ё кўп ўйлаганиданми? Мен унга савол бермасдим. Соғломлаша бошлаган менинг васийлигимдаги нозик бу аёлга худди энг нозик наслдор отга муносабатда бўлгандек ўта меҳр билан муносабатда бўлдим. Тунларимиз кундузидагидек гоҳ ундай, гоҳ бундай ўтарди. У баъзан бутунлай йўқолиб қоларди, лекин ҳамиша ёнимга ўз айбини тушуниб етган одамдек, янада меҳрибонроқ бўлиб қайтарди. Бизнинг никоҳ маросимимиз 15 январга дам олишдан қайтаганимиздан бир ҳафта сўнгга тайинланди. Месье Шовони таклиф этдик. Бу бизнинг унинг олдидаги бурчимиз эди. Назаримда у Крис тарафдан гувоҳ вазифасини ўтаётганидан ўта фахрланар ва бахтиёр эди. Гарчанд баъзи дақиқаларда Криснинг “Альгарик” дан кетиб қолишидан хавфсираса-да. Лекин Крис ишдан кетмасликни маъкул кўрди, мен ҳам бунга монелик қилмадим. Бунга Жаккар гувоҳ эди. Авел Жаккар адвокат бўлиб ишлайди ҳозир, у билан Жансон лицейининг тўртинчи синфидан бошлаб бирга ўқиганмиз, орадан қил ўтмас дўстим. Жаккарнинг сочлари майин, жингалак эди, унинг бутун вужудидан самимийлиги ва дўст учун нонини ҳам беришга тайёрлиги кўриниб турарди. Унинг буржи Ёй бўлиб, шу бурж остида туғилганлар тоифасига жуда мос келарди. Меҳмонларни Париж атрофидаги қишлоқ ресторанида кутдик. Биз Луи-Блерьюдаги менинг уйимда яшашга қарор қилдик. Лекин Крис ўзининг турили ранг билан пардозланган бир хоналик уйини сақлаб қолишни хоҳлади ва у ерга мени баъзи-баъзида кечки овқатга таклиф қилишга ваъда берди. Уйимизга юборилган гуллар ичида пушти ва ҳаворанг нилуфарлар орасига қистирилган “Энг самимий истақлар тилаб. Джесс Ваджа” деб ёзилган хатча ҳам бор эди. Крис бунга кўпам эътибор бермагандек кўринди. Кечқурун бўлса у худди ўзининг янги маконидаги ҳар бир бурчакни ўрганаётган серҳадик мушукдек, хона-хона кезиб чиқди.

— О, Пьер, мен қўлимдан келганча яхши хотин бўлишга ҳаракат қиламан. Лекин ҳаммаси кўнгилдагидек бошланмаяпти. Минг афсус...

Мен Крисга боқдим, унинг кўзларининг ости кўкариб кетган эди. У кутилмаганда кулиб юборди:

— Бу ҳар йигирма саккиз кунда уч кун кечади, келиб-келиб шу бугунга тўғри келганини қара.

Мен у билан кўшилишиб кулдим.

— На никоҳ кечасидаги фароғат, на асал ойидаги саёҳат бўлди, дўстим.

— Ҳали ҳаммаси олдинда.

— Пасха байрамида бирон ерга бир ҳафтага бориб келишга уриниб кўрамиз.
— Яхши.

... Январ ойи Руссо фирмаси учун қийин кечди. Менинг Стокгольмга кетишимга тўғри келди. Мен Крисни ўзим билан бирга олиб кетмоқчи бўлдим. Лекин аксига олгандек, Шово унга муҳим бир вазифани — аёллар учун янги ҳафтанома нашрини топшириб қолди. Мен Стокгольмга етиб келишим билан-ноқ кечқурун унга телефон қилдим. Телефон банд бўлди, иккинчи бор соат 11 ларда телефон қилганимда эса у уйда йўқ эди. Эртаси куни эрталаб у менга ишхонада кечгача ишлаганини ва кечки овқатни Шово билан Гриньстерда қилганини айтди. Менга унинг овози бир оз ҳаяжонли туюлди.

— О, азизим, тезроқ қайтиб кел.

— Жумлани “О!” деб бошлаш Крисга хос хусусият эди, айниқса у бирон нарсадан кўрқса ёки бирон нарсани истаса, ҳаяжонини шу тарзда билдирарди. Икки кун ўтгач, мен уйга қайтиб келдим.

Бизнинг ҳаётимиз Париждаги минглаб оилалар ҳаётидан фарқ қилмасди. Биз эрталаб ишга кетардик ва фақат кечқурун баъзан кинотеатр олдида ё ресторанда учрашардик. Баъзида сокин оқшомларни уйда ўтказишимизга ҳам тўғри келарди. Шундай оқшомларнинг бирида Крис диванда модалар журналини варақлаб ўтирарди. Тўсатдан нигоҳи ундаги бир расмга тушди.

— Пьер, қарагин.

Бу Лунинг аёллар корсети рекламаси учун ярим-яланғоч тушган жуда чиройли суръати эди.

— Қандай қилиб танидинг?

— Нимани қандай қилиб?

— Бунинг у эканлигини. Сен уни ўша куни “Кастел”да бор-йўғи ўн сониягина кўрувдинг. Устига-устиак бу расмда у ҳеч ҳам ўзига ўхшамайди. Уни таниш учун эса шунинг ўзи кифоя эмас...

— Сен нималар ҳақида гапиряпсан?

— Лу ҳақида.

Кошки гап нима ҳақида кетаётганини билмаса!

— Пьер, ахир сен нималар деяпсан? Бу Джес олган сурат-ку. Унинг услубини дарров таниш мумкин.

Сўнг кўшиб қўйди.

— Ёмон эмас, а?

Мен унинг қандайлигига синчиклаб қарадим. Кўпам одамни ҳайратга соладиган сурат эмасди, лекин уни менга ёққандек қилиб кўрсатишга уриндим. Крис яна у ҳақида гапиришни давом эттирганида овози оҳангида бир оз бетакаллуфлик сезилди. Лу масаласига келсак, у Крисни асло қизиқтирмасди.

— Сенда у ҳақида бирон янгилик борми?

— Ҳа, бор. У бир манекенши аёл билан топишиб олибди. Эҳтимол, мана бу биландир, — деди у кулиб. — Бу сен менга гапириб берган аёл эмасми? Балки ҳақиқатан ҳам иккалангизнинг дидингиз бир хилдир? Буниси жуда гаройиб бўларди.

— Балки.

У яна эътиборсизлик билан журнални титкилай бошлади. Мен бўлсам “Экспресс” ойномасида ўқиётган мақоламни ўқишда давом этдим, лекин кўзимнинг олдида ҳамма нарса ҳавода сузаётгандек эди. Ниҳоят мен сўрадим:

— Буларни ҳаммасини қаердан биласан? Фақат илтимос, яна “Қаердан? Мен? Биламан?” деб ўтирмагин. Бирон хабар топдингми?

— Азизим, нега бунча асабийлашяпсан?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам асабийлашяпман, — дедим жилмайишга ҳаракат қилиб.

— У менга бир ё икки марта телефон қилди.

— Бир мартами? Икки мартами?

— Пьер, илтимос...

— Биз сира ҳам у ҳақида бошқа гаплашмаган эдик, — дедим мен чўрт кесиб.

— Биладан. Бунинг учун мен сендан жуда миннатдорман.

— Сен ҳали ҳам у ҳақида ўйлайсанми?

— Ҳа, баъзан.

— Ва бу сени аввалгидек изтиробга соладими?

— Баъзида.

Мен бошқа ҳеч нарса демасдим. Нима ҳам дейишим мумкин? Мен ўзим шуни хоҳлаб турибман-ку.

Аёллар ҳафтаномазининг чоп этилиши маросими 12 мартда бўлиб ўтди. Ҳаммаси муваффақиятли ўтди ва бу воқеани нишонлаш учун Шово бизни Лассер ресторанига олиб борди. Бу ўтган муддат Крис учун байрамона, ҳам тушкун кайфиятли дамлар бўлди. Пасха таътиллари яқинлашиб келарди. Биз режа туза бошладик. Кунларнинг бирида, душанба кунини мен уйга одатдагидек бир соат барвақт қайтдим. Кўча эшикни ёпа туриб, мен Криснинг телефонда гаплашаётганини эшитдим. Мен у нималар ҳақида гапираётганини аёнлашди, лекин унинг гапириш тарзи мени қаттиқ таажжубга солди. Уни ҳеч қачон бундай тарзда гаплашганини эшитмаган эдим. Унинг овози бамисли тунги ўрмондаги ҳимоясиз қушчанинг тинимсиз ноласини эслатарди. Бу йиртқич парранда чангалидаги нолон қушчанинг чирқирашига ўхшаб кетарди. Сўнг узок муддат жимлик чўкди, фақат ора-чора унинг “ҳа... ҳа...” дегани эшитилиб турарди. Мен унга яқинлашдим ва уни яхшироқ кўриш имконига эга бўлдим. У ҳар гал “ҳа” деганида танасининг юқори қисми ҳаракатга келарди.

Сўнг мен уни аразлаганнамо бидирлаб: “Ҳа, азизим ҳа тушунаман” деганини эшитдим. Мен билан у ҳеч бундай гаплашмаган эди. Ва мен айни шу пайтда, хона ўртасида қимир этмай, танам иккига бўлиниб кетгандек бўлиб ва ўзимга вужудимнинг иккала қисмидан қайси бири аввал қулайди деб савол бериб турганимда у мени пайқаб қолди:

— Мени кечирасан, — деди у шошиб-пишиб трубкага, — мен сенга қайта телефон қиламан.

У шундай деб трубкани қўйди. Сўнг бармоғининг учи билан пешонасига тушган сочини ташлади ва ниҳоят менга қаради.

— Бу Джесс эди, — деди у.

Ўзимам ўша бўлса керак деб ўйладим.

— Жаҳлинг чиқаяптими?

Гап шу ерга етганда у ҳафсаламни пир қилди. Мен гапга аралашмаган кўйи бу нимага олиб келишини кўриш мақсадида унга гапини давом эттириш имконини бермоқчи бўлувдим. Маълум бир муддат у жим қолди, сўнг ўрнидан туриб, қаламдонини йўқотиб қўйганидан хафа ўқувчидек қўлларини ён-атрофга ёйиб деди:

— Нима ҳам қилардим... сўнги пайтларда у мени тинимсиз таъқиб этяпти...

— У телефон қилдимми?

— Ҳа-да. Ҳар кунини телефон қилади. Одатда ишга қилади, бу ерга эмас. Лекин кейинги пайтларда мен ишда кам бўляпман-ку.

Крис ётоқхона томонга ўтади ва тезда изига қайтди.

— Бирон нима ичамизми? — деди у ҳадиксираб.

— Ҳа, бунинг жуда ичса арзийди.

— Кел, бу ерга ўтир.

Мен диванга, унинг ёнига келиб ўтирдим. Танамнинг иккига бўлинган қисми бир-бири билан муросани истамасди, ҳар бир ҳаракат жонимга азоб берарди. Мен ҳамма 10 раундга чидашга қасам ичган карат боксерга ўхшардим. Авзойим жуда ачинарли бўлса керак, ниҳоят у сўз қотди:

— Пьер, қизишма. Бунга бирон асос йўқ.

— Сен шундай деб ҳисобласанг, демак чиндан ҳам асос йўқ.

— Қўй, Пьер керак эмас.

Шунда хаёлимга ақлга сизмайдиған аҳмоқона бир фикр келди. Ичимга кирган бир қултум спирт танамдаги адреналинни етарлича ўйнатиб юборди ва бу калламга келган фикрнинг яшин тезлигида миямда ҳаракат қилиши учун етарли бўлди. Ўзимни тутишим, худди бошини уриб ёришса ҳам асли гап нимадалигини билишга аҳд қилган валломат йигитнинг аҳволига ўхшарди. Нималар бўлаётганини билишни истаган джентелменнинг тутишига ўхшарди.

— Крис, менинг кўзларимга тўғри қара. Ёлғон гапирмаслигингни биланман.

— Биласан? Қардан биласан?

Бунга чидаш қийин эди. У бу гапи билан мени астойдил ҳолдан тойдирди:

— Пьер, сенга фақат ҳақиқатнинг ўзигина кераклигига ишончинг комилми?

Унда қандайдир бир ўзгариш содир бўлди. Гўё қалбининг тубидаги бир чироқ ўчиб ёнгандек бўлди. Ундаги илтифотдан асар ҳам қолмади. Ачиниш ҳисси ҳам қаргадир ғойиб бўлди, ҳеч қурмаса шунинг бўлгани дуруст эди.

— Яхши, нимани билишни истайсан? Сўра.

— Сен у билан кўришдингми?

— Ҳа.

— Неча марта?

— Уч ё тўрт марта бўлса керак, билмадим.

— Жуда яхши биларкансан.

— Ҳай, майли, етти марта, бўлдими?

— Йўқ.

Навбатдаги саволни худди теннис ўйинидагидек, коптокчани кортнинг охирида туриб ё бўлмаса тўр ёнгинасида туриб, майингина узатиш лозим эди, ўртада туриб узатиш тўғри келмасди. Мен эса тўғридан туриб узатишни маъқул топдим.

— Ишқий мулоқотда бўлганмисизлар?

— Ҳа.

Мен ўрнимдан турдим. Ҳатти-ҳаракатларим худди ҳозиргидек кўз олдимда, мен ўша дамда калламда ҳосил бўлган бўшлиқни ҳис этардим. Мен ҳануз елкам оша унинг секин пиқиллашини туяман:

— Пьер, мен ундан қутулиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим. — У овозида яна илиқлик пайдо бўлди. — Мен у билан ҳам ўзим билан ҳам уввало олишдим. Ва мана...

Ишончим комил эдики, у астойдил йиғларди. Тўсатдан мени нафрат ҳисси чулғаб олди. Мен ўгирилиб шундай қаттиқ бақирдимки, у қўли билан қулоқларини беркитиб олди.

— Нима, мени овутади деб умид қиляпсанми? Тақдирингга ҳамдардлик билдиради деб ўйлаяпсанми? Сен ўзи менга нимани исботламоқчи бўляпсан? Ўзингни жафо чеккан қилиб кўрсатмоқчимисан? Ё бедаво дардга йўлиққанмисан? Касалинг лейкомиями? Ё саратон касалига чалинганмисан? Мен касалигинг туфайли мадорсизланганингда ёнингда бўлишим мумкин, лекин сенинг бу касалинг бошқага ўхшайди, у умримизнинг охиригача бизни таъқиб этади. Сизлар муҳаббат қаҳвасидан тотган кўринасизлар? Сехр-жоду остидамисизлар ё? Мен мени буларнинг ҳаммасига ишонади деб ўйлайсанми? Зарарли яранинг даъвоси фақат шифокорнинг тиғи.

Менинг ваъзхонлигим кўнглимнинг шундай қатламларига олиб кирдики, авваллари бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Юрагимдаги нафрат ҳисси йўлимиздаги барча кўприкларни бирин-кетин барбод этмоқда эди. Лекин у! У менга жиддий тусда, қизиқиш билан боқар, худди ойнаванд айвондаги керак бўлиб қолиши мумкин бўлган бирон электр асбобга қарагандек сип

солиб турарди. Мен буни пайқаб жунбушга тушдим. — Сен ҳақсан, Пьер, эҳтимол бизнинг бундан бошқа иложимиз йўқдир.

— Нимани назарда тутяпсан?

Бу ҳақида жуда кўп ўйлайман, назаримда у тирик экан, мен бу чоҳдан чиқиб кетолмасам керак.

— Қайтар-чи, нима дединг? Яхши англамай қолдим.

— Ўзим ҳам билмайман... баъзан менда ёрдамга чақириб истаги тугилади...

— Кимни ёрдамга чақириб?

— Сени, Пьер.

Бу сўзларни айтarkan, Крис чидаб туролмади. Жазаваси тутиб, асабий ҳолатга тушди. У қўллари билан бошини чангаллаб, олдинга интилди. У йиғидан, фалокат комида қолган боладек дағ-дағ титрар эди. Уни кучоғимга олмаслигим учун ўзимни тутишимга тўғри келди. Мен бу ерда яна бир неча дақиқага қолсам, иш айнан шу билан тугашини ўйлаб, хонадан чиқиб кетдим. Мен кабинетимга кириб, уни ичкарисидан қулфлаб олдимда, эрталабгача чиқмадим. Ва эртаси тонг барвақт туриб, у билан хайрлашмасдан ишга жўнадим.

Ишга одатдагидан барвақт келиб, Сюзанна ишга ҳали келмаган эди, фикрларимни жамлаб олишга уриндим. Маълум бир вақтгача мен ўзимни қўлга олишим керак эди, лекин назаримда соат миллари тўхтаб қолгандек эди. Ўн дақиқаси кам тўққизда мен трубкани кўтардим. У душ қабул қилаётган эди.

— Мен маъзур тутасан, ҳозир бир сония. Мен халатимни кийиб олай. — Сўнг деди: — Мана бундай. Хўш, нима жин урди, азонлаб телефон қиляпсан? Ва умуман кун қайси тарафдан чиқдики, сен менга телефон қиляпсан?

Унинг телефондан келаётган овози тиниқ булоқ сасини эслатарди.

— ... Сени охири сафар кўрганимда, адашмасам, менга уйланмоқчи эдинг. Лекин бу вақт оралиғида сен бошқа аёлга уйланиб олдинг, ўйлайманки... — унинг овози бўшашди. — Пьер, сен аблаҳсан. Ора-чора ўзинг ҳақида хабар бериб турсанг бўларди.

— Гапимга қулоқ сол, Лу.

— Кел, бу гапларни қўя турайлик. Ярим тунда телефон қиляпсанми, демак, нимадир демоқчисан.

— Гапиришга имкон бермаяпсан...

— Вой, аблаҳ-ей! — деди у истехзо билан. — Тўхтаб тур, мен сигаретамни тутатиб олай. — Сўнг у қайтиб келди. — Пьер, қулоғим сенда, эшитаман.

— Айтадиган гапим сураткаш, Джесс Ваджа билан боғлиқ, — дедим мен.

— Хўш, у ҳақида нималарни билмоқчисан.

— У қандай одам?

— У шундай нусхаки, телефонда овозини эшитсанг, этинг жимирлашиб кетади. Нима эди?

— Сен уни яхши билсанми?

— У билан икки ё уч марта ишқий мулоқотда бўлдим, агар шуни назарда тутяпган бўлсанг.

— Йўқ, буни назарда тутмаяпман.

Лекин унинг жавоби мени ўйлантириб қўйди.

— Бу яқин кунларда бўлганмиди?

— Ҳа. Нима эди, рашкинг кўзиб, бирон-бир тўполонни бошлаш ниятида эмасмисан? У ҳаммамизнинг эс-хушимизни олиб қўйган.

— Фаройиб. Лекин мени қизиқтираётган нарса бу эмас.

— Нима бўлмаса унда.

— Унинг қаерда туриши.

— Авеню... тўхта-чи... қандайдир тулпор от номи билан боғлиқ эди. Авеню де Ламбаль, 20. Унинг суратхонаси ўша ерда, ўзи ҳам ўша ерда яшайди.

— Менга унинг телефон рақамини бера олмайсанми?

— Пасси, 48-12.

— Раҳмат, Лу.

— Шунинг ўзими?
 — Ҳа, шунинг ўзи.
 — Афсус. Биласанми, телефонда сенинг овозинг ҳам этни жимирлаштириб юборади.
 — Хайр. Лу.

Бирга тамадди қилсак, нима дейсан, а, Пьер?

Мен узоқ вақт жим қолганимдан у: “Алло... алло... алло...” деярди.

Ниҳоят мен дедим:

— Яхши, кел бугун бирга тамадди қиламиз.
 — Пьер, ҳазилингни қўйсанг-чи. Мени бугун учрашувим...
 — Ўзинг биласан.
 — Бўпти. Театр барида, бўладими? Соат чоракам бирда. Фақат сени огоҳлантириб қўяй, кўп ўтирмаймиз.

Мен трубкани осдим. Пассининг телефон рақамини тердим ва қандайдир ёш йигитчанинг овозини эшитдим.

— Месье Ваджа? Мен у кишининг ёрдамчисиман. Нима масалада телефон қилиясиз?

— Шахсий масалада. Уни чақириб бера оласизми?
 — Йўқ, чақириб беролмайман. Авжи иш қайнаган пайт. Соат иккида телефон қилинг.

— Бир дақиқа. Чақириб берсангиз, бу ўта муҳим иш юзасидан.
 — Бу кўп вақтни олади, бунинг иложиси ҳам бўлмаса керак, деб ўйлайман.
 — Ҳечқиси йўқ, мен кутиб тураман.
 — Ихтиёрингиз. Ким сўраяпти ўзи?
 — Месье Ленэ. Пьер Ленэ.

Агар телефонда бир тарсаки тушириш мумкин бўлганда эди, бу ёш йигитчадаги суриштиришга бўлган мойилликни барҳам топтирган бўлар эдим.

— Ҳаракат қилиб кўраман, лекин ваъда бермайман.

Мен Сюзаннани интерфон орқали чақириб, телефон тармоғини банд этиб қўйишни илтимос қилдим. Ўн минутча кутишга тўғри келди, сўнг трубкада овоз эшитилди.

Бу овоз эмас, бамисоли мусиқа эди. Лўлилар мусиқаси. Кечки рус кабаресидаги виолончелнинг овозини эслатарди. Бу овозда ҳамма нуқталар — енгил мадъёрча талаффуз ҳам, овоз пардаларининг ниҳоятда майинлиги ҳам, баъзи сўзларнинг нотўғри талаффузидаги гўзаллик ҳам, нутқ оҳанги ҳам муҳассам эди.

— Хайрли тонг... Ваджа эшитади... Мени маъзур тутасиз, иш кўп пайти, телефон қилишга жуда ноқулай вақтни танлабсиз... Ҳай майли, салом. Мени ким йўқлаяпти?

— Криснинг эриман.

— А! Крис... Дарвоқе, унинг аҳволлари қалай?

Овозидаги табиийликни ақлга сиғдириш қийин эди.

— Жуда яхши, раҳмат. Мен сиз билан учрашмоқчи эдим.

— Ҳа, албатта! Сизни кўришдан бағоят хурсанд бўламан. Афсуски... Тўхтанг-чи... — Мен уни ён дафтарчаси шитирлашидан уни варақлаётганини овозини эшитдим. — Ақлга сиғмайди. Бу ҳафтада ҳамма кунларим банд. Ишингиз жуда зарурмиди?

— Ҳа, жуда зарур.

— Тушунаман. Бу ерга келақолинг десам, сизга малол келмайдими. Шунда вақтдан ютган ва бугун кўришган бўлар эдик.

— Келишдик.

— Жуда соз! Тушликдан сўнг учрашсак сизга маъқул бўладими? Соат икки ёки икки яримларда. Мени қаерда туришимни биласизми? Яхши. Кўришгунча.

У чин кўнгилдан хурсанддек таассурот қолдирарди.

VI б о б

Мен театр барига борганимда, Лунинг келганига анча бўлган ва у оғзини тўлдириб чечевица билан сосиска еб ўтирарди. У мени кўриб, ўтирган жойдан менга қараб “Ҳой, ҳой!” — деб бақирди. Унинг чақиригига ҳамма ўгирилиб қаради. Унинг бошқа ҳамкасабалари ҳам стол атрофида пиво ичиб, сендвич еб ўтирарди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан жуда шошилаётганликлари билиниб турарди. У орасида Диор фирмасида ишловчи манекенчи аёллар ҳам бор эди. Уларнинг тушлик овқати бир пиёла кофедан иборат эди. У ерда фоторепортёрлар ҳам бор бўлиб, уларнинг фотоаппаратлари стол устида турар эди. Ва бу муҳитга ҳеч алоқаси бўлмаган бўйдоқ эркаклар ҳам бор эди. Бир-бири билан бирлаштирилган учта стол атрофида бир нечта қиз ва йигитлар ўтиришар, аллақайси бошқа бир тилда қўлларини пахса қилиб, қизгин баҳслашишарди. Афтидан улар рўпарадаги Елисей кенглигидаги театрда репетиция ўтаётган балет гуруҳидан эди. Унутаёзбиман, бир неча йил муқаддам бу ер энг шинам ва гавжум жой саналарди. Келиб, Лунинг рўпарасига ўтирар эканман, унинг ҳам нақадар гўзал ва жозибали эканлигини унутиб қўйганлигимга иқрор бўлдим. Официант ёнимга келганида мен икки жуфтдан виски келтиришни буюрдим.

— Овқатланасанми?

— Томоғимдан ҳеч нарса ўтмаяпти.

— Тинчликми? Қани бир бошдан синглингга гапири бери-чи?

Мени Лу билан бу учрашувга нима мажбур этди. Кимгадир ичимдагиларни тўкиб-сочиш истагимми? Йўқ, бу эмас, мен Лунинг ўша нусха — Ваджа ҳақидаги барча майда-чуйдаларнинг бор тафсилотлари билан бирон нарса гапириб беришини истар эдим. Менда ишчан кишиларга хос бўлган туйғу ус-тиворлик қилди чоғи, учрашув олдида у ҳақида мавжуд маълумотларнинг барчасини чуқур ўрганишни истадим. Зеро бу каби вазиятларда мен Лудан биринчи бор фойдаланаётганим йўқ эди. Бир вақтлар бу шаҳват имконияти учун эди, кейинроқ ҳиссиётга айланди, энди бўлса, у ҳам сақлаб қолишга умидим бўлган — яъни турмушим борасидаги ўта нозик масалада ундан ёрдам бериш талаб этиларди...

— Лу, — дедим мен. — Сен мени жуда кўп марта аблаҳсан, дединг. Тўғриси айтсам, сен ҳақсан.

— Пьер, мен сенга нисбатан яхши муносабатдан. Сени “аблаҳсан” деган бўлсам, бу — эркалатганимдан.

— Биладан.

— Мен аблаҳларни севаман.

— Кўринишинг аъло.

— Чунки, менинг ҳамма ишларим жойида. Лекин ҳамиша ҳам бундай бўлган эмас. Мени қанчалик тоқатли эканимни ўзинг яхши биласан-ку. Хуллас, ишларим яхши кетяпти. Яқинда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширдим. Ҳаммасидан кўра назаримда, мен севиб қолганман. Кўра-япсанки, ишларим чакки эмас. Ўзингда-чи? Куппа-кундузи вискини “челақлаб” ичяпсан. Тинчликми?

— Ҳа, шунчаки, бирон жиддий гап бўлгани йўқ.

— Ҳазиллашяпсанми? Ваджа билан ишларинг қалай? Бари хотининг туфайлими?

— Э, худо! — деб қичқариб юбордим мен. — Буларни ҳаммаси сенга қаердан аён?

— Унинг ўзи менг гапириб берди.

— Нима деди?

— Бақирма. Бир куни биз сен ҳақингда гаплашдик. Аниқроғи мен сен ҳақингда сўз очдим. Азизим, шундай гаплар бўлганки, мен сендан бўлак бошқа ҳеч бир мавзуда гаплашолмасдим. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, гапдан-гап чиқиб қандай қилиб, мен сеник бўлганимни, у эса сенинг хотинингнинг собиқ ўйнаши

бўлганини аниқлаганимиз. Ҳар қалай ўртамизда шунақа бир тутуриқсиз гап бўлиб ўтган эди. Иш пайтида баъзан суратга тушишдан олдин чироқни ўрнатилишини кутиб, соатлаб туриб қоламиз, шундай пайтларда тўғри келган нарсалар ҳақида гап бошланиб қолади, шунақа...

— Лу, уларнинг муносабатлари яна яннгитдан бошланди.

У турган жойида, худди объектив олдида тургандек, бир дақиқа қотиб қолди. Сўнг аста-секинлик билан ўзига келди.

— Ишончинг комилми?

— Унинг ўзи иқрор бўлди.

— Шундай дегин? Жуда қизиқ гаплар ҳақида гаплашар экансизлар.

У тинмасдан телефон қилади. Уни таъқиб қилишини тарк этмайди. Агар у Крисдан воз кечган бўлса, энди нимани истайди, ахир?

— Нима учун унинг ўзидан сўраб билмайсан.

Унинг бармоқлари шундай титрар эдики, қўлидаги ўт олдиргичи билан сигаретасини тутатолмасди. Ниҳоят, тутатди. Лунинг бу қадар ҳаяжонланганини кўриб мен ҳайрон бўлдим.

— Айнан шундай қилмоқчиман, — дедим мен. — Нимага жаҳлинг чиқаяпти.

— Пьер сенинг машмашаларинг мени қизиқтирмайди.

— Сени нима жин урди?

— Саргузаштларинг мени толиқтирди.

— Сенга нима бўлди ўзи? Нима, сени хафа қилиб қўйдимми?

— Ҳа, — деди у, — жуда қаттиқ хафа қилдинг. — У секин сигаретасини ўчирди.

— Ваджа туфайлими?

— Ўзинг туфайли, Пьер.

— Тушунмадим.

— Ҳай, майли... Сен ҳақингда менда маълум тасаввур ҳосил бўлди. Бир оз кўрқоқ, бир оз гўдаклиги бор, ўта худбин одамсан. Лекин асло хумкалла, аҳмоқ эмассан.

— Раҳмат, ўзимга тегишлигимни олдим.

— Сен ўзи кимга ўхшайсан? Бошқа бир кишини севишини била туриб, у қизга уйланмоқчи бўласан?

— Сен бунга қаердан биласан?

— Унинг ўзи менга бу тўғрида гапириб берди. Чунки унга хотинингнинг ўзи иқрор бўлган экан. Жин урсин, Пьер, сен билан ҳам ақлдан озиш ҳеч гап эмас.

Иккаламиз ҳам бақириб гаплаша бошлаганимизни сезмай қолибмиз. Атрофимизда ўтирганлар бизни томоша қилиб, нима ҳақида гаплашаётганимизга кулоқ тутишарди. Лу пивосини ичиб, ўрнидан турди.

— Мен боришим керак, — деди у. — Кечирасан, Пьер. Сени огоҳлантирган эдим. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Унинг қайтиб келаётганини кўрганимда, мен пул тўлаш учун официантни чақиргандим. У диванда қўлқоп ва бўйинбоғини унутиб қолдирибди. Лу уларни олар экан, менга бир оғиз ҳам гапирмай, орқасига қайтиб кетди.

Тортилган ингичка сим дорда фотосуратлар кир қисқичларга қистирилган ҳолда қуримоқда эди. Тахта оёқчаларга тиркалган катта стол уйнинг ойнабанд эшик ёнидаги катта бир бурчагини банд этган эди. Сал нарироқда бўлса испан услубидаги стол, диван, тамаки рангидаги иккита кресло турар эди; дарпардалар турли хил рангда эди — сариқ рангдан тортиб қора ранггача. Хонадан худди электр розеткаси симлари куйгандек, олтингургуртнинг иси келарди. Венгер йигит хонага қўлида мис патнисда иккита мўъжазгина идишда кофе билан кирганида хонани кофе ҳиди тутиб кетди.

— Туркча қаҳвани хуш кўрасизми? Агар истмасангиз, эрийдиганидан қилиб бераман ё спиртли ичимлик ичасизми? Кундуз куни мен умуман оғзимга олмайман, лекин сиз билан бир қадаҳ ичишим мумкин.

Ҳеч бир қаршилик кўрсатмади. Ўта жазирамада ишлаган кўринади. Юзлари қорайган, сочлари қарға қаноти тусини эслатарди, лекин озгина оқ оралаган, пешонасига тушиб турарди. Қора кўзлари ёниб турарди. Унинг эгнида оч жигаранг жинси ва галстуксиз қора кўйлак бўлиб, мени ўзининг энг яқин дўстидек кўриб, ўта мулойим муомала қилароқ жилмайиб турарди.

— Мен сиз билан баъзи бир нарсалар ҳақида бафружа гаплашиб олмоқчи эдим.

— Ҳа, албатта... — у шаффоф ичимликни шарсимон идишларга куйди. — Криснинг аҳволлари қалай.

— Буни ўзингиз мендан яхшироқ билсангиз керак.

Ваджа менга ҳайрон бўлиб тикилди. Сўнг кўзларини мендан узмасдан, ичимлик тўлдирилган бокални узатди. Мен уни олибоқ стол устига қўйдим.

— Бу билан нима демоқчи эканлигингизни тушунмадим.

— Келинг, жиддий гаплашайлик. Мен ҳаммасидан воқифман. Фақат кеча кечқурунгача қоронғу бўлган нарса сизни у билан яна учраша бошлаганингиз.

Унинг жавоби ўқдек отилиб чиқди:

— Мен Крисни кўрганим йўқ, ўша пайтдан бери...

— Тўхтанг, дўстим. Бу кетишда сиз билан бирон тўхтамга келишимиз қийин бўлади.

Шундан сўнг у жилмайиб, бир оз ўзини эркин тутди.

— Бу жуда қизиқарли, давом этинг.

Мен ўрнимдан туриб, хонани у бурчагидан бу бурчагига юра бошладим. Эрталабки соат олтидан бери унга гапирадиган гапимнинг матнини қайтаравериб, нуқтасигача ёд бўлиб кетган эди. Лекин бу кишининг олдида гапирмоқчи бўлган гапларимни адаштириб қўйдим, ҳаммаси калламда чалкашиб кетди. Мен бу учрашувни бошқачароқ тасаввур этган эдим. Зеро хаёлан гаплашган одамим ўзимга жуда ўхшаб кетар эди, менинг хаптоим ҳам мана шунда эди. Ҳаётимда аёллар билан боғлиқ воқеалар жуда кўп кечган. Ва ҳар гал бирон жиддий воқеа юз берганда барча масъулликни мен ўз зиммамга олар эдим ё, ҳар қалай, одоб сақлардим. У бўлса бошқа, дзюдога ўхшаш усулни қўллади. У ташқаридан ўзини ўта эркин тутса-да, асаблари ниҳоятда таранг эди. У рақибини битта ҳамла билан ағдариш учун мувозанат бузилишини кутиб турарди. Ундан нафратлана бошладим.

— У сизнинг ўйнашингиз эди ва сиз уни ташлаб кетдингиз. Ҳеч бўлмаса энди уни ўз ҳолига қўйинг.

— Мен айнан шундай қилмоқдаман...

— Ваджа...

— Менга қаранг, мен Крисни кўрмаганимга...

— Икки ой ичида етти марта кўришдингиз. Тинимсиз кўнғироқларингизни ҳисобга олмаганда.

— Нималар деяпсиз?! Мен Крисга телефон қилмаганимга...

— Сўнгги марта кеча кечқурун кўнғироқ қилдингиз.

— Кеча кечқурун, — ҳайрон бўлди у.

— Мен хонада эдим.

Ваджа ҳақиқатан ҳам менга ёрдам бермоқчи бўлган одамдек, ўта эътиборлилик билан боқди.

— Сиз ўзи мендан нима истайсиз?

Мен у тутган йўлни тутиб, ўзимни босишга ҳаракат қилдим. Ҳатто жилмайдим ҳам.

— Майли, масалага бошқа томондан ёндошайлик. Крис сизни ҳамон севади. Уни бу хасталиқдан фориг бўлишига имконият беринг.

У қандайдир кўпол бир оҳангда кулди.

— Ахир, мен, — бу хасталик эмас! — Сўнг у яна жиддий тус олиб, қизиқиб сўради: — Менга очигини айтинг, нима қилишим керак ўзи?

— Ваджа, сиз мени ачинарли аҳволга соляпсиз.

— Сиз ҳам, — деди у. — Олдимга келиб қаердаги гапларни гапираяпсиз, ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг-чи...

— Сизнинг ўрнингизда мен бунчалик қўрқоқлик қилмаган бўлардим.

— Энди ҳақоратлашга бошладингизми?

— Менга қаранг, яхши бир таклифим бор, — деди у юзлари ёришиб, — бу ердан жуфтагингизни ростлаб қолсангиз, энг маъқул иш бўларди, нима дейсиз?

— Хаёлингизга ҳам келтирманг.

— Жуда яхши, ихтиёрингиз. Унда мени маъзур тутасиз. Мен яна муҳим бир ишимни тугатишим керак.

У ўрндан туриб, стол ёнига келди, қўлига стилетни олиб, афтидан у бу асбоб билан расмларни ретуш қилганда фойдаланса керак, менга дўстона бир боқиш қилиб, ишлашда давом этди.

— Мен суратларни эгасига соат учда топширишим керак...

Унинг бу қилиғи энди қуюшқонга сифмасди. Бир зумда олдига учиб бориб, қўлидаги стилетни юлиб олдим ва полга ирғитиб юбордим.

— Мен ҳаётимда учратган энг разил одамсиз.

Шу онда мен тумшуғига чап қўлим билан тушириб қолдим. Унинг ранги ўзгариб кетди, овозидаги жозоба ҳам йўқолди.

— Сиз аблаҳ одам экансиз, ҳозироқ бу ердан йўқолинг. Йўқол!! Йўқол деяпман!!!

Мен яна бир мушт туширмоқчи эдим, лекин у чап бериб, авваллари француз боксида қўлланувчи эски усул билан қорнимга тепди. Мен икки букилиб қолдим, ҳар қалай тепкининг зарби анча зўр эди. Ваджа бундан фойдаланиб қолди. Мен уни ёнбошидан тушириб, чалиб йиқитдим ва чаккасига мушт урдим. Ўзимни унинг устига ташладим. Унинг қонга тўлган кўзлари менга тикилиб қолди. Мен бир ҳаракат билан ундан қутулдим, лекин у оёғимдан ушлаб қолиб, шундай бурадики, умуртқа поғонам зирқираб кетди. Шунда бор кучимни сафарбар этиб, қўлимнинг қирраси билан уни шундай туширдимки, ёнбошига ағдарилиб тушиб, мени қўйиб юборди. Мен деворни тутган ҳолда тиззамгача, сўнг бутун бўйим қадар туришга муваффақ бўлдим ва ортимга қайрилмасдан чиқиб кетдим.

Мен “Ровер”имни Рейнауэр кўчасининг бурчагида, Авеню Ламбалнинг Сена томон қия тушадиган муюлишида тўхтатдим. Машинанинг ойна ювгичларида кўча қоидаларини бузганлигим хусусидаги баённома ва жарима қоғози қистириб қўйилган эди. Мен уни олиб ташлашга ҳаракат ҳам қилмадим. Калламда фақат бир хаёл бор эди, у ҳам бўлса тезроқ бу ердан даф бўлиш.

Офисимга қайтиб келгач, мен ҳожатхонани ичидан қулфлаб олиб, юзимга муздек сув сепар эканман, у ерда ўн дақиқаларча қолиб кетдим. Чиққанимда Сюзанна менга ҳайрон бўлиб қаради, лекин кундузи мен кетганимдан сўнг соат 12 ларда Крис қўнғироқ қилганидан бошқа бирон нима демасди. Мен уйга, сўнг “Альгарик” фирмасига қўнғироқ қилишга ҳаракат қилдим, лекин у ҳеч қаерда йўқ эди. Шунда мен бир фирманинг вакиллари билан соат учда бўладиган учрашувимни эсладим. Лекин айни чоғда ҳамма ҳаммасини улоқтириб ташлагим, ҳаммасидан бир йўла воз кечгим келарди. Шу орада Сюзанна столининг устига ҳужжатларни қўйди. “Фирма вакиллари сизни кутишяпти”, — деди у. Ишсиз ўтириб, бўлмагур нарсаларни хаёл қилгандан кўра шу ҳам маъқул эди. Бир зумда ўзимга келдим, ақлим тиниқлашди, занжирдаги итдек ҳушёр тортидим. Сўхбат икки соатларча давом этди. Сўхбат чоғида ўзимни туман ичида юргандек ва ундан қутулишга ҳаракат қилаётган одамдек ҳис этдим. Шарпалар, яъни фирма вакиллари хонамдан чиқиб кетишганларидан сўнггина миямни тинмай кемираётган фикр ниҳоят юзага чиқди. Крисдан энди бутунлай айрилган бўлсам-чи? Уни бошқа кўрмасам-чи? Ички бир овоз мени у билан куни кечага қадар боғлаб турган энг нозик ипни узганимни далиллашга ҳаракат қиларди. Мен ўрнимдан туриб, ўзимга боқиш учун ойна томон юрдим; ҳаётида муваффақиятсизликка

учраган киши қандай қиёфага тушишини кўрмоқчи эдим. Нечоғлик телбасан, жавоб берди менга тошойна, у сени севишини эътиборингдан бутунлай соқит қилипсан-ку? Тошойнадан боқиб турган кўзлар меникига нисбатан хушчақчақроқ эди. “Оғайни, — дедим менга боқиб турган аксимга, — хомтама бўлма”. Дюссотье, мени мана шундай аҳволда учратди. Ҳаётида на мажнунвор даражасидаги севги, на қалб исёни бўлган ҳамиша башанг кийинувчи Дюссотье.

— Табриклайман, сиз уларни бопладингиз! Мен йўлакда Мошарни кўрдим. Дарвоқе, мен ҳаммавақт сизга ишонардим. Бизнинг фирмаимиз то мудом мавжуд экан, бу фақат сизнинг... Сизга нима бўлди...

— Нима бўпти менга?

— Кўринишингиз жуда ғалати. Зудлик билан уйингизга бориб, аспирын ичиб ётишингиз керак.

Таажжуб, баъзан нарсалар одамдан кўра яхшироқ тушунади! Лифт мени биринчи қаватга ниҳоятда эҳтиётлик билан олиб тушиб қўйди, худди мен замбилда ётгандек; машинада бўлса қўлим рулга тегиши билан у мени уйимга етказиб қўйди. Уйда хизматчим Мари-Луиза бор экан.

— Хоним уйдадилар?

— Йўқ, месье. Улар тушликдан сўнг бирровгина келиб, яна кетдилар.

— Соат нечаларда?

— Соат тўртлар атрофида, месье.

— У бирон нарса дедими?

— Йўқ.

— Кетишингиз мумкин Мари-Луиза. Бугун кечкурун бизга керагингиз бўлмайди.

Шу тариқа уйқусиз тунлар бошланди. Крис ҳеч вақт кеч қолмасди; агар ушланиб қоладиган бўлса, албатта кўнғироқ қилиб хабардор қиларди. Кеч қолишини олдиндан билса, хат ёзиб қолдирарди. Лекин у хонамда бирон-бир хат қолдирмаган эди, хатдан меҳмонхонада ҳам, ётоқхонада ҳам, Криснинг иш столи устида нишон йўқ эди. Аммо ётоқхонада мен тагида озгина виски қолган стаканни топдим. Шиша унинг ёнида — гиламда, каравотнинг бош томонида турарди. Бунинг ҳаммаси ғайриодатий ҳолат эди. Крис кундуз кунлари ичмас эди, айниқса бир ўзи. Мен росмана безовталана бошладим ва агентликка телефон қилдим.

Шово ҳали кетмаган экан. У менга Криснинг соат учларда келганини айтди, лекин соат нечада кетганини билмасди. Мен ундан, ишдан сўнг Крис хизмат билан боғлиқ бирон учрашув тайинлаган бўлиши мумкинми, деб сўрадим? У бу ҳақида ҳеч нарса билмасди. У мен нима учун бу қадар безовталанаётганимни ҳам тушунмади. Эҳтимол, кўчада ёмғир ёғиб, машиналар ҳаракати қийинлашганлиги сабаблидир? Калламга аҳмоқона бир фикр келди: кўчада ёмғир ёғаётганини у қаердан билсин. Ҳа, у ойнадан кўрган бўлиши мумкин! Ташқаридан қараса, бу гапларнинг ҳаммаси аҳмоқона бўлиб, бир талай вақтни олди. Мен айни шу пайтда Крис менга кўнғироқ қилаётган бўлиши мумкин деган фикр хаёлимга келиб, кечирим ҳам сўраб ўтирмасдан трубкини кескин қўйдим. Лекин шу қадар саросимада эдики, бу фикрнинг ўрнини тезда бошқа бир фикр эгаллади ва мен унинг бир хоналик уйига телефон қилдим, лекин у ерда ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Трубкини қўйиб, хонанинг у бошидан бу бошига юра бошладим. Қорним очди. Музлатгични очиб, озгина ветчина топдим, шу пайтда мен лифтнинг юқорига кўтарилаётганини эшитдим ва эшик томон югуриб бордим. Лифт икки қават пастда тўхтади. Ярим соат ўтгач лифт яна ҳаракатга келди, лекин бу сафар у бир қават юқорига кўтарилди. Учинчи марта, кеч соат 11 лар атрофида лифт бизнинг эшигимиз қаршида тўхтади. Ундан икки нотаниш киши чиқди.

— Месье Ленэ?

— Ҳа, бу мен.

— Рухсат берсангиз?

Улардан бири менга полициячи гувоҳномасини кўрсатди, бунини у шу қадар ийманиб, узр сўрагандек қилдики, улар бир оғиз ҳам гапирмай ичкарига киришди. Шляпа кийгани шляпасини ечди. Туришда давом этишаркан, уйни қизиқиш билан кўздан кечиришди афтидан гап бошлашга ошиқишмаётгандилар.

— Бирон гап бўлдими? — деб сўрадим мен. — Хотинимга бирон гап бўлдими?

Ёши каттароғи ўтириб, чўнтагидан ён дафтарчасини олди.

— Сизни аввало тинчлангирмоқчиман, унга ҳеч нима бўлгани йўқ. Хўш, бир бошдан бошлайсиз. — У ён дафтарига қараб олди.

— Жесс Ваджа, бу исм сизга танишми?

Мен жим қолганим боис, у саволини қайтарди:

— Хўш, сиз уни танийсизми, йўқми?

Мен бошимни чайқадим.

— Сиз уни сизнинг... хотинингиз билан муносабатларидан хабардор эдингизми?

— Ҳа, ҳа, ҳа! Нимага шама қиляпсиз, жин урсин!

Иккинчиси, тик тургани кўзини мендан узмасди.

— Сиз у билан учрашдингизми?

— Ҳа, бугун биринчи бор.

— Соат нечаларда?

— Тушликдан сўнг.

— Ҳаммаси тўғри келяпти, — деди биринчиси. — Бизни тўғри тушунинг, биз сизни текширишга мажбурмиз.

— Нимани текширишингиз керак?

— Сиз уни тирик кўрганлар ичида охирги кишисиз.

— Қотилни инобатга олмаганда, албатта, — деб қўшиб қўйди бошқаси.

Биринчиси яна ён дафтарига қараб гапиришда давом этди. Дафтарчадаги эслатмалар шошилинич қилинган бўлса керак, у баъзи сўзларни туртиниб-суртиниб ўқирди. “Мурда суратхонада Ламбаль кўчасида топилди, — дея ўқиди у. — Ўлим суратларни ретуш қилишда фойдаланиладиган скреб билан етказилган зарба натижасида содир бўлган”. Қулоғимга яна аллақандай сўзлар, қандайдир анатомик терминлар эшитилди, нималаргадир аниқликлар киритилди. Мен кутдим, узоқ кутдим. У эзмаланганидан вақт ҳеч ўтмаётгандек туюларди. Менда бошқа кутишга ҳам, нима гаплигини тушуниб етишга ҳам тоқат қолмади.

— Мана шунақа гаплар, — деди у ён дафтарчасини ёпиб, қайтиб чўнтагига солар экан. — Сизга бунчалар нохуш хабарни етказишга мажбур бўлганимдан ғоят хижолатдаман, месье Ленэ. Ҳозирда сизнинг хотинингиз қотилликда айбланиб, Орфевр кўчасидаги Жиноят полициясининг Тўртинчи бригадасида ҳибсада сақланмоқда.

— Бўлмаган гап, — дедим мен. — Бу бўлиши мумкин эмас.

Полициячининг иккинчиси, тик турганининг кўзлари ёниб кетди.

— Сиз бу ҳақида нималарни биласиз?

— Сиз ўзингиз нималарни биласиз? Бу бўлмаган гап!

— Нимага асосланиб бундай деяпсиз? Менга тушунтириб беринг.

— Аввал сиз бизга тушунтириб беринг. Гап нимада эканлигини билмай туриб, бу бўлмаган гап деб бақираяпсиз. Балким бу ҳақида бирон нима биларсиз?

Буниси ҳеч паст келмасди. Иккинчиси, ёши каттароғи бўлса, гапириш бефойда дегандек, унга ишора қилди. Сўнг у ўрнидан туриб, шляпасини олди.

— Месье Ленэ, — деди у, — хотинингизни айбдор деб топишда бизда ҳамма асос бор. У ҳаммасига иқдор бўлди.

VII б о б

Ярим тунда Жаккарга биринчи сафар қўнғироқ қилганимдан бери сира жаҳлидан тушолмади. Ундаги ўзга бир одам оғирини ўз зиммасига олишга хос бўлган хислат шу билан изоҳланса керак. Менинг бахтсизлигимни кўрса, у ўз-ўзидан жунбушга келарди ва бутун оламга захрини соча бошларди. У менга кундузи соат учларда яна қўнғироқ қилди.

— Мен айнан шундан хавотирда эдим. У бўйнидан ботқоққа ботган эди.

Эрталаб прокурор унга қандайдир Фуркада исмли бир ходимни терговчи этиб тайинлади. Жаккар кўриладиган ишга доир ҳужжатларга кўз югуртириб эндигина унинг хонасидан чиққан эди.

— Пьер, сен билан учрашишимиз керак. Бу иш биз ўйлаганимиздан ҳам жиддийроқдир.

— Қанақасига жиддий бўлиши мумкин?

— Сен билан мендай яқин дўстлар ўртасида... биласанми...

Менинг ҳеч нимага ақлим етмасади, у шунчалар ҳаяжонда эдики, фикрларини бир ерга жамлаб ололмасди.

— Ҳуқуқ тажрибасида айбига иқрор бўлиш деган гаплар бор. Крис олдин мен билан маслаҳатлашса бўларди.

— Нимадан олдин, телба? Уни ўлдиришдан олдинми?

— Полиция маҳкамасига бориб, ҳаётини гапириб беришдан олдин. Биласанми, қия текисликдан юқорига қараб чиқиш жуда мушкул.

— Худо хайрингни берсин, Авель, тушунтириброқ гапир!

— Энг даҳшатлиси бу қияликдан биз ҳеч қачон юқорига чиқолмаймиз.

— Авель! — қичқиргудек бўлдим мен.

Бу гапларнинг ҳаммаси Мари-Луиза ҳозирлигида бўлмоқда эди. У эрталабки рўзномаларда бўлиб ўтган воқеадан хабар топган ва ишга йиғидан кўзлари қизариб, шишиб келган эди.

— Пьер, мени эшитялсанми? Олдимга, ишхонамга икки соатлардан кейин кела оласанми?

— Ундан ҳам аввал, бир соатлардан кейин етиб бораман.

— Йўқ, йўқ ҳозир мен Адлия вазирлигидаман. Тезроқ чиқишга ҳаракат қиламан.

У кескин, гапини тамомлашга ҳам улгурмай трубкани қўйди.

Унинг олдига бутун Парижни айланиб бориш керак эди. Машина ҳайдашга мадорим йўқ эди. Ва аксига олгандек Версаль кўчасида биронта такси ҳам учрамади. Пасси кўчасига етиб келганимда, ҳар қалай, ўзимнинг машинамда юрганам маъқулроқ экан деган фикрга келдим ва уйга қайтдим. Бу қийинчиликларга қарамасдан, Жаккардан олдинроқ етиб келдим. Унинг ишхонаси Лаайет кўчасининг энг охирида, нафис санъат ва бадиий ҳунар мактабининг ёнида жойлашган эди. Уни бир талай мижозлари кутиб туришган эди. Унинг бугунга тайин қилган учрашувлари барбод бўлган эди ва шу боис котибаси нима қиларини билмасди. Куюнчак Жаккар! У бошқаларга эътибор ҳам бермай, қабулхонадан ўқдек учиб ўтиб, мени кабинетига бошлаб кирди.

— Утир, ҳозирча мен сенга асосий гапни гапириб бераман, икир-чикирларини кейин гаплашамиз.

Шундай қилиб, Крис маҳкамада кеча кечқурун бўлиб ўтган воқеа тафсилотини гапириб берган. Айнан ўша куни, таъкидлади у, мен кабинетимга кириб, ичкаридан беркитиб олганимда, айнаи ўша кеча, у ухлай олмай чиққан кечада хаёлига шу фикр келган...

— ... вазиятдан чиқиш учун бирон чора топиш фикри, — давом этди Жаккар. — Бу шахсан унинг сўзлари. Оққа қора билан ёзилиб, имзоси ҳам чекилган. Бошқача қилиб айтганда, ҳаммасига бирваракайига чек қўйиш учун уни қасддан ўлдирганини бўйнига олмоқда. Тўхтаб тур, бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг муҳими у сени севар эмиш ва бу нусха иккалангизнинг йўлингизда тўғаноқ экан. У ҳамиша ва ҳ.к.

Жаккар баъзи нарсаларни ҳатто ёзиб олган эди. Ва баъзи жумлаларни бу қайдларига қараб ўқиб берди:

— “Фалокатга чорловчи сеҳр”... Бошқа бир ерда Крис “жоду” ҳақида гапиради, лекин энг муҳими у бундан “қутулиш”ни ва “иккалангизни ҳам асраб қолишни” ўйлаган. Ишлар мана шунақа.

— Кейин-чи?

— Нима кейин? Сенга бу камлик қиляптими?

— Воқеа қандай содир бўлган, полициячилар менга бу ҳақида ҳеч нима дейишмади?

— Эрта тонг билан у хонани у бошидан бу бошига юриб чиққан. У фақат бир нарсадан, сенинг бунга олдинроқ улгуришингдан, яъни Ламбаль кўчасига ундан олдин етиб боришингдан қўрққан. Соат 11 да у Ваджага қўнғироқ қилган. У ҳақиқатан ҳам сенинг тушдан кейин келишингни айтган. Шундан сўнг у сенинг иш ерингга қўнғироқ қилган, лекин бу вақтда сен кетиб бўлган эдинг. У Ваджага соат 3 да яна қўнғироқ қилган. Ва у иккалангизни худди эскифурушлардек муштлашганингизни гапириб берган. Ушанда у ўзини ўзи идора қилолмаган эмиш...

Авель бир зумга тўхтаб яна қайдларини кўздан кечирди:

— ... Мана шу ерга келганда у гапидан чалкашаверди, ҳар қалай қотиллик сабабларига келганда, гарчанд далиллар очиқ-ойдин бўлса-да, Крис унинг ёнига соат бешларда келган. Бир томондан, — Пьер бу ўринда мум тишлашингга тўғри келади, — бир томондан у сени ташлаб кетишга ҳаракат қилган...

— Лекин бу тамомила зид-ку...

— Тингласанг-чи, ахир мен сенга айтяпман-ку, шундоқ тасаввур туғилляпти деб, қарама-қарши фикрлар тўлиб ётибди. Буларни ҳаммаси батафсил ўрганилади, Пьер. Терговчи Фуркадга ишонсанг бўлади, у Крис ўтказган куннинг ҳар бир сонияси қадар синчиклаб ўрганиб чиқади. Далилларга келсак, афсуски, масала ойдin. Крис Ваджанинг олдига соат бешлардан ўтганда келган. Эҳтимол, унинг ёнида қолиш нияти бўлгандир? Эҳтимол ўзидаги бу истакни енгиш учун 17.25 да у унинг юрагига пичоқ санчгандир, стилет-намо нарса экан, шу билан...

— Биладан, кейин нима бўлган?

— Ўн дақиқа ичида у билан айнан нималар ҳақида гаплашгани аниқ эмас. Кўряпсанки, қотил, айниқса аёл киши бўлса, қотиллик содир этганидан сўнг дарров тайинли маълумот бериши қийин.

— Авель, илтимос, шарҳлашингни қўя тур. Хўш, кейин нима бўлди?

— У телефон қилиб, полиция маҳкамасидан навбатчи қисмни чақирган. Улар етиб келишганда Крис бамайлихотир сигарета чекиб ўтирган. Уларга “Мана, савобли иш ҳам қилинди” қабалида бир гап айтган. Автобуста келган полициячилар ўз вазифасини бажаришга киришган, унинг шахсини аниқлашган, жиноят бўлимидан одам чақиритган ва ҳ.к. Ҳа, айтмоқчи, сал бўлмаса айтиш ёдимдан кўтарилаёзибди. Қотиллик содир этилгани қайд қилинаётганда Ваджанинг ёрдамчиси, қандайдир Лемонэ келиб қолган. Улар уни сўроқ қилишган, афтидан айтишга арзигулик бирон гапи бўлмаган. Ҳай майли, нима бўлишидан қатъи назар, Крис айбига тўлиқ иқрор бўлган. Соат саккизларда уни олиб кетишган.

У чўнтагидан дастрўмолчасини олиб юзини артди. Хона қоронғу эди, лекин на унинг, на менинг хаёлимга чироқни ёқиш келмади.

— Энди мени яхшилаб тингла, Пьер, — давом этди у. — Судда иштирок этувчи маслаҳатчилар кимлардан иборат бўлади, билсанми? Улар на Андрэ Жидни, на Достоевскийни ўқиган казо-казолардир. Агар ўқиган бўлсалар-да, бирон нарса эсларида қолмаган. Мен тасаввур ҳам қилолмаяпман, қандай қилиб мен судда ўтирган бозорчиларга аёл киши ўзи севган кишисига эмас, бошқа бир эркакка ҳада этаётган муҳаббатини асраб қолмоғи учун, уни сева туриб ўлдирган деб тушунтира олишимни. Лекин буниси ҳам энг муҳими эмас...

Менинг хаёлим дамба-дам Крисга кетиб қоларди. У бизнинг ҳаётимизни, бир-биримизга бўлган муҳаббатимизни, қандайдир бир полициячига сўзлаб бераётганини, қамоқхона камерасида таъқиб этувчи хаёллари билан бир ўзи эканлигини тасаввур қилиш ўта азоб эди. Мен муштимни суякларим қирсиллаб кетгунга қадар сиқдим. Жаккар бўлса ҳамон гапиришда давом этарди.

— ... Энг даҳшатлиси, судда иштирок этувчи маслаҳатчилар қасддан қилган қотилликни жинидан ёмон кўришади, айниқса аёл киши содир этган бўлса. Лекин айтишларига қараганда айбдор жазавода бўлса ёки эс-ҳушини йўқотган бўлса, бажону дил кечиришади. Баъзан шу даражага етишадики, эрини етита ўқ билан отиб ўлдирган, лекин буни нима сабабдан қилганини билмаган қандайдир бир Ивонна Шевальени оқлашади. Аммо сен уларга бу аёл совуққонлик билан олдидаги тўсиқни енгишга қарор қилганини, бу тўсиқ у билан унинг эри ўртасида турган ўйнаши эди, дея гапириб берсанг, улар қорнини чангаллашади...

— Ҳуш, сенингча нима қилиш керак?

— Мен бу ҳақида ўйлаб кўрдим. Биринчидан, адвокатликка, агар у рози бўлса, албатта, Казаресни олиш керак. У бизни бу вазиятдан қутқара олиши мумкин бўлган ягона кишидир. У менинг бошлигим бўлган, менга муносабати яхши. Агар сен рози бўлсанг, мен у билан боғланаман...

— Вақтимиз бор, Авель. Ҳимоячининг нутқиғача ҳали вақт кўп. Мени ҳозир унга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги қизиқтирмакда.

— Ҳечқиси йўқ. Пешонада ёзилгандан ҳеч ким қочиб қутулолмайди, лекин баъзан Казарес мўъжиза ярта олади. Пьер, тушунишга ҳаракат қил...

— Ҳар қалай, тинчлансанг бўлармиди? Наҳот шуни ҳам сенга эслатишим керак бўлса?

— Яна бир гап. Даъвогар ҳали йўқ. Лекин эртами-индин албатта, бошига тушган қордек пайдо бўлиб қолади. Ваджанинг бирон ерда опаси ё амакиси бордир, ахир.

— Мен у билан имкон қадар тезроқ учрашишим керак. Бунинг учун ишни нимадан бошлашим керак?

— Одатда терговчидан рухсат сўралади. Лекин сўроқ бошланмасидан туриб, унинг сенга рухсат беришига кўзим етмайди.

— Унда ўша терговчингга айт, бир оз тезроқ ҳаракат қилсин.

— Пьер, бўлмағур гапларни гапиряпсан.

— Фуркад дегани қандай одам ўзи?

— Ақли жудаям ўткир, турли найрангларга тоқати йўқ бир одам.

— Марҳамат қилиб, менга тушунтиргин-чи...

— Мен адвокатлар гуруҳининг бошлиғини кўрдим, у Фуркадни яхши танийди. Шунинг учун ҳам Адлия вазирлигида ушланиб қолдим. Фуркад ўта айёр ва абжир, калласи қаттиқ ишлайдиган одам.

— Бизнинг вазиятимизда бу айни муддао.

— Унчалик эмас... Ахир, у масаланинг моҳиятини англагач, у ҳақиқатни юзага чиқаради.

— Қандай қилиб?

— Ҳа, шундай. Оддий ҳақиқатни чунки у виждонан иш кўришни хуш кўради.

Ўша кеча мен ўзимни ўта ёлғиз ҳис этдим, умрим бино бўлиб биринчи бор астойдил ёлғиз ҳис этдим. Бир неча дақиқага, эҳтимол ярим соатгинага кўзим кетар ва мен шу заҳотиёқ Крис ёнимда деган ишонч билан уйғонардим ҳамда бўлиб ўтган воқеа яна тўлалигича кўз ўнгимда жонланарди. Агар ўзингни ёлғизлигингни аён ҳис этсанг, тун, одатий ўта даҳшатли бир нарсага айланиши мумкин экан. Бутун умр ўз қарашларинг ва ҳатти-ҳаракатингни ўзинг идора этиб келгандексан, қумдан қаср барпо этасан, лекин бирдан уни денгиз тўлқини, сенинг ҳисоб-китобингдан кучлироқ бир куч ювиб кетади. Ва мана шунда ҳаётинг барча майда тафсилотлари билан кўз ўнгингдан ўта бошлайди. Мана бу ишни зинҳор қилмаслик керак эди, мана бунисини

эса бундай қилиш керак эди деган фикрларга борсан. Бу мўъжаз бахтинг қайси ўринда юзтубан тушди ўзи? Маълумки, бу изтироблардан бари бир бирон фойда йўқ. Оқир вазндаги бокс кураши бўйича бир чемпион айтганидек: зарбдан ўзингизни четга олишингиз мумкин, лекин ундан бутунлай қутулиб кетолмайсиз. Чуқур маънога эга ҳақиқат бу. Мен бўлсам кураш майдонининг ўртасида, сўнги раундни кечириётган эдим, энг даҳшатлиси зарблар устимга ёғғирдек ёғмоқда эди, мен бўлсам уларнинг биронтасини қайтаришга қодир эмасдим. Бу зарбдан қочиб ҳам, қутулиб ҳам бўлмасди.

— Масалан, мен ҳар куни эрталаб қаҳва ичадиган дўкон-бар менинг уйимдан сал нарироқда. Мен у ерга кирганимда ҳамма бирдан сув қуйгандек жим бўлиб, қўлларида ширинликлари билан менга тикилганча қотиб қолар эдилар. Бу вазият ўз-ўзидан худди тулкилар тўдаси ўлжани устида тўпланганларида чироқ ёниб, ҳамма ерни ёритиб юборгандек манзарани эслатарди. Ҳаммадан ҳам мен офисда Дюсоттё билдирган ҳамдардликни, “бечорагина” деб елкамга енгилгина қоқиб қўйишларини жуда оғир олардим. Сюзанна ҳам тинмай бурнини тортарди, афтидан у бекитиқча йиғлаб оларди. “Пьер! — деб гўлдиарди у. — Азизим. Қандай даҳшат бу! Аёл киши ўз бахти учун жиддий курашга киришганда ҳеч қайсимиз бундай кўргиликдан четда қололмасдик, албатта”.

Даставвал матбуотда Криснинг қилмишини ёвуз руҳларнинг таъсири остида содир этилган деб тушунтиришга ҳаракат этишди, сўнг бу фикрдан қайтишди. Крис ўйнашини уни ташлаб кетмоқчи бўлгани учун ўлдирди, вассалом, деган фикрга тўхташди. Ҳафтанинг охирида бўлса, баъзи нашрларда “У ҳали ҳаммасини айтгани йўқ” деган сарлавҳа остида хабар берилди. Менинг масаламга келсак, бу воқеада ҳақиқатан ҳам энг ачинарли, бечора қурбон ролини мен ўйнардим. Мен бир қишлоқи телба! Ростгўй, намунали эр ва ўйнаши бор хотиннинг беназир эри эдим!

Ҳар гал офисда телефон жиринглаганда, Сюзанна кўтаришга улгурмасин деб, ўзимни унга отардим. Жаккар менга бирон-бир янгилик пайдо бўлиши биланоқ телефон қилишини билар эдим. Пайшанба куни соат бешда телефонда Лунинг овозини эшитиб жуда ажабландим.

— Менинг бечора Пьерим...

— Етар, етар! Нима истайсан?

— Пьер, менга бир нарса тинчлик бермаяпти. Буни сенга айтишим керак, деб ўйлайман. Агар банд бўлсанг, кейинроқ кўнғироқ қиламан.

— Хўш, сенга нима тинчлик бермаяпти?

— Эҳтимол бунинг ҳеч қандай аҳамияти ҳам йўқдир...

— Гапирсанг-чи, чўзмасдан, жин урсин! — дедим ва унга бундай муомала қилишим адолатдан эмаслигини ўйлаб қолдим. — Мени кечир, Лу, сени эштаман.

— Эсингдами, сешанба куни иккаламиз бирга овқатланган эдик. Ваджа билан соат учда учрашувим борлигини сенга айтгандимми-йўқми, эсимда йўқ.

— Ўша куннинг ўзидами?

— Ҳа.

— Хўш. Сенга нима ҳалал берди.

— Эшитсанг-чи. Мен уникага бордим, эшикни кўнғироғини босдим, лекин ҳеч ким эшикни очмади.

— Хўш, нима бўпти.

— Бунда бир сир бор эди. Ваджа сўзининг устида турадиган одам.

— Буни ҳаммасини менга нима учун гапириб беряпсан?

— Қулоқ солсанг-чи, Пьер, Ваджа менга эшикни очишни истамаганда очмас эди. Лекин гап иш устида кетганда, у ҳеч ҳам бундай қилмасди. Уни бундай қилишига асоси ҳам йўқ эди. У ишга ўта жиддий қарарди.

— Қисқаси. У сенга эшикни очмади.

— Агар... Қисқаси, агар уни айнан соат бешда ўлдиришганда, у соат учда менга эшикни очган бўлиши керак эди... Сен нима деб ўйлайсан?

- Эҳтимол, у бирон ерга чиққандир.
- Бўлиши мумкин. Лекин сен нима деб ўйлайсан, мен полицияга бу ҳақида хабар беришим керакми?
- Лу, менга бари бир.
- Сенга бари бир бўлса, унда...
- Бари бир бўлмаганда нима қилишим керак, хўш! Сени берган маълумотдан бирон нарса ўзгариб қоладими? Сен мени нечоғлик ботқоққа ботганимни тасаввур этяпсанми ўзи?
- Яхши, яхши, — деди у шоша-пиша. — Кўришгунча — деб трубкани осди. Ниҳоят соат етти яримда Жаккар телефон қилди.
- Пьер, иш жиддийлашяпти...
- У ҳаяжонланган кўринмасди, аксинча ўта босиқлик билан гапирарди.
- Бир соатдан сўнг, кечки таомда учрашамиз.

VIII б о б

Жаккар қандай инсон эканлиги ҳақида гапириб берган эдимми-йўқми, эсимда йўқ. У ҳамиша иш билан банд, аҳён-аҳёндагина бўш вақти бўлиб қолади. Мен унинг ўта жаҳли чиқаяпти деб ўйлаган кезларимда, кутилмаганда у жилмаярди. Мен учун Жаккар ечиб бўлмайдиган жумбоқ эди. Ва мана, йигирма йилдирки, жумбоқлигича қолиб келмоқда. У уйланмаган, билишимча унинг ўйнаши ҳам йўқ. Сўққабош, ёлғиз ўзи яшарди. Кинога, айниқса эски фильмларга қизиқарди. Унинг уйда темир шкафнинг ичида Чарли Чаплиннинг кўпгина фильмлари, Лорел, Харднинг деярли ҳамма фильмлари ва Бастер Китоннинг бир нечта фильмлари сақланарди. Лекин, афсуски, бу фильмларни кўриш учун унинг кинопроектори йўқ эди. У “жаз”нинг ашаддий мухлиси эди, эски пластинкаларни янгисидан афзал кўрарди. Улар нечоғлик кўпроқ тутилган бўлса, шунча кўпроқ яхши кўрар эди.

Жаккар ҳаддан ташқари самимий инсон эди. Унинг ҳаётида аёл кишига ўрин деярли йўқ эди, аёллар мавзуси унинг ҳаётининг ўта сирли қисми бўлиб, ҳатто мен, унинг энг яқин дўсти ҳам бу ҳақида бирон нарса билмас эдим. Баъзан ўзимга ўзим савол берардим: менинг ҳаётимни кўриб, ўзининг бўйдоқ ҳаётига бўлган ҳаваси янада ортмаяптимики? Уни менинг тўйимда бўлганини эслайман. У шунчалар хурсанд ва мағрур эдики, худди мен эмас, Крисга у уйланаётгандек эди. Мен бундай вазиятга тушиб қолганимда бўлса, у худди шердек, мендан ҳам кўпроқ олишди, чунки мен рўй берган воқеалардан қарахт эдим.

Жаккар ўз соҳасида анча ютуқларга эришди, лекин чўққини эгаллолмади, албатта. Чунки бунинг учун унда савлат билан сўзамоллик етишмасди. Лекин ажрим масалалари ва ташкилотлар ўртасидаги чигалли низоларни бар-тараф этишда унга тенг келадигани йўқ эди. Баъзан уни ажримлар масаласида ўта учарлигини бўйдоқликка бўлган муҳаббати билан изоҳлар эдим. Лекин мижози аёл киши бўлишига тўғри келиб қолганда ҳам, у худди шундай фаоллик билан унинг тарафини олар эди. Жаккарнинг қўлини доим баланд келишининг боиси, ундаги энг муҳим хислат — олижаноблиги, бутун жонитани билан берилиб ишлаши, адолат ва ҳақиқатни қозона билишида бўлса керак. Ва умуман ҳаётини нима биландир тўлдириш учун унга ишининг ўзи етиб ортса керак. Эҳтимол у ишига берилгани туфайли ҳам кўнгли хотир-жамдир ҳамиша. Жаккарни кўпам чиройли йигит деб бўлмасди, у ўрта бўй, сочлари сийрак, ақлли кўзлари ёниб турарди, лекин юмалоқ, калта бурни унинг қиёфасига мувофиқ келмасди. Ресторанга отланар эканман, хаёлимдан “шу сонияда дунёдаги бирон-бир киши менга бу ишда асқотмаса керак...” деган фикр ўтди.

У менга қандайдир бир сирли сабабга кўра, терговчи Фуркад ишни тезлаштираётганини хабар қилди. У тинмасдан Крисни сўроқ қиларди: ҳар куни

эрталабдан кечгача бўлиб ўтган воқеани ундан кўнгилни оздирадиган даражада, қайта-қайта гапириб беришга мажбурларди. Бу кун бўлса у тергов синовини ўтказиш учун ўзига қарашли ҳамма ходимларини чақирган эди.

— У нимадандир шубҳаланапти...

Мен, хаёлан кўчада полицияга қарашли машина келиши билан тўпланган бекорчи одамлар тўдасини, Крис полиция машинасидан тушаётганда суратчиларни расмга тушириш учун отилиб келишини тасаввур қилдим. Криснинг қўллари кишанланган бўлса керак? Хаёлимга келган фикрдан жоним азобда эди. Қизиқ, у қандай кийинган экан? Мен яқинда Жаккарни унинг кийимларини олиб кетиш учун одам юборганини унутаёзибман. Миям тинмасдан ишларди, баъзан майда тафсилотларда тўхтаб-тўхтаб қолса-да, тинмасди. Мени тергов жараёнида унинг “Унгаро” фирмасидан олган тўқ кулранг костюмини кийган-киймагани қизиқтирарди. Кутилмаганда буни билиш мен учун энг муҳим масалага айланиб қолди. Битта саволни икки марта қайтарган Жаккарнинг овози мени ўзимга келтирди:

— Пьер, одатда қўлқопини у шу пайтларда киярмиди?

Мен озгим очилганча, ақли заиф одамдек тикилиб турардим. У қўлқопини киярмиди? Мен бунга заррача ҳам аҳамият бермаган эканман. Мен Криснинг узун, ҳаракатчан бармоқларини беркитиб турган замш қўлқопни эслашга ҳаракат қилдим. Иложи бўлмади. Жаккар савол беришда давом этарди.

— Уни Орфеврга олиб кетишганда, қўлқоп унинг сумкасида эдими ё йўқми? Чекишдан олдин у қўлқопни ечган эди. Шундайми? Хўш, яхши... Ҳамма бало шундаки, ўлдириш учун ишлатилган сребда унинг биронта ҳам бармоғининг изи йўқ. Эҳтимол, ўлдиришдан олдин қўлқопни кийиб, сўнг ечганмикин. Шундай деб тахмин қилиб кўрайлик-чи... Сен нима ейсан? Хўш, менга устрица, сосиска билан карам келтиринг, — деди у официантга. — Устрицалар кўпам йирик бўлмасин.

Мен ҳам шунини ўзини буюртма бердим.

— Крисни, — давом этди Жаккар, — эшикни кўнғироғини босган пайтидан бошлаб, қилган ҳамма ҳаракатларини кўрсатиб, қайтаришга мажбур этишди. Ваджа унга эшикни очган, сўнг улар баҳслашиб, хонага киришган. Инспекторлардан бири Ваджа ролини ўйнаган, скребок ўрнига қаламдан фойдаланишган... Ҳа, айтмоқчи, хаёлимдан кўтарилмасдан сенга айтиб кўяй, Крис иш жойидан тўртга озгина қолганда чиқиб кетганини айтди ва ўзининг бу кўрсатмасини бирон марта ҳам ўзгартирмади. Ўртангизда бўлиб ўтиши мумкин бўлган вазиятни хаёлига келтирса, ҳуши қочарди. У Ваджанинг олдига нима бўлганини билиш учун кирмоқчи бўлган, лекин кейинчалик бу ниятидан қайтган ва уйга келган. Уйнинг у бошидан бу бошига юриб виски ичган.

— Жуда тўғри, айнан шундай бўлган, — дедим мен, — мен у виски ичган стаканни кўрдим.

Фақат қўлқоп ҳақида мен ҳеч нарса билмасдим, лекин далилласа бўладиган, аниқ бир ашё топилганидан ўта мамнун бўлдим.

— Ҳай, майли... Мана энди, биз, у кўрсатмаларини бир неча бор ўзгартирган қисмга етиб келдик. Унинг охириги кўрсатмасига кўра айнан ўша кезде, сешанба куни, соат тўртда, виски ича туриб, ҳамма нарса у туфайли барбод бўлаётганини тушуниб етган. Ҳаммаси, яъни сизлар, сизларнинг оилавий ҳаётингиз. Шунда у ўзига ўзи: токи Ваджа тирик экан, биз бундай ҳолатдан қутула олмаймиз, деган фикрга келган. У ҳамиша мени таъқиб этади. Мен унинг сеҳрига қарши туrolмайман. Крис ҳатто: “У худи қора дорига ўхшайди, ундан қутулиш лозим”, — деган гапларни ҳам айтган. Шунингдек у: “Ҳамма нарса мен туфайли чигаллашгани учун, бу вазиятдан чиқишнинг чорасини ҳам айнан ўзим топишим керак”, — деган гапларни ҳам айтган.

— Хабарим бор, — дедим мен. — Фақат буларни бир бошдан яна эслаб ўтиришга ҳожат йўқ.

— Йўқ, йўқ, биз, айнан, мана шу ҳақида гаплашишимиз керак. Чунки кўрсатмалар айнан мана шу ўринда бир-бири билан туташибди.

— Қандай қилиб?

Унга устрицаларни келтиришди ва у уларни бирин-кетин гашни келтирадиган ғайрат билан ея бошлади.

— Пьер, сени олдиндан огоҳлантириб қўйишни истардим: Крис содир этган қотиллик терговчи Фуркаднинг танқидига дош бера олмайди.

— Қанақасига?

— Унинг фикрича, агар Крис бу қотилликни оилавий ҳаётингизни сақлаб қолиш учун амалга оширганда эди, бунинг учун олдиндан шарт қўйган бўлар, шубҳа ўзига тушмаслиги тадоригини кўрган бўлар эди. У бўлса бу ишнинг айнан тескарисини қилган. Ваджани ўлдириб айбига иқроор бўлиб ўзи келган.

— Терговчинг кўпам ақли эмас экан. Криснинг фақат Ваджадан қутулиш эмас, ўзини ўзи жазолаш нияти бўлган.

— Шундай дегин а? — ишонқирамасдан сўради Жаккар. — Онгли равишда асослашми?

Ниҳоят, у устрицаларни еб тугатди ва ликобни четга суриб қўйди.

— Менга қара, Пьер, диққат билан тингла. Крисни руҳшунос кўригидан ўтказишади. Рўй берган воқеа, экспертларга жон бағишлайдиган воқеалар сирасига киради. Улар, албатта, ажойиб маъруза тайёрлашади, лекин бу маърузанинг бирон нафи тегмайди. Гарчанд экспертлар уни судда ўта моҳирлик билан баён этишса-да.

— Терговчининг мақсади нима ўзи, тушунмаяпман... Ахир у айбига иқроор бўляпти-ку, нима бу етарли эмасми?

— Мен ҳам унга худди шуни айтдим. Лекин у менга: “Крис далилларни тан оляпти, лекин қотиллик содир этишнинг сабабларига келганда, ҳар қалай ёлғон гапиряпти”, — деб жавоб берди.

— Буни нима фарқи бор?

— Важ билан далил бир-бирига мос келмаса, уларнинг иккаласидан бири — ё важ, ё далил ёлғон бўлиб чиқади.

— Авель, худо хайрингни берсин...

— Ахир буни мен эмас, Фуркад айтяпти-ку.

— Хўш унинг бу тахминлари нимага олиб келиши мумкин?

— Буни мен билмайман. Унинг ўзи ҳам билмайди.

Шу вақт хўрандалардан бири ёнимиздан ўтиб кета туриб, Жаккарга қўлини узатиб сўрашди. Авель ўта ҳижолат чекиб, мени у билан таништирди: суд ишларини шарҳловчи, аллақандай Куртуа исмли киши экан.

— Расмчи воқеасига алоқанг бор дейишади, — деди у кайфияти чоғ бўлиб, — у ҳақида бирон нарса билмайсанми?

Жаккарнинг нур ёғилиб турадиган юзи буришиб кетди.

— Бу жаноб... — деди у мени кўрсатиб, — менинг мижозимнинг эри бўлади.

Журналист қизариб кетди.

— О, мени маъзур тутасиз... Биз ҳаммамиз сизнинг тарафингиздамиз, — деди у.

— Сендан илтимос, бизни холи қолдирсанг, — деди қатъийлик билан Жаккар. — Биз гаплашиб олишимиз керак.

Журналист яна гапиришда давом этди.

— Афсус, сизга ачинаман...

— Бундай бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам этмагандим, — дедим мен у кетгандан кейин.

— Уларнинг ҳаммаси шунақа, — таъкидлади Жаккар. — Хўш, нимада тўхтаган эдик? У ўша қирғич ҳамма вақт столнинг устида туришини биларди. У скребокни қўлига олиб, Ваджа билан гаплашар экан, уни бир мунча вақт қўлида айлантириб турган. У бўлса, айнаи чоғда Крисга сизнинг учрашувингиз ҳақида, аниқроғи ўргангизда бўлиб ўтган жанжал ҳақида гапирарди. Ваджа

жаҳли чиққанидан ўзини босолмасди. Крис шундай деб гапириб берди, гувоҳлик берувчи бошқа далиллар йўқ. Энди эътибор бериб менга кулоқ тут. Бугун, бир неча соат олдин у ўз кўрсатмаларини ўзгартирди. Ўзгартирди деб ҳам бўлмайди, аниқроғи муҳим бир қўшимча қилди. Унинг гапига кўра, Ваджа унга: сени ортиқча кўришни истамайман, бу мен учун азоб, ҳар хил машмашаларга тоқатим йўқ, деб айтганмиш. Унинг номини эшитишни ҳам истамабди. Крис айнан қайси пайтда қирғични унга ўқталганини ҳам эслолмайди. Кўряпсанми, Пьер, унинг олдинги кўрсатмалари билан бунинг ўртасида катта фарқ бор.

Мен сукут сақлаб ўтиришда давом этдим. Жаккар айтганлари миямга етиб боришини кутиб турди.

— Олдинги, ҳаракатини ёвуз руҳлар билан изоҳлаганини бу гапи бутунлай рад этади. Демак у сени севмаган, Пьер. Бу фикрга кўникиш қийин, тушунаман. У бошқани севган. Тасаввур қиласанми, воқеани бундай тус олиши мени жуда қониқтиради. Рашк туфайли қотиллик содир этгани учун уни оқлашга ҳаракат қилиб кўриш менга осонроқ.

— Сенга шуниси маъқул бўлса, яхши. Аммо мен айтилган гапларнинг биронтасига ишонмайман.

Афтидан, ундан эшитган хабарни яхши қабул қилганимдан у ўзича енгил тортганди. Шу боис яна янги куч билан гапиришда давом этди.

— Крис айнан қандай қилиб Ваджани ўлдиргани, ким хонанинг қаерида тургани, қандай қилиб унга қирғични ургани, жасад қаерга кулаб тушгани ва ҳ.к. тафсилотларни аниқлаш учун озмунча тер тўкишлигига тўғри келган дейсанми. У саросималаниб, ҳар гал ҳар хил кўрсатма берган.

— Қисқаси, нима демоқчисан, — дедим мен унинг гапини бўлиб.

— Сенга шунчаки бўлиб ўтган воқеани гапириб бeryпман, Пьер.

У санчқисининг учидаги сосискани эътибор билан кўздан кечираётгандек кўрсатди ўзини.

— Пьер, мендан ҳеч нарсани бекитмаяпсан дея умид қилсам бўладими? — деб сўради у секингина шивирлаб. — Қасам ичасанми?

Унга жавоб берадиган ҳолим йўқ эди. Бўлиб ўтган воқеалар назаримда бемаънидек туюларди, ликопчалардан келаётган овқат ҳиди бўлса, кўнглимни айнитмоқда эди.

— Нима учун булар ҳақида бунча эзмаланияпсан?

— Чунки сенга айтадиган яна бир нохуш хабарим бор.

Ёнимга келган официант нима учун таомни емаганим билан қизиқди: қарам билан сосискани хуш кўрмайсизми ё бемазароқ бўптими? — деб сўради жилмайиб.

— Жуда мазали экан, фақат ҳали очиққаним йўқ, — дедим мен унга ва олиб кетишини илтимос қилдим.

— Кулоғим сенда, — дедим мен унга официант кетгач.

— Мен судьяга кўришув ҳақидаги илтимосингни етказдим, лекин у жавоб бермади. Тергов тугагач эса кетишимиз олдидан у Крисга, тўсатдан ниманидир эслагандек, ўта илтифот билан мурожаат қилди: “Дарвоқе, эрингиз учрашувга рухсат сўраб мурожаат этди”. У Крисга жилмайиб боқарди, лекин мен турган жойдан у Крисни ўта синчковлик билан, унинг юзидаги ҳар бир қизиқчани эътибор билан кузатаётгани кўриниб турарди. “Учрашишни истайсизми?”. У ижобий жавоб кутаётгани биланиб турарди.

— Ҳўш, у нима деди?

— Истамаслигини айтди.

— Бечорагина, — дея олдим мен.

— Ие, бор-йўқ гапинг шуми?

— Мен Крисни яхши биламан. У ичимдагини топ хилидан. Дунёдаги энг сирли одам, қайсики... Ҳа, дарвоқе, у ниҳоятда довурак ҳам.

— Шундай дегин-а?

У, афтидан, мендан асослироқ далиллар кутмоқда эди. Мен бўлсам, ҳозирча Криснинг ўзини тутиши ҳақида батафсил гапириб беришдан ожиз эдим, у

баъзан ўзини-ўзи жазолашдан лаззат топишини тушунтириб бериш қийин эди. Жаккарнинг ишонқирамасдан менга боқиши эса вазиятни енгиллаштирмасди.

— Крис нима учун учрашишни истамаганини мен тушундим ҳам дейлик, лекин нима учун терговчи Криснинг фикри билан қизиқиб қолгани масаласи очиқ қоляпти ва бу саволга мен ҳеч жавоб тополмаяпман, — деди у бир оз дудуқланиб.

Авель ўзининг сирли сўроқлари билан жонимдан тўйдира бошлади.

— Нима учун саволингга жавобни унинг ўзидан сўраб қўя қолмайсан, — деб жиғига тегдим мен.

— Пьер, бу саволни унга сен ҳам беришинг мумкин. Уйингга чақирик қоғози юборишди, эртага соат учга борасан.

У қўлидаги салфеткани столнинг устига отди, сўнг бир оз сукут сақлаб, тикилиб қаради. Унинг чеҳрасида тагин менга нисбатан ачиниш ва хайрхолик чизгилари пайдо бўлди.

— Сендан ўтиниб сўрайман, унга бор ҳақиқатни гапир...

IX б о б

Терговчи Фуркаднинг ғалати, хонанинг у бошидан бу бошига юриш, одати бор экан. У мени қарши олгани чиққанида биринчи иллаган нарсам шу бўлди. Эшик олдида бўлса, худди оёқлари рессорда тургандек, бутун гавдаси билан қимирлаб турарди. Ёниб турган кўзлари билан бўлар-бўлмасга, киноя ё илтифот юзасидан, ё ҳар иккаласи баравар жилмайишини эътиборга олмаганда юз тузилишида бирон-бир машҳурлик аломати йўқ эди. Овозидаги жиддийлик ҳам мулойимлик билан алмашилиб турарди. Кўринишидан ёши қирқдан ошмаган кўринади. Малар деб фамилияси билан мурожаат этаётган котибининг ёши ундан катта эди. Унинг сочлари оқ, чеҳрасидан нур ёғилиб турарди. Фуркадга бўлган ихлоси шунчалик эдики, ҳатто унинг айрим қилиқларини ҳам ўзлаштириб олганди. Масалан, қўлидаги “Житан” сигаретасини чекишга қарор қилишдан олдин бармоқлари билан обдон эзарди.

Уларнинг иккаласи ҳам юрагимга ғулғула соларди. Бир қарашда худди ёрдам беришга тайёр дўстлардек кўринишар, лекин шу ондаёқ бу тасаввур сохталиги маълум бўларди, айна чоғда эса бу тасаввурнинг тескариси ҳам сохта эди. Бир неча дақиқадан сўнг мен баъзи бир нарсаларни фаҳмлаб олдим. Фуркад ва унинг котиби бир қарашда унча муҳим бўлмаган ва бир-бири билан боғланмаган саволларни бериб қўйиб, мени томоша қилган куйи ҳар томонлама ўрганишарди. Жумладан, улар мени айқаш-уйқаш саволлар билан саросимага солишаркан, худди қўнғизни оёғини осмондан қилиб, қани туриб кетармикан деб қизиқсинаётган одамлардек завқ олишарди. Терговни олиб бориш усулида, худди жониворшуноснинг бирор бир ҳашоратни синчиклаб ўрганаётганидаги қизиқиш ҳам, диққат-эътибор ҳам, беписандлик ҳам бор эди.

— Бу иш қийин эмас, — деди терговчи ўтирган жойига қайтар экан. — Мен учун қийин эмас, сиз учун эмас... мен ҳимояни назарда тутаяпман.

У турли қоғозлар сочилиб ётган столнинг устини тартибга келтира бошлади.

— Қизиқарли иш, — деб давом этди у. — Иккинчи даражали ўз-ўзини ҳимоялаш ҳодисаси, агар мен тўғри уққан бўлсам. — У менга қараб, кулиб қўйди. — Муҳаббат жарроҳлиги билан боғлиқ ҳодиса. Ва жуда ўзига хос...

Тўсатдан у кулишдан тўхтади.

Хотинингиз билан учрашганда, унга, қотиллик ҳамиша ғовни даф қилиш мақсадида содир этилишини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўринг. Шу нуқтаи назардан қотилликларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшашдир.

Қотилликни юзга келтириши мумкин бўлган бу тахминдан биз воз кечдик, деб ҳисоблаган эдим.

— Қандай тахминдан?

— Ёвуз руҳлар билан боғлиқ тахминдан-да. Тушунишимча, бизнинг сўнгги тахминимизга кўра, қотилликни рашк билан боғлаган эдик.

— Сизнинг хотинингиз учун бундай тахмин, албатта қулай бўлар эди, лекин бу сизнинг шахсиятингизга тегиши мумкин.

— Менинг шахсиятимга тегмайди.

— Рашк, шахсиятнинг бир кўриниши, шундай эмасми?..

— Мен рашкчи эмасман.

У бирон нима демасдан, менга ҳайрон бўлиб қараб қўйди. Ва бир оз сукутдан сўнг сўради:

— Унда нимага рақибингизни тумшуғига туширгани бордингиз?

— Мен унинг тумшуғига рашк қилганимдан эмас, балки жигимга текканидан туширдим.

— Жуда қизиқ. Қани бу ҳақида гапириб беринг-чи?

У қўлидаги сигаретасини гижимлаб, ўриндиққа ясланиб олди ва мен Ваджаникига қилган ташрифим ҳақида гапириб бердим. Мен марҳум ҳақида бундай гапираётганимдан ўта хижолатда эдим, лекин мени қуюшқондан чиқишимга марҳумнинг номардлиги мажбур этганини таъкидлаб ўтдим. Мен у билан муштлашгани борганим йўқ эди, балки содир бўлган вазият юзасидан маслаҳатлашгани, унинг бирон ечимини топиш учун борган эдим.

Терговчи ва котиб мени эътибор билан тинглашарди. Мен гапимни тугатганимдан сўнг, Фуркад ҳикоямдаги уни ҳайратга солган бир лавҳа устида тўхтади.

— У сизнинг хотинингизни ҳақиқатан ҳам таъқиб этганми-этмаганми, шу ҳақда сўрадингизми?

— Бу борада гаплашмадик.

— Наҳот, бу сизни қизиқтирмаган бўлса?

— Қизиқтирмаган.

— Энди-чи?

— Энди ҳам қизиқтирмайди, — дедим мен бошимни қуйи солиб.

— Сиз ҳақиқатан ҳам қизиқувчан эмасмисиз...

— ... Бунинг нима фарқи, аҳамияти бор, ахир у...

— ... ахир у расман айбини бўйнига олди-ку. Мен ҳозир сизга фарқи ни-мада эканлигини тушунтираман: у таъқиб этган бўлса, бу ёвуз руҳлар билан боғлиқ, уни таъқиб этишган бўлса, бу рашк туфайли содир этилган қотилликдир.

— Майли, шундай бўла қолсин, — деб кўндим мен. — Шундай бўла қолсин... — мен унинг саволларига жавоб берар эканман, камроқ гапиришга қарор қилдим.

— Балким сиз қандайдир бошқа бир ечимини биларсиз... — давом этди у.

— Мисол учун?

— Билмайман. Мен бу саволни сизга қандай берган бўлсам, ўзимга ҳам беряман. Кейинги масалага ўтайлик... — у столининг устида турган бир нечта қоғоз-карточкаларни титиб, ниҳоят кераклисини топди. — Сиз Ваджа уйланмоқчи эканлигидан хабарингиз бормиди?

н. — Энди эшитишим.

н. — Хотинингиз бу ҳақида билармиди?

— Буни ундан сўранг.

— Сўрадик. У хабари йўқлигини айтди. Лекин у ҳақиқатни гапираётганига далил йўқ.

— У ҳамиша рост гапиради, — дедим мен беихтиёр ва ўзимни бундан ноқулай ҳис этдим.

Аммо, терговчини бу гапим қизиқтириб қолди.

— Тушунтириброқ гапиринг, мен сизга ишонишга ва хотинингизни ҳам тушунишга қодирман. Унга нисбатан бирон-бир хусуматим йўқ. Мен унга ёр-

дам бермоқчиман, деб айтолмайман, бу менинг вазифамга кирмайди, лекин унга айб қўйиш ниятим ҳам йўқ.

У шундай деб сайрай кетди. Нимага шама қияпти? Шу онда менда унга нисбатан хайрхоҳлик ҳисси уйғонди ва Жаккар билан гаплашганимда тушунтиролмаган гапларимни топиб-топиб гапирдим. — Жаноб терговчи, ҳар кимсада камчиликлар ҳам, ижобий томонлар ҳам бўлади, лекин ундаги қайсидир бир томон устунлик қилади. Менинг хотиним ақл бовар қилмайдиган даражада ўта самимийдир. Ҳатто бу самимияти унинг бошига бало ёғдириши мумкин бўлган тақдирда ҳам. Мен бирон-бир марта унинг ёлгон гапирганини эшитмаганман. У ниҳоятда... самимий эди...

— “Эди”? Нима учун “эди”?

У жилмайди. Афтидан, мени тузоққа илинтирганидан жуда мамнун эди, лекин шу заҳоти бошқа мавзуга кўчди.

— Ҳўш, ким кимни биринчи бўлиб урди?

— Мен, — дедим мен. — Мен бу ҳақида сизга гапирган эдим.

— Ҳа, тўғри. У қўрқиб кетдимми?

— Билмадим.

— У сизга хотинингизни тортиб олмоқчи эканлиги ёки уни яхши кўриши, у билан бирга бўлиш истаги борлиги ва шунга ўхшаш гаплар ҳақида гапирмадимми?

— Биз булар ҳақида гаплашмадик.

— Ахир, бу масаланинг энг муҳим томони-ку?

— Хотинимдан ажралиб қолишим мумкинлиги мени бирон марта ҳам хаёлимга келмаган.

— Унда нима мақсадда унинг олдига бордингиз?

— У ҳақида ўйлаганларимни башарасига айтиш учун.

— Айтдингизми?

— Йўқ, улгурмадим.

— Унда, нима учун у Крис билан шу заҳотиёқ орани очик қилди?

У қўлига бошқа бир қоғоз — карточкани олиб, сўнг сўради: — Сиз келиб-кетганингиздан сўнг у, Крисни бошқа кўришни истамаслиги ва у билан бутунлай орани очик қилиш ниятида эканлигини айтган эмиш.

— Бу унинг гапи.

— Демак, у ёлгон гапириши мумкин деган хаёлга борасиз?

Қопқонга тушган ҳар қандай қушдек, мен ҳам юзага келган вазиятдан кутулишга ҳаракат қила бошладим.

— Мен нима хаёлга боришим билан сизнинг нима ишингиз бор?

— Айни пайтда кўпам ишим йўқ, — деди у. — Мен ўзларига ўзлари қарши гапирадиган гувоҳларга ўрганиб кетганман. Агар қаршилик билдирмасангиз, бугун шу билан тугаткан.

Шу пайтда, баённоманинг сўнгги қисмини ёзаётган котибда савол туғилди, у сўнгги берилган саволнинг моҳиятини яхши тушуниб етмаган эди.

— Бу унча муҳим эмас, — деб тинчлантирди уни терговчи. Ва менга кўрсатмаларимнинг қисқача мазмуни баён этилган қоғозни қўл қўйишим учун берди, сўнг эшиккача кузатиб қўйди. Эшикка етмасдан мен тўхтадим ва терговчидан сўрадим:

— Жаноб терговчи, мен хотиним билан учрашвга рухсат беришингизни сўраган эдим.

— Ҳўш, — деди у. — Нима бўпти?

— Қачон рухсат беришингиз мумкин?

Унинг юзи қотиб қолгандек эди, фақат кўзлари куларди.

— Сиз хотинингиз билан ўзингиз кутгандан ҳам аввалроқ кўришиб қолишингиз мумкин.

Шундай деб, у орқамдаги эшикни итарди. Мен қайрилиб қарадим:

Крис, йўлакдаги ўтиргичда соқчининг ёнида ўтирарди.

У мени кўришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ва шу алфозда юзидаги кўрқинч ифодаси билан бир зум қотиб қолди. Сўнг, ўрнидан отилиб туриб, ўзини бағримга отди. Соқчи уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин орқамда турган кимдир, афтидан, очиқ қолган эшик ортида турган терговчи бўлса керак, аралашманг, деган ишорани қилди ва соқчи бир қадам орқага чекинди. Крис бутун вужуди билан менга ёпишиб турар, унинг аъзои бадани титрар эди. Мен унинг сочларини силадим ва юзидан ўпдим. Биз шу ҳолатда бир-биримизга бирон сўз айтмасдан бир қанча вақт туриб қолдик.

— Азизим, — деб шивирладим мен. — Севгилим, сени бу ердан олиб чиқамиз.

У бошини кўтариб, шундай қарадики, худди мен бирон-бир ножўя гап айтиб қўйгандек. У менга нимадир демоқчи бўлгандек туюлди, лекин лаблари титраганидан бирон сўз айтолмади. Унинг ўрнига мен шивирлаб ва тез гапирар эдим, иложи борича тез гапирардим, — назаримда бизни кузатишга ётгандек ва учрашув вақтимиз оз қолаётгандек туюларди.

— Қасддан ўлдирганингни бўйнингга олма, — шивирлардим мен унга. — Бу энг муҳими. Ёдингда тут: сен унинг ёнига биз нима ҳақида гаплашганимизни билмоқчи бўлиб боргансан. У сени бир тарсаки туширди ё шунга ўхшаш бир нарса айт, бу унчалик муҳим эмас. Сен ўзингни ҳимоя қилмоқчи бўлгансан. Уни ўлдириш хаёлингга ҳам келмаган.

— Хўп, — дерди у итоат билан.

— Эс-ҳушингни йўқотиб қўйгансан, нима қилаётганингни билмагансан...

— Ҳа, Пьер, ҳа...

У худди қийин дарсни ўзлаштириб олмоқчи бўлган ўқувчидек ҳар гал астойдил “хўп”, “ҳа” деяр эди. Айни чоғда у ҳар гал “ҳа”, “хўп” деганида унинг сўзлари менга эмас, менинг бошим узра кимгадир — бошқа одамга қаратилгандек туюлди. Мен уни бағримга янада қаттиқроқ босдим. У ҳаётга қайтаётгандек эди.

— Биз яна бахтли яшаймиз-а, Пьер?

— Қасам ичиб айтаман, сенга, Крис, биз яна бахтиёр бўламиз. Тушкунликка тушма, азизим.

— Сен ҳам тушкунликка тушма.

— Сенга мендан кўра қийинроқ.

У менга жавоб бермоқчи эди, лекин орқадан терговчининг такаллуф тўла сўзлари эшитилди.

— Хоним, мен сизни кутяпман.

Крис мендан ўзини четга тортди ва бир оз баландлатиб деди:

— Мен сендан ҳаммаси учун кечирим сўрайман.

— Крис, сени жудаям севаман, — дедим мен. — Ҳеч қачон мен сени ҳозирчалик севаманман.

У хона эшигидан ғойиб бўлиб улгурган эди.

... Кечқурун мен уйку дорисидан бир эмас, иккитасини ичиб ётдим ва телефон баланд овоз билан жиринглаганда, мен ўзимни худди уч кечаю уч кундуз ухлаган кишидек ҳис этдим. Соат бўлса, бор-йўғи эргалабки саккизни кўрсатди. Телефонда бўлса, менга нотаниш бўлган ўта хайрхоҳ овоз эшитиларди.

— Жиноят текширув полициясидан девизия комиссари Дюффен гапиряпти. Сизни барвақт безовта қилаётганим учун узр сўрайман, хурматли жаноб, лекин сиз билан имкон қадар тезроқ учрашишим зарур. Назаримда сиз билан...

Мен ҳамон дорининг таъсирида бўлгани учун унга жавоб берадиган ҳолда эмасдим. Комиссарнинг овози бўлса тобора аниқ чиқарди, гапларини чертиб-чертиб гапирарди.

— Сизга маълум бўлган иш бўйича прокуратура терговчиси Фуркаднинг топшириғига кўра сизни безовта қиляпман. Бугун кечқурун иш бўйича вазият ўзгарди. Сиз бир соатлардан кейин менинг ёнимга — соҳилдаги Орфер кўчасига келолмайсизми?

— ... Мени биринчи кун уйимга келган инспекторлардан бири — ёши каттароғи кутиб олди. У тўппа-тўғри комиссарнинг кенг, қимматбаҳо жиҳозлар

билан ясатилган хонасига олиб кирди. Дивизия комиссари тўладан келган ўта хушмуомала киши эди. У полициячидан кўра, мен тасаввур қилганимдек, бирон-бир концерннинг раҳбарига кўпроқ ўхшаб кетарди. Инспектор столнинг устида турган ёғочдан ясалган бир қутичани қўлига олди, маълум бўлишича, унинг ичида сиёҳли ёстиқча билан ифлос бир латтача бор эди.

— Жаноб Ленэ, агар сизга малол келмаса, бармоқларингизнинг изини олишимга рухсат берсангиз.

— Бармоқларимнинг изини? Нима учун?

— Одатдаги расмиятчилик. Қурбонни кўрганлар ичида сиз энг охиргисисиз. Устахонада бўлганларнинг ҳаммаси...

Мен розилик бердим ва дивизия комиссари оталарча меҳрибонлик билан хижолат тортиб бармоқларимни сиёҳли латта билан артди.

— Биз бир оз эскичароқмиз, — деб ўзини оқлади у.

Сўнг инспектор қўлида менинг бармоқларимнинг изи туширилган қоғозни олиб, хонадан чиқиб кетди. Дивизия комиссари Дюффен бўлса, ёзув столига келиб ўтирди. У худди бўғма касали бор одамдек, оғир нафас олар эди. Гардиши қалин кўзойнагини тақиб, бир менга қараб олди ва ишни энг умумий саволлар беришдан бошлади. Қаерда туғилганим, қачон туғилганим, маълумотим, ҳарбий хизматни ўтаган-ўтамаганим, урушда бўлганим каби... У менинг Ҳиндихитойдаги хизматимга доир ўринлар билан қизиқиб бир оз кенгрок тўхталди. Қайси гарнизон, полкнинг номини аниқ айтишимни сўради. Маълум бўлишича, унинг ўғли ҳам Ҳиндихитойда ҳарбийда бўлган экан. Ачинарли ҳол, афсус, афсус, кулфатли найранглар туфайли бутунлай завол топган. Йўл-йўлакай у Жазоирдаги урушни эслади ва бирдан яна мен билан боғлиқ воқеаларга қайтди. Мен қандай қилиб Руссо фирмасига ишга кирганим, маошим қанчалиги, уйлангунга қадар бўлган ҳаёт тарзим ҳақида сўради.

Вақти-вақти билан менга у ўта бамайлихотир кўринарди ва ўртамиздаги суҳбат одатдаги олий насабга мансуб кишилар ўртасида кечаётган суҳбатлардан бирини эслатарди. Ва тўсатдан унинг “ниқоб остидаги” асл башараси — полициянинг башараси кўринди.

— Менга Сико хоним ҳақида гапириб берсангиз.

— Ким ҳақида?

— Сико хоним ҳақида. Бу фамилия сизга бирон нарсани эслатаяптими? Сико Луиза хоним. Уни Лу деб ҳам чақиришади.

— Ҳа, нима бўпти?

— У ҳам қурбоннинг жазмани бўлган чоғи?

— Ҳа, ора-чора.

— Лекин у сизнинг ҳам жазманингиз бўлган.

— Ҳа, бунга анча бўлган, уйлангунимга қадар, ҳали хотиним билан танишмаган кезларим. Дарвоқе, мен ҳам ора-чора учрашиб турганман. Нима эди?

— Ҳа, шунчаки. Дунё тор-а, сиз бунга нима дейсиз?

— Уни кўрмаганимга неча замонлар бўлди.

— Наҳотки. Ахир сиз у билан қотиллик содир этилган кун бирга овқатлангансиз-ку?

— Ҳа, айтмоқчи... мен бу ҳақида унутибман... Мени кечиринг...

— Ҳечқиси йўқ. Бу унчалик аҳамиятга эга эмас.

— Жаноб комиссар, — хавотирланиб сўрадим мен. — Бугун эрталаб телефонда сиз менга иш бўйича вазият ўзгарганини айтувдингиз.

— Ҳа, бўлмасам-чи. Мен буни унутишим мумкинми?

У терговчи каби ўз вазифасини маҳорат билан бажармасди ва бўлиб ўтган янгиликни менга тўппадан-тўғри атиб қўя қолди.

Бугун кечаси хотинингиз берган кўрсатмаларидан воз кечди.

Мен унинг қаршисида оғзимни очган ҳолда ўтирардим, ўлган балиққа ўхшардим. Бу хабар менга қандай таъсир этгани уни қизиқтирмасди ҳам, у мен тарафга ҳатто қарамади ҳам.

— Бу осон бўлгани йўқ, — деди у. — Агар прокуратура терговчиси Фуркаднинг синчковлиги демаса, бизнинг ноқулай аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмасди.

— Унда... ким бўлмаса...

— Тузатиб бўлмас, жуда кўпол хато юз берди... — У бошини кўтарди. — Бирон нима дедингизми?

— Ҳа, агар у бўлмаса, унда ким?..

— Кўрамиз. Ҳозирча, мен расмий равишда сизга хотинингиз айбдор эмаслигини маълум қилияпман. Бу хабар сизни қувонтирса керак.

— Тушунмадим, — дедим мен ниҳоят, — у айбдор бўлмаса нима учун айбига иқрор бўлди?

— Ҳамма масала мана шунда... — у ўрнидан туриб, — маъзур тутасиз, мени ишим бор эди, бу кўп вақтни олмайди, мен тезда қайтаман, — деб кўшиб кўйди.

У мени хонада қолдириб, ўзи чиқиб кетди. Шу зайлда мен бир соатдан кўп вақт уни хонада кутиб ўтирдим.

Х б о б

— Хўш, нима ҳақида гаплашаётган эдик? — деб сўради у қайтиб келгач. — Мени маъзур тутасиз, тахмин қилганимдан ҳам узоқроқ ушланиб қолишимга тўғри келди. Ҳай, майли... келинг, суҳбатимизга қайтайлик. Демак, биринчидан: сизнинг хотинингиз Ваджага кундуз куни соат ўн бир билан ўн иккиннинг ўртасида кўнғироқ қилган. У сизни соат иккида кутаётганидан хабар топади. Соат бешда у Ваджанинг олдига уни сиз билан нималар ҳақида гаплашганини билиш учун боради. Унда устахонанинг калити бор. У эшикни ўзидаги калит билан очиб киради ва Ваджанинг ўлиб ётганини кўради. Шунда у кўнғироқ қилиб, навбатчи полиция бўлимини чақиради. Полиция етиб келганида бўлса, “Уни мен ўлдирдим”, — деб айтади. Табиийки, даставвал у берган кўрсатмаларидан шубҳаланишга бизда ҳеч қандай асос йўқ эди. Қўлимиздаги далиллар бунга асос бўлади. Фақат биттасидан ташқари. — У кўлига қандайдир бир варақ қоғозни олди. — Мен яна қайта қилинган тиббий экспертизани назарда тутаяпман. Эътибор беринг, месье Ленэ, айбдор айбига иқрор бўлганда, мурдани ёриб текшириш қатъий талаб этилмайди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, қайта экспертиза ўтказиш ҳақидаги фикр хотинингизни сўроқ қилинган биринчи куниеъ терговчи Фуркаддан чиққан эди. Уни баъзи бир нарсалар ҳайрон қолдирган эди. Масалан, айрим зиддиятлар шу боис ҳам у тергов тажрибаларини тезлаштирган эди. Унда мен ўзим ҳам шахсан иштирок этдим, иш тўла барбод бўлганининг шоҳиди бўлдим. Хотинингиз Ваджани ўша машғум асбоб — скребок билан қандай ўлдирганини тушунтириб беролмади. Яна йўл-йўлакай шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истар эдимки, бу ишни урдасидан чиқиш учун анча-мунча кучга эга бўлиш керак. Бунинг устига зарбни айнан қаерга бериш лозимлигини билиш керак, чунки қирғичнинг тиғи унчаюм узун эмас. Лекин энг қизиғи қирғичнинг дастасида унинг бармоқ излари йўқ эди. Унинг таъкидлашича, у қўлқопда экан. Майли, шундай деб фараз ҳам қилайлик, чунки ҳақиқатан ҳам сумкасида қўлқопи бор эди. Мурдани ёриб, текшириш натижаларини қўлимизга кеча эрталаб олдик ва унда ҳамма нарса равшан кўрсатилган. Кундузи соат бирда Ваджа ветчинали сендвич еган эди. Буни биз унинг ёрдамчисидан билдик. У ўлдирилган дақиқада бўлса, ошқозонидаги овқат энди ҳазм бўла бошлаган экан. Бундан, ўлим соат икки ярим билан уч ярим ўртасида юз бергани маълум бўлади, демак, хотинингиз уни соат бешда ўлдирган бўлиши мумкин эмас. Бу биринчидан.

¹ 1974 йилгача Париждаги аёллар қамоқхонаси

Комиссар ўрнидан туриб хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади. У гапиришда давом этарди ва баъзан менинг орқа тарафимда туриб қоларди.

— Ҳолбуки, месье Ленэ, барча экспертизаларга қарши далил топиш мумкин. Баъзан руҳшунослар ҳам, графологлар ҳам адашади, баллистик экспертиза ҳам адашиши мумкин. Фақат икки соҳа борки, унда деярли хатога йўл қўйилмайди. Бу — дактилоскопик усул, яъни “бармоқлар изи” ва ўлим қачон юз берганини аниқ вақтини ошқозонни текшириш орқали аниқлаш. “Бармоқлар изи” хусусида бу масалага ҳали яна қайтамиз. Яна бир нарсани аниқлашга тўғри келяпти, бу энг қийини. Дарвоқе, сиз тўғри топдингиз, ҳақиқатда ҳам нима учун хотинингиз айбни шу заҳотиёқ бўйнига олган. Лекин кеча кечқурун соат ўн бирларда унинг асаблари дош бермади...

У қўлларини менинг елкамга майингина қўйиб, дўстона қоқиб қўйди.

— Месье Ленэ, — сизнинг хотинингиз ажойиб хотин, — деди у тантанавор тарзда.

Лекин менинг хаёлим бутунлай бошқа кўчага кириб кетган эди ва тезда орқамга ўгирилиб, ундан сўрадим:

— У қаерда?

— Нима дедингиз?

— Агар у айбдор бўлмаса, демак сиз уни озод этган бўлишингиз керак.

— Албатта. Кеча кечқурун у терговчининг хонасида қаро тунгача қолиб кетди. Сўнг уни баъзи қоғозларни расмийлаштириш учун Петит-Рокетт¹ девонхонасига олиб кетишди. Шундай қилиб, у қамоқхонадан бугун тонгда барвақт чиқиб кетди.

— Шу боис сиз мени бу ерга эрта билан чақирдингизми?

— Э, худо!

— Нима, сиз, мен уни кўришимни истамадингизми?

— Йўғ-е, нималар деяпсиз... Назаримда, у сизни кўришни истамади.

— Ёлғон гапиряпсиз!

— Сал орқа-олдингизга қараб гапирсангиз!

Комиссарнинг гапириш оҳанги ҳам ўзгариб кетди. Унинг юзидаги мулоғимлик ортида ашаддий бир тажовузкорлик яширинган эди.

— Шу десангиз, ўзингизни ҳеч нимани билмаган жиннига ўхшаб тутмансангиз. У сиз учун қўлидан келганини, ундан ҳам ортиқроғини қилди. Майли, у бўлиб ўтган ишлар учун масъуллиқнинг барчаси ўзимнинг устимга тушади, деб ўйлаган бўлсин ҳам. У ўзини ҳақиқатан ҳам айбдор деб ҳисоблаган. Лекин сиз-чи? Сиз бўлсангиз уни бу вазиятдан чиқариш учун қўлингизни-қўлингизга ҳам урмадингиз. Бизни тўғри йўлдан чалғитганингизни гапирмаса ҳам бўлади.

Унинг қўли ҳамон елкамда эди, фақт қаттиқроқ босиб турарди. Менинг овозим бўлса заиф ва ишончсиз чиқарди.

— Лекин... жаноб дивизия комиссари... ахир мен эмас...

— Ё у, ё сиз, — деди комиссар ҳам мен каби секин паст овоз билан. — У бўлмаса, демак сиз.

— Йўқ... — дедим мен жон ҳолатда. — Бу бўлмаган гап.

Елкамни тутиб турган қўллари кутилмаганда, бир оз бўшашди.

— Мен буни кутган эдим, — деди у хотиржам, ва жадал қадам ташлаб столининг ёнига келиб ўтирди. — Энди бўлса, Ленэ, мени эътибор билан тингланг (у энди месье сўзини ишлатмасди). — Юзага келган вазиятдан чиқиб кетишнинг иккита йўли бор, биринчиси биз ҳозир бу хонадан чиқиб, йўлак бўйлаб кетамиз, сўнг бошқа йўлакка қараб йўл оламиз. Шу тариқа терговчи Фуркаднинг хонасига етгунча уч юз метрча йўл босамиз. У сизга Ваджани ўлдирганингиз ҳақидаги айбномани эълон қилади ва сўнг шу заҳотиёқ сўроққа тутади. Айтмоқчи, шу заҳотиёқ эмас. Чунки, биринчи сўроқда айбланувчининг шахси аниқланади. Бундан ташқари ўзингизни адвокатингизни чақирингиз учун ҳам сизга вақт керак бўлади. Шундай қилиб, иккинчи сўроқ эртага ё эртадан кейин, ёки бир ойдан кейин ҳам бошланиши

мумкин. Адвокатдан сизга бирон наф бўлмайди, аксинча зарари тегиши мумкин. Чунки, сиз айбингизга иқроор бўлмаганингиздан кейин адвокатлар ҳам ортиқчалик қилиб қолади. Терговчи Фуркад бўлса сизни шундай сиқувга оладики, сувдан қуруқ чиқишингиз амримаҳол бўлиб қолади. Шундай қилиб кечқурун беҳол, мадорсиз камерага қайтасиз, кунлардан бир кун бўлса, асабингиз дош бермайди — ҳамиша шундай бўлади. Терговчи эса уни лаққиллатганингиз учун сизга иложи борича кўпроқ йил беришларини сўрайди. Қисқаси, суд ҳайъати олдига ёмон тавсифнома билан чиқасиз. Бу масаланинг биринчи ечими.

Мен уни эшитар эканман, турган жойимда қотиб қолдим.

— Иккинчи ҳолатда бўлса, суд ҳайъатидагилар олдида рашкчи эр, жанжал, қўлига тасодифан тушиб қолган аслаҳа билан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида рақибини беҳосдан ўлдирган деган фикр уйғотасиз. Ҳиндихитойдаги уруш қатнашчиси бўлганингиз учун имкон қадар камроқ йил беришади. Лекин масалани бундай ҳал этилиши учун, албатта, айбингизга иқроор бўлишингиз керак бўлади. Ва имкон қадар тезроқ иқроор бўлишингиз керак бўлади. Бу — масаланинг иккинчи ечими.

— Мен Ваджани ўлдирмадим, — деб гўлдирардим мен.

Бу гапимдан унинг ҳафсаласи пир бўлиб, гапиришда давом этди, фақат анча мулоийм тортиб гапирди.

— Лекин бу вазиятдан чиқишнинг яна учинчи йўли ҳам бор. Мен сизни айбингизга иқроор бўлишга мажбур этаман. Мени дидимга ўтиришдингиз Леньэ, мен айнан шу йўлни танласам керак. Буни куйидагича амалга ошираман. Сизни туну кун мана шу хонада сўроқ қиламан. Асаби бақувватлар ҳам бунга чидамайди, сизни гапирмаса ҳам бўлади.

У сўзлашда давом этар экан, кўнғироқнинг тугмасини босди. Хонага қандайдир бир киши кирди.

— Қасам ичаман, мен Ваджани ўлдирганим йўқ, — қаршилиқ билдирдим мен.

— Инспектор Ламазерни таништиришга рухсат берсангиз. Менинг шошилиш ишим бўлгани учун сўроқни у бошлаб туради. Тушдан кейин мен уни алмаштираман. Кечқурун соат саккизда мен кетаман, ўрнимга инспектор Гонтъе эрталабгача сўроқ қилади, сиз у билан танишсиз. Эрталаб соат еттида мен ўзим келиб, сўроқни яна давом эттираман. Шунинг учун...

— Мен Ваджани ўлдирганим йўқ, сиз адашяпсиз, девизия комиссари.

— Ё сиз, ё сизнинг хотинингиз ўлдирган, — деди кириб келган полициячи. — Хотинингиз ўлдирмаган экан, демак сиз ўлдиргансиз.

— Биладан, — дедим мен. — Буни қаердадир илгари ҳам эшитганман.

— Буни ҳали кўп марта эшитишингизга тўғри келади, — деди кулиб комиссар.

— Ахир Ваджа бошқаларни ҳам танир эди-ку... У кўл остидаги ҳамма ходимлари билан яқин муносабатда бўлган...

— Сиз унинг олдидан соат икки яримда чиқиб кетгансиз. Бизда буни тасдиқловчи далиллар ҳам бор. Бу сизга машинангизни белгиланган жойга қўйганингиз учун жарима солган полициячининг кўрсатмаси.

— Мен ҳеч қачон инкор этган эмасман.

— Ваджа соат икки ярим билан уч яримнинг ўртасида ўлган, — деди инспектор.

— Яъни, сиз унинг олдидан бўлган пайтингизда, — қўшиб қўйди комиссар.

Улар бири қўйиб, бири гапирар эди. Мен теннис коптогига ўхшаб, дам унисига дам бунисига қараб улгурмасдим.

— Скребда сизнинг бармоқларингизнинг изи қолган. Мен ҳозир яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун қараб келдим.

— Мен буни ҳам инкор этганим йўқ.

— Сиз юз берган воқеадан ташқари ҳеч нарсани инкор этмайсиз.

- Мен ҳақиқатан ҳам унинг қўлидаги скребокни юлиб олдим...
- Ва отиб юбордингиз
- Ҳа.
- Ва иккалангиз муштлашиб полда юмалагансиз.
- У сиздан кучлироқ бўлиб чиқди. Сизнинг қўлингизга скребок тўғри келиб қолди. Қўлингизда шундай қуролга эга бўлиб турганингиздан кейин, душманни қандай қилиб даф қилишни сиз яхши биласиз, албатта. Албатта, бу шартли рефлекс.
- Бахтсиз ҳодиса деса ҳам бўлади.
- Ахир сиз Ваджанинг олдида уни ўлдиргани келмагансиз-ку.
- Мен уни ўлдирмадим!
- Бақирманг, — пўписа қилди комиссар, — бунақага тоқатим йўқ.
- У эшик орқасидаги илгичдан пальтосини олиб кийди.
- Хона сизнинг ихтиёрингизда Ламазер. Кўришгунча.
- У чиқиб, кетгач, инспектор ёнимга келиб, мен ўтирган столнинг орқасини бир туртди. Мен ўтирган жойимдан кўзғалиб, хонанинг ўртасида турдим.
- Шундай қилиб, яна бир бошдан бошлаймиз, — деди у. Ва мени айла-ниб ўтиб, ёзув столининг бир чеккасига ўтирди. — Демак, куни кеча уйга қайтар экансиз, хотинингизнинг телефонда гаплашаётганини эшитгансиз.
- Мен унинг кичкинагина қора кўзларига эътибор билан тикилиб қарадим. Ва даҳшатга тушдим.
- Мен Ваджани ўлдирганим йўқ.
- Ё сиз, ё у, — деди инспектор. — Мадомики у ўлдирмаган экан, демак сиз ўлдиргансиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Х I б о б

Мэтр Казарес бутун умрга менинг пирим бўлиб қолди ва бу шунчаки шогирдининг устозга бўлган беқиёс ҳурматигина эмасди. Гап бошқа нарсада эди. Биринчидан, унинг ташқи кўринишида. Адлия саройида унга Гулливер деб ном беришган. Атроф-муҳит гўё унинг учун яратилган эмасдек, теваарақдаги тирик жонзот ҳам, буюмлар ҳам — ҳаммаси унинг олдида ўта майда туюлади. Унинг паншахадай қўлида сигарета кулгили кўринарди. Иш малакаси хусусида бўлса, инсондаги барча истеъдод: ўткир ақл, кучли хотира, умид буткул узилди деганда, ғаройиб ҳодисаларни юзага келтирувчи самимийлик — буларнинг бари унда мужассам эди.

— Ҳар қандай ҳолатда ҳам, на ақл, на қалбга бирон нарса берувчи бўлма-ғур бир ажримга эришамиз. Йўқ деганда — саккиз йил қамоқ. Албатта, бу сизнинг Ленэнгиз ҳамма нарсани инкор этгани тақдирда.

— Агар у айбдор бўлмаса саккиз йил...

— ... бу кўп. Агар айбдор бўлса, унда қамоқхонада ўзини яхши тутишини инobatга олиб, жазо ўташ муддати қисқартирилади ва у беш йилча ўтиради. Ундан ҳам бир йили тергов пайтида ўтиришига кетса, у ёғига бор-йўғи тўрт йилгина қолади. Бундай иш учун у бу жазони сийлов деса ҳам бўлади. Ҳар қалай бу барибир ақлга тўғри келмайдиган ҳукм.

— Сизнинг таассуротингиз қандай?

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Унинг айбдорлиги хусусида.

Казарес менга шундай қарадики, худди мен унга ноўрин савол бериб қўйгандек эдим. Ишни ўрганиб чиқишига унинг тўрт куни кетади. Энди у ишни ипидан игнасиғача билишига ишончим комил эди. У Пьер Ленэ турмада ёзган ва судда тушунтириш хатини ҳам қайта-қайта ўқирди.

— Мижозларимиз фикримизни билиш учун бизга пул тўлашмайди, биз уларни ҳимоя этмоғимиз учун тўлашади.

Бу каби мулоҳазалар мени қуюшқондан чиқариб юборар эди. Мен илгарилари Каразесда бу каби иллатни сезмаган эканман, шу сабаб бир оз ҳайрон бўлдим. У ниманидир сир тутар эди, унга очикчасига савол беролмадим.

— Мен шу нарсани яхши биламанки, айбсиз одамни ҳимоя қилиш айбдор одамни ҳимоя қилишдан қийинроқ.

— Сиз унинг тушунтириш хатини ўқидингизми? Бу ҳақида нима деб ўйлайсиз?

— У ёлғон гапирган бўлиши ҳам мумкин.

— Йўқ, мен уни болалиқдан биламан. Унда ёлғон гапирадиган одат йўқ, аксинча.

— Жаккар, — деди Казарес мулойимгина, — дўстлик кўзингизни кўр қилиб қўйибди. Жавобгар боши омон қолиши учун истаган ёлғонни тўқиши мумкинлигини сиз яхши билишингиз керак.

— Унинг тушунтириш хатида у ёлғон гапирмаётгани сезилиб турибди.

— Унинг тушунтириш хатининг фақат 90 фоизи рост.

— Айрим ўринларда у ёлғон ишлатган демоқчимисиз?

— Энг аввал, Ленэ буни терговчи учун ёзган, сўнг биз учун пировардоқибат ва ўзи учун ҳам, албатта. У ўзи ишонишни истаган далилларни шарҳлаган.

— Бу унга ўхшамайди.

— О, биз бундан ҳам ашадийларни биламиз. Руҳий жараёнларга дахлдор бўлган нарсаларнинг ҳаммасини кўрганмиз. У буларнинг барчасини айбсизлигини исботлаш учун ўзига ўзи ёзган бўлиши мумкин.

— Лекин, бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Мижозимнинг фикри қандай бўлса, шундай. Ленэ айбдор эмас. Мен бу фикрдан қайтмоқчимасман. Қотилликнинг излари, асос, далиллар, экспертлар, гувоҳлар — ҳамма-ҳаммаси бизга қаршимиз? Жуда яхши. Бундай далиллар юз марта кўп бўлган тақдирда ҳам у айбдор бўлолмайди ва мен судда мана шуни исботлайман. Саккиз йил оламиз. Аҳмоқона ҳукм, албатта. Аммо, агар...

Унинг баҳайбат танаси ҳаракатга тушди. У хонанинг ўртасида тўхтади, сўнг ёнимга келди. Ундаги бир нарса кишини ҳайрон қолдирарди, бу гавдасининг нечоғлик баҳайбатлигига қарамасдан, худди балерина каби ҳаракатларининг енгиллиги эди. Тўғриси айтсам, бу ишнинг битта жойи мени шубҳага солади. Бу унинг хотинининг иқрори. Мана шу нарса менга тинчлик бермаяпти. Бу эрини жондан севучи хотиннинг эрини айбдор деб билгани учун унинг айбини ўз бўйнига олиши. Мана шунга ўхшаш нарсалар суд маслаҳатчиларига кўпроқ таъсир қилади, экспертларнинг қуруқ гапларидан кўра.

— Ахир, бу унинг эрига бўлган муҳаббатининг исботи-ку.

— Биламан. Лекин муҳаббатнинг исботи ҳеч нимани исботламайди. Жамонатчилик назарида бу аёл фаришта.

— Ҳа, шундай бўлса керак.

— Ҳа, одатда шундай бўлади.

“Бош репетициялар” газеталарда октябрнинг охирида пайдо бўлди. “Сураткашнинг ўлими” бошқа ишлар сирасида тилга олинди турди, бу ишларнинг ичида у камбағалнинг чоригига ўхшарди.

“Жиноят, рашк туфайли қотиллик, ҳасад қилганидан содир этилган жиноят, болаларни ўлдириш, садизм, шпионаж, гангстер гуруҳлари ўртасидаги урушлар, бошбошдоқ унсурлар ўртасида юзага келган жиноятлар — буларнинг ҳаммаси суд энди кўрадиган ишларнинг дебочасидир. Суд ўз ишини давом эттирар экан, янги жиноятлар содир бўлади. Адолат эса худди моторнинг доимий айланиб турувчи ўқидек айланаверади. Йўлларда қанча одам ўлдирилганининг ҳисоб-китоби олиб борилади. Адлия вазирлигида бўлса, бу

йил ўлдирилиши мумкин бўлган одамлар сонининг ҳисоб-китобини тузиб чиқилади. Қурбон ким, қотил ким бўлиши мумкин? Ҳар биримиз бахтсизликлар бошқа одамлар билан юз беради, бизни четлаб ўтади деб хаёл қиламиз. Лекин бу бошқа одамлар кимнингдир қариндоши-ку”.

Бу Куртуанинг услуби эди. Куртуа, худди ўзининг бошқа ҳамкасблари каби сураткашнинг ўлими бўйича бирон-бир далилга эга эмасди. Терговчи Фуркад бўлса, ишни эски бир услубда олиб борарди. Бу ишда у эришган энг улкан ютуқ “қотил хотини”нинг ўз кўрсатмаларидан қайтиши бўлди. Эришилган бу ютуқ унинг заҳирадаги имкониятлари ҳаммасини терговнинг қолган қисми тугагунча еб битиргандек эди. Мен Пьер ҳибсга олинганидан уч ой кейин у билан бўлган учрашувимизни эслайман. У одатдагидан ортиқроқ хурсандчилик билан мени кутиб олди. Ишлари кўпайиб кетганидан мени ва менинг мижозларимни чақиролмагани учун узр сўради. Бошқа бир, қизиқарли иш ҳақида гапира кетди. Мен унинг эътиборини асосий масала — мижозим билан боғлиқ ишга қайтишга даъват этганимда, Фуркад ҳам, унинг котиби ҳам менга шундай ит қараш қилишдики, худди улар асосий ишларидан қолдирилган ва ҳеч қизиги бўлмаган иш билан шуғулланишга маҳкум кишилардек тутишди ўзларини.

— Ўз ёғида ўзи қовурилаверсин. шундай бўлгани маъқул. Бизнинг вақтимиз етарли. Кунлардан бир кун ўзи, бизнинг тазйиқимизсиз ҳам кўрсатма бера бошлайди.

У “биз” деб гапирар экан, мени ҳам чизиқнинг у тарафида деб қабул қилмоқда эди:

— Гаров ўйнайман, — деб қўшиб қўйди Фуркад.

Мен унга мавжуд бўлган имкониятларнинг ҳаммасини тўкиб сочдим. У мени бармоқлари билан столни уриб эшитар экан, деди:

— Бирон кимса вафот этганда, ҳамиша ўлган одамга нисбатан яхши муносабатда бўлмасликка минглаб асоси бўлган одамлар топилади. Жилла курса биттагина янги далил топиб беринг менга, ана шунда нима қилишимиз лозимлигини ўйлаб кўрамиз.

Мен унга бирон-бир далил топиб беролмадим. Табиийки, Фуркад Тергов палатасига ишни шу ҳолича топширди. Гап жиноятчиларнинг бири ҳақида кетар эди — бу каби ойнадек равшан далилни инкор этувчи жиноятчилар ҳисоб-китобга кўра йилда битта-иккита учраб турарди. Ленэ деганлари бўлса, жиноят борасида ўзининг қарашларини ҳам қоғозга туширибди. Айёрликни кўринг!

“Сураткаш Жесс Ваджа, саноатчи Пьер Ленэнинг хотинининг ўйнаши бўлган”, — деб Куртуа бўлиб ўтган воқеани “Ле жур” газетасида хулосалаб берди. — Сураткашнинг жасади улар учрашиб юрган устахонадан топилди. Кристина Ленэ шу заҳотиёқ барча айбни бўйнига олди. Лекин мавжуд қарам-қаршиликлар — ўлим юз берган вақт, қотиллик содир этилган қуролдаги бармоқ излари, экспертларнинг хулосаси ва ҳ.к. Ленэ хонимнинг кўрсатмалари ёлғон эканлигини исботлади. Даставвал Кристина Ленэ эрининг ўрнига содир этилган қотиллик фақат ўзи айбдорлиги ва масъуллик унинг зиммасида эканлигига иқроф бўлди. Лекин терговчининг синчковлиги адолат ўрнатувчиларнинг навбатдаги хатога йўл қўйишларидан сақлаб қолди ва айбни Пьер Ленэга қўйди. У бўлса ҳибсга олинган кундан бери ўзини айбсизлигини уқтиришдан тўхтамайди. Уни судда метр Авель Жаккар ҳимоя этади, айтишларига қараганда у ёрдамга метр Казарес — машҳур адвокат, энг оғир ишлар бўйича зўр мутахассисни жалб этибди”.

Х II б о б

Суд жараёнининг биринчи куниёқ менда карахтлик уйғотди. Ноябрьнинг сўнгги кунлари қаттиқ совуқ бўлганидан жуда иссиқ ёқилган залда одатдагидек, хонимлар, бекорчилар, суд ходимларининг дўстлари ўтирарди. Яна

бир тўп кинога олиш ниятида изғиб юрган киночилар ҳам бор эди. Улар воқеанинг қандай ривожланишини кузатиш ниятида судга қатнашиш учун рухсат олишган эди. Ва албатта, улар кейинчалик, бўлиб ўтган воқеанинг талқинини оёғини осмондан қилиб беришади. Мен ўзимни зўрға тутиб турардим.

Мен мухбирлар ўтирадиган томонга қарадим. Одатда, жараённинг қандай ривожланаётганини аниқлаш учун мухбирларни кузатишнинг ўзи кифоя. Иккита йирик газета таҳририяти ўзларининг одатдаги ходимларининг ўрнига ташқи мухбирларини юборибди. Куртуа ўзи севадиган жой — залга энг яқин бўлган бурчакда ўтирар экан, қоғозга алланималарни чизиб, суд бошланишини кутарди. Менга кўзи тушар экан, у гапни биринчи бўлиб бошлади.

— Хўш, Авель Казарес билан топган энг муҳим далилинглар нимадан иборат?

— Ҳақиқатдан.

— Ундан ташқари яна нима?

— Ленэ айбдор эмас.

— Нима, сен бунга ишонасанми? Казарес ҳам ишонадими?

— Унинг ўзидан сўра.

У қоғозга чизаётган аллабалоларни ёнига бир чизиқчани қўшиб қўйди.

— Нима, заҳирада тагин далилингиз борми?

— Бўлмасам-чи, — дедим мен. — Бомба бамисоли.

Албата, мен ўзим ҳам қўлимизда қандай етакчи далил борлигини билмас эдим, лекин ишлатган ёлғонимдан бирон кор-ҳол рўй бермаслиги аниқ эди.

— Ассисент билан боғлиқ бўлса кераг-а? — деди у. — Авель, нима, мен ассисентни “бахтиёр” этишимни истайсанми?

Қизиқ, у ўзини ким деб фаҳмламоқда? У менга масрурликдан ёниб турган кўзларини тикиб, шама қилди:

— Маслаҳатчилар ҳар куни эрталаб газета ўқишади, биласан-ку? Улар ўта таъсирчан бўлишади.

— Сендан ягона илтимосим — ҳалол бўл.

— Буни Лавиндан илтимос қил.

Лавин кичкинагина, қотмадан келган, сочлари сийрак киши. У теварак-атрофга боқиб, кўзойнагини астойдил артарди. У ҳар куни кечқурун соат саккизда телевизор орқали газеталарни шарҳлаш пайтида кундузи бўлиб ўтган суд жараёни ҳақида хабар бериб турарди. У шарҳлайдиган суд хабарлари одилона бўлиши билан бирга, булар аниқ далилларга асосланганлиги ҳам шак-шубҳасиз бўлади. Соат саккизларда суд маслаҳатчилари уйига келибоқ, телевизорларининг қулоғини бурашади. Суд жараёнидаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда теварак-атрофда пайдо бўладиган талқин ва қарашлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлишини мен яхши билар эдим. Шу билан бир қаторда мен адвокат ҳамкасбларимдан айримлари Лавин ва Куртуага ўхшаганлар билан ҳам ҳар эҳтимолга қарши ўта яхши муносабатда бўлишларини, зеро айбсиз кишини ҳимоя этаётганингда ҳамма усуллар асқотишини жуда яхши биларман. Лекин, мен ҳақиқатда ҳам айбсиз одамни ҳимоя этаяпманми? — қалбимнинг тубидан жавоб тополмаётган масала мана шу эди. Яқинда сайлашган маслаҳатчилар ўз жойларини эгаллай бошлашди.

Маслаҳатчиларни танлаш жараёнида Казарес атайин ўзини четга олди, у биронта ҳам маслаҳатчига қаршилиқ билдирмади. Лекин кейинчалик шу масала юзасидан у билан менинг ўртамда келишмовчилик келиб чиқди.

— Аёллар бизга қарши бўладилар.

— Сиз Ленэ хонимнинг содир этмаган айбини бўйнига олганини назарда тутябсизми?

— Буни мен эмас, сиз таъкидлаяпсиз, унинг бу иқрориди муаммонинг энг каттаси яширинган деб.

— Аёлларни аёллиги учун, айниқса маслаҳатчи бўлишганида, уларга доим эътироз билдиравериш тўғри эмас.

— Учта аёл — бу кўп-да.

У менга қаради: биз кундузи адвокатлар ечиниб кийинадиган жойда турардик.

— Азизим, агар суд маслаҳатчилари фақат аёллардан иборат бўлганда ҳам мен қаршилиқ билдирмаган бўлардим.

— Нега?

— Чунки аёллар Ваджага ўхшаш хўрозларни ёмон кўришади, айниқса, адолат учун қонун сўқа бошлашса.

— Шу тариқа улар бундай одамларни нариги дунёга жўнатганларни оқлашадими?

— Мени тўғри тушундингиз.

Мен саросимада эдим.

— Лекин биз Ленэни айбдор деб ҳисобламаймиз-ку!

— Биз фақат ихтиёримиздаги имкониятдан келиб чиқамиз!

У йўғон қўллари билан мени қўлтиғимдан тутиб, суд йўлаги бўйлаб етаклаб кетди ва сирли бир оҳангда менга тушунтира бошлади:

— Бунда ҳамма гап кўпчилик кимнинг тарафида бўлишида! Ҳозирча улар ҳеч кимнинг тарафидамаслар. Агар суд жараёнида иштирок этувчилар бета-раф бўлишса, суд жуда зерикарли ўтади. Суд маслаҳатчилари зерикашса, қарор ҳам одатда қўл учида қабул қилинади ва ҳамма қаттиқ жазо берилишига мойил бўлади. Шафқат қилиш учун одам бир оз ўзини эмин-эркин тутиши ҳамда қабул қилаётган қароридан ўзи мамнун бўлиши керак. Биз ҳам дўстингизга нисбатан хайрхоҳлик уйғотиш учун уларга қулайлик яратамиз. Мен уларнинг дўстингизнинг ҳамма айбини, ҳатто айбидан тонганини ҳам кечиришлари учун бор имкониятимни ишга соламан. Эътибор билан қулоқ тутинг, Жаккар, — дея у ўзи билан таксига ўтқазди ва гапида давом этди. — Мен — генералман, зеро бу жанг режасини мен ўзим тузаман. Керак бўлган жойда текширувчиларимни ишга соламан, ўнг ва чап қанотдагиларни сафга тераман. Лекин бу режада мен учун энг муҳим нарса — арьергарддир, яъни тўсиқ бўлувчи сўнги қисмдагилардир. Улар охиригача курашадилар, майдонда биронта жангчи қолмаган бўлса ҳам, улар жанг майдонини ташлаб кетмайдилар. Менинг арьергардим шубҳа-гумонлардан иборат эмас. Эҳтимол, уларни гумдон қилиш мумкин, лекин сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда бунга умид боғламаган бўлардим. Менинг режам иложи борича хайрхоҳлик уйғотишдир. Тарозининг бир палласида — далиллар ва улар посонгини босиб турибди. Тарозининг иккинчи палласига шубҳа-гумонларни жойлаштириб, устига хайрхоҳликдан қўямиз. Озгина бўлса ҳам омадимизни берса, тарозининг посонгисини тенглаштиришга муваффақ бўламиз. Яна қайтараман: озгина бўлса ҳам, омад кулиб боқса, оқловчи ажримга эга бўламиз. Омадимиз жуда чопса... Жаккар сиз ўзи қаерга кетяпсиз?

Такси Люксембург саройига келиб тўхтади. Менинг йўлим Казарес билан бир эмасди. Лекин мен жон деб эргалабгача бўлса ҳам унинг мушоҳадаларини эшитишга тайёр эдим.

Омадимиз жуда чопса... Бу орада суддагилар ўз жойларини эгалламоқда эдилар. Одатда адвокатлар раиснинг суд жараёнига таъсири хусусида турли фикрлар билдирадилар. Мен бўлсам улар ҳамиша ўзларини бирдек тутадилар, деб ҳисоблайман. Улар ўзларини айбдорни жиноят курсисига ўтиришга мажбур қилган важларни тушунишга сидқидилдан ҳаракат қилаётгандек кўрсатадилар. Аслида бўлса уларга ҳаммаси ўтган йил ёққан қордек барибир. Бизнинг судьямизнинг исми Ла Ферте эди. Мен унинг айёр кўзларидан ўзини хайрхоҳдек кўрсатишга уринаётганини англадим. Сўроқ пайтида унинг ўзини тутиши бу тахминимни тасдиқлади. У Пьерга майин овоз билан мурожаат қилар экан, жилмайиб қарарди. Айбланувчининг шахсиятига тегмасликка,

унинг ўқишда аъло ўқигани, ҳар жиҳатдан машҳур бўлган Ҳинди-Хитойдаги урушда қатнашгани, хизмат юзасидан эришган ютуқларини қайд этиш, афтидан, буларнинг баридан у хузур туярди. Бамисоли гап унинг ўз ўғли устида борар ва у ўғли билан астойид фахрланаётгандек эди. Судьянинг ўзини бундай тутиши суд жараёнида пайт пойлаб, кутилмаганда ман қилинган зарба беришидан далолат ҳам эди. Лекин бу борада мен адашган эдим. Шахсан менга прокурор ўринбосари Лантье ёқди. У юз тузилиши, очиқ чеҳраси билан ажралиб турарди. Унинг ақл билан иш юритиши сезилиб турарди, чунонам чиройли гапирардики, одамнинг эшитган сайин эшитгиси келарди. Бу каби душман одатда рақибини аяб ўтирмайди. Гарчанд у билан япон фильмларидаги қиличбозлар каби, кетма-кет зарбалар бериб, жанг орасида бир-бирларига қараб таъзим қилиб қўядиганлар каби ҳам курашиш мумкин эсада. Лекин бу борада ҳам мен адашган эдим.

Соат ўн яримда айбномани ўқиб эшиттириш тугади. Раис ўта маданият билан Пьерга мурожаат қилиб, айбноманинг қисқача мазмунини баён этди. У қисқа-қисқа гапирар, Пьер бўлса маъқуллаб ҳар гал калласини қимирлатиб қўяр эди. Ташқаридан вазият рисоладагидек кўринарди: ҳамма масалалар бўйича ҳамманинг фикри бир жойдан чиққандек эди.

— Сиз қайлигингиз Жесса Ваджани севишини, Ваджа унинг маъшуқаси бўлганини, кейинчалик ташлаб кетганини била туриб, Крис Шарьегга уйланганмисиз, — дерди у. — Сиз, Крисдаги Ваджага нисбатан бўлган мойилликни ўртангиздаги никоҳ енгилишга ёрдам беради деб тахмин қилган бўлсангиз керак. Сиз бамисоли бас бойлашдингиз-у, лекин ўйинни ютқаздингиз. Буни сиз илк бор ҳис этган ва дафъатан кўзингиз очилган куни ўзингизда дастлаб ҳис этган нарса бу нафрат эдими? Фақат бу нафрат хотинингизга нисбатан эмас, чунки сизнинг назарингизда у айбдормас, балки жабрланувчи эди, балки хотинингизга ёмон таъсир этаётган эркаққа қаратилган эди, шундайми? Ва сиз 4 апрель куни уникага йўл олдингиз. Ўртангизда гап ўтди ва оқибатда сизлар муштлашдинглар. Шу дақиқадан бошлаб уни бирон кимса тирик кўрмаган. Сиз нафрат ўтида ёниб турган бўлсангиз ҳам, уни ҳаётдан кўз юмишига олиб келувчи зарба етказмаганини таъкидлайсиз. Хусусан, стол устида турган стилетдан ҳам рақибингизга зарб бериш учун фойдаланмаганингизни таъкидлайсиз. Тергов, ўз томонидан, стилетнинг қўндоғида сизнинг бармоқ изларингиз қолганини ва жабрланувчининг ўлган соати айнан сиз ўша ерда бўлган вақтингизга тўғри келаётганини аниқлади. Мазкур суд-экспертизанинг маълумотлари жабрланувчига алоқаси бўлган икки шахс томонидан тасдиқланган, бу гувоҳларнинг кўрсатмасини суд давомида ҳал этишимизга тўғри келади. Бу гувоҳларнинг бири чоракам учда Ваджа эшигининг қўнғироғини босган, — сиз уникадан чиқиб кетганингиз замон — ва унга ҳеч ким эшик очмаган. Бошқа гувоҳ шу вақт оралиғида унга телефон қилган, лекин унга ҳам ҳеч ким жавоб бермаган. Ҳозир биз ҳақиқатан ҳам сиз қандайдир кутилмаган бир тасодиф қурбони бўлган-бўлмаганингизни аниқлашимизга тўғри келади. Шундай бўлиб чиқяптики, Ваджа сиз уникадан чиқиб кетганингиз заҳоти, бир-икки дақиқа ичида бошқа бир кимса томонидан ўлдирилган, лекин қотилликнинг излари полиция томонидан топилмаган ва сўроқ қилинган гувоҳлар эса ҳеч кимни кўрмаган. Ва қотиллик сабабларининг ҳам на сизга, на хотинингизга алоқаси бор. Шу тариқа, агар сиз ўзингизни ҳимоя қилиш мақсадида мавжуд сабаб ва далилларни инкор этаётган бўлсангиз, буни сиз суд жараёнини олиб бораётганлар қалбида иккиланиш туйғусини уйғотиш мақсадида қиялласиз.

Мен раисга жавоб бермоқчи бўлдим, чунки далилларни тақдим этиш услубида унда қандайдир тарафкашлик мавжуд эди. Казарес менинг ниятимни сезганидан ўзининг жундор, семиз бармоқли қўлини елкамга қўйиб, “бе-фойда” дегандек бўлди ва мен ниятимдан қайтдим. Раис биринчи гувоҳни кўрсатма беришга таклиф этди. Бу Крис эди.

Биз, унинг бериши лозим бўлган кўрсатмаларини уч соат давомида муҳо-кама этдик. Бор далилларни Пьернинг фойдасига қаратишга беҳуда уриндик. Крис тўсиқ олдига келиб турди. У ҳар доимгидан ҳам чиройли эди. Мен уни илгарилари кўрганимда унинг кийган кийимлари — ҳинд муслинлари, мек-сиканча этиклари кўпам ҳушимга тўғри келмасди. Лекин бугун у жуда сипо кийинган эди. Эгнидаги қора костюм ва оқ кофтаси унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Ўзини босиқ тутиши ҳам унинг табиатига хос бўлган жон фидойилигидан далолат бериб турарди. Раис унга қараб жилмайиб ҳам қўйди. Крис ёлгон кўрсатма бериб, терговчи шахсида қонунни ҳақорат этгани учун унинг олдига жавобгарликка тортилиши керак эди.

Лекин, деди у, терговчи Фуркад уни жавобгарликка тортмасликни лозим топди. Ва ҳар бир инсонпарвар шахс шу фикрда эканлигини мамнуният билан қўшиб қўйди. Судда иштирок этаётганлар ҳам сўзсиз шу фикрда эдилар, чунки ўзини маънавий жиҳатдан жавобгар ҳисоблаб, барча оғирликни ўз бўйнига олган инсонга қойил қолмоқ керак. Айтилган бу гапларнинг ҳаммаси асос сифатида қабул қилинди ва бу масалага бошқа қайтилмади, лекин гувоҳнинг кўрсатмаларида қутилмаган қирралар мавжудлигини қўшиб қўйиш-ни раис ўз бурчи деб билди. Яъни, у ҳеч иккиланмасдан, эрини халос этиш учун, содир этилган қотиллик бўйича айбни ўз бўйнига олди, лекин унинг хоҳишидан қатъий назар у суд олдига жавоб беради, фақат гувоҳ сифатида, албатта.

Афтидан, суд раиси ўзининг маърузасидан жуда мамнун эди. У Крисни судда ўтирган маслаҳатчилар томонга ўгирилиб, “содир этилган қотиллик юзасидан” барча билганларини сўзлаб беришини сўради.

Биз у билан имкон қадар қисқа гапириши лозимлигини келишиб олган эдик. Пьер уйга қайтгач, алданган эр эканлигини билган дақиқадан бошлаб кечган воқеалар тафсилотини Крис сўзлаб берди. Ўша кечаси ик-каласи ўртасида бўлиб ўтган жанжални, тунни уйқусиз, бедор ўтказганини, эртаси кунни унинг хаёлини банд этган гумонларни сўзлади. Ва сўзининг ниҳоясида бешдан ўн беш дақиқалар ўтганда Ваджанинг олдига борганини гапириб берди.

Айнан, мана шу ерга етганда калит можароси бошланди. Биз Крис билан калит ҳақида у кўпам батафсил гапирмаслиги ҳақида келишиб олган эдик, нима учунлиги кейинчалик маълум бўлади. У эшикнинг қўнғирогини босгани ва ҳеч ким жавоб бермагани, шунда у киришга жазм қилгани, чунки унда устахонанинг калити борлигини айтиши лозим эди, холос. У шундай деди ҳам.

Прокурор Лантье қарши савол-жавоб пайтида калит масаласига, калит унинг сумкасида эканлигига бот-бот қайтишини мен яхши тушунар эдим. Лекин барча умидим Казаресдан эди. Мазкур жараёнда биз ҳимоячиларнинг вазифаси мавжуд далилларни инкор этишдан иборат эмас эди, биз бунинг уддасидан бари бир чиқолмасдик. Лекин ишга биз шундай йўналиш беришимиз лозим эдики, суд маслаҳатчилари воқеани айбномадан фарқли, ўзгача талқин этишларига эришмоғимиз лозим эди. Жуда бўлмаганда уларда иккиланиш кайфиятини уйғотишимиз лозим эди. Масала осон масалалардан эмас эди.

Крис, суд маслаҳатчиларини, у устахонага кирганидан сўнг Ваджанинг ўлиб ётганини кўрганини, Ваджа ярим юзи билан ерга қараб, бир оёғи букланган, чап ўпкасида бўлса ном чиқарган қирғич қадалган ҳолда ётганидан воқиф этди. Содир этилган қотилликда эрини айбдор деб фарз қилиб (мен айнан шу сўзни — “фараз қилиб” сўзини ишлатилишини талаб этдим), бундай бўлиши мумкин эмаслигини хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда, айбни ўз бўйнига олишга қарор қилган. Бундан олдин ҳам у ҳаминша эри Ваджани ўлдир-иши мумкинлиги хавфи остида яшаган. У зудлик билан полиция пунктига қўнғироқ қилган ва улар тезда етиб келишган.

Крис бир дақиқа жим қолди, сўнг давом этди:

— Айтганларимга яна қўшимча қиладиганларим бор. (Назаримда у ўз фикрини ифодалашга сўз қидирарди, овози бўлса ҳаяжондан титрарди.) Мен эримни айбдор ҳисобламайман. Маълум бир вақт шундай фикрда эдим, бунинг учун ундан узр сўрайман. Мен унинг айбдор эмаслигига ишончим комил.

— Суд буни кўриб чиқади.

Мен прокурор ёрдамчиси Лантье стулда зўрға ўтирганини кўрдим, худди остидан пар чиқаётган идиш устида ўтиргандек ўтирарди. Раис унга сўз берганида у шундай аниқ, шундай ўткир ибораларни ишлатиб гапира кетдики, худди сўзларини блюмингдан ўтказиб, сўнг темир пружина ёрдамида отаётгандек эди.

Гувоҳ терговчига гувоҳлик кўрсатмаларини берар экан “тахмин қилиб” деган сўзни ишлатдимми?

— Мен айнан қайси сўзларни ишлатганим эсимда йўқ.

— Хоним, мен сизнинг иккинчи кўрсатмангиз, айнан ҳақиқатни гапирган кўрсатмангиз ҳақида гапиряпман. Унга қадар бўлган гапларнинг ҳаммасини мен истисно этипман. Сиз “содир этилган қотилликнинг айбдори менинг эрим эканлигини билганимдан, мен қарор қилдим” ва ҳ.к. дедингиз.

— Мен буни билишим мумкин эмас эди, — деди Крис жон ҳолатда. — Мен фақат тахмин қилишим мумкин эди.

— Мен бўлсам бошқа фикрдан, — деди Лантье. — Биз бунга яна қайта-миз. У то керакли ҳужжатни топгунича бир оз жим қолди, сўнг давом этди. — Гувоҳнинг гувоҳлик беришича, содир этилажак қотиллик ҳақида у, яъни гувоҳ билан эри ўртасида бир кун олдин кечаси ҳам гап бўлган.

— Тасодифан ва фақат назарий жиҳатдан.

— Назария тажрибадан олдин туради. Бу борада сиз шундай деган эдингизми ё йўқми?

— Ҳа, айтганман.

— Нима дегансиз?

— Тахминан шундай деб айтган эдим: токи Ваджа тирик экан, бизнинг бу вазиятдан қутилишимиз мушкул... деб.

— Бунга эрингиз қандай жавоб қилди?

— Ҳеч қандай. У менга худди мен бўлмағур гап гапирганимдек қараб қўйди ва ишлайдиган хонасига кириб кетди.

— Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, демак у сизнинг фикрингизни умуман олганда қувватламади... гарчанд эътироз билдирмаган бўлса ҳам, суд маслаҳатчиларига қараб қўйиб, буни қайд этиб қўйишларини сўради.

Бу ишни у бир оз кўполроқ қилиб бажарди. Мен гапирмоқчи эдим, лекин раис навбатим келганда гапиришимни айтиб, менга сўз бермади.

— Шундай қилиб, — давом этди Лантье, — олдимизда сиз берган фикр билан кечасини ўтказган одам тўрибди. — Бу сўзларни айтар экан, у мен тарафга қаради, худди билдирмоқчи бўлган эътирозимнинг олдини олмоқчидек. — Буни биз, айнан сизнинг мижозингиз биринчи бўлиб ўз кўрсатмаларида иқроор бўлганига асосланган ҳолда, жуда яхши биламиз, мэтр.

— Жаноб прокурор, рухсат беринг, ахир менинг мижозим ўз сўзида...

— Мэтр, — деди раис, — жаноб прокурор сўзини тугатгандан сўнг унга жавоб беришингиз учун сизда имконият ҳам, вақт ҳам етарли бўлади.

Сўнг у лутф билан Лантьегга боқиб, давом эттиришини билдирди.

— Мен биринчи мулоҳазамни айтмоқчи эдим, — давом эттирди у. — Биз ҳаммамиз Ленэ хоним ва унинг эрининг кўрсатмаларига асосан ўша кечаси, яъни улар гаплашиб ўтиришганида Ваджани ўлдиришга қарор қилинмаган бўлса-да, лекин режалаштирилганини биламиз.

Бу кўрсатмалар, албатта, бир-бирига тўғри келмаяпти, лекин тўғри келмаслиги ҳали ҳеч нарсани исботламайди. Бу уларнинг ҳар бири рост гапираётгани билан ёки иккаласи беравар ёлгон гапираётгани билан изоҳланиши мумкин. Унинг бу фикрига мен ҳаёлан қўшилдим.

У нимага шама қиялпти? Мен ёнимда ўтирган Казаресга қарадим. Афтидан, кечаётган суд жараёнининг йўналиши уни бутунлай қизиқтирмаётгандек эди, у қўлидаги папкасининг устига қалам билан алланималарни чизиб ўтирарди. Унинг ўзини тутиши мени бир оз тинчлантирди, елкаларимни ростлаб, бир оз бўшашишга ҳаракат қилдим.

— Энди бошқа масалага ўтамиз, — деб гапида давом этди Лантье. — Мен гувоҳдан ўнинг ўша кунни сешанба соат бешларда қандай қилиб устахонага кирганини сўрамоқчи эдим.

“Бошланди”, — деб ўйладим мен.

— Ленэ хоним ҳозиргига бизга: “Мен ўз калитим билан очиб кирдим”, — деб айтди. Айнан қайси калит билан?

— Ваджа устахонасининг калити билан, — деди паст овоз билан Крис.

— Буни мен тушуниб турибман. Лекин калит қандай қилиб сизда бўлиши мумкин?

— Бир йил муқаддам Ваджа билан муносабатларимиз бузилганда, калит тасодифан менда қолиб кетган эди...

— Турмушга чиққанингиздан сўнг, Ваджа билан муносабатларингиз тиклангач, унинг устахонасига кириб-чиқиш учун сиз яна шу калитдан фойдаланиб юрдингизми?

— Йўқ, — деди у. — Мен калитни қути ичига ташлаб, у ҳақда унутган эдим.

— Унда қандай қилиб Ваджа ўлдирилган кун калит сизнинг сумкангизга тушиб қолди.

— Мен калитни олгани уйга кирдим...

— А-ҳа! — деб севиниб кетди у. Унинг кўзлари ўта қизиқ воқеани гапириб бераётган кишининг кўзларидек ёнарди. Лекин у воқеани айнан Крис гапириб беришини истар эди.

— Хўш, тушунтириб беринг, маслаҳатчи хоним ва жанобларнинг қулоғи сизда...

— Ўша кунни соат тўртларда ишдан қайтар пайтимда мен Ваджанинг олди-га кирмоқчи эдим. Чунки Пьер ва Джесс бир-бирига нималар деганини билишга ошиқар эдим.

— Нима учун у ерга биратўласи ишдан чиқибок бормадингиз?

Крис ерга қаради.

— Мен сизга ҳозир нима учун бормаганлигини тушунтириб бераман, — деди Лантье важоҳатли овоз билан.

У бақриб гапирмаса ҳам бўларди, худди темир йўлни кўрмай ўтиш мумкин бўлмаганидек, унинг далилларини ҳам сезмаслик мумкин эмас эди.

— Чунки у сизга ҳеч қачон эшикни очмаслигини билар эдингиз. Буни сиз тахминан эмас, аниқ билар эдингиз. Ичкарида бўлиб ўтган қотилликни ўзингиз ичкарига кирмай туриб бўйнингизга ололмасдингиз, шу боис калит сизга зарур эди. Сиз калитни эрталаб ишга кетаётган вақтингизда биратўласи олиб кетишингиз мумкин эди. Лекин сиз бундай қилмадингиз. Нима учун? У сизга эшикни очолмаслигини ҳали билмас эдингиз. У ўлиб ётган бўлиши мумкинлигидан сиз беҳабар эдингиз.

Маъруза залда шов-шув уйғотди. Куртуа жонсарақ бир ҳолатда ҳаммасини ёзиб борарди. Лавин қўли билан даҳанини тутиб, юзида хайрхоҳлик аломатлари билан тинглаб ўтирарди. Прокурор ёрдамчиси Лантье содир этилган қотилликнинг учини бирон-бир тахминга асосланмаган ҳолда ечишга ҳаракат этаётгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

— Хўш, давом эттираемиз, — деди у. — Дивизия комиссари Дюффен эътиборни тортадиган бир текшириш ўтказди, яқин орада биз унинг кўрсатмаларини эшитаемиз. Жаноб Джесс Ваджа яшаган Ламбаль кўчаси ва жаноб Ленэнинг ишхонаси жойлашган Перголеза кўчаси оралиғида йўқ деганда учта телефон автомат бор. Битгаси Ла Мюэт метро бекатида, яна битгаси Жорж-

Мандель чорраҳасида, яна биттаси Виктор Гюго майдонида жойлашган. Соат икки билан учнинг ўртасида билишимизча, сиз иш жойингизда — “Альгарик” фирмасида бўлгансиз. Коммутатор ишламаган, чунки у соат учдан, тушликдан сўнг ишини давом эттиради. Демак, хонада сиз бир ўзингиз бўлгансиз...

Мен гапга аралашиш учун яна ўрнимдан турдим, раис яна менинг ўтиришимни илтимос қилди. Бу гал у қўли билан ишора қилди. Шунда мен Казаресга қарадим, у ухлаб қолай деган эди. Бу вақт ораллигида Лантье фикрини шакллантириб улгурган эди. Унинг хаёлига келган фикр кўпам мураккаб эмасди. Одатда айнан шунақа содда фикрлар хавфли бўлади: “Агар Крис Ваджанинг ёнига у ўлдирилган куни қўлида калит билан борган бўлса, демак бу ишни у Пьер ҳозир содир этган қотиллиги ҳақида унга телефонда хабар бергани учун борган. Шундай қилиб...” — шу ерга етганда Лантьеда бирон-бир нарсага ишонч қолмаган эди ва у айтганларининг ҳаммаси тахмин эканлигига иқрор бўлди ва (бу жуда маҳорат билан ишлатилган усул бўлиб, қолган далиллар шубҳага ўрин қолдирмаслигини билдирарди, “... шундай қилиб эр-хотин нима иш қилиш лозимлиги ва уни қандай қилиб амалга ошириши ҳақида бемалол бир қарорга келишиб олишган бўлишлиги мумкин”.

— Мен бунинг бизга нима нафи бўлиши мумкинлигини умуман тушунмадим? — деб жуда ўринли эътироз билдирди Крис.

— Сизнинг саволингизга жиноят кодекси жуда яхши жавоб беради, — деб ўз билганидан қолмасди Лантье. — Бу қотилликни амалга оширишда сиз қизишганингиздан, эрингиз бўлса қасддан ҳаракат қилган. Вазиятни енгиллаштирувчи бир қанча имкониятларга сиз ишонингиз мумкин эди, эрингиз бўлса ишонмайди.

— Сиз бир нарсани унутяпсиз, — деб ҳайқирдим мен, бу гал мени гапиришдан ҳеч ким тўхтатолмасди, — Кристина Ленэ онгли қилганига иқрор бўлди. Бу ишнинг 36 қисмида акс эттирилган.

— Тўғри, даставвал, шундай бўлган эди. Лекин, кейинчалик фикри ўзгарди.

Мен жим қолдим. У ҳақиқатан ҳам ўзига-ўзи қарши фикр билдирган эди.

— Нима бўлганда, азизим мэтр, — деб фикрини якунлади у, — мен фақат ўзимдаги тахминларни баён қилдим. Мен бу тахминларимни исботловчи бирон-бир далил ҳам келтиролмаслигимни бўйнимга оламан. Хонимлар ва жаноблар, ягона айтишим мумкин бўлган нарса — бу менинг тахминим, сиз суд жараёни давомида мавжуд далилларга қарши тузмоқчи бўлган тахминингиздан қолишмайди.

У ажойиб зарба берди ва бу билан олдиндан менинг йўлимни тўсди. Жаноб Лантье жойига ўтиришдан олдин қоққан қозигини янада чуқурроқ киритишни лозим кўрди:

— Эр-хотин тил бириктирган деб, тасдиқлолмайман. Лекин, Ленэ хоним, Ваджанинг ёнига келган айни вақтда у сўзсиз ўлган бўлишини билгандек ҳаракат қилган деган фикримда ҳар қалай қатъий тураман. Ҳозир бизга у буни тахмин қилган деган фикрни тушунтиришга ҳаракат қилишади... унинг ёнига янги-янги тахминларни қалаштириб. Нима бўлганда ҳам, бундай фикр ҳимоя тарафдан кун тартибига қўйилади. Чунки назарий жиҳатдан Ваджа юз мингта бошқа одам томонидан ҳам ўлдирилган бўлиши мумкин... Суд масаланинг бу томонини ҳам кўриб чиқишидан умидворман. Лекин суд шу нарсани ҳам унутмаслиги керакки, қилмаган қотилликни бўйнига олган ушбу аёлнинг бу айёрони нияти дейсизми, ўзини қурбон қилиш деб атайсизми, қандай истасангиз, шундай деб номланг, тагида қатъий бир асос бўлган. Тахмин юзасидан бундай ҳаракат қилишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун инсонда қатъий ишонч ҳам бўлиши керак. Ёлгон иқрор қатъий бир ишончга асосланган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, эр-хотин ўртасида бу масалада яқдиллик бўлганми? Бунда масала шерикчиликка бориб тақалади... Ёки бу қарорга иккаласидан бирининг ташаббуси туфайли юзага келинганми? Бу ҳам масалага ойдинлик киритмайди. Мен бу фикримни қайтараман ва шу

фикримда қатъий тураман. Ленэ хоним 4 апрел куни, куннинг иккинчи ярмида эрининг қотил эканини тахмин қилган ҳам, қўрққан ҳам, тасаввур қилган ҳам эмас, у шубҳасиз буни билган. Ишонч бўлмаса, унинг оиласи барбод бўлади ва қилган барча хатти-ҳаракати мазмунини йўқотади. Шунда савол туғилади: агар эрининг ўзи айтмаса, у Ваджанинг ўлганини қаердан билган бўларди? Бизга ҳозиргина эътироз билдиришди: яъни Ленэ хоним Ваджага ўзи телефон қилган ва у гўшакни кўтармаганлиги сабабли ёмон фикрга борган деб. Бу жуда кулгили. Қачондан бери телефон қўнғироғига жавоб олинмаганда қотиллик содир этилган деган фикрга бориладиган бўлинган. Гувоҳ Лемонэ ҳам, биз унинг кўрсатмаларини яқин орада эшитамиз, худди ўша куннинг иккинчи ярмида икки марта телефон қилган. Бошқа бир гувоҳ ҳам Ваджанинг эшигига келиб қўнғироқни босган, унга ҳеч ким жавоб бермаган. Лекин униси ҳам, буниси ҳам Ваджани ўлган деб гумон қилишмаган.

Азбаройи худо, прокурор ёрдамчиси худди ҳимоячидек гапирарди, раис бўлса унинг шу зайлда гапини давом эттиришига монелик қилмасди. Маслаҳатчилар унинг сўзамоллигига мафтун бўлиб қолишган эди. У жойига келиб ўтиргач, раис ҳимоячига сўз бериш учун бизга қаради. Мен қимир этмадим, Казарес ўрнидан туришини кутдим. Лекин мен сифинувчи зот ҳам ўрнидан туришини ўйламасди, залда шовқин кўтарилди. Ниҳоят, мен ўрнимдан турдим. Мен ўзимда эмасдим.

Давоми бор.



SUMMARY

The magazine which was published in July was opened with the novel written by Bernard de Sen'per "Poul and Vergenia". Then was published comedy "Halala" written by Turkish writer Rashod Nuri Guntekin. Reading "Poetic meridian" readers get great information about American poet work Henry Longfellow. Also about black market written by A. Avtocratov public article, "Famous scholar and traveller" written by Kh. Zayniddin, the "Galina" essay by G. Vishnevskaya, the article "Halima Nosirova" written by M. Mirzo etc. The stage of spiritual topic of article, the researching work of Z. Isomiddinov about Mirtemir's translating activity is given to the attention of readers. The detective novel written by Frances scholar Poul Andreota "The difficult's of life" was published in this issue too.



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

“Жаҳон адабиёти” журналига 2002 йил учун обуна давом этмоқда.

Дунё адабиётининг нодир намуналаридан, умумбашарий маънавий қадриятлар ва маданий ҳаёт янгиликлари, шунингдек, тарихий-фалсафий, адабий-публицистик мақолалар, янги китобларга тақризлардан баҳраманд бўлишни истасангиз “Жаҳон адабиёти”га ёзилишни унутманг.

Журналимизга республиканинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

Индекс:

Якка тартибда — 828

Ташкилотлар учун — 829